

Б. Шўхриев, С. Махсумханов,

М. Эрешова

ЎЗБЕК
АДАБИЁТИ 9

Кыргыз Республикасынын Герби



Кыргыз Республикасынын Желеги



Кыргыз Республикасынын Мамлекеттик Гимни

Сөзү: Ж. Садыков, Ш. Кулуевдики

Муз.: Н. Давлесов, К. Молдобасановдуку

Ак мөңгүлүү аска-зоолор, талаалар,
Элибиздин жаны менен барабар,
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,
Сактап келди биздин ата-бабалар.

Кайырма: Алгалай бер, кыргыз эл,
Азаттыктын жолунда.
Өркүндөй бер, өсө бер,
Өз тагдырын колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,
Досторуна даяр дилин берүүгө.
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

Кайырма:

Аткарылып элдин үмүт-тилеги,
Желбиреди эркиндиктин желеги.
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,
Ыйык сактап, урпактарга берели.

Кайырма:

OTK

Б. Тўхлиев, С. Махсумханов, М. Эргешова

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ

Умумтаълим мактабларининг
9 - синфи учун дарслик - мажмуа

Қирғизистон Республикаси
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган



Издание учебника осуществлено при поддержке
Межгосударственного фонда гуманитарного
сотрудничества государств-участников Содружества
Независимых Государств.

Ўш – 2012

УДК 373.167.1
ББК 83.3 Уз я 721
Т 91

Масъул муҳаррир: Р. Турсунов – ЎшДУ доценти, педагогика фанлари номзоди

Таҳрирчилар: Абдуразаков Аъзамжон - Ўш шаҳридаги 29-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, Қирғизистон халқ таълими аълочиси
Отахонова Зубайда - Қорасув туманидаги Ибн Сино номли ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Т 91 Ўзбек адабиёти: Қирғизистон Республикасидаги умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик-мажмуа. Б. Тўхлиев, С. Махсумханов, М. Эргешова, - Ош.: 2012.-288 б.

ISBN 978-9967-602-94-6

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун «ДАРСЛИКЛАР ЯРАТИШ МАРКАЗИ» томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни «Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

Бизнинг манзил: Ўш шаҳри,
Г. Айтиев кўчаси, 27,

Т 4306020400-12

УДК 373.167.1
ББК 83.3 Уз я 721

ISBN 978-9967-602-94-6

БАДИЙ СЎЗ ҚУДРАТИ

Ўзбек адабиёти жуда бой, қадим тарихга эга. Унинг ўзига хос шаклланиш ва тараққиёт йўли, ривожланиш қонуниятлари бор. Буларни ҳис этиш, англаш ва умумлаштириш учун унинг тарихини пухта ўрганиш зарур. Адабиёт тарихи сўз санъатининг ривожланиш жараёнлари, мумтоз намоянадалари ҳақида маълумот беради. Бу фан туфайли қадимда яшаб ижод этган буюк адиблар яратган нодир асарлар, бадий тафаккурдаги ривожланиш ва янгиликлар ҳақида тасаввур ҳосил бўлади.

Ўзбеклар қадимги туркий халқларнинг авлодларидан биридир. Бошқачароқ айтадиган бўлсак, қадимги аجدодларимиз **туркийлар** деб номланган. Қадимги аجدодларимиз Бақтрия, Сўғдиёна, Хоразм, Парфия, Марғиёна, Чоч, Паркана (Фарғона) ва бошқа жойларда яшаганлар. Юнон ва Эрон манбаларининг маълумотларига кўра, бу ерларда яшаганларни сўғдийлар, хоразмийлар, парфияликлар, марғиёналиклар, чочликлар, массагет, сак ва парканлар деб аташган. Манбаларда хунлар деб ном олган халқлар ҳам туркийларнинг қадим аجدодларидир.

Туркийларнинг қадим аجدодлари турли вақтларда оташпарастилик, малоҳийлик (христианлик), буддавийлик, манихейлик (монийлик) ва ислом динига эътиқод қилганлар.

Ёзма адабиётнинг илк намуналари Ўрхун-Энасой битиклари билан боғлиқ. Бу ёдгорликлар эрамининг VI–VIII асрларида яратилган. Улар илк тарихий-бадий асарлар сифатида қимматли. Кейинги асрларга келиб адабиётимиз бой тажриба тўплади. Бу даврда туркий тилда ёзилган илк бадий дoston – Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билим” (“Саодатга йўлловчи билим”) (1069 й.) асари юзага келди. Юсуф Хос Ҳожиб бошлаб берган дostonчилик анъанаси кейинчалик Аҳмад Югнакий, Сайфи Саройи, Қутб, Ҳайдар Хоразмий каби шоирлар ижодида давом эттирилди.

Тўртлик, рубоий, туюқ, мураббаъ, ғазал, қасида, маснавий, нома каби жанрларнинг ўзбек адабиётидаги тарихи ҳам анча қадимги даврларда шаклланган. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Сайфи Саройи, Атоий, Лутфий каби шоирларимиз бу жанрларнинг ривожланишида катта хизмат қилганлар.

Ўзбек насрининг тарихи ҳам қадимги даврлардан бошланади. “Широқ”, “Тўмарис” каби афсоналарнинг асл матни сақланиб қолмаган. Улар юнон тарихчиларининг асарлари орқали бизгача етиб келган. Ўрхун-Энасой обидаларида ҳам наср излари мавжуд. Шунингдек, “Олтуз ёруқ” сингари таржима асарлар ҳам насрда битилган. Шубҳасиз, бу Ҳоҳада Носируддин Рабғузийнинг (XIII–XIV

асрлар) алоҳида ўрни бор. У "Қиссасул анбиё" ("Пайғамбарлар тарихи") асари билан ўзбек насрини ўз даврида юқори чўққига олиб чиққан, дейиш мумкин.

Адабиёт жамият ҳаётининг ўзига хос ифодасидир. У жамият тарихидаги жиддий ўзгаришларни хилма-хил образлар воситасида турли бадий шаклларда акс эттиради. Шунга кўра, эрамининг VIII асригача яратилган асарларда исломдан олдинги урф-одат ва эътиқодлар, халқ тарихи ифодаланган бўлса, кейинги даврларда ислом таълимоти билан ҳамоҳанглик кучайганини кузатиш мумкин. Хусусан, тасаввуфнинг адабиётдаги кўриниши жамият ҳаётидаги кескин ўзгаришлар билан алоқадор ҳолда ривожланди.

Адабиёт, аввало сўз ва руҳият санъатидир. У инсон руҳиятидаги ниҳоятда нозик товланиш ва оҳанглари илғашга, уларни акс эттиришга интилади. Энг юксак поғоналарга чиқа оладиган бадий адабиёт намуналари инсониятни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган ўй-фикрлар, кечинмалар, орзу-умидларни ифодалайди.

Инсонлар бир-бирларига ўхшамаганларидай, уларнинг қалб кечинмалари ҳам такрорланмасдир. Ўзбек адабиёти тарихи нозик руҳий ҳолатларни маҳорат билан акс эттирган дурдоналарга бойдир. Улар ҳозирги авлод руҳиятида, қалбида ҳам ҳаяжон уйғота олади, уларнинг маънавий бойликларига тегишли ҳисса қўша олади. Муҳими, улар бадий дидимиз такомилга, маънавий камолотга хизмат қилади.

Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, театр, кино, мусиқа ва бадий адабиёт санъат турларидир. Уларнинг барчасида юксак бадий таъсирчан образ яратиш кўзда тутилган. Аммо бу мақсадга эришишнинг йўли турли-тумандир. Масалан, мусиқа товушлар уйғунлигига, товушларнинг ҳиссий ифодасига боғлиқ. Тасвирий санъат учун рангларнинг ўзаро муносиблиги алоҳида аҳамият касб этади. Рассомга бўёқ ва мўйқалам ёрдам беради. Ҳайкалтарош эса ҳам материалдаги (тош, ганч, ёғоч, металл) ортиқча ўринларни йўниш ҳисобига гўзаллик яратади. Адабиёт эса, бу санъатлардан сўз ва руҳнинг беқисс имкониятлари билан фарқланади.

Аммо ҳар қандай матн ва сўзлар бадий адабиётга дахлдор бўла олмайди. Бунинг учун сўз муайян бадий-эстетик вазифани бажариши лозим бўлади. Шунга кўра ҳам бадий адабиёт воқеа-ҳодисаларни ёки инсоний кечинмалар, ҳис-туйғуларни баён қилмайди, балки уларни тасвирлайди.

Тасвир сўзга таянади. Сўз сеҳр, мўъжиза билан ўзига маҳлиё қилади, ром қилиб олади. Шунинг учун гўдак аллага, кичик ёшдаги бола эртакка, катталар бадий ижоднинг турли кўринишларига ниҳоятда қизиқиб қарайди, уларнинг оламига кириб қолгач, ўзини ҳам шу оламдан деб билади.

Шу ўринда "Адабиётнинг таъсир кучи нимада? У нимага боғлиқ?" деган табиий саволлар туғилади.

Бунинг учун йирик сўз санъаткорлари яратган ажойиб асарларнинг халқ орасида алоҳида ҳурмат ва эътибор қозонганлигини эслаш жоиз.

Юсуф Хос Ҳожиб 1069–70-йилларда “Қутадғу билиг” дostonини тугатади ва уни қорахоний ҳукмдорлардан Табғач Буғро Қорахон Або Али Ҳасан бинни Арслонхонга тақдим этади. Шу кунгек ҳукмдор адибга мамлакатдаги энг юқори мансаблардан бири – Хос Ҳожибликни беради. (Хос Ҳожиб – эшик оғаси демакдир. Ҳозирги тилимизда у “иш бошқарувчи” лавозимига тўғри келади)

Яна бир мисол. Алишер Навоий “Хамса” дostonини тугатгач, уни Ҳусайн Бойқарога совға сифатида топширади. Ҳусайн Бойқаро бутун аёнлари олдида Навоийни ўз “ири” деб эълон қилади ва шоирни отга миндириб, ўзи халқ олдида унинг олдига тушиб, жиловдорлик қилади. Бу мамлакат подшосининг буюк истеъдод эгасига нисбатан ҳурмати ва эътирофи рамзи эди.

Ўзбек халқининг ижодкорларга нисбатан алоҳида ҳурмат ва эътиромни ҳам маълумдир. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асаридида “Ардам баши – тил” (“Барча фазилатлар бошланиши тилдир”) деган мақол учрайди. Демак, тил ва бадий сўзнинг қудратига қадим замонлардаёқ алоҳида эътибор берилган.

XI аср шароитида Юсуф Хос Ҳожиб шоирларни “сўз терувчилар” деб таърифлайди. XIV асрда эса Сайфи Сароий шоирларни “сўз булбули” дейди. Навоий шоирларни “руҳ чаманининг хушхон булбуллари” дея тавсиф қилади. Зеро, сўз адибларнинг ўз назарларида ҳам мўътабар мавқега эга.

Юсуф Хос Ҳожиб сўз ва тилга катта баҳо беради. У тилни билим ва ақл-идрок таржимони деб атайди. Мана, адиб фикрларидан айрим намуналар:

Киши сўз била кўпти, бўлди малик,
Ўкуш сўз башиг ерка қилди кулик
(Киши сўз туфайли кўтарилади, подшоҳ бўлади,
кўп сўз бошни ерга этади).

Кишидин кишика қумару сўз – ул,
Қумару сўзи тутса осғи юз – ул.
(Кишидан кишига қоладиган мерос сўздир.
Мерос сўзни тутсанг, нафи юз-юздир.)

Бундай фикрларни адиб Аҳмад Югнакий ижодида ҳам кўрамиз. У “адаблар боши тил кўдазмак (сақламоқ)дир” деб Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” идаги мақолга ҳамоҳанглик қилади. Адиб Аҳмад сўзни касал руҳ ва дилларга шифо деркан, бунда бадий сўзин эътиборга олганига шубҳа йўқ.

Сайфи Сароий бадий сўз қудратини шоирлар истеъдодига боғлайди. Шунинг учун ҳам у:

Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,
Кими булбулдурур сўзда, кими зоғ, –

дея шоирларни иккига ажратади. “Сўзда булбул” бўлганларнинг “мавзуну ширини” ашғорларига таърифу таҳсинлар айтади.

Хоразмий (XIV аср) назарида ўз она тилида пайдо қилинган китоб аждодларнинг авлодларга қолдирган армуғонидир. Шоир “шакартек тил била оламини тутиши” мумкин.

Алишер Навоий сўзга ниҳоятда юксак баҳо беради. У:

Сўзким нисонни жудо айлади ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин, –

деб таъкидлайди.

Бугина эмас, адибнинг фикрича:

Жисм бўстонига шажар¹ сўздур,
Рух ашжорига² самар³ сўздур.

Алишер Навоий ҳам ўз салафлари⁴ қатори бадний сўз кудратини жуда аниқ мисолларда кўрсатиб берган:

Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа
Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа.
Чекиб Хусрав доғи тиғи забонни,
Юруб фатҳ айласа Ҳиндустонни.
Яна Жомий Ажамда урса навбат
Арабда доғи чолса кўси шавкат.
Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.
Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Қўнгул бермиш сўзимга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам.
Не мулк ичраки бир фармон йибордим,
Анинг забтига бир девон йибордим, –

дея ҳақли равишда фахрланган эди.

1 Шажар – дарахт.

2 Ашжор – дарахтлар.

3 Самар – мева.

4 Салаф – илгари утган ҳамфир, устоз.

Мана шундай “шакартек тил била оламини тутган” “руҳ чаманининг хушхон булбуллари”, “фасоҳат мулкининг соҳибқиронлари” сўз хазиналаридаги бебаҳо дурдоналарни **адабиёт тарихи** ўрганади.

Адабиёт ҳам фан каби олам ҳодисалари ҳақида билим ва маълумот беради. Бу жиҳатдан у фанга, фаннинг тармоқлари: фалсафа, табиатшунослик, кимё, физика, тарих ва бошқаларга ўхшайди. Аммо ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш усулига кўра улар ўзаро фарқланади. Зеро, фан илмий умумлашмаларга таянса, адабиёт бадий образларга суянади.

Фан жамиятнинг муайян қисми шуғулланадиган соҳа. Масалан, кимё фани билан ҳамма шуғулланмайди, бунинг учун муайян қизиқиш, малака ва тажриба, жиддий илмий тайёргарлик керак. Физика, математика, ботаника, табиатшунослик ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бадий адабиёт эса кишиларнинг ёши ва жинси, касби ва лавозимига боғлиқ эмас. Уни ҳамма ўқиши мумкин ва унга ҳар бир инсон қизиқади. Бошқа юрт ва мамлакатларда яратилган бадий асарлар ҳам севиб ўқилиши мумкин. Қадимги юнон адабиёти (“Илиада”, “Одиссея” ва б.), “Ўрхун-Энасой” обидалари, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си, Навоий “Хамса”си жаҳон халқлари учун гўзал маънавий мулкдир. Демак, адабиёт кўпчилик учун, халқ учун хизмат қилади. Адабиётнинг **оммавийлиги** унинг асосий хусусиятларидан биридир.

Адабиёт маълум шахслар, алоҳида қобилият ва истеъдод эгалари томонидан яратилади. Аммо асар битилганидан кейин у халқ мулкига айланади. Шунинг учун ҳам айрим адиблар номи халқ номи билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Масалан форс-тожик адабиёти деганда Рудакий, Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Жомийлар; рус адабиёти деганда Пушкин ва Толстой; қозоқ адабиёти деганда Абай ва Мухтор Аvezов; қирғиз адабиёти деганда Чингиз Айтматовлар эсга олинади. Ёки Навоий, Бобур, Огаҳий, Машраб, Муқимий деганда жаҳон ўзбек халқини эслайди.

Биз юқорида бадий адабиёт ҳам олам ҳодисаларини англашда ёрдам беришини айтиб ўтган эдик. Аммо бу унинг асосий хусусияти эмас. Адабиёт халқ, жамият ва шахс ҳаётида ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Адабиётни ҳаёт ойнаси, кўзгуси дейиш мумкин. Таниқли рус адабиётшуноси В. Г. Белинский бу ҳақда шундай ёзади: “Поэзия тарихга содиқдир. Тарих қолдирмаганини поэзия ҳам бера олмайди”. Дарҳақиқат, поэзияда, яъни адабиётда халқ тарихининг, жамият ҳаётининг энг муҳим қирралари акс этади. Жумладан, Ўрхун-Энасой обидаларида қадим аждоқларимизнинг мустақиллик, эрк, озодлик йўлидаги курашлари ифодаланган бўлса, “Широқ”, “Тумарис” каби афсоналарда қадимги аждоқларнинг ёвуз босқинчиларга қарши мардонавор кураши ҳамда она-юрт ҳимояси йўлидаги жашговар қаҳрамонликлари ифодаланган. Булар тарих ҳақиқатига ҳам мосдир. Ёки мўғул истилочиларига

қарши кураш бир қатор асарларда ўз бадий ифодасини топган. Шулардан бири сифатида “Сухайл ва Гулдурсун” (Сайфи Саройи) дostonини эслатиш мумкин. Демак, адабиёт тарих билан ёнма-ён яшайди. Аммо уларнинг тасвир объектлари бошқа-бошқадир. Тарих кишилик жамиятининг тараққиёт тарихини ўрганувчи фандир. Бадий адабиёт эса турли даврлардаги халқ ҳаётини, инсон руҳиятининг ўзига хос қирраларини кашф этади.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида қадимги қабилавий ҳаёт, овчилик, деҳқончилик, чорвачилик билан боғланиб кетадиган лавҳалар кўп учрайди.

Бадий асарлар инсон кечинмалари билан боғлиқ. Уларда инсоний ҳузур ва алам, шодлик ва қайғу, бахт ва кулфат, ифтихор ва афсус, куйинчаклик ва лоқайдлик тасвир этилади. Шунинг учун ҳам инсоният адабиётга бефарқ қарай олмайди. Ундан ўз кўнгил мулкени – маънавиятини бойитиш учун фойдаланади. Ёш авлод вакилининг муайян асар қаҳрамонларига тақлид қилиши бежиз эмас.

Адабиёт ҳаётнинг инъикоси сифатида ҳар қандай ҳодисани акс эттириши мумкин. Бадий асарларда уруш ва тинчлик, тоғ ва дарёлар, шаҳар ва қишлоқ, инсон ва ҳайвонот дунёси, ўсимликлар олами, ҳатто сукунат ҳам қаламга олинаваради. Аммо буларнинг барчаси инсон қалби, унинг руҳияти, маънавияти билан боғлиқ бўлади. Демак, адабиётнинг марказида ҳар доим инсон туради. Аммо бу ҳар бир асарда инсон образининг қатнашувини шарт қилиб қўймайди. Масалан, гул, баҳор, қуш, тош, от, мушук тасвирига бағишланган асарлар бўлиши мумкин (Бундай асарлар кўп). Аммо бу асарларда ҳам инсоннинг борлиққа бўлган муносабати акс этган. Аслида булар инсоннинг гўзалликка интилиши билан боғлиқ. Шу маънода адабиётни эстетик тарбия воситаси дейиш мумкин. Зеро, у инсон қалбининг гўзалликдан завқ ва баҳра олишига яна бир имкон беради. Қабоҳат, разолат, ёвузлик тасвирида эса инсоннинг уларга нисбатан нафрати ифодаланган бўлади. Бунда адабиётга бадий тасвир – **образлилик** ёрдам беради.

Образлилик санъат ва бадий адабиётнинг ҳамма қисмлари учун хосдир. Маълумки, асардаги ҳар бир шахс, ҳодиса, нарсa бизнинг кўз ўнгимизда намоён бўлади. Биз уларнинг сўз билан чизилган суратини кўра оламиз. Фақат бу сурат ҳаракатсиз ҳолатда эмас, балки муттасил ҳаракатда, бир-бири билан қарама-қаршилик вазидиятларда кўринади. Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида XI асрдаги туркий халқлар ҳаётининг айрим манзаралари қаламга олинган.

Адабиёт жамият тарихи билан узвий боғлиқликда тараққий этади. Унинг тараққиёт босқичлари турли даврлардаги халқнинг тарихий тақдири билан боғлиқдир. Айрим мутахассислар адабиёт тарихи босқичларини подшоларнинг, сулолаларнинг ҳукмдорлик даврлари билан, бошқалари эса йирик тарихий

ҳодисалар билан боғлашади. Адабиётнинг ўзига хос қонуниятлари борки, уларни билиш бадний-эстетик тарбия эҳтиёжидан келиб чиқади. Адабиёт тарихини даврлаштиришда юқоридаги омиллар билан бирга, яна адабий жараённинг етакчи тамойилларини, умумий мазмунини, адабий тур ва жанрларнинг шаклланиши ва амал қилиши, адабий жараёни ташкил қилувчи таниқли вакиллари ижоди кабиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Шунга кўра, адабиётимиз тарихини қуйидагича даврлаштириш мумкин:

1. Қадимги туркий адабиёт (Энг қадимги даврдан XIV асргача)
2. Темурийлар даври ўзбек адабиёти (XIV – XVI асрлар)
3. Хонликлар даври ўзбек адабиёти (XVII – XIX асрнинг 1-ярми)
4. Илк мустамакачилик даври ўзбек адабиёти (XIX асрнинг 2-ярми)
5. XX аср ўзбек адабиёти:
 - Ўзбек жадид адабиёти (1900 – 1930 йиллар)
 - Ўзбек совет адабиёти (1930 – 1980 йиллар)
 - Мустақиллик даври ўзбек адабиёти (1990 йилдан ҳозиргача)

Энг қадимги туркий адабий ёдгорликлар Марказий Осиё ҳудудида қадимдан ёнма-ён яшаб келаётган туркий халқларнинг муштарак ижод намуналаридир. VI–VIII асрлар бўйича **умумтуркий адабиёт** деган атама мавжуд. Бу даврларда туркийлар ягона, муштарак этник қатлам сифатида яшадилар. Уларнинг ўзбек, қирғиз, уйғур, туркман, қолоқ, қорақалпоқ, озарбайжон сингарии алоҳида-алоҳида халқларга ажралиб чиқиши кейинги жараёндир. Албатта, бу даврлаштириш ҳам нисбийдир. Чунки, ижтимоий-маънавий ҳодисалар ўзига хос мураккабликларга эга. Бир давр тугаб улгурмасидан, кейин келадиган янги давр унинг «ичида» пайдо бўла бошлайди.

Муҳими, ўзбек адабиётининг тараққиёт босқичлари халқимиз ижтимоий-бадний тафаккури тараққиётидаги ўзига хосликларни, ривожланиш мақсадидаги янгиланишларни ўзида акс эттиради. Улар биргалликда яхлит бир фан соҳасини ташкил этади.

Адабиётни ўрганишдан турли мақсад кўзда тутилиши мумкин. Адабиёт, аввало, инсоният маънавий бойликларининг хазинасидир. Оврupoлик қадимги ва ҳозирги олимлар Марказий Осиё халқларининг тарихи, маданияти, санъати, урф-одатларини ўрганиш мақсадида улар яратган бадний ижод намуналарига муружаат этишган.

XI аср қомуечиси Маҳмуд Кошғарий ҳам илк адабиётшунос, тилшунос, элшунос (этнограф), тарихчи, фольклоршунос олим ва шоирдир. У замонасидаги кўплаб бадний ижод намуналари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ижро усуллари, тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар беради. Кейинги асрларда

шаклланган ва кенг тарқалган тазкирачилик ҳам илк адабиётшунослик намуналаридан биридир.

Хўш, адабиёт тарихини ўрганиш нима учун керак?

Ҳар бир миллат фуқаросининг ўз адабиёти, маданияти, тарихини билишга интилиши – маънавий камолот талаби ва эҳтиёжидир. Халқ адабиёт тарихига оид маълумотларни билиш учун эмас, балки миллий адабиётнинг энг яхши намуналари мазмуни, ғояларини тушуниб, шулар воситасида маънавий камол топиш учун ўрганади.

Азиз ўқувчи! Ўйлаймизки, ушбу дарслигингиздан ўрин олган кўп асрлик тарихга эга бўлган адабиётимиз тарихи дурдоналари сизнинг маънавий камолотга эришувингизга ўз ҳиссасини қўшади.

Савол ва топшириқлар:

1. Туркийлар тарихи ҳақида қандай маълумотларни биласиз?
2. Ўзбек адабиёти тарихи қачондан бошланади?
3. Мақолада бадий адабиётнинг уч муҳим хусусияти: оммавийлик, образлилик, талантлар томонидан яратилиши қайд килинди. Уларга изоҳ бering.
4. Алишер Навоийнинг

Олибмен тахти фармониға осон,

Черик чекмай Хитодин то Хуросон, –

байтнинг шарҳланг: Навоийга бағишланган шеърда шоир Абдулла Орипов ушбу байт мазмунини қандай ифодалайди?

5. Ўзбек адабиёти тарихининг даврлаштириш тартибини айтинг.
6. Қадимги туркий адабиёт намуналарига мисоллар келтиринг.
7. Ўзбек адабиёти тарихидаги қайси жанрларни биласиз?
8. Маданий меросимизнинг замонамиз учун қандай аҳамияти бор?

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ – БЕБАҶО БОЙЛИК

Алпомиш – ўзбек халқ эпоси

“Алпомиш” – машҳур қаҳрамонлик эпосидир.

“Алпомиш” – қаҳрамонлик, ватанпарварлик, халқлар дўстлиги, биродарлик, чин севги ва садоқатни куйловчи дoston. Бу эпоснинг куртаклари қадим замонларда вужудга келди. У асрлар давомида халқ шоирлари томонидан куйланиб, такомиллашиб борди. “Алпомиш” эпосининг ўзбек бахшлари томонидан айтиб келинган бир неча вариантлари бор. Булар орасида энг мукаммали ва бадий жиҳатдан гўзали Фозил Йўлдош ўғли айтиб келган вариантдир. Фозил Йўлдош ўғли оғзидан ёзиб олинган “Алпомиш” биринчи марта 1939 йилда шоир Ҳамид Олимжон сўз бошиси билан босилиб чиқди.

“Алпомиш” қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа халқларнинг ҳам сеvimли эпосидир. Бу халқларда ҳам “Алпомиш”нинг турли вариантлари бор. Ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар ва бошқа халқлар бир-бирлари билан ўзаро иқтисодий-маданий алоқада бўлганлар, ҳамкорлик қилганлар. Шунинг учун ҳам бу халқларнинг бадий ижодиёти бир-бирига яқин ва ҳамоҳангдир. Бинобарин, бу халқлар ижодида Алпомиш ва Гўрўғли каби қаҳрамонлар муштарак (умумлашган) қаҳрамонларга айлиниб кетган.

“Алпомиш”нинг ўзбекча вариантлари ўзбек халқ ижодининг бадий такомилдан, қозоқча “Алпомис” эса қозоқ халқининг бадий тараққиётидан ёрқин бир саҳифадир. Мазкур эпосни ўғузлар “Бамси Байрак”, бошқирлар “Алпамш”, “Алпамша ва Барсин хилу”, уйғурлар эса “Алип Манаш” деб аташади.

АЛПОМИШ

(Дostonдан парчалар)

“Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўғли. Добонбийдан Алшинбий деган ўғил қолди. Алшинбийдан тагин икки ўғил пайдо бўлди: каттасининг отини Бойбўри, кичкинасининг отини Бойсарни кўйди. Бойбўри билан Бойсарни – иккови катта бўлди. Бойсарни бой эди, Бойбўрисини шой¹ эди, бу иккови ҳам фарзандсиз бўлди.

Ана энди ўн олти уруғ Қўнғирот элида бирчупарон² тўй бўлди. Халойиқларни, элатияларни тўйга хабар қилди. Шу тўйга барча халойиқлар йиғилди. Бийлар ҳам тўйга келди. Тўйдаги катталар илгаригидай иззат қилиб, қадимгидай отини ушламади. Бийлар: “Мазмуни бу одамлар бизнинг келганимиздан беҳабар қолди”, – деб отини ўзи боғлаб, маъракаини мажлисга келиб ўтира берди.

Бийларнинг кўнглини хушламади, отини ушламади, остига либос ташламади; ош тортди, сузган товоқни чошламади; ош тортганда ошнинг

¹ Шой – шох.

² Чупарон – суннат тўйи, ўғил болани суннат қилиш.

кетини-бетини тортди. Бу қилган хизматни бийлар кўриб, илгари иззат кўриб юрган одамлар – бийлар айтди: – Бизлар ўн олти уруф Қўнғиротнинг бойи ҳам шойи бўлсак, бизлар келсак, отимизни ушлар эдинглар, кўнглимизни хушлар эдинглар, остимизга либосни ташлар эдинглар, бу дафъа биздан нима кўтоҳлик¹ ўтди, бизни бундай беҳурмат қилдинглар?”

Шунда бир чапани бойвачча уларнинг фарзандлари йўқлигини, ош тортиб эл қарзидан қутилмаганини юзига солади. Ака-ука хафа бўлиб, саксон тилла чупаронга ташлаб чиқиб кетишади.

Бойбўри билан Бойсари Шоҳимардон пирнинг равзасига келишиб уларга фарзанд сўраб беришини илтимос қилишади. Шоҳимардон пир уларга фарзанд сўраб беради. Бойбўри ўғилли ва қизли, Бойсари қизли бўладилар. Ака-ука элга қирқ кун тўй беради. Қирқинчи кун Шоҳимардон пир келиб Бойбўрининг ўғлига Ҳакимбек, қизига Қалдирғоч, Бойсарининг қизига Барчин деб исм қўяди. Ҳакимбекнинг ўнг кифтига беш панжасини уради, кифтда панжа изи қолади. Шундан сўнг Ҳакимбек ўтда ёнмас, қилич кесмас, ўқ ўтмас хусусиятига эга бўлади. Пир Ҳакимбекка ой Барчинни аташтириб, бешиккерт қилиб: “Бу иккови эри-хотин бўлсин, Ҳакимбек билан ҳеч бир киши баробар бўлолмасин, омин оллоҳу акбар”, – деб фотиҳани бетига тортади ва жўнаб кетади.

Болалар уч ёшга етганда мактабга беришади, етти ёшга кириб савод чиқарганларидан сўнг уларни мактабдан олишади. Ҳакимбек ҳарбий ишни ўрганишга, давлатни бошқаришга, шоҳлик вазифо ҳийликилмини эгаллашга ўтади. Ой Барчинни қўй соғмоққа уста бўлсин деб, отаси Кўкқамниш кўлидаги яйловга олиб кетади.

Достонда Алпомниш ёшлигидаёқ фавқулодда кучга эга бўлган паҳлавон сифатида тасвирланади: “Ҳакимбек етти ёшга кирган. Алпинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шу ўн тўрт ботмон ёйини қўлига ушлаб кўтариб тортди, тортиб қўйиб юборди. Ёйининг ўқи яшиндай бўлиб кетди. Асқар тоғининг қатта



¹ Кўтоҳлик – гуноҳ, хатолик

чўққисини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди... Шунда барча халойиқ йиғилиб, келиб айтди: “Дунёдан бир кам тўқсон алп ўтди, алпларнинг бошлиғи Рустами Достон эди, охири бу Алпомиш алп бўлсин”. Охири Алпомишбек алп бўлиб, тўқсон алпнинг бири бўлиб санага ўтиб, олплик отини кўтариб, етти ёшида Алпомиш от қўйилди”.

Кунлардан бир кун Бойбўри билан китоб ўқиб ўтирган Ҳакимбек ўртасида сахийлик ва бахиллик ҳақида баҳс кетади. Ҳакимбек сахий оламининг закот тўлаши кераклигини айтади. Бойбўри бахил бўлиб қолмасин деб укасига киши юборади ва “бир тиррақи улоқ бўлса ҳам” закот тўлаши лозимлиги маълум қилади. Бойсари ғазабланиб, шундай жавоб қайтаради:

Ўз акамга ўзим закот бергунча,
Бошқа юртда жузья¹ бериб юрайини –

деб Бойсари ўн минг уйли ўз элати билан Қалмоқ юртига кўчиб кетади...

Қўнғирот қабиласи қадимги қабилалардан бири бўлиб, у ўзбек, қорақалпоқ, қozoқ ва туркманларнинг уруғларидандир. Қўнғирот қабиласи чорвадор бўлиб, “Алпомиш” да айтилганидек, Амударё ёқаси ва Бойсун кўли атрофида кўчманчилик билан ҳаёт кечирган. Достонда тасвирланган пойга ўтказилган Бобоҳон тоғи Термизнинг шимолидадир. “Алпомиш” достонининг қozoқ ва қорақалпоқ вариантларида ҳам Алпомиш қабиласи яшаган ҳудудлар Амударё ёқаси Бойсун атрофи, деб кўрсатилади. Буларнинг барчаси “Алпомиш” достони Сурхондарё ҳудудида яратилгани ва бошқа жойларга ҳам тарқалиб шуҳрат қозонганини кўрсатади.

Қўнғиротликлар Чилбир чўлидаги Ойнакўл атрофига етиб келадилар. Қалмоқларнинг буғдойзорларини билмай пайҳон қиладилар. Қалмоқлар ўзлари-нинг шоҳига арз қилишганда, қалмоқлар шоҳи Тойчаҳон жазолаш ўрнига, уларга яшаш учун Чилбир чўлини, ичиш учун Ойнакўлни беради.

Қалмоқ шоҳи Тойчаҳоннинг тўқсонга алп баҳодирини бор эди. Уларнинг ҳар бири тўқсон ботмонли совут кияр, ҳар кунини тўқсонга ширбоз² ер эди. Тўқсон алпнинг энг зўри етти ака-ука эди. Каттасини Кўкалдош, кейингиларини Кўкаман, Кўққашқа, Бойқашқа, Тойқашқа, Қўшқулоқ, энг кичигини Қоражон деб атар эдилар. Бойсарининг Барчиной исмли чиройли қизи борлигини билган бу етти алпнинг онаси Сурхайил мастон ўғилларига уни сўраб совчиликка боради, аммо рад жавобини олади. Қалмоқ алплари йиғилиб келганда Барчин уларга шундай дейди:

1. Жузья – Марказий Осиё халқлари тарихидан маълумки, закот ва жузья VIII аср бошларида араблар томонидан аҳолига солинган солиқлар эди. Закот мусулмонларга, жузья эса ислом динини қабул қилмаган кишиларга солинар эди.

2. Ширбоз – ёш кўзи.

“Эшитгин, қалмоқлар, айтган тилимдан,
 Мени олар келмас сенинг қўлингдан,
 Бадбахт қалмоқ, қолма келган йўлингдан.
 Мени олмоққа ҳаддинг борми, қалмоқлар,
 Ўз йўлингга бора бергин, аҳмоқлар.
 Мени оларман деб хаёл қилмагин,
 Кетгин, қалмоқ, келган йўлдан қолмагин.
 Унга қурбон мендай ойимнинг жони,
 Менинг тўрам, билсанг, Бойсун султони,
 Оти Ҳакимбекдир, элда даврони,
 Кўп айланма бунда, қалмоқ, бемаъни
 Хабар етса, алп Алпомиш келмасми,
 Қалмоқларга қиёмат кун бўлмасми,
 Армон билан сендай алплар ўлмасми,
 Ҳолинг билиб, тўғри юрсанг бўлмасми?!
 Манманликман баринг бунда келсан,
 Келган билан мени нима қилсан?!
 Сўз айтгувчи сенга мендай муштипар,
 Билсанг мен ҳам, қалмоқ, сенга баробар,
 Лочиндай айланма бунда, аҳмоқлар,
 Бора бергин ўз йўлингга, бадбахтлар...

Бу сўзни эшитиб, Кўкалош алп туриб айтди: – Ўзбакнинг қизининг дами баланд экан. Кўкамани! Тушиб судраб чиқ бу ёққа!

Кўкамани алп отдан тушиб, отни уйнинг белдовига илдириб, уйнинг ичкарасига кирган, Барчиннинг канизлари кўрқиб, уйнинг тўрида тўпланиб турган. Барчин ибод қилиб тескари қараб туриб эди. Кўкамани алп Барчиннинг бурумидан ушлаб, пойгага қараб торга бошлади. Барчин ўзини ўнгариб қўлини узатди, бир қўли Кўкаманининг ёқасига етди, бир қўли билан белбоғидан тутди. “Ё пирим”, – деб кўтариб, чалқарамон қилиб ерга қўйди. Чап тиззасини кўкрагига қўйиб турди. Оғзи-бурнидан дирак-дирак қон кета берди. Кўкалош алп туриб айтди: – Кўкаманига қараглар, у бу ёққа чиқмади. Ўзбакнинг қизи билан айланишиб қолдимми?

Бирови келиб, от устидан қараб, Кўкаманини кўриб: – Э, ўзбакнинг қизи Кўкаманини босиб ўлдириб қўйибди, – деди.

Бу сўзни эшитиб, бир кам тўқсон алп отдан ташлай берди...”

Аҳволнинг қалтислигини кўрган Барчин Кўкалошга мурожаат қилиб, бешиккерт қилинганига – Алпомишга хабар юборишини, ўртага ҳамма учун баробар шарт қўйишини, шу шартин бажарганга турмушга чиқишини айтиб, олти ойга муҳлат сўрайди. Алплар рози бўладилар...

“Барчин ўн минг уйли Қўнғиротнинг йиғитидан ўн йиғитни сайлаб олди, отасининг тўқай йилқисидан ўн отни сайлаб олди, отларни совитиб тамом қилди. Шунда шундай арза ёзди Барчин: “Олти ойчилик йўлга келдим, қалмоқнинг элига келдим, зўр ёвнинг қўлида қолдим, олти ойга муҳлат олдим, мендан умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса жавобимни берсин”. Арзани ўн бойваччага топширди, отларни эгарлаб, чоқлаб, яхши бор, деб бир сўз айтиб турган экан:

Кечани мунаввар қилар тўлган ой,
Савашли кун тортилади парли ёй,
Кашалда талашда қолди Барчиной,
Борсанг, салом ўйнаб-ўсган эллара,
Кўкқамишдай манзил жойим, чўллара.
Қалмоқлар йиғлатди мендай санамди,
Юрагимга тўлган доғу аламди (р)...
Олти ойга Барчин муҳлат олади,
Қалмоқ элда мусофир бўп жилади...
Кеча-кундуз тинмай йўлни олинглар,
Бий бобома бул хабарни беринглар...

Бу сўзни айтиб Барчин дуо қилади,
Улуғ-катта – бари йиғилиб келади,
Қўл очиб буларга дуо қилади,
Элчи бўлиб Қўнғирот элга жўнади...

Отлар қарсоқдай қотган, тўқсон кеча-кундуз йўл тортган, балки чопарлар Қўнғирот элга, Бойбўрининг давлатхонасига етган; от устидан туриб салом берди. Буларни кўриб Бойбўри айтди: – Булар қандай одам экан, беадаблик билан салом берди менга.

Чопарлар бояги аризани чиқариб берди. Аризани ўқиб билди: келган Барчиннинг чопари экан. Ўн маҳрамни буюрди, чопарларни битта-битта отдан кўтариб олди, чопарларга хизмат қилди, аризани ҳеч кимга билдирмай олиб бориб сандиққа солиб ташлади. Чопарлар йиғирма кун ётди, кўп иззат-икром қилиб, қилди зиёфатди, кўп қилди хизматди. Берган аризасидан ҳеч шобир бўлмади. Чопарлар жўнаймизга тушди, чопарларга зар-зебар инъом бериб, хуш келибсан қилиб, йўлга солиб, чопарга шундай гап тайин қилди: – Бундан кетганча, Қўнғирот музофотидан ўтганча, Қалмоқ вилоятига етганча, ё бир ўтинчига, ё бир подачига, ё чўлда юрган чўпоига: “Биз келган Барчиннинг чопари бўлар эдик”, – деб оғзингдан чиқарсанг, одам буюраман, кейинингдан қувиб етади, бошинга қамчи чатади, баданингни бўздай қилиб йиртади, олиб келиб дорға торғади, оғзингдан чиқармай кетгин, – деб тайинлайди.

Бу сўзни эшитиб, чопарлар, “Сира ҳам оғзимиздан чиқармаймиз”, – деб йўлга кирди... Булар жўнаб кетди. Жўнаганига ҳам неча кун ўтди...

...Алпомишнинг Қалдирғоч деган синглиси бор эди. Қирқин канизлари билан бир сандиқни очиб кўраётиб эди, бир хат чиқди: ўқиб кўрди. Барчин чечасининг хати. – Туновги ўн чопар бу хатни олиб келган экан, буни билдирмай отам сандиққа солиб қўйган экан. Юринлар, бек акамга борайик, хатни берайик, қанча ғайрати бор экан, синайик, – деб Ҳакимбекнинг қошига келди. Хатни берди. Шу вақтларда Ҳакимбек ўн тўрт ёшга кирган, маст бўлиб нордай кўпик сочиб ўтирган, неча маҳрамлар хизматида турган. Хатни ўқиб кўрди, хатда айтибди: “Олтойчалик йўлга келдим, тўқсон алпда тойталашда қолдим. олтойга муҳлат олдим, мenden умиди бўлса, Алпомиш келсин, бўлмаса, жавобини берсин”, деган хат. “Олти ойчилик йўлда бўлса, қалмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламиз, деб сандириб ўламизми”, – деб хатни тиззасининг остига босиб ўтирди.

Қалдирғоч ойим акасига қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Ака, сенга айтадиган арзим бор,
Талаш бўпти бийнинг қизи зулфакдор...
Кечасини ёруғ қилар тўлган ой,
Кашалда талашда қопти Барчиной...
Мард йигитнинг ёри талаш бўларми,
Эр йигитнинг ёрин қалмоқ оларми...
Ака, айтган сўзим оғир олмагин,
Номарднинг ишини бунда қилмагин...
Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами,
Марднинг ёри той-талашда қолами?!
Мард бўлиб майдонли кунда юрмаган,
Йилқичидан белов сайлаб минмаган,
Олмос пўлат белга қайраб чолмаган,
От асбобин шайлаб Қалмоқ бормаган,
Қалмоқларга қаттиқ кунлар солмаган,
Той-талашда қолган ёрин олмаган,
Ўз элида бир хил гапни билмаган,
Жаҳонни сайр этиб мунда юрмаган...
У сабабда бунда хабар келибди,
Ака, сендан бормоқ лозим бўлибди, –

деб акасини Барчин чечасининг олдига боришга даъват қилади...

Шундай қилиб, Алпомиш кийиниб, кескир қиличларни белига бойлаб, Арпални кўлидан отлана берди. Унинг Алчинбий бобосидан қолган ўн тўрт ботмон

биричдан бўлган парли сариқ ёйи бор эди. “Мабодо душманнинг юртида ёй тортишадиган кун бўларми, одам билмайди, керак бўлиб қоларми”, – деб ёйни эгарнинг қошига солиб олди.

Қалдирғоч акасини отлантириб, от-анжомини чоқлаб, яхши бор деб бул сўзни айтиб турган экан:

Қайда борсанг Шоҳимардон ёр бўлсин.
Ўнакимом, чилтан жиловдор бўлсин,
Душманларинг кўрса сени зор бўлсин.
Соғ бориб, саломат келгин, бек оға.
Бундан бориб олгин гул бувушингди,
Қўнғирот элда қилгин ўтиришингди,
Эсга олгин мендай эмикдошингди.
Эмикдошим, эшит айтган тилимди,
Соғ-саломат Қалмоқ бориб кел энди,
Келиб обод қилгин кирдикорингни,
Йиғлатмагин эна, ғамхўрларингни.
Сен бориб оларсан излаб ёрингни,
Келиб обод қилгин ўсган шаҳрингни.
Остингда ирғиса араби тулпар,
Бу йўлда кўрмагин, акажон, хатар,
Сенинг дуоғўйинг мендай муштипар.
Эл кўчириб Олатоғдан оширдим,
Улуғланиб остонага бош урдим.
Боргин, эмикдошим, ҳаққа топширдим...

Ҳар қайсиси билган сўзини айтиб, омонлашиб, хўшлашиб, Алпомиш йўлга кириб бораётир...

Тойча вилоятида, Қалмоқ музофотида, Чилбир чўлида Муродтепа деган тепа бор эди, ҳаддиди баланд тепа эди, устидан қанотли куш учиб ўтолмас эди, ҳар қандай одам чиқиб, оёқ ости қилиб кетолмас эди. Шу тепани кўриб Алпомиш ирим чекиб: “Шу тепага отимни солайин, ирқилмай тепага отим чиқиб кетса, борганда ёримни оламан, чиқолмаса, бориб нима қиламан, борган билан бекор аҳмоқ бўламан, пешанамни шу ерда синаб кўраман”, – деди. Отни тепага тўғри қилди, туёғидан қирқ минг отнинг дупури пайдо бўлди. Алпомиш кўнглида ёрини олмаса ҳам, олганча бўлиб қолди. Тепанинг устига чиқиб қараса, ўн минг уйли Қўнғиротнинг эли кўриниб турибди. Отни қовдонга¹ қўя бериб, тепанинг бошида ёнбошлаб, Бойсарининг уйига тикилиб ёта берди...”

1 Қовдон – ўтлоқ



Алпомиш шу ерда – Муродтепада маҳрамлари билан овга чиққан Қоражон билан учрашади. Бир мунча савол-жавоблардан сўнг, Қоражон уни таниганини, отаси Бойбўри, амакиси Бойсари, синглиси Қалдирғоч эканлигини айтади.

“Бу сўзни эшитиб: – Сен, қалмоқ, илгари мени кўрибмидинг, ё мен билан ҳамсуҳбат бўлибмидинг, ё бизнинг кўзини боқиб, бизникида етим-метим юрибмидинг? Бойсарини ўз элингда кўргансан, мени бу ерда кўриб турибсан, отимни ҳам дала-даштда кўрсанг кўргандирсан, сен етим юрмасанг, уйдаги энамни, синглимни қаёқдан билдинг? – деди.

Қоражон айтди: – Сени кўрганим йўқ, сен билан ҳамсуҳбат бўлганим ҳам йўқ, мен ҳам хотинингга талашиб ётган тўқсон олпнинг бири бўламан; қавму қариндошингни тушимда кўриб, сен билан дўст бўлдим. Ул сабабдан биламан, – деди.

– Дўст бўлган бўлсанг эса яқин бўлиб қолган экансан, тепанинг устига чиққин, кўришайлик.

– Бу тепанинг устига чиқадиغان камолга етишганим йўқ, сен тепадан тушгин, мен кўришайин, – деди Қоражон.

Алпомиш отини етаклаб, тепадан тушиб кела берди. Қоражон: – Дўстим билан кўришинг, – деб маҳрамларига амр қилди. Маҳрам халқи нозик келади, қўл учидан кўришаётир. Алпомиш “қалайсан” деб сиқинқираб юборди, маҳрамнинг панжаси бир-бирига ёпишиб, қапишиб, янчилиб кетди. Қоражон билан Алпомиш ёйди қулочди, иккови хулку муҳаббат билан кўришди: – “Қалайсан, дўстим, омонмисан?”, деб сиқинқираб юборди. Қоражоннинг етти қовурғаси синди, таппа тушиб ётиб қолди. Алпомиш айтди: – Нима қилди, дўстим?

Қоражон сир бермаган киши бўлиб: – Болалик кунда тутадиган куёнчиқ касалим бор эди, шул шу вақт тутиб қолди, – деди. Алпомиш айтди: – Белгили касал бўлса, тузалиб ол эса. Қоражон айтди: – Ростингни айтгин, шул кўришганингми ё уришганингми?

Алпомиш айтди: – Нима қилдинглар уришаман, кўришганим эди.

– Кўришганинг шу бўлса, уришганинг қандай бўлар экан? – деб Қоражон бир сўз деб турибди:

Кўлин қисиб маҳрамимни қочирдинг,
Белим қисиб қовурғамни шиширддинг,
Дўстим, сенинг зўрлигингга қойилман.
Сендай беклар Қўнғирот элдан келади,
Шўри қурган сенга дучор бўлади,
Бу сенга йўлиққан душман ўлади,
Сенинг билан ким баробар бўлади?!
Остингда ирғийди бу арғумоғинг,

Эгаринг қошида олтин садоғинг¹
Боргандан тегади бодом қо̀воғинг²,
Ирғитсанг Бойчиборингни,
Боргандан оласан Барчин ёрингни,
Ўлдирасан бунда душманларингни...
Меҳнат тортиб бизнинг юртга келасан,
Қандай душман бўлса додин берасан,
Зурликни ўтказиб ёринг оласан,
Аччиғлансанг ҳар бир ишни қиласан,
Отинг Ҳаким экан, ўзинг зўравон,
Бизнинг юртга келган сендай аждавон,
Ҳеч бир алл бўлолмайдн баробар.
Мен эшитдим, дўстим, сенинг тилингни
У тегмаса, сен қилмайсан зулмди,
Боргандан оласан Барчин гулингни.
Ўйнаб-кулиб, дўстим, даврон сур энди.
Мен ҳам эдим тўқсон алпман баробар,
Яхши ишман мен кўришдим муқаррар,
Йўқ экан кўнглингда бир зарра ғубор,
Сенга қойил бўлди мендайин номдор.
Бизнинг юртда сенга йўқдир баробар...

Дўст бўлиб, иккови бўлақдан кўришиб, Қоражон Алпомишни меҳмон қилмоқчи бўлиб, чодирга эргаштириб бораётир сўзи:

Азаматлар олмос бойлар дастига,
Беклар минди бедов отнинг устига,
Давлатли шунқорни олиб жўнади.
Фамли қуллар тортадикан оҳу вой
Ўн тўрт ботмон биричдандир парли ёй,
Эгарнинг қошига солиб боради.
Қўрган одам бунга ҳайрон қолади.
Қоражон югуриб хизмат қилади.
Шовқинга ирғийди араби тулпор,
Бораётган шундай давлатли шунқор,
От чопади йўл бошқариб маҳрамлар,
Чодирга бошлади Қоражон қайсар,
Бирга бўлган Ҳакимбекдек дўсти бор,

1. Садоғинг - ўқдон.

2. Қо̀воғинг - қабоғинг.

Ҳар тарафга қушдай бўйлаб қаради,
Қалмоқ юртин назар солиб кўради,
Тўқайистон ерда кетиб боради.
Тўқайни оралаб йўлни юради.
Қоражонбек бошлаб кетиб боради,
Не гап келар одамзоднинг ўйига,
Остидаги Чиборини ўйнатиб
Етди Қоражоннинг манзил жойига,
Меҳмон бўлмоқ бўлди ўзбакнинг ўзи,
Келди Қоражоннинг қирқта канизи.

Алпомиш Қоражонникида меҳмон бўлиб ётди, Қоражон қилди зиёфатди,
югуриб қилиб ётир хизматди. Эртамертан тонг отди, кун чошка ҳаддига етди.
Алпомиш туриб айтди: – Қоражон, бизнинг бунда келиб ётганимизни Бойсари не
билсин, сен Бойсариникига бориб келсанг, бир хабарини билиб келсанг, қизини
бизга берадиган бўлса, совчи бўлиб келсанг, қандай бўлса, менинг келганимни
билдириб келсанг.

– Мен қайси отни миниб борайин? – деди Қоражон.

– Майнинг, қайси отни миниб борсанг, – деди Алпомиш.

– Сенинг отинг чарчаб келган, ўзимнинг отимни миниб бора қолайин.

– Сен ўз отингни миниб борсанг, ҳамишаги келиб талашиб юрган қалмоқ
деб ишонмайди. Белгим шу: менинг отимни миниб боргин.

Қоражон хайр деб Бойчиборни миниб олди... Қоражон совчи бўлиб
борапти. Барчиннинг устида алплар кўп талаш қилиб ётган эди. Барчин олти
ойга муҳлат олган эди, муҳлатдан икки соат қолган эди, кун тушга яқинлаб
бораётган эди, кун қиём бўлган сўнг, қалмоқларнинг тани бўлиб кетар эди. Туш
кўрганда бобонгнинг ўғли чошкада келар, деб эди. Айтган мўлжалидан ўтиб
кетди. У безовта бўлиб йўлга қарапти. – Тушнинг табири¹ тўғри келмади... –
деб Барчин канизларига қараб, бир сўз айтиб турган экан:

Дардиман, дардимни кимга ёраман?

Айрилик савдога бағри пораман?

Азали тақдирга не иш қиламан?

Бошикаста шўрман, қайга бораман.

Қалмоқ келса, нима жавоб бераман?

Ғайридинман қандай ўйнаб-куламан?

Тил билмаган элга кетиб бораман.

Мушғайиб йиғлайди мендаини санам,

Ўйилмайин куйди бу кулбаҳонам,

1. Табири – таъбири

Қалмоқларда қолди гулдайин танам,
Қўл кўтариб дуо қилгин, қирқинлар.
Айрилиқ савдога бағримни доғлаб,
Мен қолганман қаттиқ кунда қон йиглаб,
Келмади бобомнинг ўғли сўроқлаб.
Жафо тиғи жонимдан ўтди,
Билмайман хонга не бўпти,
Келар вақти кечка тортди.
Кўп қизлар хафа бўпти,
Қалмоқлар муҳлати битди.
Жафо тушиб танда жонга,
Мен қолганман қаттиқ кунга,
Шармандаман муна элда.
Энди қолдим ғайридинда...
Келмади бобомнинг ўғли,
Не бўлади кўрган куни,
Йиғлай беринг, қирқин қизлар,
Қуриди Барчиннинг шўри.
Хабар келмаса элидан,
Не иш келар бундай кунда,
Мунглуқ шўрликнинг кўлидан.

Бу сўзни эшитиб, Суқсур каниз Чилбир чўлига қаради. Чилбир чўлидан отнинг дупури келади. Қоражон билан Бойчиборни кўради. Барчинга бу сўзни айтиб туради:

Қўнғирот элдан бобонг ўғли келибди,
Тўқсон аял зўрига дучор бўлибди,
Армон билан бобонг ўғли ўлибди,
Минган оти ўлжа бўлиб қолибди.
Тўраининг отини душман минибди,
Йиғлай бергин, қиёмат кун бўлибди.
Бек Алпомиш ўз юртида тўрами,
Ўлмаса отини душман минами?
Мазмуни ўлибди давлатли шунқор,
Душманининг кўлида қопти Бойчибор,
Чибор миниб келаётир қалмоқлар,
Бу юришда тўраинг топибди хатар,
Бойчиборни Суқсур каниз кўради,
Устида зинкийган қалмоқ бўлади,

Бойчиборни жуда қичаб келади.
Билмаймиз ҳолимиз қандай бўлади?
Қўнғирот мулки бўлиб қопти бесойиб¹,
Айриқдинг тўрангдан, сочингни ёйиб
Йиғлай бер, бувишим, энди сарғайиб,
Нима бўлса битта қалмоқ келади,
Бунда келса билганидай қилади,
Қирқин қизлар мунда чувлаб қолади,
Зўрлик билан сени келиб олади,
Энди бизга қиёмат кун бўлади.

Қирқин қизлар бари чиқиб қаради,
Келаётган бу қалмоқни кўради,
Ҳаммаси чувиллаб ҳайрон қолади,
Барчинойни ул ўртага олади,
Қўл кўтариб дуо қилиб туради.

Бу сўзни Суқсур каниздан эшитиб, Барчин ҳам бир сўз деб турган экаи:

Энди менинг ширин жоним керакмас,
Могу мулку, хонумоним керакмас,
Фасли баҳор гулистоним керакмас,
Кўролмадим Бойсун-Қўнғирот хонини,
Олсин эгам берган ширин жонини.
Бий бобомнинг мулки бўлди бесойиб,
Йиғлайди Барчиной сочини ёйиб,
Канизларман бирга туриб сарғайиб,
Хазон уриб боғда гули сўлгандир,
Ажал етиб паймонаси тўлгандир,
Мени излаб бобом ўғли ўлгандир,
Қариндоши бул беҳабар қолгандир.
Қўнғирот элдан менинг учун келгандир.
Бу алшларга келиб дучор бўлгандир,
Бу душманлар қилганича қилгандир,
Бадбахтнинг зулмидан тўрам ўлгандир.

Бу сўзни айтиб туриб эди, Қоражон ҳам совчи бўлиб бориб қолди...”

Қоражоннинг совчи эканлигини, Алдомшининг келганини, соғ-саломатлигини билиб қўнғли тинчиган Барчин энди Қоражоннинг ўзини синаб кўради:

1. Бесойиб – бесохиб, эгасиз.

“унда кўнгли борлигини, агар истаса, унга турмушга чиқиши мумкинлигини айтади”. Қоражон рад қилади ва бу билан Алпомишга содиқлигини намойиш этади. Кўнгли тўлган Барчин қўй сўйдириб, совчи Қоражонни меҳмон қилади. Шундан сўнг мақсадга ўтилади.

“Қоражон айтди: – Қани, Барчин, Алпомиш бўлса келди, алпларнинг муҳлати битиб қолди, сен нима жавоб айтасан?”

Барчин айтди: – Алпомиш келса келибди-да, Алпомиш келди деб этагидан ушлаб кета берайинми? Бу алплар ҳам умид билан олти ойга муҳлат берган. Ҳар ким майдонга от солади, отини ўздирган одам олади. Ҳар кимнинг ўз кўнгли ўзидан қолади. Менинг тўрт шартим бор, шу тўрт шартимни қилган кишига тегаман, шартни хоҳи Алпомиш қилиб олсин, хоҳи қалмоқларнинг бири қилиб олсин. Шу сўзимни хон тўрамга айтиб бор, – деб бир сўз айтиб турган экан.

От чопса гумбулар тоғнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси,
Келган бўлса Қўнғирот элнинг тўраси
Қирқ кунлик йўл Бобохоннинг ораси.
Бобохон тоғидан пойга қиламан,
Кўздан ёшин мунчоқ-мунчоқ тиздирса,
Қўшқанотнинг қуйруғини суздирса,
Бобохондан пойга қилиб ўздирса;
Оти илдам алап йигитга тегаман,
Мендайин ойимнинг ҳолин билганга,
Узоқ юртдан меҳнат тортиб келганга,
Душманларга қора кунни солганга,
Ёй тортишса, ёйи синмай қолганга,
Мен тегаман шул ёйандоз полвонга.
Мендайин ойимнинг ҳолин билганга,
Мени излаб узоқ элдан келганга,
Фаним кўрса қиёмат кун солганга,
Узоқ юртдан излаб ҳалак бўлганга,
Минг қадамдан танга пулни урганга,
Мен тегаман шул қирағай мерганга.
Саваш бўлса бул шубониб чиққанга,
Кураш қилиб тўқсон алпни йиққанга,
Мен тегаман нор билакли полвонга.
Зоғ ҳам бўлса қўна берсин гулшанга,
Баб-баравар қилдим яхши-ёмонга,
Мен тегаман тўрт шартимни қилганга.

Айтиб боргин излаб келган султонга,
Отин тоблаб кира берсин майдонга,
Хабар бергин бари қалмоқ душманга,
Талаб қилса бари келсин майдонга.
Ҳеч қайси ҳам қолмасин-да армонда...

...Барчиннинг пойгасига йиғилган от тўрт юз тўқсон тўққиз бўлди. Бойчибор билан тўппа-тўғри беш юз бўлди... Алпомишнинг танидан Қоражон пойгага бормоқчи бўлди... Пойгачилар жўнаб кетди. Алпомиш чодирда ўтириб қолди. Қирқ беш кунда келар, деб вақтини хушлаб турди..."

Қоражон ҳаммадан ўзиб, Бобохон тоғига етиб келиб, у ерда дам олади. Шунда Кўкалдош бошлиқ алплар етиб келиб, Қоражонни арқон билан боғлаб, Бойчиборнинг туёғига катта миҳлар қоқиб кетишади. Қоражон бир кучаниб арқонни узади, ўрнидан туриб, отнинг оёғини ечади. Бойчибор ҳам ўрнидан туради. Қоражон отга минади, бироқ от оёғини босолмайди. Шунда Қоражон "Пойгага бекор келган эканман. Қалмоқларнинг кетганига анча вақт ўтди, агар илгаридан от ўзиб бориб қолса, дўстимнинг бетига қандай қарайман? Буюришим бекор бўлди", - деб пушаймон бўлади. Шунда Бойчибор тилга киради:

Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
Қолдим, деб, Қоражон, сира ғам ема.
Жабр қилгин бундай ҳайвон жонига,
Қамчи ургин гўшт кўтарган сонига,
Етказарман Бойсун-Қўнғирот хонига...
Эгар қошдан ушлаб юмгин кўзингди
Энди билсанг мендан хизмат лозимди(р),
Энди кетдим шопарларим ёйилиб..."

Қоражон пойгачилар кетидан яна от суради. Бойчибор яшиндай учиб, қанотларини ёзиб, ҳавога кўтарилади, пойгадаги барча отлардан ўзиб кетади. Бойчиборнинг маррага яқинлаб келиши, Алпомишнинг руҳий ҳолати қуйидагича тасвирланади:

"Буларнинг келар муддатидан ўтди", - деб Алпомиш бир баланд теңанинг устига чиқиб, дурбинни олиб, шундай чўлга қаради. Кўрди: икки от чўлда йўл талашиб келаяпти, бирини дурбини билан таниди: бири Кўкдўнан. Бойчибор тўриқдай бўлиб кўринди. Туёғидаги миҳлар озор берган, оппоқ кўпикка ботган, туёғидан чиққан тўзон билан тўриқдай бўлиб қотган. Бойчиборни танисмай: "Ҳам отимдан, ҳам юртимдан айрилдим", деб беҳуш бўлиб йиқилди.

Барчин келиб, Алпомишнинг ҳолини кўриб, йиқилганини билиб, бошини тиззасига олиб, бир сўз деб турган экан:

Не сабабдан, тўрам, қаддинг букилди,
Жаладай бўп кўздан ёшинг тўкилди...
Сен эдинг-ку Қўнғирот элнинг шунқори!
Сабил бўлмасин-да, бобом кирдори,
Ойимнинг қолмади сабри қарори,
Бошинг кўтар, Қўнғирот элнинг кўчқори...

Бу сўзни эшитиб, кўзини очиб, Барчинга қараб, бир сўз деб турган экан:

Мендай беқлар сенинг учун келгандир,
Сенинг шартинг билдим пойга бўлгандир,
Кўп қалмоқман Бобохонга боргандир.
Қоражонман менинг отим ўлгандир.
От ўздириб қалмоқ сени олмайми,
Мендай ғариб қонлар йиғлаб қолмайми,
Сендай ойим қалмоқ билан бўлмайми,
Мендай тўранг тириклайин ўлмайми?!..

Бу сўзни Алпомишдан эшитиб, Барчин ҳам дурбинни олиб, келаётган отларга қараб, бу сўзни айтиб турган экан:

Қурру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!
Оқ тўшим – яйловнинг, сочим – шипиртки.
Куйганимдан гапни гапга улайин.
То ўлгунча сайисинг! бўп юрайин...
Қурру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!
Ўйшмай куймасин кулбаи хонам,
Оҳ уриб йиғлайди мендайин санам,
Қалмасин да қолмасин гулдайин танам,
Ўн икки ой сени Бойбўри боқди,
Гарданингга Қалдирғоч, қўтос тақди,
Йиғлатмагин Барчин гулдай бебахтди,
Қурру-ё қур, ҳайт-а, бегимнинг оти!..

Тепанинг бошида қараб туради,
Отлар ройиш бу кўриниб қолади,
Қур-ҳайт, деган Барчиннинг довуши
Бойчиборнинг қулоғига боради.
Сувлуқ тишлаб ўзин отди Бойчибор,
Калта қантариб ташлаганди қалмоқлар,

1. Сайис – отбоқар.

Тизгини узилиб кетди муқаррар,
Устидаги алп Қоражон беҳабар,
Кўкдўнандан энди ўтди жонивор,
Қоражонбек энди буни билади,
Эгарнинг қошидан ушлаб келади.
Алп Кўкалдош отга қамчи уради:
“Бу ўзбакнинг оти ўзиб боради...”
Фалак титрар алпнинг айтган додига,
Ҳеч ким тоқат қилолмас сиёсатига.
Қулочлаб қамчи урар Дўнан отига,
Қарамайди қалмоқ олди, ортига.
Сиёсатман алп Кўкалдош боради,
Бойчибор гувудлаб кетиб боради.
Ҳарчанд қичаб кўрди бундай зўрабор
Бойчиборман от бўлмади баробар...

Хоннинг Чибор оти пойганининг олдини олиб шашт билан келиб, баҳмал ўтовдан етти марта айланди. Отнинг тизгинини ушлаб Қоражон тўхтатди. Барчинининг канизлари йиғилиб етди. Қоражонни отнинг устидан олиб, гиламнинг устига солиб, бардор-бардор қилиб кўтариб, баҳмал уйга киргизиб кетди. Қизлар отини елдириб, совутиб турипти. олиб келиб якка миҳга бойлади, тери қотди. Барчин келиб отни кўрди, кўзларини ипак рўмоллар билан суртди, чағи-терин ушатди. туёғидаги миҳлар озор бериб, хоннинг Чибор оти ташна тушиб ётди. Туёғидаги миҳларни кўриб, Барчин бир сўз деб турибди:

Мунгайиб йиғлайди мендай муштипар,
От эгаси бу манзилда беҳабар,
Ўсал ишлар отга қилган қалмоқлар,
Менинг учун азоб тортган Бойчибор.
Бу ҳайвонга душман қойил бўлибди,
Чин тулпор-да, шу азобман келибди;
Шунча жароҳатман хизмат қилибди,
Кўп азоб берибди хоннинг душмани.
*Пўлатин эритар қизларнинг дами,
Барчин ойим кўриб ўйлаб туради,
Урган миҳи ялмоқ тизга боради,
Чорисини туёққа ёзиб олади.
Гул миҳларни тишлаб суғуриб олади.*

Отга меҳрибонлик қилиб, банот тўрвага емини олиб, кўчиб борган кўнги-ротликлар йиғилиб, жам бўлиб, пойгага кетган қалмоқлар ҳам келиб, бир кам

тўқсон алп ғувиллашиб турибди. Алплар билан ўзбакнинг полвони ёй тортишар эмиш деб овоза бўлиб, ҳамма томошабинлар йиғилиб, Ойна кўлига. Чилбир чўлига тўлиб, алплар ёйандозлик қилмоқчи бўлиб, бу ёй тортишмоқдаги сўзи:

Қизу жувон саф-саф бўлиб туради,
Барчининг устида талаш бўлади,
Гуриллашиб неча алплар келади.,
Буни кўриб бир хил қизлар кулади.
Олис йўлга нишонани қуради,
Нишонани урган одам олади.
Қалмоқ алплар бари қатор бўлади.
Мен урурман дейди кўнгил қилади.
Бир-бирига алплар навбат беради.
Парли ёйни бу кўлига олади,
Шириллатиб энди ёйни тортади,
Ёйнинг ўқи бу ғувиллаб кетади
Бирни пастдан, бири баланд ўтади.
Бир хилининг ўқи етмай ётади.
Аччиқлашиб ёйни буклаб тортади,
Ушлаган парли ёй синиб кетади.
Иккам тўқсон алпи тортиб ўтади,
Кўкалдошга энди навбат етади.
Ёйига Кўкалдош ўқни солади,
Нишонага қараб тўғри қилади.
Бор, урдим, деб энди ёйни тортади.
Кўлда ёйи чўртга синиб кетади.
Кўп қалмоқлар пушаймон қип ётади,
Энди навбат Алпомишга етади.
Ўн тўрт ботмон биричандир парли ёй
Парли ёйни шундай кўлга олади,
Кўрган қалмоқ бари ҳайрон қолади,
Чирпинади энди ёйни тортади,
Нишонага ўқи тўғри кетади.
Нишонани урган шундай туради,
Бекнинг ёйи энди омон қолади.
Бу шарт билан қалмоқ сўзи бўлмади.
Минг қадам ерни қадамлаб кўради,
Танга пулни бул нишонага олади,
Ёйки қўйиб, милтиқ отмоқ бўлади.

Хўб деб қалмоқларга навбат беради.
Қалмоқлар нечови милтиқ отади,
Саксонман-тўқсонга ўқи етади,
Қайси отса йўлда қолиб кетади.
Алп Кўкалдош жуда ғайрат қилади
Қалмоқнинг отгани сира бўлмади,
Отган ўқи ҳеч бир гўрга бормади,
Алп Кўкалдош шундай кўзлаб кўради,
Беш юз қадам ерга ўқи боради;
Кўкалдошнинг кўнглидаги бўлмади,
Қалмоқлардан навбат ўтиб боради.
Алпомишга тағин навбат келади,
Бек Алпомиш хаста кўнглин хушлади
Йиғилган душманнынг сириш фошлади,
Анжом милтигини қўлга ушлади,
Қараб нишонани отиб ташлади.
Кўрган қалмоқ бари ҳайрон қолади.
Уч шартнинг олдини Алпомиш олди.
Энди шартдан бори бир кураш қолди.

Уч шарт ўтди, кураш тарадудини кўриб ётибди. Ўн минг уйли Қўнғирот одами, қанча қалмоқнинг одами йиғилиб, Чилбир чўлига, Ойна қўлига томошабини тўлиб раста-раста, даста-даста қур тортиб ўтирди. Томошабинлар: “Курашни кўрамиз, Тойчахонниёг алпи билан. Қўнғиротдан келган алп кураш қилади, кураш жуда қизиқ бўлади, қайсиси зўрлик қилса, ўзбакнинг қизини олади”, – деб бари жам бўлди. Кўкалдош бош, бир кам тўқсон алп билан бир тарафдан қатор бўлиб ўтирди; Алпомиш билан Қоражон бир тарафдан ўтирди. Ўртада анча ерни очиб қўйиб, чангиган ерларга сув уриб, Қоражон ўрнидан туриб, бир хил кийимларини чечиб қўйиб, кураш кийимини кийиб, белини бўғиб шундай айлана берди: Кўкалдош айтди: “Ўзимиздан чиқиб Қоражон ҳам бало бўлди”.

Қоражон бутун куч-қувватини ва кураш маҳоратини ишга солиб, иккам тўқсон алпини нобуд қилади.

Кўкалдош алп ёлғиз ўзи қолибди,
Ўзга алпларнинг бари ўлибди.
Қоражон барига қолиб келибди
Куи намозгар, энди кеч бўп қолибди,
Курашга ул замон жавоб берибди.

Томошабин бари йиғилиб: “Кечагидан ҳам бугун қизиқ бўлар, алпларнинг зўри олишар”. – деб турди, кеча қандай бўлса, бугун ҳам шундай бўлиб ўтирди. Қоражонга Алпомиш айтди: – Бугун тушмайсанми? Майдонга талаб қилмай турибсан?

– Бунга ҳам туш десанг, тушаман, тушган билан бундан омон топмайман, ҳаддили зўр, тушсамикки бошдан ўламан... Бизнинг сиру ҳолимиз бир-биримизга маълум, илгарида ҳам тўқайда айиқдай олишиб ётган одам эдик, уларни илгари йиқитар эдим, энди... ушлагандан отиб юборяпман, қандай бўлса бир қалмоқ қолибди, бунга тушиб ўлгандан бир нима чиқарми, ғайратинг бўлса, кўрсат энди.

Алпомиш чечиниб: – Хайр, ундай бўлса, – деб майдонга талаб қила берди. Кўкалдош алп туриб айтди: – Алпомиш, сен бундай бўйини йўғонлик қилма, ғариби гўристон бўлиб ўлма, ҳали ҳам қўйгин, ёрингдан умид қилмай, йўлингдан қолма, шу алплар ўлса ўлсин, Барчин қиз бечатоқ бўлиб ёлғиз ўзимга қолсин деб туриб эдим, сени илгарида ҳам ҳисоб қилганим йўқ эди. – деди.

Бу сўзни эшитиб, Алпомиш Кўкалдошга қараб бир сўз деб турган экан:

Ҳар ким ўз элига бекми, тўрами,
Ўзи ўлмай киши ёрин берами?
Бунча сўзни лоф урмагин, сен қалмоқ..
Кел энди, майдонда тургин, э аҳмоқ..
Бир аросат бунда майдон бўлади,
Турган барча томошани кўради,
Кимнинг куни битса, бунда ўлади,
Қолган одам бойнинг қизин олади.

Бу сўзни Алпомиш айтиб туради,
Аччиғланиб Кўкалдош ҳам туради,
Чечиниб шул замон белини бўғиб,
Минордай бўп бу майдонга киради.
Кўрган одам бари ҳайрон қолади..
Шердай қайсар қўл булғашиб келади
Тупроқлар чангийди, тўзон бўлади.
Иккови белма-бел бўлиб олади,
Белма-бел олишса ажрим бўлади,
Зўр деганинг маълум бўлиб қолади.
Шундай бўлди анга ҳақнинг фармони,
Кўл бўлади ғамли қулнинг армони,
Ҳарчандки чиринди Бойсуннинг хоёни,
Йиқмоққа келмади бекнинг дармони..

Кўкалдош ҳам Алпомишдан кам эмас,
Мени ўзбак йиқади деб ҳам эмас,
Олишар майдонда икки шағал мас,
Иккови ҳам бир-бирига сир бермас.
Буларнинг ишини халойиқ билмас,
Иккови бир-бирин ҳеч парво қилмас.

Барчин ўн минг уйли Қўнғиротнинг қизлари ва канизлари билан томоша қилиб, буларнинг олишганини кўриб, Ҳакимбекка қараб бир сўз дейди:

Очилар баҳорда боғларнинг гули,
Гулни кўрса маст бўп сайрар булбули,
Нар-мода¹ бўлибсиз, бий бовом ўғли,
Йиқолмасанг, бизга бергин навбатди,
Жуда келди Барчин ёрнинг ғайрати,
Ушлагандан кўкка отмай не бўпти?
Йиқолмасанг, тўра, навбат тилайин.
Эркак либосини ўзим кияйин,
Бор кучимни билагимга йиғайин,
Бу қалмоқни пора-пора қилайин.
Қалмоқ билан хоним, бўлдинг баравар
Бу душманни кўкка отсанг не бўлар?
Иш кўрсатсанг менинг кўнглим топилар.
Қизлар сизни нар-мода деб айтади,
Қизларнинг айтгани менга ботади,
Мардлар олишмайди, силтаб отади
Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади,
Бўш одамнинг иши кейин кетади.
Барчинойнинг бундай кўнглини бўлмагин,
Кўп олишиб ўзинг ҳалак қилмагин,
Қиз бола деб мени номард билмагин.
Бу сўзимни, хоним, оғир олмагин,
Навбат бергин, сира гина қилмагин.
Майдон кунда сенга ҳамдам бўлайин
Мен ҳам энди бир олишиб кўрайин,
Ушласам, қалмоқни нобуд қилайин,
Оғир олма, тўрам, навбат сўрайин.
Бу сўзларни айтди гул юзли дилбар,

1. Нар-мода - эркак-урғочи

Икки полвон бўлиб турар баравар,
Кўп сўзларни Барчин сулув айтади,
Сўзи Алпомишга ботиб кетади...
Ўтдайн тутаниб шунқор кетади.
Ғайрати ғайратга бекнинг етади,
Ёр сўзиман шердил бўлиб кетади,
Чирпиб Кўкалдошни кўкка отади,
Анча ер – ҳавога чиқиб кетади.
Халойиқлар кўкка боқиб қаради.
Олчи-чикка бўлиб шундай айланиб,
Алп Кўкалдош бу осмондан келади,
Калласиман келиб ерга уради...
Шундай бўлиб Кўкалдош ҳам ўлади.
Томошабин қалмоқ бўзлаб жўнади,
Томошабин бари изза бўлади.
“Армон билан эсиз алплар ўлди”, деб
Не гўзаллар кўзин ёшлаб боради,
Қоражондан бари гина қилади.
Тақдирига Қалмоқшоҳ тан беради.
Қанча амалдорман қайтиб жўнади,
Шундай қилиб, кураш охир бўлади,
Хабар борди шунда отлар чоптириб,
Намойишга оқ ўтовлар ёптириб,
Элу халқи – барча йиғилиб келади.
Бекни сийлаб яхши хизмат қилади,
Барчинойга тўй қилмоқчи бўлади.
Обгардонин ортиб ошпаз келади,
Чилбир чўлда тўйни бошлаб қолади,
Бешта-ўнта улоқ ташлаб туради,
Бир четида кўпқари ҳам қилади
Тўй бўлди Барчин ойимча
Олмоқчи Ҳаким беквачча,
Йиғилишган сотга норча,
Кўпқарини чопиб ётир
Аралашиб соб бойвачча,
Тўй беради кўп кунгача,
Улоғига ташлаб турур,
Катта серка ола поча,

Беҳад қўю сўқимларни сўяди,
Кунда ҳамма қолмай ошга келади
Кунига узмасдан улоқ беради,
Чиқарганлар танга-тилла олади
Чавандозлар катта унум қилади.
Қирқ кунгача узмай тўйни беради...

Қирқ кундан кейин маслаҳатни бир ерга қўйиб, Бойсари қолди. Ўн минг уйли Қўнғирот Барчин билан кетмоқчи бўлди. Барчинни узатмоқчи бўлиб куёвга, “Эрга кўрсатди” деган расмларини қилиб, бир қўйни сўйиб, чошка вақтида уйга чақириб, яхши сарпойлар Ҳакимбекка ёпиб, қаватида Қоражонга ҳам ёпиб, Барчинни узатди.

Чечанлар эплайди гапнинг эпини,
Шу замонда беш юз иорни чўкариб,
Орта берди Барчин қилган сепини,
Барчиной йиғлайди, кўнглин бўлади.
Энасима отасига қаради,
Қараб турса элат кўчиб боради,
Суюнчи йўқ, ота-она қолади,
Булар қолишига Барчин йиғлади,
“Ота, не бўлди?” – деб зўрлаб кўради.
Қулоқ солмай Бойсари ўрлаб туради.
Йўрғанинг устига Барчин минади,
Бойчиборни Ҳакимга олиб келади,
Қоражонман Ҳакимхон отланади.
Бедов минган от-абзални шайлади,
Келганлар элига талаб айлади,
Чўпонлар қур-ҳайтлаб қўйни ҳайдади.
Элибойлар қилаётир доврўқни,
Ҳайлади чўпонлар чори, совлиқни,
Кашалдан Бойсунга талаб айлади,
Келган элат бундан кўчиб боради...”

“Алпомиш” эпоси Ҳакимбек – Алпомишнинг ой Барчинни қалмоқлар қўлидан қутқариб, Бойсун-Қўнғиротга олиб келиши ва унга уйланиши билан тугамайди. Уларнинг кейинги саргузаштлари, тортган азоб-уқубатлари, жасоратлари, қаҳрамонликлари, бир-бирига садоқати Ёдгор ҳақидаги дostonда кизиқарли ҳикоя қилинади.

Дostonда Алпомишнинг қаҳрамонлиги, ўз қабиласи, халқи ва элига бўлган муҳаббат ҳислари китобхон қалбини ҳаяжонлантирарли даражада чуқур

лиризм билан суғорилган. Алпомишдаги бу ҳиссиёт унинг 7 йиллик асирликдан қутулиши тасвирида яққол кўзга ташланади. У иккинчи маротаба Қалмоқ юртига отасини соғинган Барчиннинг илтимоси билан уерда қолган Бойсарини олиб келгани Қалдирғочнинг эри Бектемир ва қирқ йигити билан боради. Сурхайил кампирнинг ҳийласи билан ҳамма йигит масд қилиниб, ўлдирилади. Алпомиш эса зиндондан Бойчибор тутқун этилади. Қоражон Алпомишни қутқариш учун Қалмоқ юртига келади, аммо муваффақиятсизликка учрайди. Алпомишнинг қутулишига Тойчахоннинг қизи Тавка ойим ва оти Бойчибор ёрдам беради. Алпомиш Тойчахонни енгиб, ўрнига бойсулик Қайқубод исмли йигитни қўяди. Тавка ойимни унга олиб беради ва юртига Қултой киёимида кириб боради. Чунки бу ерда Ултонтоз исмли кимса Барчинга зўрлик билан уйланаётган эди. Ултонтоз жазоланади. Алпомишнинг тadbиркорлиги туфайли ким дўст ва ким душманлиги аниқ бўлади. Шуни таъкидлаш лозимки, Бойсарини бу сафар ҳам ўз юртига қайтишга рози бўлмайди.

Алпомиш зиндондан қутулгач, тоғ чўққисига чиқиб, қадрдон Бойсуен элини кўраркан, ўзини тутолмай хўнграб йиғлаб юборади:

Асқар тоғи тумонмикан?
Мен билмайман бу йўлларда,
Ота-энам омонмикан?
Кўрганам йўқ, Қўнғирот эли
Қалимгидай замонмикан?
Қадрдон дўстлар бормикан?
Барчин гул бизга зормикан?
Кўргани интизормикан?

Алпомиш билан Қоражоннинг дўстлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Алпомиш баҳодир йигит, чин дўст бўлиши билан бирга, ҳақиқий ошиқ ҳамдир. Достонда чин дўстлик, самимий севги қизиқарли воқелик воситасида баён этилган.

Достоннинг тили бой, содда, жозибали ва равондир. Достон халқ донишмандлигининг ифодаси бўлган **маҳоллар** билан безатилган, ундаги айрим байтлар ва мисралар ҳикматли сўз даражасига кўтарилган:

1. Созандалар созин чертар қўл билан,
Ёмон одам куйдиради тил билан.
2. Золим билан бўлмаглар йўлдош.
3. Мардлар олишмайди, силтаб отади.
4. Кучук босмас йўлбарс – шернинг изини,
Эси бор билади гапнинг тузини.
5. Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар,
Магар ажал қамсаб келса сичқонга.

Қаҳрамонлик достони “Алпомиш”да кенг қўлланилган тасвирий воситалардан бири **муболагадир**. Муболага бошқа бадий тасвир воситалари билан биргаликда таъсирчанликни оширади:

Тикилсам қурийдим дарёнинг гуми,
Наъра тортсам қудар қўрғоннинг тими.
(Алпомишнинг ўз тилидан)

Шумурти ёқалаб ҳар томон кетган,
Ичида сичқонлар болалаб ётган.
Издан тушган пишак олти ойда етган...

Оҳ уреа оламини бузар товуши,
Тўқсон молнинг терисидан ковуши.

Қаҳрланса тошни ёрар қаҳри,
Тўқсон молнинг гўшти бўлмас наҳори.

(Қалмоқ паҳлавонлари тасвиридан)

Достонда **ўхшатиш, истиора, киноя** ва бошқа тасвирий воситалардан ҳам унумли фойдаланилган:

Бошингда парпирар шоддан желагинг,
Қарчиғай чангалли йўлбарс билагинг,
Майдонга кирганда қоплон юрагинг...

Кўкқамиш кўлидан суқсур учирдим,
Суқсурни излаган лочин бўламан.
Боғларим зумраддан, чангалим пўлат,
Қўнғиротдан қўйилган шунқор бўламан.

Бу тасвирий воситалар достондаги образларнинг ички ва ташқи дунёсини очинишга хизмат қилиш билан бирга, уларга романтик тус беради.

Алпомишнинг баҳодирлиги унинг қалмоқ элига қилган юришларида, йўл қийинчиликларини енгиб Барчин турган жойни топишида, тўрт шартни бажаришида, айниқса, севгилиси Барчинни қалмоқ паҳлавонлари кўлидан кутқариш учун олиб борган курашида яққол кўзга ташланади.

Бу воқеаларда Барчин ҳам гўзал ва вафодор ёр, шунингдек, мард, адолатли қиз сифатида намоён бўлади. Мардлик ва доноликда Алпомишнинг синглиси Қалдирғоч ҳам Барчиндан қолишмайди. У ҳақиқий меҳрибон сингилдир.

Умуман, “Алпомиш” эпоси ўзбек халқининг бебаҳо бойлиги; барҳаёт, унутулмас маънавий-эстетик меросидир.

Савол ва топшириқлар:

1. “Алпомиш” – дostonининг етакчи ғоявий-мотивлари нималардан иборат?
2. Дoston воқеаларида иштирок этувчи қаҳрамонлар номини адабиёт дафтаринингизга тaртиб билан ёзинг. Масалан: Бойбўри – Қўнғирот элининг шоҳи, Ҳақимбек (Алпомиш)нинг отаси; каби.
3. Ҳақимбек ким? Қайси воқеа туфайли у “Алпомиш” лақабини олади?
4. Бойбўри билан Бойсари, яъни икки ака-уканинг орасига низо тушишига қайси воқеа сабаб бўлди?
5. Закоат ўзи нима? Закоатни кимлар бериши лозим?
6. Бойбўри ўз укасидан закоат талаб қилишга ҳақлимиди?
7. Ислому шариаатга кўра Бойсарининг давлати закоат бериш даражасида экан, нега исломининг асосий бешта фарзларидан бири бўлган закоат беришдан бош тортди? Бунигизнинг муносабатингиз қандай?
8. Акасига ачиқ қилиб, элатининг ўз юртини қўйиб ўзга юртларга кўчишига сабабчи булган Бойсарини оқлайсизми? Сизнингча ким айбдор? Бойбўримиз ёки Бойсари?
9. Барчининг Алпомишга хат жўнатишига нима сабаб бўлди?
10. Барчи элчилар орқали юборган хат Алпомишнинг қўлига тегдими? Бойбўрининг ҳаракатини оқлайсизми?
11. Хатин Алпомишга ким етказди? Қалдирғочнинг акасига мурожаатлари асосида бу образга тавсиф бering.
12. Қоражоннинг ўз акаларига қарши бориб, Алпомиш билан дўстлашувига муносабатингиз қандай?
13. Қоражон билан биринчи учрашувида Алпомишнинг қандай сифатлари намойиш бўлади?
14. Барчин нега Алпомиш билан кетавермади? Жавобингизни давомида Барчинга тавсиф бering.
15. Барчин алдиллар олдига қўйган тўрт шартни тушунириг.
16. Барчин шартларининг алдиллар томонидан бажарилмиш жараёнида Қоражон, Алпомиш, Барчин ва Кўкалдош характерининг қайси жиҳатлари намойиш бўлади?
17. Курашда ўлган алдиларга ачинмайсизми? Уларнинг фожеасига ким айбдор?
18. “Ёлғиз ўғил ёвдан қаттиқ, хотини қалмоқдан” мақолининг дoston мазмуни билан боғлиқлиги бора деб ўйлайсизми? Мақол мазмунини шарҳланг.
19. Барчин Алпомишни, Алпомиш Барчинни чиндан севишиши дoston матни асосида исботлаб бering.
20. Алпомиш, балки, йиғитлик гуруҳини ҳимоя қилиш учун қалмоқ юртига боргандир?
21. Дostonдаги қайси лавҳалар қаҳрамонларининг Ватанига бўлган муҳаббатини кўрсатади, халқнинг урф-одатларини аке этиради?
22. Веини диаграммаси асосида Алпомиш ва Кўкалдош образларига қиёсий тавсиф бering.
23. Дostonда ишлатилган мақоллар ва ҳикматли сўзлардан намуналари дафтарингизга ёзиб келинг.
24. Дostonда бўрттириш, муболағанинг тутган ўрни ва роли ҳақида сўзлаб бering. Мисоллари дафтарингизга кўчириб ёзинг.
25. Дostonдаги сизга энг ёққан образни айтиг. “Мен севаган қаҳрамон” мавзусида ижодий ишро ёзишга тайёрланг.

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЁТ

Аждодларимиз бадий ижоди жуда қадим замонларга бориб тақалади. Табиийки, дастлабки ижод оғзаки шаклда бўлган. Фольклор аждодларимиз бадий фаолиятининг, санъатининг ажралмас қисми эди. Кишилик жамияти юзага келганидан бошлаб, унинг маданияти ҳам шаклланган ва ривожланган. Жамият тараққиёти маънавий камолотни ҳам талаб қилар эди. Оғзаки ижод ана шу эҳтиёжларга жавоб тариқасида турли маънавий-эстетик озиқ берган.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт халқнинг бадий эстетик салоҳиятини ҳам юзага чиқаради. Шунга яраша бадий ижоднинг турли шакллари юзага келади.

Барча қадимги халқлар қатори аждодларимиз ҳам оғиздан-оғизга кўчиб юривчи кўплаб бадий намуналарга эга. Тумарис ва Широқ ҳақидаги тарихий-бадий афсоналар шулар жумласидандир.

Мифлар-асотирлар Ер ва Осмон жисмлари (космогония), эзгулик ва ёвузлик кучларининг тўқнашувлари, ер юзид адамнинг пайдо бўлиши, айрим тарихий, диний шахслар ва географик номлар билан боғлиқдир.

Маҳмуд Кошғарий "Олтин қон" дейилган тоғ номи ҳақидаги афсонаи XI асрда ёзиб олган. Мана уша афсона: "Зулқарнайн Чинга келиб етганда турклар хони урушиш учун ёш йигитлардан иборат бир гуруҳ аскарни йўллади. Вазир шоҳга айтди: "Сиз бутунлай ёшларни чиқардингиз, аслида катта ёшли, уруш ишларида тажрибаси бор одамларни юбориш керак эди". Вазир "ўга" сўзини тажрибали, катта ёшли маъносига қўллади. Шунда шоҳ "тўғри" деди ва катта ёшли кишиларни йўллади. Улар кечаси Зулқарнайннинг олдинги аскарларига ҳужум қилдилар ва енгдилар. Турк аскарларидан бири Зулқарнайн аскаридан бирини қилич билан уриб киндигигача иккига ажратиб юборди. Ўлган аскарнинг белбоғида олтин ҳамён бор эди. Ҳамёнга қилич тегиб кесилди. Ундаги қонга бўялган олтинлар ерга сочилди. Эртаси эрталаб турк аскарлари қонга бўялган олтинларни кўриб, бир-бирларига "бу нима?" дейишар ва "олтин қон" – "қонли олтин" деб айтишар эди. Бу жойдаги катта тоғ шу исм билан атади. Уйғурлар ақинидаги бу тоғ атрофида кўпгина саҳроий турклар яшар эдилар".

Мавзу доирасига кўра хилма-хил бўлишига қарамай, афсоналар халқнинг ўтмишидаги воқеаларинигина ифодаланига бўйсундирилган. Улар ҳақиқатан ҳам содир бўлган айрим воқеа-ҳодисаларга ҳамда тарихий шахсларга алоқадор бўлса-да, ўзининг бутун тафсилотлари билан тарихий ҳақиқатни ақс эттириши шарт эмас. Афсоналар адабий жанрлар сингари реалликни бадий образлар орқали ифодалайди. Образларда кўпинча бадий ҳаёлот, фантастика етакчи ўрин тутаяди. Афсона қанча қадимий бўлса, ундаги фантастика, ҳаёлот шунчалик юқори бўлади. Шунга кўра қадимий, мифологик афсоналарни ҳамда исбатан кейинроқ яратилган тарихий афсоналарни ажратиш мумкин. Айрим шахар, қишлоқ, дарё ва бошқалар ҳақидаги афсоналар шулар жумласидандир. Юқорида кўриб ўтганимиз "Тумарис" ва "Широқ" афсоналари эса тарихий воқеа билан боғлиқ. Мавзусига кўра уларни қаҳрамонлик афсоналари дейиш мумкин. Бу ривоят ва афсоналар қадимги аждодларимизнинг тарихий ҳаётлари билан боғлиқ, яъни уларнинг чет эл босқинчиларига қарши курашлари заминида яратилган. Аммо у уша тарихнинг айни тавсифи эмас, балки халқ ижодий фантазияси қўшилган

тасвиридир. “Тўмарис” афсонаси Херодотнинг (э. а. 484 – 425 йй.) “Тарих”, “Широқ” афсонаси эса Полиэнининг “Ҳарбий ҳийлалар” асаридан ўрин олган.

Ҳар икки афсона ҳам тарихан содир бўлган воқеаларга таянган ҳолда яратилган. Уларда сак (шак) ва массагет қабилаларининг ташқи душман билан шафқатсиз адоватли урушлари аке этган. Бунда халқнинг ҳамда алоҳида шахсларнинг қаҳрамонлиги, уларнинг умумий душманга қарши мардонавор курашлари ўз ифодасини топган.

Бу асарларда Ватанга муҳаббат туйғуси удуеланади. Уларнинг тарихий-маърифий аҳамияти шундадир. Зеро, биз айни шу ривоят ва афсоналар туфайли аجدодларимиз кўрсатган буюк қаҳрамонликлар ҳақидаги тарихни билиб оламиз. Бундай тарих кўнгилда ифтихор туйғуларини уйғотади. Бошқа фольклор намуналари сингари бу афсона ва ривоятлар ҳам халқ ижодидир. Ривоятлар халқнинг тарихий ўтмиши ҳақидаги бадий ёдномалардир. Шунинг учун ҳам кейинги даврларда яшаб ўтган адиблар уларни ёзма адабиётга олиб киришга ҳаракат қилганлар. Туркий адабиётдаги афсоналарнинг дастлабки ёзиб олинishi Маҳмуд Кошғарий номи билан боғлиқ. У ўзининг «**Девону луғотит-туркю**» («Туркий сўзлар девони») китобида халқ оғзаки ижодининг бошқа намуналари қаторида бир неча афсоналарни ҳам келтирган. Фақат афсона Маҳмуд Кошғарий китобида “сав” деб номланган.

Туркий халқларнинг бадий ижоди мазийнинг жуда қадим қатламларига туташади. Эрамиздан олдинги даврлардаёқ юнон тарихчилари аجدодларимиз орасида мавжуд бўлган оғзаки ижод намуналари: эртақ, ривоят ва афсоналар ҳақида айрим маълумотларни ёзиб қолдиришган. Шунингдек, эрамиздан олдинги хитой тарихчилари ҳам туркийларнинг ўзига хос қўшиқ ва дostonлари бўлганини манбаларда қайд этишган.

Турли-туман тарихий маълумотларга таяниб туриб, Ўрта Осиёни эпослар бешинги деб номлаш мумкин бўлади. Эрамизгача бўлган V асрда яшаган Херодот Тўмарис билан боғлиқ воқеалар тафсилотини келтирган. Яна бир юнон тарихчиси Полиэни эса Широқ ҳақидаги афсона мазмунини ёзиб қолдирган.

Эрамиздан олдинги V аср охири, IV аср бошларида яшаган Ктесий (430–354 й.) ҳам яна бир ривоятни ёзиб қолдирган. Унинг маълумотлари тарихчи Апендодор (эр. олдинги I аср) нинг “Тарихий кутубхона” асари орқали етиб келган. Баёндан кўринишича, “**Зарина ва Странгия**” ривоятининг мазмуни “Тўмарис” ривоятига яқин келади. Бу ривоятдаги асосий мотив қаҳрамонлик ва севги-муҳаббатдир. Зарина аслида шак қабиласи ҳукмдорларидан бири бўлган. Қаҳрамонлик, журъат ва жасоратда, мардлик, донишмандлик, ишбилармон-ликда у бошқаларга намуна қилиб кўрсатилган.

Яна бир афсона **Зорядр ва Одатид**а номлари билан боғлиқ. У ерда ҳам асосий воқеалар қаҳрамонлик ва ишқ-муҳаббат воқеаси асосида ривожланади. Бу афсонани эрамиздан аввалги IV асрда яшаган Хорес Митиленский деган тарихчи ёзиб қолдирган. Бироқ уларнинг шеърий ёки насрий йўлда айтилгани ёки ёзилгани ҳақида ҳеч қандай ишоралар йўқ.

Бевосита ёзма ҳолда етиб келган энг қадимги ёдгорликлар бўлмиш **Ўрхун-Энасой** обидаларида, асосан, наср усули етакчилиқ қилади. Шунга қарамай, ўрин билан шеърий нутқнинг дастлабки куртаклари ҳам йўқ эмас. Фақат уларни қадимги туркий шеърятнинг ўзига хос тип деб баҳоламоқ керак. Қадимги насрий асарларнинг ўзига

хос хусусиятлари бор. Уларда ҳозирги насрдагидан фарқли жиҳатлар мавжуд: Ўрхун-Энасой битикларида воқеаларнинг атрофлича тасвири кўзга ташлабмайди. Улар сюжетнинг ўзига хос шаклига эга. Воқеа қаҳрамонлари орасидаги зиддиятли руҳий кечинмалар равшан намоён бўлмайди. Уларда тасвирдан кўра баёнчилик етакчилик қилади. Бу нарса уларга оғзаки ижод айниқса, афсона, эртакларнинг таъсири кучли бўлганлигини кўрсатади. Култегин, Тўноққў, Билга хоқон сингари қаҳрамонлар тасвирида бу ҳолат яққол кўзга ташланади.

Қаҳрамонлар ички олами уларнинг руҳий дунёси тасвири ҳали анча содда тарзда намоён бўлади. Бу мавжуд аъёнлар ҳамда ижодий тажрибаларнинг ўша даврлардаги ҳолати билан изоҳланади.

Қадимги насрнинг ўзига хос намуналари қаторида “Олтин ёруқ”ни эслатиш мумкин. Унинг муаллифи Сингу Сели Тутунгдир. Асар X асрда Бешбалиқда яратилган. Бешбалиқнинг ўрни ҳозирги Шарқий Туркистондадир.

Туркий адабиётдаги шеърят илдиэлари ҳам жуда қадим замонлар заминига уланади. Бизгача етиб келган қадимий намуналар орасида Моний ва Будда муҳитида яратилган шеърлий парчалар ҳам бор.

Маҳмуд Қошғарий асаридаги бадний парчалар гарчи XI асрда ёзиб олинган бўлса-да, яратилиш даврига кўра қадимий даврларга тегишлидир.

Эски манбаларда бизгача айрим адабий истилоҳ (атама) лар ҳам сақланиб қолган. Масалан: **қўшуг** атамаси Маҳмуд Қошғарий асарида қайд этилган. У бу сўзни “**қўшиқ**”, “**қасида**”, “**шеър**” деб изоҳлайди. Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср) ҳам бу атамани қўллайди:

Бу туркча қўшиқлар тузатгим сенга,
Ўқурда унутма, дуо қил менга.

“Такшут” атамаси буддага топинган туркийларда “шеър”, “назм”, “байт”, “манзума” маъноларида қўлланган.

“Ир” (йир) ғазал, мақом, куй ўрнида қўлланган. Эски ўзбек тилида ҳам бу сўз қўлланган:

Туркона ир ирлағуича ошинг,
Куйдирди мени ядай-булоси.

(Саққокий)

Қадимда қўлланган атамалардан яна бири “куг”дир. У куй, шеър вази маъносиде келади. “Девону лугʻатит-турк”да унинг “шеър” маъноси ҳам бор.

Кутлар камут тузудди.
Ивриш идий тизилди.
Сенсиз ўзум узилди
Келгил, амул ўйналим.

Шеърлар тугал тузилди.
Ичимлик ва қадаҳлар тизилди.
Сенсиз жоним увелди (қийналди).
Келгни, кўнгилни тинчитиб, шодланайлик.

“Шлок” атамаси ҳам будда даври адабиётида учрайди. У санскритча “шлока” сўзидан олинган. Унинг маъноси “манзума”, “мадҳия” демакдир.

Шу ўринда қадимги даврларда яшаб ёқод этган айрим адибларнинг номларини эслатиб ўтиш жоиз. Бизгача Апринчур Тегин, Қул Тархон, Сингу Сели Тугунг, Пратяя-Шири, Асиг Тугунг, Чусуя Тутунг, Калим Кейси, Чучу, Йўллуғ Тегинларнинг номлари етиб келган. Булардан Апринчур Тегиннинг шеърлари Турфон матилари орасида мавжуд бўлиб, у мовийлик дини ғояларини ифодалайди. Уларнинг бири 12 мисрадан иборат бўлиб, тўртликлар шаклидадир. Уларда қадимги аждодларнинг ўзига хос дунёқарashi, урф-одатлари ва ишонч-эътиқодлари ўз аксини топган. Қадимги аждодларимизнинг Қуёш ва Ойга, тоғ ва ўрмонларга, сув ва дарахтларга, айрим жониворларга (масалан, от, ит, бўри, айиқ) муқаддас нарсалар деб қарашгани яхши маълум. Шеърларда сўзлар такрори асосий ўрин тутади. Бу қадимги шеърятдаги ўзига хос хусусиятлардан биридир. Ҳозирги бармоқ вазида фарқли равишда у ерда барча мисралардаги бўғинлар сони тенг эмас. Мисрадаги бўғинлар 3 бўғиндан 10 бўғингача миқдорни ташкил этади.

Шу ўринда бандларнинг ҳам ранг-баранглиги кўзга ташланади. Маълумки, банд муайян қофия тартибига эга бўлган мазмун ва оҳанг жиҳатидан тугалланган, мусиқийликни юзага келтирувчи шеър бўлади. Шарқ шеърятини икки мисрадан 10 мисрагача бўлган бандлар учрайди. Икки мисрали бандлар – **маснавий**, уч мисрали бандлар – **мусаллас**, тўрт мисрали бандлар – **мураббаъ**, беш мисрали бандлар – **мухаммас**, олти мисрали бандлар – **мусаддас**, етти мисрали бандлар – **мусаббаъ**, саккиз мисрали бандлар – **мусамман**, ўн мисрали бандлар – **муашшар** деб юритилган. “Девону луғотит-турк”да банднинг **мураббаъ** шакли кўп учрайди.

Қадимги туркий шеърят асосан бармоқ вазида битилган. XI асрдан бошлаб аруз вазиининг кенг қўлланила бошланганлигини кўрамыз. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қуғаду билиг”, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асари арузда битилган. Кейинчалик аруз мумтоз адабиётимиздаги асосий вазига айланган.

“Девону луғотит-турк”даги шеъринг парчаларининг ғоявий-бадний хусусиятларини кузатиш қадимги шеърятимизда жиддий шаклланиш ва ривожланиш жараёни бошланганидан далолат беради. Энг аввало, уларнинг мавзудоираси ниҳоятда кенгайиб борганлигини кузатиш мумкин. Уларда инсон ва табиат муносабатлари, табиат ва жамиятдаги ўзгаришлар, айниқса, инсон руҳияти тасвири етакчилик қилади.

Бу даврда меҳнат ва маросим билан боғлиқ шеърларнинг кўп учраши ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Шунингдек, қаҳрамонлик кўшиқлари тез-тез кўзга ташланади. Тасвирларда бадний воситаларнинг хилма-хил шаклларида маҳорат билан фойдаланилган. Сўзларнинг кўчма маъноларда қўлланилиши, рамзий ифодалар кучлироқ мавқе тута бошлайди. Энг кўп қўлланидиган тасвирий воситалар каторида сифатлаш, ўхшатиш, муболага, жонлантиришни кўриш мумкин. Шунингдек, ритмик ҳамда нутқий параллелизмлар ҳам анча салмоқли ўрин тутади.

Қофияларда феъл сўз туркумига оид сўзлар мўдроқ учрайди. Бу туркий тил, жумладан, ўзбек тилининг гап қурилишига боғлиқ. Туркий тилда гаплар асосан эга билан бошланиб (унинг аниқловчиси бўлмаса), одатда кесим билан якулланади. Кесим эса кўпинча феъл билан ифодаланади. Шунга кўра ҳам қадимги шеърятимизда қофияларда феълнинг фаол иштирок этиши тасодифий эмас, “Мажмуу”да келтирилган

“Қиш билан ёз” мунозарасидагина “Кедди эсин эснаю”, “Тумлуғ келиб қапсади”, “Қиш яй била тўкушти”, “Қий яйгиру савланур”, “Ул қар қамуғ кишин инар”, “Қар, буз-қамуғ эрушти”, “Урди булит инграшу”, “Ай, кўлуб эвлануб”, “Қақлар қамуғ кўларди”, “Яшур яғуб сочилди” каби тўртликларда шундай қофиялар бор. Албатта, уларда **инверсия** ҳодисаси ҳам кузатилади. Инверсия латинча “ўрин алмаштириш” деган маънони бийдиради ҳамда сўзларнинг гапдаги ҳолати, тартибининг ўзгартирилишини англатади. Тингловчининг эътиборини асосий маъно ташиётган сўзга тортиш, хабар, сўроқ, буйруқнинг маъно нозикликларини янада бўрттириброқ кўрсатиш, шунингдек, ҳис-ҳаяжон кучини таъкидлаш инверсиянинг асосий мақсади бўлади.

Масалан:

Қўйди булит яғмури,
Кериб тутар ақ тўрин.
Қирға қўйди ул қарин,
Ақит ақар инграшур.

Бу ерда одатдаги гап қурилишига кўра фарқли жиҳатлар очик кўзга ташланади. Унда кесимлар олдин, эгалар кейин келмоқда. Аммо ана шу гап қурилиши ягона тизимга тушиб, шеърини оҳанг ва вазини яратишда ҳам, ундаги фикрни рўёбга чиқаришда ҳам асосий восита бўлмоқда. Ёки бир қадимий шеърда дарахт бундай дейди:

Сандан қачар сандилач,
Манда тинар қарлиғач,
Татли ўтар сандуғач,
Эркак-тиши учрашур.

Одатдаги нутқда бу қўйидагича шакл оларди:

Сандилач (саъва) сандан қочади.
Қарлиғач (қалдирғоч) манда тин олади.
Сандуғач (булбул) тотли-тотли сайрайди.
Қушларининг нар, модалари меңда учрашадилар.

Демак, бу ерда инверсия қофия ва вази талаби ҳамда фикрни нозик бадий шаклда ифодалаш эҳтиёжи туфайли юзга келган.

Авлодлар тажрибасини давом эттириш бадий фикрнинг ҳам такомиллигига олиб келди. Кейинги асрларда қадимги анъаналарнинг янгича шакл ва усулларда намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Савол ва топшириқлар:

1. Қадимги эпосни қандай тасаввур қиласиз? Улар насрда яратилганими ёки назмдами?
2. Қадимги эпик асарлар ҳақидаги маълумотлар қайси китобларда учрайди?
3. Эпик қадимги ижодкорлардан қимларнинг номлари сақланиб қолган? Улар қандай асарлар яратилган?
4. Бизгача етиб келган эпик қадимги адабий атамалардан қайсыларини биласиз? Уларнинг ҳозирги муқобиллари қайсылар деб ўйлайсиз?
5. Қадимги шеърининг вазинлари ҳақида нима дея оласиз?

ҚАДИМГИ ЁДГОРЛИКЛАР – МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбекларнинг миллат сифатида шаклланиши узоқ тарихга эга. Ўзбеклар қадимги туркийларнинг авлодларидир. Туркийлар кейинчалик мустақил миллат ва халқ сифатида шаклланган ўзбек, қozoқ, қирғиз, бошқирд, қорақалпоқ, туркман, уйғур, озарбайжон, гагауз, усмонли турк, татар, ёқут ва бошқа халқларнинг қадим аجدодларидир. Шунинг учун ҳам қадимги туркийлар қолдирган улкан маданий ва адабий мерос бу халқларнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланади.

Демак, “турк” катта бир тил оиласининг умумий номидир.

Херодот (мил. олдинги 490/480–430/424) Шарқ қабилалари орасида турғитоёлар ёки Искит юртидаги туркий (юркей)лар ҳақида ёзиб қолдирган. “Таврот”да тўлҳармалар номи зикр этилган. Қадимги Хитой манбаларида тик, ди, тукю қабилаларининг номи қайд қилинган. Аслида буларнинг барчаси “турк” сўзининг турлича шакллариidir. Қадимги афсоналар Нуҳнинг набираси, Ёфаснинг ўғилларидан бирининг номи ҳам Турк бўлганини кўрсатади. Эрон ривоятларидаги Фаридуннинг ўғли Тураж ёки Тур ҳам шу номга алоқадор. Турон сўзи айна шу шаклдан келиб чиққан. Ўрхун-Энасой обидаларида “Турк” ва “Турук” атамалари учрайди. Турк сўзининг маънолари хилма-хилдир. У “қалпоқ”, “дубулға”, “тарк этилган”, “етуклик чоғи”, “денгиз қирғоғида ўтирган одам”, “жазб этмоқ”, “тарқалмоқ”, “ёйилмоқ”, “куч-қувват”, “бўри” маъноларини беради. Шунингдек, қадимда туркий халқлар яшайдиган жойлар Турон деб номланган. Бу ерларни форслар “Туронзамин” дейишган.

Қадимги туркийлар ўз тили, маданиятига эга бўлишган. Бу тилининг энг қадимги даврлардаги тараққиёти ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Дастлабки ёзма манбалар эса VI–VIII асрга тегишлидир. Улар Ўрхун-Энасой обидалари номи билан машҳур бўлган битиклардир. Ҳар ҳолда туркий тилининг милоддаги ilk асрлардан бошланганини тахмин этиш мумкин. Бу тил XII – XIII асрларгача амалда бўлган. 13 асрлик тарих силсиласида бу тил намуналари шимолий-шарқда табиатга ишонч сифатида Ўрхун обидаларида, шимолий-ғарбда христиан дини шаклидаги насронийлар ёзувида, жанубий-шарқда будд. динида сўғд, уйғур ёзувларида, монийлик динида моний ва уйғур ёзувларида, сўнграқ ислом динида араб ёзуви билан ёзилган.

Ўрта Осиё – қадимги маданият ўчоқларидан биридир. Қадимги туркийлар уш давлатига эга бўлган. Биринчи Кўк турк ҳокимлиги VI – VII асрларда ҳукмронлик қилган. Унинг таркибига тўлашлар, тардушлар, уйғурлар, ўн-ўқлар, басмиллар, қирғизлар, ўғузлар, китаи, татаби, тўққиз-татар, ўтуз-татар ва бошқалар кирган. Ҳоқонлик 535 йилда пайдо бўлган. 630 – 680-йилларда Кўк турклар давлати қўлдан бериб қуйган. Бунинг бир қатор сабаблари Ўрхун-Энасой обидаларида қайд этилган. Булар:

1. Кейинги даврлардаги ҳукмдор ва бошлиқларнинг лаёқатсизлиги. “Ундан сўнг иниси оғасидай иш тутмаган экан, ўғли отасидай иш тутмаган экан. Тахтга жоҳил хоқон ўтирган экан, бадфеъл хоқон ўтирган экан. Вазирн ҳам билимсиз экан. Қўрқоқ экан... Турк беклари туркча отини ташлади, табғач бекларининг табғачча отини қабул қилиб, табғач хоқонига қарам бўлди. Элик йил меҳнатини, кучини сарф қилибди” (“Култегин” битигишои).

2. Туркий қавмларининг ўзаро ноаҳдизлиги.

“Тарбият қилган хоқоннинг сўзини олмайин ҳар қаерга кетдинг. У ерларда бутунлай ғойиб бўлдинг, ном-нишонсиз кетдинг” (“Култегин” битигтоши).

3. Табғач давлатининг сиёсати ва ичдан емирувчи тарғибот-ташвиқоти: “Олтин, кумуш, ичкилик, ипакни шунча ҳисобсиз бераётган табғач халқи сўзи ширин, ипак кийими нафис экан. Ширин сўзи, ипак кийими билан алдаб, йироқ халқни шу хилда яқинлаштирар экан. Яхши кўшни бўлгандан кейин ёвуз илмини у ерда ўрганар экан” (“Култегин” битигтоши).

Маълумки, туркий халқлар ўз давлатига эга бўлган энг қадимги дунё қавмларидан биридир. Ўрхун-Энасой обидалари ана шу тарихни бадий тарзда ҳикоя қилади. Улар Ўрта Осиёдан бошлаб Дунайгача бўлган улкан ҳудудда ўз давлатларини идора қилишган. Ёлдорликлар асосан VI–VIII аср воқеаларини акс эттиради. V–VI аср ўрталарида дунё харитасида Турк хоқонлиги деган мамлакат юзага келган. Бу мамлакат Ўрта Осиё, Еттисув, Шарқий Туркистон, Олтой ўлкаларидаги турли қabila ва халқларни бирлаштирган эди. Бу ерлар географик жиҳатдан ниҳоятда қулай, бунинг устига Европа ва Шарқий Осиёни боғлаб турувчи, “Буюк ипак йўли”нинг устида эди. Шунинг учун ҳам туркийлар яшайдиган манзилларга қизиқиш катта бўлган.

Турли қabila ва элатларнинг доимий ҳукмронликка интилиши одатдаги ҳол эди. Бундан душманлар ҳам фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Ташқи душманга қарши ҳамкорликда курашиш қabila ва элатларнинг бирлашишига олиб келди ва 545 йилда Турк хоқонлиги юзага келди. Бу хоқонлик VIII асргача ҳукмронлик қилди. Тош битикларнинг катта қисми ана шу хоқонлиқнинг ўзига хос бадий солномасидир. Уларнинг ҳажми анчайин улкан.

Жумладан, “Тўноқуқ” битигтоши 2 та устунга ёзилган. Уларнинг бири 170, иккинчиси 160 см дан иборат.

“Култегин” битигтоши мрамрдан ишланган, баландлиги 3 м 15 см, қалинлиги 41 см, туб қисми 1 м 24 см бўлиб, юқорига томон торайиб борган.

Ёзувлар ўнгдан чапга ва юқоридан пастга қараб битилган. У «Билган хоқон» битигтоши Култегин битигтошидан 1 км жануби-ғарбга ўрнатилган. Унинг бўйи 3 м 45 см, эни 1 м 72 см, қалинлиги 72 см. Битигтош ағдарилиб, учга бўлинган ва айрим сатрлари нураб, ёзувлари ҳам зарар кўрган. У 80 сатрдан иборат. “Билга хоқон” битигтошида “Култегин” битигтошидаги 41 сатр такрорланган.

Ёлдорликларни бутун дунё туркийшунослари илмий жиҳатдан ўрганмоқда.

Ёлдорликлар қайси мавзуларда баҳс юрталди? Бу мавзуларнинг бадий таҳлили қай тарзда кечди? Уларнинг аҳамияти нимада? Бу саволларга жавоб бериш учун бевосита обидалар матнига мурожаат қилайлик. Сўзни “Тўноқуқ” битигтошидан бошлайлик. Тўноқуқ – шахс номи. У иккинчи турк хоқонлигига асос солган Элтариш хоқоннинг маслаҳатчиси ва саркардаси бўлган. Тўноқуқ “Турк Билга хоқон давлатида бу битигтин еслирдим” дейди. Билга хоқон Элтариш хоқоннинг ўғли эди. Битигтошдаги воқеалар Тўноқуқ тилдан ҳикоя қилинади: “Мен – Доно Тўноқуқ эрурман. Табғач давлатида тарбияландим. Турк халқи Табғач давлатига бўйсунар эди...”

Сўнг ана шу даҳшатнинг – туркийларнинг ўз эрқини кўздан бериб қўйишларининг сабаби айтилади: “Турк халқи бонбонвоқликка, ўзи бўларчилиқка, бепарволикка йўл қўйди... ўзининг хони билан бирга бўлмади”.

Мустамлака азоби, ўзга халқ тақдирини ёдгорликда қисқа ва лўнда, ammo ниҳоятда таъсирчан тарзда ифодаланади:

“...Табачга таслим бўлганлиги учун тангри, ўл деган шекилли, турк халқи ўлди, йўқ бўлди, туғади. Турк сир халқи ерида бирорга ҳам уруғ қолмади”.

Ана шундай мусибат халқнинг бирлашмоғини, якдиллик билан ҳаракат қилмоғини тақозо эгар эди. Ёдгорликда Тўноқуқ халқ етакчиси, доно маслаҳатчи, кучли ва ботир саркарда сифатида намоён бўлади. У етти юз кишини бирлаштириб, “шад” деган унвон олади. Бу турк хоқонлигидаги энг олий даражадаги унвонлардан бири эди. Тўноқуқ Бўғу тархон ҳамда Элтариш хоқонлар билан бирга мамлакат мустақиллиги, эл-юрт фаровонлиги, юрт осойишталиги, чегаралар дахслислиги учун тинимсиз кураш олиб борди. У бу курашларнинг олдинги сафида эди. Ammo душманлар ҳам тинч ўтирмади. Улар кучларни бирлаштириш пайнига тушишди. Тасвир давомида вазиятнинг кескинлашиб бориши, бунинг натижасида Тўноқуқ шахсиятидаги кучли нуқталарнинг тобора кенгроқ очилишини кузатиш мумкин. Хусусан, буюк саркардаларга хос бўлган таваккалчилик, довюраклик, жасорат, журъат, баъзан ниҳоятда кескинлик, чўрткесарлик, айни вақтда босиқлик, вазминлик хислатлари бу тасвирларда аниқ кўриниб туради. У катта тажриба эгаси сифатида намоён бўлади. (“Хоқоним муваффақият қозонгани учун, мен ўзим муваффақият қозонганим учун давлат ҳам давлат бўлди, халқ ҳам халқ бўлди, ўзим чол бўлдим, улғайдим”.)

Тўноқуқ баҳодир ва жасоратли шахсгина эмас, айни пайтда ўз атрофидагиларининг мустаҳкам жиқслигини таъминлайдиган, ягона мақсад йўлида халқни бирлаштириш олишининг улдасидан чиқадиган бошлиқ сифатида ҳам намоён бўлади. У одамларнинг кўнглидан кечаётган ўйларни нозик даражада ҳис этади. Шу билан бирга уларнинг қалбларига таъсир этишининг йўлларини ҳам яқини билади. Шунга кўра, у Ватан ва юрт тақдирини, халқнинг келажагини ўз қардошларига буюк ҳавоғир билан етказганида, оз сонли кўшин ҳаракатга келади, натижада кўп сонли душман тор-мор бўлади.

Тўноқуқ буюк ватанпарвар шахс тимсолидир. Унинг ўз ватани, хоқон, кўшини, халқ билан фахрланиши, уларнинг борлигидан ўзини бахтиёр сезиши ёдгорлик матнига пухта сингдирилган. Ҳатто душманининг “хоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан” деган баҳосида ҳам шу руҳ мавжуд. Тўноқуқнинг хотиржамлиги эса “Халқнинг томоғи тўқ эди” жумласи орқали ифодаланган. Душманининг туркийлар устига ҳужум уюштириш ҳақидаги ёвуз ниятини эшитган Тўноқуқнинг “Тун ухлагим келмади, кундуз ўтиргим келмади” дейиши унинг тақдирини халқ ва юрт тақдир билан нақадар яқин ҳолда тасаввур қилишини кўрсатиб турибди. Тўноқуқ ифтихоридаги энг асосий нуқта шундай ифодаланади: “Бу турк халқига қуролли душманини келтирмадим, яловли отин югуртирмадим”.

Тўноқуқ обидаси ватан ҳақидаги мадҳиядир. У воқеий ёки баъдий асар бўлишига қарамай, унда ҳаёт ҳақиқати, тарихий ҳақиқат ҳам ўз аксини топган. Туркий қабила ва элатларнинг ўзаро талашиб-тортишишлари ҳам, ташқи душман билан бўлган аёвсиз курашлари ҳам аслида тарихий ҳақиқатдир. Элтариш, Бўғу, Билга хоқонлар ҳам тарихий шахслардир. Асарда тилга олинган кўплаб қабила, уруғлар тарихда мавжуд бўлган, уларнинг бир қисми ҳозир ҳам алоҳида халқлар ва миллатлар таркибиде яшиб келмоқда.

Ёдгорликда мурожаат, ундов, мақриқ, етакчилик қилади. Тўнюққ табиатида тушқунлик, иккиланиш мутлақо кўринмайди. Унинг ҳаракатларида, сўзларида ўзига ҳам, бутун халқига ҳам буюк ишонч балқиб туради. Худди шу ҳолат унинг ғалабаларига асосий омил бўлади. “Тўнюққ” битиги тоши композицион жиҳатдан етук асар. Унда ўзига хос бошланма, воқеалар ривож, хотима мавжуд. Шу композициянинг ўзида ҳам катта бадийлик бор. Бу мақсад тўдалигича амалга ошган. Ёдгорликнинг тил хусусиятлари эътиборга лойиқ. У VIII асрдаги адабий тил намунасидир. Асар тилидаги кўплаб сўзлар ҳозирги ўзбек тилида айнан қўлланилади. Бир қисм сўзларда озгина товуш ўзгаришлари юзага келган. Яна бир тоифа сўзлар эса бугунги нисътомолдан чиқиб кетган. Ёдгорликда ўрни-ўрни билан сўзларнинг кўчма маъноларда қўлланиши сезилади. Шунингдек, мажоз, матал, мақоллардан фойдаланиш кучли:

“Табғач, Ўғуз, Хитой – бу учови қамал қилса, қамалда қолажакмиз. Унда вужудининг ичу ташини – молу жонини топширган кишидай бўламиз. Юпқа йиғин тор-мор қилишга осон эмиш, ингичка йиғин узиншга осон эмиш. Юпқа қалин бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир эмиш, ингичка йўғон бўлса, узалиган баҳодир эмиш”.

Асарда олтинга “сарик”, кумушга “оқ”, туяга “эгри” сингари эпитетлар – сифатлар қўлланган. Ундаги асосий тасвир воситаси аллитерациядир. Аллитерация – товушлар оҳангдорлиги, асосан бир хил товушларнинг такрорланиши натижасида юзага келадиган оҳангдорликдир. Унда унди ва ундош товушлар такрорланиши мумкин.

Ўнгра қитайнинг Ўлуртачи терман,
Бани Ўғузуг Ўлуртачи – ўқ терман.

Сўз такрори ҳам ёдгорликда кўп учрайди.

Табғач қаған яғимиз эрти
Ўи ўқ қағани яғимиз эрти.

Ундаги ўзига хос тасвир усулларидан яна бири воқеа-ҳодисаларга муайян ёндашиш билан иттиҳланади. Кўпинча бир неча воқеа-ҳодисалар ёки улар билан боғлиқ деталлар кетма-кет саналади: “Турк будун ўлти, алқинги, йўқ бўлди”. Бу ердаги кетма-кет саноқ воқеа замиридаги дахшатли муносибати, кучли фожияни жуда ёрқин намойиш этади. Ёки:

“Табғач, барданайин тег. Қитайи, ўнгалайин тег. Бан йирдантайин тегайин”. (Табғач, сен ўнган ҳужум қил! Хитой, олдидан ҳужум қил! Мен чапдан ҳужум қилай!).

Бу ўғулар орасидан келган қузатувчи цутқидан парча. У ўғулар фикрини ифодалямоқда. Бу ердаги саноқ душман томонидан солинаётган таҳдид ва хавф-хатар доирасининг нечоғди катталлигини тасаввур этишга имкон беради. Буларнинг ҳаммаси Тўнюққ битиги тошининг юксак ватанпарварлик руҳи билан суғорилган қадимий нодир бадий асар эканлигини яна бир марта тасдиқлаб туради.

Урхун-Энисой обидаларининг асосий қисми шу хоқонликлар тарихининг бадий соломасидир. Уларнинг дастлабкилари юқорида айтилганидай қабрларга қўйилган тошлардан иборат бўлган. Масалан, “Билга хоқон” битиги ҳам Йўллуғ тегин қаламига мансуб. Битигда “Култегин” ва “Тўнюққ” обидаларига хос бўлган анъана – қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ғоясини улуғлаш асосий ўрин тутайди. Ёдгорликларда инсон шахси

ва айниқса, унинг эрки билан боғлиқ масалалар теран бадний таҳлил қилинган.

Моғилён сўйиги турк хоқонларидан бири бўлиб, “Билга қоон” – Улуғ хоқон унвонини олган. Битигдаги воқеалар Билга хоқоннинг ёшига боғлиқ ҳолда даврий изчилликда ифодаланган. Қахрамон ўн етти, ўн саккиз, йигирма икки, йигирма олти, йигирма етти, ўттиз, ўттиз бир, ўттиз уч, ўттиз тўрт, қирқ ёшидаги воқеаларни эслатади. Аслида бу воқеалар бутун бошли бир халқ – туркийлар тарихидаги инҳоятда жиддий бурилишлар ҳақида ҳикоя қилади.

Ёдгорликда турли-туман жой, қабила номлари тилга олинган. Булар матнга ҳаққонийлик, ростлик руҳини сингдириб туради, сўзловчининг фикрларини далиллайди. Матнда – олти чуб суғдак халқи, табғач, басмил, идиқут, чик халқи, қирғиз, қорлуқ, тўққиз ўғуз, турк татаби – турғаш каби қабила ва уруғ номлари, Бўлучи, Бешбалиқ, Тамғудук баш, Тўғу балиқ, Антарғу, Чуш, Азганти кадаз, Мағи Қўрғон, Идар баш, Кўтмон йиш, Сўнга йиш, Олтин йиш сингари жой номлари, Кам, Иртинш, Тугла (Тўди) сингари дарё номлари учрайди. Булар аслида тарихан мавжуд бўлган номлардир. Ана шу ҳолат ёдгорликни тарихий услубда яратилган асарлар сирасига киритиш мумкинлигига далилат беради.

Асарда алоҳида бадний тафсилотларни қаторлаштириш, муаллиф нутқида санок оҳанги етакчилик қилади. Масалан, қабила номлари (басмил, идиқут), муқаддас тушунчалар (тангри, муқаддас ер-сув, отам хоқон руҳи), қариндошлик атамалари (боласини, бекасини), киши танасининг аъзолари (сочини, қулогини, ёноғини кесди) ва бошқалар бўлиши мумкин. Билга хоқон обидасида ҳам параллелизмлар, қиёсланлар асосий ўрни тутайди: “Йигирма икки ёшимда Табғач томон лашкар тордим. Чача сангунинг саккиз туманлик қўшини билан урушдим. Қўшинини ўлдирдим”. (Қадим Японияда ҳам Сўғун – самурай, баҳодирлик унвони – таҳририят)

Сўзлар такрори ёдгорликдаги асосий тасвир воситаларидан биридир:

“Мен ўн тўққиз йил шад бўлиб турдим,
Ўн тўққиз йил хоқон бўлиб турдим
давлатни тутиб турдим”.

Шу мисолимизда ўн еттита сўз иштирок этган бўлса, улардан 6 тасигина бир мартадан қўлланган, холос. Аммо сўзлар такрори матнда таъкидлик туғдирмаган, аксинча, муаллиф фикрининг таъкидланишига, алоҳида уруғ билан кўринишига ёрдам берган.

Савол ва топшириқлар:

1. Қадимги туркий халқларининг таркибига қимлар қирдан? Уларнинг ўзбек халқига қандай алоқаси бор?
2. Қадимги туркий халқлардан қандай маданий-илаҳий мерос қолган?
3. Қадимги туркийлар ҳақидаги қайси маъбаларни биласиз?
4. “Турк” сўзи қандай маъноларни ифодалайди?
5. Нима учун Ўрта Осиёни қадимги маданият ўчоқларидан бири деймиз?
6. Ўрта Осиё халқлари қадимда қандай ёзувлардан фойдаланинган? Бу ёзувлар орқали етиб келган қандай асарларни биласиз?
7. Ўрхун-Энисой ёдгорликлари ҳақида қандай маълумотларни биласиз?

8. Ёдгорликлар қайси мавзуда ёзилган ва кимлар ҳақида?

9. Битигтошларда туркийлар, турк хоқонлиги тарихига доир қандай тарихий ҳақиқатлар ўз аксини топган?

10. Битигтошларнинг ўзинга хос тасвир услуби ҳақида сўзланг?

ТҶНЮҚУҚ БИТИГИ

(Мазмуни)

Доно Тўнюқуқ – мен ўзим, Табғач давлатида тарбияландим. Турк халқи Табғач давлатига бўйсунар эди. Турк халқи ўзининг хони билан ҳам бўлмади, Табғач хоқонлигига қўшилди, хонлик бўлди. Ўз хонини қўйиб, яна Табғач хоқонлигига қўшилди. Тангри шундай деган экан: Хон бердим. Хонингни қўйиб таслим бўлдинг. Табғачга таслим бўлгани учун тангри ўл, деган шекилли.

Турк халқи ўлди, йўқ бўлди, тугади. Турк сир халқи ерида бирорган ҳам уруғ қолмади. Ичкарию ташқарида қолгани тўпланиб етти юзта бўлди, икки қисми отлик, бир қисми яёв эди. Етти юз кишини уюштирадиган бошлиғи шад эди. Унвон ол, деди. Унвон оладигани мен эдим – Билга Тўнюқуқ... Хоқонни ҳам қўлга олайин, дедим. Сўнгра ўйладим: ориқ буқа ва семиз буқани (биров) тезагидан билса, биров семиз буқа ва ориқ буқани ажрата олмас эмиш, шундай деб ўйладим. Шундан сўнг Тангри билим бергани учун фақат ўзим хоқонни қўлга олдим, доно Тўнюқуқ, бўйла Баға тархан билан Элтариш хоқон бирга бўлиб, жанубда Табғачни, Шарқда Хитойни, шимолда ўғузни кўплаб ўлдирди. Алломаси, човуши мен ўзимгина эдим. Чуғай кўзни ва Қорақумни манзил қилиб олган эдик. У ерда кийик еб, қуён еб турар эдик. Халқнинг томоғи тўқ эди. Душманимиз атрофга қанотини етказди. Биз шай эдик, шундай турар (яшагучи) эрк аҳли. Ўғуздан ўшанда кузатувчи келди. Кузатувчининг гаплари шундай: Тўкуз ўғуз халқи устига бир хоқон ҳукмрон бўлди, дейди. Табғачга Куни сангунни юборибди, Хитойга Тўнгра Семни юборибди. Уларга шундай гап юборибди: озгина турк халқи юрган эмиш. Хоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан, ўша икки киши бор бўлса, сени, Табғачни ўлдиражак, дейман, шимолда Хитойни ўлдиражак, дейман, мени, ўғузни у ҳам ўлдиражак, дейман. Табғач, сен ўнган ҳужум қил! Хитой, олдидан ҳужум қил! Мен чапдан ҳужум қилай. Турк сир халқи ерида бошқа эга юрмасин. Эпласак, ўша эгани йўқ қилайлик, дейман. Ўша танин эшитиб, тун ухлагим келмади, кундуз ўтиргим келмади. Ундай сўнг хоқонимга илтимос қилдим. Шундай илтимос қилдим: Табғач, Ўғуз, Хитой – бу учови қамал қилса, қамалда қолажакмиз. Унда вужудининг ичи-тошини – молу жонини топширган кишидай бўламиз. Юпқа йиғин тор-мор қилишга осон эмиш, ингичка йиғин узишга осон эмиш. Юпқа қалин бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир эмиш. Ингичка йўғон бўлса, узадиган баҳодир эмиш.

Шарқда Хитойдан, Жанубда Табғачдан, Фарбда Қурландан, шимолда Ўғуздан ҳимоялашиш учун икки-уч минг лашкаримиз бор. Бундан бошқа келадиганимиз бормиди? Шундай деб илтимос қилдим. Хоқоним мен доно Тўнжоққуннинг арзини эшитди. Кўнглинга қараб йўл тут, – деди. Кўк ўнгни юқорилаб, Ўтуқан йишига томон йўл олдим. Инигак кўл бўйига Тўғладан Ўғуз келди. Уларнинг лашкари уч минг экан, биз икки минг эдик, уришдик, тангри ёрлақадди, қочирдик, дарёга тушди. Қочган йўлида яна ўлди. Мен ўзим турк халқини ҳам Ўтуқан ерига келтирдим. Билга Тўнжоққуқ Ўтуқан ерига қўнибди деб эшитиб, жанубдаги, шимолдаги халқ келди. Биз икки минг эдик, икки қўшин бўлди. Турк халқи ер юзига ўрнашгандан бери, Турк хоқони тахтга ўрнашгандан бери Шаптуғ шаҳрига, денгиз, дарёга етмаган эди. Хоқонимга арз қилиб лашкар тортдим.

Шаптуғ шаҳрига, денгиз, дарёга етказдим, йиғирма уч шаҳар мағлуб бўлди. Душманнынг уйқуси ҳаром бўлиб, чўл-биёбонда ётиб қолди. Табғач хоқони душманимиз эди. Ўн ўқ хоқони ҳам душманимиз эди. Ўндан ортиқ қирғизнинг қудратли хоқони душманимиз бўлди, ўша уч хоқон маслаҳатлашиб, Олтин йиш устига талон солаيлик депти, шундай маслаҳат қилишибди. Шарққа, Турк хоқонига лашкар тортайлик депти, унга қарши лашкар тортмасан, қачон ғазаблансан, у бизни йўқ қилади, депти. Хоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан, қачон ғазаблансан, ўлдирадиган кўринади. Учовимиз ёширилиб ҳужум қилайлик, уни йўқотайлик, депти. Турғаш хоқони шундай депти: менинг халқим у ерда бўлади. Турк халқи яна ҳаяжонда депти. Ўғузи яна пароканда депти. Ўша гапини эшитиб туналари уйқум келмас эди, кундузлари ўтиргим келмас эди. Шундай ўйладим: табғач, ўн ўқ қирғиз хоқонига Кўгман тоғидан ошиб ўтиб ҳужум қиламиз. Шунинг учун аввал биз лашкар тортайлик, дедим.

Кўгман йўли битта экан. Йўлни қор босган деб эшитиб, бу йўл билан юрса ярамайди, дедим... Ерчи (ер биладиган киши) суриштирдим. Чўллик аз қабиласидан бир йиғитни топдим. Аз ерини у яхши билар экан, бир манзили бор экан. Ани дарёси билан борилар экан, ўша ерда ётиб, бир отлиғ йўл юриб борилади, деди. Ўша йўл билан юрса имкон бор деб ўйладим. Хоқонимга буни айтиб, қўшинни йўлга солдим, отлантир! – деб буйруқ бердим. Оқ тармал (ҳозирги Хуа Кэм) дарёсини кечиб ўтиб, қўшинга лагерь қуришга ижозат бердим. Бир оз дам олгач, отланишга буйруқ бердим, қорни ёриб, юқорига отни етаклаб, ўзимиз яёв юриб, дарахтларга таяниб қўшинни чиқардим. Олдиндаги йиғитлар илгарилаб, ўсимликлар бор довондан ошдик. Ундан қийналиб пастга тушдик. Ўн кун давомида биз ёнлама йўллардан юрдик, тўсиқни айланиб ўтдик. Ерчи ҳам янглишиб, бўғизланди. Хоқон хафа бўлиб, отларни чоптиринглар, деди.

Турғаш хоқонидан кузатувчи келди. Гани шундай: Шарқдан Турк хоқонига қўшин тортайлик, қўшин тортмасан, у бизни йўқ қилади. Хоқони баҳодир экан, маслаҳатчиси аллома экан, Ҳар қандай йўл билан бизни ўлдирадиган кўринади,

депти. Тургаш хоқони йўлга чиқибди, деди. Ўн ўқ халқнинг ҳаммаси чиқибди, деди. Табғач лашкари ҳам бор экан, ўша гапни эшитиб, хоқоним мен уйга тушайин, деди. Хотини вафот этган эди. Унинг маросимини ўтказайин, деди. Қўшин билан боринг, деди. Олтин йишда ўрнашинг, деди. Лашкарбоши Инол хоқон, Гардуш шад борсин деди. Доно Тўнюқуққа – менга айтди: бу қўшинни олиб бор, деди. Караму ғазабни кўнглингдагидай қил, мен сенга нима ҳам дейин, деди. Душман келадиган бўлса, баҳодир йигитларни йиғ ва душманни ўлдир. Келмайдиган бўлса, тил тутиб маълумот олиб тур, деди.

Олтин йишда ўрнашдик. Уч кузатувчи киши келди, гапи бир: Хоқони лашкар билан йўлга чиққан, ўн ўқ лашкари бекаму кўст чиққан, деди. Йарис даштида йиғиламиз, деган. Ўша гапни эшитиб, хоқонга у гапни жўнатдим: “Нима ўйлайин!” Гапни олиб қайтиб келди: “Шу ерда туринг! – деб айтибди. Борма, яхшилаб қоровул қўй, душманга бостириб қўйма!” депти. Бўгу хоқон менга шундай деб айтиб юборибди. Бош лашкарбошига махфий гап юборибди: доно Тўнюқуқ ҳушёр, у ўзи билади. Лашкар билан йўлга чиқмоқчи бўлса, унаманг, У гапни эшитиб, қўшинни йўлга солдим. Олтин йишнинг ўтиб бўлмас жойидан ошдик. Иртиш дарёсининг ўтиб бўлмас жойидан кечиб ўтдик, тунда тўхтамадик. Бўдучуга тонг отганда егиб келдик.

Бизнинг кузатувчиларимиз тил тутиб келтирди. Гапи шундай: Йарис даштида ўн туман лашкар йиғилди. Бу гапни эшитиб, беклар ҳаммаси қайтайлик, покиза уят яхшидир, дедилар. Мен эса шундай деганман, мен доно Тўнюқуқ: Олтин йишни ошиб келдик, Иртиш дарёсини кечиб келдик. Жангчиларнинг келгани қахрамон, деганлар. Душман сезмай қолди. Тангри, Умай, муқаддас ер-сув душманни босиб берган кўринади. Нега чекинамиз, душманни кўп деб, нега қўрқамиз, ўзимизни оз деб, Қани босайлик, ҳужум қилайлик, дедим. Ҳужум қилдик, душманни тор-мор қилдик. Иккинчи кун келди. Урушдик. Уларнинг қўшини бизникидан икки қаноти ярмича ортиқ эди. Тангри ёрлақгани учун, душман кўп деб қўрқмадик, жанг қилдик. Гардуш шади ҳам ўн ўқ хоқони томонида иштирок қилди. Уларни ҳам тор-мор қилдик, хоқони, йабғуси, шади ўша ерда ўлдирилди. Элликтача йигитни тутдик ва ўша кечасиёқ ҳар-бирини ўз халқига жўнатдик. У гапни эшитиб, ўн ўқ беглари, халқи, ҳаммаси бизга бош эгиб келди. Келган бекларни, халқини суриб, озгина халқ қочган эди. Ўн ўқ лашкарини жанг қилдирдим. Биз ҳам лашкар тортидик, уни қувдик. Инжу ўғузни кечиб Тинси ўғли етадиган Банглилак тоғини ошиб ўтиб, Темир дарвозагача қувиб бордик, Ўша ердан қайтардик. Инал хоқонга араб ва тухор (арабларнинг иттифоқдоши) ҳужум қилди. Ўшанда ажраладиган чоки бор дубулға кийган сўғдоқ халқи келди. Ўша кунни ҳужум қилди. Турк халқи Темир дарвозага, Тинси ўғли етадиган тоққа етди. Эгаси йўқ экан. У ерга мен, доно Тўнюқуқ етказиб борганим учун сариқ олтин, оқ, кумуш, қиз-жувон, эгри туя, ипак ҳадсиз

келтирдилар. Элтариш хоқон доно маслаҳатчиси бор учун, қаҳрамон бўлгани учун Табғачга қарши ўн етти марта уруш қилди. Қитанйларга қарши етти марта уруш қилди. Ўғузга қарши беш марта уруш қилди. Ўшанда маслаҳатчиси ҳам менинг ўзим эдим, урушувчи ҳам мен ўзим эдим. Элтариш хоқонга, Турк Бўту хоқонга, Турк Билга хоқонга хизмат қилдим, тун ухламай, кундуз ўтирмай, қизил қонимни тугатиб, қора терим югуртиб, меҳнатни, кучни бердим, ахир, мен ўзим узоқларга босқин уюштириб турдим. Қўнғир қўй, оқ отни катта қилдим.

Босиб олишга уринадиган душманни поймол қилар эдим. Хоқоним билан лашкарлар тортдик, тангри ёрлақасин! Бу турк халқига қуролли душманни келтирмадим, яловли отни югуртирмадим. Элтариш хоқон муваффақият қозонмаса, унга қўшилиб мен ўзим муваффақият қозонмасам, давлат ҳам, халқ ҳам йўқ бўладиган эди. Хоқоним муваффақият қозонгани учун, мен ўзим муваффақият қозонганим учун давлат ҳам давлат бўлди, халқ ҳам халқ бўлди, ўзим чол бўлдим, улғайдим. Аллақандай ердаги хоқонлик халқда дон сўк бўлса ҳам, нима гами бўлар эди?!

Турк Билга хоқон давлатида бу битигни ёздирдим, Мен Билга Тўноқуқ, Элтариш хоқон муваффақият қозонмаса эди, у бўлмаса эди, мен ўзим, доно Тўноқуқ муваффақият қозонмасам эди, мен бўлмасам эди, Қапаған хоқон, бошлиқ Турк сир халқи ерида уруғ ҳам, халқ ҳам, киши ҳам, турк халқи ерига хўжайин ҳам бўлмас эди.

Элтариш хоқон ва доно Тўноқуқ муваффақият қозонгани учун Қапаған хоқон, турк сир халқи юрган бу давлат яшаб турибди, Турк Билга хоқон Турк сир халқини, ўғуз халқини тарбият қилиб турибди.

Савол ва топшириқлар:

1. Тўноқуқ сиймосига тавсиф бериш учун тайёрланг. У қандай образ?
2. Тўноқуқнинг буюк шахсга хос хислатларини кўрсатувчи мати парчаларини белгиланг.
3. Юқорида берилган Тўноқуқ битигигоши матинга хос қийин сўзлар дугатини тузинг.
4. Матдаги асосий қисмларни ажратишга ҳаракат қилинг.
5. Ёлгорликлардаги халқ мустақиллиги, ота юрт дахлендлиги, шахс ва эрк тоғен ифодаланган ўринларини белгиланг. Уларнинг қандай сўзлар билан тасвирланганига эътибор беринг.
6. Матиларда учрайдиган бадий тасвир воситаларини аниқланг.
7. Уйда “Тўноқуқ – буюк ватанпарвар” мавзусида қисқача ишро ёзинг.

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АРАБЛАР ТОМОНИДАН ФАТҲ ЭТИЛИШИ ВА АРАБ МАДАНИЯТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

VI асрда Олтойда юзага келган Турк хоқонлиги (551–744) VII аср бошларига келиб иккига ажралиб, Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлинди. 630–680-йиллар давомида Шарқий Турк хоқонлиги заифлашиб боради. VII аср охирларида Иккинчи Турк хоқонлиги ташкил топади. У Қапагон хоқон (691–716) даврида айниқса шуҳрат қозонади.

VII аср охири VIII аср бошларида Марказий Осийга араб фотиҳларининг кириб келиши билан бу хоқонлик ҳам тарих саҳнасида туша бошлайди. Араблар Эронни тўлиғича қўлга киритдилар. Улар деярли беш асрдан бери ҳукмронлик қилиб келатган Сосониёлар давлатини йўқ қилиб ташладилар ва Мовароуннаҳрга қараб юрдилар. Бу вақтда Марказий Осий кичик-кичик мустақил давлатларга бўлиниб кетган эди.

Араблар 654 йили Суғдга ҳужум қилишади. 667 йили эса Чағониён (ҳозирги Ҳисор водийси)ни забт этишади. Хуросонга Қутайба ибн Муслим халифанинг ноибни, вакили бўлиб келган (705 й), арабларнинг Ўрта Осийни забт этиш ҳаракатлари авж олди...

Босиб олинган ерлар аҳолиси қийин аҳволда қоладилар. Улар араб лашкарларига керакли ҳамма нарсаи беришга мажбур эди. Энг яхши суғориладиган ерлар, сув иншоотлари араблар қўлига ўтади. Марв, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда араблар ҳар бир уйнинг ярмини ҳам олиб қўйган, маҳаллий аҳолига ҳақ дин бўлган Исломи қабул қилишга даъват қилар эдилар. Албатта, бу даъватлар неча асрлар давомида куфрда яшаб, ўтга сиғишиб келган аждодларимиз учун дастлаб зулм бўлиб кўринган. Буларнинг бари арабларга қарши кайфиятни кучайтириб боради. 720–722-йилларда Диваншич халқни кўзғолонга чақиради. Қум қишлоғида араблар билан мурасасиз жанг бўлади. Диваншич енгилади. Унинг боши Ироқ ҳукмдорига юборилади. VIII асрнинг 70-йилларига келиб халқ норозилиги кучая боради. Халифа ал-Маҳдий (775–785) даврида юз берган Муқатта кўзғолони бунинг ёрқин далилидир. 780 йилдагина Муқатта қалъаси енгилади. Муқатта ўзини ёниб турган оловга ташлаб ҳалок бўлади.

IX асрда ҳам бундай кўзғолонлар, арабларга қарши курашлар давом этди. Араблар фақат кураш кучи билан мамлакатни енгиб, бошқариб бўлмаслигига кўпроқ амин бўла бошладилар. Улар маҳаллий эзолагонларга эркинлик ва мансаблар бериб, ўз тарафига оғдирга бошладилар. Табиийки, ҳар қандай ибтидо халқнинг олди ҳисобланган кишиларга суянади. Айрим тарихчилар араблар билан бўлган жанглар Ўрта Осий мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётига зарар етказди, деб ҳисоблайдилар. Қайсибир даражада улар ҳақдирлар. Бир кун уруш бўлган жойдан қирқ кун барака кетади, деб бежиз айтишмаган. Аммо биз сизларни бошқа бир жиҳатларга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Араблар бизга охириги ҳақ дин – Исломи олиб кирдилар. Ҳозирги кунда Алҳамдуллоҳ мусулмонимиз, деб фахр билан айтишимизга Аллоҳ Ибн Қутайба бошчилигидаги арабларни сабаб қилиб қўйди. Араб маданияти айрим тарихчилар айтганидек, қолоқ ҳам эмасди, зеро, уларда Қуръон бор эди. Ўша

даврларда араб адабиёти, шеърятни жуда ривожланган бўлиб, туркий адабиёт, ўзбек адабиёти тарихининг олтин даври бўлмиш темурийлар, Навоий даври адабиёти айнан араб, форс адабиётининг таъсирида тараққий этмадими? Жуда катта адабий меросимиз арузда битилмадими? Халқимиз, нафақат биз, балким, дунё олимлари уларнинг исмларини фахр билан тилга олувчи қомусий олимлар: буюк математик Ал-Хоразмий, файласуф, “муаллим соний” Абу Наср Форобий, тиббиётнинг отаси Абу Али ибн Синолар айнан шу даврда яшаб, асарлари билан ўзларига мангу ҳайкал қўймадиларми? Улар ҳар бир фанда мумтоз эдилар. Ҳануз жаҳон халқларини дол қилиб келаётган Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарлардаги меъморчилик намуналари айнан ислом асрида бунёд этилмадими?

Албатта, Ислом қайсидир даражада қаттиқўллик билан ўрнатилди. Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти йўқ қилиб юборилди. Зеро, бу маданият ҳақ динга инд бўлган оташпарастлик, буддпарастлик дини билан боғлиқ маданият эди. Қўтайба Хоразм ёзувини билган барча донишмандларини ва дин аҳлини қилишдан ўтказди, уларнинг асарларини ва тарихий ҳужжатларини ёқиб юборди. Бу араб лашкарбошисининг ёвуз сиёсатини кўрсатади. Ислом дини гоҳ мажбуран, гоҳ ихтиёрий қабул қилинади. Кейинчалик Марказий Осиё халқлари тўлиғича исломга қирадилар. Бундан кейинги маданият Ислом маданияти ҳисобланади. Араб маданияти айниқса Марказий Осиё маориф тизимига, адабиётига, илм-фанига катта таъсирини кўрсатди.

Арабларнинг бошқарувишларига маҳаллий аристократия – зодагонлар вакилларини жалб қилиши ерли аҳоли норозилигини камайтиргани йўқ. Араб халифалиги ўзаро учки тож-тахт курашларида заифлашиб борди.

Бу даврда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Фарғона, Шош вилоятларида ноиблик қилаётган сомониёлар ҳам фурсатни фанимат билишади. IX аср охирига келиб, Мовароуннаҳрнинг барча вилоятлари сомониёлар ихтиёрида эди. Исмоил Сомониё даврида (IX аср охирида) Мовароуннаҳр араб халифалигидан батамом мустақил бўлди. Бу даврда шаҳарларнинг ривожланиши, товар ишлаб чиқаришнинг ортиши, савдо-соғикнинг ўсиши кўзга ташланади. Самарқанд, Бухоро, Термиз шаҳарларининг кенгайиб ривожланиши шу даврга тўғри келади. Шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдо, айниқса, тараққий этади. Меъморчилик ривож топади. Термиздаги ҳукмдор саройи, Работи Малик (X аср), Жарқўрғондаги минора (1108-1109), Бухородаги Арслонхон минораси (Минораи Калон) (1127) ва Мағоқи Атторий шу давр ёдгорликлари ҳисобланади.

VIII – XII асрларда маданият, илм-фан ўзига хос ривожланиш йўлига ўтди. Ўрта Осиё олимлари араб тили орқали дунё илм-фанига йўл очдилар. Энциклопедияда бир қатор аниқ фанлар (математика, кимё, физика), табиий фанлар (астрономия, ботаника, зоология, минералогия) ҳамда ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанлар юқори босқичга кўтарилди. Абу Бакр Наршахий (959 йил вафот этган) вириқ тарихчи олимдир. Унинг “Бухоро тарихи” асари Мовароуннаҳр, айниқса, Бухоро ҳақидаги подир маълумотларни жамлаган бебаҳо манбадир. Абу Наср Утбий араб тилида “Тарихи Яминий” асарини ёзди. Унда Сабук тағин ҳамда Маҳмуд Ғазнавий ҳукмронлиги даврига оид қўлаб тарихий маълумотлар мавжуд.

Ғазнавийлар давридаги энг йирик тарихчилардан яна бири Абу Санд Гардизийдир. Унинг форс-тожик тилидаги “Зайн ал-ахбор” (“Хабарлар чиройи”) китоби машҳур.

Шу даврда яшаган Абдул Ғазл Байҳақий (996 – 1077) 30 жилддан иборат “Тарихи Маъсудий” ёки “Тарихи Байҳақий” деб номланган асарни яратди. Бу асарда султон Маҳмуд ва унинг ўғли Маъсуд даври (1000–1050) да бўлган воқеалар, Бағдод халифалиги, Мисрдаги фотимийлар халифалиги билан бўлган муносабатлар, ижтимоий ва маданий ҳаёт, ҳокимият учун курашлар баён қилинган.

Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши

Х асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Егтисув ва Қашқардаги туркий қабилалар: қорлуқ, чигил ва яшоларининг бир қисми ўтроқлаша боради, деҳқончилик хўжалиги кенгайди, шаҳарлар ривожланиди, савдо ва ҳунармандчилик ўсади.

Х аср ўрталарида қорахонийлар давлати ташкил топди ва аста-секин ўз мавқени яқинлай бошлади. Бу пайтда Мовароуннаҳр ва Хуросонда тоҳирийлар ўрнига келган сомонийлар ва ғазнавийлар ҳукмронлик қилар эдилар.

Х асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ғазнанинг сиёсий марказ сифатидаги мавқеи орта бошлайди. Унинг асосчиси Носируддин Сабуктагин бўлиб, Туркистондаги Барсхон қабиласидан эди. У Тухси қабиласига асир тушади. 4 йил уларнинг подасини боқади, ниҳоят, Мовароуннаҳр савдогарларига сотиб юборилади. У сомонийлар кўшигида жанг қилиб, амир сипоҳсолар бўлиб етишади. У 997 йили вафот этади. Сабуктагиннинг катта ўғли Маҳмуд Ғазнавий (ҳукмронлиги 998–1030) эди. У кейинчалик ғазнавийлар сулоласининг асосчиси сифатида танилади.

Қорахонийлар сомонийлар устига шимолдан юриш бошлайди. Маҳмуд жанубдан ҳужумга ўтади ва бутун Хуросонга эгалик қилади. 992 йилда Ҳасан Бугрохон Мовароуннаҳр устига лашкар тортади. Шош, Фарғона ва бошқа вилоятларда яшовчи туркий қавмлар қорахонийлар билан қўшилиб кетади.

Ғазнавийлар ва қорахонийлар Амударёни чегара сифатида белгилашади. Қорахонийлар бу чегарага тез-тез дахл қилиб туришади. Бундан фойдаланган Маҳмуд ҳам ҳаракатга келади. Ниҳоят, у Ҳиндистоннинг шимол-ғарбидан Чағоний ва Хоразмга, Эронда эса Исфахон ва Райгача чўзилган қудратли давлатни юзага келтиради.

Сомонийлар давлати ичидаги и йиқироз қорахонийлар мақсадининг амалга ошишини тезлаштиради. Қорахонийлар 992 йилда Бухорони осонгина қўлга киритади. Гарчи Бухоро ва Самарқандни қайтариб олиш учун сомонийлар кўп куч сарфлашган бўлса-да, Х аср охирида масала деярли ҳал этилган эди. 1005 йилдан бошлаб эса қорахонийларга қаршилик кўрсатиш бутунлай тўхтаydi. Шундай қилиб, сомонийлар давлати ўрнига иккита янги давлат майдонга келди. Булар – Қашқардан Амударёгача чўзилган Шарқий Туркистоннинг бир қисми, Егтисув, Шош, Фарғона ва қадимги Сўғдни қамраб олган қорахонийлар ҳамда Шимолий Ҳиндистондан Каспий денгизининг жапубий қирғоқларигача бўлган вилоятларни қамраган ғазнавийлар давлати эди.

Айни пайтда Хоразм ҳам мустақил давлат бўлиб қолган эди. 1017 йилда у ҳам ғазнавийлар таркибига қўшиб олинади.

Эндиликда Қашқардан Амударёгача бўлган ҳамма ерлар қорахонийлар мулки ҳисобланарди. Қорахонийлар хоин “Тамғач” ёки “Табғач” номи билан юритиларди. Турклар Хитой императорини ҳам шу ном билан аташган.

Сомонийлар давлати йиқилгунга қадар Баласоғун қорахонийлар пойтахти эди. Ўзган (ҳозирги Қирғизистон) ҳам бир вақтлар пойтахт бўлган. Мамлакатни элиг-хон бошқарган. XI асрга келиб туркий халқлар маданияти, адабиёти ва санъати ривожланишининг янги палласи бошланади. Бу даврда Қорахонийлар давлати амалда анча мустақкамланиб олган, Бухоро, Самарқанд, Шош, Қашқар шаҳарлари йирик маданият марказларига айланган эди. Қорахонийларнинг пойтахт шаҳарлари Исфижоб (Сайрам), Ўттор, Шош, Баласоғун, Хўтан бўлиб, уларнинг давлати Марказий Тиёншон, Еттисув, Чуй ва Талас водийларини ўз ичига олган эди. Қорахонийлар давлати Хорун Буғрохон ва Тамғочхон Иброҳим даврларида анча кучайган, несбатан иқтисодий ва маданий юксалишга эришган эди.

Қорахонийлар давлатининг марказлари бўлмиш Баласоғун, Сайрам, Шош, Тароз шаҳарларида илм-фан эгалари, турли соҳаларининг йирик мутахассислари, доно ва фозил кишилар тўплаган. Илм-фан, адабиёт ҳам анча ривожланди. XI – XIII асрларда туркий тилда сўзлашувчи аҳолининг халқ сифатида шаклланиши деярли охирига етди.

Тожиқ халқи ҳам шу даврларда шаклланиб улгурди. Бу тилда форс-тожиқ адабиётининг йирик сиймоларидан бири Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома” дostonини яратди. Бу асар форс-тожиқ адабий тилининг шаклланишига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Туркий адабий тил ҳам кенг ривожланди. Биз бу даврда Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луготит-турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарлари яратилганини биламиз, Аҳмад Юғиакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ” асари ҳам шу давр адабий ёдгорликларидан ҳисобланади.

Савол ва топшириқлар:

1. Турк хоқонликлари қачон ташкил топган?
2. Бу хоқонликнинг ривожланиш даври қайси вақтга тўғри келади?
3. Араб фотиҳларининг Марказий Осиёни фатҳ этиши билан қандай ўзгаришлар юз берди. Муқанна, Диваштичининг ҳаракатларини оқлайсизми?
4. Панжакент ҳокими Диваштичининг мағлубиятига нима сабаб бўлган деб ўйлайсиз?
5. Муқанна ким эди? Унинг фаолияти ҳақида яна нималарни биласиз?
6. Қорахонийлар давлати қачон ташкил топди?
7. Қорахонийлар давлати даврида қандай асарлар яратилди?

МАҲМУД КОШҒАРИЙ

XI аср

Маҳмуд ибн-ул-Хусайн ибн Муҳаммад Кошғарий XI аср бошларида Кошғарда туғилди. Унинг бобоси қашқарлик бўлиб, Баласоғунга кўчиб келиб, турғун бўлиб қолган. Баъзи манбаларда Маҳмуднинг Баласоғунда (ҳозирги Қирғизистон ССР нинг Тўкмоқ шаҳри яқинида) туғилганлиги айтилади. Таъкидлаш мумкинки, унинг ҳаёти мана шу икки марказий шаҳарлар билан боғлиқ. Маҳмуднинг илк устозларидан бири қашқарлик Хусайн Халифадир. Сўнг у Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур, Бағдоддаги мактаб ва мадрасаларда ҳам ўз илмини оширган. Маҳмуд Кошғарий ёшлигиданоқ қунт ва иштиёқ билан ўқиди, турли идмлар билан, хусусан, араб филологияси билан шуғулланди, У туркий халқларнинг тилига, турли қабила ва уруғларнинг урф-одатига, оғзаки бадиий ижодиётига қизиқди. Юқори Чиндан бошлаб Мовароуннаҳр, Хоразм, Фарғона, Бухорога қадар қўзилган кенг ва катта территорияни бирма-бир кезиб чиқди; уруғ, қабила ва халқларнинг турмушини, уларнинг касб-корини, урф-одатларини, хусусан, тили ва оғзаки ижодиёт бойликларини ўрганиб материал тўплади, оддий халқ оммаси вакиллари билан, олимлар ва шоирлар билан суҳбатлашди. Бу ҳақда Маҳмуд Кошғарийнинг ўзи бундай дейди:

«Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирқиз (қирғиз) ларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тўплادим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса, мен тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найзадорларидан эдим. Уларга шунча лиққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирқиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим».

Даврининг энг истеъдодли ва атоқли олимларидан бири бўлган Маҳмуд Кошғарий тилишуносликка доир икки нодир асар — «Жавоҳир-ун-наҳв фи луғотит турк» («Туркий тилларнинг наҳв (синтаксис) дурдоналари, қондалари»), «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар тўплами») асарларини яратди. Афсуски, Маҳмуд Кошғарийнинг биринчи асари бизгача етиб келмаган ёки ҳанузгача номаяълум бўлиб келмоқда. Иккинчи асари — «Девону луғотит турк» эса XX аср бошларида Истамбулда тошилди. Бу қўлёзмами кўчирган котиб Муҳаммад бинини Абу Бақр Дамашқийнинг маълумотига кўра, у нусхани Маҳмуд Кошғарийнинг ўз дастхати (автографи) дан олган.

Туркий тиллар тарихини, улардаги диалект ва лаҳжаларни, шу билан бирга, оғзаки адабиёт ёнагорликларини ўрганишда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари бениҳоя катта аҳамиятга эгадир.

«Девону луғотит турк» ни яратиб учун кўп йиллар давомида мунтазам иш олиб борган Маҳмуд Кошғарий уни 1072 йилда ёза бошлаган. Аммо унга кирган материаллар 10-15, эҳтимол 15-20 йилларда тўплагандир. Асар 1074 йилда ёзиб тугатилган. Муаллиф бу ҳақда шундай дейган: «Китоб 464 йилда (ҳижрий) жумад ул аввал бошларида

бошланди ва тўрт қарра ёзилгандан (кўчирилгандан) ва тузатилгандан сўнг 466 йил жумад ул охирнинг 12-куни битирилди”.

Маҳмуд китобига “Девону луғотит-турк” (“Туркий тиллар луғатлари”) деб ном беради ва уни Абдулқосим Абдуллоҳ бини Муҳаммад ал-Муқтадога бағишлайди. «Девон» яратилган даврда илмий асарларни араб тилида ёзиш кучли бир анъанaga айланиб қолган эди. Маҳмуд Қошғарий ҳам ўз асарини араб тилида ёзди. Аммо бу мазкур анъана билан боғлиқ эмас. Бунинг сабаби, асарнинг араблар учун туркий тилини ўрганишига мўлжалланган луғат бўлганидир. Бугунги кунда эса асар ўзимизнинг қадимги туркий тилимизни ўрганиш учун ҳам луғат вазифасини ўтамоқда. “Девону луғотит турк”ни тилшунос олим С. Муталлибов асидан ўзбек тилига таржима қилди. «Девон» икки қисмдан; муқаддима ва луғат қисмидан иборат. Муқаддимادا муаллиф «Девон» ни яратиш сабаблари, уни ёзиш учун кўп йиллар давомида материал тўплагани, ўз иш усули, «Девон»нинг қурилиши, «туркча сўзларнинг тузилишида қўллашладиган сўзлар», «сўзларнинг тузилиши», «турк табақалари ва қабилалари» ва бошқа масалалар ҳақида батафсил тўхтаб, бой фактик материал келтиради ва илмий-назарий ҳулосалар чиқаради. «Девон» нинг асоси бўлган луғат қисмида муаллиф олти мингдан зиёдрок туркий сўзларнинг луғавий маъносини арабча изоҳлаб бсради. Бу сўзлар турли туркий қабил ва халқларнинг, территориял диалектларнинг сўзларидир. «Девон»даги сўзлар ва уларнинг грамматик хусусиятлари бошқа туркий тилларга алоқадор бўлгани каби, ҳозирги замон ўзбек тилига ҳам алоқадор бўлиб, бизни тилнинг қадимги негизлари билан таништиради.

«Девону луғотит турк» оддий луғат китоби бўлмай, балки тилшунослик илми тараққиётига жуда катта ҳисса бўлиб қўшилган асардир. Асар тил тарихини ёритишда ўт қимматини сақлаб келмоқда ва қадимги адабий ёдгорликлар тилини ўрганишга хизмат қилмоқда. Чунончи, шу асар топилганидан кейин «Қутадғу билиг»ни ўқиш ва уни табиқ қилишда содир бўлган камчиликлар аниқланди ва тугатилди.

«Девону луғотит турк» фақат тилшунослик асаригина бўлиб қолмасдан, балки, у даврининг бир қомуси – энциклопедиясидир. Бу асарда турли қабил ва халқларнинг тарихи, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, урф-одати ва бошқалар ҳақида ҳамда жойларнинг географик ва табиий хусусиятларига доир кўп маълумотлар берилади. Бу «Девону луғотит турк»нинг қимматини янада оширади.

“Девонулуғотиттурк”нинг адабий қиммати ҳам беинҳоя каттадир. Унда уч юз а яқин шеъринг парча ва жуда кўп мақол ҳамда ҳикматли сўзлар бўлиб, китоб муаллифи улардан сўзларнинг луғавий маъносини изоҳлашда бир кўرғазма сифатида фойдаланади. Бу ҳақда Маҳмуд Қошғарийнинг ўзи: «Мен бу китобини махсус алифбе тартибида ҳикматли сўзлар, сажьалар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим», – дейди. Маҳмуд Қошғарий Али Эр Тўнга (Афросенб), Искандар ва бошқалар ҳақида халқ орасида мавжуд бўлган айрим афсона ва ривоятларни ҳам баён қилади. Шу билан бирга, Маҳмуд Қошғарий, йўл-йўлиқай бўлса ҳам, баъзи адабий жанрлар ҳақида, вазн, истиора, ўхшатиш ва бошқа назарий масалалар ҳақида маълумот беради. Бу бошланғич тарзда бўлса ҳам, ўша даврларда адабиёт назариясига доир айрим масалаларнинг илмий асосда ўрганилгани ва маълум қондалар яратилганини кўрсатади. Гарчи «Девону луғотит турк»даги адабий асарларнинг вужудга келиш хронологиясини

қатъий белгилаб бўлмаса ҳам, лекин уларнинг мазмуни, тили ва услубига қараб яратилган даврини фараз қилиш мумкин.

“Девону луғотит-турк” XI асрда ёзилган бўлса-да, унга жамланган бадий парчалар туркий халқлар адабиётининг анча олдинги давларида вужудга келган. Унда халқ оғлаки ижоди намуналарининг кўпи асар ёзилган даврдан 5–6 аср қадимроқдир. Уларда туркий халқларнинг урф-одатлари, ишонч-эътиқодлари, маросимлари билан боғлиқ кетадиган бадий лавҳаларни кўрамиз.

Уларнинг бир қисми бевосита тарихий мавзуларга бағишланган. Алп Эр Тўнга ривояти, ябоғу (ёбғу)лар тангутлар билан бўлган жанглар ҳақидаги парчалар, шунингдек, айрим шахс ва жойлар билан боғлиқ афсоналар шулар жумласидандир.

Бу ёдгорликлардан XI асргача бўлган адабиётдаги бир қатор адабий жанрлар ва бадий тасвирнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги маълумотларга эга бўламиз.

“Девон”да адабиётшуносликка доир анчагина атамалар бор. Муаллиф “ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар” ҳақида гапириб ўтган. Шунингдек, айрим адабий ҳодисалар ҳақида махсус изоҳлар берган.

Жумладан:

“**йир**” – куй, мақом... Кўпинча бу сўз шеърга нисбатан қўлланади. Бу сўз ир тарзида ҳам талаффуз қилинади”. “**қўшуғ**” – шеър, қасида, қўшиқ”.

“Девон”га кирган адабий шаклларнинг асосий қисмини **тўртликлар** ташкил қилади. Ўзбек адабиётида тўртлик шаклига таянадиган бир қатор шеърли жанрлар ривожлангани маълум. Булар орасида тўртлик, рубоий, мураббаъ айниқса машҳурдир. Маҳмуд Кошғарий уларни асосан “қўшуғ” ёки “шеър” деб номлаган.

Уларда ниҳоятда хилма-хил мавзулар тилга олинади. Ватан ва юрт муҳаббати, халқ учун жанг қилган баҳодирлар билан фахрланиш, табиат манзаралари гўзаллиги, меҳнат шавқи, турли инсоний кечинималар талқини асардаги етакчи мавзулардир.

“Девон”да туркий халқлар турмуш манзаралари билан боғлиқ бўлган шеърли парчалар катта ўрин тутади. Уларда халқнинг урф-одати, яшаш тарзи, машғулоти, ишонч-эътиқодларининг ифодаси жуда очиқ кўринади.

Йигитлариг ишлату,
Йиғач ямиш иргату,
Қулаң, кайик авлату,
Базрам қилиб аввалим,

(Йигитларин ишлатиб,
Дарахт меваларини қоқтирайлик,
Қулон, кийикларни овлатиб,
Байрам қилиб овунайлик.)

Бу мисраларда туркий халқларининг ҳаёт манзаралари ўз аксини топган. Йигитларин ишга сафарбар қилиш, мева териш, овчиликка йўналтириш қадимги турмуш тарзининг айрим лавҳаларидир.

Қуйидаги шеър эса ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳасига дахлдор:

Эрди ашин татурған,
Явдақ ятиг қатарған

Бўйини тутиб қазирган
Баста ўлум ағтару.

(Бир кишининг ўлимига ачиниб айтади:
Ошини меҳмонларга тутадиган,
Ёмон душманини қочирадиган,
Ўғроқ аскарини (баҳодирлиги билан) қайтариб
юборадиган эди.

Афсус, ўлим уни янчи, эзди).

Шеърда марҳумнинг бошқа кишилар билан муносабатларида намоён бўладиган хислатларига урғу берилади. Гап қабилининг собиқ жасур аъзоси ҳақида кетмоқда. У вафот этган. Аммо унинг тириклигидаги кўплаб фазилатлари бошқаларга ҳали ҳануз намуна бўла олади. Бу ерда марҳумнинг очиққўллиги, меҳмондўстлиги ва муҳими, кўрқмас, довюрак, шижоатли эканлиги алоҳида таъкидланмоқда.

“Девон”да кўплаб **лирик қўшиқлар** ҳам мавжуд. Уларда инсоннинг қалб кечинмалари, нозик ҳис-ғуйғулари ифодаси, табиат ва ота юрт манзаралари тасвири етакчилик қилади.

Табиат манзараларининг ўзидаёқ нозик ва жонли кузатишлар кўзга ташланади. Табиат ва юрт гўзаллиги воситасида табиат ҳодисалари туфайли инсон руҳиятида юзага келадиган турли ўзгариш ва кечинмалар жуда ихчам, гўзал ва таъсирчан ифода этилади.

Лирик қўшиқларнинг бир қисми бевосита кишиларни қуршаган **олам** ҳақида. Уларда туркий халқларнинг доимий йўлдоши – отлар ҳам алоҳида мавқе тутади. Бундай шеърларда отларнинг ҳолати, ҳаракати алоҳида тасвирга олинади.

Иқилачим эрик бўлди,
Эрик бўлгу ери кўрди.
Булут ўруб кўк ўртулди,
Туман туриб тўли яғди.

(Шўх, уйноқи отим суръат билан чоңди,
Югуришда ўзди.
Булут кўтарилиб, туман тушиб, дўл
ёққани учун у шундай шўхлиқни муносиб топди.)

Кўриниб турганидай, табиатдаги ўзгаришларнинг (кишининг кетиб баҳорининг келиши) ҳайвонот оламига таъсири таърифланаётгандай. Аслида бу ҳам инсоннинг ўз кузатишлари натижасида олган таъсирланishiдир.

Лирик қўшиқларнинг бир қисми **ишқ-муҳаббат** мавзусидадир. Уларда ёрнинг гўзаллиги, латофати мадҳ этилади, ошиқлиқнинг сирли кечинмалари тасвирланади, ишқий ҳаяжон, муҳаббат шавқи тилга олинади:

Булнар мени улас кўз,
Қара менгиз қизил юз,
Андин тамар гугал туз,
Булнап яна ул қачар.

(Мастана кўзди, кўркем юзли, қора холли, ёноқларидан ёқимлилик ёғаётган гўзал мени ўзига асир қилади. Асир қилади-да, сўнг қочади.)

Бу ерда гўзалнинг суврати нақадар чиройли ва самимият билан чизилган.

Лирик кўшиқларда тасвир ниҳоятда жонли ва таъсирчан. Улар кишини ҳайрат ва ҳаяжонга солади:

Ақтирур кўзум йўлақ,
Тушланур ўрдак, юғақ.

(Кўзим ёшлари булоқ сингари оқади,
Ҳатто унда ўрдак, оққуш каби қушлар йиғиладилар, шўнғишадилар.)

Кўз ёшларини булоққа ўхшатиш табиий ва гўзал. Аммо унинг муболағали тасвири янада завқлидир,

Қақлар қамуғ кўларди.
Тағлар баши иларди.
Ажуи тани йилдири
Туту чечак йеркашур.

(Сувлар кўпайиб, чуқурлар кўлга айланади.
Тоғ бошлари ҳаёлий нарса каби (кўзга аранг) илашди.
Дунё нафаси илди.
Турли чечаклар саф торди.)

Қишнинг тугаб, баҳорнинг бошланаётгани, музларнинг эриб, оқар сувларнинг кўпайгани, тоғ чўққиларининг қорлардан тозаланиб, ҳаво илиши бошланганлиги ҳамда атрофдаги ўт-ўланларнинг кўкариши талқин этилмоқда. Муҳими, буларнинг барчаси эҳтиросли мисраларда ўз аксини топган.

Аслида бу тўртлик катта бир мунозаранинг таркибий бўлагидир. Мунозара ўзига хос адабий жанр бўлиб, у асар қаҳрамонларининг ўзаро тортишуви, баҳси асосига курилади. Мунозарадаги иштирокчилар асосан рамзий (киноявий) хусусиятга эга бўлади. У шеърини ёки насрий тарзда яратилиши мумкин. Юсуф Амрийнинг "Банг ва Чоғир", Яқинийнинг "Ўқ ва ёй", шунингдек, Нишотийнинг "Шоҳбоз ва Булбул", "Гул ва Даф", "Бинафша ва Чанг" мунозаралари бу жанрнинг ўзбек адабиётидаги гўшал намуналаридандир. Аммо "Қиш билан Ёз" мунозараси бу жанрнинг энг қадимги намунаси эканлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Маҳмуд Қошғарий "Қиш билан Ёз" мунозарасига оид кўплаб тўртликларни келтирган. Аммо улар асарнинг бир жойида эмас, балки унинг турли қисмларида ҳар хил сўзларнинг изоҳига далил сифатида келтирилган. Юқоридаги тўртлик "Иларди" деган сўзинг изоҳлаш учун келтирилса, "Утти" – ютди, голиб бўлди маъносидagi сўз изоҳида эса қуйидаги тўртликни ўқиймиз.

Қиш яй била тўқушти.
Қинғир кўзун бақишти.
Тутушқали яқиншти.
Утғалимат ўғрашур.

(Қиш ёз билан тўқнашди.
Бир-бирларига удар ёмон кўз билан қарашди.
Бир-бирларини туттиш учун яқинлашдилар.
Уларнинг ҳар бири енгинини истар эди.)

Табиатдаги бу жараён инсон ҳаётидаги жонли манзараларга ўхшатилиб, унга қиёсий ҳолда акс этган. Ўзаро тўқнашиш, бир-бирига қишқир кўз билан қараш, курашиш учун ўзаро яқинлашиш ва ғолиблик истаги каби инсонга хос туйғулар табиатга нисбат берилмоқда. Адабиётшуносликда бу ҳодисанинг номи жонлантириш дейилади. Маҳмуд Кошғарий келтирган “Қиш билан Ёз” мунозарасида ана шу тасвир воситаси асосий ўрин тутади. ҳар икки фасл тўла “тилга киради”. Улар бир-бирига тегишли бўлган хусусиятларни гўё “фосҳ этади”. Бунда бир оз бўлса-да, кузатувчи – муаллиф нуқтан назари ҳам кўриниб қолади. Айниқса, “Қиш яйғиру савланур”, “Яй қиш билта қаришти” мисралари билан бошланадиган тўртликларда шу ҳолат мавжуд.

Қўшиқлар қадимдан халқ орасида кенг тарқалган. Улар асосан куйга солиниб, ижро этилган. Қўшиқ аслида кенг маъноли тушунча бўлиб, ўз ичига бир қанча турларни олади. Улар орасида меҳнат ва маросим қўшиқлари, хунармандчилик, чорвачилик, деҳқончилик билан боғлиқ қўшиқлар, мавсум қўшиқлари, лирик қўшиқлар ва бошқалар бор.

Қўшиқларда алоҳида кишиларнинг шодлик ва там, ҳис-ҳаяжон, туйғулари, фикр-мулоҳазалари ифодаланса-да, уларда асосан кенг халқ оммасининг орзу-умидлари, ўй-хаёллари, ижтимоий муносабатлари, урф-одатлари, дунёқараш и мужассамлашган. Шунинг учун ҳам уларда шу халқ тарихи муайян даражада балний ифодасини топган бўлади.

“Девону луғотит-турк”даги кўпгина қўшиқлар овчилик, чорвачилик билан – туркий халқларнинг яшаш тарзи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келган. “Қўшиқ” атамаси ҳам илк марта Маҳмуд Кошғарий томонидан қайд этилган. Муаллиф унга шеър, касида деб изоҳ берган.

Халқ қўшиқлари ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Унда шодлик ва гам, ўйин-кулги ва қайғу-ҳасрат, кўтаринкилик ва тушқунлик, турли маросимлар, тўй, фарзанд тарбияси (алла), ўтганлар ёди тасвирланиши мумкин. Табиийки, инсон меҳнати ҳам уларнинг етакчи мавзусидир. Улар орасида табиат тасвирига, табиат манзараларига бағишланганлари ҳам оз эмас.

Маҳмуд Кошғарий “Девони”даги шеъринг парчаларининг асосий қисми халқ оғзаки ижоди маҳсулидир. Улар шаклига кўра асосан иккилик, тўртлик ва мураббаълардан ташкил топган.

Тўртликлар асосан а-а-а-б шаклидаги қофиядошликка эга. Улар орасида а-б-в-б-б типидagi қофиялар қам учрайди.

Қўшни-қўнум ағшиқа, а
Қилғил ангар ағирлик, б
Артут алиб анунғил, в
Эгу тавар ўғурлуқ, б

(Қўни-қўшиларингга яхшилик қил,
Уларни ҳурматла.
Улардан бирор совға олсанг,
Ундан яхшироқ мукофот ҳозирла.)

Тўртликларнинг тўртгала мисраси ўзаро қофиядош бўлган (а-а-а-а) намуналари ҳам мавжуд.

Мураббаъ шакли ҳам (а-а-а-б) асарда кенг қўлланган. “Алп Эр Тўнга марсияси”. “Қиш билан Ёз” мунозараси шу шаклдадир.

“Девон”даги шеърини парчалар – халқ қўшиқлари бармоқ вазнидадир. Айрим намуналар арузнинг баъзи кўринишларига мувофиқ келса-да, аслида бармоқ вазнида ёзилган. Уларнинг кўли етти бўғинли мисралардан тузилган. “Алп Эр Тўнга ўлдиму?”. “Қақлар қамуғ кўларди” каби шеърлар шу вазнида. Умуман, 7 бўғинли мисралардан тузилган шеър туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг ҳам оғзаки ижодида кенг тарқалган.

“Девон”да 8 бўғинли мисралардан тузилган шеърлар ҳам учрайди: “Иқилачим эрик бўлди” шеъри шу хилдадир. Унинг туроқлари 4 + 4 шаклида тузилган.

Айрим шеърлар узунроқ мисралардан ҳам ташкил топган.

Билга эриг эзгу тутуб сўзин эшит,
Эрдамини ўганибон ишка сура.

Кўришиб турганидай бундай шеърлар 4+4+4 тарзида туроқланиб келяпти. “Девон”да 13. 14 бўғиндан тузилган мисралар ҳам мавжуд.

Ўтру туриб яғди ангар қиш ўқи жиғалвар, (14)
Айдим: аснғ қилғу эмас, сен тақи ялвар. (13)

Бу ерда икки мисрадаги бўғинлар сони тенг эмас.

“Девон”даги халқ қўшиқларининг тасвир усуллари инҳоятда хилма-хилдир. Ўхшатиш, сифатлаш, қаршилантириш, жонлантириш, параллелизм ва қиёслар уларда тез-тез кўзга ташланади. Кўпгина ифодалар содда, ихчам, лекин қуйма ва таъсирчан.

“Қақлар қамуғ кўларди” тўртлиги бошдан охиригача жонлантиришга таянади. “Қиш билан Ёз” мунозарасида ҳам шундай тасвири кўрамаиз. “Буллар мени улас кўз” тўртлигида эса сифатлаш асосий ўрин тутди. Кўз, менгиз (хол), юз ўзига хос сифатлашлар (улас, қора, кизил) билан зийнатланган. Бошқа тўртликларда эса ўхшатиш, муболаға сингари бадий тасвир воситалари тез-тез қўлланганини кўриш мумкин.

Шеърларда қофияларга катта эътибор берилган. “Алп Эр Тўнга ўлдиму?” тўртлигида шеърнинг таъсир кучини таъминлаётган унсурлардан бири ҳам қофиядир. Ундаги ўлдиму-қалдиму-алдиму сўзлари гўлқ жарангдорлиги ва оҳангдошлиги билан ажралаб туради.

Булар қадимги халқ қўшиқларининг такрорланмас бадиятини юзага чиқарган омиллардир. Бу анъаналар кейинги асрларда янада такомиллашган, ривожланган ҳолда давом этади.

“Алп Эр Тўнга” марсияси. “Девону дувотит-турк” асари қаҳрамонлик қўшиқлари жамлангани билан ҳам алоҳида эътиборга молик. Унда Ватан ҳимояси, юрт тақдир, халқ

бирлиги ва чегараларнинг дахлсизлиги учун кураш ғоялари куйланган кўплаб шеърӣй ва насрий парчалар бор. “Тангутлар билан жанг”, “Ябоқулар билан жанг” каби парчалар шулар жумласидандир. Уларда жанг манзараси, душман лашкарининг қиёфаси ва ҳолати, ботирларнинг уларга қарши шиддатли ва матонатли курашлари жуда ёрқин, таъсирчан тарзда бадийӣй ифодаланган. Бу силсилада Алп Эр Тўнга ҳақидаги марсия ҳам мавжуд.

Марсия одатда жамият тарихида муайян из қолдирган кишиларга бағишлаб ёзилади ёки тўкилади. Алп Эр Тўнга ҳақидаги марсия оғзаки ижод маҳсули. Демак, унда халқнинг шу қаҳрамонга бўлган буюк ҳурмат ва эҳтироми ифодаланади.

Афросиёб фақат бек эмас, балки “беклар беги”. Унинг қаҳрамонлиги, ботирлиги, шижоати ва мардлиги алоҳида тилга олинган. Зеро, қаҳрамондаги бу хусусиятлар халқ тақдирига кучли таъсир қилган. Унинг шарофати билан душман халқ эркига дахл қила олмаган. Ана шундай олижаноб инсондан айрилиш ҳақиқатда ҳам оғир мусибатдир.

Марсия турли шеърӣй шаклларда ифодаланиши мумкин. Адабиётимизнинг кейинги босқичларида ғазал, қасида, мухаммас, мусаддас, таржибанд, таркиббанд шаклларида ёзилган марсиялар учрайди. Алп Эр Тўнга ҳақидаги марсия мураббаъ шаклидадир. Унинг ҳар бир баъди тўрт мисрадан иборат. Юқорида айтганимиздек, мисралар асосан а-а-а-б қофияланиш тартибига эга.

Алп Эр Тўнга туркларнинг қадимий қаҳрамони. Юсуф Хос Ҳожиб тожиклар уни Афросиёб, деб аташларини ёзган. Маҳмуд Кошғарий Афросиёбни Қашқарда – Ўрдуқант шаҳрида турар эди, деб кўрсатади. Тўнга Алп Эр – йўлбарс каби кучли баҳодир одам, демакдир. Шунингдек, унинг Барман, Барсган деган ўғиллари ҳамда Қаз исмли қизи ҳақида ҳам маълумотлар сақланиб қолган.

Маҳмуд Кошғарий Афросиёбнинг болалари хоқон, хон деб аталганини эслатади. “Девон”да ана шу буюк тарихий шахс – Алп Эр Тўнга ҳақида бир неча тўртликлар сақланиб қолган. Улар асосан Алп Эр Тўнга – Афросиёбнинг вафотига бағишланган. У том маънодаги марсия намунасидаир. Марсияда Афросиёб – Алп Эр Тўнганинг ўлими аччиқ қисмат, даҳшатли фожиа, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотиш сифатида баҳоланади.

Алп Эр Тўнга ўлдиму?
Эсиз ажун қалдиму?
Ўдлак ўчини алдиму?
Эмди юрак йиртилур.

Бу ерда эсиз (ёмон, ярамас, манфур), ажун (олам, дунё), ўдлак (вақт, замон, тақдир) сўзларигина бир оз эскирган. Бошқа сўзлар бугунги тилимизда ҳам фаол истеъмолда.

Бирор кишининг вафоти муносабати билан ғам-алам, ҳасрат ва қайғунин ифодалаган лирик шеър ёки кўшиқ марсия деб аталади.

Алп Эр Тўнга ҳақидаги марсия бизгача етиб келган энг қадимий намуналардан биридир.

Мумтоз адабиётимиздаги қасидаларнинг асосий қисми аруз вазида битилган. Алп Эр Тўнга марсияси эса бармоқдадир. Унинг ҳар бир мисраси етти бўғиндан тuzилган. Туроқлар асосан 4+3 шаклида.

Мақоллар. Ватанга муҳаббат, уни ардоқлаш, она-Ватанга тегишли бўлган ҳар бир нарсани муқаддас билиш, ўзини шу Ватанга дахлдор деб ҳис қилиш чинакам инсонларга хос фазилатдир. “Девон”да шу хислатларнинг ниҳоятда улуғланганини кўриш, кузатиш мароқли. Унда “Тулку ўз инига урса, ужуз бўлур” – “Тулки ўз уясига қараб улиса кўтир бўлади” мақоли келтирилган ва Маҳмуд Кошғарий уни шундай изоҳлайди: “Бу мақол ўз элини, уруғини ва мамлакатини ёмонловчиларга қарата айтилади”.

Душманининг мавжудлиги доимо хушёр ва сергак бўлишни тақозо этади. Куйидаги мақол шу ҳақда:

Тулум анутса, қулун бўлур,
Тулум унутса, болун бўлур.

Душманга (қарши) қурол ҳозирлаган киши қулун (той) бўлади, қурол ҳозирлашни унутган киши асир бўлади. Бу мақол хавф-хатарга олдиндан ҳозирлик кўриш лозимлигини билдиради.

Мақолларда катталар тажрибаси, уларнинг панд-ўғитлари ҳам инсон маънавиятига ижобий таъсир кўрсатадиган омиллардан бири сифатида талқин қилинади:

Қул сави қалмас,
Қағил бағи язилмас.

(Кексалар сўзи, насиҳати бекор кетмайди.
Толнинг ҳўл новдасининг боғи ёзилмайди.)

Яхшиликни улуғлаш, яхшилик қилишга даъват “Девону луғотит-турк”даги мақолларда тез-тез учраб туради.

Аслида дунёнинг фонийлиги, инсон умрининг қисқалиги қайд этилган куйидаги мақол ҳам ҳаётнинг шу қонуниятини билишга, ундан ибрат олиб, умрининг бекор, беҳуда ўтиб кетмаслигини эсла сақлашга қаратилган:

“Ўд кечар киши тўймас, ялингўк ўғли мангу қалмас”, яъни “Замон ўтар, киши тўймас, инсон боласи мангу қолмас” (1-79). Яхшилик моҳиятига кўра ғоят кенг маъноли тушунчадир. У ҳиммат, мурувват, шафқат билан ёндош ҳодиса. Шунга кўра “Сув ичирмасга сут бер” мақолининг мавжудлиги ҳайратланарли эмас. У сенга ёмонлик қилганда ҳам яхшилик қил, деган маънода ишлатилади.

Яхшиликнинг жавоби ҳам яхшилик, эзгулик, олиҳимматлик ёки мақтов бўлади:

“Кўб сукутга қуш қўнар,
Кўрслук кишига сўз келар”.

(Шохи кўп, шохлари ўралиб кетган дарахтга қуш қўнади,
яхши кишига сўз (мақтов) келади.)

Ўки шунинг бошқача варианты:

Иъач учина ел тегир,
Кўркли кишига сўз келир.

(Дарахт учига шамол тегеди, яхши одамга сўз этади.
Шунинг учун у ўзини эҳтиёт қилиши керак, дейилади.)

Инсондаги олий фазилатлардан яна бири босиқлик, ҳалимликдир. Аксинча, ёмонлик, губанлик, юзсизлик энг ярамас хислатларга киради. Шунинг учун халқ тилида шундай мақол юзага келган: “Тузин бирла уруш, ўтув бирла устарма” – ювош одам билан уруш (чунки сен уни босишинг мумкин), уятсиз, юзсиз одам билан урушма (чунки у сени шарманда қилади).

“Эрик эрни яғлиғ, эрмағу баши қанлиғ” – тиришқоқнинг лаби ёғлик, эринчоқнинг боши қонлик, чунки тиришқоқ кўп ишлаб, яхши таомлар, гўшт, ёғлар топади. Шу билан у мой ошайди. Эринчоқ ўзининг ялқовлиғи билан ишдан қочади. Хафалиқдан бошига уради, уни қонатади. Бу матал ялқовликни ташлашга, ғайрат билан ишлашга ундаб айтилади.

Умуман, ғайрат, шижоат, меҳнатсеварлик, қатъият, сабот ва матонат, чилла аждодларимиз руҳиятида етакчилик қилган. Бунинг далили сифатида яна бир мақолий эслатайлик: “Тағиғ уқруқин эғмас, тенгизин қайғиқин букмас” – “Тоғ арқов билан эғилмайди, денгиз қайиқ билан бекилмайди”. Бу мақол катта ишни арзиматган сабаб билан тўхтатиб бўлмаслик мазмунида қўлланади.

Ҳар бир ишга астойдил киришишга ундовчи мақоллар ҳам мавжуд. Шулардан бири “Эмгак экинда қолмас” – меҳнат бўш кетмайди мақолидир.

Биргаликда ҳаракат қилиш, ўзаро кенгашишга чорловчи мақоллар ҳам анчагина. Масалан, “Кенгашлик билик узлашур, кенгашсиз билик ўпрашур” – маслаҳатли иш борган сари яхшиланиб боради, бемаслаҳат иш борган сари бузиллишга юз тутади.

Сабанда сандриш бўлса.

Ўртуғунда ирташ бўлмас.

Ер ҳайдаш вақтида пухталиқ бўлса, хирмонда англашилмовчилик бўлмайди. Бу мақол кейин англашилмовчилик, жанжал чиқмаслиғи учун ишни бошдан пишиқ қилиш керак деган маънода қўлланади.

Эрк, озодлик, мустақиллик инсониятнинг фаол ҳаракатга ундайдиган тушунмалардир. Шу хислатга эга бўлган шахс беғамлик, лоқайдлик касаллиғига дучор бўлмайди. “Ўкуз азақи бўлғинча, бузағу баши бўлса йиқ” – “Хўкизнинг оёғи бўлғинча, бузоқнинг боши бўлган яхшироқ” мақоли – “Мустақиллик бўйсунушдан яхши” деган маънода қўлланади, дейди Маҳмуд Қошғарий.

Босиқлик, оғирлик каби хислатлар ҳар доим эл ардоғига, кўпчилик ҳурматиغا сазовор бўлади. Аксинча, бардошсизлик, бесабрлик таҳқир ва танқидга дучор қилади: “Кўк кўрди керағу язти” – меҳнат ва машаққат кўрди-ю, ўтовини орқасига юклаб олди.

Мақтанчоқлик доимо бутун инсоният томонидан қораланиб келган салбий хислатлардан биридир. Қадимда ҳам мақтанчоқликни ёмон кўришган. Маҳмуд Қошғарий бу борада бир мақол мавжудлигини айтади:

“Ашуч айтур тубум алтун, қамич аюр мен қайдаман”, яъни “Қозон айтур: тубим олтин, чўмич айтур: мен қайдаман?”.

Муҳими, олим бу мақолининг қўлланиш ўрнини ҳам изоҳлайди:

Бу масал ўзининг қимлигини биладиган таниш кишилар олдида мақтанувчи кишига нисбатан айтилади.

Нафс домига тушмаслик, суқлиқдан тийилиш, умуман, баднафслик балосидан сақланиш осон иш эмас. Аммо улардан фориглик рўшноликдир. Бу борада яна “Девон”да ўқиймиз: “Ағилда ўғлақ туғса, ариқда ўти унар” – “Молхонада бузоқ туғилса, ариқда ўти чиқади”. Бу мақол овқат ёки ризқ учун ортиқча уриниш ва қайғуриш керак эмаслигини англатиш учун айтилади.

Айни пайтда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, тежамкорлик ҳам инсондаги яхши фазилатлардан бири сифатида саналади:

“Тавғач ханининг тўрқуси телим, тенгламазиб бичмас” – (Қорахитой) хоқонининг ипак газмоли кўп, лекин ўлчамай кесилмайди. Бу мақол ишни бошида пухта ўйлаб қилишга ундаб, исрофгарчиликка қарши айтилган.

Меҳмонга ҳурмат кўрсатиш, унинг иззатини қилиш ажодларимизнинг қадимий анъаналаридан бўлган. “Девон”да меҳмон, меҳмондорчилик урф-одатлари, анъаналарига онд жуда кўпдаб қайд ва маълумотлар учрайди. Жумладан, улардан бирида меҳмонга имконият доирасида ҳурмат кўрсатиш, унинг кўнглини олиш тарғиб қилинади: “Ануқ ўтру тутса, йўққа санмас” – меҳмонга бор таом тақдим қилинган, кўрмадим демайди. Бу мақол уй эгаси бор нарсасини меҳмонга тақдим қилиши зарурлигига ишорат қилиб айтилади.

Аксинча, меҳмонга бепарво ва бенисанд муносабатда бўлиш, айниқса, ундан ўзини олиб қочиш жуда қаттиқ қораланади:

Барди эран кўнук, кўруб қутқа сақар,
Қалди явуз уюқ, кўруб эвни йиқар.

Меҳмонни давлат ва баракатдан санайдиганлар ўлиб кетди, саҳроларда кўринган қораларни ва манзилларни белгилаш учун қўйилган тошларни кўриб, одам деб ўйлаб, у келиб қўниб қолмасин, деб чодирини бузувчиларгина қолди.

Меҳмонқадимги туркий тилда “ума” дейилган. Яна “Девон”га мурожаат қилайлик: “Ума келса, қут келар” – “Меҳмон келса қут келар” – сенга меҳмон келса у билан бирга барака, қут-бахт келади. Қўноқни яхши қарши оладилар, малол олмайдилар.

Меҳмон инсон шуҳратини оширадиган омиллардан бири. Инсон ўз номининг ёйилишидан манфаатдор бўлмоғи керак. Бу ҳам унинг кўнглидаги эзгу ўй-орзулар, яхши фазилатлар билан боғлиқ. Саховатпешалик – очиқ ва самимий кўнгишлар мевасидир. Аксинча, бахиллик, хасаслик тор кўнгишликнинг, кўролмасликнинг оқибатидан бошқа нарса эмас:

“Қиз киши сави йўриғди бўлмас” – бахил одамнинг овозаси чиқмайди, шуҳратланмайди мақоли бежиз эмас. Бу мақол одамларни яхши ном чиқариш, сахий бўлиш учун ундаб айтилади.

Савол ва топшириқлар:

1. Маҳмуд Кошғарий қачон ва қаерда туғилган?
2. “Девону луғоти-турк” итима учун қомусий асар ҳисобланади?
3. У қачон ёзилган? “Девон”даги бадийий парчалар қайси даврга мансуб?
4. “Девон”даги шеърини парчалар қайси мавзуларда? Мисоллар билан изоҳланг.

“ДЕВОНУ ЛУФОТИТ ТУРК” АСАРИДАН

Қиш билан ёз

(Қиш)

Келди эсин¹ эснайу²,
Қорқа тугал уснайу³,
Кўрду бўдун⁴ қуснайу⁵,
Қара булут кўкрашур⁶,

Қор ҳавосига ўхшаб.

Шамол эсиб келди.

Эл титраб, тиш қоқиб уйга кирди.

Қора булут кўкраб, қичкириб туради.

Тумлуғ⁷ келиб қапсади⁸,
Қутлуғ йайиғ тапсади⁹,
Қарлаб ажун йапсади¹⁰,
Эт йини¹¹ ушуб умрашур¹².

Совуқ дунёни ўраб олмоқчи бўлиб келди.

Қутлуғ ёйни тепди.

Дунёни қор билан ёпмоқ истади.

Таилар увишиб вижирлайди.

• • •

Куйди булит йағмурин,
Кериб тутар ак тўрин,
Қирра қўйди ул қарин.
Ақин ақар инграшур.

1 Эсин – шамол;

2 Эснамак – эсмоқ;

3 Уснамак – ўхшамоқ;

4 Бўдун – жамоат, эл-улус;

5 Қуснамоқ – “совуқдан тишларини бир-бирига урмоқ”;

6 Кўкрашмак – қичқиришмоқ;

7 Тумлуғ – совуқ;

8 Қапсади – ёпмоқ истади;

9 Тапсади – ҳасад қилди; ёмонлик истади;

10 Йапсади – ёпмоқ истади;

11 Эт йини – таң;

12 Умрашмак – увушмоқдан танда пайдо бўладиган бир ҳол вижирламоқ.

Қиш йай била тўқушти,
Қинғир кўзун бақишти.
Туташғали йақишти,
Утғалимат ўғрашур.

*Қиш билан ёй тутушдилар,
Бир-бирларига эгри қарашдилар.
Туташмоқ учун яқинлашдилар,
(Қарангиз), бир-бирларини ютмоқ учун
қандай қасд қилдилар.*

Қиш йайғиру савланур
Эрат манин тавранур,
Иклар йема савранур,
Эт йин тақи икрашур.

*Қиш тўполонлар, ғавғолар билан гапга киришди,
ёзга қараб мана шундай деди:
Эр, от мен билан (мендан) кучаяди.
Касаллар ҳам йўқолади.
Танлари ҳам ўсади.*

Санда кўпар чазанлар,
Қузғу сингак йиланлар,
Дук минг қуйи туманлар,
Қузруқ тегиб йугрушур.

*Чивинлар, пашшалар сенда кўпади,
Мингларча, ўн мингларча чаёнлар, илонлар
Сендагина қуйруқларин тик қилиб ҳар томон
югуришадилар.*

Ул қар қамуғ қишин инар,
Ашлиғ, тариг анин унар,
Йавлақ йағи манда тинар,
Сан қалибан тебрашур.

*Қор қишдагина ёғади,
Ҳолбуки буёдой, тариқ ундан унади,
Ёмонлар, душманлар сенда тинадилар,
Сен келгач, уларнинг ҳаммаси тебраниб, дунёни
бесаранжом қила бошлайдилар.*

Луғат

Кермак – кермоқ; қиғир – қиғир, эгри қараш, кўз қири билан қараш; йақишти – яқинлашди; утғалимат – бу феълнинг ясалышы шундайдыр; ут-ғали-мат. “Ут” утмоқ (үйиңда ютмоқ) феълнинг ұзагыдыр. “Ғали – гали” сабаб феълнинг кўшимчасидир. “Мот – мат” қандай маъносидадир: “Утғалимат” ютмоқ учун қандай... демакдыр; ўғрашмоқ – қасд қилишмоқ; йайғыру – ғавғо солмоқ; савланмоқ – сўзлашмоқ; манин – мен билан, манда; тавранур – кучаяди; ик – касал; савранмоқ – тор қолмоқ, битмак; эт-йин – тан; икрашур – ўсмоқ, ривожланмоқ; чазан – чаён; қуғу – чивин; дук минг – мингларча; йавлақ – ҳасадли, гиналы киши.



(ЁЗ)

Қар, буз – қамуғ эрушди¹,
Тағлар суви ақишди.
Кўкшин² булит урушди¹,
Қайғуқ³ бўлуб ўкришур⁵.

*Бутун қорлар, музлар эридилар,
Тоғлардан сувлар оқа бошладилар.
Ҳавода кўкчил булутлар пайдо бўлуб,
Ҳар томонда қайиқ каби юрмоқдалар.*

Урди⁶ булит инграшу,
Ақти ақин мунграшу.
Қалди бўдун танглашу,
Кўкрак⁷ тақин манграшур.

*Булут ўнграб кўруиди,
Оқин нола қилиб оқди.
Эл-улус ҳайрон қолди,
Булутлар бир наъра чекиб, бир манграб юрмоқда.*

Ай қўпуб⁸ эвлануб⁹,
Ак булут ўрлануб¹⁰,

1. эрушмак – эримоқ;

2. кўкшин – кўкчил;

3. урушмак – пайдо бўлмоқ;

4. қайғуқ – қайиқ;

5. ўкришмак – ҳаракат этмоқ.

6. урмоқ – пайдо бўлмоқ, кўришмоқ;

7. кўкрамак – қичқирмоқ – наъра чекмак.

8. қўпуб – қўтарилиб,

9. ай эвланмоқ – ой теграсида доира пайдо бўлмоқ, қўтошланмоқ,

10. ўрланмоқ – кўрунмоқ;

Бир-бир уза ўқлануб¹,
Сачлиб суви инграшур.

*Ой кўтарилган, теграсида доира пайдо бўлган эди.
Оқ булутлар кўрунуб,
Бир-бир узра йиғилдилар, тўпландилар.
Инграб сув сочмоқдалар.*

Қақлар² қамуғ кўларди³,
Тағлар баши иларди⁴,
Ажун тини йиларди⁵,
Ту-ту⁶ чечак жаркашур⁷.

*Чуқурлар бори кўл бўлди,
Тоғлар бошлари ўзларида йиғилган сувлар билан
Хаёлланиб турғон от кўзларига ўхшадилар.
Дунёнинг нафаси илиқланди.
Тус-тус чечаклар ясов тортиб турадилар.*

* * *

Йағмур йағуб сачилди,
Турлук чечак сучулди⁸,
Йинжу⁹ қаби ачилди,
Чиндан йипар¹⁰ йўғрушур¹¹.

*Ёмғир ёғиб сочилди,
Турли чечаклар кийимларини ташладилар.
Ёмғурнинг ёғиши билан инжу қоплари очилган қаби
бўлди.*

*Тупроқлар чиндан-да "йипор" (мушк) билан
йўғрилмоқда.*

1 ўқланмоқ - кўпаймоқ, йиғилмоқ.

2 қақ - чуқур.

3 кўлармак - кўз бўлмоқ.

4 илармак - отнинг хаёлланиб туриши.

5 йилармак - илғимок.

6 ту - тус; ту-ту - тус-тус;

7 жаркашмак - ясов тортмоқ, саф тўзмоқ.

8 сучулмак - алағочланмоқ, кийимларни чиқармоқ;

9 йинжу - инжу.

10 йипар - мушк.

11 йўғрушмоқ - йўғрилмоқ.

Йашин атиб йашнади,
Туман туруб тушнади,
Азғир қисир кишнади,
Ўкур алиб ўкрашур.

*Яшин яшнаб отди,
Туман туриб яна тушди,
Айғирлар қисирлар кишнаб,
Сурувни бошлаб қичқирмоқдалар.*

* * *

Текма чечак ўқулди
Букуклануб буқулди,
Тўксин тўкун тугулди,
Йазғалимат йуркашур.

*Ҳар бир чечаклар йиғилдилар,
Муғчаланиб буқулдилар.
Тўрт пучмоқли тугунландилар,
Қаранг, энди очилмоқ учун қандай тўпланадилар.*

* * *

Қизил, сариғ аркашиб,
Йибкин йашил йузкашиб,
Бир-биркару йуркашиб,
Йалинғуқ ани танглашур.

*Қизил, сариғ гуллар бир-бирларига орқадан таянган,
Ола, яшил чечаклар бир-бирларига ўралган,
Бири кетидан бири тўпланади,
Одам буларнинг томошосига ҳайрон қолади.*

Луғат:

Тушнамак – тушмак феълининг бошқача бир шакли; азғир – айғир; ўкур – сурув; ўкрашмак – қичқиршмоқ; текма – ҳар бир; ўқулди – йиғламоқ; буқоқланмоқ – ғунчаланмоқ; тўксин – тўрт пучмоқли тугун; тугулди – тугунланди; йазғалимат – яна очилиб (ёзилиб); йуркашмак – тўпланмоқ; аркашмоқ – икки нарсанинг бир-бирига орқадан таянмоғи; йибкин – ола; йузкашмак – ўралишмоқ; кару – кейин; йуркашмак – тўпланмоқ; йалинғуқ – инсон; танглашмоқ – тонг қолмоқ, ҳайрон қолмоқ.



Йай қиш билан қаришти¹,
Ардам йасин² қуришти³,
Черик⁴ тутуб кўрушти,
Ўқтағали ўртушур⁵...

*Ёй қиш билан қарши тушти (Ёй қишга қарши чиқди).
Мақтаниш ёйини қурди,
Қўшин тортиб бир-бирига қарашдилар,
Бир-бирларини ўқламоқ учун қаршилашдилар
(рўбару бўлдилар).*



Санда қачар сандилач⁶,
Манда тинар қарғилач⁷,
Татли утар сандугач,⁸
Эркак тиши учрашур.

*Саъвалар сенда қочадилар,
Қалдирғочлар менда тинадилар,
Менда булбуллар тотли-тотли сайрайдилар.
Бу гўзал қушларнинг нар ва модалари менда
учрашадилар.*

АЛП ЭР ТҮНГА МАРСИЯСИ

Алп Эр Тўнга ўлдими,
Ёмон дунё қолдими,
Замон ўчин олдими,
Энди юрак йиртилур.
Дунё фурсат кўзлади,
Ўғри тузоқ созлади,
Беклар бегин излади,
Қандай қочиб қутулур.

Дунё кунин пастлатур,
Инсон кучин суслатур,
Элдин эрни четлатур,
Қочган билан ким қолур.
Одатдан зўр нарса йўқ,
Бошқа баҳона ҳам кўп.
Отса замон пойлаб ўқ,
Тоғлар боши янчилур.

1. қаришмоқ – қаршилашмоқ;
2. йа – ўқ отадиган қурол-камон;
3. қуришмак – ёй қурмоқ, камон тайёрламоқ;
4. черик – аскар;
5. ўртушмак – ўғру тушмак.
6. сандилач – саъва;
7. қарғилач – қалдирғоч
8. сандугач – булбул.

Замон аҳли озайди,
Олчоқ, ёвуз кучайди,
Эзгу ишлар камайди,
Дунё беги кетганда.

Билимдонлар эзилди,
Дунёни хароб қилди,
Одоб гўшти бузилди.
Ерга тегиб судралур.

Беклар оти чарчади,
Фам бекларни янчади,
Юзга заъфар санчади,
Чеҳралари сарғаюр

Бўри бўлиб улдилар
Ёқа йиртиб турдилар,
Йиғлаб-сиқтаб юрдилар,
Кўз ёшлари мўл бўлди.

Кўнглимни чок қилди.
Битган--ярамни тилди.
Кечмиш хотирга келди
Тун-кун уни истарман.

Кучанди билагим,
Келурди тилагим.
Кўпайди билимим,
Аммо умр тугалур.

МАҚОЛЛАР

Эрмагуга булит йўқ бўлур,

Ялқовга булут ҳам юк бўлади.

Эрик эрни йағлиғ, эрмагу баши қанлиғ.

Тиришқоқнинг лаби ёғлиқ, эринчоқнинг боши қошлиқ.

Эрдамсиздан қут чертилур.

Хунар ва одоб фазилатлари бўлмаган кишидан бахт ва давлат кетади.

Кичикда қатигланса, улғазу севиур.

Ёшликда тиришиб, ҳаракат қилган одам, катта бўлгач севинади.

Қуш қанатин, эр агин.

Қуш қаноти билан, эр оти билан.

Этли, тирнакли эзирмас.

Этни тирноқдан ажратиб бўлмайди.

Кузаку узун бўлса, алик куймас.

Кўсов узун бўлса, қўл куймайди.

Бир қарға билан қиш келмас.

Бир қарға билан қиш келмас.

Кенг тўн ўбрамас, кенгашлик билиғ артамаз.

Кенг тўн тўзимайди, кенгашли иш бузилмайди.

Йалнгус ғаз утмас.

Ёлғиз ғоз товуш чиқармайди (сайрамайди).

Қут белгуси билиқ.

Билим – бахт белгиси.

Қўрқмиш кишига қўй баши қўш кўриур.

Қўрққан кишига (ёлғиз) қўйнинг боши ҳам қўш кўринади.

Қарға қарисин ким билур, киши аласин ким тапур.

Қарғанинг қарисини ким билади, кишининг оласини ким топа олади.

Тилин тутмишин тишин йазмас.

Тил билан туғилгани, тиш билан ечиб бўлмас.

Эрдам баши тил.

Одобнинг боши тил.

Савол ва топшвриқлар:

1. Табиат манзаралари тасвиридаги ўзига хосликлар нималардан иборат? Улардаги бадний тасвир воситаларига эътибор беринг.

2. "Девон"да Али Эр Тўнга ҳақида қандай маълумотлар берилган? У ким эди?

3. Китобдаги марсияда бу қаҳрамоннинг қайси сифатлари алоҳида тасвирланган?

4. Марсияданинг қофияланиш тартибини кўрсатинг ва унинг аҳамиятини айтинг.

5. "Девон"даги мақолларнинг ҳозир ҳам ўзгаришсиз ёки қисман ўзгаришлар билан қўлланаётган муқобилларини топинг.

6. "Девон"да илм-фан, ахлоқ-одоб ҳақидаги шеърини парчаларнинг маърифий аҳамияти ҳақида гапириб беринг. "Девон"да келтирилган қандай адабий жанрларни биласиз?

ТАСАВВУФ ВА АДАБИЁТ

"Тасаввуф" сўзининг луғавий маъноси ҳақида ҳар хил фикрлар бор. Абу Райҳон Беруний уни "файласуф" сўзидаги "суф" сўзи билан боғлайди. Суф сўзи арабларда жун ва ундан туқилган матонни англатади. Сўфийлар кийими дастлаб жун чакмон ёки қўй терисидан тикилган пўстин бўлган, шунга кўра ана шу талқин тўғироқдир. Сўфий сўзи ҳам "сўф"дан ясалган, "Тасаввуф", "мутасаввуф" сўзи билан ўзакдошдир.

Тасаввуф ислом жамиятидаги Исломга асосланган таълимот, фалсафадир. Тасаввуфнинг мавзуси маърифатудлоҳ, унинг ғояси Жаноби Ҳақ розилигига эришмоқ учун нафсни поклаб, гўзал ахлоқ эгаси бўлишга интилмоқ, яъни Аллоҳ ва Расулнинг хулқи билан ахлоқланишдир. Инсон камолоти фақатгина руҳнинг софлигини муҳофаза қилиш орқали мумкинлигидан, руҳнинг бадан устидан ғалаба қозониши учун чораталбирлар кўриш тасаввуфнинг ғоясидир.

Ҳазрат мир Алишер Навоийнинг қуйидаги қитъасида айни шу камолотга даъват бор:

Камол эт касбким олам уйини
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайини
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Демак, бу олам инсон учун руҳий камолоти ва покланиши учун берилган қисқа муддатдир. Бу муддатдан унумли фойдаланмаслик банданинг фожиасидир.

Тасаввуф тажриба орқали ҳис қилиб, яшаб англашиладиган ҳол илмидир, у амалда устоз ҳузурда ва унинг тарбиясида ўрганилади. Тасаввуф – китобий илм эмас, яъни тасаввуф ҳақидаги китобларни ўқиб киши сўфий бўлиб қолмайди. Устоз – пир – муршид ҳазрат пайғамбаримизга уланадиган силсилага соҳиб бўлиши зарур.

Тасаввуфга тариқат деб аталган ва Аллоҳга, иншооллоҳ, етқарадиган ўзига хос йўллар билан кирилади.

Илмда тасаввуф тарихидаги икки босқич, **зоҳидлик** ва **орифлик** ажратилади. Зоҳидлик даврига хос хусусият Оллоҳ йўлида тоат-ибодат қилиш фарзидир. Иброҳим Адҳам, Ҳасан Басрий, Абдуллоҳ Муборак шу оқим вакиллари дидир.

IX аср ўрталаридан орифлик даври бошланади. Эндликда хонақоҳлар вужудга келади, тасаввуф мактаблари шаклланади. XIII – XIV асрларга келиб, унда илмий-назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам юксалиш даври кузатилади.

Тасаввуф исломнинг ўзи билан бирга ривожланади ва кенг омма орасига ёйишади. Шунга кўра уни дунёдаги кўплаб халқларнинг ижтимоий-фалсафий ҳамда бадний тафаккурида учратиш мумкин.

Тасаввуф инсоннинг маънавий камолотга эришиш йўлидир. Бу йўл тўрт қисмга ажралади.

1. Шарият.
2. Тариқат.
3. Маърифат.
4. Ҳақиқат.

Шарият маънавий-ахлоқий комилликнинг илк босқичи ҳисобланади. Унда асосий исломий талаб ва қоидалар ўрганилган. “Қуръон” ва ҳадислардаги ахлоқий-фалсафий, илоҳий кўрсатмалар моҳияти ўзлаштирилган. Зеро, машо-йиҳлар таъкидлаганидек, шариятнинг заминида унмаган тариқатнинг меваси заҳардир. Оддий сўфий зоҳид шу босқичдан юқорига кўтарила олмаган. Ша-рият босқичидаги кишилар авом бўлиб, тариқатга қадам қўйишлари билан хосларга айланадилар. Демак, тасаввуф – хослар илми. Соддароқ қилиб айтсак, тариқатдагилар Аллоҳнинг “азъоли” бандалари дидир. Улар Аллоҳ буюрган фарз амаллар билан кифояланмай, У Зотга яқин, суюкли бўлиш учун нафл ибодатлар билан ҳам машғул, нафсларига қарши доимо жиҳодда бўладилар. Тасаввуф ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган, Аллоҳнинг ўзи хоҳлаган суюкли бандаларигагина берилувчи илмдир.

Тариқат сўзининг маъноси “йўл” демакдир. Бу йўлда инсон, яъни тасаввуф йўлига кирган инсон руҳий-ахлоқий камолот манзилларига етишни мақсад қилиб олади. Тариқат Аллоҳга етказувчи йўл экан, унинг ўз бекатлари бор. Айримлар бу йўл синовларига бардош бера олмай қайсибир бекатда тушиб қолади, йўл охирига етганлар Ҳақ васлига эришган восилга айланадилар. Тариқатда бу бекатлар **мақомлар** деб аталади. Тасаввуфда бу мақомлар соми турлича қайд этилган. Қуйида мутасаввиф Абу Наср Саррожий таснифи берилади. Зеро, бу тасниф бошқа таснифларнинг моҳиятини ўзида умумлаштиради:

1. **Тавба** – арабча сўз бўлиб, қайтиш деган маънони билдиради. Тариқат йўлига қадам қўйган толиб ўзининг аввалги барча Ҳақдан йироқлаштирувчи амалларидан қайтиб, тавба қилади.

2. **Вараъ** – ҳушёрлик. Бу мақомда солиқ ҳалолу ҳаромнинг фарқини билиб, гуноҳ амаллардан, ҳаром дукмадан ўзини эҳтиёт қилиб, доимо ҳушёр туради. Масалан, чўчка гўштини емаслик ҳам авом вараъси дейиш мумкин. Хосларнинг вараъси эса ўзига хос.

3. **Зухд** – ўзини тийишлик. Зухдга Аллоҳнинг васли умидида Балх ҳокимлигидан кечиб, Маккани мақом тутиб, доимо тоат ибодат билан машғул бўлган Иброҳим Адҳам ҳаёти мисол бўла олади.

4. **Фақр**. Пайғамбаримизнинг “Фақирлигим – фахрименинг” сўзлари бу мақомнинг шарҳидир. Яъни, дунёнинг шоҳи бўла туриб, ўзини фақир ҳисоблаш ҳақиқий мўмин, солиҳ банданинг мақомидир. Чунки инсон Аллоҳнинг бандаси, қули экан, ундаги барча нарса: мол-мулк, ҳатто жони ҳам ўзиники эмас. Буларни берган Зот хоҳлаган вақт қайтариб олиши ҳақ.

5. **Сабр**. Юқоридаги мақомларни эгаллаш осон иш эмас. Чунки нафсимиз жуда кўп нарсаларни бизга чиройли қилиб кўрсатади. Нафс инжиқликларига қарши туриш сабр орқали амалга оширилади. Айюб алайҳиссаломнинг ҳаётлари мўмин банда сабрининг гўзал намунасидир.

6. **Хавф**. Рухий поклавниш поғоналаридан кўтарилиб бораётган сўфий Нафс макридан доимо хавфда бўлмоғи лозим. Нафс шундай душманки, озгина хушёрлик қўлдан бой берилса, у бош кўтариши аниқ.

7. **Ражо** – умидворлик. Ноумид – шайтон. Мўмин, айниқса, сўфий доимо Аллоҳнинг вазидан, марҳаматидан умидвордир.

8. **Таваккул** – хотиржамлик. Ҳар нарсанинг эгаси Аллоҳдир. Солиқ буни ҳис этиб руҳий хотиржамликка эришади.

9. **Ризо**. Аллоҳнинг қазо ва қадарига қалб билан рози бўлишлик.

Алишер Навоий “Лисонут тайр” дostonида тариқат мақомларини етти водий мисолида акс эттиради: Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру Фано.

Одатда, тариқат тасаввуфнинг амалий қисми ҳисобланади. Бу босқичда шу йўлга кирган (у солиҳ деб аталади) одамнинг вазифалари, унинг устоз – пирга эргашиш қоидалари ва бир қадар ахлоқ-оғоб меъёрлари ҳақида маълумотлар олинади. Тариқат албатта устоз (пир, мурид) билан эгалланади. Бунда солиҳ ўз ихтиёри, иродасини пир қўлига беради. Барча соҳаларда ҳам яхши устозсиз камол топиш жуда қийиндир. Бу босқичда инсон ўз нафси устидан ҳокимлик қилишга ҳаракат қилади. Бунга Аллоҳнинг илмини таниш, Қудрати, олимлиги ва бошқа сифатларини билиш, қалб билан ҳис этиш, яратувчига солиқ, муносиб банда бўлиш орқали эришилади. Бу йўл нафс билан туғнаган банда учун жуда оғир.

Нафс инсон руҳияти касаллиги бўлиб, бу касалликни даволовчи дори (анти-биотик) – Аллоҳнинг илмини ўрганиш, Аллоҳнинг бандасига, бандасининг Ўзига муҳаббати бўлиб ҳисобланади. Тасавуфда Нафс ва Ишқ асосий тушунчалардир, шунингдек, мазкур таълимот таъсирида шаклланган тасавуф адабиётининг ҳам бош тушунчалари нафс ва ишқдир. Туркий адабиётининг мутасавуф шоири Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларида Ишқ ва Нафс тушунчаларини шундай шарҳлайди:

Ишқи текса куйдиргуси жону танин,
Ишқи текса вайрон қилур мову манин,
Ишқ бўлмаса топиб бўлмас, Мавлим, сени.
Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил, парвардигор.

Нафсинг сени боқиб турсанг, нелар демас,
Зори қилсанг, оллоҳ сари бўюн сунмас.

Қўлга олсанг ёбон қушдек¹ қўлга қўнмас,
Қўлга олиб, тун уйқусин қилғил бедор.

Нафе йўлига кирган киши расво бўлур.
Йўлдин озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур,
Ётса, қўпса шайтон била ҳамроҳ бўлур,
Нафсни тебкил, нафсни тебкил, эй бадкирдор.

Нафсинг сени охир дамда гадо қилгай,
Дин уйини горат қилиб, адо қилгай,
Ўлар вақтда имонингдин жудо қилгай,
Оқил эрсанг, нафси баддин бўлғин безор.

Маърифат арабча “арафа” сўздан олинган, унинг маъноси “билмоқ” дур. Бунда дарवेशлик даражасига етиш, барча азоб-уқубатларга сабр-тоқат қилиш, пок хислатларни излаш, Оллоҳни таниш, шариат ва тариқатнинг барча шартларига амал қилиш, бу дунё ташвишларидан юз ўтириш, охиратни афзал билиш, ҳақиқат сирларидан огоҳ бўла бориш маърифат талабидир.

Бу босқичга эришган зоҳид дунёнинг ҳамма жисмида, ҳар бир воқеа-ҳодисада Оллоҳ иродасини, унинг сифатларини кўра олади. Аммо бу ҳали ўзлаштиришнинг ақл билан боғланган босқичи.

Ҳақиқат тасаввуфнинг энг юқори – олий босқичидир. Унда эзгулик ва ёмонликнинг моҳиятини тўла англаб етиш, ҳар қандай кўнгил истакларини ниҳон туттишнинг урдасидан чиқиш ҳамда шариат, тариқат, маърифат талаб-ларини тўлиқ бажарини талаб қилинади. Тасаввуф асосан маънавий жараёндир. Унда инсон қалбини бойтадиган омилларга чорлов ниҳоятда кучли. Бу бос-қичда сўфий руҳиятида ҳайрат устундир. Мутасаввифлар таъкидлаганидек, ҳақиқатнинг маърифати ҳайратдир.

Тасаввуф оқими ўз адабиётини ҳам юзага келтирдикки, Муҳаммад Ғаззолий, Юсуф Ҳамадоний (ваф. 1141) сингари алломалар унинг назарий асосларини яратдилар.

Туркий адабиётда тасаввуф таълимоти Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билли” асаридан бошлаб ифодалана ва ривожлана бошдаган. Асар қаҳрамонлари маънавий камолот пилланояларини босиб ўтишда тасаввуф йўлидан боришлади. Аҳмад Юғнакий асарида ҳам шу ҳолат бор. Аммо бу соҳадаги энг йирик адиб, ҳеч шубҳасиз, Аҳмад Яссавийдир. У туркий тасаввуф адабиётининг норлоқ қуёшидир. Аҳмад Яссавий ўз замонасидаги барча билимларни эгаллайди. У “Қуръон” таълимотини ва “Ҳадис” сабоқларини тўла ўзлаштиради. Тасаввуф адабиётини, жумладан, Аҳмад Яссавий шеърлятида ҳам бир қатор ўзига хос рамзий сувратлар (образлар) юзага келган. Булар *ишқ*, *бақо*, *фано*, *зоҳид*, *обид*, *ориф* ва бошқалардир.

Ишқ одамнинг одамгагина бўлган муҳаббати эмас. Бу ишқ инсоннинг ҳақиқатга, Оллоҳга бўлган муҳаббатидир. Ишқнинг маскани **кўнгил**. Шунинг учун ҳам тасаввуф адабиётини кўнгил образининг атрофини тасвири кузатилади. Мавлоно Лутфий ишқ асири бўлган кўнгилни шундай таърифлайди:

¹ Ёбон қушдек - дашт қуши, ёввойи қуш.

Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулду, бу кўнгул,
Хору расво қиладурғон бу кўнгулду, бу кўнгул.

Тасаввуф ўзбек адабиётини янги-янги гўзал фикрлар, ғоялар, сувратлар билан бойитди. Бу эса халқ адабиётининг равнақига ижобий таъсир кўрсатди.

Адабиёт ҳаёт кўзгусидир. Шундай экан, халқимизнинг неча асрлар давомида ислонда яшаб келаётгани, тасаввуф таълимотининг Шарқда кенг ёйилгани унинг адабиётида бадий аксини топди, **тасаввуф адабиёти** шаклланди. Санъат – образли тафаккур. Адабиёт ҳам сўз санъати экан, у мана шу образли тафаккурни сўзлар ёрдамида бадий ифодаб беради. Тасаввуф адабиёти ҳам **тимсоллар** дунёсидир. Бу оламга кириб, уларнинг тилини тушуна бошлаган сари сўфиёна руҳда ёзилган асарларимизни мазмунини англаб, таҳлил эта бошлаймиз. Маълумки, Тасаввуфдаги икки асосий тушунча **Нафс ва Ишқ** адабиётнинг ҳам **тасвир объекти**. Ишқ банданинг, сўфийнинг **Аллоҳга** муҳаббатидир. Тасаввуф адабиётининг, айниқса шеърятининг мавзуси – ишқи Илоҳийни куйлаш, гўзал, пок зотнинг сифатларини васф этишдир. Бу қуйдаги тимсоллар воситасида амалга оширилади.

Ёр, дилбар, гул, санам, бегим, маъшуқа – севишга лойиқ Зот тимсоллари.

Булбул, гадо, мискин, қул – ошиқ (лирик қаҳрамон).

Май, бода, соғар – илоҳий маърифат, илоҳий ишқ.

Майхона – илоҳий маърифат берилувчи жой, хонақоҳ, устоз ҳузур.

Соқий – илоҳий маърифат улашувчи пир, муршид; Аллоҳ ўзи хоҳлаган бандасига ҳидоят бериши. Ўзи истаган қўлини Ўзига ошиқ қилиб муҳаббат дарди билан муқофотлагани сабаб Соқий, энг аввало, Яратганининг ўзи.

Жом, қадаҳ, паймона – ориф қалби.

Зоҳид – ишқдан беҳабар, таъма билан ибодат этувчи.

Соч, кеча, тун, бозор – ўткинчи, фоний дунё.

Юз – Ёрни (Аллоҳни) таниш учун восита бўлган барча мўъжизалар.

Лаб – Илоҳий Калом (Қуръони Карим).

Кўз – Илоҳий назар.

Қош – Маъшуқа ҳузур.

Хол – ибодатлар.

Тонг – Қиёмат.

Хур – жаннат гўзали.

Келин, бу тимсолларнинг моҳиятини шеърятимиз намуналарини таҳлил этиш орқали тушунишга ҳаракат қилайлик.

Зоҳид, сенга – хур, манга – жонона керак,

Жаннат санга бўлсин, манга – майхона керак.

Майхона аро соқию паймона керак,

Паймона неча бўлса тўла, ёна керак.

Алишер Навоийнинг мазкур рубойида **жонона, соқий, зоҳид, хур, майхона, паймона** тимсоллари мавжуд. Уларнинг юқоридаги изоҳлар асосида таҳлил этсак. Ошиқ, лирик қаҳрамон: Эй таъма билан ибодат этувчи, ишқдан беҳабар киши, майли тиланинг – жаннат гўзали сеники бўлсин, менга Ўзи (Аллоҳнинг васли) – жонона

керак. Талабим – У зотнинг илми, муҳаббати билан тўла қалб, буни менга берувчи яна Ўзи (соқий) дир.

Навойнинг машҳур матлаъсида ҳам икки тасаввуфий тимсоллар ошиқ ва маъшуқа образлари билан бирга келган. Булар кеча ва тонг:

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрӯ¹ келмади,
Кўларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Мазкур ғазал матлаъсининг дунёвий мазмуни тушунарли. **“Намоз мусулмоннинг меърождир”** ҳадиси шарифи асосида кеча ва тонг сўзларини тимсол даражасида қаралиб таҳлил этиш орқали байтнинг тағ – сўфиёна маъносини англаш мумкин. Тунги ибодатларда васлдан умидвор бўлган Сўфийнинг бу ҳолат юз бермаганлигидан ёзғириши байтда образли ифодаланган.

Азиз ўқувчи, дарслигингиздаги мумтоз адабиёт намуналарини таҳлил этиш давомида тасаввуф адабиётининг маъно моҳиятини янада чуқурроқ тушуна борасиз.

Савол ва тошпириқлар:

1. Тасаввуф сўзининг луғавий маъносини айтинг.
2. Тасаввуф қандай таълимот?
3. Тасаввуф босқичларини айтинг ва шарҳланг.
4. Тариқат мақомлари ҳақида маълумот беринг.
5. Тасаввуфий тимсолларни сананг ва мисоллар асосида тушунтиринг.

1. Гулрӯ – гул юзли

ИМОМ АЛ - БУХОРИЙ

(810 – 871 йиллар)

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал Муғира ал-Бухорий ал – Жуьфий (имом Бухорий) Ислом оламида энг машҳур ва буюк муҳаддис бўлиб, унинг ётган асарлари Қуръон-и каримдан кейинги инсон қўли билан ёзилган энг муътабар ва ишончли манбалар ҳисобланади. Унинг «Ал-Адаб ал-муфрад» асари ахлоқ ва одоб борасида энг нодир, энг саҳиҳ ҳадислар тўпламидир.

Ислом динининг асосий қонун (дастуру-л-амали) бўлган Қуръон-и каримдан кейин уни итоҳловчиси ва баён этувчиси бўлмиш Расулulloҳ (с.а.в.)нинг сўзлаган ҳикматли гаплари ва қилган ишлари, яъни **қавллари, феъллари ва тақрирлари** – ул зотнинг ҳадислари ҳисобланади. Уларни сақлаш аввалда оғиздан ёдлаш билан бўларди. Чунки Қуръон-и карим назил бўлиб турган даврда унинг ўта балоғатли услубидан беҳабар баъзи кишилар ва араб бўлмаган халқлар ҳадисларни Қуръон оятларидан, деб шубҳа қилишларидан қўрқиб, Расулulloҳ, ҳадисларни ёздирмай, фақат Қуръони каримнинг ўзини ёзиб боришга буюрган эдилар. Шу фармонга мувофиқ, ўша вақтдаги маълумотли, ҳат-саводли бўлган саҳобийларнинг кўпчилиги ҳадисларни ёзиб бормай, ўзларининг қуйви ҳофияларига суяшиб, уларни муттасил ёллаб бориш билан кифояланардилар.

Қуръон ва ҳадисларни ёд олган ўткир муҳофизалик кишилар сони тобора камайиб бораётганини кўрган олим ва баъзи давлат арбоблари кўп ҳадислар унутилиб кетишидан қўрқиб, уларни келгуси авлодлар учун ёзиб қолдириш зарур эканлигини тушундилар. Умания халифаларидан Умар ибн Абдулазиз (717 – 766) фармониغا биноан Абдумалик ибн Абдулазиз Журайх, имом Анас ибн Молик, Рабиъ ибн Субайх каби бир қанча алломалар ҳадисларни жамлаб, ёзишга урина бошладилар. Шу пайтдан бошлаб кўплаб уламолар ҳадисларни жамлаш, уларни боб ва жузъларга ажратмасдан ёзаверишга астойдил киришиб кетдилар.

Ҳижрий сананинг III асри бошларида имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва имом Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайри ан-Найсабурий (Нишопурий) лар ўларининг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини ёздилар ва ҳадисларни биринчи марта боб ва жузъларга ажратдилар. Кейин бу икки олимга эрганиб, шогирдлари Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, имом Абу Довуд Сулаймон ибн Ашҳас ас-Сижистоний, имом Аҳмад ибн Шубайб ан-Насоий каби зотлар «Ас-Саҳиҳ» ёки «Ас-Сунан» номи билан ўз асарларини ёздилар.

Имомлар имоми ва муҳаддислар пешвоси бўлмиш Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ал-Жуьфий ҳикратнинг 194 йили Шаввол ойидан ўн уч кун ўтганда жумъа намозидан кейин (мелодий ҳисоб билан 809 йил 13 майда) Бухорода таваллуд топдилар. Оталари шайх Исмоил ибн Иброҳим аҳли ҳадислардан бўлиб, озгина гижорат ишлари билан ҳам шугулланган. Катта бобоси ал-Муғира яманлик Жуьфий ибн Саъд қабиладандай бўлмиш Бухорода истиқомат қилувчи Ямин ал-Жуьфий деган кишининг таъсирида мусулмон бўлгани учун набираси имом Бухорийга ҳам ал-Жуьфий деб исбаҳ берилган.

Имом Бухорий гўдакнингиданоқ отадан етим қолиб она қўлида катта бўлдилар. Мактабда ўқиб, саводли бўлгач, имом Бухорий 10 ёшлариданоқ араб тилини ўрганиш ва

ҳадис китобларини ўқиш ва уларни ёдлашга қунт билан киришдилар. Кейин бухоролик муҳаддислар Муҳаммад ибн Саллом ал-Пойқандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Маснадий ал-Жуъфийлардан ҳадис илмини ўрганиб, кўп ҳадисларини ёд олдилар. 16 ёшларида имом Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан ҳаж сафарига отландилар. Сафар асносида қайси шаҳардан ўтсалар, ўша ердаги муҳаддислардан озми-кўпми ҳадис ўқимай ўтмасдилар. Шу тариқа Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Хумс, Дамашқ, Миср, Мавка ва Мадина каби кўплаб шаҳарлардаги машҳур ҳадис олимларидан шу илм асрорларини ўргандилар.

Имом Бухорий ўта истеъдодли, зийрак, муҳофазалари ўткир олим эдилар. Ривоят қилишларича, қайси бир китобни қўлга олиб, бир марта мутолда қилсалар, ҳаммаси ёд бўлиб қолаверарди. Имом Бухорийнинг ўзлари айтишларича, юз минг саҳиҳ (ишончли) ва икки юз минг гайри саҳиҳ (ишончсиз) ҳадисини ёд билар эканлар. Ўз шоғирдларидан Амр ибн Фаллос: «Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта, ишончли ҳадис эмасдур», Устозларидан имом Аҳмад ибн Ханбаа ал-Марвазийнинг айтишича: «Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас». Имом Бухорий билан Басрада ҳадис дарсига қатнашган шерикларидан бири Хошид ибн Исмоил айтади: «Имом Бухорий бизлар билан бирга устознинг дарсини эшитарди, Устоз ривоят қилган дарсларини биз ёзиб олар эдик, аммо Бухорий фақат қулоқ, солибгина ўтирарди. Шу тарзда қанча кунлар ўтиб, орала устоз қарийб 15 минг ҳадис ривоят қилди. Шунда биз Бухорийга: «Сен нега ҳадисларни ёзмайсан? – деб таъла қилган вақтимизда. «Сизлар ёзиб бораётган ҳадисларни мен устоз оғзидан ёдлаб олаётirman», деди-да, устоз ривоят қилган ҳамма ҳадисларни бир чеккадан ёддан ўқиб берди. Шундан кейин биз ёзиб олган ҳадисларимиздаги хатоларни унинг ёдлаганидан тузатиб оладиган бўлдик».

Баъзи ривоятларга кўра, имом Бухорий 16 ёшга қадам қўйганларида Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий ва Вақиҳ ибн ал-Жарроҳларнинг китобларини батамом ёдлаб олган эканлар. Имом Бухорий ёд олган ҳадисларнинг матнини барча иснод (ровий) лари ва уларнинг таржиман ҳоллари билан бирга қўшиб хотирада сақлар эдилар.

Имом Бухорийнинг ҳадис эшитган шайхлари, устозлари, шоғирдлари ҳамда ёзиб қолдирган адабий ва илмий мерослари ҳақида сўз юритишдан олдин имомнинг қимматли бир насихатларини зикр қилиш жоиз: «Киши илм бобида нафақат ўзидан юқори ёки тенгдошларидан, балки ўзидан паст бўлганлардан ҳам ҳадис олмагунча, етук муҳаддис бўла олмайди». («Иршод ас-Сори», 1-жилд, 132-саҳифа). Мана шу сузларга амал қилган ҳолда, Имом Бухорийнинг ўзлари ҳадис илмининг пешвоси бўли туриб, асрдошлари, шериклари, вақти келганда ҳатто шоғирдларидан ҳам тортинмай ҳадис олганликлари тарихий манбалардан маълумдир. Аммо шунинг таъкидлаш лозимки, Имом Бухорий ҳадис айтувчининг етти пуштини суриштирар эди. У кишининг етти пуштин орасидан ёлгончи чиқмаганми, деб. Ривоят қилишларича, буюк имом бир кишидан ҳадис эшитмоқчи бўлиб борганда, у кимса эчкини енти билан, яъни қўлида ўт бор каби кўрсатиб қақираётганини кўриб ҳадис эшитмай қайтиб кетганлар. Зийрак ўқувчининг сабабини англаб етгандир.

Имом Бухорий йипирма ёшларидан бошлаб китоб ёзи бошлатилар. Исмоил Бухорий Муҳаммад пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари, яъни турли мубоабалар билан айтган гаплари, кўрсатма ва насихатларини ҳамда у кишининг муборак ахлоқи.

нажиб хулқ-атвори, йўл-йўриқларидан дарак берувчи хабарлар, сўзларни йиғиб, “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” (Ишонарли тўплам) номли тўрт жилдли китоб яратганлар. Бу китобга киритилган ҳадислар 7275 та бўлиб, муаллиф уларни ўзи ўн йиллар давомида минглаб одамлардан сўраб-суриштириб жамлаган 600 минг ҳадис ичидан танлаб олиб, энг ишончли ҳадислар сифатида тақдим этади У зотнинг «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» ва «Ал-Адаб ал-муфрад»дан ташқари йиғирмага яқин китоблари бўлиб, кўплари бизгача етиб келмаган. Имом Бухорий ўз ватани Бухорога қайтгач, бирмунча вақт толиби илмларга ҳадисдан дарс берадилар. Шу аснода Аббосия халифалигининг Бухородаги ноиб Халид ибн Аҳмад ибн Халид аз-Зухалий: «Бундан буён амирлик саройига келиб туринг ва болаларимга (иккинчи ривоятда: сарой аҳлига) «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»дан дарс беринг», деб мактуб юборди. Имом бу таклифни қабул қилмайдилар ва: «Мен илми хорлаб султону амирлар эшигига олиб бормаيمان. Агар амирга илм керак бўлса, болаларини (иккинчи ривоятда саройдагиларни) уйимга ёки масжидга юборсин!» – деб жавоб қайтардилар.

Шунинг натижасида ва ул зотнинг фазлини кўролмаган баъзи ҳасадгўй шахсларнинг фитна ва ифволари туфайли амир аз-Зухалий имом Бухорийнинг Бухорони тарк этиши ҳақида фармон берди. Бу воқеадан хабар топган Самарқанд уламолари имомнинг Самарқандга кўчиб келишини илтимос қилишди. Имом бу илтимосни қабул қилиб, йўлга чиқдилар. Лекин Самарқандга яқин Хартанг қишлоғидаги қариндошларидан Абу Мансур Ғолиб ибн Жибрил деган кишининг уйига тушиб, бир неча кун шу ерда бетоб бўлиб ётиб қолдилар. Имом Бухорий самарқандликларнинг иккинчи илтимосларига биноан бетобликларига қарамай йўлга чиқдилар. Аммо бироз йўл босиш билан дард оғирлашгач, «Мени отдан туширинглар!» – деб, отдан тушдилар-да, шу ерда ёнбошлаб жон таслим қилдилар (иккинчи ривоятда: ошхоналарига бориб, кечаси, яъни ҳижратнинг 256 йили рамазон ойининг охириги куни, шанба кечаси вафот этдилар). Эртаси ҳайит куни жаноза ўқилиб, шу Хартангда дафи қилиндилар. Шунда имомнинг ёшлари ўн уч кун кам олтинчи иккида эди.

Имом Бухорий Қуръони каримдан кейин энг саҳиҳ ва зътимодли ҳисобланадиган шох асарлари тўрт жилдли «Ас-Жомеъ ас-саҳиҳ» да олоб ҳақидаги ҳадисларни бир китобда жамлаган эса-да, аммо бундаги ҳадислар сони бутун Ислому оламни яхши одоб ва ахлоқда тарбиялаш учун ул жанобга қифоя қилмайдигандек сезилмайдигандан каттароқ ҳажмдаги мазкур «Ал-Адаб ал-муфрад» ҳадислар тўпламини яратдилар. Бу асарда 1359 та ҳадис ва хабарлар 645 бобда жам қилинган.

“Ал-адаб ал-муфрад” – “Адаб дурдоналари” демакдир.

Ҳадисларининг мавзу қамрови ниҳоятда кенг. Улар Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳадислар талқини, ўзаро инсоний муносабатлар, дўстлик, аҳиллик, саховат, ота-оналарга ва қариндош-уруғларга муносабат, ҳалоллик, поклик, адолат, инсоф, диёнат, хиёнат, ростгўйлик, ёлғончилик, фитна-фасод ва бошқа инсоний фазилатлар ва нуқсонлар устида баҳс юритади. Муҳими, уларда юксак фазилатлар улуғланади, кишиларда шундай хислатларнинг бўлиши маъқулланади ва тарғиб қилинади, аксинча, ёмон феъл-атвор, иллатларнинг инсоният жамияти учун кулфат ва азоблар келтириши қайта-қайта таъкидланади. Илм-маърифат борасида

ҳам кўплаб ҳадислар мавжуд. Масалан, уларнинг бирида “Гарчи Хитойда бўлса ҳам, илмга интилинглар, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарзидир”, дейилади. Бунда кишиларни илм олишга ундаш, ўз билимини чуқурлаштиришга даъват очиқ кўриниб турибди. Қуйидаги ҳадис эса жуда ёшлиқдан бошлаб илм йўлига кириш зарурлигини уқтиради.

“Ёшлиқда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир”.

Илми ўрганувчилар ҳам, уни ўргатувчилар ҳам ҳадисларда муътабар кишилар қаторида улуғланади: “Фойдали илмларни ўргатувчи одамнинг гуноҳини кечирилишини сўраб, ҳар бир нарса, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиғфор айтадилар”.

Қуйидаги ҳадис ҳам илм билан боғлиқ: “Илмнинг офати – эсан чиқармоқлик ва илмга рағбати бўлмаган кишиларга ўргатиб, уни зое кетказмоқликдир”. Демак, илм йўлига кирган киши китоб мутолаасидан, илм ўрганишдан чарчамаслиги, бу йўлдан четга оғишмаслиги эмас, илми ёмон, баднафс одамларга ўргатиб, зое қилмаслиги ҳам керак.

Ватан ва ватанпарварлик билан боғлиқ ҳадислар ҳам анчагина. Табиийки, улар орасида “Ватанин севмоқ – иймондандир” ҳадиси машҳурдир.

Имом Исмоил ал-Бухорий келтирган ҳадисларнинг яна бир ўзига ҳос хусусияти уларнинг аниқ манбалари кўрсатилганлигидир. Масалан, “Оллоҳ Таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазоби ҳам отанинг ғазобига боғлиқдир” дейилган ҳадиснинг Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу томонидан ривоят қилингани қайд этилади.

Расулulloҳ: “Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин” – деб ўн марта такрор қилдилар. Шунда саҳобалар: “Ё расулulloҳ, кимни айтяпсиз?” – деб сўрашди. Расулulloҳ: “Ота-онасининг иккаласини, ёхуд битталари кексайиб қолган вақтда (уларни рози қилмай) ўзини дўзахга тушишга мубтало қилган кишини”, – дедилар. Бу ҳадиснинг Абу Ҳурайра томонидан айtilгани кўрсатилган.

Қуйидаги ҳадис ҳам Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу томонидан айtilгани кўрсатилган: “Уч тонфа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Оллоҳ Таоло қошида мақбулдир: мазлум кишиларнинг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси”.

Абдуллоҳ ибн Маъсуд розияллоҳу анҳу номи билан қуйидаги ҳадис боғланган: Расулulloҳ: “Мусулмон кишининг сўкишмоғи фосиқлик ва бировни ўлдирмоғи куфрдур”, – дедилар.

Ҳазрати Ойша розияллоҳу анҳу га нисбат берилган ҳадислар ҳам мавжуд: “Мен ўжар, бўйин бермайдиган тева (туя)га минган эдим. Расулulloҳ уни урганими кўриб: “Мулоим бўл, кимда мулоимлик бўлса, ҳусн ва камолотга эришади ва кимда мулоимлик хислати бўлмаса, у айбик ва нуқсонли бўлади”, – дедилар.

Ҳадисларда ота-онанинг назаридан қолиш гуноҳларнинг энг оғири сифатида баҳоланади. “Гуноҳнинг каттаси: Тангрига ширк келтирмоқлик, ноҳақ қон тўкмоқлик, ота-онага оқ бўлмоқлик ва ёлгон гувоҳлик бермоқлик”.

Бошқа бир ҳадисда эса ота-она назаридан қолган фарзандга тангри назар қилмаслиги қайд этилади ва уларнинг жиннатга кирмаслигига сабаб бўлиши уқтирилади. Қуйидаги ҳадис ҳам шу руҳда:

“Ота-онаси қаргаганин Тангри қарғайди. Тангридан бошқага атаб жонлиқ сўювчиларни Тангри лаънатлайди”.

Ҳадислар оналарни алоҳида шарафлайди. Уларнинг қадрига етиш, уларни асраб-авайлашга алоҳида урғу берилади.

“Аввал онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил”.

“Агар ота-она бирданига чақириб қолишса, аввал онангга жавоб қил”.

Ота-онанинг кўнглига қараб иш тутиш, уларнинг кўнглини кўтариш, уларга ёрдам бериш ҳадисларда улуғланади: “Кимки ота-онанинг розилигини олган бўлса, унга қандай яхши! Тангри унинг умрини узайтиради”.

Албатта, овлада отанинг мавқеи, унинг обрў-эътибори ҳам назардан четда қолган эмас. Хусусан, фарзанд тарбиясида ота масъулияти гоят буюқдир: “Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюқроқ мерос беролмайди”. Шунинг учун ҳам ота ризоси улуғ неъматдир: “Отага итоат қилиш Тангрига итоат қилишдир, унинг олдида гуноҳ қилиш Тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир”. Аммо, агар ота, она ноҳақ – ношарий ишларга буурса, итоат эмаслик керак, дейилади ҳадисларда.

Отанинг фарзанд учун қилган ишларига муносиб жавоб унинг яхши ишларини давом эттиришдир. Отанинг қалбига яқин бўлганлар билан доимий мулоқотда бўлиш, бу алоқа ришталарининг давомийлигини таъминлаш фарзанд учун шарафли бурчдир: “Кимки отасининг вафотидан кейин ҳам унга яхшилик қилишни истаса, унинг ёру биродарлари билан алоқани узмасин” ёки “Отангиз вафотидан кейин унинг дўстлари билан алоқани давом эттиринг, улар билан алоқани узсангиз, Тангри сизнинг нуриңгизни ўчиради”.

Ҳадисларда кишиларнинг бир-бирларига бўлган самимияти, интилиши, дўстлиги ҳақида ҳам кўпгина ибратли ўғитлар кўзга ташланади. “Ким-кимни дўст тутса, шу севгисини билдириб қўйсин”, дейилади уларда.

Айни пайтда, инсоннинг инсонга бўлган меҳри ҳам, қаҳри ҳам аждодлар қони ва руҳи орқали авлодларда давом этиши тўғрисида шундай дейилади: “Дўстлик ҳам, адоват ҳам наслдан наслга мерос қоладиган нарсадир”.

Ҳадислар ҳаёт ҳодисалари ҳақидаги ўғитномалардир. Аслида диннинг ўзида ҳам бу ҳислат мавжуд. “Дин – насиҳатдан иборат” деган ҳадис бежиз эмас. Умуман, кишиларни аҳиллик, ҳамжиҳатлик, иттифоқ бўлиб яшашга ундаш, бунинг оқибати хайрли ва баракали бўлишини кўрсатиш бу ўғитномаларда кўриниб туради. Биргина қўшничилик муносабатларини кўрайлик.

“Қўшнинг тинч – сен тинч” деган ўзбек халқ мақоли мавжуд. Ҳадисларда эса ўқиймиз: “Қўшнингизга яхшилик қилинг – тинч бўласиз”. Мана Жаноби Пайгамбаримиз (с.а.в.) нинг қўшни ҳақидаги ўйларидан яна бири:

“Жаброил алайҳиссалом менга доимий равишда қўшнингга яхшилик қилишни тавсия этар эди. Ҳатто қўшнингга мерос ҳам қолдириш керакми, деб ўйлаб қолар эдим. Хизматкорларга ҳам шундай яхши муомалада бўлишликни айтар эдик, ҳатто муайян бир вақт белгиласа керак ва ўша муддат етиши билан қўллар ўз-ўзидан овоз бўлиб кетса керак, деб ўйлаб қолардим”.

Ҳадисларда ҳатто иймоннинг бақувватлиги ва Олдоҳга садоқати ҳам қўшнингга қилинадиган муомалага боғлаб талқин қилинади:

“Кимнинг иймони Тангрига ва охират кунига содиқ бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин, меҳмонини иззат-иқром қилсин ва гапирса фойдали гап гапирсин ёки жим юрсин”.

Хатто инсоннинг жамият аъзолари ўртасидаги обрў-эътиборини, ҳақиқий баҳосини белгилашда ҳам ҳаққоний меъёр, энг тўғри мезон қўшнилари фикридир:

“Қўшнилариңиз сизни яхши одам дейишаётган бўлса, демак, сиз яхшисиз. Агар улар сизни ёмон одам дейишаётган бўлса, демак, сиз ёмон одамдирсиз”.

Қўшниларга турлича муносабат, хатто ёмон қўшнилари ҳам эътибордан четда қолмаган: “Жумладан, сендан яхшилик кўриб яширадиган, ёмонликни оширадиган қўшни маънавий қашшоқ”, деб эълон қилинади.

Энди мана бу ўғитларга қулоқ тутайлик:

“Муқим турадиган жойниңдаги ёмон қўшнидан Тангридан папоҳ тилагин. Саҳродаги қўшни эса тез кўчиб кетувчидир”

“Икки кишига Тангри қиёмат куни раҳмат назари билан боқмайди: 1. Қариндош-руруидан узилиб кетган кишига. 2. Ёмон қўшнига”.

Бу сўзларнинг замиңида ўзаро иноқликка даъват, яхшиликни бир-бирдан аямасликка чақириш очиқ сезилиб турибди.

Ҳадислар инсонни самимиётга, покликка, мустаҳкам иймон ва собит эътиқод эгаси бўлишга ундайди:

“Савобли иш қилганиңизда хурсанд бўсангиз, гуноҳ иш қилганиңизда эса хафа бўсангиз, демак, сиз ҳақиқий мўминдирсиз”, (Мўмин - иймонли демакдир).

Инсон инсондан яхшилик изламоғи, бошқаларни ҳам яхшиликка ундамоғи керак. Бу одамииликнинг энг яхши фазилатларидан биридир: “Дунёдан ўтиб кетганларнинг фақат яхши сифатларини ёд этинглар. Ёмон сифатларидан тилиңизни тийинглар!”

Агар бошқалар дарди билан яшаса, ўзиниң тор манфаатлари ичида қолиб кетмаса, бундай инсон фазилатли, фозил дейишга лойиқ:

“Тангри ғам-ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дўст тутати”.

Кўришиб турибдики, буларнинг ҳаммаси инсон маънавияти билан, унинг маънавий бойлиги билан боғлиқ. Инсон маънавий бойишда ғаразлардан холи бўлиши, ҳар бир инсонга пок назар билан қарай олиш даражасига етиши муҳим:

“Қачонки хаёлиңиздан бирор шубҳали фикр ўтса, уни тарк этинг!” Ана шунда киши иймонли бўлади. Иймон эса мўмин, мусулмон учун энг буюк асос, мустаҳкам пойдевордир:

“Иймон жиҳатидан мўминларнинг комилроғи – ҳулқи яхши бўлгани ва хотинларга яхши муомала қиладиганидир”.

“Иймонли одам ваёдага вафодор бўлади”.

“Ислом, яъни мусулмончилик ошкора нарсадир, иймон эса дилдадир”.

“Иймон билан амал бир-бирига жуда яқиндир. Улар бир-бирисиз дуруст эмас”.

Демак, иймонли одам мунофиқликдан йироқ бўлади. Унинг қалби олижанобликлар билан тўлади. Бундай қалб эса кўпчиликка наф, манфаат етказади.

Ҳадисларда ижтимоий жиҳатдан ҳимояга муҳтож бўлган кишиларга алоҳида эътибор берилган:

“Қалбинг мулойим, ҳождатинг раво бўлишини хоҳлайсанми? Хоҳласанг, етимларга меҳрибон бўл, уларнинг бошини сила, ўз таоминдан уларга едир. Шунда дилинг юмшаб, ҳождатинг раво бўлур”.

Етимпарварлик Оллоҳга хуш келадиган хислат:

“Тангри наздида уйларнинг яхшироғи – етимлар иззат қилинадиган уйдир”.

“Мен етимнинг кафиллигини олган одам билан жаннатда бирга бўлурман”.

Етимлар ҳақини ейишдан тийилмоқ шарт, ҳатто у ҳаром қилинади:

“Икки заиф тоифа, яъни етим ва аёл ҳақини емоқликни сизларга ҳаром қиламан”.

Одамийлик ҳадисларда тез-тез тилга олинган мавзулардан. Уларда барча инсонларни тенг тутиб, ҳурмат қилишга, барчага меҳр-муҳаббат билан қараш зарурлиги айтилади. Жумладан, “Ўзингга тиллаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўр!” дейилган. Ёки:

“Зиёратингизга келган одам ҳурматини жойига қўйинглар”.

Шунингдек, қўли очиқлик, саховат, хайр-эҳсон, бошқалар дардига ҳамдард бўлишнинг улуғланганини кузатишимиз мумкин:

Тангри қиёмат кунин айтади: “Эй инсон фарзанди! Бетоб бўлдим, мени келиб кўрмадинг”. У одам айтади: “Эй раббим, Сен бутун оламнинг Парвардигори бўла туриб, мен сени қандай кўришим мумкин эди?” Тангри айтадики: “Фалончи одамни бетоблигида бориб кўрмадинг-ку, агар борганинда унинг олдида мени топган бўлар эдинг”. “Эй инсон фарзанди! Ўзинг овқатландинг, аммо мени йўқламадинг”. Одам айтади: “Эй раббим, сен бутун оламнинг подшоҳи бўлсанг-у, мен сени қандай овқатлантиришим мумкин эди?” Тангри айтади: “Фалон бандам муҳтож бўлиб олдингга борганида, сен унинг ҳождатини раво қилмадинг. Агар раво қилганинда эди, ўша ерда мени топган бўлар эдинг”.

Хайр-эҳсон, саховат ва карам, мурувват ҳақидаги ҳадис намуналари:

“Бир-бирларингизга хайр-эҳсонли, меҳр-оқибатли бўлиб, қўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларингиздаги ғаму ғашлик кетади”.

“Бир-бирларингизга эҳсон қилинглр, чунки эҳсон муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади”.

“Кимки ўзининг ёки бировларининг етим болаларини то вояга етиб, мустақил ҳаёт кечирадиган бўлгуларича тарбия қилса, унга жанаат муқаррардир”.

Ҳадис шарифлар фалсафа, ахлоқ ва одобга, айниқса, бадий адабиётга кучли таъсир кўрсатди. Араб, форс-тожик адабиётида ҳадислардан таъсирланиб яратилган кўплаб асарлар мавжуд. Туркий, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам ҳадислардан илҳомланиб яратилган бир қатор бадий намуналар юзага келди. Бу силсиладаги дастлабки тажриба Юсуф Хос Ҳожиб номи билан боғлиқ.

Ҳадислардан ижодий фойдаланиш кейинги асрларда ҳам давом этди. Бу йўналишда Жомийнинг “Чил ҳадис” ва Алишер Навоийнинг “Арбаъин” (“Қирқ ҳадис”) асарини эслаш жоиз. Замондошларимиздан Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” китоби, профессор Анвар Ҳожиаҳмедовнинг тўртликлари ҳам асосан ҳадиси шарифларга ижодий ёндашиш самарасидир.

Ҳадисларнинг барчасида ҳам кишилар орасидаги илқ муносабатлар, яхши фамилатлар, ижобий ахлоқий-маънавий қадриятлар улуғланади, эгулик тарғиб қилинади, ёвузлик, ёмонлик эса қаттиқ қораланади. Уларни ўқиб-ўрганиш Сиз –

ёшларнинг баркамол, фазилатли бўлишларингга яқиндан ёрдам беради. Улар тарбия мактаби сифатида авлодлар кўнглидан мустаҳкам жой олаверади.

Савол ва тоштриқлар:

1. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳаёти ва ижоди ҳақида нималар биласиз?
2. Имом Бухорийнинг устолари кимлар эди? Имом Бухорийнинг қувван ҳофизаси ҳақидаги ривоят мазмунини сўзлаб беринг. Бу ҳақда яна қандай ривоятлар биласиз?
3. Имом Бухорийнинг ҳаёти қай жиҳатлари билан бизга ибрат бўла олади?
4. “Ҳадис” сўзининг луғавий маъноси нима?
5. Ҳадислар нима учун мўътабар маиба ҳисобланади?
6. Ҳадисларнинг юзага келиши ҳақида гапириб беринг.
7. Муҳаддис ким? Қайси муҳаддисларни биласиз?
8. Ҳадислар қандай мавзуларни қамраб олганини мисоллар билан тушутиринг.
9. Ҳадис илмидаги сабоқлар бадий адабиётда қандай давом этди?
10. Шоирларнинг ҳадислар шарҳига ёлган шеърларидан намуналарни дафтарингизга кўчириг ва ёддан ўқиб беринг.

“АЛ - АДАБ АЛ - МУФРАД”

(“Адаб дурдоналари” китобидан)

(Ш. Бобохонов таржималари)

ҲАДИСЛАР:

Бисмиллоҳир роҳманир раҳийм¹

Ота - онани рози қилиш ҳақида

2-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Умар (розиёллоҳу анҳу)² дан ривоят қилинади. У киши: “Аллоҳ Таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазаби ҳам отанинг ғазабига боғлиқдир”, – дедилар.

3-ҳадис. Мусовия ибн Ҳаййида (розиёллоҳу анҳу) айтдиларки,

Расулulloҳдан: “Эй Расулulloҳ, мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади?” – деб сўрадим. “Онангга”, – дедилар. Мен шу саволимни уч мартаба қайтарсам ҳам, Расулulloҳ: “Онангга”, – деявердилар. Тўртинчи мартаба сўраганимда: “Онангга ва яқин қариндошларингга”, – дедилар.

Ота-она кексайган вақтида хизматларини қилиб дуоларини олмасдан жаннатга кира олмаган киши ҳақида

21-ҳадис. Абу Ҳурайра айтадилар: Расулulloҳ: “Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!” – деб ўн мартаба такрор қилдилар. Шунда саҳобалар: “Ё Расулulloҳ,

1. (Арабча) – Меҳрибон ва Раҳимли Аллоҳ номи билан.

2. Арабча маъноси – Аллоҳ ундан рози бўлсин.

кимни айтаяпсиз?” – деб сўрашди. Расулulloҳ: “Ота-онасининг иккаласи, ёхуд битгалари кексайиб қолган вақтида (уларни рози қилмай) ўзини дўзахга тушишга мубтало қилган кишини”, – дедилар.

Ота-онасини рози қилган кишининг умри узоқ бўлиши ҳақида

22-ҳадис. Маъоз ал-Жуъаний (розиёллоҳу анҳу) айтдилар:

Расулulloҳ: “Ким ота-онасини-рози қилса, унга тубо¹ насиб бўлиб, Аллоҳ Таоло унинг умрини ҳам зиёда қилади”, – дедилар.

Ота-онани сўкмаслик ҳақида

27-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Амр ал-Ос айтдилар: Расулulloҳ: “Киши ўз ота-онасини сўкиши катта гуноҳдир”, – дедилар. Саҳобалар: “Ё Расулulloҳ, киши ўз ота-онасини ҳам сўкадимми?” – деб сўрашганда, Расулulloҳ: “У киши бир одамни сўкади, у одам ҳам аввал сўккан кишининг отасини ҳам, онасини ҳам сўкади”, – дедилар.

Ота-онанинг дуоси ҳақида

32-ҳадис. Абу Ҳурайра айтдилар: Расулulloҳ: “Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ Таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси”, – деганлар.

Қўшнилarning энг яхшиси ҳақида

114-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос айтадилар: Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам: “Сухбатдошларнинг энг яхшиси хушфёъл ва кўнгилга маъқули ва қўшнилarning ҳам энг яхшиси қўшнисига муносабатда мумтозидир”, – дедилар.

Ўз биродарига нотўғри маслаҳат берган кишининг гуноҳи ҳақида

259-ҳадис. Абу Ҳурайра айтадилар: “Расулulloҳ: “Мен айтмаган сўзни ким ўзидан тўқиб менинг номимдан айтса, у киши дўзахдан жойини олаверсин” ҳамда “Бир мусулмон биродари маслаҳат сўраганда нотўғри маслаҳат берган киши унга албатта хиёнат қилган бўлади ва ким бировга ҳужжатсиз, асоссиз, нотўғри фатво берган бўлса, унинг гуноҳи ўша фатво берган киши устига тушади”, – дедилар.

1. Тубо – жаннатлардан бири ски ундаги дарахт номи.

Кишилар ўртасидаги ўзаро муҳаббат ҳақида

260-ҳадис. Абу Ҳурайра айтадилар: Расулulloҳ: “Менинг нафсим қўлида бўлган зот номи билан қасамёд қиламан, сизлар мусулмони комил бўлмагунингизча жаннатга кира олмайсиз. Мусулмони комил бўлишингиз учун бир-бирларингизга муҳаббат қўймоғингиз шарт. Ўрталарингизда муҳаббат пайдо бўлиши учун саломни ошқора берингиз ва бир-бирингизга жаҳл қилишдан сақлангиз, чунки жаҳл тарашлагувчидир, яъни у сочи тарашламайди, балки динни тарашлайди”, – дедилар.

Кўнгиллар яқин бўлиши ҳақида

261-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Осдан ривоят қилинди, у киши айтадилар: Расулulloҳ: “Икки мўмин банда бир-бирини кўрмай туриб, уларнинг руҳлари бир кунлик йўлда учрашади”, – дедилар.

Кўнгил сахийлиги ҳақида

276-ҳадис. Абу Ҳурайра Расулulloҳдан ривоят қилдилар. Расулulloҳ: “Бойлик молининг кўпчилиги билан эмас, балки (чин) бойлик нафсининг бойлигидир¹, – деганлар.

278-ҳадис. Анас ибн Молик айтадилар: “Расулulloҳ марҳаматлик киши эдилар. У зотдан ким нима сўраб келса, дарҳол берар эдилар, у нарса қўлларида бўлмаса (фалон куни бераман деб) ваъда қилар эдилар. Бир куни хуфтон намозини ўқиш учун муъаззин иқомат (такбир) айтди, шу вақтда бир аъробий келди-да, Расулulloҳнинг кийимларидан ушлаб: “Сизга айтадиган ҳожатимдан озгинаси қолди, уни ҳозир айтмасам, унутиб қўяман деб кўрқаман”, – деди. Шунда Расулulloҳ у билан чиқиб, ҳожатини битириб келдилар-да, кейин намозга шуруъ қилдилар”.

280-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Зубайр айтадилар: “Мен Абу Бакр Сиддиқнинг яккала қизлари – Ҳазрати Оиша ва Ҳазрати Асмодан кўра сахийроқ хотинларни кўрмадим. Лекин буларнинг саховати икки хил эди. Ҳазрати Оиша эҳсон қилиш учун нарсаларни йиғиб-йиғиб борардилар-да, улар кўпайгандан кейин бир йўла ҳаммасини фақир-мискинларга улашар эдилар. Аммо Асмо эса қўлларига нима келса, эртасини кутмай, шу куннинг ўзидаёқ тарқатиб юбораверар эдилар”.

257-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Аббос (розиёллоҳу анҳу) айтадилар: Расулulloҳдан: “Динларнинг қайси бири Адлоҳ Таолога сеvimлироқ?” – деб сўралганда,

1. Нафсининг бойлиги – топган молига қаноат қилиш, унинг баракотини Адлоҳ Таолодан сўраш, яъни руҳ бойлиги, маънавий бойлик эгаси бўлишдир.

Расулulloҳ: “Яхшилик томонга юзланган ва инсон учун енгил бўлган диндир”, – дедилар.

293-ҳадис. “Абу Маъсуд ал-Ансорийдан ривоят қилинди, у киши айтадилар: Расулulloҳ: “Сизлардан бурун ўтган пайғамбарлар умматидан биттасини ҳисоб-китоб қилинганда ундан ҳеч яхши иш топилмаган, лекин у ўзига тўқ киши бўлиб, халқ билан аралашиб юрар ва камбағал кишилардан оладиган маблағ бўлса: “У камбағал бечорадан шу маблағни кечиб юборинглар!” – деб ўз кишиларига буюрарди. Шунда Аллоҳ Таоло: “Бу банда камбағалга меҳрибонлик қилиб, ундан оладиган маблағни кечган экан, унинг ҳам гуноҳларини мен албатта кечмоғим лозим”. – деб гуноҳларини кечиб юборди”, – дедилар.

Бахиллик ҳақида

299-ҳадис. Амр ибн ал-Ос (розиёллоҳу анҳу) айтадилар: “Расулulloҳ (саллоллоҳу алайҳи ва саллам) менга кийим-бошлари ва қуролларини олиб, тайёрлаб келсин деб киши юбордилар. Мен буюрганларидек тайёрланиб, ҳузурларига бордим. Шу вақтда Расулulloҳ (саллоллоҳу алайҳи ва саллам) таҳорат қилаётган эканлар. Менга тикилиб қарадилар-да, кейин: “Эй Амр! Сени аскарларга бошлиқ қилиб юбормоқчиман. Аллоҳ Таоло қўлингга ғанимат (ўлжа)лар туширсин. Яна мен сенга яхши (фойдалиқ) моллардан ҳам бўлишига талабгорман”, дедилар. Мен: “Ё Расулulloҳ! Мен молга қизиқиб мусулмон бўлган эмасман. Мен сиз билан бирга бўлишга рағбат қилиб мусулмон бўлган эдим”. – дедим! Шунда Расулulloҳ (саллоллоҳу алайҳи ва саллам) “Эй Амр! Солиҳ, қобил кишида яхши (ҳалол) молнинг бўлиши қандай яхши нарса!” – дедилар.

Кимки эрта билан ўз оиласи ичида тинч ва соғ-саломат бўлиб турса, деган ҳадис тўғрисида

300-ҳадис. Убайдуллоҳ ибн Муъсан ал-Ансорий (розиёллоҳу анҳу) айтадилар: Расулulloҳ (саллоллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимки ўз оиласи ичида тинч, тани соғ бўлиб турса ва олдида шу кунига старлик таоми бўлса, у одамга гўё бутун дунё берилган ҳисобланади”, – дедилар.

Аллоҳ таолодан ахлоқини яхши қилишни сўраган киши тўғрисида

307-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Амр айтадилар: Расулulloҳ кўпинча: “Эй раббим! Мен сендан таъ соғлигини, нафснинг ёмон йўлларга бошлашдан сақланишни, ўзинг ва халқларингга ишончли бўлишни, яхши ахлоқли бўлиш ва тақдирга рози бўлишга муяссар қилишингни сўрайман”, – деб дуо қилар эдилар.

Мусулмон кишининг бошқа одамлар билан сўкишишмоғи фосиқлик аломатидир

429-ҳадис. Саъид ибн Моликдан ривоят қилинди: Расулulloҳ: “Мусулмон кишининг сўкишишмоғи фосиқликдир”, – дедилар.

431-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинди: Расулulloҳ: “Мусулмон кишининг сўкишмоғи фосиқлик ва бировни ўлдирмоғи куфрдир”, – дедилар.

Мулојим бўлиш ҳақида

469-ҳадис: Ҳазрати Оиша айтдилар: Мен ўжар, бўйин бермайдиган тевага минган эдим, Расулulloҳ уни урганимни кўриб: “Мулојим бўл, кимда мулојимлик бўлса, ҳусн ва камолотга эришади ва кимда мулојимлик хислати бўлмаса, у айбли ва нуқсонли бўлади”, – дедилар.

470-ҳадис. Абу Ҳурайра айтдилар: Расулulloҳ: “Ўта бахиллик ва мол-мулкка ҳирс қўйишдан сақланинг, чунки бахиллик сиздан илгари ўтган кишиларни ҳалок қилган. Шу бахилликлари туфайли улар бир-бирларининг қонини тўккан ва қариндошликни узиб қўйишган. Бировга зулм қилишлик қиёмат куни зодимни қоронғуликка туширади”, – дедилар.

Савол ва топшириқлар:

1. Ота-онани рози қилиш, ҳурматлаш, ҳақрига етиш, уларнинг ҳақини адо этишга оид ҳадислар мазмунини шарҳланг, фикрингизни ҳаётини воқеалар ёки бадий адабиётдаги мисоллар билан далиллашга ҳаракат қилинг.

2. Нима учун динимизда Онанинг макъби отаникидан улугроқ деб ўйлайсиз?

3. Хайр-эҳсон қилиш ҳақидаги ҳадисларни шарҳланг. Сиз кимгадир совға берганмисиз? Ўша пайтдаги қалб хурсандчилигини эътиборингизга оling. Агар бу совға шунга эҳтиёжи борга берилса, шунга эҳсон дейиш мумкинми?

4. Ҳадис илмидаги сабоқлар бадий адабиётда қандай давом этди?

5. Ҳадисларнинг ҳозирги замондаги аҳамияти нимада, деб ўйлайсиз?

6. Ҳадислардан ўитасини ёд олинг.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ

(XI аср)



Юсуф Хос Ҳожиб Шарқдаги Уйғониш даврининг туркий муҳитдаги дастлабки йирик сиймосидир. У Қуз Ўрду – Баласоғун (ҳозирги Тўқмоқ шаҳри) шаҳрида дунёга келган. Замонасининг энг муҳим фанларидан яхши билимлар олган. Таассуфки, бу буюк аллома ҳақида унинг ўз асаридан бошқа бирор ерда маълумотлар сақланган эмас. Асардаги маълумотлар эса қуйидагилардан иборат:

Китоб муқаддимасида адиб ўзининг туғилган юртини эслатиб ўтади:

Мунуқи туруғлақ Қуз Ўрду эли,
Туб-асли, насабдин юрмиш тили.
(Бунинг туғилган эли Қуз Ўрдудир,
Туб-асли, насл-насабдан тили сўз очди.)

Қуз Ўрду туркийлар истиқомат қиладиган қадимий шаҳарлардан бири.

У Баласоғун номи билан ҳам машҳур бўлган. Бу шаҳар XI асрда ёзилган яна бир муҳташам обида – Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида бир неча марта тилга олинади. Жумладан, бу шаҳарнинг арғун лаҳжасида Қуз улус, ўғуз лаҳжасида эса Қуз Ўрду деб юритилишини Маҳмуд Кошғарий қайд этади.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам, Маҳмуд Кошғарийга ўхшаб кўпгина ўлкаларни кезиб чиққан, талайгина сайру саёҳатларда бўлган. Унинг қуйидаги мисралари шундай фикрга ундаб туради:

Бу туғмиш элиндин чиқиб баргани,
Китабни қўшубан тугал қилгани.
(Бу ўз туғилган элидан чиқиб боргани,
Китобни жамлаб, тугал қилгани (ҳақида гапирди).)

Адиб асари – “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”) дostonини ёзишга бир ярим йил вақт сарфлайди.

Тугал ўн саккиз айда айдим бу сўз
Удурдум, адирдим сўз эвдим тера.
(Бу сўзларни тугал ўн саккиз ойда айтиб бўлдим,
Танладим, фарқладим, териб сўз териб тўпладим).

Ўн саккиз ой, табиийки, асарни бевосита ёзиш учун сарфланган муддат. Адибнинг унга катта тайёргарлик кўргани ва кўп куч сарфлагани аниқ. Ҳар ҳолда асарнинг Қашғарда тугатилгани махсус қайд этилади:

Баруси битилмиш, стурмиш низам,
Бу Қашғар элида қўшулмиш тамам.
(Борини ёздим, тартиб бердим,
Бу китоб Қашғар элида тамом ёзилди).

“Қутадғу били”да дostonнинг ёзилishi санаси ҳам қайд этилган:

Йил алтмиш эки эрди түрт юз бида,
Бу сўз сўзладим мен тутиб жан сура.
(Түрт юз олтмиш иккинчи йил эди,
Мен жонни койитиб ушбуни сўзладим.)

462 ҳижрий йилини милодга айлантирсак, 1069–1070 йилларга тўғри келади.

Адибнинг исми Юсуф эканлиги ҳақида асар сўнгигадаги қасидалардан бирида ўқиймиз:

Э Юсуф, керак сўзни сўзла кўни,
Кераксиз сўзут кезла, қилга қўр-а.
(Эй Юсуф, керак сўзни рўйи рост сўзла,
Кераксиз сўзни яшир, (чунки у) зиён қилади.)

Китоб Қашғар элининг элиги (эллик) – ҳукмдори Табғоч улуг Буғро хонга тортиқ қилинади. Бунинг эвазига у Хос Ҳожиблик лавозими билан тақдирланади. Асардаги насрий муқаддимада шундай дейилади: “Аммо бу китобни Қашғарда тугал қилиб, Машриқ малики Тавғачхан ускинга кечурмиш, малик уни ағирлаб, улуглаб ўз Хас Ҳажиблики анга бермиш турур, анинг учун Юсуф Хас Ҳажиб теб атижави язилмиш, турур. (“Аммо бу китобни Қашғарда тугал қилиб, Машриқ малики Тавғачхон даргоҳига келтирибди. Малик уни ёрлақаб, улуглаб, ўз (саройида) Хос Ҳожиблик (лавозим)ини берибди. Шунинг учун Юсуф Хос Ҳожиб деб машҳур номи гаркалибди”.)

Асардан билинадики, адиб дoston ёзилган пайтда эллик билан олтмиш ёш орасида бўлган.

“Қутадғу били” – қут (саодат, бахт)га элтувчи билим, демакдир. Бу асарнинг майдонга келиши юқорида айтганимиздай, ниҳоятда кучли ҳаётий зарурат ва маънавий эҳтиёж самарасидир.

Аслида уни ватан, эл-юрт мадҳияси деб аташ мумкин. Zero, асар тўлалигича туркий халқларнинг давлат тузилиши, эл-юрт фаровонлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг бадний таҳлилидан иборатдир. Ана шу таҳлиллар жараётида Юсуф Хос Ҳожиб ўз ватанининг фидойи ошини, ўз элининг садоқатли ва фидокор фарзанди сифатида намоён бўлади. У асарда гоҳ олам сирларидан яхши хабардор мутафаккир, гоҳ қадим мозий сарҳадларига назари етган муаррих (тарихчи), гоҳ замонасининг турли соҳаларига оид фанлардан пухта хабардор бўлган зукко олим ва, табиийки, инсон қалбининг турли-туман манзараларини иккишоф этувчи ҳассос шоир сифатида кўринади.

“Қутадғу били” – туркий ёзма адабиётдаги ilk бадний дostonдир. У дидактик асар, яъни панд-насихатлардан иборат. Муаллиф давлатни, элни бошқариш, ахлоқ-одоб, инсоний муносабатлар ҳақида китобхонга насихатлар қилади. Панд-насихатлари ўқувчини зериктириб қўймаслиги учун ихчам сюжет – воқеалар баёнидан, рамзий образлардан – қаҳрамонлардан фойдаланади.

Дostonнинг қисқача сюжети куйидагича: Кунтуғди – мамлакат ҳукмдори, эллик. У мамлакатни адолат билан бошқаради. У туғу кун эл-юрт тинчлигини, мамлакат

фаровонлигини ўйлайди. Адолатли шоҳ доврўғи атрофдаги ўлкаларга ёйилади. Узоқ бир қишлоқда Ойтўлди исмли киши одамларнинг молини боқар эди. У жуда ҳалол, меҳнатқаш, ақли ва фаросатли эди. Ойтўлди ота-боболаридан кўп насихатлар, ҳикматлар эшитиб, қулоғига қўйиб олган эди. Кунтуғдиннинг таърифини эшитиб, ихлоси ошиб, мамлакатни янада фаровон қилишда, давлат қудратини оширишда унга ёрдам беришни ният қилади. Ойтўлди ҳамқишлоқлари билан хайрлашиб шаҳарга, Кунтуғди саройига йўл олади. У Кунтуғдига арзини – унга хизмат қилмоқни ният қилганини айтади. Кунтуғди уни саройдаги энг паст хизматга қўяди. Ойтўлди сизқилвдан хизмат қилади. Ҳалоллиги, тўғрилиги, ақл-фаросати туфайли саройда обрў-эътибор топади. Секин-аста амал пиллапояларидан юқорилаб боради. Ниҳоят, Кунтуғдиннинг вазيري даражасига кўтарилади. У мамлакатни бошқариш, ахлоқ-одоб, тартиб-интизом тўғрисида Кунтуғди билан суҳбатлар уюштиради, унга насихатлар қилади. Ойтўлди ўлими яқинлашгач, ўзи каби ақли, фаросатли ўғли Ўғдулмишни саройга олиб келади. Ойтўлди дунёдан ўтади. Отасининг ўринини Ўғдулмиш эгаллайди. Энди суҳбатлар Кунтуғди элиг билан янги вазир Ўғдулмиш ўртасида давом этади. Кунтуғди давлатни бошқаришда Ўғдулмишнинг доно маслаҳатларига қулоқ тутаяди. Ўғдулмишнинг Ўзғурмиш исмли тарки дунё қилган донишманд қариндоши бор эди. Ўғдулмиш Кунтуғди элигни Ўзғурмиш билан таништирмоқчи бўлади. Элиг кекса донишмандни саройига таклиф қилади. Ўғдулмиш кекса қариндошининг қулбасига бориб элиг таклифини айтади. Бироқ Ўзғурмиш таклифини рад этади. Узоқ савол-жавоблардан, тортишувлардан сўнг, Ўғдулмишнинг қистови билан Ўзғурмиш саройга боради. Кунтуғди элиг уни чиройли меҳмон қилади. Подшоҳ ва вазир доно Ўзғурмиш суҳбатларидан баҳраманд бўладилар. Зоҳид Ўзғурмиш ҳам фойий дунёни тарк этиб, боқий дунёга йўл олади.

Адолат билан давлатни бошқариш ҳамда Ойтўлди, Ўғдулмиш, Ўзғурмиш каби донишмандлар маслаҳатлари, кўрсатган йўл-йўриқларига амал қилиш туфайли Кунтуғдиннинг мамлакатни янада раванқ топади, эл-улус бахт-саодатга эришади.

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ” СИЙМОЛАРИ

Асарда тўртта етакчи қаҳрамон бор. Булар Кунтуғди, Ойтўлди, Ўғдулмиш, Ўзғурмишдир. Уларнинг ҳар бири рамзий тарзда адолат, давлат, ақл ва офият (қаноат) ни ифодалайди. Айни пайтда асарда улар муайян лавозим эгалари сифатида кўринади.

Кунтуғди – элик (ҳукмдор) – адолат тимсоли. Ойтўлди – вазир – давлат тимсоли. Ўғдулмиш – вазирнинг ўғли, (кейинчалик вазир) – ақл тимсоли. Ўзғурмиш – зоҳид – офият (қаноат) тимсоли.

Асар қаҳрамонларнинг ўзаро суҳбати асосига қурилган. Дастлаб Кунтуғди ва Ойтўлди асар саҳнасига чиқиб келади. Кунтуғди мамлакатни адолат билан бошқаради. Унинг овозаси оламга кетади. Ҳатто адолатлигини туфайли Ойтўлди ҳам унинг хизматига келади. Юсуф Хос Ҳожиб тасвирида Кунтуғди “қилмишлари тўғри, феълу табиати рост, тили чин, етук, кўзи ва кўнгли бой, билимли, заковатли, ҳушёр, ёмонларга исмли бир олов эди”.

Кунтуғдига адолат рамзининг берилиши тасодифий эмас. Адиб бу билан давлат тепасида адолат, яъни адолатли ҳукмдор ва адолатли қонун-қондалар туриши керак, деган ақлдани баён этади.

Кунтуғди бир куни уч оёқли кумуш курси устида, қўлида пичоқ, сўл томонида уроғун (бир хил дори) ва ўнг томонида шакар қўйилган ҳолда туради. Ойтўлди бунинг сабабини сўрайди: Мана, Кунтуғдининг жавоблари:

Мен устида ўтирган курсининг оёғи учтадир. Барча уч оёқли нарса силжимас, мустаҳкам бўлади. Агар поялардан бирортаси силжиса, у курси йиқилади.

Қўлимдаги пичоқ эса қирқувчи ва кесувчи нарсадир. Ким адолатимдан баҳра олса, шакардек чучук бўлиб кетади – севилади. Зўравон, зolimлар эса уроғун ичгандек юзи буришади.

Кунтуғди деган ном ҳам ўринлидир. Чунки кун – қуёш ҳаммага бир хил ёруғлик беради. Ҳаммани бирдек иситади. Қуёш учун катта-кичик, бой-камбағалнинг фарқи йўқ. Адолатнинг қаршисидаги энг ярамас иллатлар, ёлғончилик, суқлик, зўравонлик, уятсизлик, андшасизлик, иш устида газабланиш, бошқаларга наф бермаслик, ичкилик-бозлик, эгри қўлликдир. Унинг назарида ҳақиқий инсон:

Тузу халққа барча қилар эзгулик,
Яна миннат урмас кишига кулук.
Ўз асгин тиламас, кишига асиг
Берур, ул асигдин бу қулмас ясиг.

(Барча халққа фақат яхшилик қилади,
Унинг эвазига яна кишилардан муқофот кутмайди.
Ўз фойдасини кўзламайди, кишиларга фойда келтиради,
Бу фойдасидан ўзи учун эваз миннат қилмайди.)

Кунтуғди эзгу – яхши киши, ҳеч қачон ўз табиатини ўзгартирмайди, чунки яхши қилиқ оқ суг билан кирса, ўлим келиб тутмагунча ўз тарзини бузмайди, деб уқтиради.

Ойтўлди – вазир, айни пайтда Давлат рамзи. Унинг феъл-атворида барча эзгу хислатлар мужаасам. Ўзининг давлат рамзи эканлигини у шундай изоҳлайди:

Бир куни Элиг – ҳукмдор уни чақиртириб келади. Шунда у енидан бир тўп – копток олади ва унга ўтиради. Элиг унга хурсандлик билан қараса, Ойтўлди кўзини юмиб олади. Элиг унга илтифот билан қараса, Ойтўлди юзини ўгириб олади. Шунда Элиг қаҳрга келади ва мен адашдим, шекилли, жиддий синамай туриб, сенга шунча эҳтиром кўрсатдим, дейди. Шунда Ойтўлди қуйидагича жавоб беради:

– Сен ўрин бердинг, мен аввалига ўтирмадим, чунки менинг ўриним йўқ, буни биллиб ол, демоқчи бўлдим. Копток менга ўхшайди. У ўринсиз думалаб юргани каби Давлат ҳам беқарордир. Илтифот қилганимда кўзимни юмганлигим ва юзимни ўгирганлигим менинг қилмишларим жафо, менга ишонама, деганим эди.

Сўнг Ойтўлди давлатни тутиб туриш йўл-йўриқларини санайди: Булар қўнгил мулоимлиги, тил, сўз юмшоқлиги, эҳтиёткорлик, такаббурликдан йироқлик, ёвуз ва ярамас ишлардан узоқлик, ҳар бир ишда меъёрга риоя қилиш, катталар ҳурматини ва кичиклар меҳрини ўринда тутиш ва бошқалар.

Ойтўлдининг ўзи бу ақидаларга тўла риоя қилади. Шунинг учун ҳам Кунтуғди уни бошига кўтаради.

Давлат – бебаҳо, яъни боқий, абадий эмас; фоний, ўткинчи. Асарда Ойтўлдининг вафот этиши бежиз эмас. Аслида бу давлатнинг омонат, ўткинчилигига ишорадир.

Давлатга Ойтўлди деган номнинг берилиши ҳам рамзий-мажозий ишораларга бой. Чунки ой дастлаб жуда кичик бўлиб чиқади. Тўлишган сари унинг нури ортиб боради. Аммо энди тўлди, нури кўпайди деганда, бирданига йўқ бўлиб қолади. Ойтўлдининг талқинича, Давлат ҳам худди шундай сифатга эга, шунинг учун унга кўнгил кўйиб бўлмайди.

Ўгдулмиш – асардаги энг фаол қаҳрамон. Ўгдулмиш сўзининг маъноси “ўг” билан боғлиқ. У “ақл”, “ақл-идрок” маъносига эга. Ўгдулмиш “ақл билан зийнатланган” демакдир. Унинг асарда вазирнинг ўғли даражасидан вазир мартабасига кўтарилиши бежиз эмас.

Элиг билан савол-жавобларда у турли-туман касб-ҳунар, амал-мартаба эгаларининг фазилатлари ҳақида гапиради. Унинг бек, вазир, элчи, котиб, хазиначи ва бошқалар ҳақидаги фикрлари ҳаётининг билан ажралиб туради.

Юсуф Хос Ҳожиб аслида Давлат Адолат ва Ақл билан бошқарилмоғи керак, деган фикрни олға сурди. Фақат бу фикр рамзий шаклда ифодаланган.

Ақл рамзи – Ўгдулмишдаги бош фазилат ҳар қандай ҳодисага ақл кўзи билан қарашдир. Унинг ёшлигиданоқ илм ва ҳунарларга рағбати бежиз эмас. Худди шу хислат уни вазир даражасига кўтаради. Ундаги Ақл, мантиқнинг изчиллиги Ўзгурмишдай тарки дунё қилган зоҳидга ҳам ўз таъсирини ўтказа олади.

У – билимдон, донишманд киши. Ўгдулмиш ҳаётнинг ҳамма соҳаларидан пухта хабардор. Шунинг учун ҳам фақат Элиг – ҳукмдор Кунтуғдига эмас, балки донишманд Ўзгурмишга ҳам айрим соҳаларда йўл-йўриқ кўрсата олади. Унинг поёнсиз саволларига жавоб беради, айни пайтда ўз жавоблари билан уни қойил ҳам қолдиради.

Ўгдулмиш ва Ўзгурмишнинг савол-жавоблари баъзан кескин мунозара даражасига етади. Ўгдулмиш шунда ҳам босиқлик қилади, ақл билан фикр юритади, натижада Ўзгурмишнинг ўз гояларига ишонтиради, айрим ҳолларда эса ўзи томонига рағбатини оширади.

Ўзгурмишнинг бу ҳаёт фоний, ўткинчи, инсон чин дунёга тайёргарлик кўриши, дунё ҳою қавасларидан ўзини тийиши керак, деганларига мантиқли жавоблар беради:

Худо берди қулга икки кўз, қулоқ.
Улар билан дунё, охиратга боқ.
Ушлаш учун берди яна икки қўл,
Бирин дунё, бири охиратга йўл.
Икки оёқ берди яна юришга
Бирин уён, бири бунда туришга.

Бугина эмас, дуневий, ишларнинг барчаси ҳаётин зарурат эканлигини ҳам у тинмай ўқтиради. Шу мақсадда деҳқон, савдогар, чорвадор, ҳунарманд, камбағаллар ва ҳатто бола-чақа ва уларнинг тарбияси ҳақида ҳам эринмай гапиради, тушунтиради.

У ўз мақсади йўлида оғишмай ҳаракат қиладиган, сабот ва матонатли инсон. У ўз ишини чала қолдириб, ярим йўлдан қайтадиганлар тоифасидан эмас.

Асар қаҳрамонларидан яна бири Ўзгурмишдир. Бунинг маъноси “ҳушёр қилувчи”, “сергаклантирувчи” дегани. Бошқалардан ўзиб кетувчи маъноси ҳам бор. Унинг зоҳид киефасида кўринишида шу маънога уйғунлик бор. У беҳуда ишлар билан банд бўлиш, ҳар

хил майда-чуйда орзу-ҳавасларга овуниб қолишдан огоҳлантиради. Мудраб бораётган туйғуларни сергаклантиради. Дунёда фақат давлат ёки ақл билан битириб бўлмайдиган ишлар ҳам борлигидан, инсон кўнглида нозик туйғулар мавжланиб туришидан хабар беради, шу туйғуларга бепарво бўлмасликка ундайди, ҳушёрликка чақиради.

Ўзғурмиш – қатъий фикрли инсон. У Элиғнинг шаҳарга – саройга таклифини рад этади. Гарчи бу таклиф уч марта такрорланса-да, у фикрини ўзгартирмайди. Фақат Ўғдулмишнинг оқилона тушунтиришларидан сўнг, зиёрат мақсадидагина Элиғ ҳузурига боради. Шунда ҳам у Элиғ саройида бирор мартабани қабул қилмайди, фақат уларга ўнгитлар беради. Шу билан кифояланиб, яна ўз манзилига – тоғ этагидаги горга қайтади ва шу ерда вафот этади. Ўзғурмиш назарида:

Тилаган қулини сийласа худо,
Унга дунё эмас, йўл берар аъло.
Шунинг-чун яхшimas бу дунё қути –
Худодан йиратар¹, удир дин юти.
Шунинг учун ҳам:
Жуда азиз, ахир, тириклик қуни,
Бекор ишга сарфлаб бўлмагай уни.

Ўзғурмиш – тақводор киши. У дин ва диёнатни ҳамма нарсадан устуи қўяди. Унинг учун яхши кийим, тансиқ таом, ҳар хил ўйин-кулгиларга берилиш умрини шамолга бериш билан баробардир. Унинг фикрича, инсон ўз қалбини бойитиши, вужудини ҳар хил иллатлардан фориғ қилиши керак. Бунинг йўли эса дин, рўза, тоат-ибодатдир. Фикрининг исботи учун у Ўғдулмишга бундай дейди:

– Сен тансиқ таомларни, мен эса оддий арпа ошини сиймиз. Ухлаб турсак, иккимиз ҳам оч қоламиз. Шундай экан, бундай овқатларга ружу қўйишнинг нафи йўқ. Сен кимхобларга ўрналиб юрасан, мен эса қолдан тикилган тўи билан кифояланаман. Эртага ўлим келса, иккимиз ҳам яланғоч кетамиз-ку! Демак, танин эмас, руҳин бойитиш лозим.

“Қутадғу билиг” бадийи сўзининг ҳам юксак намунасидир. Унда шоир фикригўзал сиймолар-гимсоллар, ҳаётини ўхшатиш ва лўнда истиоралар, таъсирчан тамсиллар ҳамда мўъжаз рамзлар билан зийнатланган. Юсуф Хос Ҳожиб сўз қудратини, она тилининг ички имкониятларини нозик даражада ҳис этади. Унинг ўзи “мен туркча сўзларни ёввойи тоғ кийиги сингари деб билдим, шунга қарамай уларни авайлаб-асраб қўлга ўргатдим”, деб ёзади.

Шоирнинг сиймолар тизими XI асрдаги туркий адабиётининг умумий ҳолати ҳақида ҳам, бу адабиётнинг мероси тўғрисида ҳам ёрқин тасаввур бера олади.

Бу ерда “ёй” образи билан боғлиқ бир мулоҳазани айтиб ўтиш ўринли кўрилади. Кейинги давр адабиётида (адабий аъёналар натижаси сифатида) унинг кўпроқ араб алифбосидаги шу номли ҳарф билан боғланганини кўрамиз. Қийинчиликка дуч келган қаҳрамон, маъшуқа ишқида ўртанаётган ошиқ кўпинча қаддини “ё” ёхуд “дол” қилади. Уларнинг ёй-камон билан алоқаси нисбатан кам кузатилади. “Қутадғу билиг”даги

1. Йиратар – узоқлаштирар, бироқлаштирар

ей образи эса “Девону луготит-турк” ҳамда қадимги ёзма манбалардаги камон билан боғланиб кетади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳар бир образи ўзига хос “юк” кўтариб туради. Улар шоирнинг бадий мақсадига санъаткорона бўйсундирилган:

Кўр, арслонга ўхшар бу беклар ўзи,
Бушурса кесар бош, э билги яруқ.

(Беклар – бу кучли арслонга ўхшайди.
Ғазабга кирса бош кесади, эй равшан фикрли.)

Кўришиб турганидай, бу ерда беклар дастлаб арслонга ўхшатиlsa-да, уларнинг асл қиёфаси кейинги мисрада фош этилади. Шу тоифанинг “бош кесиш”и очиқдан-очиқ кўрсатиб ўтилади.

Шоир зулми ёниб турган ўтга, адолатни эса оқиб турган сувга ўхшатади: бири яқинлашса ҳамма нарсаи куйдириб, йўққа чиқаради, бошқа бирининг оқишидан эса анвойи неъматлар унади.

Асар муаллифи ўхшатиш (мумтоз шеърятда ташбеҳ деб юритилади) санъатини сўз ўйини тарзида эмас, балки ўз ғоялари, фикр-истакларини ифодалаш учун жуда ўринли қўллайди. Ҳатто мана шу ўхшатишларда ҳам давр салосининг янграб туришига эришади.

Шоир ташбеҳлари ўзининг таъсирчан ифодаси билан ажралиб туради:

Тил арслон турар, кўр, эшикда ятур,
Ая эвлуг арсиқ бошингни еюр.

(Тил эшикда, уйда (яъни қафасда) ётган арслон кабидир.
Эй, уй эгаси, эҳтиёт бўлмасанг, бу ваҳший бошингни ейди.)

Ушбу байтлардаги ўхшатиш ўзининг юксак таъсирчанлиги билан қизиқарлидир.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” дostonини анъанага кўра арузнинг мутақориб баҳрида ёлган. Зеро, ундан бурун форс-тожик адабиётида шоҳлар ҳақида битилган Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си мутақориб баҳрида эди. “Қутадғу билиг”дан кейин дунёга келган Низомийнинг “Искандарнома”, Хусрав Деҳлавийнинг “Оинаи Искандарий”, Жомийнинг “Хирданоман Искандарий”, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” dostonлари ҳам мутақориб баҳрида битилди. Мутақориб баҳрининг руқилари бир қисқа ва икки узун бўғиндан иборат бўлади. Унинг шаклий ифодаси V—дир. Унинг ўқилиши фаулун оҳангига мослашади:

Йуригли / булуттег / йигитлик / ни идтим,
фаулун / фаулун / фаулун / фаулун
V — — / V — — / V — — / V — —

Туби, ел / кечартег / тириглик / тугаттим.
фаулун / фаулун / фаулун / фаулун
V — — / V — — / V — — / V — —

(Кезувчи булутдек йигитликни кетказдим,
Ўткинчи бўрон, елдек тиригликни тугатдим.)

Мисолда фаулун (V — —) рукии ҳар мисрада 4 мартадан, байтда 8 марта такрорланипти. Рукидаги барча ҳижола ҳеч ўзгаришсиз қўлланипти. Шунга кўра у мутақориб мусаммани солим дейилади. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” дostonидаги “Йигитликка ачиниб, қариллик ҳақида айтади”, “Замона бузуқлигини, дўстлар жафосини айтади” қасидалари ана шу вазнда, яъни мутақориб мусаммани солимда ёзилган. Улар 12 ҳижодан иборат. Аммо асарнинг бошқа қисмлари 11 ҳижодан тузилган. Бу охириги бўғиннинг қисқариши ҳисобига бўлган. Масалан:

Қара баш / яғиси / қизил тил / турур,
 фаулун / фаулун / фаулун / фаул
 V — — / V — — / V — — / V —
 Неча баш / еди бу / тақи ма / сюр
 фаулун / фаулун / фаулун / фаул
 V — — / V — — / V — — / V —

Бу мутақориб мусаммани маҳзуф вазиридир.

Аруз вазида ҳар бир руки тугаганида сўзнинг тугаши шарт эмас. Бу ҳолат фақат охириги рукидагина талаб қилинади. Ваҳоланки, бармоқ вазида туроқ сўз билан тенг келар эди. Шунингдек, ҳижола ҳам бўғинларнинг аниқ ҳолати билан уйғун келмаслиги мумкин. Ушбу мисолимизда ҳам рукилар ва сўзлар чегараси мувофиқ эмас. Кўринишда нуқсонли туюлган сўз ҳам талаффуз (ўқилиши) хусусиятига кўра вазига мос келиши мумкин.

Дostonнинг ҳозирги ўзбек тилига шеърини таржимаси – таъдбири бармоқ шеър тизимининг 11 бўғинли 6+5 туроқ тартибдаги вазига тўғри келади.

Аруз вази Юсуф Хос Ҳожиб ижодидан бошлаб туркий адабиётда кенг қўллана бошлади ва узоқ асрлар давомида у мумтоз адабиётимизнинг асосий вази бўлиб қолди. Ҳозирги замон адиблари ҳам ундан фойдаланиб туришади.

Савол ва топшириқлар:

1. Хос Ҳожибнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар қайси манбада сақланган? Уларда нималар акс этган?
2. “Қутадғу билиг”нинг маъноси нима? Адиб ўз асарига нега шундай ном қуйган деб ўйлайси?
3. Дostonнинг асосий қаҳрамонлари кимлар?
4. Дostonнинг қисқача сюжетини эсланг. Муаллиф асар қаҳрамонларини номлашда нималарни назарга олган?
5. Асарда қонил нисон қандай тасаввур ва талқин этилади? Мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қилиш.
6. “Қутадғу билиг”да марказлашган давлат ва одил шоҳ гоёси қандай намоён бўлган? Кунтуғди номидаги мажозийлигини изоҳланг.
7. Ойғўдди ва Ўзгурмишнинг вафот этиши бадний асосланганми? Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин?
8. Ўғдулмишнинг фаоллиги нималарда кўринади? Муаллиф нега бу қаҳрамонга ошроқча масъулият юклайди?
9. Шоирнинг мажоздан фойдаланиш санъатини таҳлил қилишга урининг.
10. Шоирнинг “Билим – кўз нури” ифодасидан нималар аниқлашлади? Изоҳланг.
11. Шоир нима учун туркча сўзни тоғ кийигига ўхшатади? Сабабини тушунтиринг.

11. Юсуф Хос Ҳожиб бекларни ҳам, тилин ҳам арслонга ўхшатади? Нима учун?
12. Асарда халқ оғзаки ижодининг таъсири қайси қирраларда ёрқинроқ кўринади?
13. Аруз вазинининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Унинг бармоқ вазни билан ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида гапириб бериңг.
14. Достон нима учун мутақориб баҳрида битилган? Бунинг анъанавийликдан бошқа сабаблари ҳам борми?
15. Қуйида берилган матилардан танлаб олиб, вазинни аниқлашга урининг. Аслиётдаги байтлар вазни билан табдилдаги байтлар вазиндаги фарқни аниқланг.

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ”

(Достондан парчалар)

Китобга ном берилиши ва ўз қарилигини айтар

Китоб оти урдим “Қутадғу билиг”
 Ўқувчи қут олар ўқиб белгилиг.
 Сўзим сўзладим мен, тугатдим китоб,
 Бу икки жаҳонга у етди шитоб.
 Икки дунё бахти етишса тайин,
 Киши бахтиёрдир, бу сўз бўлди чин.
 Бу Кунтуғди элиг дедим сўз боши,
 Сабабини айтай, эй эзгу киши.
 Кейин айтдим энди бу Ойтўлдини,
 Ўшандан ёрийди азиз қут куни.
 Бу Кунтуғди деган адолат ўзи,
 Бу Ойтўлди эса саодат, қўзи.
 Бу Ўгдулмиш отли келади кейин,
 Заковат номи шу, у афзал тайин.
 Бу Ўзғурмиш отли келар, ниҳоят
 Ўзида мужассам унинг офият.
 Бу тўртов ҳақида мен айтай сўзим,
 Тушунгин сўзимни, э қора кўзим.
 Севинчда юрувчи, эй эзгу йигит,
 Сўзимга амал қил, мукаммал эшит.
 Дадил бўл, йўқотма адолат йўлин,
 Йигитлик учирма, олиб қол нафин.
 Азиз тут, йигитлик кетар у шитоб,
 Қочар бу тириклик, йўригини топ.
 Ўзингда бор экан йигитлик кучи,
 Тоат қил то ўтмай тириклик кучи.

Соғиниб, йигитлик, ўқиндим ўзим,
 Ўкинчим нафи йўқ, кесарман сўзим.
 Кимнинг қирқда кечса тириклик йили,
 Омонлашар унга йигитлик йили.
 Тегизди қўлини менга элик ёшим.
 Оқиш қилди қузғун тусидек бошим.
 Чақирар бу элик менга кел дебон,
 Ўлим бўлмаса гар борай у томон.
 Агар олтмиш эса бирор кимда ёш,
 Севинчлари кетди, ёзи бўлди қиш.
 Ўтиз берганини элик олди-ку,
 Агар олтмиш эса бўлар бўлди-ку!
 Нима қилган эдим мен, элик, сенга,
 Нега ҳозирладинг бу ўчин менга.
 Ширин эди барча йигитлик ишим,
 Заҳар қилди энди қарилик ошим.
 Бўйим эди ўқдек, кўнгил эди ёй.
 Кўнгил-ку ҳануз ўқ, бўйим бўлди ёй.
 Йигитлик нима берган эса менга,
 Қарилик келиб олди, келгай сенга.
 Аё асрагучи, кел, асра мени,
 Машаққатда бўлдим йил, ой тутқуни.
 Кишансиз чалинди, бу тинмас оёқ,
 Қорайди, ёришмас кўрувчи қароқ.
 Тотиг кетди, сўнди юрагим ўти,
 Йироқлашди энди йигитлик оти.
 Бедор бўл, э улуғ, ўлимга қара,
 Бу ўтган кунингга ачин, ўқира.

Савол ва топшириқлар:

1. Китобнинг ва қаҳрамонларининг номланиши ҳақида муаллиф фикрлари баён видинган минераларни қайта ўқинг ҳамда изоҳланг.
2. Йигитлиكنинг кучи ва ундан фойдаланиб қолиш, қарилганин машаққати ва афсусланиши борасидаги муаллиф фикрларини шарҳланг.
3. “Бўйим эди ўқдек, кўнгил эди ёй, Кўнгил-ку ҳануз ўқ, бўйим бўлди ёй” минераларида сўз уйинини изоҳланг. Бундай сўз уйини адабиётда қандай аталади?
4. “Бедор бўл, э улуғ, ўлимга қара, Бу ўтган кунингга ачин, ўқира” минераларида шоноринимадан оғоҳлантиради бизни?

Ўзгурмиш Ўгдулмишга дунё айбларини айтади:

Ўзгурмиш жавобда деди: мен ўзим
Сўзингни эшитдим, мен ҳам дей сўзим,
Бу дунё кўнглингни олибди тугал,
Сенга ҳатто айби кўринар афзал.
Сенга ажаб эмас, бор шундай масал,
Нима нарса ёқса, у бўлар афзал.
Ёққан учун дунё айби ҳам тўлиқ,
Кўзингга кўрингай серхислат, бўлиқ,
Нима дейди, эшит, ёқтирган киши.
Ошиққа нуқсон ҳам фазилат боши.
Шубҳасиз, севгининг шудир нишони,
Фазилат туюлса унинг нуқсони.
Дунёни севишнинг нишонидир шул,
Айбин фазилат деб ўйласа чин дил.
Бу қадар мақтайсан дунёни менга,
Унинг айбларини айтайин сенга.
Худо жазо берар ким қилса хато,
Дунёни рабобдай яратган худо,
Работни не учун қиларсан тилак,
Тилак жаннат бўлар, саодат – йўлак.
Одам жаннат ичра еб қўйгач донни,
Унга лозим билди ушбу маконни.
Худога номанзур шайтон қилмиши,
Янада ёмонроқ ўрнак олмиши.
Тилаган қулини сийласа худо,
Унга дунё эмас, йўл берар аъло.
Шунинг-чун яхшимас бу дунё қути –
Худодан йиратар, удир дин юти.
Одамзод бойиса ортар ҳавоси,
Камтарлик биландир дил муддаоси.
Худо мен дегувчи киши нодони
Ит тенги ўлади, сўраб дунёни.
Яланғоч туғилган борар шу ҳолда,
Шундай экан дунё не керак қўлда.
Нега гердаясан, аё ўлувчи,
Ўзинг икки кушлик меҳмон бўлувчи.
Биласан, тирикли ўлимга борар,

Ўлим фурсат пойлаб ҳозирлик кўрар.
Аввал эшик очди бу ёруғ олам,
Ўлим эшиги ҳам кутмоқда бу дам.
Ўзинг икки кунлик меҳмонлик дея,
Бунчалар куймагни жонингни ея.
Жуда азиз, ахир, тириглик куни,
Бекор ишга сарфлаб бўлмагай уни.
Тириклик ҳар эзгу ишгадир асос,
Бекор берма уни, аё феъли мос.
Дунё моли уч тур бўлар ном ба ном.
Ё ҳалол, ё шубҳа, ё бўлди ҳаром.
Дунё ўткинчидир, у тез айланар.
Нима берган эса яна тез олар.
Ўлим айирмайди бу бек деб ё қул,
Унга тенг яхши ҳам ёмон ҳам буткул.
Тириглик берар, кўр, яна ер уни,
Чорлар ўзгаларни аммо ҳар куни.
Кўра берсанг дунё кўланка сони,
Қувсанг қочар, қочсанг, излагай сени.
Назар сол, ушбу сўз бунга бўлди мос,
Бунишг маънисин уқ, аё кўнгли соз:
“Бу дунё қочар ким изласа уни,
Қочсанг-чи, келгай у ахтариб сени.
Яна динга ўч бу дунё моли,
Дунё динни ейди, билиб ол буни”.
Бу дунё безаниб ўзин кўргизар,
Ясанган келиндек бўлиб кўз сузар.
Кўнгил берсанг агар, бу кекса юзи
Қунда ёқанг тутар, тугамас сўзи.
Қилиғи жафодир унинг, ҳойнаҳой,
Беги билан турмас тугал уч-тўрт ой.
Кўнгил бериб қўйса унга қайси зот,
Бекор бўлди, эсиз у учун ҳаёт.
Бу дунёни севсанг, сендан юмар кўз,
Ҳаловат истасанг ўгиради юз.
Ҳалолга ҳисоб бор, ҳаромга – азоб,
Шубҳали бўлса-чи, сақлагин одоб.
Севнишда семиртар, этар парвариш,
Кейинчи, оздирар етказиб ташвиш.

Севинчни кўра бер – охири алам,
Севинч охирида етишади ғам.
Учи неъмат эса, туби меҳнат-эй,
Боши меҳнат эса, туби неъмат-эй!
Нима дейди, эшит, донишманд, ҳушёр,
Йироқ бўл, бу дунё бермасин озор:
Сенинг бойлигинг, кўр, гадойлик эрур,
Сенга ким зор эса, шу бойлик эрур.
Сени сўксалар ҳам куймасин ичинг,
Қора ер қатида олинар ўчинг.
Тарқалиб кетади сенинг терганинг,
Сочилиб кетади низом берганинг.
Борувчи эрур ул, кетар бирма-бир,
Келувчи эрур ул, яна қайтадир.
Жуда ўзгарувчан эрур бу даврон,
Қачон кетар яна қайтар қайси он.
Кетувчига кўнгил бермайди доно,
Келувчига тайёр турар доимо.
Ўдимни кўрувчи овунич олмагай,
Ўдимни билувчи севинч билмагай.
Йўловчи йўл узра иморат солмас,
Кўчувчи уйида нарсаси қолмас.
Бу дунё сен учун кўноқ ё работ,
Работда ҳеч ким кўп қолмагай, ҳайҳот!
Шунинг-чун эзгумас бу дунё моли,
Ки ундан ўлгарар ҳар кимнинг ҳоли.
Бадал қилди дунё молин авлиё,
Зоҳид ҳам тарк этди шуми деб дунё.
Кўринмас нарса у, тузоқчи сони,
Бу дунё нарсаси – сочилган дони.
Ғофилдир бу одам, яна суқ кўзи,
Нечук тўрга кирмас бу одам ўзи.
Нима дейди эшит, шоирлар боши,
Бу дунё ишида пухтакор киши:
“Тузоқчи кўринмас, кўрсатар молин,
Кўрсатгандай келин гўзал жамолин.
Кўзи суқ, очофат киши сен ўзинг,
Донин тортса тамом, кейин кўр ҳолин”
Бори олам бирга йиғилса буткул,

Ҳаловат, бахт билан яшаса минг йил,
Нима нафи, ахир қора ер қуйи,
Кишига бўлади сўнги ер – уйи.
Кечирган тириклик сенга бўлар туш,
Нима қилган эсанг яна келар туш.
Ўшал кун ўқинсанг, нафи йўқдир, оҳ,
Неки қилган эсанг йил, ой, кун гувоҳ,
Уч неъматдир асли дунё лаззати,
Уларда бўлар юз, минг ҳаловати:
Емак, ичмак эрур уларнинг бири,
Бириси бу нафсинг, эй эрлар эри.
Учинчи тинч-омон тириклик эрур,
Бу учдан шугина кераклик эрур.
Бу учнинг тотиги сенга кифоя,
Уч ишга сен борма билониҳоя:
Емак-ичмак кайфи ўзгача, қардош,
Аммо унинг ҳазми бўлмагай одош.
Бу лаззат аслида бўғизга бўлур,
Нафи бўлса ундан бу қорнинг тўлур.
Агар ош сингмаса, бузилар мижоз,
Мижоз бузилдими, унга топ илож.
Ёқимли, шириндир, тириклик куним,
Аччиқ қилар уни ёқимсиз ўлим.
Шу учқови эрур жаҳон тотиги,
Жавобни эшит, эй, феъли ортиги:
Бу дунё ёв эрур, нафсинг ҳам ёғи.
Уларнинг ёйиқдир доим тузоғи.
Булардан даҳшатли ёв – нафсинг эрур,
Бу нафсинг жонингга машаққат берур.
Жуда яхши деган бу ҳақда доно,
Доно сўзин тинглаш керак доимо:
“Ҳудо номин айтсанг кетар ҳар бало,
Қолдиргудай бўлсанг, қолар бу дунё,
Ҳире-нафси не хилда йиратса бўлар,
Ўлим келиб ёқа олмагунча то”.
Нафсим мени тинмай судрар, елдирад,
Гоҳо йиғлатар у, гоҳо кулдирад.
Уни дея бўлди икки кўзим суқ,
Гоҳо оч бўларман, гоҳо бўлдим тўқ.

Бир орзуни топсам бўлаги қолур,
Тағин бирин топсам, сўнг тилак бўлур.
Ҳирс-нафсни босолмай турибман тутиб,
Боса бер, эй эгам, яқинлик этиб.
Ёмон феъл бўлар нафс – бу тану бу жон,
Семиз тутсанг бўлар ёмондан ёмон.
Семирсами улар озар ҳам тўзар,
Эгасин йиқитар, тириглик бузар.
Нафсинг бўлди овчи ит мисол тайин,
Семирса билмагай эгаси ҳақин.
Қорни тўйса овга югирмас, ётар,
Эгаси тилаги тилида қотар.
Ёки нафсинг кичик болакай сони,
Қорни тўйса чопар, қидиргин уни.
Тириклик тугали тугал уч кундир,
Ундан ўзга бари туш ёки тундир.
Бириси келажак, бири ўтган тун,
Эргага етарми тириклик бу кун.
Ундан ўзга бўлса агар тириглик,
Тириклик санама, сўзим белгилик.
Бўғиз тотғи фақат қорин тўйдириш,
Қорин тўйса фойда сари бўлгай иш.
Қорин тўйса арпа ё ҳолва бир хил,
Бари ортиб қолар, тўлар унга йўл.
Шакар, ҳолва еган билар, лоф урар,
Тўйиб ётса тонгда тағин оч турар.
Нима дейди эшит, ақлли гадой,
Камбағал бўлса ҳам кўзи, кўнгли бой:
“Ўзинг единг доим шакардан неъмат,
Кепак, тариқ ичра мен топдим тоқат.
Иккимиз ҳам тўйиб тенг ётдик тунда,
Кечиб борди ҳаёт кунлари фақат”.
Дунёни термагин қанчалар ўзинг,
Сенга мунтазирдир икки газ бўзинг.
Гадой, бой иккиси ўлимдан кейини,
Қора ер қатида тенг бўлар, тайини.
Икки кунлик ўтар дунёни тутиб,
Нега гердаясан кўкдан ҳам ўтиб.
...Ўзинг суқланурсан олам тергани,

Ўлим суқланар, кўр, сени сургани.
Ҳаёт, роҳат кунда ўзингдан безор,
Ёвуз бу ўлим, кўр, томиринг кесар.
Шубҳасиз ўлади тирик бўлувчи,
Қайси кун келурин йўқдир билувчи.
Кичикларга умид: битса дер соқол,
Соқол унса бўлай дейди оқсоқол.
Соқолинг оқарди – яқиндир ўлим,
Ўлимга тадбир йўқ ё чора, йўлим.
Ўзинг ўтга отма бу дунё учун,
Кўрганда сарф этма кучингни узун.
Шўртанг сув мисоли бу дунё моли.
Қанча ичса қонмас, ҳўл бўлмас тили.
Қуруқ қумга ўхшар одамзод ўзи,
Дарё кирса тўлмас бу суқлик кўзи.
Мисоли саробдир бу дунё иши,
Тутай деб қўл чўзса йўқотар киши.
Саробдир у асли, кўзингда учар,
Қанча қувсанг уни, у шунча қочар.
Бу нафсинг аслида бир кўринмас ёв,
Кўринмас ёвингни йўқотгин дарров.
Нафсингга енгилма, бермагин бўйин,
Шодлиги аламдир, истаги – ўйин.
Қайтмас бўлиб кетар ўтган тириклик,
Қолгани ҳам эмас аниқ, белгилик.
Нима дейд эшит, зийрак, ботир эр,
Нолойиқдан четда тийрак, ботир эр:
“Кечирдинг кечувчи кечаги тунинг,
Шу тарзда кечади келувчи кунинг.
Ўтган ҳам келар кун ораси – лаҳза,
Ҳаёт шунча калта, ўчиргин унинг”.
Бекор бўлди бунда тириклик дедим,
Ҳаво-нафси енгиб тинч яшар эдим.
Бу кун шаҳар сари чорладинг мени
Нафсим асир этса, асровчи қани.
Нафсинг ёв-ку, яна битта зўр ёғи,
Бойлик эрур, унинг ёйиқ тузоғи,
Тилакча иш этма, қаттиқ бўл, тираң,
Тану жон улушин бермагин, чираң.

Нима дейди, эшит, ўзин бостан эр,
Ҳаво-нафси енгиб дорга оспан эр;
Доно деса бўлмас зинҳор у кишин,
Нафсига эргашиб қилса бор ишин.
Расо деса бўлмас у эрни зинҳор,
Нафсига қул бўлса, эй дили бедор.
Билимсиз бўлади киши белгилиг,
Фақат нафси учун этса эзгулик.
Уқувсиз кишилар ўлик, эй қардош,
Ҳаво-орзуларга ўзин қилса бош.
Мана шундай эрур аслида олам,
Борин айтдим, англа, эй улуғ одам.

Ўгдулмишнинг Ўзгурмишга жавоби

Жавобда Ўгдулмиш деди ушбу сўз –
Очилди, тушундим, аё кутли юз.
Буни ҳам эшитгин яна белгилиг,
Билимга, уқувга буни билгулиг.
Фақат шундай кўриб тириклик ҳолин,
Аччиқ қилма ўзга ҳаётинг йўлин.
Олам аҳли бари улуш, кент қўйиб,
Тоғлар аро кирса жонидан тўйиб.
Олам вайрон бўлар, қолар қуп-қуруғ,
Кесилар-ку одам зотидан уруғ.
Яна барча одам бу дунё тилаб,
Югурса туиларни кундузга улаб.
Тоғ ташлаб дунё тиласа гамом,
Бўш қолмасди дўзах, жаннат батамом.
Икки уй яратди соҳиб каромат,
Бирин номи дўзах, бошқаси – жаннат.
Худо берди қулга икки кўз, қулоқ,
Улар билан дунё, охирагга боқ.
Ушлаш учун берди яна икки қўл,
Бири дунё, бири охирагга йўл.
Икки оёқ берди яна юришга,
Бири у ён, бири бунда туришга.
Аё қул бўлувчи, уқувли, хушёр,
Ғофил бўлма, унда талай зарар бор.

Худойим яратди шу икки олам,
Бирин топсанг югур, топгин уни ҳам.
Одам боласини бу қодир худо,
Очиб, тўядиган қилган доимо.
Яна яхши деган, доно, дили кенг,
Оламда шон олган, сахий қўли кенг:
Эгнига кийим ҳам бўғзига эми,
Керак эй қариндош, бу ҳаёт эми.
Тирикка булардан кечиш йўқ, қардош,
Устига тўн керак ҳам бўғзига ош.
Ҳалол дунё топса қўлига олиб,
Бева-бечорага берса у бўлиб.
Кошки бўлмасайди бўғиз ташвиши,
Кишини пастлатар бу бўғиз иши.
Худо ҳукмидан кўр ўзинг доимо,
Фазлига умидни боғлагин аммо,
Икков билан бўлар, қуллигинг, билгин,
Шу йўлдан янглишма, шу йўлни қилгин.
Яна яхши деган билимдон, доно.
Билимсизга ўғит, панд берган аъло:
“Умид ва хатардан сен қанот қилгин,
Шу икков бўлажак йўлақин билгин.
Худо ёрлигин тут, ўзинг қуллигинг,
Саройга учиб кир, роҳатни олгин”.
Умид ва хатар бир қанот сони бил,
Улар билан учган олар кўкка йўл.
Ғуноҳим талай деб умид узмагин,
Тоатга ишониб ишни бузмагин.
Тоат қил, бу қуллик тоатдир фақат,
Қул бўлган ҳар одам этсин-да тоат.
Худо ёрлигини қуйи олмаса,
Токи шу туфайли ожиз қолмаса.
Тоатга ўзингни гадой бил, гадой,
Тоатга гадой бўл, ғуноҳларга бой.
Кишилар ёвузи ўзинг бил, ўзинг,
Ғарчи эзгу бўлса ҳамки бу сўзинг.
Мана мен ўтиндим билсам неча йўл,
Бу сўз ишга тутгин, сенга сенга келар қўл,
Деганим номаъқул бўлмаса агар.

Жавоб бер, мард ўғлон ўзинг сар-басар.
Нафи бўлмас, кимки чўзади сўзин,
Сўзининг нафи бўлмас – бўлса у узун.

Савол ва топшириқлар:

1. Ўзгурмиш дунёнинг қандай айбларини санаб кўрсатди? Сиз ана шу айбларни қисқа-қисқа ёзиб қўйинг ва улар ҳақида мулоҳаза юритинг. Мулоҳазаларингизни синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.

2. "Одам жаннат ичра еб қўйгач донни, Унга лозим билди ушбу маконни" мисраларидаги талмеҳ мазмунини шарҳланг. Талмеҳда нимага ишора қилинган?

3. Ўзгурмиш инсонни нимага даъват қилади? Сиз бунга қўшиласизми? Нима учун? Ўзгурмиш нега дунёни ёмон кўради?

4. Ўгдулмиш қариндоши Ўзгурмишга қандай жавоблар берди? Унинг икки дунё ҳақидаги фикрлари асослими?

5. "Худойим яратди шу икки олам, Бирин топсанг югур, топгин уни ҳам" мисраларини изоҳланг. Икки дунё саодатини топиш йўли нимада?

6. Ўзгурмиш ва Ўгдулмиш суҳбатдаги тўртликларни аниқлаб, дафтарингизга кўчиринг ва жанр хусусиятларини кўрсатинг.

ТЎРТЛИКЛАР

Қаю ерда бўлса уқуш бирла ўг,
Ани эр, атағил, неча ўгса ўг.
Ўқуш, ўг, биллиг кимда бўлса тугал,
Явуз эрса қад те, кичиг эрса ўг.

*(Агар кимда бўлса ақл, илм, зехн,
Уни мадҳ этиб сен, тугал эр дегин.
Зиёд бўлса кимда уқув, ақл, биллим,
Ёмон кичик бўлса ҳам мақтагин.)*

Қара баш яғиси қизил тил турур,
Неча баш еди бу, тақи ма еюр.
Башингни тиласанг тилингни кўдаз,
Тилинги тегма кунда башингни еюр.

*(Қора бош ёви бу қизил тил турур,
Неча бош еди у, яна ҳам еюр,
Бошинг соғлиғи-чун тийиб юр тилинги,
Тилинги истаган кун бошингга етур.)*

Атанг пандини сан қатиғ тут, қатиғ,
Қутада, кунунг бўлга кундин татиғ,
Атангни, анангни севиудур туши,

Януг берга тапгунг туман минг асиг.

*(Ота пандига сен тугал қил амал,
Юрарсан бўлиб бахтиёр ҳар маҳал,
Отангни, онангни севинтир тамом,
Бу хизмат етиргай тилакка тугал.)*

Киши йилқи бирла адирти билиг.
Билиг бирла янглук кўтурди алиг,
Юри йилқи бўлма, билиг бил, ўкуш,
Билиг бирла сўзла, йўруқ тут тилиг.

*(Одамни вуҳушдин билим фарқлади,
Билим бирла инсон қаддин тиклади.
Бўлиб қолма йилқи, билим ол, ҳунар,
Билиб сўзла, тилни билим сақлади.)*

Кичигка улуғлуқ улуғдин тегир,
Улуғқа тапунса кичиг қут алир,
Улуғлар сўзин тут, юмуш қил, югур,
Улуғ сўзи тутса, тилакка тегир.

*(Кичикка улуғлик улуғдан тегар,
Улуғга этиб иш кичик қут топар,
Улуғлар сўзин тут, амал қил, югур,
Улуғ сўзин олган тилакка етар.)*

Савол ва топшириқлар:

1. Достондан териб олинган шоир тўртликларининг мавзу доирасини аниқлаш ва мавзу номларини дафтариниғизга тартиб рақамида ёзинг.
2. Тил мавзусидаги тўртлик мазмунини изоҳлаб беринг.
3. Аслиятда берилган шоир тўртликларидан бирининг вазни ва қофия тартибини намуна асосида аниқлаб, дафтариниғизга ёзинг. Намуна:

Ки-ши йил / қи бир-ла / а-дир-ти / би-лиг.
Би-лиг бир / ла ян-глук / кў-тур-ди / а-лиг.
Ю-ри йил / қи бўл-ма, / би-лиг бил, / ў-куш.
Би-лиг бир / ла сўз-ла, / йў-руқ тут / ти-лиг.
V - - / V - - / V - - / V - -
фа-ув-лун / фа-ув-лун / фа-ув-лун / фа-ул

Вазни – мутақорибн мусаммаи маҳзүф. Қофиядош сўзлар: билиг-алиг-тилиг

4. Аслиятда берилган сўзлар билан ҳозирги тилимиздаги сўзларни қиёслаг: ўхшаш ва фарқли, табиш ёки нотаниш томонларини аниқлаш.

5. “Қутадеу билиг” достонининг адабиётимиз тарихи ва маънавиятимиз ривожидан (аҳамияти ҳамда ўрни ҳақида) ўз мулоҳазалариниғизни айтинг.

АҲМАД ЮГНАКИЙ

(XII аср охири – XIII асрнинг I-ярми)

Аҳмад Югнакий истеъдодли шоир ва донишманд мураббийдир. Ундан сақланиб қолган ягона адабий мерос **“Ҳибат-ул-ҳақойиқ”** бадий сўз санъати ва адабий тилнинг жуда қимматли ҳамда нодир бир ёдгорлигидир. Аҳмад Югнакийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида шўхотда оз маълумот сақланиб қолган. Унинг ҳаёт йиллари, ижтимоий турмуши ва бошқалар маълум эмас. «Ҳибат-ул-ҳақойиқ»нинг айрим мисралари ва унинг нусхаларига бошқалар томонидан ёзилган қайдлар шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида, бир оз бўлса ҳам, тасаввур ҳосил қилишга имкон беради.

«Ҳибат-ул-ҳақойиқ»нинг матнида китобнинг ёзилган йили, жойи, ҳатто номи ҳам кўрсатилмайди. Фақат бир байтда шоир ўз номини тилга олади:

Адиб Аҳмад айтгим адаб-панд сўзум,
Сўзум муңда қолур, борур бу ўзум.

«Адиб Аҳмад» сўзлари адиблик – шоирлик Аҳмад Югнакийнинг асосий машғулоти, касб-кори бўлганидан dalolat беради. Достоннинг бир нусхасидаги Арслонхўжа Тархон (XV аср теурурий амалдорларидан) қайдларида қуйидаги маълумотлар бор:

1. Адибнинг ери оти Югнак эрур,
Сафолик ажаб ер кўнгиллар эрур.
2. Атоси оти Маҳмуди Югнакий,
Адиб Аҳмад ўгли, йўқ ул ҳеч шаки.
3. Китобининг оти эрур Ҳибат-ул-
Ҳақойиқ – иборат арабдин ўшул.
4. Тамоми эрур кошғарий тил била,
Айтмиш Адиб риққати дил била.
5. Агар билса кошғар тилин ҳар киши,
Билур ул адибнинг не ким аймиши.
6. Киши тилин билса, билур маънисин.
Билурман теса, айб ўзи билмасин.

Бу қайдлардан шоирнинг номи Адиб Аҳмад, отасининг оти Маҳмуд, ватани Югнак, китобнинг номи «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар армуғони») экани маълум бўлади.

Амир Сайфуддин деган киши шарафига айтилган иккинчи қайдда Адиб Аҳмад ҳақида бундай дейилади:

Адиблар адиби, фозиллар боши,
Ғуҳардин сўз аймиш, этин сўз биши.

(Адиблар адиби, фозиллар боши, гавҳардан сўз айтиб, гўзал сўзлар ўйлаб чиқарди).

Уған раҳмат этсун бу соат анга,
Ярин кунса, бўлеун эранлар боши.

(Шу дамда худо уни раҳмат қилсин, тирилса мардларга бош бўлсин.)

Бу қайд Адиб Аҳмаднинг шуҳратли шоир ва фозил кини бўлганини кўрсатади.

Ниҳоят, номаълум шахс томонидан ёзилган қайдада шоирнинг кўзи ожиз бўлгани ва китобнинг 14 бобдан иборат эканлиги айтилади:

Туға кўрмас эрди адибнинг кўзи,
Тузатти бу ўн турт боб ичра сўзи.

Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул-ҳақоийк» дostonи бу маълумотларни бирмунча тўлдиринишга, дoston муаллифининг яшаган даврини тахмин қилишга имкон беради.

Биринчи жаҳон уруши бошларида турк олими Нажиб Осим Истамбулдаги Аё-Суфия масжидининг кутубхонасида мўгул тилидаги расоид (рисолалар) тўпламига киритилган бир қўлэмани топди. Қўлэма туркий тилда бўлиб, у мўгулча хатлар тўпламига янглиш киритилган экан. Топилган қўлэма ҳали илм оламига маълум бўлмаган Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул-ҳақоийк» дostonи бўлиб чиқади. Қўлэма ҳижрий 884 йилнинг 7 зудқаъда ойида (1480 йилнинг 30 январида) Истамбулда Абдураззоқ Бахший томонидан кўчирилган.

«Ҳибат-ул-ҳақоийк»нинг ёзилган йили ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Дostonнинг ўзида ҳам бу ҳақда бирор ишорат йўқ. Аҳмад Югнакий ўз дostonини Дод-сипаҳсолор (Дод-сипаҳсолор) деган шахсга бағишлайди. Бирок бу шахснинг кимлиги ва қачон ўтгани ҳам қатъий аниқланган эмас. Шуларга кўра, дostonнинг ёзилган даврини фақат унинг тили ва услубига қараб тахмин қилиш мумкин. «Ҳибат-ул-ҳақоийк»да архаик элементлар «Қутаду билиг» дагига нисбатан бирмунча камроқ, арабча, форс-тожикча сўзлар эса кўпроқ ишлатилган. Бу «Ҳибат-ул-ҳақоийк» “Қутаду били”дан бирмунча кейин, XII асрнинг охирилари ёки XIII асрнинг бошларида яратилган деб тахмин қилишга имкон беради.

«Ҳибат-ул-ҳақоийк»нинг 1480 йилда кўчирилган нусхасидаги номаълум шахс томонидан ёзилган қайдада дostonнинг 14 бобдан иборат экани айтилган эди. Бирок «Ҳибат-ул-ҳақоийк»нинг ўша 1480 йилда кўчирилган нусхаси 235 байтдан иборат бўлиб, у 11 бобдан ташкил топган. Котиб Абдураззоқ Бахший дostonни унинг бирор қисқартирилган вариантдан кўчирган ёки унинг 3 боби бошқа бобларга кириб кетган бўлиши мумкин Адабиётшуносликдаги сўнгги маълумотларга кўра, асар 14 бобдан иборат ва 254 мисрани ташкил қилади.

Дostonнинг биринчи боби (1–10 байтлар) Аллоҳга, иккинчи боби (11–19 байтлар) пайғамбаримиз(с.а.в.) ва тўрт халифага бағишланган. Учинчи боб (20–33 байтлар) Дод-сипаҳсолорга бағишланади. Афтидан, Дод-сипаҳсолор замонасининг йirik амалдорларидан бири бўлган, чунки дoston муаллифи уни бир неча ўринда «шоҳим» деб атайдди. Шоир бу бобда Дод-сипаҳсолорни фуқаропарвар, саховатли ва адолатли киши деб мадҳ қилади, уни денгиз, ўзини эса бу денгизга фақат томчилар ҳада қилувчи булутга ўхшатади. Тўртинчи боб (34–39 байтлар) китобнинг ёзилиш сабаби ҳақида бўлиб, шоир уни Дод-сипаҳсолорга бир ёдгорлик сифатида тақдим қилгани ва бу билан ўз хайрихоҳлигини ифодаламақчи бўлганини таъкидлайди.

Дод сипаҳсолор бек учун бу китоб,
Чиқордим оқунда оти қолсу теб...

Билик эттим ани шоҳимга манук,
Ҳаводорлиғимни тукал билсу теб.

Достоннинг 3–4 боблари Аҳмад Юғнакийнинг Дод-сипаҳсолордан инъом ва эҳсон кутганини равшан кўрсатади. Достоннинг дастлабки тўрт боби унинг муқаддима қисми бўлиб, асосий қисм бешинчи бобдан бошланади. Боблар махсус сарлавҳалар билан берилиб, 5–8 боблар нав номи билан аталган ва махсус сира рақамлари билан берилган.

Бешинчи боб (40–62 байтлар) билим мақтови ва жоҳилликнинг зарарига, олтинчи боб (63–86 байтлар) тил одобига, еттинчи боб (87–110 байтлар) дунёнинг фонийлигига, саккизинчи боб сахийлик ва бахилликка, тўққизинчи ва ўнинчи боблар (176 – 226 байтлар) турли хил масалаларга бағишланган бўлиб, ўн биринчи боб (227 – 235 байтлар) китобнинг хотимасидир. Муаллиф хотимада китобхонга мурожаат қилиб бундай дейди:

Битидим китоби мавоиз масал,
Ўқуса тотир тил емиштак асал...
Адиб Аҳмад айтгим алаб-панд сўзум,
Сўзум мунда қолур, борур бу ўзум.
Келур куз, кечар ёз, борур бу умур,
Тугатти умурни бу ёзим, кузум,
Онин уш чиқартим бу туркча китоб,
Керак қил тайиб дўст, керак қил йтоб.
Бититгим бу тангсуқ туруқ сўзларин,
Қали борса ўзум отим қолсу теп.

Аҳмад Юғнакий илм-маърифатни «Ҳибат-ул-ҳақоийқ»нинг марказий масалаларидан бири қилиб қўйди, достоннинг асосий қисмини (5-боб–1-нав) худди шу масала билан бошлади, бошқа боблардаги ахлоқ-одоб масалаларини ҳам илм-маърифат ва олимлар донишмандлиги билан боғлади. Достон Аҳмад Юғнакийни XII асрнинг донишманд маърифатпарвари ва илмнинг жарчиси сифатида гавдалантиради. Шоир олим билан жоҳилни бир-бирига қарама-қарши қўяди, олим илм билан бахт-саодат йўлларини топса, жоҳил нодонлиги туфайли кўргуликларга гирифтор бўлади, илм ва олимни қадрлаш, илм ўрганишга тиришиш лозим дейди:

Биликтин аюрман сўзумга ула,
Биликликка ё дўст, ўзунгни ула.
Билик бирла билнур саодат йўли,
Билик бил саодат йўлини бўла.
Бақолик динор ул биликлик киши,
Бу жоҳил биликсиз-бахосиз биши.
Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур?
Биликлик тиши – эр, жоҳил эр – тиши.
Сўнғакка йилик так эранга билик,
Эран кўрки ақл, ул сўнғакнинг – йилик.

Биликсиз – йиликсиз сўнгаткак қоли,
Ииликсиз сўнгаткак сунулмас алик,
Билик билти бўлти эран белгулук,
Биликсиз тирикла йитук кўркулук,
Биликлик эр ўлти, оти ўлмату,
Биликсиз эсан эркан оти ўлук...

“Ҳибат-ул-ҳақойиқ” дидактик дoston бўлиб, ахлоқ-одоб масалалари ундаги кўпчилик бобларнинг тематик асосини ташкил этади. Шоир тил одоби, саҳийлик, баҳиллик, камтарлик, эзгулик ва бошқалар ҳақида худди Юсуф Хос Ҳожиб каби замонаснинг пешқадам мураббийси сифатида фикр юритиб, кишиларга ўнгит беради.

Рост, соғлом ва мазмунли сўзлашни, керак бўлганда сир сақлай олишни мақтаб, лақмалик, ёлғон сўзлаш ва сергапликни қоралаган шоир тилни тийиш одобининг боши дейди:

Эшитгил биликлик нагу тег аюр;
Адаблар баши тил кўзатмак турур.
Тилинг бекта тутғил, тишинг синмасун,
Қоли чиқса бекта тишингни сиюр.
Санип сўзлаган эр сўзи сўз соғи;
Ўқуш янғшаған тил эйолмас яғи.
Сўзунг бўшлуғ эзма йиға тут тилинг,
Етар бошқа бир кун бу тил бўшлуғи
Хирадлиқму, бўлур тили бўш киши?
Талим бошни еди бу тил, сўз бўши...
Ики ненг бирикса бир эрда қали,
Буқанди ул эрга мурувват йўли:
Бир ул янғшир эрса кераксиз сўзин.
Икинч ёлғон эрса ул эрнинг тили...

Шоир кишиларни бировни аччиқ ва ёмон сўзлар билан ранжитмасликка чақириб, тилининг яраси битмас ярадир дейди:

Ўчукгурма эрни тилинг, бил, бу тил
Башақтурса, бутмас, бутар ўқ баши.

(Тилинг билан ўч ҳиссини қўзғама, бил, ўқ яраси битиб кетади-ю лекин тил яраси битмайди.)

Дostonнинг иккинчи нави ва қисман бошқа бобларида тил одоби ҳақида ибратли мулоҳазаларини баён этиб, рост сўзлаш, тўғри бўлиш ва сир сақлай олиш фазилатларини ёлғон сўзлаш, эгрилик ва лақмаликка қарши қўйган шоир дostonнинг тўртинчи навида саҳийлик ва баҳиллик ҳақида сўзлаб, ҳиммат ва саҳийликни баҳиллик ва зиқналикка қарама-қарши қўяди, бу масалаларга доир пандомиз мулоҳазаларини, қисман бўлса-да, бошқа бобларга ҳам сингдиради, бадний тил воситаларидан, хусусан ўхшатишлардан ва халқ мақоллари ҳамда таъбирларидан фойдаланади.

Дoston Аҳмад Югнакийнинг илм-маърифат ва яхши хулқ-одобинини жарчиси

эканини кўрсатади. “Хиба-ул-хақойиқ” муаллифи бирор воқеани, саргузаштни дикоя қилиш вазифасини эмас, балки илм-маърифат, ахлоқ-одоб ва бошқа масалалар ҳақида мулоҳаза юритиб, кишиларга ўғит бериш вазифасини ўз олдига қўяди. Шунга кўра, «Хиба-ул-хақойиқ» дидактик дoston бўлиб, бу унинг бадний хусусиятлари ва услубини белгилайди. Гарчи дostonда воқеавий сюжет бўлмаса ҳам, унинг боблари мазмуни ва моҳияти билан ўзаро узвий боғланиб, бир бутун композицион қурилишни вужудга келтиради. Муаллиф дostonнинг бобларида турли хил объект, хислат ва тушунчаларни муқояса қилиш ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш асосида улардан ҳар бирининг ўзига хос ижобий ёки салбий томонини очади, яхшиларини эътироф ва тарғиб қилади, ёмонларини қоралайди ва рад этади. Бу усул муаллифга дostonда қўйилган масалаларни маълум конфликт фонида ёритиш ва яқунлаш, мулоҳазалардан келиб чиқадиган ўғитнинг таъсирини кучайтириш ва асарнинг бадний қимматини ошириш имконини беради. Маърифат билан жаҳолат, сахийлик билан бахиллик, тўғрилик билан эгрилик, хуштавозеллик билан одобсизлик ва бошқалар маъна шундай муқояса қилиш ва қарама-қарши қўйиш усули билан ёритилади. Аҳмад Югнакий бадний тил воситалари, халқ мақоллари ва таъбирларини қўллаш орқали асарнинг баднийлигини оширишга муваффақ бўлган.

«Хиба-ул-хақойиқ»да кўпроқ учрайдиган бадний тил воситаларидан бири ўхшатишдир. Аҳмад Югнакий баъзан аъъанавий ўхшатишларни такрор-такрор ишлатса ҳам, лекин у янги ва оригинал ўхшатишлар ҳам ярата олган. Дostonнинг муқаддимасида муаллиф Дод-сипаҳсолорни денгизга ва ўзини ёмғир томчисига ўхшатади. Бироқ бу томчи шундай томчики, у денгизга тушиб, садафдан қимматли дур ясайди. Билимли киши қиммат баҳо олтинга, жоҳил киши арзимас, қалбаки ақчага, билимли аёл эр кишига, билимсиз эр аёлга, билимли илкли суякка, билимсиз илксиз суякка, карамсиз киши мевасиз дарахтга, дунё карвонсаройга, тўғри сўз асалга, ёлғон сўз оғзини ачитувчи пиёзга ўхшатилади ва ҳоказо.

Шоир асал – ари, харобот – ободон, минг – бир, атлас – буз каби тазод приёминини булут уялади, дунё (бир гўзал каби) ўз бетидан чодирини олади, яъни тонг отади каби метафораларни; ула – шит ва ула – боғлангин, эртагил – сургин ва эр-тагил – эр дегин каби сўз уйинлари, тажниси усталлик билан ишлатади. Шу билан бирга у такрир, аллитерация каби поэтик усулларни ҳам қўллайди. Булар шеърий мисраларнинг мазмузини бойитиш ва унинг бадний қимматини оширишга хизмат қилади.

“Хиба-ул-хақойиқ” ҳам, “Қутаду били” сингари, арузнинг мутақориб баҳрида (фаулвун фаувлун фаувлун фаул) яратилган. Аҳмад Югнакий дostonда сўзларнинг талаффуз-хусусиятларига кўпроқ эътибор бергани учун дostonнинг вази «Қутаду били» вазига нисбатан хийла равои чиққан. “Хиба-ул-хақойиқ” нинг муқаддима боблари газал йўлида қофияланган бўлиб, боблар халқ қўшиқларига хос “а-а-б-а” тўртлик йўлида қофияланган.

Халқ мақоллари ва таъбирлари дostonнинг тилини ҳам, мазмузини ҳам бирмуоца бойитади. Халқ мақолларига алоҳида эътибор берган шоир бундай деган эди:

Безадим китоби мавоиз, масал,
Боқиғли ўқуғли осиг оёсу таб.

У халқ мақолларини айнан ёки уларнинг мазмунини сақлаган ҳолда шаклини шеърин мисраларга мувофиқлаштириб беради, Мисоллар:

...Бу бир сўз ўзоғи ўрилмиш масал.
Куни бўл, кунлик қил, отин кун,
Куни тею билсун халойиқ сени
Кунлик туни кай кўдиб эгрилик,
Кадим, тўн тўлувси кунлик тўни.

(...Бу қадимга бир сўз мақол бўлиб кетган; тўғри бўл, тўғрилиқ қил отинг тўғрилиқ бўлсин, халойиқ сени тўғри деб англасин. Тўғрилиқ тўнини кий, эгриликни ташла, кийим-тўнинг тўғрилиқ тўни бўлсин.)

Учук турма эри тилин, бил, бу тил,
Бажақ турса, бутмас, бутар ўқ баши.

(Тилинг билан ўч ҳиссини қўзғама, бил: ўқ яраси битиб кетади-ю, тил яраси битмайди.)

Оримас неча юса қон бирла қон.
(Қонни қон билан ювиб бўлмайди.)

Аҳмад Югнакий “Ҳибат-ул-ҳақойиқ” достони билан умумтуркий адабиёт, жумладан, ўзбек адабиёти тарихида ҳам алоҳида ўринга эга. У Юсуф Хос Ҳожибдан кейин дидактик адабиёт ривожига катта ҳисса қўшди.

Асар Навоий каби буюк сўз санъаткорининг назар-эътиборига тушди. Навоий «Насоим-ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадаси») асарида «Ҳибатул-ҳақойиқ» дан парча келтириб, шоирнинг кўзи ожиз бўлганини қайд этади. “Адиб Аҳмад ҳам турк элидин эрмиш. Анинг ишида ғариб (ажойиб), нималар манқулдур (нақл қилинган). Дерларки, кўзлари бутов (битган, ёпиқ) эрмишки, асло зоҳир эрмас эрмиш. Басир (кўрмайдиган) бўлуб, ўзга басирлардек андоқ эмас эрмишки, кўз бўлғай. Аммо бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттақий (тақводор, парҳезкор) киши эрмиш...Ҳақ субҳонаҳу таоло агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратқондур, аммо кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилқондур”.

Шунингдек, Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадидузамонга ёзган хатларидан бирида ҳам «Ҳибат-ул-ҳақойиқ»дан мисралар келтиради. Навоийга “Ҳибат-ул-ҳақойиқ”нинг таниш ва манзур бўлиши Аҳмад Югнакийнинг туркий адабиёт тарихида муҳим ўрин тутганини яна бир қарра таъкидлайди.

Савол ва топшириқлар:

1. Алишер Навоий Аҳмад Югнакий ҳақида қандай маълумотлар берган?
2. “Ҳибатул ҳақойиқ”нинг маъноси нима? Адиб асарига нима учун шу номни қўйган деб ўйлайсиз?
3. Асарнинг таркиби – мундарижаси ҳақида гапириб беринг.
4. Шоирнинг билим ва билимдонлик ҳақидаги фикрларини шарҳлаб беринг.
5. Адиб Аҳмад ва Юсуф Хос Ҳожиб ўртасида қандай фикрдошлик бор?
6. Ҳар икки адибнинг сўз бобидаги ўхшатишларини қиёслаг. Уларнинг яқин ва фарқли жиқатларини белгиланг.

“Ҳибатул-ҳақойиқ”

(Достондан парчалар)

Ахи арни ўқкил ўқар эрса сан,
Бахилга қатиқ ё ўқун кизлагил.

(Мақтамоқчи бўлсанг, сахийларни мақта, бахилларга ўқ-ёйни тўғрида), – деган шоир сахийлик таърифида айтади:

Қамуғ тил ахи эр саносин аюр,
Ахилиқ қамуғ эр кирини ююр.
Ахи бўл, санга сўз сўқунж келмасун,
Сўқунж келгу йўлини ахилиқ тиюр.
Эгилмас кўнгилни ахи эр эгар,
Тегилмас муродқа ахи эр тегар.

(Барча тилларда сахийнинг мадҳияси айтилади, сахийлик кишининг бутун кирини ювади. Сахий бўл, сенга ҳақорат сўзи тегмасин, сахийлик ҳақорат йўлини тўсади. Эгилмас кўнгилни сахий эгади, етилмас муродга етади.)

Яроғлиқ ошингни кишига едур,
Ёроғ бўлсанг уфроғ ёлингни бутур.
Куч эмган текурма кишига қоли,
Агар текса эмгак кишидинг кутур.

(Яроғли (яқши) ошингни кишиларга едиргин, қодир бўлсанг, юпун-яланғочларни кийинтиргин. Зинҳор кишиларга зулм-машаққат етказма, агар шунга мубтало бўлган кишини кўрсанг, уни бу балодан қутқаргин.)

Аликларда қутлуғ берикли алик.
Олиб бермаган ал алик қутсизи
(Берувчи қўл қўлларнинг қутлисидир, олиб бермаган қўл
қўлларнинг қутсизидир)
Ҳарис тўймас ажун пенгини териб,
Ҳарислик қаримас, идиси қариб.
Ҳарисликнинг қўюр, ҳарис эр қачон?
Ўлуб етса тупроқ ичига кириб.

(Ҳарис киша дунё молини йиғиб олса ҳам тўймайди, ҳарис киши қариса ҳам унинг ҳарислик одати қаримайди. Ҳарис киши ўлиб, тупроққа кўмилса ҳам ҳарисликдан воз кечмайди.)

Хабар бор берилса агар одами,
Икки қўл динорни ул ўн қўл қилур.

(Шундай нақл борки, агар (ҳарис) одамга икки дона динор берилса, у бунинг ўн динор бўлишни истади.)

Бахил йиғди зар-сим ҳаромтин ўгуш,
Вубол кўтру борди, узала сўкуш.
Улуш бўлди моли кишилар аро,
Бахил олди анинг сўкунжтин улуш...
Камуғ қозғоникли ажун молини
Еюмади, борди, кўрунг ҳолини.

(Бахил ҳаромдан (ҳазар қилмай) кўп олтин-кумуш йиғади, ўзи ўлиб кетади, бироқ ҳақоратларга қолади. Ўзи ўлгандан сўнг молини бошқалар улашиб олади, бахилга ҳақоратларгина улуш бўлиб қолади... Дунёнинг талай молини қўлга киритиб, эмай-ичмай кетган кишининг ҳолини кўринг.)

Йимишсиз йиғоч-так карамсиа киши,
Йимишсиз йиғочни кесиб ўртагил.
Будун моллик элга уруб юзларин,
Тузу қул қилурлар озод ўзларин.
Ким ул молсиз эрса, ул эрни кўруб,
Юз уруб кочарлар. юмуб кўзларин.

(Кишилар мол-мулки бор бўлган (одамнинг)қўлига юз тутадилар, бу билан эрklarини йўқотиб, ўзларини қул қиладилар. Кимки молсиз бўлса, бундай молсиз кишини кўриб, юз ўгириб қочадилар, ундан кўз юмадилар.)

Мажоз бўлди дўстлуқ, ҳақиқат қани?
Минг эр дўстда бири бўлуимас қуши!
Ўгушрак кишининг ичи ғадр эрур,
Қўни дўстунг эрса, тоши бил муни.

(Дўстлик мажоз бўлди, қани ҳақиқат? Минг кишининг ичида битта ҳам тўғри киши топилмайди. Кўп кишилар ичдан сотқиндир, дўстинг тўғри бўлиб кўринса ҳам, буни унинг сиртқи кўриниши деб бил.)

Бу бир айбдан ўтру бошин кескучи,
Ажунда тирилгу кишисиз қолур.

(Агар бир айб билан бошлар кесилса, дунёда бирор тирик одам қолмайди.)

...Яна бир кераклик сўзум бор санга,
Обойин ман ани, қулоқ тут манга!
Сўз улдур: такаббурни боштин солип,
Тавозуъни барк тут, ёпуш, кет анга.

(Яна керак бир сўзим бор сенга, ўшани сенга айтмоқчиман, менга қулоқ сол!
Бу сўз шундан иборат: мутақаббирлики бошингдан чиқар, хуштавозе бўл, шу
хислатга етиш, унга томон бор.)

Улуғлиққа тегасанг, янгилма ўзунг,
Қали кийсанг атлас, унутма бўзунг.

(Улусликка етсанг, ўзингдан адашма, атлас кийсанг агар, бўзингни
унутма.)

Санга ранж, анга ганж берикли уган,
Жазъ қилма, ё ранж идиси туруб.

(Сенга ранж, унга ганж берувчи худонинг ўзидир, эй ранж чекувчи киши,
сен (бунга қарши) нола-фиғон қилма.)

Жифо қилда жингга янут қил вафо,
Аримас неча ювса қон бирла қон.

(Кимки жафо қилса, сен бунинг эвазига вафо қил, қонни қон билан ювиб
тозалаб бўлмайди.)

Ғариб эрди ислом, ғариб бўлди боз,
Ибодат риё бўлди, обид – мажоз. :
Харобат урами бўлиб ободон,
Хароб бўлди масжид, бутун бенамоз.

(Ислом ғариб эди, у янада ғариб бўлди, ибодат риёга, бандалик мажозга
айланди. Майхоналар кўчаси обод бўлди, масжидлар хароб, кишилар бенамоз
бўлди.)

«Бу кун бор ёрин йўқ бу дунё нанги» (Дунёнинг буюмлари бугун бор-у,
эртага йўқ), - деган шоир дунёни бир рабобга, ҳаётни карвонга ўхшатади:

Бу ожун биликлик йизин излагил.
Роботқа тушукли тушар кўчулук.
Унг орқиш ўзади қўнуб йўл гутуб,
Ўнги қўпмиш орқиш неча кўчулук.

(Бу дунё бар қўниб кетадиган карвонсаройга ўхшайди, дарҳақиқат саройга
тушган одам тезда у ердан жилиши керак. Аввал карвон туриб йўл олади, ундан
кейин бошқалар йўлга тушадилар.)

...Ниқоб кўтрур ажун, бирар юз очар,
Ёзар қўл қучар — так, тиаа тарк қочар.
Ёзинги булут-так ё гуш-так холи,
Дирангиз кечар бахт ё қуштак учар.

(Дунё ниқобини кўтариб, бир оз вақт юзини очиб кўрсатади, қўлларни ёзиб гўё бағрига олмоқчи бўлади-ю, тезда қочади. Бахт хаёл билан ёзги булут ё тушдек тез ўтиб кетади, ёки қушдек учади.)

Савол ва топшириқлар

1. Адиб Аҳмаднинг тил одобига доир фикрларини ҳадислар билан қиёсланг. Уларнинг Ухшаш ва тафовутли томонлари ҳақида таъриб беринг.

2. Асардаги ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш, тазодларни белгиланг.

3. Асар вазнини аниқланг. 2 -, 3 - байт ҳижолярини ёзиб чиқинг. Бунда бўғинлар тақсимотиغا эътибор беринг.

ДИДАКТИК АДАБИЁТ ҲАҚИДА

“Дидактик” сўзи юнонча didakticos – “ибратли, сабоқ бўларли, насиҳатомуз” сўзидан олинган. Дидактик адабиёт ўз олдига ахлоқий-тарбиявий ҳамда маърифий муаммоларни бадний тарзда тасвирлашни мақсад қилиб қўйган. Бу адабиётнинг илдизлари жуда қадимги даврлар билан боғланади. У Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам машҳур бўлган. Гарчи тарбиявий йўналиш бадний адабиётга тўлиғича хос бўлса-да, дидактик адабиёт тарбияни бош мақсад даражасига кўтаради.

Адабиёт тарихидаги айрим жанрлар аслида бевосита панд, ўғит, насиҳат ва тарбиявий хулосалар билан боғлиқ. Халқ мақоллари, масаллар шулар жумласидандир. Аммо бошқа жанрларнинг ҳам тарбиявий мақсадларни қўзғамаслиги мумкин эмас. Тўмарис ва Широқ ҳақидаги қадимий ривоятларда ҳам, Ўрхун - Энасой обидаларида, “Ирқ битиги”да ҳам шундай мақсад очик кўриниб туради. Маҳмуд Кошғарий ҳам панд-ўғит мазмунини ташиган кўпда бадний нарчаларни келтирган.

Энди уза эранлар

Эрдам беги билиг тағ.

Айди ўкуш ўгутлар

Кўнгул бўлур ангар сағ.

“Илгарилар илмли, ҳикматшунос, фазилатли кишилар бор эди. Улар кўп насиҳатлар сўзлар эдилар. Уларни эслаш билан кўнгил сафо топади.”

Шунинг учун ҳам ҳар доим илм ва ҳунар ўрганишга интилиш яхшилик аломатидир. Илм ўрганишга даъватнинг “Девон”да тез-тез учраши тасодифий эмас.

Эрдам тила ўғраниш бўлма кувоз,

Эрдамсизин ўкуяса энгамагуза ангар.

(Илм, ҳикмат ўрган, ўрганишда ҳавойилик ва такаббурлик қилма, ҳеч нарса ўрганмасдан ўзини билимдон кўрсатаб мақтанган киши, имтиҳон вақтида уялади, ачинади.)

Ўғит, панд-насиҳат ҳар кимга айтилмайди.

Унинг қадрига етмоқ керак.

Ўғлум, ўғит алғил, биликсизлик кетар,

Талқан кимнинг бўлса ангар бекмас қатар.

(Ўқим, ўғит, кенгашимни қулоғингга ол, билимсизлигини ташла, Кимнинг талқони бўлса, шининга қоради. Шунингдек, ақлли киши насиҳатни қабул қилади.)

Кўриниб турганидай, бу ердаги “ўғитнома”лар тўртлик ёки иккилик шаклида намоён бўлаётир. Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Юғнакийлар ижоди мисолида эса дидактик дoston ҳақида гапириш мумкин. Улардаги ўғит, панд-насиҳатлар анча катта ҳажмда ифодаланган. Муҳими, улар бадний образлар, рамзлар орқали юзага чиққан.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и – туркий ёзма адабиётдаги дастлабки дидактик дostonдир. Унда муаллиф бир қатор ахлоқий-маънавий муаммоларни ўғитнома шаклида баён этади. Бу борада ўз мушоҳадаларини, шоирона кузатишларини ифодалайди.

Панд-ўғит бевосита муаллиф ёки айрим қаҳрамон тилидан айтилиши ҳам, асарда тилга олинган тегишли воқеа-ҳодисалар тасвиридан ҳам англаниши мумкин. “Қутадғу билиг”да ҳарикчиҳолат кузатилади. Ундаги қаҳрамонлар: Кунтуғди, Ойтўлди, Ўғдулмиш ва Ўзгурмишлар сўхбати муайян ахлоқий-таълимий муаммога бағишланган.

Ўғдулмиш мамлакат бошлиғи – бекда бўлиши керак бўлган фазилатлар борасида жумладан шундай дейди:

Идрокли одамгина ишбоши бўлишга лойиқ. Жоҳил ва беғам одамларнинг ишдан йироқ тургани маъқул. Кўнгилсиз кишининг кўзидаги нурдан ҳам наф йўқ, у атрофни керагича кўрмайди, кузата олмайди.

Донишманд киши бу ҳақда шундай деган:

“Уқувли-идрокли бўлса қай одам,
Киши деб атагин, мақтагин ҳар дам.
Ёвузни эзгу тут, кичикни улуг,
Уқув-идрок, билим бўлса, унда жам”

Китобнинг “Инсоннинг қадри билим билан белгиланади”, “Тилнинг фазилати, фойда-зарарларини сўзлайди”, “Эзгуларга аралашин эзгуликларини айтади” сингари боблардаги ўғитлар бевосита муаллиф тилидан баён этилган.

Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ” асарида эса барча ўғитлар фақат муаллиф тилидан баён қилинган.

Панд-насиҳат руҳи Аҳмад Яссавий ижоди учун ҳам ҳосдир.

Буларнинг барчаси ўзбек адабиёти тарихида дидактиканинг, “ўғитнома”ларнинг салмоқли ўрни тутишини кўрсатади.

Савол ва топшириқлар

1. “Дидактика” сўзи ҳақида қандай маълумотга эгасиз?
2. Дидактик адабиёт-чи? Унга қайси намуналарни киритиш мумкин?
3. Замонавий адабиётимизда ҳам дидактик асарлар яратиладими? Мисоллар келтиринг.
4. Қандай дидактик асарлар билан танишсанг?

АҲМАД ЯССАВИЙ

(1166 йилда вафот этган)

Хўжа Аҳмад Яссавий атоқли мутасаввуф шоир, шайхул машойих, султонлар орифин лақабларига мушарраф бўлган буюк зот. Алишер Навоий ўзининг «Насойимул муҳаббат» асарида у зот ҳақида шундай ёзган: “Туркистон мулкининг шайхул машойихидур. Мақомоти олий ва машхур, каромоти мутаволий ва номаҳсур (чексиз) эрмиш. Мурид ва асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадо анинг иродату ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш”. У тариқатда яссавия сулуки (йўли)нинг асосчиси бўлса, шеърятда туркий сўфиёна адабиётнинг биринчи йирик вакили бўлиб, шу равиюдаги барча шоирлар ижодига таъсир ўтказган. Аҳмад Яссавий поклик ва покизалик, илоҳий ишқу муҳаббат, дарвешона саховат ва эзгуликни қизгин тараннум этувчи шеърларини қадимий туркий назм кўриниши – тўртлик шаклида яратиб, уларга “**ҳикмат**” деб ном беради. Шоир ўз ҳикматлари халқ қалбидан чуқур жой олишини башорат этади:

Мани ҳикматларим оламга тўлғой,
Эшитмай ҳар ким ўлса, қилғой армон,
Мани ҳикматларим дардликка дармон,
Киши бўй элтмаса, ул йўлда қолғон.

Мани ҳикматларим ошиқга айтинг,
Дили ойнадек содиқга айтинг,
Ҳама кўру кару ботини каттоб,
Тамом иқлимни кездим, топмадим соф.

Мани ҳикматларим доно эшитсун,
Сўзум дoston қилиб мақсудга етсун.
Мани ҳикматларим бир пири комил,
Қаю баида худога бўлса мойил...

Аҳмад Яссавийнинг ҳақиқатда ҳам маълумотлар етарли эмас. Унинг “Ҳикматлари” ва баъзи тарихий-адабий манбалардаги изоҳ ва маълумотларини мавжуд. Маълум бўлишича, у Туркистонда Ясси шаҳрида, руҳоний оиласида туғилган. Унинг отаси Иброҳим Туркистоннинг таниқли шайхларидан бўлган.

Аҳмаднинг ёшлиги оғир кечган. Отаси жуда эрта – ёшлигида вафот этган.

Етти ёшида Арслон бобо излаб топди,
Ҳар сир кўриб парда бирла букиб ёлди

мисралари ана шу изтиробли ҳаётга ишорадир. Айни пайтда, бу мисралар мазмуни, Аҳмад Яссавийнинг Арслон бободай йирик мутасаввуф олим кўлида тарбияланганлиги ҳақида ҳам далолат беради. Бошқа бир ўринда: “Етти ёшда бобога қилдим салом”, – деб ҳам ёзган эди у. Сўнг у Бухорога бориб Юсуф Ҳамадоний кўлида таҳсил олади ва Юсуф Ҳамадоний унга шайхлик ҳирқасини кийдиради. Устоз вафотидан сўнг бир муддат ўрнида туриб, сўнг ўз юртига қайтиб, умрининг охиригача Туркистонда шир-муршидлик қилади. Ўта машхур, шоҳлар унинг муриди бўлишига қарамай, Яссавий

ҳалол ўз меҳнати, ҳунари билан тирикчилик қилади. Зеро, тариқатнинг талаби ҳам шундай.

Аҳмад Яссавий тахминан 1166 йилда вафот этган. Унинг шуҳрати вафотидан кейин ҳам пасаймаган. Амир Темур унга алоҳида эътиқод билан қарагани маълум. У 1395–1397 йилларда Туркистонда Аҳмад Яссавийнинг эски қабри ўрнида янгидан муҳташам мақбара қурдирган. Бу мақбара ҳозир ҳам мавжуд.

“Ҳикмат” дарда Аҳмад Яссавий мероси жамланган. Уларда 240 га яқин шеър бор. Улар халқ орасида “Девони ҳикмат” номи билан машҳур бўлган. Ҳикматларга “Қул Хожа Аҳмад”, “Хожа Аҳмад Яссавий”, “Аҳмад ибн Иброҳим”, “Султон Хожа Аҳмад Яссавий”, “Яссавий мискин Аҳмад”, “Мискин Яссавий”, “Аҳмадий”, “Қул Аҳмад”, “Мискин Аҳмад” каби тахаллуслар қўйилган.

Аҳмад Яссавий – мутасаввуф шоир. Бу тасаввуф тариқатига мансубликни билдиради. Тасаввуфдаги тўрт асосий босқич: шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат моҳиятини шеърини мисраларига сингдирган. Аҳмад Яссавий шу йўналишда катта шуҳрат қозонди. Бу бежиз эмас. Адиб тасаввуфни инсон маънавиятини юксалтирувчи муҳим омил сифатида билади. Бундан мақсад инсониятни тўғри йўлга даъват этишдир. Тўғри йўл ҳақиқатни англашга олиб келмоғи керак. Ҳақиқатни англаш ўзликни англашдир. Бунга эришмоқ учун киши Ҳақ йўлига кирмоғи, Аллоҳга муҳаббат пайдо қила билмоғи, бутун куч ва вужудини шу йўлга қаратмоғи керак.

Аҳмад Яссавий шеъриятидаги образлар тузилиши ҳам тасаввуф таълимоти билан, ҳам оғзаки ижод анъаналари билан ҳамбарчас боғланиб кетган. Пир, дарвеш, ошиқ, обид, оқил, зоҳид, ишқ, толиб, уммат, расул, шайтон, иймон каби образлар бевосита тасаввуф билан боғланса, йўл, работ, карвон, ўқ қабилар оғзаки ижод анъаналари билан алоқадор ҳолда юзага келган.

Нафе ҳақида гапирар экан, Яссавий уни инсоннинг камолотига халақит берадиган ёвуз ва ярамас куч сифатида баҳолайди. Унга “шум” сифатининг берилиши бежиз эмас. Шунингдек, “нафси бад”, “нафе йўли”, “нафе илги” сингари ифодалар шоир фикрини ёрқинлаштиради. Адиб тўғридан-тўғри нафсни тепкил, нафелдан кеч, дея тарғиб қилади. Нафснинг домига илиниш инсонни қанчалик ер билан яқсон қилишини жуда ёрқин ифодаларда кўрсатиб беради:

Нафе йўлига кирган киши расво бўлур,
Йўлдан озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.
Етса, кўпса шайтон билан ҳамроҳ бўлур,
Нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадкирдор.

Аҳмад Яссавий шеърятининг кенг тарқалиши ва халқ орасида севиб ўқилишининг асосий сабабларидан бири унинг халқ оғзаки ижодига ниҳоятда яқинлигидадир. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш жонзки, ҳикматларда Яссавий яшаган давр тили тўла сақланмаган. Бунга сабаб, ҳикматларнинг ўта машҳурлиги, оғиздан-оғизга ўтиб, ҳар бир давр тилига мослашиб, ўзгариб боришидир. Шунинг учун ҳам Яссавий ҳикматлари тили бизга бошқа замондошлари асарлари тилидан кўра яқинроқ ва тушунарлироқ. Ҳикматлар асосан тўғрлик, мураббаъ шаклида яратилган.

Нафсдин кечиб, қаноатни пеша қилғон,
Ҳар ким тепса, рози бўлиб бўюн сунғон.
Яхшиларга хизмат қилиб, дуо олғон,
Андоқ ошиқ маҳшар куни армони йўқ.

Ёки:

Роҳат ташлаб, жон меҳнатни хушлағонлар,
Саҳарларда жонин қийнаб ишлағонлар,
Ҳою ҳавас, моумонни ташлағонлар,
Чин ошиқдир, ҳаргиз они ёлғони йўқ.

Кўриниб турибдими, ҳар икки тўртлик ҳам а-а-а-б шаклида қофияланган. Дастлабки тўртликдаги қофиялар фақат қўшимчалар (-гон) такрори туфайлигина ҳосил бўлган. Улардаги ўзак сўзлар (қил-сун-ол-) ўзаро оҳангдош эмас. Бу нарса оғзаки ижод учун ҳосилдир. Кейинги тўртликда эса ўзак сўзлар (хун, иш, таш) ўзаро оҳангдош бўлиб келмоқда. Уларга қўшилган қўшимчалар оҳангдошликни янада кучайтирган. Ҳикматларда ҳар байтда такрорланувчи ички қофиялар ҳам оғзаки ижод анъаналаридан ҳисобланади. Аҳмад Яссавий бу анъаналардан ниҳоятда унумли фойдаланади.

Ишққа тушдинг, ўтға тушдинг, куйиб ўлддинг,
Парвонадек жондин кечиб ахгар бўлддинг.
Дардга тўлддинг, ғамга сўлддинг, телба бўлддинг,
Ишқ дардини сўрсанг ҳаргиз дармони йўқ.

Сўзлар такрори ҳам шеърятдаги оҳангдошликни ниҳоятда кучайтиришни мумкинлигини Аҳмад Яссавий ижодида кузатиш мумкин:

Зоҳид бўлма, обид бўлма, ошиқ бўлғил,
Меҳнат тўртиб ишқ йўлида содиқ бўлғил,
Нафсни тепиб, (ҳақ) даргоҳига дойиқ бўлғил,
Ишқсизларнинг имони йўқ, ҳам жони йўқ.

Сўзлар такрори силсиласида радифнинг алоҳида ўрни бор. Радиф қофиядан кейин такрорланиб келувчи сўзлардир. Аҳмад Яссавийнинг ижодида кўпинча бу бир сўздан иборат. Юқоридаги мисраларда айнан шундай бўлган. Муриббаларнинг дастлабки банди а-б-в-б шаклида қофияланган бўлиши мумкин:

Водариг нечук қилғум ғариблигда,	а
Ғариблигда ғурбат ичра қолдим мано,	б
Хуросону Шому Ироқ ният қилуб,	в
Ғариблирни кўп қадрини билдим мано.	б

Улар орасида а-а-б-а шакли ҳам кўп учрайди:

Ҳақ кунлари дарвешлар ҳақиқатни билимишлар,
Ҳаққа ошиқ бўлғонлар ҳақ йўлига кирмишлар,
Ҳақ йўлига киргонлар, Оллоҳ тею юргонлар,
Эраилар изин излаб, мамлакатдин кечмишлар.

“Ҳикматлар” да маснавий шакли ҳам учрайди:

Мани ҳикматларим доно эшитсун,	а
Сўзум дoston қилуб мақсудға етсун,	а
Мени ҳикматларим бир пири комил,	б
Қаю банда худоға бўлса мойил...	б

Аҳмад Яссавий шеърятини озгаки ижодга яқинлаштирган омиллардан яна бири уларнинг бармоқ вазида яратилганидир. Улар асосан 11 ёки 12 бўғинли сатрлардан ташкил топган.

Аҳмад Яссавий пайғамбаримиз сўзларини ҳикматлари мазмунига сингдирган ҳолда тингловчига етказар экан, ўзи ҳам ул Зотнинг суннатларига амал қилиб оила қуради. Фарзандлар кўради. Ўғли кичиклигида вафот этади, қизлари тарафидан Яссавийнинг авлодлари ҳозирги кунда Туркияда истиқомат қилмоқдалар. Ҳозирда Яссавийнинг Туркистондаги мақбараси, сўфий яшаган уй, чиллахона, зикр тушувчи жойлар обод этилиб, зиёратгоҳга айлантирилган.



Қозоғистоннинг Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбараси. Амир Темур қурдирган. XIV аср.

Савол ва топшириқлар:

1. Аҳмад Яссавийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида нималар биласиз? Ҳикматларига ўзи ҳақида қандай маълумотларни жо қилган?
2. Аҳмад Яссавийнинг устозлари кимлар?
3. “Девони ҳикмат” қандай асар? Унинг умумий моҳияти нимадан иборат?
4. “Девони ҳикмат” даги түртликларнинг қофияланиш тартиби, уларда радифнинг ўрни ҳақида сўзланг.
5. Ҳикматларда қандай ахлоқий-маърифий масалалар кўтарилган?
6. Аҳмад Яссавий ва унинг шахси ҳақида нималарни биласиз? Алишер Навоий каби тарихий шахсларнинг унга муносабати ҳақида гапиринг.

“ДЕВОНИ ҲИКМАТ”

(Парчалар)

Бисмиллоҳ¹ деб баён айлай ҳикмат² айтиб,
Толибларга³ дурру гуҳар сочдим мано.
Риёзатни⁴ қаттиқ тортиб қонлар ютиб,
Ман дафтари соний сўзини очдим мано.

Сўзини айтдим ҳар ким бўлса дийдор талаб⁵,
Жонни жонга пайванд қилиб, рағни⁶ улаб,
Ғариб⁷ фақир⁸, етимларни кўнглини овлаб,
Кўнгли қаттиқ халойиқдин қочдим мано

Қайда кўрсанг кўнгли синуқ марҳам бўлғил,
Андоқ мазлум⁹ йўлда қолса ҳамдам бўлғил.
Рўзи маҳшар¹⁰ даргоҳига маҳрам¹¹ бўлғил,
Моуманлик халойиқдин қочдим мано.

Ғариб, фақир, етимларни Расул¹² сўрди,
Ўшал туни меърож¹³ чиқиб дийдор кўрди.
Қайтиб тушиб, ғариб, фақир ҳолини сўрди,
Ғарибларни изини излаб тушдим мано.

Умнат¹⁴ бўлсанг ғарибларга тобёб бўлғил,
Оят¹⁵, ҳадис ҳар ким айтса сомёб¹⁶ бўлғил.
Ризқу рўзи ҳар ким берса қонёб¹⁷ бўлғил,
Қонёб¹⁸ бўлиб шавқ шаробини¹⁹ ичдим мано.

Луғат:

1. Бисмиллоҳ – Оллоҳнинг номи билан, “Қуръон”нинг ҳар сурасидан олдин келадиган “Бисмиллоҳир роҳманир раҳим” (граҳмли ва мурувватли Оллоҳ номи билан) деган жумланing биринчи сўзи; 2. Ҳикмат – билим, донолик, фалсафа, сир, илоҳий илм, моҳият. “Қуръон” – Оллоҳнинг Ҳикмати, илми ва сирларининг баёни, Яссавий шунга ишора қилиб, ўз асарларини “ҳикмат” деб атаган, чунки унинг шеърлари ҳам илоҳий асрор, ғайб илмининг илҳоридир; 3. Толиб – талабгор киши, бу ўринда ҳақ йўлига кирган кишилар назарда тутилган; 4. Риёзат – ўз нафсининг ўлдирishi, ахлоқий ва маънавий покланиш йўлидаги қийинчиликлар; Дафтари соний – иккинчи дафтар демак; 5. Дийдор талаб – худо дийдорини кўришга талабгор; 6. Рағ – томир; 7. Ғариб – бегона юртларда юрган кимсасиз, мусофир одам, сирдош, маслакдош тонмаган, бу дунёда ўзини бегона ҳис этган киши, ҳақпараст дарвеш; 8. Фақир – камбағал, бенаво; қаландар; 9. Мазлум – зулм кўрган, эзилган; 10. Рўзи маҳшар – қиёмат куни; 11. Маҳрам – сирдош, дўст; Бунда Худонинг ҳузурига яқинлашиш назарда тутилган; Моуманлик – кескайиш, дунё ва унинг бойлигига берилиш, манманлик; 12. Расул – пайғамбар; 13. Меърож – кўтарилди; Меърож туни – пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам Буруқ номли отга миниб, кўкка кўтарилган тун; 14. Умнат – Муҳаммад пайғамбар дини, яъни ислом динига кирган кишилар; 15. Оят – “Қуръон” сураларининг тугал, яхлит жумлалари, маъносини ишон, аломат, далил, каромат; 16. Ҳадис – Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) дан қолган хабарлар, сўзлар; 17. Сомёб – тинчловчи; 18. Қонёб – қаноатланувчи; 19. Шавқ шаробини – шавқу завқ сарҳушидиги, илоҳий файзда баҳрамандлиги.

Мадинага Расул бориб бўлди ғариб¹,
Ғариблиғда меҳнат тортиб бўлди ҳабиб¹,
Жафо тортиб яратқанга бўлди қариб²,
Ғариб бўлиб ақболардин³ ошдим мано.

Оқил эрсанг ғарибларни кўнглин овла,
Мустафодек⁴ элни кезиб етим ковла.
Дунёпараст ножинслардан бўюн товла.
Бўюн товлаб дарё бўлиб тошдим мано.

Ишқ⁵ бобини Мавлим⁶ очгач, манга тегди,
Туфроқ қилиб, ҳозир бўл деб бўйним эгди.
Борон сифат⁷ маломатнинг ўқи тегди,
Пайкон⁸ олиб юрак-бағрим тешдим мано.

Кўнглим қаттиғ, тилим аччиғ, ўзим золим,
Қуръон ўқиб, амал қилмас ёлғон олим.
Ғариб жоним сарф айлайин, йўқтур молим,
Ҳақдин қўрқиб ўтқа тушмай пишдим мано.

Олтмиш учга ёшим етти, ўттум ғофил,
Ҳақ амрини маҳкам тутмай ўзум жоҳил.
Рўза-намоз қазо қилиб⁹ бўлдим коҳил¹⁰,
Ёмон излаб, яхшилардин кечдим мано.

Водариғо, муҳаббатни жомин¹¹ ичмай,
Аҳли аёл¹², хонумондин тугал кечмай,
Журму исён¹³ гириҳларин¹⁴ мунда ечмай,
Шайтон ғолиб¹⁵, жон берарда шошдим мано.

Ғариб, фақир, етимларни қилғил шодмон,
Ҳалқа қилиб¹⁶, азиз жонинг айла қурбон.
Таом топсанг, жонинг била қилғил меҳмон,
Ҳақдин¹⁷ эштиб бу сўзларни айдим мано.

Луғат:

1. Ҳабиб – дўст, севикли. 2. Қариб – яқинлашган; 3. Ақбо – довои, қийинчилик; 4. Мустафо – ташланган, Муҳаммад (САВ)нинг лақаблари. 5. Ишқ – Яссавий бу сўзни илоҳга муҳаббат маъно-сида қўллаган; 6. Мавло (Мавли) – эга, яъни худо, тангри таоло. 7. Борон сифат – ёмғирдек, маломат ўқлари ёмғирдай ёғилди, демоқчи; 8. Пайкон – ўқ; 9. Рўза, намозни қазо қилиш – рўза тутмаслик ва намоз ўқимаслик; 10. Коҳил – ялқов. 11. Муҳаббат жоми – илоҳий муҳаббат шароби. 12. Аҳли аёл – хотин, бола-чақа; 13. Журму исён – итлоатсизлик гуноҳи; 14. Гириҳ – тугун; 15. Шайтон ғолиб – шайтон ғалаба қилди, шайтон йўлига кирдим; 16. Ҳалқа – ўртага олмақ, ҳимоя қилмоқ; 17. Ҳақ – худо, олий ҳақиқат;

Ғариб, фақир, етимларни ҳар ким сўрар,
Рози бўлур ул бандадин парвардигор¹.
Эй беҳабар, сен бир сабаб, ўзи асрар,
Ҳақ Мустафо пандин эштиб айдим мано.

Суннат эрмиш кофир бўлса берма озор,
Кўнгли қаттиғ дилозордин худо безор.
Оллоҳ ҳақи, андоқ қулға сижжин тайёр,
Донолардин эшитиб бу сўз айдим мано.

Суннатларни маҳкам тутиб уммат бўлдум,
Ер остиға ялғиз кириб нурға тўлдум,
Ҳақпарастлар мақомиға маҳрам бўлдум,
Тиғи ботин бирла нафсни янчдим мано.

Нафсим мени йўлдин уруб хор айлади,
Телмуртуриб халойиқға зор айлади.
Зикр² айттурмай шайтон бирла ёр айлади.
Ҳозир сан деб нафс бошини янчдим мано.

Қул Хожа Аҳмад, ғафлат бирла умринг ўтди,
Во ҳасрато, кўздин, тиздин³ қувват кетди.
Вовайлато⁴ надоматни вақти етти,
Амал қилмай, корвон бўлуб кўчдим мано.

Водариғо, нечук қилғум ғариблиғда
Ғариблиғда ғурбат⁵ ичра қолдим мано,
Хуросону, Шому, Ироқ ният қилуб,
Ғариблиғни кўп қадрини билдим мано.

Нелар келса кўрмак керак ул худодин.
Юсуфни⁶ аюрдилар ул Канъон⁷дин.
Туғқан ерим ул муборак Туркистондин,
Бу бағрима тошлар уруб келдим мано.

1. Парвардигор – худо;

2. Зикр – Аллоҳ номини тилда такрорлаб юриш.

3. Тиз – тизга

4. Воҳасрато, вовайлато – афсус, аттанг, эйларин.

5. Ғурбат – беғоналик, мусофирлик, ғам-ғусса.

6. Юсуф – пайгамбарлардан бири, Яъқуб пайгамбарнинг ўн биринчи ўғли, ҳуснида, яқлу заковатда баркамол бўлгани учун акалари унга ҳасал қилиб, қудуққа ташлаганлар, қул савдогарини уни қудуқдан чиқариб, Мисрга олиб бориб сотади.

7. Канъон – Юсуф туғилган юртининг номи.

Фурбат тегди Мустафодек эран¹ларға,
Ўтиз уч минг саҳоба² ҳам ёронларға.
Абубакру³, Умар, Усмон, Муртазоға⁴,
Фурбат тегди аларға ҳам, айғум мано.

Ғариблиғда юз йил турса, эрур меҳмон,
Тахту бахту бўстонлари эрур зиндон,
Ғариблиғда қул бўлди ул Маҳмуд Султон,
Эй ёронлар, фурбат ичра куйдум мано.

Орзуликмен қариндошлиғ вилоятға,
Улуғ бобом равзасиким оқ турбатға⁵,
Бобом руҳи солди мени бу фурбатға,
Ҳеч билмасмен, нечук тақсир⁶ қилдим мано.

Қул Хожа Аҳмад сўзлагони – ҳақни ёди,
Эшитмагон дўстлариға қолсун панди,
Фурбатланиб⁷ ўз шаҳриға қайта ёнди,
Туркистонда мазор бўлиб қолдим мано.

Зоҳид⁸ бўлма, обид⁹ бўлма, ошиқ бўлғил,
Меҳнат тортиб, ишқ йўлида содиқ бўлғил.
Нафсни тешиб, даргоҳиға лойиқ бўлғил,
Ишқсизларни имони йўқ ҳам жони йўқ.

Бедорларға Ҳақ раҳмати бўлур ёвуқ¹⁰,
Бедорларни кўнгли синуқ, кўзи ёшлуқ,
Манманлиқни жазосини берғай томуқ¹¹,
Такаббурни дўзах ичра ҳоли душвор.

Сендин бурун ёронларинг қаён кетти,
Бу дунёға кўнгул бермай йиғлаб ўтти.

1. Эран – мард, эр киши. Яссавийда илоҳга ошиқ, дунёдан, ўликдан воз кечган солиқ инсонлар.

2. Саҳоба – Муҳаммад пайгамбарнинг яқин кишилари, суҳбатдошлари.

3. Абубакр, Умар, Усмон, Муртазо (Али) – Муҳаммаддан (с.а.в.) кейин ислом давлатини бошқарган тўртта халифа.

4. Хос – дин олимлари, илоҳийет маърифатини эгаллаган шахслар.

5. Равза – боғ, турбат – туяроқ, қабр, мақбара.

6. Тақсир – қусурли, нуқсонли, гуноҳ.

7. Фурбатланиб – мусофирликда юриб.

8. Зоҳид – тақводор, аммо илоҳий муҳаббатдан беҳабар киши.

9. Обид – ибодат билан машғул одам.

10. Ёвуқ – яқин.

11. Томуқ – дўзах.

Умрунг охир бўлди, навбат санга етти,
Гуноҳингга товба қилғил, эй бадкирдор¹.

Нафсинг сени боқиб турсанг, нелар демас,
Зори қилсанг, оллоҳ сари бўюн сунмас.
Қўлга олсанг ёбон қушдек² қўлга қўнмас,
Қўлга олиб, туи уйқусин қилғил бедор.

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур.
Йўлдин озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур,
Ётса, қўпса шайтон била ҳамроҳ бўлур,
Нафсни тебкил, нафсни тебкил, эй бадкирдор.

Нафсинг сени охир дамда гадо қилғай,
Дин уйини фораг қилиб, адо қилғай,
Ўлар вақтда имонингдин жудо қилғай,
Оқил эрсанг, нафси баддин бўлгин безор.

Гуноҳингга тавба қилиб, йиғлаб юрғил,
Кетарман деб йўл бошига бориб турғил.
Кетганларни кўруб, сен ҳам ибрат олғил,
Ибрат олсанг, ётмиш еринг бўлур гулзор.

Мўмин қуллар дарду ҳолат пайдо қилди,
Ҳақ йўлида жону дилни шайдо қилди,
Дунё ташлаб, охиратни савдо қилди³,
Савдо қилсанг, ҳуру гулмон бари тайёр.

Қул Хожа Аҳмад, нафс илгидин қилурман дод,
Пири муғон бўлғаймуқим анга жаллод.
Беҳабарлар эшитмаслар доду фарёд.
Қон йиғлагил, эшитсун ул парвардигор.

Ишқи текса куйдиргуси жону танни,
Ишқи текса вайрон қилур мову манны,
Ишқ бўлмаса топиб бўлмас, Мавлим, сени.
Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил, парвардигор.

1. Бадкирдор – ёвуз ниятли киши.

2. Ёбон қуш – ёввойи қуш.

3. Савдо сўзи бу ерда икки маънода келган: а) сотиб олиш, “охираатни савдо қилди”, яъни дунёни охираатга алмаштирди; б) шайдо, девона бўлиб севиш, “Савдо қилсанг” – шайдо бўлсанг, севсанг демак.

Ишқ дафтари сифмас дўстлар даргоҳиға,
Жумла ошиқ йиглаб борғай боргоҳиға,
Етти дўзах тоқат қилмас бир оҳиға,
Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил, парвардигор.

Хос ишқингни кўрсат манга шокир¹ бўлай,
Арра қўйса Зикриёдек² зокир бўлай,
Айюб сифат³ балосиға собир бўлай,
Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил парвардигор.

Ишқ дардини талаб қилдим, дармони йўқ,
Ишқ йўлида жон бергани армони йўқ,
Бу йўлларда жон бермаса, имкони йўқ,
Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил, парвардигор.

Қайдин топай, ишқинг тушти, қарорим йўқ,
Ишқ саносин⁴ туни-куни кўёрим йўқ,
Даргоҳингдин ўзга ерга борорим йўқ,
Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил, парвардигор.

Ишқ бозори улуғ бозор, савдо ҳаром,
Ошиқларға сендин ўзга ғавғо ҳаром,
Ишқ йўлиға кирганларға дунё ҳаром,
Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил парвардигор.

Ошиқликни даъво қилиб юролмадим,
Нафсдин кечиб, мен амрини қилолмадим..
Нодонликда Ҳақ амрини билолмадим,
Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил парвардигор.

Қул Хожа Аҳмад, ишқдин қаттиқ бало бўлмас,
Марҳам сўрма, ишқ дардиға даво бўлмас,
Кўз ёшидин ўзга ҳеч ким гувоҳ бўлмас,
Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил, парвардигор.

Ул дарахтни мевасини тотган қуллар,
Дунёсини охиратға сотган қуллар,
Гўр ичинда осойишта ётган қуллар,
Саҳарларда кўз ёшини уммон қилур.

1. Шокир – шуқр қилувчи.

2. Зикриё – асли Закариё, пайғамбарлардан бири. Кофирлар зулмидан қочиб дарахт ичига яширинган, кофирлар дарахт билан бирга уни арралаганларида ҳам Оллоҳни тилидан қўймаган.

3. Айюб сифат – Айюб алайҳиссаломдек.

4. Сано – мақтов, мадҳ.

Ҳиммат қурин¹ қул Хожа Аҳмад белга боғла,
Муҳаббатни ўти бирла юрак доғла.
Ёқанг тутиб, тонг отқунча тинмай йиғла,
Шояд санга раҳм айлабон жонон қилур.

Ҳақ қуллари дарвешлар ҳақиқатни билмишлар.
Ҳаққа ошиқ бўлгонлар ҳақ йўлига кирмишлар.
Ҳақ йўлига киргонлар, оллоҳ тею юргонлар,
Эронлар изин излаб, мамлакатдин кечмишлар.

Олам фаҳри Мустафо, андоғ айди: “марҳабо”.
Меърож туни айтти: “фақр-фаҳр йўлини олмишлар”²
Кўнгул бермай дунёга, шуруъ қилмай ҳаромга.
Ҳақни суйгон ошиқлар халойиқдин кечмишлар.

Дунё менинг дегонлар, жаҳон молин олгонлар,
Каркас қушдек бўлгонлар ул ҳаромга ботмишлар.
Мулло-муфти бўлгонлар, ноҳақ даъво қилгонлар,
Оқни қаро қилгонлар, ул тамуқга кирмишлар.

Қози-имом бўлгонлар, ноҳақ даъво қилгонлар,
Ул эшакдек бўлубон, юк остида қолмишлар.

Ҳаром егон ҳокимлар, ришва³ олиб егонлар.
Ўз бармоқин тишлабон, қўрқуб туруб қолмишлар.
Тотлик-тотлиғ егонлар, турлук-турлук кийгонлар
Олтул тахтада ўлтургон, туфроқ остин қолмишлар.⁴

Мўъмин қуллар – содиқлар, сидқи билан тургонлар,
Дунёлиғин сарф этиб, учмоҳ ҳурин кучмишлар.
Қул Хожа Аҳмад билмишсен, ҳақ йўлига кирмишсен,
Ҳақ йўлига киргонлар ҳақ дийдорин кўрмишлар.

Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлуб,
Бағрим қулоб, жондин тўюб ўлдим мано.
Тўғри айтсам эгри йўлга бўйини тулғор⁵,
Қонлар ютуб, ғам захрига тўйдим мано.

1. Қур - белбоғ.

2 “Фақр-фаҳр” ибораси пайғамбаримиз (с.а.в.нинг “Ал фақрун-фаҳри” (Фақирлик менинг фахримдир) деган ҳадисига ишоралар.

3. Ришва – пора.

4. Туфроқ остин қолмишлар – туфроқ остида қолдилар.

5. Тулғор – бурар, товлар.

Нодон бирла ўткон умринг нори сақар¹,
Нодон борса, дўзах андин қилғой ҳазар.
Нодон бирла дўзах сари қилманг сафар,
Нодон ичра хазон янглиғ сўлдум мано.

Дуо қилинг нодонларни изин кўрмай.
Ҳақ таоло рафиқ² бўлса, бирдам турмай,
Бемор бўлса нодонларни ҳолин сўрмай,
Нодонлардин юз минг хато кўрдум мано.

Дод айласам, ҳақ додимға етармукин?
Кўксумдаги зангорларим³ кетармукин?
Ҳамма нодон бу оламдин йитармукин?⁴
Нодонлардин юз минг жафо кўрдум мано.

Ҳақ васлини излаб топмай, ҳайронаман,
Тинмай йиғлаб, кўнгли бузуқ вайронаман.
Ҳолим сўрсанг, ман толиби жононаман,
Жонон излаб, фано бўлиб келдим мано.

Ер остига қочиб кирдим нодонлардин,
Илким очиб, дуо тилаб мардонлардин,
Ғариб жоним юз тасаддуқ донолардин,
Доно топмай, ер остига кирдим мано.

Нодонларни мандин сўрма, кўксум чақа,
Ҳақдин кўрқиб, мотам қурсам, кулар, қаҳқа,
Оғзи очуқ нафси улук⁵ мисли лақа⁶,
Нодонлардин кўркуб санға келдим мано.

Тамаъ қилма нодонлардин, қадринг билмас,
Зулмат йўл ичра адашсанг, йўлга солмас,
Бўйунг қисиб, зори қилсанг, кўлинг олмас,
Нодонларни шиква⁷ айлаб келдим мано.

1. Нори сақар - дўзах олови

2. Рафиқ - дўст, биродар.

3. Зангор - занг, губор

4. Йиғмоқ, - битмоқ, йўқолмоқ,

5. Улук - улуг.

6. Лақа - лаққа баллиқ, наҳанг.

7. Шиква - шикоят.

Аввал-охир хублар¹ кетти, қолдим ялғуз,
Нодонлардин эшитмадим бир яхши сўз.
Доно кетти, нодон қолди, едим афсус,
Йўлни топмай ҳайрон бўлуб қолдим мано.

Доғи ҳижрон эзди бағрим, қони дарлманд,
Доно – туфроқ, нодонларни кўкси баланд,
Оят – ҳадис баён қилсам, этмас писанд,
Кўксум тешсанг, дарду ғамга тўлдум мано.

Авлиёлар² айтган ваъда келди бўлғой,
Қиёматни кун иёвуқ³ бўлди, дўстлар,
Оқил қуллар бўлғонини билди бўлғой,
Элу халқдин меҳру шафқат кетти, дўстлар,

Улуғ – кичик ёронлардин адаб кетти,
Қиз ва заиф жувонлардин ҳаё кетти,
“Ал ҳаёу минал имон”⁴ – Расул айтти,
Ҳаёсиз қавм ажойиблар бўлди, дўстлар.

Мусулмон(лар) мусулмонга бўлди қотил,
Ноҳақ тўлуб⁵ ҳақ ишларни қилди ботил,
Мурид⁶ пирни қилмайдилар юзи хотир,
Ажаб шумлиғ замоналар бўлди, дўстлар.

Аҳли дунё халқимизда саховат йўқ,
Подшоларда, вазирларда адолат йўқ,
Дарвешларни дуосида ижобат⁷ йўқ,
Турлук бало халқ устига ёғди, дўстлар.

Охирзамон олимлари зolim бўлди,
Ҳушомадни айтгувчилар олим бўлди,
Ҳақни айтган дарвешларга ғаним⁸ бўлди,
Ажаб шумлиғ замоналар бўлди, дўстлар.

1. Хублар – яхшилар.

2. Авлиёлар – худонинг дўстлари, маънавий камолотда олий мартабага эришиб, ҳаққа етган ва ғайб асроридан хабар бера оладиган зотлар.

3. Ёвуқ – яқин.

4. “Ал ҳаёу минал имон” – ҳаё имондан ишонандир.

5. “Ноҳақ тўлуб” – ноҳақ ишлар кўпайди.

6. Мурид – пирга қўл бериб, тариқат йўлига кирган одам.

7. Ижобат – қабул, эътироф.

8. Ғаним – душман.

Қиёмат кун ёвуқ етти, қолғони йўқ,
Қул Аҳмадни айтгон сўзи ёлғони йўқ,
Ўз-ўзига бир насиҳат килғони йўқ,
Насиҳатин халқга айтиб кетти, дўстлар.

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳикматларда улуғланган инсоний фазилатлар ва қораланган хусусиятларни аниқлаш ва қандай фойдаланганини тушунтириш.
2. Яссавий ҳикматларида охир замон аломатлари қандай баён этилган? Шоир фикрларига ўз муносабатингизни билдириш.
3. Яссавий нодонлардан қочиб ер остига кирдим, дейди. Ана шу нодонлар кимлар эканини ҳикматлар мазмунига таянган ҳолда айтиш, муаллиф фикрига қўшиласизми?
4. Замонамизда бундай нодон кимсалар борми ва сиз ўзингизни қайси тоифага қўшасиз: нодонларга ёки доноларга.
5. Яссавийнинг 63 ёшда **“ер остига кириб кетгани”** моҳиятини ҳикматлар мазмунига таянган ҳолда тушунтириш.
6. Яссавий наздида ҳақиқий ошиқ ким? Унинг сифатларини баён этиш.
7. Сизнингча ғариб ким? Ғариблар ва етимларга меҳр-шафқат кўрсатиш ҳақидаги фикрларингизни ҳикматлар билан ва унинг Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар қиссий таҳлили асосида баён этиш.
8. Яссавий ҳикматларида қайси пайғамбарларимизнинг номлари, исмбалари тилга олинган ва нима учун?
9. Нафе нима? У ҳақда ҳикматларда баён этилган фикрларни ўз сўзларингиз билан айтиш. Пайғамбаримизнинг Нафе ҳақида айтган сўзларини эсланг.
10. Ҳикматларда қандай салбий тасвирлар мавжуд?
11. “Аҳмад Яссавий – мутасаввуф шоир” иборасини қандай изоҳлайсиз?
12. Адиб халқ оғзаки ижодидан қандай фойдаланган? Бу қайси ўринларда очикроқ кўринади?
13. Адиб бадий маҳоратини кўрсатувчи бадий-тасвирий воситаларни топиш ва изоҳланг.

НОСИРУДДИН РАБҒУЗИЙ

(XIII – XIV асрлар оралиғи)

Эсингиздами, 5-синфда “ Нух пайгамбарнинг кема сафари ҳикояти” ни ўқитган эдингиз. Унинг муаллифи Носируддин Рабғузий эди. Рабғузий туркий ёзма адабиёт тарихида алоҳида мавқе қозонган адибдир. Адиб Хоразмнинг Работи Ўғуз деган жойида туғилган. Рабғузий “Қисаси Рабғузий” асарининг муқаддимасида отаси Бурҳониддиннинг Ўғуз Работининг қозиси бўлганлигини айтиб ўтади. Асарда бу ҳақда: “... бу китобни тузган, тоат йўлида тизган, маъсият ёбонин кезган, оз озқулуғ кўп ёзуқлуғ (яхшилиғи оз, гуноҳлари кўп) Работ Ўғузнинг қозиси Бурҳон ўғли Носируддин...” деб қайд этилган.

Асар Носируддин Тўқбуғанинг топшириғи асосида ёзилган. Муаллиф уни “... йиғитлар ариғи (поки), улуғ отлиғ, қутлуғ зотлиғ, эзуғ ҳулқлиғ, ислом ёриғлиқ, мўғул санилиғ, муёулмон динли, одамийлар инончи, мўъминлар қувончи, ҳиммати адиз (юксак), ақли тенгиз бегимиз” деб таърифлайди.

Рабғузийнинг ушбу асардан бошқа ижодий мероси ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Рабғузийнинг асари туркий халқлар орасида кенг тарқалган. У пайгамбарлар ҳақидаги қиссалардан иборатдир.

Қисса эпик жанрга мансуб. Унда муайян воқеа-ҳодисалар тасвири қаламга олинар экан, бунда воқеаларнинг изчил тасвири, улардаги қаҳрамонларнинг ўзинга хос хусусиятларини акс эттириш этакчилик қилади. Қиссалар ҳажмига кўра анча йирик бўлади. Бу йириклик фақат ҳажм нуқтаи назаридангина эмас, тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар кўлами, улардаги иштирокчилар билан ҳам изоҳланади.

Рабғузий қиссаларида қаҳрамонлар воқеа-ҳодисалар ривожини давомидида ўзинга хос хусусиятларини кўрсатиб боришади. Қиссаларда бир неча сюжет линиялари бўлиши мумкин. Асар композицияси ҳам сюжетнинг шу хусусиятига боғлиқ бўлади.

Асар сюжетига асос бўлган воқеалар кўп жиҳатдан “Қуръон”га таянади. Рабғузий уларни ўз фалсафаси ҳамда тажрибаси асосида қайта ишлаган, ўз бадий тафаккури билан уларни бойитган. Қиссалар асосан насрда битилган. Шунга қарамай, қиссалар таркибида баъзан шеърини парчалар ҳам учрайди.

Асар ҳаммаси бўлиб 72 қиссадан иборат. Қиссаларнинг асосий қисми пайгамбарлар (Нух, Мусо, Исо, Яъқуб, Сулаймон, Довуд, Муҳаммад (с.а.в.) ва б.) тўғрисидадир. Гоҳи бир қисса ичида унинг мазмунини тўлдирувчи бошқа қисса, ривоят, ҳикоятлар келтирилади.

“Қисаси Рабғузий” ўзбек насрининг қадимий намуналаридан биридир. XIII аср охири XIV аср бошларида ўзбек адабиётининг бир қатор ўзинга хос хусусиятлари жуда ёрқин намоён бўлган. Пайгамбарлар ҳақидаги қиссалар Рабғузийнинг одам ва одам ҳақидаги қарашларини бадий жиҳатдан ифодалаш учун восита бўлган. Уларда адиб одамнинг яратилиши, табиат ва жамият ҳодисалари, инсоний муносабатлар борасида фикр юритади.

Қиссалар асосини тарихий воқеалар ташкил этади. Улар ўз илдизлари билан “Қуръон” ва “Ҳадис”ларга, тарихий манбаларга, халқ оғзаки ижодига бориб тақалади. Аммо, шу билан бирга, бу қиссалар Рабғузий бадий тафаккурининг медаларидир.

Мавзу доирасига кўра асар қиссалари жуда ранг-баранг. Оламдаги бутун мавжудот эгаси бўлган Оллоҳни улуғлаш, пайғамбар ҳаётига доир лавҳаларни эслаш, камтаринлик ва такаббурлик, ота-она ва фарзанд муносабатлари, сеvgи ва садоқат, ватан ва меҳнатсеварлик, эрк ва адолат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик, уруш ва тинчлик мавзулари шулар жумласидандир.

Булар асардаги 72 боб – қиссаларда яхши ифодасини топган. Қиссаларнинг ҳажми турлича. Масалан, “Қиссаи Юсуф” сал кам юз саҳифани ташкил қилса, Лут ҳақидаги қисса бир неча саҳифадангина иборат.

Қиссаларнинг кўпи қаҳрамон ҳақидаги муайян хабар билан бошланади, сўнг шеърини мадҳ, шундан сўнг қиссанинг асосий воқеалари бошланади. Баъзи қиссалар ичида яна мустақил ҳикоя, ривоят ва нақллар ҳам келтирилган. Юсуф қиссасида бир неча ҳикоя, латифа, байт, ғазал ва бошқа жанр намуналари учрайди. Аммо улар асарда олға суртилган асосий ғоявий-бадний мақсад билан яхлитликни ташкил этади. Мисол сифатида Ҳазрат Довуд ҳақидаги қисса билан танишиш мумкин.

Қисса Довуднинг таърифи билан бошланади. Сўнг шеърини тавсиф берилади. Ундан кейин Довуд пайғамбар ҳақидаги умумий тасаввурлар баён этилади:

“Довуд ялавоч (пайғамбар)бани Исроиилдан эрди. Ун қариндош эрдилар. Оталари Ишоҳ олдиғ. Довуд камуғидин (барчасидан) кичик эрди. Тун-кун йиғлаюр эрди ибодат ичинда”.

Кўриниб турганидек, Рабғузий насрда ниҳоятда содда, лўнда, тушунарли ва таъсирчан ифодаларни топа олган. Шунинг учун ҳам Рабғузий қиссалари асрлар давомида кўздан тушмай келган.

Довуд билан боғлиқ ҳикояларда адиб адолат ва зулм, ҳунар эгалари, ота-она ва фарзандлар муносабати сингари муаммоларга асосий эътиборни қаратган. “Аймишлар, Довуд ялавоч туила ўзин белгусиз қилиб раъиятлардан сўрар эрдиким, подшоҳ сизинг бирла нетағ муомала қилур? Айтур эрдилар: яvloқ (жуда) одил турур”.

Бир кеча андоғ сўзлаюрда Мавло таоло бир фариштани изди (жўнатди) бир қуртқа (кампир) сурати ўза. Андин сўради: “Подшоҳингиз нетак турур, оитаси (шуниси) бор, кишилар молин еюр”.

Довуд дуо қилди: “Изиё (эгам-эй), манга бир ҳарф (ҳунар) ўргаттил. Анинг бирла (насибамни) еййин. Халқ мани сўзламасунлар”.

Мавло таоло бир тақачилик (темирчилик) саноатин анта ўграту берди. Аймишлар, темир Довуд илкинда мўмтек юмшар эрди, нетакким хамир ўзгалар илкинда”.

Ҳикоядан кўриниб турганидай ҳалолликка, ўз меҳнати билан кун кўришга, бошқаларга зулм қилмасликка ундов асосий мақсаддир. Ўзбек прозасида илк маротаба диалоглар Рабғузий томонидан кенг қўлланган. Ана шу диалоглар воситасида асосий ғоявий мақсад ёрқин ва таъсирчан ифодага эга бўлган.

Рабғузий ҳикояларида инсонпарварлик, юртпарварлик, инсонликни қомиллик даражасига кўтариш, ахлоқий поклик, маънавий баркамоллик сари ундаш етакчилик қилади. Улар орасида тил одоби ва қалб поклиги ҳам алоҳида ўрни тутайди. Бу жиҳатдан “Луқмон ва унинг хожаси” ҳикояти ибратлидир.

Луқмонга хожаси айди: “Борғил, бир қўй бўғизлаб этинини қаю яхшироқ эрса манга келтурғил”.

Қўйни бўғизлади, тили бирла юракин олиб келди.

Хожаси сўрди: “Буларни налук (нима учун) келтурдинг?”

Айди: “Қўйда тилдин, юракдин яхшироқ йўқ. Агар ёвуз эрса тилдин, юракдин ёвузроқ йўқ”.

Тилга эътибор, сўз масъулияти ҳикояда асосий ўрин тутади. Бу ерда донолик, ҳозиржавобликнинг улуғланиши ҳам очик кўриниб турибди.

Бу ҳикояларда халқ оғзаки ижодининг таъсири ҳам ёрқин сезилади. Хусусан, оғзаки ижоднинг латифа жанрига хос бўлган белгилари ҳикояга кўчиб ўтган. Сўхбатнинг диалог асосида олиб борилиши, гапларнинг тузилишига кўра кўпроқ соддалиги, донишмандлик, топқирлик, ҳозиржавоблик фазилатларининг устуворлиги, ифодаларнинг қисқа, аниқ, лўндалиги оғзаки ижоддан таъсирланиш оқибатидир.

Рабғузий ҳикояларининг асосини кўпинча реал ҳаётий воқеа-ҳодисалар ташкил этади. Ана шу ҳаётий воқеа-ҳодисалар ифодаси учун мифологик, афеонавий-хаёлий ёки ҳаётий мантиқ тақозо этадиган баён услуби танлаб олинади. Масалан: инсонларнинг маст ҳолда юриши, умуман маст қилувчи ичимликлар ичишини қораловчи ақида тасдиғи учун “Узум ҳикояти” келтирилган. Бу ердаги асосий мавзу Шайтон найрангидир. У тўғридан-тўғри “Шайтони маъьун” дейилади. “Маъьун” – “ҳайдалган”, “лаънатланган” демакдир. Ана шу маъьун узумнинг уруғини ўғирлайди. Бу ҳол маъьум бўлгач, уни Нуҳ пайғамбар ҳузурига олиб келишади. Шайтон буни бўйинга олади-ю, лекин уруғни қайтариб беришдан олдин уни уч марта сўғориш имконини беришни сўрайди ва розилик олади. У токни аввал тулки қони, сўнг шер қони, сўнг тўнғиз қони билан сўғоради. Шу туфайли мастлар аввал тулкидай, сўнг шердай, сўнг тўнғиздай хулқни кўрсатадилар.

Чоғир (ичкилик)нинг пайдо бўлиши шу тарзда шайтон номи билан боғланади. Чоғир ичган одам ҳолати ҳам ниҳоятда таъсирчан ўхшатишлар билан тасвирланади. Бунинг учун тулки, шер, тўнғиз образлари қўл келган.

Ҳикояда Нуҳ пайғамбарнинг улуғлигини кўрсатувчи далиллар ҳам келтирилган. Хусусан, шинни ва сирканинг пайдо бўлиши бевосита ушбу пайғамбар билан боғланган.

Рабғузий ҳикояларида қадим мифологик тасавурларнинг излари ҳам кўзга ташланиб туради. Маъьумки, миф рда дунё ҳодисаларининг пайдо бўлиши, мавжудлиги ўзига хос тарзда изоҳ ва “исбот” этилади. Бу жиҳатдан “Илон ва Қарлуғоч” ҳикояти характерлидир.

Унда мушук билан сичқон, илон билан бақа, илон билан қарлуғоч ҳамда ари, инсон ва қушлар ҳамда ҳайвонот олами орасидаги ўзига хос муносабатлар изоҳланади, бадний тадқиқ этилади.

Рабғузий қиссалари ва ҳикояларида ахлоқий-таълимий курашлар ифодаси етакчилик қилади. Деярли ҳар бир ҳикояда шундай қарашлар акс этган. Сулаймоннинг қаринча (чумоли) билан сўзлашгани ҳикоясида ҳам бу ҳол кузатилади.

Сулаймон – Довуд пайғамбарнинг ўн иккинчи, кенжа ўғлидир. У ҳам бошқа акаларидай “олим, фақиҳ, оқил” йигит эди. Довуд подшоҳлиги унга мерос қолди. Аммо отасига ўхшаб ўз хунарини ҳам қўймас эди. У тол новдаларини йигиб, сават тўқиб, сотар эди.

Ўзбек адабиётида пайғамбарлар силсиласида Довуд ва Сулаймон номи кўп учраб туради. Айниқса, “Тахти Сулаймон” ибораси кўп қўлланади. Рабғузийнинг ёзишчаси: “Тахти бир йиғоч ер ичинда эрди. Ул тахтинин олтун, қумуш бирла қилмиш эрди”.

Сулаймоннинг чумолилар подшоеси билан суҳбати ҳикояси катта маърифий ва ахлоқий-таълимий аҳамиятга молик. Қаринчқа – чумолилар подшоеси доно, тадбиркор, халқ ғамини ейдиган ҳукмдор, маърифатпарвар, олим, ориф сифатида кўзга ташланади. Рабғузий шахс камолоти фақат жисмоний сифатлар билан белгиланмаслигини (қаринчқаларнинг улуғи оқсоқ эрди), бунинг учун ундаги ақлий-маънавий фазилатлар устун бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Ҳикояда тасаввуфий қарашлар ҳам ўз ифодасини топган. Айниқса, чумолининг охириги саволлари ва изоҳлари кўпроқ шу қарашлар билан боғланади.

Тасвирдаги муболаға, хаёлот (фантастика)нинг катта мавқеи, сеҳрли ҳодисалар тавсифи, баендаги эртақона оҳанг ана шу оғзаки ижод гаъсирида юзага келган.

Қиссалар таркибида ҳикоятлар ҳам учрайди. Ҳикоятлар қиссалардаги муайян воқеа-ҳодисалар ёки алоҳида қаҳрамонларнинг тегишли хусусиятларини изоҳлаш вазифасини бажаради. Ҳикоятлар ҳам насрда, ҳам назмда битилган. Улар ҳажмининг ихчамлиги билан ажралиб туради. Шунга кўра уларнинг сюжети ҳам анчайин содда бўлади. Ҳикоят учун фақат бир эпизод танилаб олинади, воқеаларнинг бундан олдинги ёки кейинги ривожига аҳамият берилмайди.

Узум ҳикоятида иштирокчилар шайтон ва Нуҳ алайҳиссаломдан иборат. Бутун ҳикоя улар орасида бўлиб ўтган воқеалар тасвирига таянади. Воқеалар Нуҳнинг кемаси ичида бўлиб ўтади. Шайтон узумнинг уруғини ўғирлайди, Уруғ экилгач, дастлабки уч марта суғоришни унга топишириш шарти билан шайтон уруғни топиб беради.

Шу асосда чоғир – ичимликнинг пайдо бўлиши бадий асосланади. Шинни ва сирканинг пайдо бўлиши эса Нуҳ алайҳиссаломнинг суғориши билан боғланади.

“Илон ва Қарлуғоч” (қалдирғоч) ҳикоятидаги воқеалар ҳам Нуҳ алайҳиссаломнинг кемаси ичида содир бўлади. Унинг иштирокчилари Нуҳ алайҳиссалом ва ҳайвон ҳамда жониворлардир. Сичқон, йўлбарс, мушук, илон, ари, қарлуғоч ҳикояда турли фаслларда иштирок этади.

Ҳикояда қўйилган сарлавҳа бежиз эмас. Илон ва Қарлуғоч ҳикояти Нуҳ алайҳиссалом қиссасида асосий ўрни тутади.

Кўришиб турганидай, қаҳрамонларнинг муайян хусусияти кўпроқ улар амалга оширган иш, фаолият билан кўрсатиб берилади, ўрни-ўрни билан бундай фаолият фақат тасвирланади. Уларда ҳикоячиликнинг кейинги даврларида кўзга ташланган батафсил тасвир қуртак ҳолидагина учрайди.

Бу ҳикоятлар учун диалоглар ҳам хос. Ҳар икки ҳикоятда ҳам диалоглар бор. Аммо кейингисида у асосий ўрни тутади. Диалогларнинг мавқеи жиҳатидан “Сулаймоннинг Қаринчқа билан сўзлашгани” ҳикояти муҳимдир, чунки бу ҳикоят тўлиғича икки томоннинг сўзлашуви – савол-жавобларига таянади.

Албатта уларда муаллиф изоҳи ёки баёни ҳам мавжуд. Муаллиф баёни ҳикоятларда турли даражада намоён бўлади. “Сулаймоннинг Қаринчқа билан сўзлашгани”да озроқ ўрин турса, бошқа ҳикоятларда анча каттарок, “Намруд ҳикояти”да эса асосий ўрни тутади.

Ҳикоятларда ҳам оғзаки ижоднинг кучли таъсири сезилади. Уларда ҳатто оғзаки ижоднинг латифа жанрига хос бўлган тасвир усуллари ҳам кўзга ташланади.

Умуман, “Қисаси Рабғузий” ўзбек бадий насрининг илк намуналаридандир. Унда дилиб Носируддин Рабғузийнинг юксак бадий маҳорати атрофлича намоён бўлган.

“Қисаси Рабғузий” ўзининг маърифий ҳамда бадний-эстетик аҳамияти билан барча авлодлар маънавий камолоти учун ҳам қадрлидир.

Савол ва топшириқлар:

1. Рабғузийнинг таржима ҳоли ва ижоди ҳақида маълумотлар беринг.
2. “Қисаси Рабғузий” қандай асар? Унинг яратилишида “Қуръон”нинг қандай таъсири бор?
3. Рабғузий қиссалари қайси мавзуларда баҳс юритади?
4. Қиссалар тузилиши ҳақида нималар дея olasиз?
5. “Қисаси Рабғузий”нинг халқ орасида кенг тарқалишига нималар сабаб бўлган?
6. Довуд пайгамбар билан боғлиқ қиссада қайси муаммолар кўтарилган?
7. “Луқмон ва унинг хожаси” ҳикоятнда қайси маънавий муаммо ҳақида баҳс юрйтилади?
8. Рабғузий асарларида халқ оғзаки ижодининг таъсири қайси ўринларда кўринади?
9. “Узум ҳикояти”нинг асосий ғоявий хусусияти нимада?

“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ”

(Ҳикоятлардан намуналар)

Сулаймон қаринчқа билан сўзлашгани

Сулаймон бир кун тахт уза ўлтурур эрди, ел тахтини кўтарди. Черики¹ тахт остинда юрур эрдилар. Бир улуғ қўлга² тегдилар. Ул қўл ичи тўлуғ қаринчқа³ эрди. Ул қаринчқаларнинг улуғи оҳсоқ эрди. Миңдир отлиғ. Ун қилди: “Эй қаринчқалар, қочинг, эвларингизга⁴ кириг. Сулаймон черики сизларни босиб ҳалок қилмасун”. Сулаймон ул сўзни эшитти. Кулимсиб айди: “Изиё, манга тавфиқ бергил. Манга берган тақи отамга берган неъмат уза шукр қилайин. Тақи тавфиқ бергил. Сен хушнуд бўғунгтек эзгу ишлар қилайин”. Сулаймон тахтдин инди, қаринчқани ундади. Айди: “Эй қаринчқа, қаринчқаларни начук қочурдинг? Қаринчқа айди: “Сен маликсен, мен ҳам маликмен. Мавло таоло манга қирқ табақ ер, мулк берди. Текма табақ ерда сарҳангларим бор. Текма бир сарҳанг бирла қирқ минг қаринчқа черик бор. Мавло таоло ёрлиғи бўлса ер юзида бир душмани кўймағайман”. Сулаймон айди: “Андоғ черикингни начук қочирдинг?” Айди: “Сенинг черикинг кечарда билмайин босқайлар. Улар ҳалок бўлғайлар деб қочурдим”. Сулаймон айди: “Сен начук қочмадинг?” Айди: “Мен буларнинг улуғиман. Улуғ раъиятларга⁵ мушфиқ керак. Балю келмишда ўзини балоға қаршу тутғу керак”. Сулаймон айди: “Бу биликни қандин ўғрандинг?” Қаринчқа айди: “Қамуғ оламнинг билиғи мандаму турур теюрсан? Эмди дастур берсанг неча масъала қилайин”. Сулаймон айди: “Қилгил”. Қаринчқа

1. Черик – аскар, лашкар.

2. Қўл – жой.

3. Қаринчқа – чумоли.

4. Эв – уй.

5. Раъияти – халқ.

айди: “Мавлодин не тиладинг?” Сулаймон айди: “Андоғ мулк тиладимким, мандин ўзга ким эсада бўлмасин”. “Бу сўздин ҳасад иси келур, манга бўлгун, ўзгаларга бўлмагун. Тақи¹ не тиладинг? Сулаймон айди: “Елни тиладимки, манга мусаҳҳар қилди, миниб юурман. Астҳардин Шомға, Шомдин Астҳарға бир ойиқ ер турур. Кунда борурман ҳам келурман. Қаринчқа айди: “Маъниси ул бўлур: Сенинг илкингдаги мулкнинг қамуғи ел турур. Ани мингунча маърифат маркабини² мингсанг сенга яхшироқ бўлур. Кўз юмуб очғунча бир соатда Аршга теккай эрдинг, Яна не тиладинг?” Айди: “Яған³ сўнгукидин тахт берди”. Қаринчқа айди: “Мавло таоло ёрлиқар: Бу кенг ер кифоят бўлмадиму?” Яна сўради: “Тақи не берди?” Айди: “Учар қушларға ҳукм қилди. Бошим уза кўлка қилурлар”. Қаринчқа айди: “Адиз⁴ кўк кўлакаси санга бас эрмасму эрди! Тақи не берди?” Айди: “Бир юзук берди. Қамуғ маҳлуқот анинг бирла мусаҳҳар турурлар”. Қаринчқа айди: Мавло таоло сенга кўргизмишким, ердин кўкка теги, мағрибдин машриқға теги сенга бердим. Анинг баҳоси бир кесак тош турур, ҳалойиқ билеушларким анинг қиймати йўқ. Мулк – ужмоқ⁵ мулки турур. Ким эса анинг қийматини қилмас”. Қаринчқа айди: “Тақи не берди?” Айди: “Дев, парини манга мусаҳҳар қилди”. Қаринчқа айди: “Бу саҳл мулк турур. Сабр қилсанг эрди фаришталарни санга мусаҳҳар қилур эрди. Нетак охир уз – замонда Муҳаммад отлиғ пайғамбар бўлғай. Мавло таолодин ҳеч нарса қулмағай⁶. Қамуғ фаришталар анга мусаҳҳар келгайлар. Сулаймон айди: “Бу билкини кимдин ўргандинг?” Айди: “Алламаний раббий”, яъни изим ўғратти.

Савол ва топшириқлар:

1. Сулаймон алайҳиссаломнинг хислатлари ва унга берилган неъматлар ҳақида қандай маълумотга эга сиз?
2. Сулаймон алайҳиссалом билан суҳбат қурган ҷумолининг оқсоқлигида қандай ҳикмат бор?
3. Ҷумоли подшоҳларга хос қандай фазилатларга эга?
4. Ҷумолилар шўҳи Сулаймон алайҳиссаломнинг қайси гапига “Бу сўздин ҳасад иси келур, манга бўлеуи ўзга ким эсада бўлмасин” деб танбеҳ берди? Сиз ҷумолининг гапига қўшиласизми?
5. Ҷумолилар малики Сулаймон алайҳиссаломнинг яна қандай гапларини танбеҳ билан шарҳлади?
6. Сиз унинг фикрларига қўшиласизми? Сулаймон алайҳиссаломдек пайғамбарга оддий ҷумолилар подшоҳнинг танбеҳ беришида қандай ҳикмат бор деб ўйлайсиз?

1. Тақи – яна.

2. Маркаб – от.

3. Яған – фид.

4. Адиз – кенг, муқаддас.

5. Ужмоқ – жаннат.

6. Қулмоқ – сўймоқ.

Билқис ҳикояти

1-ғўҳтам

Дев, жин, парилар ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?

Ҳикоятда андоқ келтурубдурларки, Билқиснинг атоси одам, аноси паризод эрди. Бу андоғ воқеадурки, Аҳмад деган подшо шикорга¹ чиқиб, лашкаридин айрилиб, бир қули бирла қолди. Бир ерга етиб кўрдик, бир қаро йилон бирла бир оқ йилон урушибдур. Қаро йилон ғолиб келиб оқ йилонни ўлдургудек бўлди. Подшо қулини буюрди. Қаро йилонни ўлдуруб ва оқ йилонни халос қилиб юборди. Эртаси подшо чорбоғига томоша учув борди. Бир йигит кириб салом қилди. Подшо кўрдик, бир назокатлик туруп.

Сўрдик: – Начук одамсан? Айдики: – Туно куздаги оқ йилон, мандурман. Қаро йилон бир дев эрди. Ўлумни доим қасдимада юрур эрди. Қазаро туно кунда таңҳо тошиб ўлдуруб даражага етиб эрди. Сиз бориб, халос қилдингиз. Ман сизнинг қулингиз бўлдим. Сизга уч сўзим бор, бирини қабул қилинг.

2-ғўҳтам

Сизнингча бу йигит қандай таклифни айтади?

Подшоҳ айди: – Баён қил. Айдики: – Мен сизга хоҳласангиз табибликни андоқ ўргатайки, ҳозиқ табиб бўлинг; ё ҳамма рўйи оламдаги хуми хуерувонини кўргизайин, ҳаммасини топиб олинг, ё бир ҳамширам бор, шуни сизга берайин. Ул ҳамма оламнинг баҳосидур. Подшоҳга ҳамширасин олмоқ хуб кўрунди. Андоғ бўлса, мани бирла уйимга боринг... — Подшоҳ борарга йўлга тушуб эрди, анда йигит қўлини тутиб, – кўзингизни юминг, – деди. Подшоҳ кўзини юмди. Андин фурсатдин сўнг “кўзингизни очинг”, – деди.

Подшоҳ кўзини очиб кўрдик, бир бўстонда ўлтурубдур. Кўрдик, боғи Эрамга ўхшар. Анда турлук мевалар, алвон ранг гуллар, ранго-ранг чашмалар, хушрўй қизлар, моҳ талъат канизлар ҳамма атрофидадур. Даргўш мурасса пўш, нағма навозлар, ранго-ранг сарпо кийиб шарбат тутубдурлар. Аммо аларнинг орасида бир қиз ўлтурубдурки, ани хушрўйлиги офтобга галаба қилур.

Бу йигит айдики: – Эй подшоҳи олам, сизга айтган ҳамширам ушбдур. Аммо мунинг шартлари бордур. Басе тунд хўйдур, зинҳор муни сўзини рад қилмагайсиз, ҳар иш буюрса, дарҳол вуқувга келтиурсиз. Ҳар тариқа ёмон ва яхши иш қилса, ҳаргиз таафуз қилмагайсиз. Чароки, сизнинг аслингиз тупроқдан, бизнинг аслимиз ўтдин туруп. Имкони борича, сабр этиб, қочурманг. Ул беҳикмат иш қилмас. Подшоҳ ҳам қабул этти.

1. Инкор – ов

3-тўхтам

Сизнингча подшоҳ йигитнинг шартларини бажара оладими?

Андин бу шартлар бирла олиб, уйига ёнди. Нечанд вақттин сўнг, бир хушрўй ўғил туғди. Ўн кункача тарбият қилди. Андин бир ҳарир латтога ўраб ўтинни аросига қўюб ўт ёқди. Подшоҳ кўруб ниҳоятда бедимоғ бўлди, аммо боисин сўрмади. Яна нечанд кундан кейин бир моҳи талъат қиз туғди. Бу қизни ҳам ўн кун парвариш айлаб, андин кейин бир итни чорлаб олдига ташлади. Ул ит тишлаб олиб кетти. Подшоҳ тақи дардлик бўлуб сўзларга илож топмай бетоқат бўлуб йиғлар эди. Ҳаргиз хотунига билдирмас эрди. Нечанд вақттин кейин юртига ёвий пайдо бўлди. Бир вазири ул ёв била тиллашиб, подшоҳни ўлдурмоққа аҳд олди. Подшоҳ урушқа борурда подшоҳнинг ейдургон талқонига захри калокил қўшиб отлантурди. Хотини келиб ани сочиб ташлади. Подшоҳ бедумоғ бўлуб айладики, бу манга начун хотундурки, душманлик ишини қилур.

Анда хотуни айди: – Андоғ бўлса, бу талқондин бир қошукни Сарёга едуруб кўринг. Ул вазурнинг оти Сарё эди. Вазирга бир қошукни едуруб эрдилар, ул замон Сарё ўлди.

Хотуни айдики: – Сарё сизни ўлсуи деб бу ишни қилиб эрди. Анинг учун талқонни сочиб ташлаб эрдим. Анда подшоҳ сўрдик: – Ўғлимни нима учун куйдурдинг?

Хотуни айди: – Бизнинг ўғил фарзандимиз ўтта тарбият топар, – деди.

– Қизимни не учун итга ташладиңг?

Хотуни айдики: – Бизнинг қизларимизни ит тарбият қиладур деб. Итни чақириб эрди, ит қизни ҳозирлаб олиб келди. Подшоҳ қизни кўриб хушнуд бўлди.

Ит айди: – Ўғлунг ғойиб бўлгондир. Андин кейин хотуни ҳам хушлашиб ғойиб бўлди, аммо ўғли парилар била келиб ёвни қочуриб кетти. Аммо подшоҳ хотунини фироқида қизнинг жамоли бирла кўнглига таскин бериб юрур эрди. Аммо қизни иззат ва ҳурматлар бирла парвариш қилиб, анга Билқис от қўйди. Ўрнига подшоҳ қилиб, ўзи оламдин ўтти.

4-тўхтам

Қизнинг кейинги тақдири қандай бўлиши мумкин деб ўйлайсиз?

Бу тоифа офтобпараст эрдилар, Юрти ниҳоят улуғ мамлакат эрди. Халқнинг бир пораси ноиттифоқ бўлуб, “Биз ота-онасиз қизни подшоҳ қилмасмиз” деб, яна бир кишини подшоҳ қилдилар, Билқис ҳам хурсанд бўлуб, ул подшоҳга киши юбордики, “Ман отам-онамдин айрилиб етим бўлуб қолдим, оғам, иним ҳам йўқ ҳолимдин хабар олмайдурсиз, кўнглим сизни хоҳиш қиладур”, деб киши юборди. Подшоҳ бу сўзни эшитиб севинганидан беҳуш бўлди. Соатдин

кейин ҳушига келиб, жавобига хат ёздики, ман бу дунёни ишларига машғул бўлиб хотиримдин паришон бўлубдур. Агар мани қабул қилсалар хўб, бўлмаса душман ичида изо тортадурман, деб пинҳон қилиб юрур эрдим. Агар андоғ бўлса, ҳазори жон ва дилим бида қабул қилурман деб хат юборди.

Андин сўнг Билқис тўй тайёргарлигини қилсинлар, деди. Анда подшоҳ аъёни мамлакатларни йиғиб Билқиснинг олдига юбориб, подшоҳлик расм ва русмлари бирла тўй қилиб олди. Билқис ҳам анда жамъи одамларни йиғиб тўю тамошолар қилиб берди. Андин Билқис подшоҳни бир хилватхонага тушуриб, шароблар келтуруб, ичгали муқайид бўлди. Шул ерда подшоҳни маст қилиб бошини кесиб, чиқиб кетти. Эртаси хабардор бўлсалар Билқис бу тариқа ишлар қилиб, анда ҳамма ҳушвақт бўлуб Билқисга муборақбодлик қилдилар. Янги бошдин подшоҳ қилдилар. Ҳар ҳукмики. Билқис қилса ҳаргиз тажовуз қилмадилар.

5-тўхтам

Сулаймон алайҳиссаломнинг элчиси вазифасини бажарган кушинг номини биласизми ва унинг ушбу ҳикоятга қандай алоқаси бор деб ўйлайсиз?

Ҳикоятда андоғ айтубдурларки, бир кун Билқис аркони давлат ва аъёни мамлакатларни жамлаб дедики: “Манга бир тахт қилдуруб берсангизлар. Ҳеч подшоҳ андоғ тахтни кўрмаган бўлсин. Андин бир иморат қилдириб берсангизларки, андоғ иморат ҳам ҳеч ерда бўлмагай, – деди. Анда ҳамма умаролар машварат айлаб улуғ тошни метнилаб айвон ва саройлар бино қилдилар. Анда беш юз кунгура қилдилар. Ҳар бирининг аролиғи беш юз газ тошларни ўйиб нақшлар қилдилар. Тошларни бир-бирига андоғ уладиларки, гўё ҳаммаси бир тош эрди. Ҳамма лаълу, ёқут, забаржад, маржон ва марваридлардин кўз қўйиб, олтин-кумушдин ҳар ранглар бирла нақш қилдилар. Атрофига тошдин қўрғон қилиб, кунгурасига гумбазлар эгтилар. Юз поялиг шоту бида чиқар эрди. Ҳар шоту қўйгон ерда бир хазина барпо эгтилар. Билқиснинг мамлакатаида ўн минг сипоҳсолори бор эрди. Ҳар бири ўн икки минг паҳлавога сардор эрди. Тўрт юз подшоҳ мунга тобе эрди. Бу иморат ва тахтларни тайёр қилиб атрофига шаҳар бўлди.

Яна мақсудга келдик. Вақтики, Ҳудҳуд Билқиснинг ҳусну жамол, шон-шавкатларини таъриф ва тавсиф қилди. Ҳазрат Сулаймон бовар қилмадилар.

Айдилар: – Агар рост бўлса, ман анго нома юборайини, элтиб жавобини келтургил, – деб нома битиб бердилар. Ул номада бул эдики: – “Эй, Билқис бу нома худо таолонинг улуғ исми бида манки, Сулаймон пайгамбардурман... Мағрибдин Машриқгача подшодурман, ҳамма ине, жипе дев ва парилар манга муте ва фармонбардордур. Агар мунда келиб тобе бўлмасанг, лашкар юбориб, мамлакатларингни хароб айлаб, хазина ва дафиналарингни ўлжа қилурман”, деб номани Ҳудҳудга бердилар.

6-тўхтам

Сизнингча Билқис Худхудга қандай жавоб беради?

Худхуд номани олиб равон бўлди, неча кун юруб Сабо шаҳрига борди. Билқисни кўрдики, махрамхонасида ухлаб ётибдур. Ул хатни сийнасига қўйиб, ўзи туянига чиқиб ўлтурди. Вақтики, Билқис бедор бўлди. Кўрдики сийнасида бир хат турубдур. Дарҳол олиб туруб эрди. Худхуд ўзини зоҳир қилди. Айдики, эй Билқис, бу андоғ кишининг номасидурки, ҳамма одам, жин, дев ва пари, вуҳуш, тнюр, шамолларнинг подшоҳидур, деб Ҳазрат Сулаймоннинг номаларини берди. Шул замон Билқис аёни мамлакатларини йиғиб айдики: – Эй умаролар, бу хатни манга бир қуш келтурди, – деб номанинг мазмунини баён қилди, – бунга нима жавоб берурсиз, деди. Алар айдики: биз ҳаммадин соҳиб қувватдурмиз. Чандон-чандон қувватлик биродарларимиз бор. Хоҳласангиз жанг қилтурмиз, агар ижозат қилсангиз итоат қилтурмиз.

Билқис айдики: – Ул бул тариқа улуг подшоҳ бўлса, биз анга саркашлик қилсақ, яхши бўлмас. Мамлакатда хунрезлик бўлуб, азизлар хор бўлуб, хорлар азиз бўлғайлар. Биз анинг пайғамбарлигини имтиҳон қилиб кўроли, пайғамбарлиги рост бўлса, имон келтуроли, – деди. Бу сўз ҳаммага маъқул бўлди. Шул замон нома битмоққа буюрди. Айдики: “Эй Сулаймон пайғамбар, сизни номаи муборақингиз келиб тегди, биз ҳам элчи юбордик. Сизни пайғамбарлигингиз маълум бўлсин, деб беш юз олтин табақ, беш юз дона кумуш табақ, бир тож жавоҳиротлар бирла мурасса айлаб, етмиш ерда кўз қўйгон минг йифак тўн, ақиқлар дарж қилгон беш юз қозон, беш юз қул, беш юз канизак ҳаммаси мардона либос кийгон, юзларида ниқоб, эллик қулунлик бия, эллик қулунсиз бия ростлаб, Рафи дегон вазирамини; Таъб дегон қизимни юбордим. Агар пайғамбар бўлсангиз, ул тешуклик йинжуга қўл тегирмой йиф ўтқаринг, тешуксиз йинжуни қўл тегирмай тешинг. Бу ниқобликларни эркак ва хотинлигини фаҳм қилинг. Бу табақларга ғойибдин сув тўлдинг, аммо ер юзи сувидин бўлмасин. Бу отларининг қулунлик ва қулунсизлигини фаҳм қилинг. Бир ҳуққа юбордим, оғзини очмасдин ичидагини топинг”, деб номани тамом қилиб, элчининг қўлидин бериб равон қилди.

7-тўхтам

Ҳазрати Сулаймон Билқиснинг шартларини бажара оладими? Унингиз Билқиснинг шартларига жавоб излаб кўрингчи?

Алқисса, Худхуд алардин бурун келиб хабар берди. Ҳазрат Сулаймон шодмон бўлуб, шон ва шавкат тажаммуиларин рост қилмоққа буюрдилар. Тўрт фарса ерни майдон қилиб, олтин кумуш бирла фарш қилдилар. Бир фарсақ ерга олтин-кумуш бирла бир шоҳ суфа қилдилар. Тўрт юз отни ясаб, олтин, кумушдин эгар қўюб, жавоҳиротлар, занжирлар бирла ул майдонга боғлаб қўйдилар. Ҳаммаси зарҳал, жабдуғи ҳам бир хил, минг кишига тожи мурасса ва камари каёнйи бида подшоҳона либослар бирла мукаммал қилиб, олтин-кумуш гурзилар бериб ясовул қилиб қўйдилар. Етти ёшлиғ ўн илиқлик ифбат ва беш

ёшлик, ўн ёшлик девларни йиғдилар. Саф торткизиб қўйдилар. Жами қушлар бошларида соя қилиб турди, ҳамма шер ва арслонлар йиғилдилар. Ўн минг олтин курси, ўн минг кумуш курси қўйдилар. Ўнг қўлларида подшоходалар ва умаролар, чап қўлларида паризод, дев ва жин, орқаларида, бу қисм шон ва шавкат бирла ўлтуруб эрдилар. Билқис юборган элчилар келди. Бу шонушавкат – ясовулларни кўруб ўтти, андин арслон ва аждарларни кўруб қўрқди. Бу сифат бирла келиб кўриниш қилдилар. Кўрдиларки, Осиф бинни Борҳаё бошлиқ беклар била сардорлар саф тузиб турадур. Бошларида булутлар дурру жавоҳиротлар ёғдуруб турадурлар. Боди сабо фаррошлик қилиб, хуш илҳом булбуллар сайраб турар эрди. Бу қисм таҳаммулларни кўруб ва ҳайрон ва саросима бўлиб қолдилар. Номани бердилар. Нома олиб келгон одамларни иззат ва киром айлаб, юқори ўтқуздилар. Андин номани ўқуб мазмунини билдилар. Нома мазмунига қараб тешуксиз йинжуга қуяни буюрдилар. Дарҳол тешиди. Тешуклик йинжуга қизил қуртни буюрдилар, иф ўткарди. Булутдин ёмғир ёғиб табақларни тўлдирди.

Андин қул ва қанизакларни истинжо қилдуруб эрдилар; хотунлар ўзгача ўлтурди. Андин эркак ва хотунларни ажратдилар. Огларни чоңтуруб эрдилар, бияларни дарҳол тер босди. Андин билдилар. Ул ҳуққани жавобини айдилар. Бу элчилар ҳар нимарсаки ниҳом келтуруб эрдилар, ўзига қайтардилар.

Сулаймон алайҳиссалом айдилар: – Билқисга бориб айтинглар, мунда келиб имон келтурсун. Тақи ҳам мундан хуброқ ва беҳроқ иззатлар кўрсун, бўлмаса тахту бахтидан умид узсин. Аларни вилоятиндин чиқориб залил қилурман... Бу келган элчилар келиб ҳамма кўргон ва эшитганларини таҳрир бердилар. Ердигилар мунга эшитиб ҳушлари қолмади. Охир Билқис бирла ўзи Ҳазрат Сулаймон олдиларига бормоғ бўлди.

Назм:

Билурманки, сафар этсам агар тарки ватан қилсам,
Фироқ ўтин вужудим кишвариди шуъладан қилсам.
На манзилларга этсам ёр этиб гулчеҳралар базмин,
Сочиб гулгун ёшимни, ул сари гулдук чаман қилсам.

Тама қилгунча, одлоҳдин тама қилсам хўб эрмасму,
Жаҳонда мен ўзумни туъман зору зафан қилсам.
Тирик бўлсам, йитиб ўлсам, не анда хоки роҳ бўлсам,
Агар ўлсам ғубори хоки пойдин кафан қилсам.
Не Билқис бор учун гул завқида фарёд этар доим,
Асири ҳажри мандурман керак фарёд ман қилсам, –

деб тўрт тевага олтин, кумуш юклаб, қолгон хазиналарин беркитиб, юз минг киши бирла дабдаба-асъаса қилиб, оқ уйлар, саронардалар, туғ ва аъламлар, қиққора чанг ва чағона уруб, беҳад лашкар бирла йўлга равона бўлди.

8-тўхтам

Сулаймон алайҳиссалом Билқисни қандай кутиб олади деб ўйлайсиз?

Алқисса, Ҳудҳуд булардин бурун келиб хабар берди. Бу тариқа дабдабаларини ҳам бир-бир баён қилди. Анда ҳазрат Сулаймон ҳам ҳамма ажойиб ва фаройибларини шон ва шавкатларини тайёр қилдилар. Бурунғидин юз ҳисса зиёда бўлди.

Андин кейин сўрдиларки: – Эй Ҳудҳуд, Билқис тахтини ҳам олиб келдиму? Ҳудҳуд: – Йўқ, – деди. Анда ҳазрат Сулаймон айдилар: – Ҳеч киши бўлгоймуки, дарҳол Билқиснинг тахтини келтурса, Осиф бинни Борқаё: Ман, – дедилар. Шул замон Осиф бинни Барқаё исми аъзамни ўқуб эрдилар, тахт ҳозир бўлди...

Алқисса, эртаси Билқис шаҳарга келди. Будутларга буюрдилар, бошига марварид ёғди, шул замон Билқис таслим бажо келтуруб, ўзининг тахтига бетаваққуф чиқиб ўлтурди. Аммо Билқис ҳазрат Сулаймонни бу тариқа шаъну шавкатларини кўруб ҳайрон қолди.

– Эй Билқис, ниқобингни очгил, – дедилар. Дарҳол юзидин ниқобини олди. Бир хушрўй жамол кўрдиларки, одам ва париди мундоғ хушрўй кимарсани кўрганлари йўқ эрди.

Айдиларки: – Эй Билқис, худо таоло мунча давлат ва иззат ва ғеъмат берибдур. Ани билмай офтобга сажда қилғонинг ажабдур.

Анда Билқис айти: – Бул вақтгача ман билмас эрдим, билган кишим айтганмас...

Андин кейин шаҳарни ойин боғлаб, қирқ кеча-кундуз тўй-томошолар қилдилар. Анда Осиф бинни Борқаё никоҳ қилдилар. Бу тўйдин парилар рашк этар эрдилар: Ҳар ишда анинг маслаҳати бирла иш қилур эрдилар... Ҳазрат Сулаймон Искандарияда Билқис учун иморат буюрди. Бу иморатга санги Хородин тўрт устун қилдилар, саксон газ устун тепасида бир гумбаз қилдилар. Ул иморатни бир тарафи Шом, бир тарафи маърифти замин, бир тарафи Рум, бир тарафи форс. Ҳазрат Сулаймон ҳар тарафга борсалар ушбу жойга қўнуб ўтар эрдилар.

Савол ва топшириқлар:

1. Билқис ҳикояти матин «Тўхтам билан ўқини» асосида танишиб чиқинг.
2. “Билқис” ҳикоятлагги асосий қаҳрамонларини сананг. Билқис кимнинг қизи?
3. Отаси Аҳмад подшоининг Билқиснинг онасига уйланиши тарихини айтиб беринг. Бу воқеада қандай ҳикмат бор?
4. Нима учун ҳалқи Билқиснинг отаси вафотидан кейин подшо бўлишини хоҳламади ва қайси воқеадан кейин улар фикридан қайтди?
5. Билқиснинг тахтини таърифлаб беринг. Билқисга кимдан қайси қуш элчи бўлиб келди?
6. Билқиснинг Сулаймон алайҳиссаломга қўйган шартлари ва уларнинг бажарилишини шарҳланг.
7. Билқис ва унинг эли қайси эътиқодда эдилар ва уларнинг Сулаймон алайҳиссалом динини қабул қилишига нима асос бўлди?
8. Маъжур ҳикоят воқелини да қандай ҳикмат яширинган?

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИ

XIII–XIV асрларда ижтимоий сиёсий ҳаёт ва адабиёт. XIII аср бошларида Марказий Осиё мўғул bosқинчилари асорати а ташиб қолди. 1218 йили Ўтторр шаҳрида 450 кишилик Чингизхон савдогарларининг карвонининг қириб ташланиши мўғул bosқинчиларининг Марказий Осиёга юриши учун баҳона бўлди. Аслида бу мамлакатнинг бой табиати, ўзига хос географик ва иқтисодий ҳолати Чингизхонни кўпдан буён қизиқтириб келатган эди. Қолаверса, Марказий Осиёда тобора кучайиб бораётган феодал тарқоқлик ҳам шу bosқинчилик учун замин тайёрлаётган эди: 1220 йилнинг ёзигача Марказий Осиёнинг асосий қисми мўғуллар тасарруфига ўтади.

Мўғуллар ҳужумига халқ оммаси кескин қаршилик кўрсатган. Тарихчи Жувайнийнинг маълумотига кўра, Ўтторрликлар шаҳарни 6 ой давомида душмандан қаттиқ ҳимоя қилишган. Ҳимоячиларнинг озиқ-овқатлари тугаб, қурол-аслаҳалар яроқсиз ҳолга келади ҳамда ўқ-дорилар тугайди. Шундан кейингина bosқинчилар шаҳарни ишғол этишади. Бухоро арки ҳам 12 кун давомида 400 ватанпарвар томонида кучли муҳофаза этилган. Самарқандда ҳам чингизийлар кескин қаршиликка учраган.

Мўғул истилочиларига қарши курашда кўпгина халқ қаҳрамонларининг номи алоҳида тилга олинади. Улар аҳолини бирлаштириб душманга қақшатқич зарбалар беради.

Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Шайх Нажмиддин Кубролар катта жасорат ва мардлик кўрсатишади.

Чингизхон тарихда ўтган энг даҳшатли ва ёвуз истилочилардан эди. Бу ҳақда машҳур тарихчи Ибн ал-Асир (1160 – 1234) шундай ёзади: “Улар ҳеч кимга раҳм қилмас эдилар, хотинларни, эркакларни, болаларни шафқатсизлик билан ўлдирар эдилар, ҳомилалар хотинларнинг қорини ёриб, туғилмаган гўдакларнинг бошини кесар эдилар. Уларнинг дастидан омон қолган шаҳар йўқ. Улар ҳамма жойини хароб қилар эдилар, бирор нарсанинг олдидан ўтсалар, уни талон-торож қилар, кўзларига ёмон кўринган барча нарсани ёндирар эдилар”.

Рашидиддиннинг “Жоме ут-таворих” асарида қайд этилишича: “Мўғуллар шаҳарнинг омборхоналарини очиб, қалаларни ташиб олдилар. Битма Қуръонлар сақланган сандиқларни отларига охур қилдилар, мачитларга мешларда шароб келтуриб, шаҳарнинг ҳофиз ва ўйинчиларини чорлатиб, базм ва майхўрлик қилдилар. Мўғуллар маст бўлиб, ўз ашулаларини айтардилар, бой-боёнлар, муридлар, уламодалар ва шайхлар эса отбоқарлар ўринини босиб, отларига қараб турар ва анави қабила кишиларининг амр-фармонларини бажо келтириш билан машғул эдилар”.

Мўғул истилоси арафасида Самарқандда 100 минг оила бўлса, ундан кейин 25 минг оила қолган ҳолос. Бу ўртча 100 минг аҳоли демакдир. Аҳолининг бошқа қисми ё қириб ташланган, ё асир қилиб олиб кетилган.

Чингизхон Хўжандни олиш учун 70 минг кишилик катта кучни ташлайди. Темур Малик кучи озлиги туфайли Хўжандни ташлаб чиқади, 1000 та энг сара аскарни билан Сирдарёдаги ороллардан бирига ўрнашади. Орол қирғоқдан анча узоқда бўлиб, душманининг камон ўқлари ва палаҳмон тошлари унга етиб бормас эди. Мўғуллар асирларни ишга солиб, тошдан кўтарма қилишни тоширишади. Аммо Темур Малик

ўз кишилари билан кечаси қайиқда сузиб келиб, бу иншоотларни яксон қилиб кетарди. Жувайнийнинг маълумотига қараганда, Темур Маликнинг буйруғига мувофиқ 12 қайиқ ҳўл наमत билан Уралган, тепаси эса сирка шимдирилган саз лой билан сувалган эди. Натижанда, уларга ёв отган ўқлар ва иргитган оловли идишлар кор қилмасди. Ниҳоят, душман қўли баланд кела бошлайди. Шунда Темур Малик 70 та кемани тайёрлаб дарё оқими билан кета бошлайди. Йўлма-йўл илож қилиб, Жанд шаҳрига етиб боради. Озгина куч билан Урганчга йўл олади. Бу пайтда Хоразмшоҳ Муҳаммад ҳам таиғ аҳволда эди.

Темур Малик Урганч ҳимоясида ҳам фаол иштирок этади.

Мўғул истилоси оқибатида Марказий Осиё шаҳарлари харобага айланди, айниқса, Марв ва Урганч бундан катта зарар кўрди. Деҳқончиликка яроқли ерлар камайиб кетди. Ибн Батута 1333 йилда Бухорода ҳам мачит, мадраса ва бозорларнинг хароба ҳолда бўлганини ёзади. Ҳунармандчилик ҳам таназзулга юз тутди. Халқнинг аҳволи оғирлашди.

Илм-фан, маданият ва санъат аҳлининг бир қисми жангларда ҳалок бўлди (масалан, машҳур тиб олими Нажибуддин Абу Халид Самарқандий 1222 йилда Ҳиротда мўғулларга қарши курашда ҳалок бўлган), бир қисми юртдан бош олиб кетишга мажбур бўлди. Шоир, адабиётшунос Муҳаммад Авфий, тошкентлик шоир Бадриддин Чочий, нахшаблик (Қашқадарё водийси) шоир Зиё Нахшабийлар Ҳиндистонга, Камол Ҳўжандий, Носир Бухорийлар Эронга кетиб қолишди.

1238 йилда Бухородан 3 фарсах наридаги Тороб деган қишлоқда Маҳмуд Торобий бошчилигида халқ ҳаракати бошланади. У тарихда миллий қаҳрамон сифатида шуҳрат топти.

Тарихга “сарбадорлар ҳаракати” номи остида кирган буюк қўзғолон ҳам ана шу даврларга тўғри келади. Бу ҳаракат, асосан бошқинчи мўғуллар ҳокимиятига ва тартибига қарши қаратилган эди. зеро мўғуллар деҳқонлар, ҳунармандлар, майда савдогарлар, зиёлилар ва ҳатто ўрта ҳол даражадаги ер эгалари гарданига оғир солиқлар солмоқда эди. Сарбадорлик шу қатламлар орасида кенг ёйилди. Уларга мулксиз камбағаллар, куллар ҳам қўшилди.

“Сарбадор” – “бошини дорга тикмоқ” деган маънони билдиради. Улар зафар ер бўлса, халқни мўғул зулмидан озод қиламиз, борди-ю, етилсак дорга осилишга тайёрмиз, чунки энди зулмга чидаб бўлмайди, деганлар.

Улар Хуросонда мустақил давлат тузишга эришдилар. Маркази Сабзавор шаҳри бўлган бу давлат 1337 йилдан 1381 йилгача, қарийб 45 йил ҳукм сурди. Уни тузишда сарбадор Ҳўжа Яҳё катта хизмат қилган эди.

Чингизхон Марказий Осиёнинг Егтисувдан Амударёгача бўлган қисмини иккинчи ўғли Чигатойга, Иртиш дарёсидан Хоразмгача бўлган ерларни катта ўғли Жўжига, Эрон заминини учинчи ўғли Тўлуга берди. Кенжа ўғли Ўктой Мўғулистонни идора қиларди.

1236 – 1241 йилларда чингизийлар Шарқий Европага катта ҳарбий юриш қилдилар. Бунинг оқибатида тарихга Олтин Урда номи билан кирган давлат юзага келди.

Аста-секин Марказий Осиёда майда давлатлар юзага кела бошлади. XIV асрнинг иккинчи ярмида темурийлар давлатига асос қўйила бошлади.

Сарбадорлар ҳаракати темурийлар давлатининг барпо бўлишини тезлаштирди. 1366 йил баҳорида Темур Самарқандни ҳам қўлга киритган эди. 1370 йилда Балхнинг

олиниши катта воқеа бўлди. Эндликда Амир Темур бутун Мовароуннаҳрнинг ягона ҳокими эди.

Бу даврларда Олтин Ўрда давлати заифлашиб борарди. 1360 – 1380 йиллар орасида бу ерда 25 та ҳон алмашгани ҳам шунинг аломатларидан биридир. Олтин Ўрдага бу даврда Тўхтамиш бошчилик қиларди. У Олтин Урдани Ўзбекхон замонасидаги (1312–1340) энг яхши пайтларга қайтаришни ўйлар, шу мақсадда Кавказorti, Озарбайжон, Табризга ҳужумлар уюштиради. Ниҳоят Темур ва Тўхтамиш зиддияти юзага келди. Бу зиддият охири-оқибатда Амир Темур фойдасига ҳал бўлди.

XIV аср иккинчи ярмида Эрон бирлашган ягона давлат эмас эди. Хулағу давлати (1256–1326) йиқилганидан кейин мамлакат парчаланиб кетди. Улар орасида энг йириги Озарбайжондаги жалойирлар (1336–1411) ва Хуросондаги (Сабзавордаги) сарбадорлар (1366–1381) давлатини кўрсатиш мумкин. Бундай парчаланиш Амир Темур зафарларини тезлаштирди. Амалда Темурнинг кучли марказлашган давлати шу тарзда юзага кела бошлади.

Темурийлар даврида меъморчилик, илм-фан, санъат ва адабиёт гуллаб-яшнади. Айниқса, Самарқанд шахри улкан давлатнинг пойтахти сифатида алоҳида имтиёзга эга эди. Бу ерда янги бинолар, бозорлар қал кўтарди. Шоҳи Зинда, Бибиҳоним ёдгорликлари вужудга келди.

Шаҳрисабздаги Оқсарой биносининг пештоқлари ҳалигача сақланиб қолган. Туркистондаги Хожа Аҳмад Ясавий масжиди бу давр бинокорлигининг ажойиб ёдгорлигидир.

XIII – XIV асрлар ўзбек адабиёти тарихида ҳам алоҳида ва муҳим босқич бўлди. Сиёсий ва маданий ҳаётдаги зиддиятлар адабиётда ҳам ўз аксини топа борди ва ундаги диний, тасаввуфий ҳамда дунёвий йўналишларнинг кучайишига ижобий таъсир кўрсатди.

Бу даврда ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаётни тасаввур этишига имкон берувчи бир қатор тарихий асарлар юзага келди. Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг “Жоме ут-таворих”, Атомалик Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонгўша”, Фахриддин Банокатийнинг “Равзатул аҳбоб фи-таворихул ақобир вал ансоб”, Ҳамдуллоҳ Муштавфий Қазвинийнинг “Нузхат ал-қулуб” (“Қалблар роҳати”) каби асарлари шулар жумласидандир.

Улар берган маълумотлар XIII аср охири XIV аср бошларида мамлакат ҳаётида маълум ободлик бошланганини кўрсатади. Хуеусан, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарлар ва уларнинг атрофларида ҳунармандчилик анча ривожланади. Савдо карвони йўли устида бўлган Урганча қадимги анъаналар тиклана бошлайди.

Шаҳарларнинг ривожланиши натижасида меъморчилик алоҳида мавқега эга бўла боради. Бу даврда бадий адабиёт реал тарихий ҳодисаларни атрофлича акс эттира бошлайди. Хуеусан, Чингиз истилоси билан боғлиқ воқеаларнинг халқ оғзаки ижодидаги ифодаси, анча очик кўринади. Бунга Гулдурсун афсонасини мисол сифатида эслатиш мумкин.

Қадимда Гулистон деган шаҳар бўлиб, ўзининг обод ва маъмурлиги билан машҳур экан. Душман шаҳарини узоқ муддат қамал қилибди. Шаҳар подшоҳи оқил, донишманд киши экан. У шаҳар аҳолисини мудофаага сафарбар қилибди. Аммо кун ўтган сари аҳвол ёгирлашаверибди. Шаҳар аҳолисининг ҳам, қамал қилганларнинг ҳам озик-

овқатлари тугай бошлабди. Шунда шаҳар аҳолиси охириги донларини бир неча сизирга елириб, уларни шаҳар дарвозасидан ташқарига ҳайдаб юборишибди. Очлик азобини тортаётган ёв сизирларни сўйиб, уларнинг дон билан боқилаётганидан ҳайратга тушишибди. Агар сизирларга ҳам дон беришайтган бўлса, шаҳар ичидагиларни ҳали-бери енгиб бўлмас экан, деган хулосага келишибди улар. Сўнг кетиш таралдудини кўра бошлашибди. Аммо бу ҳийлани подшонинг енгилтак қизи Гулдурсун фош қилиб қўйибди. У ёв лашкарбошисига яширинча мактуб чиқариб, ҳақиқий аҳволни ошкор қилибди. "Шаҳарда озиқ-овқат тугаган. Яна бир кун сабр қилсанг, шаҳар таслим бўлади", деб ёзибди у. Ёв тўхтабди. Бир неча кундан сўнг шаҳар таслим бўлибди.

Гулдурсунни лашкарбоши ҳузурига олиб боришибди. Аммо у ўз юртдошларига вафо қилмаган одамда садоқат бўлмайди, деган ўй билан Гулдурсунни отнинг думига боғлаб, судратиб ўлдиртирибди. Шаҳар ер билан яқсон бўлибди. Буларнинг барчасига сабаб бўлганлиги учун ҳадқ ҳароба помини Гулдурсун деб номлабди.

Кўришиб турганидай, афсонада чет эл босқинчиларига қарши кураш, истилочилар ва ватан хошларига нисбатан кучли нафрат ва ғазаб ўз ифодасини топган.

Ёзма адабиётда бир неча тилда ижод этиш кўзга ташланади. Аслида баххлик Жаловиддин Румий Кичик Оснға бориб, форс-тожик ва турк тилида асарлар яратди. Ҳисомиддин Осимий эса асарларини форс-тожик, туркий ва араб тилларида ёзган.

Бу даврда муламма - шире шакар (юкки ёки ундан ортиқ тилда асар ёнгини) тараққий этди. Пурбаҳон Жомий Туркий форс-тожик ва туркий тилида қасидалар битган.

Хоразмийинин "Муҳаббатнома"си эса ўзбек ва форс-тожик тилларида битилган. "Китоби таржумони форсию туркию мўғули" деган асар ҳам худди шу даврда яратилди. Бу даврда Рабғузӣ, Паҳлавон Маҳмуд, Бадриддин Чочий, Қутб Хоразмий, Сайфи Сароӣ, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Амирий, Яқиний, Атоӣ, Саккокий, Лутфий, Навоӣ сингари сўз усталарининг адабиёт майдонида қалам тебратгани яхши маълум.

Улар ижодида ғазалчилик асосий ўрин эгаллайди. Рубоӣй ва туюқ сингари кичик жанрлар ҳам шу даврда катта мавқе тута бошлайди. Ўзбек дostonчилиги ҳам янги анъаналар билан бойийди.

Қасида, соқийнома, маснавий каби жанрлар такомиллашди.

Бу давр адабиётнда Қуръон оҳанглари кўпроқ кўзга ташланади. Хусусан, Ҳусам Котиб томонидан яратилган "Китоби Жумжума" (1369 - 1370 й.)нинг сюжет тузилиши, образлари, тасвир усуллари Али ибн Маҳмуднинг "Наҳжул фародис" асаридаги ривоят ва афсоналар билан уйғундир (1360 йил).

Қул Алининг "Қиссаи Юсуф" асарида ҳам (1239) диний-ғасаввувий оҳанглр бўлишига қарамай, унда дунёвийлик тамойиллари ҳам кучайиб бораётганлиги кўзга ташланади.

Шунингдек, бу давр адабиётнда форс-тожик ҳамда араб адабиёти анъаналарининг таъсири ҳам кучлироқ сезила бошлайди.

Наصريликда бу давр адабиётининг энг йирик намунаси сифатида Рабғузӣнинг "Қиссаул-анбиён туркий" ёки "Қиссаи Рабғузӣй" асари етиб келган.

XV асрда ижтимоий сиёсий ҳаёт ва адабиёт. Амир Темур яратган улкан ва қудратли давлат XV асрда ўзининг юксалиши чўққисига эришган эди. Бу марказлашган, кучли бепоён ҳудудларни бирлаштирган давлат бўлиб, Соҳибқирон замонида буюк алломалар, азиз-авлиёлар, маънавият пирлари йиғилган, илм-фан, санъатнинг барча соҳалари гуллаб-яшнаган эди.

Темур вафотидан сўнг Хуросон ва Эроннинг шимолий қисми катта ўғли Шоҳрух, Самарқанд эса Халил Султон қўлида қолади. 1414 йилдан Самарқандда Шоҳрухнинг ўғли Улуғбек ҳукмронлик қила бошлайди.

Улуғбек ўз атрофига кўплаб истеъдод эгаларини, олим ва фозил кишиларни тўшлади. У Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи сингари йирик астроном олимлар билан биргаликда йирик расадхона (1424 йил) яратди, астрономик жадвал тузди. Бу юлдузлар жадвали «Зижи жаҳид Кўрағоний» деб аталади.

Улуғбек — Муҳаммад Тарағай 1394 йил 22 мартда туғилган. Унинг отаси Шоҳрух ниҳоятда бой кутубхона бунёд этган эди. Бу кутубхонада фақат Шарқ, балки Фарб олимларининг ҳам нодир китоблари жамланган эди. Улуғбек мамлакат ободончилигига ҳам алоҳида аҳамият берди. Темур даврида қурилиши бошланган «Бибиҳоним» масжиди ва мадрасаси, «Гўри Амир» мақбараси ва «Шоҳизинда» бинолари ансамблини охирига етказди. Бир неча боғлар барпо этди. Мирзо Улуғбек 1449 йил 27 октябрда 56 ёшида фожиали равишда ҳалок бўлди.

Самарқанд ва Ҳирот йирик маданий марказлар эди, Хоразм, Бухоро, Машҳад, Балх, Шероз ҳам адиб ва ёзувчилар, илм аҳллари тўпланадиган йирик шаҳарлар бўлган. Бу шаҳарларда турли фанлар ривожланган. Самарқанддаги меъморчилик обидалари аниқ фанлар, хусусан, математика, геометрия, астрономия, кимёнинг, мисли кўрилмаган даражада тараққий этганини кўрсатиб турибди. Улуғбекнинг астрономия мактаби жаҳон олимларининг эътиборига тушди. Бу давр хаттотлик, мусаввирлик, китобат санъатлари, тарих фанининг тараққийси билан ҳам эътиборлидир. Машҳур хаттот – Навоий асарларини кўчиришдек бахтга мушарраф бўлган Султон Али Машҳадий, Шарқ Рафаэли номини олган Бехзод; Навоий сиймосини асарларига жо эта олган мусаввирлар расом Али, Маҳмуд Музаҳҳиб; Хондамир, Мирхонд каби машҳур тарихчи олимлар Навоий даврида, бу улуғ инсоннинг моддий ва маънавий ҳомийлиги остида ижод этдилар. Ҳирот Алишер Навоийдек буюк бир сиймонинг етишиб чиқиши учун имкон берган маданият маркази эди. Навоий туркий адабиётни шундай чўққига олиб чиқиб қўйдик, ундан балиндрок чўққини забт этгиш ҳали ҳеч бир туркий, ўзбек ижодкорига насиб этгани йўқ.

Хожа Абдулвафо Хоразмий, Мавлоно Ҳусайн Хоразмий, Нурсондбек, Мавлоно Ҳайдарларни Алишер Навоий ўзининг «Мажлисун-нафос» таъкирасида хоразмлик шоирлар сифатида тилга олади.

Бу даврда туркий тил ва адабиётнинг мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда эди. Ёзувчи ва шоирларнинг бу тилда ижод қилиши учун рағбат ва майллари кучая боради. Адабиета тасаввуф таълимоти етакчилик қила бошлади. Атоий, Саккокий, Гадоний, Лутфий, Навоий сингари шоирлар ижодида худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Дурбек, Ҳайдар Хоразмий, Қутб Хоразмий, Атоий, Саккокий, Лутфий каби санъаткорлар ижодида

мажозий ва ҳақиқий ишқнинг яхлитлашган тасвири уйғун ҳолда кўзга ташланади. Бу аъёналарни кейинчалик Алишер Навоий ниҳоятда юксак даражага кўтарди.

Халқ оғзаки ижоди. Темурийлар даврида халқ оғзаки ижоди ҳам анча ривожланди. Халқ орасида «Вомиқ ва Узро», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳа» сингари дostonларнинг кенг ёйилиши шу даврга боғлиқдир. Ҳар ҳолда бу даврда яшаб ижод этган адиблар мазкур асарларнинг қаҳрамонларига тез-тез мурожаат этиб туришган. Халқ орасида Амир Темури, Хожа Аҳрор, Улуғбек, Навоий, Ҳусайн Бойқаро сингари тарихий шахсларнинг бадний образи яратилди.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиёт доим ўзаро алоқада бўлиб, бир-бирига таъсир этиб келади. Бу даврдаги ёзма адабиётнинг тараққиётида ҳам халқ оғзаки ижоди бой бир манба, ижодкорлик мактаби бўлиб хизмат қилди. Ёзма адабиёт намояндалари халқ асарларининг мавзу ва ғоявий мотивларидан, сюжети ва образларидан ижодий фойдаландилар, унинг тажрибаларидан таълим ва илҳом олдилар, халқ мақоллари ва таъбирлари билан ўз асарларига сайқал бердилар. Бу ҳол ёзма адабиётнинг илғор намояндалари ижодининг ҳаётга, халққа ва жамият тараққиёти талабларига яқинлашувига самарали таъсир этди.

Бадний жанрлар. XV асрнинг биринчи ярми ёзма адабиётидаги жанрлар хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бу даврда ҳам эпик, ҳам лирик асарлар кўплай ижод этилди. Адабиётда бир қатор тарихий шахсларга бағишловлар – қасида жанри ривожланди. Жумладан, Саккокийнинг Халил Султон, Мирзо Улуғбек сингари ҳукмдорларга, Хожа Аҳрор, Хожа Муҳаммад Порсо ва Арслон Хожа Тархон сингари нуфузли руҳоний ва амалдорларга бағишлаб ёзган қасидалари мавжуд.

Бу даврда туркий ғазалчилик ўзининг юксак поғоналарига кўтарилди. Айниқса, Атоий, Саккокий, Лutfий, Ҳофиз Хоразмий, Гадоний сингари адиблар бу жанр такомилда алоҳида маҳорат кўрсатишди. Навоий ўзинининг ғазалчиликдаги "кўп ва хўб" ижоди билан «ғазал мулкининг султони» даражасига кўтарилди. Ғазалларда дунёвий ва илоҳий ишқнинг омухта ҳолдаги тасвири кенг ўрин тутта бошлади. Муҳими, бу давр ғазалчилигида тил соддалиги, услуб раволиги жуда очик кўринади. Шоирлар халқ тилининг нозик оҳангларидан жуда уюмли фойдаланишган. Биргина мисол. Лutfий қуйидаги ғазалининг ҳар бир байтида халқнинг нозик қочирим, матал, мақолларини нишга солади:

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гесу,
Масалдурким: «Чароғ туби қароғу».
Тутармен кўзки, кўрсам оразингни
Ки дерлар: «Оққон ориққа оқар сув».
Юзингки туттум ортуқ ою кундин,
«Кинининг кўзидур оре тарозу».
Кўзунг қошимдин ийманмас, ажабдур,
Ки «Кўрқар қайлаким қон кўрса ҳинду».
Тилар васлингни Лutfий, қил ижобат,
Ки айтурлар: «Тилагани тилагу».

Бу даврда кўлаб қитъалар ҳам ижод этилди. Айни даврда туюқ жанрининг ҳам анча кенг ёйилгани кузатилади. Туюқ сўз ўйинига таянадиган жанр. Унинг мисраларидаги қофия сўзлари ҳар сафар янгича маъно билан жийваланади:

Кўз ёшим тупроқ ила гар қотила,

Келмагайман жавридин, ҳаққо, тила.

Ғамзаси ўлтирди-ю, ул беҳабар,

Мен агар ўлсам, не ғам ул қотила.

Лутфийнинг ушбу туюғида биринчи мисрада «қотила» сўзи қотилмоқ, аралашмоқ маъносини беради. Иккинчи мисрада у «ҳаққо» сўзининг иккинчи бўғини ва «тила» (тилга) сўзларининг қўшилмасидан биринчи мисрадаги «қотила»га таъжиб бўлди. Бу мисрада шоир, Худоё, унинг жавридан тия олмайман» дсмоқчи. Охириги мисрадаги сўз эса «қотилга, яъни «бировни қасддан ўлдирган кимсага» деган маънони беради. Туюқ жанрининг тараққийси Мавлоно Лутфий номи билан боғланса, у кишидан кейин Навоий ва Бобур бу жанрда самарали ижод этдилар.

Ўзбек адабий “иома”ларининг ривожини ҳам шу даврда анча салмоқли бўлди. Маълумки, XIV асрда Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асари билан ўзбек номачилиги майдонга келган эди. Шоир Хўжандий «Латофатнома», Амирий «Даҳнома», Сайид Аҳмад «Таашуқнома» каби асарлари билан ўзбек номачилигининг ривожига катта ҳисса қўшдилар. “Бобурнома” эса туркий насрнинг олий намунаси, жуда қимматли маълумотлар жамланган қомусий асар сифатида мумтозdir.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асари орқали маълум бўлган мунозара («Қиш билан Ёз»)нинг ҳам кейинги давр асарларида янада ривожланиб боргани кузатилади. Юсуф Амирийнинг «Чоғир ва Банг», Яқинийнинг “Ўқ ва Ёй мунозараси” шу даврда яратилган. Маълумки, «Қиш билан Ёз» мунозараси шеърини шаклда эди. Бу давр мунозараларида ҳам насрий, ҳам шеърини шакллариинг аралаш қўлланиши кузатилади. Муҳими, уларда майхўрлик, нашавандлик, ўзаро инго ва адоват каби салбий хислатлар қораланиб, тўғрилик, ҳамжиҳатлик, соғлом турмуш тарзи улуғланади. Бу асарларда зул тисонайнлик анъаналари ҳам мавжуд. Айрим шеърини парчалар форс-тожик тилида ҳам битилган.

Эпик жанрлардан яна бири – дostonлар ҳам бу даврда ўзига хос тарзда ривожланди. Дostonлар ривожида иккита йўл кўрилади.

1. Янгя дostonлар яратиш.

2. Бошқа тиллардан таржима қилиш.

Муаллифлари номаълум «Гул ва Наврўз», «Юсуф ва Зулайҳо» дostonлари оригинал дoston бўлса, Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшан ул-асрор», Кутб Хоразмийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonлари Низомий дostonларининг ижодий, қайта ишланганидир.

Туркий тилда буюк “Хамса” асари дунёга келди ва албатта, бу воқеа Навоий номи билан боғлиқ. Навоий “Мажолисун нафос”, “Мезонул авзон”, “Муфрадот” асарлари билан туркий адабиётшунослик фани ривожини таъминланади.

Бу даврда адабий алоқа ва адабий таъсирларининг бирмунча кенгайганиги ҳам очиқ кўринади. Айниқса, Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий асарларига бўлган қизиқиш ортади.

Ҳайдар Хоразмий:

Чунки, эшиттим бу бузургона сўз,
Тушти вужудумға бир ўт ўздин-ўз, —

деб ёзади. Ёки яна ўқиймиз:

Менки пишурдим бул азиз ошни.
Шайх Низомийдин олиб чошни.

Демак, Хоразмий бу дostonини яратишда Шайх Низомийдан баҳра олган. Ҳайдар Хоразмий ўз асарини таржима деган бўлса-да, унга бир қатор янги ҳикоят ва байтлар ҳам киритилган. Дostonда адолатли шоҳ, марказлашган давлат тузиш ғояси етақчилик қилади. Айни пайтда у дидактик дoston бўлганлиги учун ахлоқ-одоб масалаларини ҳам қамраб олган.

Юқорида айтилгандай, бу даврда икки тилда ижод қилиш анъанаси кенг ёйилган эди. Туркиғўй адиблар форс-тожик тилида ҳам ижод қилишаверган. Лутфий ижодида ҳам шундай ҳолни кўришимиз мумкин. Адиб форс-тожик тилида ҳам асарларини юксак маҳорат билан ёзган. Навоий уни «туркий ва форсийда назари йўқ» шоир эканини, Абдурахмон Жомий билан ижодий ҳамкорлик қилганини кўрсатиб ўтган. Зулмасонайлик анъанасини Лутфийдан кейин Навоий янада юксак даражага кўтарди.

Шеърый санъатлар XV аср биринчи ярмида яшаб ижод этган адибларимиз асарлари фақат бадний юксаклиги билангина эмас, фикр гузаллиги билан ҳам алоҳида эътиборга молик. Бу каби асарларнинг барчаси туркий тилда ёзилган бўлиб, уларда тилимизнинг қудрати, латофат ва жозибаси атрофлича бўй кўрсатган.

Шарқ поэтикасининг “фикрни раво ва нафис ифодалаш йўллари ва воситалари, бадний санъатлар (приёмлар, воситалар)нинг турлари ҳамда хусусиятлари каби муҳим масалаларни ўз ичига олувчи” соҳаси бўлган **илми бадеъ** ҳам мазкур давр ижодкорлари лирикасида ўзининг чиройли ифодасини топгандир. Моҳир ғазалнавислар илми бадеънинг шеърый фикрларга қанот бағишлайдиган, мазмунни таъсирли ва унинг ҳаяжонлилигини оширадиган, фикрни бўрттириб, уни равшанлаштирадиган, оҳангдорлигини кучайтирадиган тазод, талмеҳ, ташбеҳ, таносиб, итфоқ, ҳусни таълил, ирсали масал, тажохуд-ул-ориф, лафф ва ышир, тарсеъ, тарди акс, тажнис ва бошқа шу каби кўпгина традицион шакллари шеърый санъатлардан ўз ижодида маҳорат билан фойдаланишган. Фикримизнинг далили учун шоирлар шеъриятида қўлланилган бадний санъатларнинг энг муҳим турларига тўхталиб, улар ижодидан характерли мисоллар келтирамиз.

Мазлумки, **тазод** маънавий санъатнинг энг таъсирчан, кўп қўлланиладиган етакчи турларидан бўлиб, шоирнинг ўзига хос услуби ва шеърый маҳорати билан мустаҳкам боғлиқдир. Тазод санъати орқали шоир ўзаро зид тушуничаларни, сўзларни қаршилаштириши асосида лирик қаҳрамоннинг ички кечинмаларини, ижтимоий тенгсизликларни акс эттиради:

Мен бaси **мискин** мену сиз ҳусн ила асру **гани**,
Айб эмас кўз тутса мискинлар тавонгардин мурод.

Сиз санамлар хонидурсиз, бандангиз бир энчу қул.
Бўлмасун бу улусда хонумон сизсиз манга.

(Атоий)

Ташбех (ўхшатиш) санъати ҳам мумтоз шеърятда муваффақият билан жуда унумли қўлланган шеърый санъатлардан ҳисобланади. Ташбех шундай санъатки, унда сўзларда ифодаланган икки ва ундан ортиқ нарса ва ҳодисалар, хусусиятлар ўртасида мавжуд бўлган ўхшашлик, сифат, белги ёки функциядаги умумийлик қиёсланади, тасвирланаётган нарса, ҳодисанинг айрим хусусияти ёрқин ва чуқурроқ очиб берилади.

Давр шоирлари девонларида ташбех санъати турларига онд жуда кўп чиройли ва оригинал мисоллар борки, улар шоирларнинг ташбех санъатининг моҳир намояндалари эканлигидан далоят беради. Бундан ташқари, шеърятда ташбех санъати классик шеърятимиздаги бошқа санъатлар билан ҳам аралаш ҳолда мавжуддир.

Жон ҳажр ўтина тушти яно бизни унутма,
Зулфунг кибн қад бўлди дуто бизни унутма,
Эй боди сабо, биздин айит ёр қошинда,
Ул қомату сарву энги гулнор қошинда.

(Лутфий)

Эй қомати сарву кўзи наргис, энги лола,
Зулфунг эрур ул лола уза мушк кулола,
Ҳар нокасе ҳусн юзина хуш тоза гул янглиғ кулиб,
Бағримни ҳар дам гунчатек ҳасрат била қон айлама,
Нортек ёнғоқинг шуъласин сен кўргузуб аёрга,
Гайрат ўти ичра яна бағримни бирен айлама
Бағир қон гунчатек оғзин тилаб ҳаргиз тополмастин,
Қачон ул гул бикин кулгай очилгай бу муаммоси.

(Саккокий)

Классиклар тасвирда бирор дoston, афсонавий воқеа, масал, машҳур асарлар ва уларнинг қаҳрамонларига ишора қилиш йўли билан фикрни ихчам, ақлда қилиб ифодаловчи талмеъ санъатидан ҳам усталик билан фойдаланганлар.

Эй, сенинг зулфунгга Лайлнтек туман минг бандалар,
Ҳолиё даврон бизнингдур кечти Мажнун навбати.

(Саккокий)

Ишқ комил элин ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,
Гар эрур маъшуқи ёхуд армани, ёхуд араб.

(Навоий)

Шоирлар лирикасида таношиб санъатининг қўлланиш доираси кенг бўлиб, бошқа шеърый санъатлар билан боғланган ҳолда келади. Бу санъат турида бир-бирига маъно жиҳатидан муносиб бўлган сўзлар ишлатилади. Бир байтнинг иккинчи мисрасида биринчи мисрада баён этилган бирор образ билан алоқадор, муносибатли бўлган образни, бир жонли сўзларни келтириш, жамлаш билан таношиб ҳосил қилинади.

Мен кўзни **Зам-зам** қилдим, ул бузди кўнгил **каъбасин**,
Ҳаргиз анингтек қилмади **мўъминга** Хайбар кофари.
Кун, ой юзунгнунг олинда ёруқлуктин дам урмишлар,
Э яғмо турк, сен кўр ул урусния бу чаркаси.
Ҳурларга қилса бекусур онинг сифотини малак,
Жаиватни қўюб эшиги бўлғайди ризвон орзуси.

(Саккокий)

Маълумки, шоир биринчи мисрадаги фикрини далиллаш учун байтнинг иккинчи мисрасида ҳаётини мисол келтириши **тамсил** санъати дейилади:

Шакар эрнингга ёбшунсам чибиндек мени қўймастар,
Олиб ташлар, бале, **кўрса киши шарбат уза хасни**.
Юзингни қилур тоза кўзим ёшию оҳим,
Гул тоза бўлур топса вале обу ҳавони.
Юзунгни кўрса Саккокий кўзи ёшни тия билмас,
Бале, гул мавсуми бўлса тангизлардин оқар сайле.
Ишқинг сўзини жон била махфий тутар эрдим,
Кўз ёши гулу қилди-ю, сирни алан этти.
Кўнглум эмқонмас бале сен аччиқ сўзласанг,
Чун яротигда гул кўнгшисин хор айлади.

(Саккокий)

Шасти ғамзанг бирла баҳри ашк аро тутқач мени,
Кесма бошимким балиққа тиг урмади сайёд.

(Навой)

Йиғлаб юзунгуздин олайин зулф ниқобин,
Гул яхши очилмас кечалар ёғмаса ёмғур.

(Атоий)

Қуйидаги байтда сарв дарахти тебраниб туришини ёрнинг қадди васфини такрорлаб турганидан дея бунга ҳаёти мисол сабоқда, дарсда таъсирланган инсоннинг тебраниб ўтиришини келтиряпти ва бу билан тамсил санъати юзага келган:

Такрор қилур васфи қадинг сарв онинг учун,
Кўп тебранур андоқки кишилар сабақ ичра.

(Лутфий)

Тажнис шеър байтида маъно жиҳатидан ҳар хил, ammo шакли бир хил ёки шакли бир-бирига яқин икки ва ундан ортиқ сўзларни келтириб, улар воситасида муайян фикр, лавҳа, тимсолни таъсирчан ифодалаш санъатидир.

Гар ҳажринг ўти жону жигарга **ёқа келди**,
Жонимға не хуш шарбати васлинг **ёқа келди**.
Зулфунгни қачон солдинг зулфунг санга занжир,
Жонимға менинг ийласа ул ўт **ёқа келди**.

(Саккокий)

Ушбу мисолда “ёқа келди” сўз бирикмаси ёқтирмақ, ўт ёқмоқ маъноларида келган:

Юзунгни, эй малоҳат хони, бир оч,
Туя кўрсун сени бу мустаҳиқ оч.

(Атоий)

Бу байтдаги “оч” сўзи “кўрсат” ҳамда “оч қолган” маъноларида қўллангандир.

Мураккаб маънавий санъатлардан бўлган **хусни таълил** шоирга ўзи илгари сурмоқчи бўлган фикр ёки ниятни яхши далил келтириш орқали чиройли асослаш учун имконият яратади. Лекин келтирилган далил асосий фикр учун реал сабаб бўлиб ҳисобланмайди, шундай бўлса-да, у шоир фикрини қувватлаш учун хизмат қиладиган поэтик далил вазифасини бажаради. Мумтоз шеърятда бу санъатга доир мисоллар етарлича топилди. Қуйидаги байтда Ёр юзининг нури олдида кун (қуёш) лаган (товоқ, ликопча)даги шам кабидир, шу сабабли у хижолатдан уяляпти.

Юзунг била лоф урғали кун лобда уёлғой.
Шамъе эрур юзунг гояти ер-кўк лаган ичра.

(Саккокий)

Ёр юзини чаманда кўриб гул хижолатдан яшириниб гунча бўлиб олди, ойдек юзини кўрган шам эса титрамоқда ёки лола ёрнинг ёноғига рашк қилиб қизариб рашк ўтида ёняпти, унинг баргидаги қора доғлар ёрнинг ол-қизил ёноғидаги қора менг холига қилган рашки ўлароқ. Шамнинг липиллаб ёниши, гулнинг аввал гунча ҳолатида, рангини асосан қизил бўлиши, қизил доланинг қора доғлари ҳам табиийдир. Бироқ шоир ўз ёрнинг гўзаллиги таърифида бу табиий ҳолатлардан чиройли фойдалана олган:

Гул гунча бўлур кўрса юзини чаман ичра,
Титрар кўруб ой энгини шамъ анжуман ичра.
Бўстонда гул юзингни кўриб кўп ўртониб,
Юзи қизорди, кўрдум анинг инфиолини.
Ёнғоқнинг рашкидин ҳар дам қизил ўтқа ёнар лола,
Ул ол энгда қаро менгдин анинг бағридаги доғи.

(Атоий)

Гул ўз хуснини ёрнинг хуснидан ўғирлаб олганлиги учун жазоланиб, баҳор шоҳи уни тикон дорға оседи:

Гул қамарингдин ўғурлаб олди жамол, анинг учун
Шоҳи рабеъ они тикан дориға ўғритек осар.

(Лутфий)

Мумтоз шеърятда лабнинг қизил ва ўта нозик бўлиши гўзаллик мезони саналиб, Саккокий хусни таҳлил санъати орқали лабнинг таърифини ҳам гўзал ифодалайди. Бир байтида лабнинг ўта торлигини хандон пистага қиёс этса, яна бир байтида писта оғиз торлигини ёр оғзидан ўғирлаб олганлиги учун уни жазолаб туз сувига солинди, дея хусни таълил орқали лутф қилади.

Ул писта янглиғ оғзингу лабнинг майини кўруб,
Ёқуи деди ташиа жигарлар шаробин.

Элти оғзингдин ўғурлаб писта торлиқни анга,
Туз сувин қўйдилар онча, ондин иқрор айлади.

(Саккокий)

Йилда бир қотла кўрунур , зарра чиқмас боғдан,
Ўғрилиқ қилғон учун ранги лабингдин аргувон.

(Атоий)

Бу байтда ҳам ҳусни таълипининг ажойиб намунаси яратилган ва оригинал тасвир ҳосил қилинган. Аргувон - қизил гулли дарахт гул (чўчиб) йилда бир бор очилади ва боғдан чиқмайди, чунки у ёр лаби рангидан ўғирлаган.

Ҳазалнавислар **лафф ва нашр** бадийи санъатидан ҳам ўз лирикасида усталик билан фойдаланиб, унинг чиройли намуналарини ярата олганлар. Лафф ва нашр санъати (маъноси йиғмоқ ва ёймоқ сўзларидан иборат) шундайки, у бир-бирига нисбатан берилган (кўпинча ўхшатиш ва ўхшатилиш) сўзларни бир байт ёки мисрада йиғиб ва ёйиб бериш усули билан ҳосил қилинади.

Бўю, юзу, лаъл эру, хатту хаддина туш йўқ,
Сарву, гулу мул, настарину ёсуман ичра.

(Саккокий)

Қуйидаги байтда биринчи мисрадаги ёрнинг қоши, ирни (лаб), юзини иккинчи мисрада ҳилолга, оби кавсарга, боғи жинонга қиёс этиб, шоир лафф ва нашр санъатини қўллаган:

Қошинг, ирнинг, юзунг, эй рашки ризвон,
Ҳилолу кавсару боғи жинондур.

(Лутфий)

Ҳазалиётда юксак маҳорат билан қўлланилган санъатлардан яна бири **ирсоли масал**дир. Мумтоз адабиёт поэтикасидан маълумки, шеърдаги байтларни, мисраларни маълум мақсадда мақол ва маталлар билан безаш, жило бериш санъатини **ирсоли-ул-масал фил байти** деб аталади.

Халқ ижоди ва унинг жонин тилини яхши билган ижодкорлар халқ мақол ва маталларига ҳурмат билан қараб ўз лирикасида улардан уюмли баҳраманд бўлган ва ғазалларида унинг чиройли намуналарини келтиришган. Атоийнинг қуйидаги ғазали мотлаъсидан кейинги барча байтларида ирсоли масал санъати мавжуд:

Сен ўшал султони ҳуснен ки бўстонлар аро,
Давлатингдин гул эшингн ел очибон ел ёпор.
Бўлди бағрим сув гамингдин, яхшилик қил, сол суға,
Охир эй гул, хирмани, албатта , ҳар эккан урор.
Қилди жонимга мени ширин лабинг завқи бале,
Бу масалдурким, “ киши бол тутса , бормоғин ёлор”.
Давлатингдин кўкка етди борча қулларнинг боши.,
Ушбу не толедур, ойим, бизга етсанг тонг отор.
Оғзингизин ҳар неча сўраум тиладим, топмадим.
Гўё бу сўз ғалатдурким, “ тилаганлар топор.”
Зулфун уздин тар Атоий бошқа кўрса не ажаб,
Ким кўрармен “бир синоғони яна икки синор”.

Ҳарф (хитобат) санъати орқали одатда шоирлар араб ёзувидаги мустақил ҳуснига эга бўлган ҳарфларнинг график шаклидан тасвирий восита сифатида кенг фойдаланган ҳолда ниҳоятда оригинал лавҳалар, чиройли сўз ўйинлари, нозик фикрларни яширин равишда баён этадилар:

Жими зулфунг, нун қошнинг қасди жон айлаб эди,
Боқи бўлсуи, лутф этиб кирди алиф қаддинг аро.

(Атоий)

Бу байтда “жон” (جَوْن) сўзи ҳарфлар таркибига бўлиниб, зулф “жим”(جَم) га, қош “нун”(ن) га қомат “алиф” (ا) га ўхшатилади ва шоир мазкур ҳарфлар воситасида “жон” сўзини ясайди.

Эй малоҳат мулкнинг султони, аз эт ёриқча,
Қоматимни ул алифдек қаддингиз нун айлади.

(Саққокий)

Маълумки, **муболага** воситасида нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятлари ошириб, бўрттириб тасвир этилади ва асарнинг таъсир кучини оширишга эришилади. Бадний маҳорат белгиларидан бўлмиш муболага шеърятда ҳам кўп ва ҳуб қўлланилгандир. Ўта муболага – игроқ ҳам кўп ишлатилган. У ақлан бўлиши мумкину, амалда бўлиши мумкин эмас. Бундан ташқари, муболаганинг энг кучлиси бўлган гулудан ҳам фойдаланилган. Гулу шундай кучли муболагаки, унда ақлга тўғри келмайдиган, ҳаётга мос бўлмайдиган, имкониятдан ташқари нарсалар, ҳодисалар тасвир этилади.

Лабинг шавқинда ҳар хатким битурмен,
Ўқурда қон томар мактубларни.

(Атоий)

Ишқинг ўтни гар Навоий десақим айлай рақам,
Сўзидин қуяр қалам, қурир қаро, эрур давог.

(Навоий)

Одатда шеър мисраларидаги охириги сўзларгина қофияланиб келарди. Қуйидаги байтда ҳар мисрадаги тўртала сўз ҳам ўзаро қофиядошлик даражасига кўтарилган. Бу ерда қамар – шакар, юзунгдин – сўзингдин, бўлур – келур, мунаввар – мукаррар сўзлари ўзаро қофиядош бўлмоқда. Ҳар икки мисра ўртасидаги тўлиқ қофиядошлик ҳодисаси **тарсеъ** деб юритилади. «Тарсеънинг луғавий маъноси илға маржон тизиш»дир.

Қамар юзунгдин бўлур мунаввар,
Шакар сўзунгдин келур мукаррар

(Сайфи Сароий)

Эй бегим, ушбу юз, дегуд, шамс била қамармудур?
Эй бегим, ушбу сўз, дегуд, шаҳд била шакармудур?

(Атоий)

Юқорида таъкидлаб ўтганларимиздан ташқари, шоирлар бадний санъатларнинг бир қатор бошқа турларига ҳам мурожаат қилиб, уларни ўз шеърларида катта муваффақият билан қўллаш оғлашлар. Яна шунини ҳам айтиш зарурки, улар айрим ўринларда бир байтнинг ўзида маънавий санъатнинг бир неча турларини қўллаб ўз истеъдодини

намойиш эта олганлар. Мазкур давр ижодкорлари девонларида ўзининг оригиналлиги поэтик шакл ва образларга, ифодаларга, тасвир воситаларига, маънавий санъат турларига бойлиги ҳамда шоирнинг санъаткорлик маҳоратини акс эттирувчи газаллар, чуқур мантиқий ва фалсафий фикрларни жамлаган ҳикматли байт ва мисралар анчагинадир, биз улардан баъзиларига тўхталиб ўтдик.

Алишер Навоий “Муҳокаматул луғатайн” асарида туркий тилни сорт (форс-тожик) тили билан солиштириб, туркий тилнинг чексиз имкониятларини назарий асослаб бера олди. Адиблар туркий тилнинг барча мавзу ва жанрларда бетакрор мўъжизалар яратишини амалий жиҳатдан исботлаб беришди. Улар туркий тилда ижод қилиш билан фахрландилар.

Савол ва топшириқлар:

1. Мўғулларнинг Ўрта Осиёга истилоси ҳақида қандай манбаларда тарихий маълумотлар мавжуд?
2. Мўғулларга қарши миллий-озодлик ҳаракатлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Халқ Озодлик ҳаракатининг фаол иштирокчилари ва раҳбарлари кимлар эди?
4. Мўғул истилочилари қолдирган асоратлар ҳақида нималар биласиз? Улар Ўрта Осиёдаги ижтимоий-маданий ҳаётга қандай салбий таъсир кўрсатишди?
5. XIII – XIV асрларда туркий тил ва адабиёт равнақ топган марказлар сифатида қаерларни кўрсатиш мумкин?
6. Бу даврда қандай насрий ва назмий асарлар яратилган? Уларнинг мавзу қамрови ҳақида нималар дея биласиз?
7. Бу даврда ёзилган асарлар кейинги ўзбек тили тараққиётига қандай таъсир кўрсатган?
8. Зулхисонайиллик ҳодисаси нима?
9. Шоирлар ижодида қўлланган санъатлар ҳақида маълумот бering.

САЙФИ САРОЙИ

(1321–1396)

Сайфи Саройи ўзбек адабиёти тарихида алоҳида мавқега эга бўлган йирик адиблардан бири. У 1321 йилда Қамишли юртида туғилган. Қамишли – Хоразмдаги қишлоқлардан бирининг номи. Аммо шу ном Волга бўйида ҳам жуда кўп учрайди. У Қамишлидан билимини ошириш учун Саройга келади. Сарой Олтин Ўрда давлатининг пойтахтидир. Муҳаммад ибн Арабшохнинг ёзишчи, Сарой тутган ўрни ва халқининг жуда кўп бўлиши билан энг катта шаҳарларнинг бириси эди. У фан марказига айланди. Оз вақт ичида бу ерда кўп атоқли, машҳур кишилар туғилди. Улар орасида Қутбиддин ар-Розий, Масъуд Тафтазоний, Камолиддин ат-Туркманий, Ҳофиз Муҳаммад ибн Баззозийлар бор эди. Шунингдек, машҳур шоир Камолиддин Хўжандийнинг ҳам XIV аср охирида Саройда яшаб ижод этганлиги яхши маълум.

Шоир шу ерда яшаб турган даврида «Саройи» деган тахаллусли олдан. Сайфи – унинг исми бўлиб, «Қилич» деган маънони билдиради Умриши охирида у Олтин Ўрдадан Мисрга кетган ва ўша ерда яшаган.

Ўсиб тупрогим узра найзалар, мен эвдин айрилдим,
Ватандин бенишон ўлдим-да, ўзга юртга эврилдим.
Нечун менга фалак жавр айлади, қандай гуноҳим бор?
Илоҳо, айла кам жавринг, мен элга содиқ ул эрдим.

деган мисралар шу қисматга ишора. У ўз юртидан кетишни «фалак жавр айлади» деб изоҳламоқда. «Тупрогим узра найзалар ўсди» деган жумла замирида Чингизхон истилосининг оқибатлари назарга олинмоқда. Ўзининг «Гулистони бит-туркий» («Туркий гулистон») асарини у Миср амира Батхас бекка бағишлаган эди. Асар 1391 йилда ёзилган. Ундан кейин яратилган «Сухайл ва Гулдурсун» достони 1394 йилда ёзилган.

Адиб тахминан 1396 йилда вафот этган.

Сайфи Саройининг ўзбек адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси бебаҳодир. Айниқса, ғазал жанрида у катта маҳорат эгаси бўлган. Ўздан олдин яшаб ижод этган ғазалнавис шоирлар ижодини ўрганган адиб:

Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,
Кими булбулдурур сўзда, кими зоғ. –

деб ёзаркан, ижод майдонини боғ гулшанига, шоирларни эса шу боғдаги қушларга ўхшатади. Албатта, булбул ва зоғ образлари орқали адиб кўзда тутаётган шоирлар турти аёндир. У камтарлик билан шундай ёзади.

Уларнинг уш бири Сайфи Саройи,
Жаҳон орифларининг хоки пойи.
Ани сен жумла шоир камтари бил,
Қамар юзга ҳамшиша муштарий бил.

Ғазалларида шоирнинг ўзига ҳос завқи, овози, тасвир усуллари жуда очиқ кўзга ташланади. Келинг, Сайфи Саройининг “Топулмас ҳусн мулкида” ғазали бадиятининг таҳлилга тортишга уриниб кўрайлик. Ғазал матни ушбундир:

“Топилмас ҳусн мулкинда...”

Топулмас ҳусн мулкинда сенга тенг бир қамар манзар¹,
На манзар? Манзари шоҳид², на шоҳид? Шоҳиди дилбар,
Букуи Юсуф жамолини қилибтур ҳақ сенга бахшиш³,
На бахшиш? Бахшиши давлат, на давлат? Давлати мафхар⁴,
Сўзунг дурру жавоҳирдур, кўнгуллар ганжина лойиқ,
На лойиқ? Лойиқи хусрав⁵, на хусрав? Хусрави кишвар⁶,
Шакардан тотлидур хулқунг, карамда⁷ хотиринг⁸ матлаб⁹,
На матлаб? Матлаби маъдан¹⁰, на маъдан? Маъдани жавҳар.
Зиҳи давлатлу ошиқим¹¹, сенинг бирлан қилур ишрат
На ишрат? Ишрати жаннат, на жаннат? Жаннати кавсар¹²
Бу ҳуснунг шавқу завқини кўнгул тўтилари топти,
На топти? Топти хуш лаззат, на лаззат? Лаззати шаккар.
Жамолинг шавқина Сайфи Саройи боғлади сурат,
На сурат? Сурати ҳусно¹³, на ҳусно? Ҳусни жонпарвар.

Маълумки, гўзал ёр юзининг ойга нисбат берилиши ғазалчилик тарихида қадим анъанага эга. Мазкур ғазалида Сайфи Саройи ҳам шу анъанага содиқ қолади. Аммо у шу ерда тўхтамайди, балки бу ўхшатишнинг янги бир қирраларини кашф этади:

Топулмас ҳусн мулкинда сенга тенг бир қамар манзар.
На манзар? Манзари шоҳид. На шоҳид? Шоҳиди дилбар.

Ҳусн дунёсида сенга тенг бўлган ой юзли гўзал топилмайди. Яъни сен тенгсиз гўзалсан, демоқда шоир. Аммо бугина эмас, бу ой юз фақат гўзал маъшуқанинггина юзи. Бу маъшуқа гўзал ва дилбардир. Шоир ружуъ санъати воситасида олдинги айтилган фикрни инкор этиб ундан ҳам кучлироқ фикрни ўртага ташлайди. Яна шундай гўзал, ой юзли дилбарни кўрган гувоҳ-шоҳид ҳам йўқ.

Букуи Юсуф жамолини қилибтур ҳақ сенга бахшиш.
На бахшиш? Бахшиши давлат, на давлат? Давлати мафхар.

1. Қамар манзар – ой юзли.

2. Шоҳид – а) гувоҳ ва б) гўзал маъшуқа.

3. Бахшиш – инъом, бағишлов.

4. Мафхар – фахрланадиган, ифтихор қилинадиган.

5. Хусрав – бу ерда подшоҳ маъносиди.

6. Кишвар – юрт, мамлакат.

7. Карам – саховат, жўмардлик.

8. Хотиринг – фикр-уйинг.

9. Матлаб – мақсад, муддао.

10. Маъдан – қон.

11. Давлатлу ошиқ – бахтсёр ошиқ.

12. Кавсар – жаннатдаги ҳовуз.

13. Ҳусно – гўзал, ажойиб.

Кейинги байт ана шу гўзаллик сабабини изоҳлашга қаратилган, яъни беқиёс гўзаллик соҳиби бўлган Юсуфнинг жамолини ҳақ сенга инъом қилган. Бу инъом буюк неъмат, қатта давлат бўлиб, ушбу давлат ифтихор қилса арзийдиган даражададир. Бу байтдаги Юсуф сўзини ундалма қатори олсак, мазмун ўзгаради. Яъни Ҳақ ўз жамолини, Юсуф, сенга бахшида қилган, у зот сенга фақат ҳуснигина эмас, балким, давлат ҳам берди. оддий давлат эмас фахрли давлат. Кейинги маъно васф этилмиш Ёр Аллоҳ эканлигига ишора, яъни дунёдаги энг гўзал инсон Юсуф алайҳиссаломга бу неъматларни берган ҳам ўзи. Байтда Юсуф алайҳиссалом қиссасига ишора этиш орқали талмеҳ санъати ҳосил бўлган.

Сўзунг дурру жавоҳирдур, кўнгуллар ганжина лойиқ,
На лойиқ? Лойиқи хусрав, на хусрав? Хусрави кишвар.

Маъшуканинг сўзлари ниҳоятда нозик ва қимматли, шунинг учун ҳам дуру жавҳарларга қиёсланмоқда. Энг қимматли, қалб хазинасининг эгаси, подшоҳи (хусрав) бўлишга лойиқ сўз, бу Аллоҳнинг Каломидир. Байтда таркибида маъно жиҳатдан бири-бирига яқин сўзлар (дур, жавоҳир, ганж, хусрав, кишвар) нинг қўлланиши таносуб санъати дейилади.

Кейинги байтда У Зотнинг Ар-Раҳмон, Ар-Роҳим сифатлари тилга олинмоқда. Унинг хулқи ёқимли (шакардан тотли), муруввати ҳам кўнгилдагидай (карамда хотирнинг матлаб):

Шакардан тотлидур хулқунг, карамда хотирнинг матлаб,
На матлаб? Матлаби маъдан, на маъдан? Маъдани жавҳар.

Зиҳи давлатлу ошиқким, сенинг бирдан қилур ишрат,
На ишрат? Ишрати жаннат, на жаннат? Жаннати кавсар.

Шунинг учун ҳам бундай гўзал ёр билан ҳамсуҳбат бўлган ошиқ ўзини энг буюк давлатманд мартабасида кўра олади, ошиқ маъшуқа билан суҳбатни жаннатда, оби кавсар олдида қурмоқда. Жаннат аҳли учун бериладиган энг буюк неъмат Аллоҳнинг жамолидир. Бу ўз Каломида қайд этилган ҳақ ваъдасидир. Байтда ана шу ҳолат назарда тутилмоқда.

Юқоридаги барча таърифлар “кўнгул тўтилари лаззат топиши”, яъни бу гўзалликларни қалб билан туйиш натижаси ўлароқ мисраларга кўчган. Шу сабаб шоир Сайфи Саройи ушбу ғазални (сурат) битди.

Бу ҳусунг шавқу завқини кўнгул тўтилари топти,
На топти? Топти хуш лаззат, на лаззат? Лаззати шаккар.

Зеро, «Хусн шавқу завқини кўнгул тўтилари топ»са, бундан ортиқ лаззат бўлиши мумкинми?

Жамолнинг шавқина Сайфи Саройи боғлади сурат,
На сурат? Сурати ҳусно, на ҳусно? Хусни жонпарвар.

Ушбу ғазалда истиора, ташбеҳ, такрор, талмеҳ, таносиб; ружу каби бир қатор шеърӣ санъатлар қўлланган. Айниқса, шоир ўз ташбеҳ ва тавсифларида бир фикрни

гўё ўртага қўйиб, сўнг уни кетма-кет никор қилиш билан тасвир объектнинг ўзига хос жиҳатларини янгидан тасдиқлаш йўлини топган.

Сайфи Саройининг бошқа ғазалларида ҳам ўзига хос жиҳатлар жуда очиқ кўринади. «Қамар юзунгдин...» ғазалининг матлаъида ҳар икки мисрадаги барча «ёнма-ён» сўзлар ўзаро қофиядош бўлиб келган.:

Қамар юзунгдин бўлур мунаввар,
Шакар сўзунгдин келур мукаррар.

Одатда шеър мисраларидаги охириги сўзларгина қофияланиб келарди. Бу ерда ҳар мисрадаги тўртала сўз ҳам ўзаро қофиядошлик даражасига кўтарилган. Бу ерда қамар: шакар, юзунгдин: сўзунгдин, бўлур: келур, мунаввар: мукаррар сўзлари ўзаро қофиядош бўлмоқда, ҳар икки мисра ўртасидаги тўлиқ қофиядошлик ҳодисаси тарсё деб юритилади. «Тарсёнинг луғавий маъноси ипга маржон тизиш»дир.

Бошқа ғазалларида Сайфи Саройи деб имзо чеккан шоир бу ерда Сайфи тахаллусини қўллаган.

Сайфи Саройи маснавийлари ҳам алоҳида мавқега эга. Бу жиҳатдан «Васфул шуаро» шеъри аҳамиятлидир. У «Шоирлар васфи» демакдир. Ушбу маснавийда адиб ўзининг адабий-эстетик қарашларини баён этади. У ижодкорларнинг турли гуруҳлари мавжуд эканлигини (булбул, тоғ), шунга мувофиқ уларнинг тақлидчи (тўти) ёки мустақил ижодкор бўлиши ва бошқа хусусиятлар ҳақида тўхтаб ўтади. Буни адабий танқидчиликнинг ўзига хос бир кўриниши сифатида ҳам қабул қилиш мумкин.

Савол ва топшириқлар:

1. Сайфи Саройининг ҳаёти ва лирик мероси ҳақида нималарни биласиз? Уни “лирик шоир” дейишга қандай асослар бор?
2. “Топилмас ҳусн мулкида” ғазалида Ёрининг гўзаллиги қандай далилланган? Васф этилаётган Ёр дунёвий гўзалми, ёки? Ғазал қандай шеърини санъат асосига қурилган?
3. Юсуф алайҳиссалом қиссасини биласизми? Байтда Юсуф исмининг қўлланиши қандай санъатни ҳосил қилляпти?
4. Ғазал байтлари таркибидаги бир-бирига маъно жиҳатдан яқин сўзларни топинг ва бу санъатнинг номини айтинг.
5. Ғазалдаги уҳватини ва истиоралар қўлланган байтларни топиб кўчиринг.

ҒАЗАЛЛАР

“Қароқинға”

Менингтеқ нечалар ҳайрон ўшул жоду қароқинға
Кўруб жисмин хиҷолатдан равон бўлди қаро қинға.

Танининг оқининг узра янғоғи олининг ранги,
Эрур ул тоза қуш қони тўкулмуштеқ қор оқинға.

Жамолин кўрмаға ҳасрат бўлуб андан муродим ул,
Кўруб илғайму теб бир кез қулин султон қароқинға.

Асиру мубтало бўлди кўнглум бирла бу жоним,
Анинг фитна қароқининг қароқичтек қароқинга.

Висолин доимо истаб менингтек неча ошиқлар,
Чекарлар меҳнати фурқат солиб ўзин қароқинга.

Чун эл берма дема васли ўларман уш жафо бирла
Фироқинда бўлуб рози умурнинг қисқароқинга.

Қароқинга тушубтур бу Сайфи Саройи бечора
Нечук ўтдан чиқиб тушқа қилич боғли қароқинга.

Савол ва топшириқлар:

1. Муस्ताқил таҳлил учун берилган 1-газалдаги “қароқинга” сўзи қандай вазифани бажаряпти?
2. “Қароқинга” сўзининг ҳар бир байт мазмунида қандай маъноларла қўлланганини айтинг. Шеърятда бу санъат қандай номланади?
3. “Қароқинга” номли газалнинг 2-байтида Ёрнинг оқ балани ва янгои инмага қиёс этиляпти? Ухшатиш сизга ёқдими?
4. 3-байтда лирик қаҳрамон ўзини қандай мақомда тутмоқда ва бу байтда қандай ибора қўлланган?
5. “Қароқинга” сўзининг шоир исми билан боғлиқлиги борми? Газалнинг сунгги байти (мақтаси)да қандай сўз ўйини қилинган?

“Кўринур”

Кўркли юзунгга боққан кўзларга жон кўринур,
Доим мурассаъ¹ оғзинг гавҳарфишон² кўринур,
Бозор ичинда ҳуснинг ишва сотуб, олур жон,
Бўстон ичинда қаддинг сарви равон кўринур.
Ҳақ сунъи, ой юзунгни қилмоқ учун тамошо,
Ҳар субҳидам қопунгда³ халқи жаҳон кўринур.
Эрта-кеча кўзумдин кетмас учун хаёлинг,
Не ерга боқсам, анда ҳуснунг аён кўринур.
Сайфи Саройи назми ҳуснинг сифоти⁴ бирла,
Доим бу эл тилинда хуш дилситон⁵ кўринур.

Савол ва топшириқлар:

1. “Кўринур” радифи газал таркибидаги тасавуфий тимсолларни аниқлаб, имкон қадар маъноларини очишга ҳаракат қилинг.
2. “Бозор ичинда ҳуснинг ишва сотуб, олур жон, Бўстон ичинда қаддинг сарви равон кўринур” байтини шарҳлашга уриниб кўринг.

1. Мурассаъ – қимматбаҳо тошлар билан безатилган.
2. Гавҳарфишон – гавҳар сотувчи.
3. Қопунгда – зингингда
4. Сифот – сифатлар.
5. Дилситон – кўнгилни олувчи, сеҳр этувчи.

3. Юқоридаги байтда “Бўстон” тимсоли орқали тасаввуфий истилоҳ сифатида жаннат назарда тутилса, ушбу образ қатнашган байт билан мақолада таҳлил этилган ғазалининг қуйидаги байти орасида қандай боғлиқлик бор?

Зиҳи давдатлу ошиқким, сенинг бирлан қилур ишрат,
На ишрат? Ишрати жаннат, на жаннат? Жаннати кавсар.

4. Қуйидаги байтни “Намоз мусулмоннинг меърожидир” ҳадиси асосида шарҳланг.
Ҳақ суғи, ой юзунгни қилмоқ учун тамошо,
Ҳар субҳидам қопунгда халқи жаҳон кўринур.

Қамар юзунгдин

Қамар юзунгдин бўлур мунаввар,
Шакар сўзунгдин келур муқаррар¹,
Кунаш² юзунгни кўруб халойиқ,
Бўлубтурурлар сента мусаххар³.
Кўнгулга доим фараҳ⁴ берурга,
Келиб хаёлинг бўлур мусаввар⁵,
Туганди умрум фироқ элинда⁶,
Қачон висолинг бўлур муяссар?
Ўқур сифотинг бу Сайфи шайдо,
Ўзиб дафотир⁷ уза муфассар⁸.

Савол ва топшириқлар:

1. Ғазал матлабида қандай санъат қўлланган?
2. Ғазалдаги тасаввуфий тимсолларни санаг?
3. Тасаввуфий тимсоллар воситасида ғазалини таҳлил қилинг?

“Васфул шуаро”

(шоирлар таърифида)

Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,
Кими булбулдурур сўзда, кими зоғ⁹.
Кими тўти бекин¹⁰ чайнар шакарни,
Кими лафзи билан ўртар дурарни¹¹.

1. Муқаррар – такрор-такрор.

2. Кунаш – қуёш.

3. Мусаххар – таълим.

4. Фараҳ – шодлик, қувонч.

5. Мусаввар – мужассам, тасвир этилган.

6. Элинда – қўлида.

7. Дафотир – лафтарлар.

8. Муфассар – тафсир, шарҳ.

9. Зоғ – қарга.

10. Бекин (бикин) – каби, дай.

11. Дурар – дурлар, марваридлар.

Кимининг сўзлари мавзуну¹ ширин,
Кимининг лойиқи таърифу таҳсин.

Кими ўзганинг ашъорин меним дер,
Кими ҳайвон киби шалғам чўпин ер.

Кими маъни қўюб, лафзин тузотур,
Кими вазнин бузуб, санъат кузотур²

Уларнинг уш бири Сайфи Саройи,
Жаҳон орифларининг хоки пойи³.

Ани сан жумла шоир камтари бил,
Қамар юзга ҳамиша муштари⁴ бил.

Савол ва топшириқлар:

1. Сайфи Саройи **“Васфул шуаро”** маснавийсида шоирларни нималарга қиёс этгани ва нима учун?
2. Қуйидаги байтни шарҳланг: **Кими ўзганинг ашъорин меним дер,
Кими ҳайвон киби шалғам чўпин ер.**
3. Сайфи Саройини қандай шоирлар қаторига киритасиз? Фикрингизни асослаб беринг.

* * *

Сайфи Саройи беназир таржимон ҳамдир. Адиб танқидли форс-тожик шоири Саъдий Шерозийнинг машҳур «Гулистон» асарини «Гулистони бит-туркий» номи билан ўзбек-чалаштирган. Шу асосда у ўзбек тилининг ички имкониятлари нақадар бойлигини яна бир марта намойиш этди. “Гулистони бит-туркий” ҳикоятлари инсон маънавиятини бойитиши, тўғрилиқ, эзгулик ва яхши ахлоқий сифатларни удуғлаб, ёмонлик ва ёмон хулқ-атворни танқид қилиши, қоралаши билан характерли.

Дамашқдаги Жомеъ ичидаги воқеа баёнида адиб эзгулик кудратини ниҳоятда гўзал ва содда тарзда ифода этади. «Зулм уругини экиб хайр истаганлар ўзларини жаҳаннам ўтига ёқадилар» дейилади ҳикоят сўнггида.

Кейинги ҳикоят ҳам зулм ва адолат ҳақида. Золим кишининг «менинг ҳақимга дуо қил» деган даъватига фақир киши: «Илоҳо, бунинг жонини олгил», деб дуо қилди. Шунда золим – Ҳажжож ибн Юсуф: Бу қанақа дуо? – деб сўрайди. Бунга жавобан Фақир: «Бу шундай хайрли дуоки, у сенига ҳам, барча мусулмонларга ҳам наф келтиради», – дейди. Демак, золим ҳукмдор ҳеч кимга наф бермайди. Ундан раият азоб кўради, холос.

Ҳотами Тоий ҳикоятда эса мурувват, саховат олқишланади, камтарлик, нафсини тийиш удуғланади.

Саҳбони Воил ҳақидаги ҳикоя эса нутқ одоби мавзусига бағишланган.

1. Мавзун – вазили.
2. Санъат кузотур – санъатни кўзлайди, санъатбозлик қилади.
3. Хоки пойи – оёқлари остининг тўдроғи.
4. Муштари – талабгор.

Буларнинг ҳаммаси инсон камолоти учун хизмат қилади. Уларнинг аҳамияти ҳозиргача ҳам камайгани йўқ. Бундай нодир ёдгорликлар бизнинг жамиятимизга ҳам хизмат қилаверади.

“ГУЛИСТОНИ БИТ ТУРКИЙ”

(Ҳикоятлардан намуналар)

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: Дамашқ Жомеъи¹ ичинда Яҳё алайҳис салом турбасин² муътакиф³ эрдим.. Бир араб малики инсофсизлик била мавсуф⁴ дағи зулму тааддий⁵ билан маъруф эди. Зиёрат қилмаға келиб, намоз қилиб, ҳожат тилади.

Шеър

Ул эшикнинг қулидур бою йўқсул⁶,
Ғанийрак⁷ ким эса муҳтожракдур.

Андин сўнгра менга айтти: “Ул ерданким фақирлар⁸ ҳимматидурур, хотирингни менга йўлдош қилғилким⁹, саҳб¹⁰ душман андешасина тушуб турурман”.
Айтгим: “Заиф риялтинга раҳмат қилғилким, қавий¹¹ душмандин заҳмат кўрмагайсан”.

Шеър

Тутуб мискин кишининг панжасини,
Айирмоқ куч билан айни хатодур.
Экиб зулм урлуқин¹ хайр² истаганлар,
Жаҳаннам ўтина ўзин ёқодур.
Қутулмаға тиласанг хавф элиндин,
Ранят ҳолина яхши боқодур.

1. Дамашқ Жомеъи – Дамашқ шаҳрининг Жомеъ масжиди.
2. Турбасинда (турбатнда) – қабри ёнида.
3. Муътакиф – хилватда ўтириш, танҳо ибодат қилиш.
4. Мавсуф – сифатланган, таъриф этилган, машҳур.
5. Тааддий – зулм, жабр.
6. Йўқсул – камбағал.
7. Ғаний – бой.
8. Фақир – дарвеш, худо йўлида дунёдан кечган ориф инсон.
9. “Хотирингни менга йўлдош қилғил” – менга эътибор қил.
10. Саҳб – кучли, қаттиқ.
11. Қавий – кучли.

Ҳикоят

Бир дуоси мустажоб³ фақир Бағдод шаҳрина кириб, Ҳажжоз ибн Юсуфни кўрди. Бир киши ўтурмиш соғ элин⁴ белина кўйиб. Айтти: “Эй фақир муборак⁵, менга бир хайрли дуо қилғил!” Фақир айтти: “Илоҳий, муниинг жонини олғил!” Ҳажжоз айтти: “Эй фақир, бу не дуодурким, манга қилдинг?” Фақир айтти: “Бу дуойи хайрдурур сенга дағи жумла мусулмонларга”.

Шеър

Эй жафониинг элин кўйиб белга,
Не қадар қилгасен бу зулм элга?
Соғин⁶ ул кунниким, тутуб нетар,
Маликул мавт⁷ халқингни⁸ элга.

Ҳикоят

Шайх Саъдий айтур: бир вақт Дамашқда ёронлар суҳбатиндин малул бўлуб, Қудс ёзи⁹ларина юз тутуб кеттим, дағи ҳайвонот била унс туттум¹⁰. Ул вақтқа тангри таолоким, фаранг¹¹ асири бўлдум. Туроб улус ҳандақинда¹² яҳудийлар била балчиқ ишин ишлатур эрдилар. Ҳалаб руасосидин¹³ бир кимарса билан маърифатим бор эрди¹⁴, ул мени кечар экан¹⁵, кўруб таниди дағи айтти: “Бу не ҳолатдурур? Яна айтти: Нечук кечирсан¹⁶ бу ҳолатта?” Айттим:

Шеър

Халойиқдин қочиб саҳро ичинда,
Юрур эрдим тари ҳазро¹⁷ ичинда.
Қилиб тангри таоло зикрини ёд,
Анинг зикри билан доим бўлуб шод.
Букун ул давлатимдин айрилиб зор,
Жаҳҳанам қавмина бўлдум гирифтор.
Билишлар¹⁸ бирла хуш орифға зиндон,
Ки ётлар бирла бўлгунча гулистон.

Луғат:

1. Урлуқин – уругини. 2. Хайр – ихшилик. 3. Дуоси мустажоб – дуоси ижобат бўладиган, дуоси қабул қилинадиган. 4. Элин – қўли. 5. Муборак – азиз, бузург. 6. Соғин – ўйла, эсда тут; 7. Маликул мавт – айнан: ажалнинг эгаси, яъни Азроил; 8. Ҳалқингни – бўғзингни; 9. Ёзи – биёбон, саҳро; 10. Унс тутмоқ – дўстлашмоқ; 11. Фаранг – европалюклар; 12. Ҳандақ – қон, чуқурик; 13. Руасо – раислар, катталар; 14. Маърифатим бор эрди – таниш эдим; 15. Кечар экан – еримда турар экан; 16. Кечирсан – ишайсан; 17. Ҳазро – кўк, осмон; 18. Билишлар – олимлар, донолар.

Мени бу ҳолатта кўруб, раҳмат айтти дағи ўн олтун бериб, фаранг занжириндин халос этти. Дағи Ҳалабға олиб кетти. Бир қизи бор эди, ани менга ақди никоҳ қилди. Юз олтунга кобин¹ билан. Бир муддат кечиб, ул қиз қатти юзли, ачи сўзли эди, тил узотиб, вақтимни муқаддар қилур эди².

Шеър

Яхши эр эвдаши³ ёмон бўлса,
Жар ичинда эрин ҳамиша қийнар.
Чун анинг суҳбати жаҳаннамдур,
“Ва қино раббано азобан нор”⁴.

Дам-бадам таъна тилин узотиб, менга айтур эдиким, “Сен ул дегулмисанким⁵ отам сени фаранг қайдиндин ўн олтунга сотин олди”. Айттим: “Бале, ўн олтунга сотин олди” дағи юз олтунга сенинг элингда гирифтор қилди”.

Шеър

Яшил саҳрода қўйни бир мусулмон,
Халос этти бўри оғзиндин осон.
Кеча қўй ҳалкина қўйди бичоғин⁷,
Тиладиким, сўюбон олса ёғин.
Соғиндим одамий хоси сени мен,
Бўрининг саъбраги⁸ сен эмишсен.
Чағирди⁹ қўй: мурувват ул дегулдур,
Эранлардан бу ҳийлат йўл дегулдур.

Ҳикоят

Санжор жомеъсинда бир аблаҳ киши ҳар кун чикиб, қарихун¹⁰ билан муңлар эди¹¹, эйлаким¹² эшитганлар сескана тушар эди. Жомеъ яеси¹³ эйгу¹⁴ сийратли, солих¹⁵ бек эди. Тиламас эдиким, киши кўнгли андин оғригай. Ул муаззинга айтти: “Эй азиз, бу жомеънинг қадимий муаззинлари¹⁶ бор, ҳар бирини беш олтун берурман. Сен ўн олтун олғил дағи бир ўзга ерга борғил”. Ул бу сўзга рози бўлди, ул олтунини олди дағи кетти. Бир муддатдин сўнгра бу муаззин ул бекин кўрди, дағи дуо қилиб айтти: “Ё амир, меним билан ҳайф эттинг¹⁷, ўн олтун бериб, ул ердан

Луғат:

1. Кобин - қалин; 2. Вақтимни муқаддар қилди - ранжитди, хафа қилди; 3. Эвдаши - хотини; 4. “Ва қино раббано азобан нор” - “Эй худо, жаҳаннам олови азобидан сақла бизни!”; 5. Дегулмисанким - эмасмисанки; 6. Сотин олди - сотиб олди; 7. Бичоғ - пичоқ; 8. Саъбраги - зари, вуҷдиси; 9. Чағирди - қичқарди; 10. Қарихун - ёқимсиз; 11. Муңлар эди - қичқирар эди; 12. Эйлаким - уйлаким; 13. Яеси - эгаси; 14. Эйгу - эъгу; 15. Солих - яхши, софдил киши; 16. Муаззин - ҳаёнага чиқиб, азон айтадиган киши; 17. Меним билан ҳайф эттинг - мени қалрламадинг, қадримни билмадинг.

кетардинг. Бу ергаким келиб турурман, йигирми¹ олтун берурларким даги бир ўзга ерга борғил деб. Мен рози бўлмон². Ул бек бу сўзни эшитти даги кулуб айтти: “Зинҳор олмағилким, элли³ олтунга рози бўлурлар”.

Шеър

Муаззин, яқин бил⁴, жамоат мудом,
Сафосиз унундан бўлурлар малул⁵,
Неча мангласанг⁶ ул кариҳ уи билан,
Бўлур хаста, лошак⁷ эшитган кўнгул.

Ҳикоят

Ҳотами Тойга айттилар: “Жаҳонда сендин улу⁸ ҳимматли кўрганнинг ё эшитганинг борму?” Айтти: “Бир кун қирқ тева қурбон этиб, араб бекларин кўнукладим. Ҳожат учун ташқари чиқиб кўрдум: бир эр бир юк тикан кўтариб, сотмога⁹ келар эрди. Юкун ерга қўйиб динглади¹⁰. Мен анга айттим: “Нечун Ҳотами Тойнинг даъватина бормассанким, халқ самотина¹¹ йиғилиб емак¹² ерлар?” Ул эр айтти:

Шеър

Анингким лўқмаси¹³ касб этмагидур
Кўтармас ул бу Ҳотам миннатини.

Ҳотами Тойи айтти: “Мен ўзумдан улу ҳимматли эр ани кўрдум”

Ҳикоят

Саҳбони Воилнинг камоли фасоҳати ул ғоятда эди, дерларким ҳар мажлисда ўлтуруб сўзлар бўлса, бир лафзини¹⁴ такрор қилмас эди. Қачон ул маънийга эҳтиёж бўлса, бир ўзга иборат¹⁵ билан адо қилур эди. Даги салотини¹⁶ ҳазратинидаги¹⁷ нудамонинг¹⁸ адаблариндин бири улдурурким:

Шеър

Неча бўлса сўзунг мавзуну¹⁹ ширини,
Муфарриҳ, лойиқи тасдиқу²⁰ таҳсини.

Изоҳли луғат:

1. Йигирми – йигирма; 2. Бўлмон – бўлмаймай; 3. Элли – элик; 4. Яқин бил – яқин уқиб ол, тушуниб олиш; 5. Малул – малол чекин, ноқушлик; 6. Мангласанг – маърасанг; 7. Лошак, бешак, шубҳасиз; 8. Улу – улуг; 9. Сотмога – сотмоққа; 10. Динглади – тин олди, ҳорлиқ чиқарди; 11. Самотина – дастурхонни атрофида; 12. Емак – овқат; 13. Лўқма – насба, озиқаси; 14. Лафз – сўз; 15. Иборат – ифода, ибора; 16. Салотини – султонлар; 17. Ҳазратинидаги – ҳузурларинидаги; 18. Нудамо – нодимлар, яқин саройдаги сўзамол кишилар; 19. Мавзун – вақли, чиройли; 20. Муфарриҳ – фараҳли, ёқимли.

Бир айтқанни яна айтма муқаррар,
Ки ҳалвони дари бир қурла ерлар.

Савол ва топшириқлар:

1. Сайфи Саройиннинг таржимонлик фаолияти ҳақида нималар биласиз?
2. Биринчи ҳикоятдаги куйидаги байтга ўз муносабатингизни билдириг.

Ул эшикнинг қулдур бою йўқсуд,

Ғанийрак ким эса муҳтожракдур.

3. Подшоҳ билан халқ ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги фикрлар сизга таниш яна қайси асар таркибида ўз ифодасини топган?

4. Иккинчи ҳикоятдаги шайх дуоталаб подшога ўлим тилайди ва нима учун бу дуони хайрли(яхши) дуо дейди?

5. Ҳикоятдаги шеърда зolim подшолар ҳақида қандай фикр айтилган ва уларга қандай маслаҳатлар берилган? Бу фикрларга қўшиласизми? Имкон бўлса ҳаётий мисоллар билан шарҳланг.

6. Учинчи ҳикоятда аёл кишининг қайси характери қораланипти? Бунга ўхшаш аёллар ораида борми? Уларга муносабатингиз

7. Ҳикоятнинг неча аср ўтса ҳам мавзусини долзарблигини йўқотмаганининг сабаби нимада?

8. Тўртинчи ёқимсиз овозли сўфий ҳақидаги ҳикоятдаги воқеалик тасвирида киноянинг устуилгини кўрсатинг.

9. Бундай овоз эгалари яна қандай касблар билан шуғулланмаслиги керак?

10. Ҳикоят қаҳрамони муаззин ёқимсиз овоздан ташқари яна қандай ноқисликларга эга?

11. Инсонда фаҳм-фаросатнинг йўқлигини катта камчилик деб ўйлайсизми?

12. Ҳотами той ҳикоятидаги бош ғояни айтинг.

13. Таънали ва таънали текин ош сизга ёқадими? Нима учун?



Ўзбек дostonчилиги равнақи тарихи ҳам Сайфи Саройиннинг номи билан зийнатланган. Унинг «Сухайл ва Гулдурсун» деган дostonи ана шу анъанани бойитади, дoston 82 байт – 164 мисрадан иборат.

Муаллиф дoston воқеаларининг тарихий асослари борлигини шундай таъкидлайди:

Эмас афсона, чин ушбу битилмиш,

Бу чин афсонадек ишқда етилмиш.

Демак, дoston мавзуси ҳам ишқ-муҳаббат билан боғлиқ.

Воқеалар Темурнинг Урганжга лашкар тортиб келиши билан бошланади. Бу ердаги уруш манзаралари тасвири ўз реаллиги ва таъсир кучи билан ажралиб туради. Жанг асносида Сухайл асирга тушиб қолади. Шоҳ қизи Гулдурсун Сухайлни кўриб, уни севиб қолади.

Дostonда ҳар икки қаҳрамон Сухайл ҳам, Гулдурсун ҳам покиза ва кучли муҳаббат эгалари сифатида кўринади. Улардаги ишонч ва эътиқод самимияти, руҳ покизалиги, мардонаворлик, келажакка ишонч адиб томонидан ниҳоятда таъсирли, ишонarli тарзда тасвир этилган. Дostonдаги тасвирлар кўпроқ қаҳрамонларнинг ички дунёсини

ёритишга йўналтирилган. Ҳагто ўрни-ўрни билан учрайдиган табиат манзаралари тасвири ҳам шу мақсадни кучайтириб таъкидлаш билан характерлидир.

Умуман, дoston пок муҳаббат тараннумига бағишланган.

Хотин содиқ, ани севгил азиз эр,
Ҳар оғир ишда ҳам доим сени дер,
Унга дўст бўл, уни севгил, кўнгул бер,
Унинг сўз баҳридин гавҳарларин тер.

Дoston ҳазаж мусаддаси мақсур (мафонлун, мафонлун, фаулун) вазида ёзилган.

Суҳайл ва Гулдурсун

(дoston)

Эмас афсона, чин ушбу битилмиш,
Бу чин афсонатек ишқда етилмиш.
Айитгим оғлабон¹ даврим жафосин,
Бир эрнинг қиссаи аҳчи вафосин,
Темур Урганжа тортиб келди лашкар,
Кўруб кўз – кўр, бўлиб қолди қулоқ – кар,
Қўзутти² жанг билан оламда тўфон,
Оқитти³ сув текин⁴ ер узра кўп қон.
Экинчи⁵ эзлари ёқилди ўтқа,
Будай⁶ соврулди, тупроқ бўлди бўтқа,
Ўлиб қатти сўғишда⁷ Тўхтамишхон,
Тири⁸ айрилди тувғондин туғушгон.
Суҳайли алпни элттилар асирга
Ҳама қолди бўлиб ожиз бу сирга,
Сипоҳийлар қилолмай қолди чора,
Фақат қолдирди бу ғам дилда ёра⁹.
Суҳайл ҳусни эрур Юсуфдин оли,
Этар мот олмани юзининг оли¹⁰

1. Оғлабон – йиғлаб, ачиниб.

2. Қўзутти – қўзғотти.

3. Оқитти – оқизди.

4. Текин – каби.

5. Экинчи – деҳқон.

6. Будай – буғдой.

7. Сўғиш – жанг.

8. Тири – тирик.

9. Ёра – яра, жароҳат.

10. Оли – қизил.

Бийик ардамлари¹ бор, сўзи ширин,
 Бўлур ошиқ ани кўрганда Ширин
 Вале жавр тоши ёғиб боши узра,
 Этипти бошини ҳам қоши узра.
 Уна² йўқтур зулмкорларда парво,
 Кима мунгайсин этиб дарда даво?
 Фақат ҳолини кўрганлар этар оҳ,
 Учар атрофда қушлар – дардли ҳамроҳ.
 Бўлуб мутриб³ гулистонларда булбул
 Қилур минг турли нағма бирла гулгул.
 Бошин эгмиш этиб⁴ олтин бошоқлар,
 Бошоқларни экинчилар машоқлар⁴
 Йиғор дон эл учун шундай экинчи,
 Эрур бор эмагидиндур илинжи
 Оғочларда⁵ шакар текин емишлар⁶.
 Бу ерни эллари⁷ учмоқ⁸ демишлар.
 Суҳайл шу йўл уза бормоқда ғамгин,
 Севинчи қора кийган, кўзи намгин⁹.
 Унинг кўнглинда сўлғинлик ҳамиша,
 Кўринмас унга гулзору на беша¹⁰.

Суҳайлнинг чоҳда ётмиши

Пою¹¹ илкин этиб занжир билан банд,
 Оғочнида¹² анга эттилар побанд.
 Ва они ташладилар катта чоҳга¹³,
 Сира осмай алар гўш¹⁴ оҳу воҳга.
 Гунаш¹⁵ дунё юзиндин чоҳга ботти,
 Узулган гул текин тупроқда ётти.
 У ётган чоҳ ичи йўқ шуълаи нур,
 Ўлангамас¹⁶ тирига эрди бир гўр.
 Ва лекин эрдами¹⁷ бор, сув ўлмас,
 Қавиларға ҳеч анда киши бўлмас.
 Фалак айланмаси-ла давр етгай,
 Адолат урлуғундин¹⁸ бахт битгай.

Изоҳли луғат:

1. Ардам – фазилат, олий хислатлар 2. Уна – унга; 3. Мутриб – куйчи, ашулачи; 4. Этиб – пишиб, етилиб; 5. Машоқлар – йиғиб оладилар, хирмон қилдилар. 6. Оғочлар – дарахтар (мевали дарахтлар); 7. Емишлар – мевалар; 8. Эллари – халқи, одамлари; 9. Учмоқ – жаннат; 10. Намгин – намли, ёшли; 11. Беша – ўрмон; 12. Пою – оёқ; 13. Оғочнида – ёғоч тахтакача; 14. Чоҳ – қудуқ; 15. Гўш – кулоқ; 16. Ўлангамас – ўланга эмас; 17. Эрдам – номуси, ори; 18. Урлуғ – уруғ;

Суҳайлнинг туш кўрмиши

Азоб ичра ётиб зиндонда Суҳайл,
Этарди ҳорғонида уйқуни майл.
Кўруб уйқуда ҳам кўрқувли тушдин,
Қолурди айрилиб ҳар дамда ҳушдин.
Бу тушда: бир пари боғда юрармиш,
Юруб боғ ичра у гуллар терармиш.
Деюб анга Суҳайл: “Не гул терурсен?
Ўзинг гулшанда кўркли гул эурсен.
Недур зотинг, пари ё одамизод?
Манга айт, одинги¹ доим этай ёд,
Шукрлар этойин аллоға минг бор,
Ки еткурди манга сентек гунаш ёр”.
Жавоб кутти бўлуб у ишқ аро маст,
Вале тақдир кулуб тез бермади даст.
Ҳазолдек² силкиниб қочти париваш,
Суҳайл кўнглига ташлаб катта оташ.
Суҳайл юрди пари қочган сориға,
Этай деб маҳваши – дилкаш париға.
Еталмай кўргони рухсори моҳға³,
Йиқилди югрубон⁴ – пой узра чоҳға.
У ёниб⁵ билди шунда туш эконин,
Ва сизди ботганин андуҳ тиконин.

Шоҳ қизи Гулдурсуннинг Суҳайлни кўргони ва уни севиб қолганин баёни

Ўлан узра қурулган хаймада⁶ шоҳ,
Зафардан шод бўлуб ётмишди огоҳ.
Бор эрди шоҳ қизи, Гулдурсун оти,
Тилим эврилмас⁷ айтмоға сифоти(н)⁸.
Эмас гул юзи Гулдурсундин ортуқ,
Анинг кўнглинда ишқ тенгиздин⁹ ортуқ.

1. Одинги – отингни.

2. Ҳазол (ғизол) – оху, жайрон.

3. Рухсори моҳ – ой юзли, юзи ойдай.

4. Югрубон – югуриб бориб.

5. Ёниб – уйғониб.

6. Хайма – чодир, ўтов.

7. Эврилмас – айланмас.

8. Сифоти(н) – сифатларини.

9. Тенгиз – денгиз.

Этурди фасли гул сайри хиёбон,
 Неча маҳрамлари¹ бирлан хиромон.
 Шу он келтурдилар чоҳга Суҳайлни,
 Гулдурсун боқибон тўхтатти сайлни.
 Суҳайлни кўрдию, айланди биртек².
 Кунаш гирдинда юрган мисли ертеқ.
 Ўзин гул билдию булбул – Суҳайлни,
 Уни севдию таслим этти майлни.
 Ва не чора қисин³ булбул қафасда,
 Керак гул гунчаси озод нафасда.
 Севар булбул гулин, гул булбулин ҳам,
 Нечун гул айласин булбул кўзин нам?
 Келиб Гулдурсун кўнглина бу сўзлар,
 Кежиб⁴ кунларки, бунга чора излар.
 У излаб чора, яхши чора топти,
 Солиб ичина гурниқ⁵ эвни ёпти.
 Эвини истади, посбонға бермақ,
 Кечин бориб Суҳайлни ўлди кўрмақ⁶.

Гулдурсуннинг чоҳга тушиб Суҳайл билан сўзлашгани

Кечин⁷ бўлғач, бориб посбонға ўтру,
 Ўзин хоҳишин айтти, анда ўтру⁸.
 Эпи⁹ еб, истригач¹⁰, бир онда посбон,
 Чоҳ ичра боқти тез хуршиди тобон.
 Не кўрсунким, бўлуб тупроқда беҳол,
 Суҳайл ётур, топтолмиш янгли гул ол.
 Кўруб Гулдурсун оғлаб¹¹ ҳолиға юз,
 Чоҳ ичра кирди, кўйди юзина юз.
 Суҳайл бошин кўториб кўрди қизни,
 Қул эрмас, подшоҳ деб сизди ўзни.

1. Маҳрам – дугоналари, канизаклари.

2. Айланди биртек – ҳайрон бўлиб, айланаверди.

3. Қисин – қилсин.

4. Кежиб – кечиб.

5. Гурниқ – кулф, занжир.

6. Ўлди кўрмақ – кўрмоқчи бўлди.

7. Кечин – кеч.

8. Ўтру – а) ўтириб ва б) қаршисида.

9. Эпи – шароб, бўза.

10. Истригач – маст бўлғач.

11. Оғлаб – йиғлаб.

Ўнгинда тушдакин кўрганга у шод,
 Алам тоши синиб, дил бўлди озод.
 Алар юз қўйишиб бир-бир юзина,
 Узоқ боқиштилари бир-бир кўзина.
 Гулдурсун айтти анга: “Мен фидойинг,
 Суҳайл айтти анга. Ўлдим гадойинг.
 Сенингсиз манга оламдур қаронгу,
 Ўлим-да солмағай бизлара гулгу¹.
 Агар минг жоним ўлса сенга тортиқ”,
 Бўлурму дўсту ёрлиқ шундан ортиқ?

Суҳайл билан Гулдурсуннинг чоҳдин чиқиб қочғонлари баёни

Бу кеч сенгаю менга келди бир тез²,
 Деди Суҳайлга Гулдурсун: “Туруб тез.
 Чиқиб чоҳдин узоқларга қочайлик,
 Бу ерда ағламай кўнгүл очайлик”.
 Суҳайл кийди туруб арвад³ қумошин⁴,
 Чиқарса кимса йўқ чоҳдин у бошин.
 Алар қўйди иккиси йўл сари пой,
 Боқиб турғонда йўлга зар сочиб ой.
 Бирикиб кетти ошиқлар узоққа,
 Илинмай йўл уза қўйғон тузоққа.
 Алар кўп юрдию саҳрога кирди,
 Гунашдин саҳро ичра дўзах эрди.
 Йўқ эрди сув, емакка анда ўтмак⁵,
 Агар бўлганда ҳам ақчаси лак-лак.
 Учиб келмас эди қушлар бу ерга,
 Топилмас эрди сув, ташна ҳар эрга.
 Йиқилди ташна Гулдурсун очиндин,
 Кўмак кимдин келур, чўл ичра кимдин?!
 Суҳайл борди топарга сувга, донга.
 Вале дармон беролмай қолди жонга
 У саҳро ичра чорасиз қолди ёлғиз,
 Бўлуб ташна, куруб қолғонтек илди.
 Менга яхши деди ёр бирла ўлмак:
 На лозим ғам билан дунёда қолмак!

1 Гулгу – жудалик.

2 Тез – вақт, кез, пайт.

3 Арвад – аёл, хотин.

4 Қумош – товар, кийим.

5 Ўтмак – емаклик, овқат.

Шу сўзни айтти, теғ урди ўзиға,
 Қўринмай қолди кенг олам кўзиға.
 Суҳайл оҳидин шу дам кўпти бўрон,
 Анингтекким, бузулди чархи даврон.
 Алар узра тўкилди, кўмди тупроқ,
 Бу сирни танҳо саҳро билди кўпроқ.
 Анга келди шараф мард ўлмагиндин,
 На келгай эрди қўрқуб қолмагиндин?!
 Ўлурму¹ севги ҳам бил, шундин ортуқ,
 Ки иккиси қилур жонини тортуқ.
 Хотин содиқ, ани севгил азиз эр,
 Ҳар оғир ишда ҳам доим сени дер.
 Унга дўст бўл, уни севгил, кўнгул бер,
 Унинг сўз баҳридан гавҳарларин тер!
 Келиб кўнгилима Мажнун, Лайли ёди,
 Дафотир² устина сўз сели ёғди.
 Бўлур бу битигим³, тарихга ёдгор,
 Бу ёдгоримда ёлғон йўғу чин бор.
 Битиган номани эллар ўкуғаи,
 Суҳайлнинг тарихини тоза билгаи.
 Илоҳо, асрагин Сайфи Саройинг,
 Халос айлаб зулмдин кенг саройинг.
 Ёди⁴ юз тўқсон олти, наврўз ойи,
 Хатм этти⁵ буни Сайфи Саройи.

Савол ва топшириқлар:

1. «Суҳайл ва Гулдурсун» дostonи сюжет ва композициясидаги ўзиға хослик нимадан иборат?
2. Сиз Гулдурсуннинг отасининг душманни, асири бўлган Суҳайлни озод қилиб, у билан қочиниға қандай қарайсиз?
3. Сиз Ватанинги, ота-онани билан севган кишинигиздан бирини танлаш талаби қўйилса, қандай йўл тутардингиз?
4. Гулдурсунни оқласангиз, бунга асосларингизни айтинг. Аксинча бўлса ҳам Муҳаббат, Қалб, Ақл, Ота-онаға ҳурмат, Ватанға муҳаббат бу тушунчалар орасида қандай умумийлик ва қарама қаршиликлар мавжуд? Фикрингизни дoston воқелитиға таъинган ҳолда баён этинг.
5. Асарда ҳаёт ҳақиқати билан афсонавийликнинг мутаносиблиги қайси даражада?
6. Дoston қаҳрамонларидаги қайси фазилатлар алоҳида тасвир этилган?
7. Унда урушға муносабат қандай акс этган?
8. Гулдурсун қисмати Гоголнинг «Тарас Бульба» қиссаси қаҳрамони Андрей қисмати билан қиёслап, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини топинг.

1. Ўлурму - бўладими.
2. Дафотир - дафтарлар.
3. Битик - ёзув, асар.
4. Ёди - етти.
5. Хатм этти - тугатти, تامомлади.

ХОРАЗМИЙ

(XIV аср)

Ўзбек мумтоз адабиёти намоёндалари орасида ўзининг фавқулодда истеъдоди билан ном қолдирган шоир Хоразмийдир. Таассуфки, шоирнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумот сақланмаган, ҳатто унинг исми ҳам номаълум. Шоирнинг «нома» жанрида битилган биргина гўзал асари сақланган бўлиб, муаллифни «Муҳаббатнома» орқали таниймиз, асардаги қисқа маълумотлар асосидагина билимга эгамиз. Шоирнинг таҳаллуси у тугилган ва яшаган юрт ҳақида бир нимани эслатса ҳам, шоир Хоразмда ёшлик давридагина яшаган, холос. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи бирдан-бир манба – «Муҳаббатнома» асари Хоразмда эмас, балки Сирдарё ёқаларида битилганидан хабар беради.

«Муҳаббатнома» сўзини мунда айтгим.

Қомугини Сир яқосинда битидим.

Асарнинг хотима қисмидаги форсий «ҳикоят»да Шом ва Рум ўлкаларида бўлгани ҳам эслатилади.

Шоир 1353 йилда Олтин Ўрда хони Жомибекнинг Сирдарё музофотидаги амалдорларидан бири Муҳаммад Ҳожибек билан танишади. Муҳаммад Ҳожибек аввал форсий шеърлар битиб юрган шоирдан шу ерда қолиб, туркча асар ёзишни сўрайди. Ниҳоят, «Муҳаббатнома» дунёга келади. Бу ҳақда «Баёни воқеъа»да шоир ёзади:

Кўнгул баҳрида кўп гавҳарларинг бор,

Очунда порсий дафтарларинг бор.

Муҳаббат нардини кўнлардин уттинг,

Шакартек тил бида оламини туттунг.

Тиларменким бизнинг тил бирла пайдо,

Китоби айласанг бу қиш қотимдо.

Ким уш елтек кечар айёми фойий,

Жаҳонда қолса биздин армуғоний.

Ҳижрий 754 (мелодий 1353) йилда «Муҳаббатнома» ёзиб тугалланган. Асарнинг икки нусхаси борлиги маълум. Улардан бири 1432 йилда Яздда Мир Жалолиддин деган киши таклифи билан Боқи Мансур томонидан уйғур ёзувида кўчирилган. Нисбатан тўлароқ араб ёзувидаги иккинчи нусха эса, кейинроқ 1508-1509 йилларда кўчирилган бўлиб, 473 байтдан иборатдир. Ҳар икки нусха ҳам Лондондаги Британия музейида сақланади.

Асар гарчи нома, ғазал, соқийнома, маснавий, муножот, қитъа ва фард каби жанрларни жамласа ҳам «нома» унинг етакчи жанри саналади. Асарда келтирилган ўн бир номадан учтаси: 4-, 8- ва 11- номалар ва улардан кейин келадиган маснавий ҳамда бошланғич ғазал форс тилида битилган. Асарнинг бундай ёзилиши ширу шакр усули деб аталади. Хоразмий эса ўз асари билан икки тилда ижод этувчи худдисонаин шоирлар сафидан муносиб ўрин олди. Адиб асарида бу ҳақда шундай дейди:

Қилойин икки бобин порсий ҳам,

Ким атлас тўн ярашур бўлса маълам.

Муаллифнинг ижодий режасига кўра асар ўн номадан иборат бўлиши керак эди:

Бу хон узра салойи ома қилдим,
“Муҳаббатнома”ни ўн нома қилдим.

Аmmo ўнинчи номадан кейинги маснавийда режанинг ўзгаришини шундай
иълоҳлайди:

Бу ерга етти сўз тахир бўлди,
Бурун ўн дедим у ўн бир бўлди.

«Муҳаббатнома»нинг ички қурилиши ниҳоятда изчиллик билан пухта ишланган. У турли жанрларда муҳаббат ҳақида ёзилган асарларнинг шунчаки йиғиндиси эмас, балки яхлит бир бутун тугалланган асар сифатида таассурот беради.

Асар муқаддимасидаги «Аввал кўришканин айтур», «Баёни воқеъа» бобларида унинг ёзилли тарихига оид фикрлар баён қилинган. Ундан кейин изчил тартибда нома, газал ва маснавий келади, ҳатто улар воқеан бир-бирига боғланади. Асар сўнгидаги «Муножот», «Хотимат ул-китоб», «Илтимосун айтур» ва «Фард» сарлавҳалари билан келтирилган бўлимлар асосий қисмдаги ўн бир номага ўзига хос тарзда яқун ясайди.

Муҳаммад Ҳожабек мадҳида у «саодат маъдани, мамлакатнинг жони, Сулаймон салтанатининг улуғворлиги, Масиҳнинг беморларга шифо, ўликларга жон бағишловчи нафаси, Ҳотамнинг саховати, Рустамнинг шижоати» каби **сифатлашлар** билан улуғланади. Мадҳ сўнгида:

Улусқа раҳм этиб ғамхор бўлғил,
Ҳамиша шоду бадхурдор бўлғил

деб ўз ҳукмдорига насиҳат қилади.

Асарда мадҳ, васф асосий ўрин тутади. Асар асосан номалардан иборат. Номалар лирик қаҳрамон – ошиқ тилидан ёзилган.

Ҳар бир нома сўнгида у қайси тилда ёзилганидан қатъи назар

Сабурдин яхши йўқтур пеша қилсам,
Бу йўлда сабр йўқ андиша қилсам.

байти билан яқуланади.

Номалар ошиқнинг ўз маъшуқасига дил изҳорлари тарзида ёзилган. Уларда маъшуқа таърифи асосий ўрин тутади. Биринчи номанинг дастлабки мисраларидек худди шу тарзда бошланган. Маъшуқанинг кўрки тенгсиз. У кўрклиларнинг подшоҳи. Унинг гўзаллиги ҳақидаги мадҳ (хусунинг синоҳи) оламни тутган.

Маъшуқа—парирухсор. Аммо парирухсорларнинг ҳам гўзали – кўркабойи.

Юз, қош, кўз, хол, буй (қад) тасвирлари ниҳоятда хилма-хил ҳолатларда жуда гўзал ва оригинал тарзда тасвирланади:

Турубтур кўзда қаддингиз хаёли,
Анингдекким сув узра тол ниҳоли.

Лирик қаҳрамон назарида маъшуқа гўзаллик, латофат ва назокатда тенгсиз. У оламдаги энг азиз ва мўътабар. Мумтоз адабиётимизда бўлганидек, Хоразмий тасви-

рида ҳам маъшуқа бепарво, қаҳри қаттиқ, жафокор ва ҳатто бевафодир. Шунинг учун ҳам маъшуқа «номехрибон», «аҳди бақосиз».

Қамуқ ёқут эринди, сўзи дурлар,
(Барча ёқут лабли, сўзи дурлар)
Вафосизликни сиздан ўрганурлар.

Бироқ ошиқ кўнгил изҳорида собит. У ўз ишқига содиқ, Фикрида қатъий:

Давр сизнингдурур даврон боринча
Қулунгизмен танимда жон боринча. ...
Киши қайда ўларин билса бўлмас,
Ҳақиқат ёридан айрилса бўлмас.

Ҳатто:

Аюрмен, юз нечаким келса меҳнат,
Жафо сиздин, тағи биздин муҳаббат,

Умуман, асарда ҳақиқий гўзалликни таъриф ва тасвир этиш, муҳаббат туйғуларини, инсон қалбидаги нозик кечинмаларни самимий ифодалаш асосий ўрин тутади. Бу гоҳ маъшуқа ва сабога мурожаат, гоҳ ошиқ қалб изҳори тарзида намоён бўлади. Уларнинг барчасига ҳос хислат – юксак бадиятдир. Адибнинг ўхшатиш ва сифатлашларидан бошлаб, танлаган вазни, жанри, қофия ва радифларигача ана шундай нозик бадиятчи юзага келтиришга хизмат қилади.

Агар десам сени Рустам, ёрарсен,
Қиличнинг бирла сафларни ёрарсен.

Муҳаммад Хўжабек мадҳига бағишланган бу парчада мақталаётган одам Рустамга ўхшатишмоқда. Биринчи мисра охиридаги «ёрарсен» – ярайсан, лойиқсан, арзиғуликсан маъноларини беради. Кейинги мисралардаги шу сўз эса ёрмоқ, «бўлиб ташламоқ» маъноларига эга. Бундай тажниси қофиялар асар бадиятини таъминловчи омиллардан биридир:

Ошар елдин сенинг елгаида отинг,
Қуёш янглиғ жаҳонни тутти отинг.

Муҳаббатини туғар минг турли асрор,
Кўнгул асрорини жон бирла асрор.

Бўюнғ сарву санубартек, белинг қил.
Вафо қилган кишиларга вафо қил.

Бир сўзни байт таркибида икки маънода қўллаш **ийҳом** санъати бўлиб, асарда бунинг гўзал намунасининг гувоҳи бўламиз.

Сени кўрган ўзиндин ёт бўлур,
Рухунгни кўрса минг шаҳ мот бўлур.

Бугина эмас, асардаги халқона киноя ва қочиримлар, анъанавий тасвир воситалари, хусусан, ўхшатишлар тизими, истиора, тазод, тамсил каби сўз санъати намуналари ҳам бу фикрни қувватлайди.

Рақибингдур тикан, сиз тоза гулсиз,
Чечак чимган аро бўлмас тикансиз.
Шакардин тотли сўзли дилрабосен,
Дареғоким¹, чечактеқ бевафосен.

Қуйидаги байтлар нафақат юксак бадияят, балким, гўзал тасаввуфий фикрнинг ҳам бадий ифодасидир. Шоир шакар эри сифатлаши билан кифояланмай, эри(лаб) ни Хизрга қиёслапти, бунда Хизр сўзи орқали пайғамбарнинг ўзини эмас, унинг мангу боқийлик сифати назарда тутилмоқда. Зеро, Ёринг эрни, лаби тимсолида Илоҳий Калом назарда тутилмоқда экан, бу Каломни билган ўқиган ва амал қилган бандга абадий роҳатдаги ҳаёт кафолатланган. Оёғинг кимки ўпса мангу ёшар, Бошим дойим адоқингга ярошур мисраларида ишора санъати воситасида инсоннинг саждага бош қўйиши, ибодатлар бадий ифодасини топган. Бу ибодатлар (қаро менг) бу фоний дунёга, яъни ол яноққа ярашади. Сабаб, банда бу оламни тарк этгач, қилинган тавба ҳам, ибодатлар ҳам бекор, яъни энди ярашмайди.

Шакар эринг наботи² Хизра ўхшар,
Оёғинг кимки ўпса мангу ёшар.
Қаро менг ол яноқингга ярошур,
Бошим дойим адоқингга ярошур.
Кўнгулга ўзганинг меҳрин ёвутмон,
Йироқдик бирла мен сизни унутмон.

Мазкур байтда тун (фоний дунё) ва тонг(Қиёмат) тасаввуфий тимсоллари орқали ошиқнинг бу фоний дунё яқун топиб, Қиёмат тонги отганда юз берувчи васлдан умид қилаётгани образли баён этилган.

Эрурман васлингга дойим талабгор,
Нечаким тун узун бўлса тонги бор.

Юқорида баён этилган фикрлар “Муҳаббатнома”ни нафақат бадий етук, балким, сўфiona фикрларни ўзига жо қилган, ишқи Илоҳийни тараннум этган тасаввуфий асар эканлигини далилдир.

Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си ўзбек адабиётидаги йирик воқеалардан бўлди. Унинг таъсирида кейинги асрларда ҳам бир қатор асарлар юзага келди. Хўжандийнинг «Латофатнома», Санд Аҳмаднинг «Таавшукнома» асарлари шулар жумласидадир. Асар ўзбек тили тарихи учун ҳам бой манба бўла олади. Шу маънода асарни ўша давр тилининг ёдгорлиги сифатидаги қадри ҳам баланддир.

1. Дариго – афсуеки.

2. Набот – новвог.

Хоразмий ўзбек адабиётида ғазал жанрининг ривожига муносиб ҳисса қўшган адибдир. Унинг ғазаллари мавзу доирасига кўра – асосан ишқ-муҳаббатни тараннум этади.

Юзунгда кўрдум, эй жон, байрам ойнин,
Мунунг шукронаси қурбон бўлойин.

Адиб маъшуканинг қошини янги чиққан ҳилол- байрам ойига ўхшатапти. Буни образли ифодалай олган. “Юзда байрам ойини кўриш” бадий кашфиёт. Хоразмийгача бундай тасвир шеърятда йўқ эди. Дунёвий таҳлилда ҳам ёр қошининг гўзал тасвири. Агар юз оддий сўздан образ даражасига кўтарилса, бу дунё осмонидаги байрам ойн, яъни қурбон ҳайит назарда тутилаётганига гувоҳ бўламиз. Чунки динимизда икки байрам Қурбон ҳайит ва Рамазон ҳайит тан олиниб, “қурбон бўлойин” жумласи биринчи байрам назарда тутилаётганига ишорадир. Байрам қурбонлик талаб қилади. Қурбонлик ҳам тайёр. Бу – лирик қаҳрамон. Яна бир одатга кўра, янги ой кўриниши билан унга етишганлик учун шукроналар қилинади. Байтда ана шундай кўчма маънолар ҳам ўзининг бадий ифодасини топган.

Адиб гўзал маҳбуба юзини мадҳ этишда давом этади. Ёрининг юзи шу қадар мунавварки, ҳатто, «агар кун туғмаса (чиқмаса) ҳам «шу нурунинг ўзи олами ёритаверади:

Агар кун туғмаса ҳам ёқту қилгай (ёруғ қилгай),
Юзинг нури бу дунёнинг саройин.

Бу ўринда маъносига кўра бир-бирини тақозо этадиган «кун «ёқту», «нуру», дунё саройин» сўзларининг келтирилиши бир мантиқий изчилликни ташкил этмоқда. Қолаверса, бу тасвир биринчи байтдаги фикрни янада ривожлантирмоқда.

Ёр гўзаллиги олдида ўз донишмандлиги ҳамда барча мўъжизалардан хабардорлигига қарамай, ҳатто Афлотун ҳам ҳайрону лол бўлиб қолади:

Гар Афлотун сенинг ишқинга тушса,
Берур елга қамуқ тадбиру ройин.

Мумтоз адабиётимизда ширинсўзлик, сўзамоллик шакар ва тўти билан қиёсланади. Хоразмийда ҳам шу ўхшатишлар мавжуд:

Шакартек тил била тўти тилингиз
Неча кун сайд этар жонлар ҳумойин.

Ҳумо – афсонавий қуш. Унга дуч келиш ёки уни қўлга киритиш ниҳоятда душвор. Аммо гўзалнинг шакардек тили бундай қушларни «неча кун сайд этади».

Хоразмий гўзаллиқни ўзгача тушунади, ўзича тушунтиради. Шунга кўра ҳам таърифда латофат тўнининг бичиқчиси саодат билан бахт сифатида талқин қилинади.

Саодат бирла бахт иккиси бичти
Бўюнгизга латофатининг буқойин (либосин).

Шоир учун гўзаллиқни таърифлаш, уни мадҳ этиш ва тарғиб қилиш бахтдир. У худди шу мақсадда ёрдан руҳсат сўрайди:

Ижозат берсангиз, тонг ёқтусидек (ёғдусидек),

Жаҳонга ҳуснунгиз жовин ёёйин.

«Тонг ёғдусидек» ўхшатишини бу ўринда икки хил талқин қилиш мумкин. Биринчиси, гўзалинг ҳусни тонг ёғдусидек гўзал, беназирдир. Иккинчиси эса тонг ёғдуси дунёга таралганидек ёр ҳусни шуҳратини ёйишдир. Бу сўз ўйини жуда ўрнига тушган. Охирига байтдаги илтижо ҳам сўз ўйинига таянади:

Сиза теб келди, Хоразмийни асранг,
Ким асрарлар қамуқ шаҳлар гадойин.

Лирик қаҳрамон ёрга ўз меҳри, садоқатини ифодалаб келди. Бунинг эвазига эса унинг биргина ўтинчи бор: Сизин деб келдими, сиз ҳам уни авайланг, асранг. Ҳатто шоҳлар ҳам ўз саройларидага гадоларни авайлашади, уларга ғамхўрлик кўрсатишади.

Ғазал 7 байтдан иборат. Байтлар ўзаро мантқий изчиликка эга. Бунда кўпроқ фикрий тадрижийлик (ривожланиш) бор. Ғазалнинг дастлабки байти матлаъ, охириги байти мақтаъ дейилади. Матлаънинг ҳар икки мисраси ўзаро қофияланади. Кейинги байтларнинг фақат жуфт мисраларигина биринчи байт мисралари билан қофиядош бўлади (а-а, б-а, в-а, г-а, д-а, е-а, е-а). Ғазалдаги қофиядош сўзлар ойин: бўлойин: саройин: ройин: ҳумойин: буқойин: ёёйин: гадойин. Ғазалнинг охириги байтида, мақтаъда одатда тахаллус қўлланади.

Бу ерда мисралар 11 бўғиндан иборат. Аммо бўғинларнинг сонигина эмас, балки сифати ҳам бир хилдир. Улар икки марта тўрт бўғиндан ва бир марта 3 бўғиндан тузилган мисралар такрорига таянади. Бўғинларнинг ўзаро кетма-кетлигида ҳам бир хиллик бор.

Бундай вази тузилиши мафойилун, мафойилун фаулун оҳангида ўқилади. Бу вази номи ҳазаждир. Бир руки (У—) байтда олти марта қўллангани учун у ҳазаж мусаддас бўлади. Аммо охириги рукидаги бир бўғин қисқаргани учун унга маҳзуф номи берилган. Демак, ғазалда қўлланган вазнинг тўлиқ номи ҳазаж мусаддаси маҳзуфдир. Асар тўлигича шу вазида яратилган.

Хоразмийнинг тили ниҳоятда ширали. У ўзбек тилининг нозик ва нафис ички имкониятларини маҳорат билан намойиш эта олган. «шакартек тил», «тонг ёқтусидек», «тан ичра жон», «кўёш янглиг юз», «арслон юрак», шунингдек «олдини тутмоқ», «олдин кечмоқ», «ер ўпмоқ», «елга бермоқ» каби ифодалар Хоразмий тилининг нафосатини белгилаб беради. Асарда Фаридун, Сулаймон, Масиҳ, Юсуф, Ҳотами Той, Рустам, Али, Муҳаммад Хўжабек сингари тарихий ҳамда афсонавий номлар учрайди. Муаллиф ўрни-ўрни билан арабча ва форсча сўзлардан ҳам усталик билан фойдаланади.

Шунинг учун ҳам «Муҳаббатнома» ўзбек тили тарихини ўрганиш учун ҳам бой манба бўла олади. Уни ўша давр тилининг бадий ёдгорлиги сифатидаги кадри балаандир.

Савол ва тошшириқлар:

1. Хоразмийнинг таржмаи ҳолига оид қандай маълумотларни биласиз?
2. «Муҳаббатнома» асари кимга бағишланган?
3. Хоразмий ҳақидаги маълумот қайси асарларда учрайди?

4. «Муҳаббатнома» асарининг ёзилиш ва сақланиш тарихига доир қандай маълумотлар бор?
5. «Сабрдин яхши йўқтур пеша қилсам, Бу йўлда сабр йўқ андиша қилсам» байтнинг мазмунини тушунтиринг.
6. Хоразмийни худлисонайн шоир деб аташ мумкинми? Нима учун?
7. «Муҳаббатнома»га қайси адабий жанрларда яратилган асарлар жамланган?
8. «Муҳаббатнома»нинг турли жанрлардаги асарлар йиғиндиси эмас, балки тугалланган яхлит асар эканини қандай изоҳлайсиз?

МУҲАББАТНОМА

Аввалги нома

Аё кўрк ичра олам подшоҳи,
Жаҳон тутти сенинг ҳуснунг сипоҳи.

Пари рухсораларнинг кўрка бойи,
Юзинг наврўзу, қошинг байрам оёи.

Кўнгул ширин сўзингга бўлди Фарҳод,
Кўзунг Кашмир жодусига устод.

Қаро менг ол яноқингга ярошур,
Бошим дойим адоқингга ярошур.

Бўюнг сарву санубартек, белинг қил,
Вафо қилгон кишиларга вафо қил.

Ақиқинг суҳбатиндин жон бўлур сўз,
Қамартек чехрангга боқса қамар кўз.

Урур нарғисларинг новакии¹ жонга,
Кулар чех² инг чечактек арвуғонга.?

Муҳаббат нори жондин кетмади ҳеч,
Қўлум сийм олмангизга етмади ҳеч.

Саройдин² борди Чин-Мочинга човини,
Қиё боқсанг бўлур арслонлар овини.

Табассум қилсангиз шаккар уёлур,
Тишинг инжусидин гавҳар уёлур.

Жамолинг етти оламга сипаҳлар,
Қатингда ер ўпарлар жумла шаҳлар.
Фалак ишқинг йўлинда бесару пой,

1. Новак – камоннинг ўқи, киприк

2. Сарой – шаҳарнинг номи.

Исирғанг донаси - Зухра, юзунг - ой.

Латофат мулкида султонсен, эй жон,
Қамуқ бошдан-оёққа жонсен, эй жон.

Қатиқ кулсанг магар оғзинг билургай,
Пари кўрса сени, мендак тилургай¹.

Сочинг бир торина минг хур етмас,
Юзунгнинг нурина минг нур етмас.

Агар берса суюрғаб² ҳақ таоло,
Керакмас сенсизин фирдавси аъло.

Кўнгулнинг қони қайнаб барча тошқай,
Кўзумнинг ёшидин кавсар бўлошқай.

Кишининг сенсизин не жони бўлсун,
Анингтеқ умрнинг не сони бўлсун.

Шакар эрнинг наботи³ Хизра ўхшар,
Оёғинг кимки ўпса мангу ёшар.

Жамолингтеқ кишининг йўқ жамоли,
Дариғо, бўлмаса эрди заволи.

Қиёмат кўркулусен ҳуснунга не сўз,
Йироқ бўлсун жамолингдин ёвуз кўз.

Букун йўқтур, сен ойтеқ кўкта, асраъ⁴,
Қулунг бечора Хоразмийни асра.

ҲАЗАЛ

Юзунгда кўрдум, эй жон, байрам оини,
Мунунг шукронаси қурбон бўлойин.

Агар кун туғмаса ҳам ёқту⁵ қилғай,
Юзунг нури бу дунёнинг саройин.

Гар Афлотун сенинг ишқингда тушса,
Берур елга қамуқ тадбиру ройин.

Шакартеқ тил била тўти тилингиз,

1. Тилургай – тингай, азобда қолгай.

2. Суюрғаб – ярлақаб, ҳиммат қилиб

3. Набот – поввот

4. Асраъ – асло

5. Ёқту – ёғду, нур.

Неча кўп сайд этар жонлар ҳумойин¹.

Саодат бирла бахт иккиси бичги,
Бўюнғизга латофатнинг ёйойин.

Ижозат берсангиз тонг ёқтуситек,
Жаҳонга ҳуснунгиз жовин ёёйин.

Сиза теб келди Хоразмийни асранг,
Ким асрарлар қамуқ шаҳлар гадойин.

МАСНАВИЙ

Кел, эй соқи, кетурғил хуш сабуҳи,
Ким ушбу дам эрур жоннинг футуҳи².

Ичолнинг бодани гуллар сўли ёр,
Танимиз оқибат тупроқ бўли ёр.

Бу ерга егги сўз тахир бўлди,
Бурун ўн дедим у ўн бир бўлди.

МУНОЖОТ

Илоҳи, отқу³ қилғил жонимизни,
Халалдин⁴ сақлағил имонимизни.

Тикандин қудратинг пайдо қилур гул,
Хато кўп келди мен қулдин, кечурғил.

Аё фархунда толиъ тальати⁵ кун,
Сени тенгри муродингга тегурсун.

Муҳаммад Хўжабек Жамшеди соний,
Жаҳоннинг орзусию халқ хони.

Саодатни ҳунарга ёр қилғил,
Ҳунардин бизни бархурдор қилғил.

Сўзум бикрини⁶ кўргуз шаҳға ширин.

1. Хумойин - афсонавий қуш, бахт қуши

2. Футуҳ - енгилиш, таслим бўлиш.

3. Ёқту қилмоқ - кечирмоқ, аямоқ.

4. Халал - камчилик, нуқсон.

5. Тальят - қиёфа, сиймо.

6. Бикр - ифат, тозалик.

Шаҳеким қилди Хусравларни Ширин.

Аёйин эмди бир қитъа эшитгил,
Нечукмен ҳолу аҳволимни билгил.

ҚИТЪА

Тамаъ доминда қолур қуш эмасмен,
Талим айвон уза учқон ҳумомен.

Қиличтек тил била туттум жаҳонни,
Қаноат мулки ичра подшомен.

Харобот¹ ичра масжидда ерим бор,
Ким уш ҳам риндмен², ҳам порсомен³.

Неча ҳашматли султон бўлса бўлсун,
Айитмон мол учун мадҳу сано мен.

Қиёматқа текин қолсун отинг теб,
Сенинг табқунгда бўлдум ошно мен.

ХОТИМАТ УЛ-КИТОБ

«Муҳаббатнома» сўзун мунда айтгим,
Қамуғун Сир ёқосинда битийдим.

Назар бирла агар Жамсен⁴ гар Осаф⁵,
«Муҳаббатнома»(ни) қилсанг мушарраф.

Ўқиғил фотиҳада қибла ёни
Севунсун банда Хоразмий равони.

Бу дафтар ким, бўлубтур Миср қанди⁶
Ети юз элли тўрт ичра туганди.

Тугатмакликка Ҳақ берди иноят,
Эшитгил эмди ҳам бир хуш ҳикоят...

ИЛТИМОСИН АЙТУР

1. Харобот - майхона.

2. Ринд - майхўр

3. Порсо - ёмон ишлардан сақланувчи.

4. Жам - Жамшид, подшоҳ.

5. Осаф - Сулаймоннинг доно вазири.

6. Миср қанди - Мисрда тайёрланган ширичилик.

Муни ким ишқ бирла бир ўқугай,
Ҳақиқат оламини мунда бўлғай.

Айитқон бу китобни ҳам битигай,
Тилармен ким дуода ёд қилғай.

ФАРД

Ниёзим бу турур сендин нигоро,
Унутма бандани, баҳри худоро.

Савол ва топшириқлар:

1. Асарнинг «нома», «ғазал» қисмлари шаклдан ва ҳажман турлича бўлса-да, «маснавий» қисми нега доим бир хил байт билан якуланишининг сабабини аниқланг.
2. Муқаддимада шоир «Муҳаббатнома»ни «ун нома қилдим» деб ёзган эди. Сизнингча, нега у ўн бир нома шаклида ёзиб тугатилганлиги сабабини аниқланг?
3. Асардаги «Бўйинг сарву санубартек, белинг қил, Вафо қилган кишиларга вафо қил» сатрлари орқали шоирнинг санъаткорлик маҳоратини аниқланг.
4. «Табассум қилсангиз шаққар уёлур, Тишинг инжусидин гавҳар уёлур» байтнинг ифода тарзидаги гўзалликни таъминлаган омиллар ҳақида мулоҳаза юритинг.
5. «Юзинг наврўзу қошинг байрам ойи» мисрасида қандай санъат ифодаланган?
6. «Эрур жон мақсуди эрининг наботи, Хуснининг ҳам бўлур охир закоти» байти замиридаги яширин маънони топинг ва унинг закот тушунчасига алоқасини изоҳлашга ҳаракат қилинг.
7. «Эрурман, юз нечаким келса меҳнат, Жафо сиздан, тағи биздин муҳаббат» мисраларида ошиқнинг маъшуқага садоқати қандай ифода этилганлиги ҳақида тўхталинг.
8. Асарнинг «Муножот» қисми кимга бағишланган? Фикрингизни асардан келтирилган парча билан асосланг.
9. Асардаги «ҳам риндмен, ҳам порсомен» иқрорини қандай тушуvasиз?
10. Асарда оташни муҳаббатнинг: «Севарман кўзни сизни кўрмоқ учун, Юрармен ерда изни кўрмоқ учун» сатрлари орқали ифодаланган даражаси ҳақидаги мулоҳазаларингизни билдинг.
11. «Хотимат ул-китоб» боби шоир ҳақидаги қандай маълумотларни ифодалайди?
12. «Неча ҳашаматли султон бўлса бўлсун, Айитмон мол учун мадҳу сано мен» мисраларида шоир табиатига хос қайси жиҳатлар акс эттирилганлигини тушувинг. Асар муаллифининг бу фикри унинг Жонибек ҳақидаги мақолавларига зид эмасми?
13. «Илтимосин айтур» бўлими кимга қаратилган ва унда шоир нима демоқчи? Сиз буни қандай аниқладингиз?
14. «Муҳаббатнома»ни тасаввуфий руҳдаги асар дейиш мумкинми? Мумкин бўлса қайси парчаларга асосланиб бундай фикрга келиш мумкин?
15. Асардан ўзингизга ёққан парчани ёд олинг.

«НОМА» ЖАНРИ ҲАҚИДА

«Нома» форса сўз бўлиб, у «хат», «мактуб» демак маъноларини билдиради. «Нома» жанри адабий атама сифатида мактуб, хат тарзида ёзилган бадий асар маъносини ифодалайди. Шарқ мумтоз адабиётида «нома», асосан, шеърини йўл билан битилган. «Нома» бирор асар таркибидagi мактуб (масалан, Шириннинг Фарҳодга ёзган мактуби) сифатида эмас, балки мустақил асар сифатида пайдо бўлган. Хоразмий ўзбек мумтоз адабиёти тарихида «нома» жанрининг асосчиси сифатида таъ олинади.

«Муҳаббатнома» нома, мактуб, ғазалларнинг тасодифий қўшилишидан иборат асар бўлмай, балки ўз таркибига бир қатор шеърин турларни жамлаган ва уларни умумий мақсадга йўналтирган яхлит жанрдир.

Таркибида «нома» сўзи келган «Бобурнома», «Темурнома» сингари тарихий асарлардан ушбу жанр фарқ қилади, юқоридаги номларда «нома» – битик, ёзув, тарих маъносидан келган бўлса, биз ўрганган асарда бўлса мустақил жанр ифодаси бўлиб келган.

Хоразмийдан кейин унинг анъаналари Хўжандийнинг «Латофатнома», Юсуф Амрийнинг «Дахнома», Сайид Аҳмаднинг «Таашшуқнома», Сайид Қосимийнинг «Ҳақиқатнома» ва «Садоқатнома» каби асарларида давом этган.

Савол ва топшириқлар:

1. «Нома» жанрининг ўзига хос белгилари нимада?
2. Ўзбек мумтоз адабиётида нома жанрига ким асос солган?

3. Ўзбек адабиётида нома ёзган қайси шоирларни биласиз ва уларнинг асарлари қандай номланади?

4. «Бобурнома», «Темурнома» сингари асарлар билан «Муҳаббатнома» йўналишидаги асарларнинг жанрий фарқлари ҳақидаги фикрингизни айтинг.

ФАРД ҲАҚИДА

Фард - бу жанрнинг номи арабча «ёлғиз, битта, ягона» маъноларини англатувчи сўздан олинган. Адабий истилоҳ сифатида бир байтдан иборат бўлган, тугалланган шеър фард деб айтилади. Лutfий, Навоий ва Бобур шеърлятида фарднинг яхши намуналари бор. Чунончи, Бобурнинг

Ҳарвақтки кўргасен менинг сўзумни,

Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни

фарди сўз санъатида шоир истеъдодининг бетакрорлиги ҳақида айtilган ҳикмат каbidир.

Фард айрим йирик асарларда қиссадан ҳисса тарзида хулоса айтиш учун ҳам келтирилади. «Муҳаббатнома» сўнггида келган

Ниёзим бу турурсендин нигоро,

Унутма бандани баҳри худоро

фарди шундай талаб билан келтирилган худосаловчи фардлар сирасига киради.

Савол ва топшириқлар:

1. «Фард» жанрининг моҳиятини айтиб беринг.
2. «Қиссадан ҳисса» тарзида айtilадиган фардлар кўпинча қайси асарларда учрайди?
3. Сизга ёққан фардлардан учтасини топиб дафтaringизга ёзинг ва ёд олинг.

АТОИЙ

(XIV – XV асрлар)

XV аср темурийлар даври туркий адабиётининг йирик сўз санъаткорларидан бири мавлоно Атоийдир. Атоийнинг асл ва тўла исми, туғилган ва вафот этган йиллари аниқ эмас. Алишер Навоийнинг “Мажолисун нафоис” таъкирасининг учинчи мажлисида Атоий ҳақида қуйидаги қимматли маълумотлар қайд этилган. “Мавлоно Атоий Балхда бўлур эрди. Исмоил ота фарзандларидиндур, дарвешваш ва хушхулқ, мунбасит (очиққўнғил) киши эрди. Ўз замонида шеъри атрок (туркий тилда сўзловчилар) орасида кўп шуҳрат тутти. Бу матлаъ анингдирким:

Ул санамким , сув яқосинда паридек ўлтурур,
Ғоят нозуклуқиндин сув била ютса бўлур

Қофиясида айбғинаси бор. Аммо Мавлоно кўп туркона айтур эрди. Қофия эҳтиёжига муқайяд эмас эрди. Қабри Балх навоҳисидадур”.

Юқорида номи зикр этилган Исмоил ота ҳақида эса Навоий ўзининг “Насоимул муҳаббат” асарида қуйидагиларни ёзади: “Исмоил ота – Хожа Аҳмад Яссавийнинг Иброҳим ота отлиғ инисининг ўғлидур ва Хожанинғ муриди ва назар қилғонидур ва анга мурид ва асҳоб бўлубтур. Ва каромот ва мақомот ва хавориқи одот бениҳоят ва ёши юзга яқин ва авлоди ўн етти ё ўн саккиз бор эрди ва оламдин ўтарда авлоди орасидин Исҳоқ отани ўз қоим мақоми қилиб, оламдин ўтубдур”.

Хусайн Воиз Кошифий “Рашаҳот” асарида Исмоил отанинғ Хузиёнда (Тошкент билан Сайрам ўртасидаги қадимги бир вилоят) туғилгани ва Аҳмад Яссавий тариқатини давом эттирувчилардан бўлганини қайд этади. Ўз шажараси билан Хожа Аҳмад Яссавий авлодидан бўлган Атоий шеъриятини айрим адабиётшунослар талқин этганидек, дунёвий лирика эмас, балки, сўфиёна шеърият дея шарҳласак тўғрироқ, мантиқлироқ бўлар деб ўйлаймиз.

Алишер Навоий таъкидлаганидек, Атоий кўпроқ Балхда яшаган, замонасининг машҳур туркийда ижод этувчи шоирларидан бўлган. Аксарият хуросонлик шоирлар (Лутфий, Гадоий, Навоий каби) ижодида Ҳирот шаҳрининг васф этилганлигини гувоҳи бўламиз. Атоий ғазалиётида эса Ҳиротни тарқ этишликка урғу берилган. Бунга Атоийнинг тариқатга кирганлиги, қалбидаги илоҳий ишқ сабаб бўлганлигини қуйидаги байтларда кузатиш мумкин:

Атоий бўлди чун суҳбати Чини,
Ҳузури қолмади шаҳри Ҳирида.

Ёки:

Чун сифлалар насиби бўлубтур Ҳироту, тўи учун
Кел ҳирқа кий Атоий, равон бўл Ҳироттин.

Мавлоно Атоий девон тартиб берган шоирдир. Бизга Атоий девонининг ягона қўлёмаси маълум. Бу қўлёзма Атоийнинг жами 260 ғазалини ўз ичига олади. Бу ғазаллар, шубҳасиз, Атоий умрининг турли давларида яратилган сермазмун, жозибали шеъриятининг бир қисмидир. Бироқ Атоий ғазалларининг миқдори бундан кўп бўлиб,

шоир лирик турнинг бошқа жанрларида ҳам шеърлар битиб, уларни девонга киритган бўлиши, лекин бу шеърлар бизгача етиб келган қўлёзмадан ташқарида қолган бўлиши мумкин.

Аmmo ушбу девоннинг ўзиёқ шоирнинг ўзбек мумтоз адабиётининг улкан намоёндаси, ажойиб ғазалнавис, истеъдодли, заковатли ва йирик шоир бўлганлигидан далолат беради.

Маълумки, ғазал мумтоз шеърятимизда етакчи жанрлардан ҳисобланган. Замондош шоирлар ижодида бўлганидек Атоий ҳам ғазал жанрида самарали қалам тебратган. Шоир ғазалларининг бош мундарижаси – илоҳий ишқ, Ёрга оташин муҳаббат. Сиз Атоийнинг “Жамолинг васфини” мисралари билан бошланувчи ҳазажи мусаддаси маҳзуф баҳрида битилган ғазалининг дунёвий таҳлили билан 7-синфда танишган эдингиз. Келинг шу таҳлилни бироз ёдга тушириб, ғазалининг ички тағмаёноларига яна бир бор эътиборни қаратсак.

Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул уёттин анжуманда.
Таманно қилгали лаълингни кўнглум
Кини билмас ониким қолди қанда.
Чу жонимдин азиз жонона сенсен,
Керакмас жон манга сенсиз баданда.
Манга ул дунёда жаннат на ҳожат,
Эшигинг тунроғи басдур кафанда.
Солиб борма мени эй Юсуфи ҳуси!
Букун Яъқубдек байтул ҳазанда.
Узуи сочингдин узмасмен кўнгулни,
Аёқинг қанда бўлса бошим анда.
Тилар эл мансаби олий валекин
Атоий сарви озодингга банда.

Мумтоз адабиётимиз намунаси бўлган ҳар қандай шеър шарҳини, энг аввало, унинг дунёвий мазмунини аниқлашдан бошлаган маъқулдир. Мазкур ғазал матлаъсида лирик қаҳрамон – ошиқ, ҳусни таърифи, васфи баён этилаётган Ёр – маъшуқа, гул тимсоллари мавжуд. Маълумки, гул гўзаллик рамзи ҳисобланиб, шеърятда гўзал ёр сиймоси гул образида акс этади.

Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул уёттин анжуманда.

Аmmo лирик қаҳрамон ўз Ёрининг гўзаллик рамзи, тимсоли бўлган Гулданда гўзал эканини ҳусни таълил сифати воситасида шоирона далиллаганти. Чаманда, яъни гуллар даврасида ошиқ ўз Ёрини васф этади, ҳуснида ўзини ягона деб ҳисоблаган Гул гўзаллик таърифи мен ҳақимда, деб ўйлаб турганда, васф умуман бошқа – ҳуснида тенгсиз Гўзалга қаратилгани аён бўлгач, кижолатдан қизариб кетади. Гулнинг қизиллиги шундан. Атоий Ёрининг ҳуснида тенгсиз, гўзаллардан ҳам Гўзал эканини шоирона далиллайди. Ўйлаб кўринг, ҳуснида тенгсизлик сифати қайси Зотга хос? Бу саволга жавоб топишимизга

кейинги байтлар тахлили ёрдам беради. Навбатдаги байтда ана шу гулдан-да гўзал Ёрнинг лаъли лаби тавсифи баён этилган.

Таманно қилғали лаълингни кўнглум
Киши билмас ониким қолди қанда.

Шарқ шеърлятида қизил лаб гўзаллик мезонларидан биридир. Шу сабаб лаб қим-матбаҳо қизил тош – лаълга қиёсланиб, “лаъли лабинг” ташбеҳи қўлланади.

Атой эса лаълинг истиораси воситасида мана шу таърифни бериш билан кифояланмай, лабининг юздан топиш имкони бўлмаётган даражада ўта нозик, юпқа эканини, “лаъл каби қизил лабининг кўнглим орзу қилган эди, аммо унинг қаерда қолганини ҳеч ким билмаяпти”, дея шоирона таъриф этади. Дунёвий тахлилда ҳам муболағали гўзал таъриф. Маълумки, тасаввуф адабиётида Лаб образи таъриф ва тасвирида Илоҳий калом назарда тугилади. Демак, мазкур байтда Лабининг таърифи воситасида Илоҳий Каломнинг гўзал ва нозик маънолари, бу маъноларнинг неча асрлар давомида кишиларнинг доимо ҳайратига сабаб бўлаётгани бадий либосда берилляпти. Шубҳасиз, Илоҳий Калом эгаси Аллоҳдир.

Чу жонимдин азиз жонона сенсен,
Керакмас жон манга сенсиз баданда.

Ушбу байтда ошиқ Ёрнинг жонидан-да азиз эканлигини таъкидлаб, ўзининг чексиз муҳаббат ва садоқатини баён этмоқда.

Ошиқ учун Ёрнинг дийдори барча нарсадан, ҳатто, жаннатдан ҳам устун қўйилади. Албатта, Ёр юқорида таъкидланганидек, Аллоҳ бўлгач, “зининг тупроғи” истиораси мазмунида Аллоҳнинг ҳузури, унинг дийдори назарда тугилади. “Керакмас жон манга сенсиз баданда” мисралари орқали сенсиз бу дунё керакмас деган бўлса, қуйидаги байт мазмуни бирлашиб, Сенсиз икки дунё керакмас, фақат Ўзинг, деган шият баён этилади. Навоий мана шу мазмуни кейинроқ “Зоҳид санга ҳуру манга жонона керак” мисралари билан бошланувчи рубойисига жо этган эди.

Манга ул дунёда жаннат на ҳожат,
Эшигинг тупроғи басдур қафанда.

Қуйидаги байтда Юсуф алайҳиссалом қиссаси эга олиниб, талмеҳ санъати воситасида лирик қаҳрамон Ёрдан ўзини Юсуф алайҳиссаломдан айрилиқда кўзлари кўр бўлаётган Яъқуб алайҳиссаломдек ҳижронда қолдирмаслигини сўраяпти. Ёр тимсолида Аллоҳ назарда тугилаётган экан, Ул Зотнинг висолига етмаётганига бу фоний дунё сабабчи. Шу сабабли фоний дунёни “байтул ҳазан”(ҳазинлик уйи) деб атайди:

Солиб борма мени эй Юсуфи ҳуси!
Букун Яъқубдек байтул ҳазанда.

Кейинги байт:

Узун сочингдин узмасмен кўнгулим,
Аёқинг қанда бўлса бошим анда.

Маълумки, узун соч гўзаллик рамзи бўлиб, гўзал, лаъли лабли, узун сочли ёрнинг оёғи остида боши бўлишligини ошиқ хоҳлаяпти. Ошиқнинг боши дунёвий ёр оёғи остида бўлса галати бир ҳолат бўлиб, Атоий – лирик қаҳрамоннинг Ёри Аллоҳ бўлгани сабабли ошиқнинг боши Ёр оёғи остида бўлиши табиийроқдир ва бу – саждадир. Атоий ишора санъати орқали айнан шу ҳолатни назарда тутганлиги шубҳасиз. Хоразмийнинг “Қаро менг ол яноқингга ярошур, Бошим дойим адоқингга ярошур” байтида ҳам айнан сажадага бош қўйиш назарда тутилган. Атоий фоний дунё рамзи бўлган – узун соч тимсолини қўллаб, бу дунёдан ҳам кўнглимни узолмайман, дейди. Бу билан, Ёр учун барча нарсдан, ҳатто, бу дунёдан кечиш керак деган сўфиёна фикрни инкор этмаяптими? Йўқ албатта. Бизнинг қавм – Муҳаммад (С.А.В.) алайҳиссаломнинг умматлари икки дунё саодатини тилловчилардир. Аллоҳ ўз бандасини Ўзига ибодат қилиш учун яратган экан, бу ўткинчи дунёда ҳам чиройли ҳаёт кечириш, ибодатда умр ўтказиш (Аёқинг қанда бўлса бошим анда) динимиз буюрган ишдир.

Тилар эл мансаби олий валекин,
Атоий сарви озодингга банда, –

деб ёзда Атоий ғазал мақтаёсида. Чиндан ҳам Ул Зотнинг ҳеч кимга эҳтиёжи йўқ, барча Ул Зотга эҳтиёжли кул – бандадир. Ёр образида Аллоҳнинг сифатлари баён этилар экан, мумтоз шеърятда эҳтиёжсиз ягона Зот қадди тик ўсувчи дарахт сарв, суманбар, абжад ҳисоби бўйича бирликин билдирувчи алиф ҳарфларига қиёс этилади. Оддий бандалар Аллоҳдан жуда кўп нарса сўраб илтижо қиладилар. Аммо Аллоҳнинг ошиғининг тилаги битта – Ўзи, Ўзига бандалик қилиш, ҳос суюкли бандаси бўлиш. Шоир “Атоий сарви озодингга банда” мисрасида ана ниятни баён этган. Халқимиздаги “Аллоҳ, бандам дегин” деган илтижо замирида чуқур маъно, энг олий ният ётибди.

Тариқат илмидан бохабар сўфий шоир Атоий ижодининг гоёвий мазмуни эса муқаддас Қалом ва тасаввуф фалсафаси асосига қурилганлиги шубҳасиз. Бизга маълумки, бу олам бир кўзгу бўлиб, ундаги мўъжизалар Яратгувчининг борлигига гувоҳлик бериб туради. Биз кўзгуда инсоннинг ўзини эмас, аксини кўрамыз, аммо бу нарса Унинг ҳам борлигининг исботидир, яъниким, бу олам бир кўзгу экан, ундаги барча мўъжизалар Аллоҳнинг борлигига гувоҳлик берувчи исботларидир. Бу – “...Мен танилмоқни истайдим, бу оламини яратдим” мазмунидаги ояти қаримага ишорадир. Айнан мана шу фикрлар қуйидаги байтда ўз аксини топган.

Не бало нозук яратмиш олимуд – ғайб оғзини,
Кунту канзан рамзи махфиси анинг шониндадур.

Ислолда ҳам, тасаввуфда ҳам Аллоҳ зотининг поклигига, нимаки пок нарса бўлса унинг пок этганлиги сабаб поклигига алоҳида урғу берилади. Аллоҳ пок Зот экан фақатгина, ишқи илоҳий, илоҳий маърифат билан покланган қалбнинг доимий эгаси бўлиб ташриф буюриши шоирнинг қуйидаги ғазал матлаъсида образли ифода этилган:

Ул санамким, сув яқосида паридек ўлтурур,
Ғовти нозуклуқиндин сув била ютса бўлур.

Эсланг, уйингизга нозик меҳмон келиши олдидан хонадонингиз қандай ҳолатга келтирилади. Аллоҳ – мўмин инсон қалбининг нозик меҳмони. Бу Зот қалбнинг доимий эгаси бўлиб қолиши учун инсон қалбини Аллоҳнинг зикри, ёди билан доимо покиза сақламоғи зарур. Бу фикрни шоир “Ҳоятини нозуклуқиндин сув била ютса бўлур” дея образли баён этмоқда.

Мазкур ғазалнинг куйидаги байтида ҳам жуда гўзал фикр яширинган:

Ул иликким сувдин орифтур, юмас они суда,
Балки сувни пок бўлсун деб илиги бирла юр.

Яъни инсон қўлини поклаш учун сувда ювса, Ул Зот (Аллоҳ) сувни поклаш учун қўлини ювяпти, яъни Аллоҳ поклик рамзи бўлган сувдан-да пок, сувни поклашни учун ҳам яратган Ўзи.

Мавлоно Лутфийнинг куйидаги байтида ҳам айнан шу фикр, яъни Аллоҳ пок этиб кўйганлиги учун туфроқ билан ҳам таяммум қилиш мумкин эканлиги айтиб ўтилган:

Ер узра этак судраб ўтубсиз онинг учун,
Туфроқ ила ҳар ерда раво бўлди таҳорат.

Ошиқ Атоий жуда кўп байтларида ўзини қул, гадо банд, мискин, маъшуқани эса подшо, бег, султон, гани сўзлари билан беради:

Сиз санамлар хонидурсиз, бандангиз бир энчу қул,
Бўлмасун бу улусда хонумон сизсиз манга.

Ғариб эрур гадони сўрмоқ, э, шоҳ,
Сўрарлар жумла олам мўътабарин.

Мен басы мискинмену сиз ҳусни ила асру гани,
Айб эмас кўз тутса мискинлар тавонгардин мурод.

Гадомен васлингга не чора айлай,
Ки султонлар бу иш бечорасидур.

Сўрсанг Атоий хастанни, гоҳ-гоҳ яхши от учун,
Эй шаҳсуворим, то абад шаҳлар гадо бўлсун санга.

Ёр чун фарёдинга етмас, таҳаммул қил кўнгил,
Долин кимдин тиларсен, подшо раҳм айламас.

Юз Атоийдек гадое ўлса, қайтиб боқмағай,
Бу думоғу кибрким, ул ҳусни султонингдадур.

Атоий мазкур байтларда маъшуқа – Ёр гимеонини подшо, бег, султон, гани сўзлари орқали ифодалар экан, Ёри Аллоҳ эканлиги куйидаги байтларда янада ойдинлашди. Уткинчи фаний дунё Аллоҳнинг дийдоридан айриб турувчи тўсиқдир. Уткинчи фаний дунё беш кунлик дунё ҳам дейилади:

Бу фалак беш кун айиргай бандани сиздин, вале
То абад топқуси йўқ тағйир азалги эътиқод.

Малаклар ҳам сажда этгувчи Зот, уларни яратганлари ичида энг суюклиси бўлган бандаси – Инсонга сажда қилишга буюрган Зот ҳам ягона Аллоҳдир.

Бешубҳа малак қилғусидир қабрина сажда,
Хоки қадамнинг бўлса Атоий кафанида.

Инсон Аллоҳнинг қули, бандаси экан, унга ҳукм этгувчи Аллоҳдир.

Гаҳ қилур жавру жафо, гаҳ кўргузур меҳри вафо,
Ҳукм анингдур, ҳар не қилса банда фармониндадур.

Инсон Аллоҳнинг ризолиги билан жон бермас экан, у умрининг сўнгги дақиқаларида калимаи шаҳодатни айта олмайди, яъни иймон билан кетмайди. Аллоҳнинг ризолиги билан жон бермай, қайта тирилишдан “Ўлум юз қатла ортуқроқ”, зеро, Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ биз севишимизга энг лойиҳ бўлган Зотдир. Зотан Атоий таъкидлаганидек:

Манга сенсиз тирилгандин ўлум юз қатла ортуқроқ,
Бу сўзда ҳақ билур, кўнглум тилим бирла мувофиқтур.

“Нени севсанг имонинг ўшадир” деган эди машҳур турк шоири Юнус Эмро. Атоий эса:

Охир дам агар арз қил имон десалар, мен
“Имоним ўшал моҳ!” дегумдур, дағи ўлғум.
Қилсалар маҳшарда эл тақвою тоат бирла фаҳр,
Мен сенинг ишқинг била қилғумдур ул дам ифтиҳор.
Барча қурбонлик қилурлар ийд учун, мен хаста дил,
Келтирубтурмен сенга жонимни қурбон қилғали. –

деб ёзди.

Аллоҳнинг муҳаббатини қалбига жойлаб қилинган ибодат – Ул Зотнинг даргоҳидаги энг мақбул ибодатдир.

Қилмағай сажда Атоий Каъбанинг меҳробина,
Бўлмоғунча кўнглида ул қошу кўзининг нияти.

Айнан шу фикрни кейинчалик Машраб мазкур байт мазмунига жо этди:

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на ҳожат,
Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай.

Атоий лирик қаҳрамонининг энг олий орсуси қуйидаги байтда ўз аксини топган дейиш мумкин:

“Фалонни кулларимдиндур” демушсен.
Атоий ушбу сўзга банда бўлсун.

Шеърятда тавсиф эмас, тасвир ҳал қилувчи аҳамиятта эга. Истеъдодли шоир бу усулларнинг чегарасини яхши англайди. Ва ҳоқиқатни образлар тили билан тасвирлашга интиладики, бунинг учун сўзга сўнмас меҳр, энг муҳими, маҳорат керак бўлади. Атоийнинг тасвирлари жонли ва бўёқли. Шоир ғазалларида сўз ва образлар воситасида руҳий манзаралар чизади, ошиқона фикру мулоҳазаларни ифодалайди.

Шоирнинг лирик қаҳрамони, аввало, “шум рақиб”ни – кўп тубанликларнинг рамзи – ағёрни қаттиқ қоралайди:

Рақиб бирла мусоҳиб қилма бизни,
Қутурғон итга сағбон ҳожат эрмас.
Рақибларга қилур лаълинг табассум.
Қонимни ғуссадин тошгурмоғинг не?
Рақиб кўйида йўл бер манга бараҳмандек,
Яна қилур делу кўнглум гули снѐ ҳавосин.
Рақиб жонини тандин жудо қилсун,
Айирди зулм ила маҳбубдин бизин.

Бизга маълумки, мумтоз адабиётда нафс ва шайтон рақиб образи орқали ифодаланган. Биламизки, шайтон васвасаси ва нафсимиздаги такаббурлик ва кибр каби энг ёмон шайтоний иллат бандани Ул Зотнинг эшигидан, яъни Аллоҳнинг даргоҳидан йироқлатади. Юқоридаги байтларда айнан шу фикр ўзининг бадний ифодасини топган.

Кўйидаги байтдаги юз образи Аллоҳнинг мўъжизалари рамзи бўлиб, ақл эгалари учун ҳилоятдир, бу фоний дунѐ (зулф) куфр аҳли учун бир фитнадир. Кўйидаги байт мазмуни: “...бу дунѐ... сизлар учун фитнадир”, “...дунѐ мўъжизаларида ақл эгалари учун ибрат бор” мазмуни жо бўлган ояти карималардан сизиб чиққан дейиш мумкин:

Эй мусҳафи ҳуснунгга менгинг нуқтаси оят,
Ислому элига бўлди юзунг нури ҳилоят.

Юқоридаги барча байтлар таҳлили Атоийнинг сўфиёна шеърят эгаси эканлигини кўрсатиб турибди.

Шоирнинг вази, қофия ва радиф қўллашдаги маҳорати ҳам тадқиқотчилар томонидан ҳаққоний тарзда юксак баҳоланган. Атоий ғазалларининг тили содда, равои, кўп ҳолларда халқнинг оғзаки нутқиға яқиндир.

Атоий халқ қўшиқларининг соддалиги ва мусиқийлигидан илҳомланди.

Унинг 260 ғазалидан 109 таси ҳазажнинг “туркий” деб номланган халқ қўшиқлари вазнида яратилиши бунга ёрқин далилдир. Атоийнинг кўпгина ғазаллари рамал баҳрида битилган. Жумладан, “Ул санамким” мисралари билан бошланувчи ғазали ҳам айнан рамали мусаммани маҳзурда ёзилган:

Ул са-нам-ким, / сув я- қо- син / да па-ри-дек / ўл-ту-рур,
Ғо-я-ти но / зук-ду-кин-дин / сув би-ла ют / са бў-лур.
- V - - / - V - - / - V - - / - V -
фо и ло тун / фо и ло тун / фо и ло тун / фо и лун

Мавлоно Атоий шеърятда Шарқ мумтоз шеър санъатларидан унумли фойдаланди. Шоир ғазалиётда юксак маҳорат билан қўлланилган санъатлардан бири ирсоли масалдир. Мумтоз адабиёт поэтикасидан маълумки, шеърдаги байтларни, мисраларни маълум мақсадда мақол ва маталлар билан безаш, жило бериш санъатини ирсоли-ул-масал фил байти деб аталади.

Ғанимат тут жамолу ҳусн даврин,
Масалдурким, “яна бу дам топилмас”.

Рақибу зоҳид оҳимдин куярлар,
Бале, ўт куйдурур ҳар хушқу тарни.
Севса агар Атоий рақибини ажаб эрмас,
Ким, " эгасин оғизлар, итиға сўнгак солур"
Лаълидин бағринг қонин ҳардам Атоий сўрмаким,
Чун аримас нечаким, ювсалар қон бирла қон.

Халқ ижоди ва унинг жонли тилини яхши билган Атоий халқ мақол ва маталларига ҳурмат билан қараб, ўз лирикасида улардан унумли баҳраманд бўлган ва ғазалларида унинг чиройли намуналарини келтирган.

Бундан ташқари Атоий лирикасида маънавий ва лафзий санъатларнинг яна бир қатор намуналарини кўриш мумкин:

Тажнис:

Десагким: " Жон сипар қилғил, Атоийм!"
Турубмен ушмундоқ ўлдур, от оийм! . .

Китобат санъати:

Мим оғзи била зулфи қадди лом алифидин,
Эй вой, нетай хаста кўнгул қолди аламға.

Бу байтда шоир " хаста кўнгулнинг аламға қолиши" га ёрнинг "мим"га ўхшаш оғзи (араб ёзувида "М" ҳарфи ▲ шаклида ёзилиб, унинг тўғарак қисми жуда кичик бўлгани учун оғиз "мим"га ўхшатилади.), "лом" га ўхшаш зулфи (қайирма зулф "л" ҳарфининг арабча шакли – ل га ўхшатилади.) ва "алиф"га ўхшаш қомати (араб ёзувида " а" ҳарфи " ا " шаклида бўлиб, қадди қомат алифга ўхшатилади) сабаб дея ва бу ҳарфларнинг шаклидан алам الم сўзини ясайди.

Лафф ва нашр

Юсуф юзи, қудуқ зақани бор, сочи расаң,
Исо дамию Хизру хат эри зулол эрур.
Сочинг сунбул, юзунг сарву суманбар,
Кўзунг нарғис, янғонинг арғувондур.
Қайсари Рум ой юзунг, мушкин сочинг хоқони Чин,
Шоҳи Ҳиндистондур менгинг, султони Туркистондур
кўзунг.

Юқоридаги байтлар маъно жиҳатдан бир-бирига яқин сўзларнинг қатнашаётгани билан таносуб санъатига ҳам мисол бўла олади: сунбул, сарв, суманбар, нарғис, арғувон; бел, оғиз, нозик; Рум, Чин, Ҳиндистон, Туркистон каби.

Тажоҳули орифона:

Ё раб ул оразмудурё лола арьар устина,
Ё шақойиқ барғидур сарви суманбар устина?
Эй бегим, ушбу юз , дегул, шамс била қамармудур?
Эй бегим, ушбу сўз, шаҳд била шакармудур?

Саволу жавоб:

Сўрса малакулмавт : "Санга хур керак?"-деб
"Йўқ –йўқ, менга дилхоҳ!"- дегумдур, дағи ўлгум.
Гаҳи ки босса аёғин юзумга, ноз ила дер:
"Аёғим оғриди, не бурё эмиштуксен".
Юзига кўп тика боқсам, манга кулуб айтур:
"Атой, не кўзи тўймас гадо эмиштуксен".

Ҳусни таҳлил:

Хусн ичра қусурни билибон то дами маҳшар,
Ёшунди юзунг хижлатидин жашат аро хур.
Талошмиш ғунча оғзинг бирла торлиқ,
Сабо оғзина ўғринча урубтур.
Йилда бир қотла кўрунур , зарра чиқмас боғдан,
Ўғрилик қилгон учун ранги лабингдин аргувон.

Тамсил:

Йиллаб юзунгуздин олайин зулф ниқобин,
Гул яхши очилмас кечалар ёғмаса ёмғур.
Наргисга боқди деб мени ёзғурди кўллари ,
Усрук киши билурму кишининг гуноҳини,
Қил закоти фитр Отойга равон
Ким, дариг этмас ғани гадодин ийдлиқ.

Атой шеърятда **радиф** ҳам муҳим аҳамият касб этади. У ғазалларда қофиядан кейин такрорланиб келадиган бир хилдаги сўз ёки сўз бирикмаларидан иборат бўлган радифларни қўллашда ҳам моҳирлик кўрсатган. Атой "бегим", "дағи ўлгум", "ийдлиқ", "латиф", "тақсирим недур", "дерлар", "кўзинг", "кўнгул" каби радифлардан кўпроқ ғазалларнинг мазмунли, таъсирли, жозибали, равон, муסיқий ва нафис, тилининг бадийий жиҳатдан юксак бўлишини, ички ҳис-туйғуларни кучлироқ ифодалаш каби мақсадларни кўзда тутган ҳолда фойдаланган.

Атой – маҳоратли ғазалнавис. У мавзуга муносибатда, фикр ифодасида, поэтик образларни топшиш ва қўллашда, оҳанг ва вази мувофиқлигига риоя этишда доимо ҳақиқий санъат талабларида иш юритган. Бугина эмас, у ғазалларининг ғоявий-ҳиссий таъсирчанлигини кучайтириш, маънони жозибали оҳангларда ифода этиш учун шарқ классик поэтикасидаги таъносуб, тазод, ташбеҳ, талмеҳ, ирсоди масал каби қатор шеърый санъатлардан моҳирлик билан фойдаланган.

Мумтоз шеърятда қошни ёйга, киприки ўққа, кўзни қотил жаллодга қиёс этишлик анъанасини Навоий, Огаҳийлардан олдин Атой лирикасида акс этганлигининг гувоҳи бўламиз. Дунёвий маъшуқанинг қошини чимириб, ўтли нигоҳ билан ошиққа қарашининг қалбига киприк билан ўқ қадагандек таъсир этади. Бу ҳолатни илоҳий ишқ орқали талқин этсак, қуйидаги байт Аллоҳнинг суйган бандасига дард беришлиги, синовларни юбориши ва охир ўлим билан мукофотлаб ўз ҳузурига чақириб олишлигининг бадийий ифодасидир.

Мумтоз шеърятда кўзни қотил, кофир, фаттон, жаллод нисбатлари билан беришлик кўп учрайди. Аммо кўзни “султони Туркистон” дея нисбат беришлик атоийона ташбеҳ десак хато бўлмас.

Икки ёдур қошида пайваста минг новак била,
Не ажаб ҳар бир назарда қилса юз қурбон кўзунг.

Қасди жоним қилғали айнул яқин бўлди манга,
Андаким боқти йироқтин ноз ила пинҳон кўзунг.

Қайсари Рум ой юзунг, мушкин сочинг хоқони Чин,
Шоҳи Ҳиндустон менгинг, султони Туркистон кўзунг.

Мумтоз шеърятда илоҳий ишқ изтироблари, Ёр (Аллоҳ) гўзалликларининг васфи асосий тасвир объекти ҳисобланади.

Маълумки, Аллоҳнинг бандаларига, ошиғига меҳр ила назар ташлаганлиги – кўз образи; Ушинг ҳузур – қош; Муқаддас Каломи – лаб; бу дунёсининг гўзалликлари – юз; фитналарга бой, Ул Зотдан йироқлаштириб турувчи фоний дунёси – соч, тун, зулф; қудрати, олимлиги – бел образлари орқали бадний ифодаланadi.

Мавлоно Атоий туркий адабиётида Навоийгача етишиб чиққан истеъдодли шоирларимиздан Лutfий, Атоий, Саккокийлар қатори мумтоз шеърятимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Атоий ғазалиётда дардли оҳанглар кенг ўришни ишғол этса-да, улар нисовий ишқ ва эзгуликка чорлайдиган ёлқинли оҳанглардир. Мана шунинг учун ҳам шоир шеърлари ўз давридаёқ халқ ўртасида кенг довруғ таратган эди. Ва шу довруғини мумтоз шеърят мухлисари орасида абадий сақлаб қолади.

Савол ва топшириқлар:

1. Атоий ҳаётига доир қандай маълумотларни биласиз?
2. Навоийнинг Атоий ҳақидаги фикрларини шарҳланг.
3. Атоий шеърятининг бош мавзу ва ғоясини мисоллар асосида тушунтиринг.
4. Шоир шеърятдаги тасаввуфий тимсоллар моҳиятини тушунтиринг.
5. Мақола асосида Атоийнинг бадний маҳорати ҳақида сўзланг. У мумтоз шеърятнинг қандай бадний-тасвирий воситаларидан фойдаланди.
6. Атоий ғазалларининг вази, қофия ва радиф хусусиятлари ҳақида нималар биласиз?

ҲАЗАЛЛАР

“Устина”

Ёраб, ул оразмидур ё дола арьар устина?
Ё шақойиқ баргидур сарви санубар устина?

Юзи уза солсанг тараб мушкин сочингни, энгларинг
Ёсаминдурким, тушубтур сунбули тар устина.

Лаъли серобингиз узра бу зумуррад сабзалар,
Тўтийё гўё кўнубтур қанду шакар устина.

Кўзларинг етмасмуди жонимни ёрат қилгалли,
Бир сари ҳиндуйи холунг келди кофар устина.
Ҳусн ганжидур юзунг, гесуларинг сақлар ани,
Ваҳ, не афсунлаб борай ул икки аждар устина.

Кирингинг жарроҳина борса жароҳатлиқ кўнгул,
Марҳаме бермас, урур ништарин ништар устина.

Гарчи булбулдур Атоий ҳусин васфинда, вале
Қуш учурмас ул пари пайкар ситамгар устина.

“Эй бегим”

Эй бегим, ушбу юз дегул, шамс била қамармудур,
Эй бегим, ушбу сўз дегул, шаҳд била шакармудур.

Кўз учидин қиё-қиё шева била боқишларинг,
Жон тамурин қиёр учун тигму ё назармудур.

Боди сабоки, келтурур жонға сочинг насимини,
Шаҳри сабонинг элчиси ҳудҳуди хуш хабармудур.

Зулфи муанбарингким, ул кўздин учар узун кеча
Сарви сиҳнининг устида зоғу абири тармудур.

Зорию нола кам қилай, рост айт, эй посбон,
Итларингға бу ноладин ҳар кеча дардисармудур.

Лаъли лабинг хаёлидин бир гузар айлайин дедим,
Жони азизидин вале, одамиға гузармудур.

Сўрсанг А эйи ҳолидин нетти, эй подшоҳи ҳусн,
Лутфу қарам гадойиға, тенгри учун зарармудур.

Савол ва топшириқлар:

1. “Устина” ғазалида қандай бадий тасвир воситалари қўлланган? Уларни дафтарингизга шарҳлаб ёзинг.
2. “Эй бегим” ғазали қандай сўз санъати асосига қурилган? Ёрнинг нозли қарашини нимага қиёс қилинмоқда?
3. “Шаҳри сабонинг элчиси ҳудҳуди хуш хабармудур” мисрасида сиз олдин танишган қайси қиссадаги воқеликка ишора бор?
4. Навбатдаги байтда зулф нимага қиёс қилинган?
5. Ёрнинг лаъли лабини жони азиз деб ишбат берилишини қандай тушунасан?
6. Мақтаъда ошиқ орзуси қандай санъат воситасида баён этилган?

“Манга”

Эй бегим, Валлоҳ, керакмас танда жон сизсиз манга,
Ҳам ҳаёти Хизру умри жовидон сизсиз манга

Эл тирик дерлар мени, кўнглумда фикр этсам, вале,
Бу тириклик то бўлур юз минг гумон сизсиз манга.

Сиз санамлар хонидурсиз, бандангиз бир энчу кул.
Бўлмасун ушбу улуста хонумон сизсиз манга.

Жаврунгиз меҳру вафодур, дардингиз айни даво.
Филмасал, гар ўлтурсиз меҳрибон сизсиз манга.

Васлингиз умрим гулидур, шавқида мен андалиб,
Ёз фаслинда бўлур вақти хазон сизсиз манга.

Мен бу юз муштоқидурмен, боғу бўстонким бўлур,
Бўлмасун насрину лола, арғувон сизсиз манга.

Мен Атойимен, Ҳусайний, ҳусн ичинда сен Ҳасан,
Карбалодур равзаи боғи жишон сизсиз манга.

Савол ва топшириқлар:

1. “Манга” газалининг матлабсизда талмеҳ санъати қандай фикрни баён этиш учун қўлланган?
2. “Эл тирик дерлар мени, кўнглумда фикр этсам, вале, Бу тириклик то бўлур юз минг гумон сизсиз манга” байтида инсоннинг қандай руҳий ҳолати ўз аксини топган?
3. Навбагдаги байтда қандай бадиий тасвир воситалари қўлланган?
4. “Жаврунгиз меҳру вафодур, дардингиз айни даво. Филмасал, гар ўлтурсиз меҳрибон сизсиз манга” байтида қандай парадокс, яъни фикр қарама-қаршилиги мавжуд? Бу фикрлар зиддияти моҳиятини тушунтиринг.
5. “Васлингиз умрим гулидур, шавқида мен андалиб, Ёз фаслинда бўлур вақти хазон сизсиз манга” байтидаги ташбеҳ ва истиора санъати қай мақсадда қўлланган?

“Юз сори”

Юз сори бўлди равон икки кўзумдин жўйбор,
Сарви дилжўюм не бўлди бир буён қилсанг гузор.

Сен ўшал султони ҳуснесенки, бўстонлар аро,
Давлатингдин гул эшигин ел очибон ел ёпор.

Бўлди бағрим сув гамингдин, яхшилик қил, сол суға,
Охир эй гул, хирманин, албатта, ҳар эккан урор.

Қилди жонимға мени ширин лабинг завқи бале,
Бу масалдурким, “ киши бол тутса , бормоғин ёлор”.

Давлатингдин кўкка етди борча қулларнинг боши..
Ушбу не толедур, ойим, бизга етсанг тонг отор.
Оғзингизни ҳар неча сўрдум тиладим, топмадим.
Гўё бу сўз ғалатдурким, “ тилаганлар тонор.”
Зулфунгуздин гар Атоий бошқа кўрса не ажаб,
Ким кўрармен “ бир синоғонни яна икки синор”.

“Кўзунг”

Эй латофат субҳидин толиъ икки чўлпон кўзунг,
Гардиши даври қамарда фитнайи даврон кўзунг,
Икки ёдур қошида пайваста минг новак била,
Не ажаб ҳар бир назарда қилса юз қурбон кўзунг.
Қасди жоним қилғали айнул яқин бўлди манга,
Андаким боқти йироқтин ноз ила пинҳон кўзунг.
Қайсари Рум ой юзунг, мушкин сочинг хоқони Чин,
Шоҳи Ҳиндустон менгинг, султони Туркистон кўзунг.
Гарчи оҳуйи Хўтандур беҳато билмон недин,
Чину Мочин долазоринда қилур сайрон кўзунг.
Чун тикилди бу манинг жонимни олмай қўймағай,
Ғамза бирла юз манингдек жонини олғон кўзунг.
Ҳар нечаким термулуб боқса Атоий мустаҳик
Бир назар қилмас анга тенгри учун эҳсон кўзунг.

Савол ва топшириқлар:

1. «Юз сари» ғазалида қўлланган санъатлар моҳиятини байтлар мазмунини шарҳлаш воситасида тушунтиринг.
2. “Кўзунг” радифли ғазалини билим ва тажрибаларингиз асосида таҳлил қилишга ҳаракат қилинг. Шоир қандай тасвир воситаларини қўллаганлигини айтинг.
3. Атоий ғазалларидан намуналар ел олинг.

САККОКИЙ

(XIV – XV асрлар)

XV аср туркий адабиётининг энг сермаҳсул давридир. Мазкур давр адабиётининг йирик намоёндаларидан бири мавороуннаҳрлик ғазалнавис, қасиданавис шоир Мавлоно Саккокий таржиман ҳолига доир маълумотлар кам сақланган. Алишер Навоий ўзининг “Мажолисун нафоис”, “Муҳокаматул-луғатайн” асарларида Саккокий яшаган, унинг адабий фаолияти ва XV аср адабий ҳаётида тутган ўрни ҳақида қимматли маълумотлар келтиради.

“Мавлоно Саккокий – Мовароуннаҳрдинур. Самарқанд аҳли анга кўп муътақид-дурлар ва бағоят таърифий қилурлар”. Навоийнинг “Ҳазойинул маоний” куллиёти муқаддимаси – “Хутбаи давоин” даги қуйидаги таърифда туркигўй шоирлар Саккокий ва Лутфийнинг эл орасида машҳурлиги ҳақида бундай ёзади: “Уйғуриборати фусаҳосидин ва туркий алфозининг булагосидин Мавлоно Саккокий ҳам Лутфийларким, бирининг ширин абётининг иштиҳори Туркистонда бағоят ва бирининг латиф ғазалиётининг интишоори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдурур ва девонлари мавжуд бўлғай”.

Навоийнинг Саккокий ҳақидаги маълумотлари унинг ўз замонасидаги энг машҳур ва истеъдодли сўз санъаткорларидан бири эканини кўрсатмоқда. Шунингдек, шоир Яқиний ўзининг “Ўқ ва ёй” мунозарасида Саккокийни “турк шоирларининг мужтаҳиди (гайратлиси) деб таърифлайди”.

Мавлоно Саккокий мовароуннаҳрликдир. У теурийларнинг пойтахт шаҳарларидан бўлган Самарқандда яшади ва ижод этди. Саккокий девонидаги:

Дашт элидин Хожа Тархонга етушса бу ғазал,
Тарк этар ҳар байтига осуда дунёсин Сарой. –

байти унинг бошқа ерларда ҳам бўлганини кўрсатади.

Саккокий шоирнинг таҳаллуси бўлиб, унинг асл исми маълум эмас. Саккокий сўзи “саккок” (пичоқчи) сўзидан олинган. Шоирнинг қуйидаги байтида айнан шу маънога эътибор берилган:

Қишчининги чиқор, чоп сол отингга,
Мени тутқунча мундоқ қин ичинда.

Адабиётшунос олим Натан Маллаев фикрига кўра, шоирни хунарманд оилада туғилган деб фараз қилиш мумкин. Саккокий XIV асрнинг иккинчи ярмида, эҳтимол, XIV асрнинг охириг чорагида туғилди. Чунки унинг девонида ҳижрий 810 (1407-1408) йилда Амир Теурийнинг набираси Халил Султонга (1405-1409) бағишлаб ёзилган қасида бўлиб, унда:

Тарихга саккиз юз доғи ўн эрдино қадр ашмои,
Бир ой туғулди дунёда ким мамлакатда хон эрур.
Бу қадр туни иззату қадр эмди даъво қилса ҳақ,
Чун шаҳзода мақдами даъвосина бурҳон эрур.
Лаълу жавоҳир сочилар шаҳ хизматида, мен доғи,
Келтурдим уш сўз гавҳарин ким ўз-ўзига хон эрур. –

каби мисралар бор. Шоир шубҳасиз, бу қасидани маълум ижодий тажриба тўплаган чоғида, чамаси, ўттиз ёшларида ёзган бўлиши керак. Зероки, қасида лирик турнинг хийла мураккаб бир жанри бўлиб, одатда у билан ҳаваскор шоир эмас, балки, тажрибали шоир шуғулланар эди.

Саккокий девонининг икки қўлёзма нусхаси жамоатчиликка маълум. Бу нусхалар бир-биридан у қадар фарқ қилмайди. Бироқ улардан бирортаси ҳам Саккокий девонининг тўла ва мукамал нусхаси эмас. Қўлёзмаларда шоир ғазалларининг фақат бир қисмигина берилган, холос. Саккокий девони ўз даврининг аъёнаналярига мувофиқ, ҳамд ва наът билан бошланади. Кейин ўн қасида берилади: бир қасида – нақшбандийлик тариқатидаги шайх Хожа Муҳаммад Порсога, бир қасида – Халил Султонга, тўрт қасида – Мирзо Улуғбекка, тўрт қасида – Арслонхожа Тархонга бағишланади. Қасидалардан кейин ғазаллар бошланади.

Саккокий истеъдодли лирик шоир. У туркий ва форс-тожик адабиети тажрибаларидан таълим олди, уларнинг аъёнаналярини давом эттирди ва ривожлантирди, ўзбек мумтоз адабиётига муносиб ҳисса қўшиб, кўпгина ғазаллар ва қасидалар яратди.

Шарқ поэтикасининг “фикри равои ва нафис ифодалаш йўллари ва воситалари, бадий санъатлар (приёмлар, воситалар)нинг турлари ҳамда хусусиятлари каби муҳим масалаларни ўз ичига олувчи” соҳаси бўлган илми бадеъ ҳам Саккокий лирикасида ўзининг чиройли ифодасини топгандир. Моҳир ғазалнавис Саккокий илми бадеънинг шеърий фикрларга қанот бағишлайдиган, мазмунни таъсирли ва унинг ҳаяжонлилигини оширадиган, фикрни бўрттириб, уни равшанлаштирадиган, оҳангдорлигини кучайтирадиган тазод, талмеҳ, ташбеҳ, таносиб, итфоқ, ҳусни таълил, ирсоли масал, тажохул-ул-ориф, лафф ва нашр, тарсе, тарди акс, тажнис ва бошқа шу каби кўпгина традицион шаклларида ўз ижодида маҳорат билан фойдаланди.

Саккокий ғазалиётида ҳам бошқа замондошлари ижодидаги каби сўфиёна оҳанг етакчилик қилади. Келинг, қуйидаги ғазал таҳлилига эътиборни қаратайлик.

Кўнглум тилар ул пистатек оғзинг етурган жомни,
Бу нуқлу майнинг ҳасрати ўлтурди хосу омни.
Ҳар ким тилоса васлингиз тилтек халойик оғзина,
Туштию ҳаргиз топмади, умринда бир кун комни.
Юзунг била зулфунг учув гоҳе кула, гаҳ йиела,
Доим кечурдим: шамътек умрумда субҳу шомни.
Эй шаҳ, етар эрди баче ғамдин вазифа жонима,
Не бўлди, кам қилдинг яна мен бандадин инъомни.
Юзунг гулидин то сабо кўтарди зулфунг суибулин,
Ҳайрону саргардон бўлиб, қилдим адам оромни.
Оғзинг, кўзингта пистау бодом ўзини тутса тенг,
Оғзини сидуру пистанинг, ёр ўртадин бодомни.
Зулфунг тузоққа менг била элтса нетонг Саккокийини
Ваҳким, кўруб топти халос ул дона бирла домни.

Мумтоз шеъриятда оғиз, лаб тасвирида унинг позиклиги ва ширинлик сифатлари бадий талқин этилади. Қуйидаги байтда пистатек оғзинг ташбеҳи воситасида ана шу

таъсир берилган. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, шоир ижодида лабни пистага нисбат беришлик кўп учрайди. Маълумки, Лаб (оғиз) тимсолида Илоҳий Калом назарда тутилади. Лирик қаҳрамон – ошиқ кўнгли Илоҳий Калом маърифатини тиламоқда, бу маърифат (нуқлу май) майдан тоттишлик барчанинг –хосларнинг ҳам, авомнинг бирдек талаби эканлиги иккинчи мисрада образли баён этилмоқда:

Кўнглум тилар ул пистатек оғзинг етурган жомни,
Бу нуқлу майнинг ҳасрати ўлтурди хосу омни.

Кейинги байтда Илоҳий Калом эгасининг васлини тилаганлар учун бу иш осон эмаслиги таъкидланади:

Ҳар ким тилоса васлингиз тилтек ҳалоийқ оғзина,
Туштию ҳаргиз топмади, умринда бир кун комни.

Навбатдаги байтда шоир лафф ва нашр санъати воситасида ана шу васл умиди билан(юз) фоний дунёда (зулф)яшайётганлигини баён этар экан, умрини шаъмга, висолни субҳга, фоний дунёни эса шомга қиёс этмоқда. Ёр ҳижрони ошиқнинг дардли ҳолатига, васл умиди эса бахтли онларига сабаб бўлади:

Юзунг била зулфунг учун гоҳе кула, гаҳ йиғла,
Доим кечурдим: шамътек умрумда субҳу шомни.

Олдинги байтларда ошиқнинг ғамли ҳолати ҳақида сўз кетар экан, ушбу байтда ошиқ чеккан дардларини жоннинг вазифаси дея, шунчаси етмасми, яна васл инъомини мендан даринг тутдинг, деб нола қилади:

Эй шаҳ, етар эрди баче ғамдин вазифа жонима,
Не бўлди, кам қилдинг яна мен бандадин инъомни

Қуйидаги байтда эса бир ондик васл бутун оромини йўқ қилгани образли ифодаланади:

Юзунг гулидин то сабо кўтарди зулфунг сунбулин,
Ҳайрону саргардон бўлиб, қилдим адам оромин.

Ҳазил матлаъида ёр оғзини пистага қиёс этган шоир бу ташбеҳдан қайтиб, агар оғиз ва кўзингга писта билан бодом ўзини ўхшатса, пистанинг оғзини синдир, бодомнинг ўртасидан ёр, дер экан писта билан бодомнинг шакли ҳамда чақилиш ҳолатидан ўз фикрини чиройли тасвирлашда ўринли фойдаланган. Ёрнинг, унинг лаб ва кўзининг ўхшашини йўқ, бетимсол ягона эканлиги баднийлик либосида баён этилади. Зеро, Аллоҳ ягонадир:

Оғзинг, кўзингга пистау бодом ўзини тутса тенг,
Оғзини синдур пистанинг, ёр ўртадин бодомни.

Асосий ижодий йўналишини сўфиёна шеърлардан иборат бўлган Саккокий бадний тасвир воситалари, жумладан, лафф ва нашр бадний санъатидан ҳам ўз лирикасида усталик билан фойдаланиб, унинг чиройли намуналарини ярата олган.

Қуйидаги байтда Саккокий зулфини тузоққа, менг – холни эса тузоқдаги донга қиёс этиб, айнан шулар воситасида муродига етганлигини таъкидлайди. Мумтоз шеърятда

хол ибодат, зулф, соч образлари эса фоний дунё рамгалари ҳисобланиб, мазкур байтда фоний дунёдаги қилган ибодатларимиз Ёр васлига етказувчи восита эканлиги образли ифодада берилган:

Зулфунг тузоққа менг била элтса нетонг Саккокийни
Ваҳким, кўруб топти халос ул дона бирла домни.

Бошқа бир ғазалнинг қуйидаги байтида ишора санъати қўлланилган бўлиб, инсонларнинг Ёр оёғига бош қўйиши саждага ишора бўлиб, ёр зулфи чавгон ўйинидаги тўпни илиб олувчи таёққа қиёс этилган. Ёрдан унинг қошида саждада турган бошларни зулфи билан чавгон ўйинидаги тўп каби отиб юбормасликни илтижо қилади, яъни бу фоний дунёсидаги фитналари билан ўзига қилинаётган ибодатлардан айирмасликни, ҳузурдан ҳайдамасликни, ҳақ йўлидан айирмасликни сўрайди. Бундай ғузал фикрини шоир лафф ва нашр санъати воситасида баён этади:

Барча халойиқ тўп бикии ташлар оёқинг иза бош,
Бу ишга зулфунг дол эрур, сен уни чавгон айлама.

Аллоҳнинг ризодлиги билан жон беришлик ҳар бир мўмин банданинг энг олий орзусидир. Бошқа бир ғазалнинг қуйидаги байтида ана шу орзу образли баён этилади:

Ушшоқ қонин тўккали элга қилич олсанг,
Ким илгару тутмас бўюн – ўзи бўйинна кони.

Шайтон инсоннинг қон томирларида бўлиб, бандани турли фитналарга бошлайди. Инсоннинг жони узилиши билан шайтоннинг макри тўхтайдди. Лирик қаҳрамон – ошшқ тезроқ мана шу ҳолат содир бўлишини рақиб – шайтон жабридан қутилиш йўли деб билади:

Рақиб жаври қуритти тамурда қонимни,
Сўнгоклари қуротиб қурисин анинг тамари.

Бадий маҳорат белгиларидан бўлмиш муболаға Саккокий шеъриятида ҳам кўп ва ҳўб қўлланилгандир. Шоир – лирик қаҳрамон ёр ҳажрида шунчалик кўп кўз ёш тўкадики, натижада икки кўздан оққан ёшдан икки дарё Сайхун ва Жайхун пайдо бўлади. Шоир ўзининг Мовароуннаҳрда қолишига айнан икки шу дарё – ёр ҳижрони, унинг ҳажрида тўкилган кўз ёшлар сабаб бўлди, деб сўз ўйини қилади, яъни Мовароуннаҳр икки дарё оралиғи демакдир. Яна шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, Саккокий қатор ғазалларида ўзининг мовароуннаҳрлик, туркистонлик эканлигига ишоралар бериб ўтади.

Мовароуннаҳр ичра қолдим, чунки икки ёнима,
Кўзларимнинг бири Сайхун, бири Жайхун айлади.
Чину Ҳинд элни паришон айлади зулфунг, вале
Қилди яғмо кўзларинг мажмуи Туркистонни.

Саккокий халқ кўшиқларига алоҳида эътибор беради. Бир ғазалида:

Туркона ир ирлағунча ошинг,
Куйдурди мени ялай – булоси –

деган шоир кўп ғазалларини худди Атоий каби “туркий” халқ кўшиқлари вазнида –рамали мусаммани мақсур (маҳзуф)да битди:

Чи- ну Ҳин дэ / лин па-ри- шон / ай- ла- ди зул / фунг ва- ле
Қил-ди яғ- мо / кўз-ла-ринг маж / му- и Тур-кис / то - н- ни.
- V - - / - V - - / - V - - / - V -
фо и ло тун / фо и ло тун / фо и ло тун / фо и лун

Саккокий халқ иборалари, таъбирлари, фразеологик бирикмаларидан кенг истифода этиб, ғазалларининг тил, услуб жиҳатдан содда, равон, бадний юксак, халқчил бўлишига эришди:

Ёр қаршусида ўлтурубон бола ичоли,
Чиқсун кўра билмас кишининг икки қароқи.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, Саккокий халқ жонли тилида кўп учрайдиган иборалардан, халқ оғзаки ижоди намуналаридан самарали равишда фойдаланган. У халқ ибораларига катта аҳамият бериб ғазалларининг сермазмун, тили содда ва баднийлиги, халқчиллигини оширишга, лирик қаҳрамоннинг ички хусусиятларини реалистик элементлар орқали очишга эътибор қилган.

Саккокий лирикасининг яна бир қимматли томони шундаки, у форс тили адабий тил ҳисобланиб, кўпчилик шоирлар шу форс тилида ижод этаётган, туркий, яъни ўзбек тили камситилаётган бир шароитда унинг ғазаллари ўз она тилида баралла жаранглаб, шуҳрат топди. У ўзининг туркигўй замондошлари билан ҳамкорликда туркий адабий тилнинг ривож топиб, вояга етиши ва шаклланиш жараёнининг тезлашувига кўмаклашди. Саккокий ғазалиёти тили учун характерли томонлардан бири форсий ва арабий сўзларнинг кам ишлатилганлигидир. Жумладан, қуйидаги байтда ир ирлағунча соф туркий сўзлар бўлиб, ҳозирги кунда қирғиз тили лексикасида мавжуд:

Туркоиа ир ирлағунча онинг,
Куйдурди мени ялай-булоси.

Мавлоно Саккокий XV аср ўрталарида вафот этган. Алишер Навоий Самарқандда бўлган йилларида (1465-1469) Саккокийнинг мухлислари билан учрашгани ва суҳбатлашганини сўзлайди. Мавлоно Саккокий бу даврда ҳаёт бўлганида, шубҳа йўқки, улар учрашган бўлар эдилар.

Шоирнинг ўйноқи ва жозибадор образлар яратишда эришган ифодалари унинг ғазалларига тишиқ, чуқур лиризм ва мусиқийлик бахш этган ҳамда унга ўзи ҳаётлигидаёқ шуҳрат келтирган. Саккокий Улуғбекка аталган бир қасидасида фахр билан:

Фалак йиллар керак сайр этсаю келтирса илқиға,
Менингдек шоири турку сенингдек шоҳи донони.

деб ёзар экан, бунга у тўла ҳақли эди.

Савол ва топшириқлар:

1. Саккокий ҳаётига доир қандай маълумотларни биласиз? Навоийнинг шоир ҳақидаги фикрларини шарҳланг. Улар қайси асарлардан олинган?
2. Саккокий девони ҳақида маълумот беринг. Унда қандай жанрдаги лирик асарлар ўрин олган?

3. Шоир ғазалларининг мазмуни ҳақида қандай фикрласиз? Мақолада “Кўнглим тилар...” сўзлари билан бошланувчи ғазалнинг тасаввуфий талқини берилган. Мазкур талқинга муносабатингизни билдириңиз.

4. Саккокий бадий тасвир воситаларидан, маънавий ва лафзий санъатлардан қай даражада фойдаланди? Мисоллар билан далилланг.

5. Шоир ғазалларининг вази, қофия, радиф хусусиятлари ҳақида фикр юритиңиз.

ҲАЗАЛЛАР

“Ичра”

Гул гуңча бўлур кўрса юзини чаман ичра,
Титрар кўруб ой энгини¹ шамъ анжуман ичра.

Ким кўрди анинг эрни² менинг ёшима менгзар,
Бир лаъл Бадахшондау бир дур Адан ичра.

Бўю юзу лаъл эрну хатту хаддина³ туш йўқ,
Сарву гулу мул, настарану ёсуман ичра.

Жоду кўзини Кашмир эли халқи кўрубон
Туттуқ дедилар, сени мусаллам бу фан ичра.

Хўблар чу ясаб юз ясалар зулфи чирикин,
Билгулук эрур юзинг, эй шоҳим, туман ичра.

Юзунг била лоф ургали кун лобда уёлғой,
Шамъе эрур ул ғояти ер-кўк лаган ичра.

Саккокийдин, э жон, ғаминг элчиси тилар жон,
Жон бирла равон қилдим агар бўдса тан ичра.

Савол ва топшириқлар:

1. Берилган ғазални диққат билан ўқий. Уларнинг мазмун-моҳиятини, образ-тисоаларини аниқланг.

2. “Ичра” ғазалидаги “Гул гуңча бўлур кўрса юзини чаман ичра, Титрар кўруб ой энгини шамъ анжуман ичра” байти мазмунини талқин қилишга уришиб кўриңиз. Очилган гулнинг юмиллиб (гуңча бўлиб) қолиши, ойнинг титраши сабаби нимада? Мазкур байтнинг Ағонийнинг машҳур байти билан оҳангдошлиги борми? Аниқланг.

3. “Ким кўрди анинг эрни менинг ёшима менгзар” мисрасини қандай тушунасиз? Мисрада ошиқ қайғуси ифодаланганми? Байтдаги ташбеҳларни топиңиз.

4. “Бўю юзу лаъл эрну хатту хаддина туш йўқ,

Сарву гулу мул, настарану ёсуман ичра” – байтида қандай шеърӣй санъат мавжудлигини аниқланг.

5. Ҳазалнинг қофияларини аниқлаб, дафтарингизга кўчириңиз.

1. Энг – юз.

2. Эри – лаб.

3. Хатту хад – ёноқ.

“Бўлса эди”

Агар қошимда ўшал гулузор бўлса эди,
Ғаме йўқ эрди, ғамим гар ҳазор¹ бўлса эди.
Жоним фидоси анинг, кошки менинг бу таним
Оти туёқидин учқон ғубор бўлса эди.
Кўзим боғир қонидин юз нигор² қилмас эди,
Агар кўнгулга мувофиқ нигор бўлса эди.
Бирор кўнгул ғамидан бўлса эди, воқиф дўст,
Не қайғу, душман агар сад³ ҳазор бўлса эди.
Ўларда қолмагай эрди кўнгулда бу ҳасрат,
Рақиб ит бикин эшигина зор бўлса эди.
Жонимга саҳл⁴ эрур эрди жафоси ағёрнинг,
Агар кўнгул била ул ёр, ёр бўлса эди.
Рақиб тишламас эрди сени, эй Саккокий,
Анинг итича сенга эътибор бўлса эди.

Савол ва топшириқлар:

1. “Бўлса эди” ғазалида лирик қаҳрамон – ошиқ нимадан шикоят қилади? Ошиқнинг орзу-истаги нима?
2. Ошиқ маъшуқа висоли учун нималарга тийёрлиги ғазалда қандай ифодаланган? Мисоллар билан изоҳланг.
3. Ошиқнинг Рақиб ҳақидаги фикрлари ифодаланган байтларни топинг ва талқин қилишга урнинг.
4. “Кўзим боғир қонидин юз нигор қилмас эди, Агар кўнгулга мувофиқ нигор бўлса эди” – байтидаги шеърини санъатини аниқланг ва изоҳланг.
5. Ғазаллардай бирини ёд олинг ва ифодали ўқишга ҳаракат қилинг.

Қасида

Жаҳондин кетти ташвишу мабодойи⁵ амон⁶ келди,
Халойиқ, айш этинг, бу кун сурури жовидон⁷ келди.
Тан эрди бу улус барча анингтек жони бор ё йўқ,
Биҳамдиллаҳ ўгон⁸ фазли била ул танга жон келди.

1. Ҳазор – минг;
2. Нигор – сурат, маҳбуба;
3. Сад – юз;
4. Саҳл – енгил, осон;
5. Мабодойи – бошланмиш, ибтидо;
6. Амон – эсонлик;
7. Жовидон – абдан;
8. Ўгон – ҳудо, тағри;

Бу мавкиб¹ гарди сурмоси топилмас эрди бериб жон,
 Кўрунг кўз бирла ҳақ сунъинким ўш хуш ройгон² келди.
 Аламтек барча бекларнинг боши кўкка керак текса,
 Ким оилар такъя қилғоли бу қутлуғ остон келди.
 Жаҳондин аҳраман кетиб мусаххар бўлғой инсу жон,
 Ким ўш тахтини ел кўтуруб Сулаймони замон келди.
 Бойинди тахтининг қадри, ўзунг тож кўкка тошлоди,
 Адолат боғи сабз ўлди, чу Нўширавон келди.
 Керак жон булбули тун-кун наводин тиймаса бир дам,
 Чу дўстлориға хуррам ёз, адуларға³ хазон келди.
 Раият кўй эрур, султон анга чўпону ё бўри,
 Бўри ўлгою кўй тинғой, чу Мусотек шубон⁴ келди.
 Бу кундин сўнгра кўп тинғой раиятлар риоятдир,
 Улус ҳаққида минг турла атодин меҳрибон келди.
 Кўнгуллар бўлди хуш равшан кўриб қолмади бир зарра,
 Қоронғулик кетиб, ҳоли чу хуршиди замон келди.
 Севинсун ҳисрави олий гуҳар султон Улуғбекким
 Бу шаҳнинг лашкари қайси вилоят сори азм этса,
 Фалақдин ҳар замон ул дам индон “ал-амон”⁵ келди.
 Булар элга қилич-найза олиб ҳайжога⁶ кирганда,
 Ҳеч иш келмоди аҳдодин магар оҳу фиғон келди.
 Бу лашкар етканин кўрсанг ясоб аҳдонинг устига,
 Соғинғойсен черик⁷ эрмас магар гурзу синон⁸ келди.
 Шаҳаншоҳо, сенинг отинг шаҳи кишваркушо эрди,
 Ол эмди дунёни кўктин лақаб гетиситон⁹ келди.
 Тавору¹⁰ кўй бикин¹¹ душман кўруб бахтинг қавийсини,
 Ўз илгин боғлаб олингга заифу нотовон келди.
 Кириб тулқу бикин душман инди ўлгай очлиқдин,
 Не қилсун устина ҳайбат била шери жаён¹² келди.

-
1. Мавкиб - мулозимлар;
 2. Ройгон - бекорга, текин;
 3. Аду - душман, ёв;
 4. Шубон - чўпон;
 5. Ал-амон - эл эсон-омон, умумхалқ байрами;
 6. Ҳайжо - жанг;
 7. Черик - қўшин, аскар;
 8. Синон - найза; 12. Гетиситон - жаҳонгир;
 9. Гетиситон - жаҳонгир;
 10. Тавору - тарих;
 11. Бикин - каби;
 12. Жаён -

Қуруқ савдо пиширди-ю, вале хом этти ишларин,
 Охир кўргул бу савдодин бошиға не зиён келди.
 Аё шоҳо, малак сийрат сенинг васфинг сўзи ичра,
 Ўқийин эмди олингда яна бир дoston келди.
 Эшигинг тупроқи мажруҳ бўлгон жону танларға,
 Шифолиқ марҳами бўлди, бисоти парнуён¹ келди.
 Неким Нўширавон адл иши ичра қилди тақсирин,
 Қамуғинга² анинг бир-бир шариф зоти зимон³ келди.
 Салотин дунёда кўп келди-ю, кечти сенингтеқ бир,
 Фалакнинг гар тили бўлса айитсунким, қачон келди?
 Малактеқ зуҳду тоатда ишингни мунтаҳо⁴ қилдинг,
 Бу ишдин ложарам⁵ сидра⁶ сенга адно⁷ макон келди.
 Қачон кайвон⁸ бикии онлар сарою тоқи олийға,
 Тилоса посбонлиқни шаҳи Ҳиндустон келди.
 Сенинг базмингда келтуруб эшикка Зуҳрани гардун,
 Деди танда эдинг адно канизак мадҳхон келди.
 Гадолар ройгон топғой зарурий моли Қорунни,
 Яди⁹ байзо¹⁰ бикии илгинг жаҳонға зарфишон келди.
 Улусқа тўй берур бўлсанг қўюб олтин кумуш гирда,
 Мурассаъ¹¹ инжулар¹² бирла фалактин икки хон келди.
 Қилич яшнатсанг урушта анинг кай шуъласин душман,
 Кўруб айтур: – Қамуғ, ҳай-ҳай қочинг, барқи ёмон келди
 Ўқуингни кўрса саҳмингдин¹³ сўнгугтеқ титрар аъзоси,
 Дегай аҳдоким¹⁴ ўш жонға балойи ногаҳон келди.
 Кишиким қаҳрингга учрар шақоват¹⁵ бирла ул борди,
 Вале лутфингни топғонга саодатдин нишон келди.
 Шаҳо, лутфингни топқом деб дуочи банда Саккокий,
 Белин жони била боглаб бу хизматга равон келди.
 Эрурман хонадонингнинг кўнгул бирла дуочиси
 Менга бурҳон¹⁶ тилосалар сўзим худ чин аён келди.
 Мамолик¹⁷ назмию диннинг қуруғидур шариф зотинг,
 Набитек шаръий ишингда замиринг хурдадон¹⁸ келди.

Изоҳли луғат:

1. Парнуён – тулдор ишак мато; 2. Қамуғ – ҳамма; 3. Зимон – кафиллик; 4. Мунтаҳо – тугатилган, охирига етказилган, охир, сўнг, нитиҳо; 5. Ложарам – шубҳасиз, албатта, мажбуран, шунинг учун; 6. Сидра – келр, баланд дарахт; 7. Адно – энг яқин, арзимас, энг тубан; 8. Кайвон – Зуҳал (Сатурн) сайераси; 9. Яди – қўл; 10. Яди байзо – Мусо пайғамбарнинг қўли, қўлигул; 11. Мурассаъ – безалган (қимматбаҳо тошлар билан); 12. Инжу – марварид, дур; 13. Саҳминг – ваҳминг, даҳшатинг; 14. Аҳдо – душманлар, ёнлар; 15. Шақоват – бахтсизлик, бало; 16. Бурҳон – далил, ҳужжат; 17. Мамолик – мамлакатлар; 18. Хурдадон – чуқур билимдон, олим;

Жаҳонда қарилар¹ тирик бўлуб иззат била турғил,
Азал вақтида чун отинг шаҳи соҳибқирон келди.

Қасида жанри ҳақида

Қасида (قصيدة) арабча қасд (قصد) сўздан олинган. ният, интидиш маъноларини беради. Адабий термин сифатида лирик тур жанрларидан биридир. Қасида муҳим тарихий воқеалар ва машҳур тарихий шахслар ҳақида тантанали услубда ёзилган асардир. Шу билан бирга, классик адабиётда табиат давҳалари, чолғу асбоблари ва бошқаларга бағишлаб ҳам қасидалар ёзилган.

Қасида араб, форс-тожик ва туркий халқлар адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида кенг тарқалган жанрдир.

Ўзбек адабиётида қасида жанрининг шаклланишида туркий халқларнинг қадимги шеърнати ҳамда форс-тожик ва араб қасидачилиги асос бўлди. Қадимий туркий шеърнатда қасида хусусиятлари бўлган “кўнғуғ” деб аталган жанр мавжуд эди. Унинг баъзи намуналари Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридан ўрин олган. Масалан:

Таркан қотун қутига
Текур манди кўнуғ,
Айил сизинг тобуғчи,
Ўтнур янги тобуғ.

(Маъноси: Малика Туркон хотунга мендан шу кўнуғ (қасида)ни топишир ва унга сизнинг содиқ қулингиз сизга янги бир хизмат арз қилаётир, дегин.)

“Девон”да келтирилган яна бир тўртликда гап ўша аввалги ҳиммати баланд, меҳр-шафқатли малика ҳақида боради.

Урмуш ожуз бусуғин қилмиш ани бозиг,
Эм-сем ангар тиланиб сизда бўлур ёқиг,
Тутчи ёғор булоти олгун томар ариғ,
Оқса анинг оқини қонли манинг қониг.

(Маъноси: Замон қутилмаганда уни яралди, Унга даво сиздагина топилади/Маликанинг ҳимматидан доим соф олтин томади, Унинг ҳаммаси мени тамом мамнуун этади.)

Бу каби парчалар мазмун эътибори билан тугалланган бутун қасиданинг кичик бўлагига ўхшайди.

Туркий қасиданинг илк намуналари Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билги” дostonида ҳам учрайди. Достондаги “Баҳор мадҳи” ва Тавғач Бугроҳонга бағишланган боб маснавий услубида битилган бўлса-да, мазмунан қасидадир.

Анъанавий ўзбек мумтоз қасидаси учун иккинчи муҳим бадий замин форс-тожик ва араб қасидачилиги бўлди. Шарқ қасидалари мавзу ва тасвир объектига қараб бир неча туркумини ўз ичига олади. Булар асосан қуйидагилар:

1. Қари – асп, давр; ҳайвон шoҳи.

1. Васфий қасидалар:

- а) баҳория (баҳор ва унинг манзаралари васфи);
- б) ҳолия (шоирнинг ўз ҳоли, кечинмалари тасвири);
- в) ишқия (ишқий кечинмалар васфи);
- г) хамрия (май, унинг сифатлари, кайфу нашидаси ҳақидаги қасидалар).

2. Мадҳ қасидалар:

- а) мадҳия (бирор шахсга бағишланган, уни мақтовчи, мадҳ этувчи қасидалар);
- б) фахрия (шоирнинг ўзини, ўз фаолияти, ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини мақтаган қасидалар);
- в) ҳамд (худо мадҳига бағишланган анъанавий қасидалар);
- г) наът (пайгамбар Муҳаммад мақтовига бағишланган анъанавий қасидалар)

3. Қасидан марсия (вафот этган бирор кишининг фаолиятини улуғловчи қасидалар).

4. Қасидан ҳажвия ёки қасидан замм (бирор кишини ҳажв қилувчи, музаммат қилувчи қасидалар).

5. Қасидан мувожот (шоирнинг ўз "гуноҳ"лари учун худодан нажот сўраб ёзган қасидалари).

6. Орифона ёки тасаввуфона қасидалар (фалсафий фикр-мулоҳазалар акс эттирилган қасидалар).

Бу турдаги қасидаларни биз Саккокий, Лутфий, Атоий, Гадий, Навоий каби машҳур ўзбек шоирлари ижодиётида учратамиз.

Қасида ҳажм жиҳатидан қатъий чегараланмаган. Унда байтлар сони 12 тадан кам бўлмаслиги керак. Охириги чегараси неча байт бўлиши ҳақида мумтоз адабиётшуносликда ҳам, ҳозирги замон адабиётшунослигида ҳам барқарор фикр айтилган эмас. Ҳар ҳолда, кичик ҳажмли қасидалар билан бирга ўрта ва ниҳоят катта (бир неча юз байтли) қасидалар ҳам яратилган.

Қасида, одатда, газал каби қофияланади. Унинг жуфт мисралари қофияланиб, тоқ мисралари очик қолади: а-а, б-а, в-а...

Анъанавий қасидалар композицион жиҳатдан 2 хил бўлади:

- 1. Қасидан том.
- 2. Қасидан мужаррада.

Қасидан том (тўлиқ қасида)да куйидаги бўлимлар мавжуд бўлади:

- 1. Насиб.
- 2. Гуризгоҳ.
- 3. Мадҳ.
- 4. Қасд.

Қасидан мужаррадада (тўлиқ бўлмаган, "яланғоч" қасидада) юқорида кўрсатилган компонентларнинг айримлари бўлмаслиги мумкин.

Ўзбек мумтоз адабиётида қасида махсус жанр сифатида Саккокий девонидан ўрни олган бўлиб, удар жанрининг ҳамма талабларига жавоб беради. Фазалда санъаткорлик маҳоратини яхши эгаллаган шоир Саккокий туркий қасидачиликнинг асосчиларидан

бири бўлди. Саккокийдан бизга 10 та қасида етиб келган. Улардан тўрттаси шоирнинг замондоши, буюк астроном ва математик Мирзо Улуғбекка, қолганлари Халил Султон, Шайх Муҳаммад Порсо, Арслонхожа Тархонга бағишланган.

Саккокий ўз қасидаларида жанр талабларига қатъий риоя қилади, яъни унинг кўпчилик қасидалари лирик кириш (насиб) билан бошланади. Насибда шоир баҳор келиб, табиатнинг гўзал тусга кириши, гулларнинг очилиши ҳақида, шунингдек, сеvimли ёр, ёрнинг бевафолиги тўғрисида, висол орзуси, ҳижрон изтиробини хусусида сўзлайди.

Лирик киришдан сўнг қасиданинг гуризгоҳ деб номланувчи кичик қисми бошланади. Тўрт-беш байтдан иборат бўлган бу қисм гўё ўқувчини қасиданинг асосий қисмига ўтишга ҳозирлайди, асосий қисм бошланаётганлигидан дарак беради. Қисқаси, гуризгоҳ кириш билан асосий қисм ўртасида бир кўприк вазифасини ўтайди.

Шундан сўнг қасиданинг асосий қисми – мадҳ бошланади. Бу қисмда шоир тасвир объекти қилиб олинган шахснинг фазилатларини мақтайди.

Қасиданинг сўнги қисми – қасида шоир тавсиф-таъриф қилаётган шахсга яхши истаклар билдиради, ўзининг матлаб-мақсадини баён қилади. Анъанага мувофиқ, ўзининг хоксор, фақирлигини, ҳомийи иноятига муҳтож эканлигини айтади.

Саккокийнинг айрим қасидаларида насибга кўпроқ ўрин берилади. Масалан, унинг Улуғбек мадҳига бағишланган бир қасидаси 54 байт бўлиб, шундан 22 байти насибни ташкил қилади. Айрим қасидаларда эса насиб 6-7 байтдан ошмайди. Қасиданинг ҳамма қисмлари ҳам асосий ғояни ифодалашга хизмат қилади, бир хил тантанавор услубда ёзилади.

Саккокийнинг ижодини хусусан Улуғбек ҳукмдорлик қилган даврда (1409-1449) камол топди. Маълумки, Улуғбек маърифатпарвар подшо ва буюк олим бўлиб, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳдларига ҳомийлик қилган. Унинг саройида бир қанча шоирлар тўпланган эди. Саккокий ана шу шоирлар жумласидан бўлиб, унинг ижодий фаолияти Улуғбек билан яқиндан боғлиқдир. Саккокий Улуғбекка бағишлаб қасидалар яратди, уни маърифатпарвар подшо сифатида шарафлайди.

Савол ва топшириқлар:

1. Шоирнинг юқоридаги қасидаси кимга бағишланган?
2. Қасидада Улуғбек образи қандай тавсифланган? У ҳақда қўшимча қандай маълумотларни бидасиз?
3. Улуғбек ким ва нималарга ўхшатилади? Бу ўринда шоир қандай шеърини санъатдан фойдаланган?
4. "Ранят кўй эрур, султон анга ҳўпоу е бўри, Бўри улгою кўй тинчой, чу Мусотек шубон келди", байти мазмунини шарҳланг. Байтда қандай шеърини санъатлар қўлланилганлигини аниқлаб айтинг.
5. "Салотин дунёда кўп келди-ю, кечти сенинг тек бир, Фалакнинг тар тили бўлса айтсунком, қачон келди?" байтида Мирзо Улуғбек қандай мадҳ қилинади?
6. Назарий мақола асосида қасида жанри ҳақида маълумот беринг. Қасиданинг қандай турлари бор?
7. Мазкур қасида жанр талабларига жаноб берадими? Унинг бўлимларини (насиб, гуризгоҳ, мадҳ, қасд) аниқланг.

ЛУТФИЙ

(1366 – 1465)

Шарқ шеърятининг соҳир сўз санъаткорларидан бири, Навоий таъбири билан айтганда "Сўз мулкининг малик ул-каломи", Хондамир таърифлаганидек "Сўз лутфида ягонаи даврон", ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ўзининг ишқ тараннумидан иборат бўлган ғазаллари билан катта шухрат қозонган Мавлоно Лутфий ижоди бебаҳо сўз хазинасидир. Ушбу хазина печаслар ўтса ҳамки, ўз қадр-қимматини йўқотмай келмоқда.

Мавлоно Лутфий ҳаёти ва ижоди ҳақида мумтоз адабиётимизнинг жуда кўп асарларида қимматли маълумотлар мавжуд. Шоир ҳақида ишончли ва муҳим маълумот, аввало, Алишер Навоийнинг "Мажолисун-нафос" тазкирасида, "Муҳокамат ул-луғатайн", "Хутбаи давоин" ("Ҳазойин ул маоний"га муаллифнинг ўзи томонидан ёзилган сўз боши) каби илмий ва адабиётшуносликка оид асарларида, "Насойим ул-муҳаббат", "Ҳолоти Саид Ҳасан Ардашер", "Маноқиби Паҳлавон Муҳаммад" сингари рисоаларида учрайди. Бу асарларда Навоий Лутфийга жуда юқори баҳо бериб, уни "Малик ул-калом" (сўз подшоси) деб атайдди. Лутфий ҳақида маълумот берувчи манбаларнинг энг йириги Алишер Навоий асарлари ҳисобланади. Шу сабабли биз, энг аввало, Мавлоно Лутфий ҳақидаги Навоий фикрларига тўхталиб ўтишни жоиз, деб ҳисоблаймиз.

"Мавлоно Лутфий (алайҳиррахма) – ўз замонининг маликул-каломи эрди, форсий ва туркийда назирни йўқ эрди, аммо туркийда шухрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдур ва мутаазирдур жавоб матлаълари бор, ул жумладан бири будурким:

Нозуклук ичра белича йўқ тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб, белидини ўлтурур куйи.

Яна бири буким:

Сайд этти дилбари мени ошуфта сочдин,
Солди камад буйнума икки қулочдин."

Алишер Навоий Мавлоно Лутфийни ўз замонининг "малик ул-каломи" дея улуғлар экан, бу таърифнинг ўзиёқ Лутфий ижодининг салоҳияти нечоғли эканини кўрсатади. Яна Навоий Лутфийнинг ҳам форсий, ҳам туркийда тенгсиз ижод соҳиби бўлган зуллисонайн шоир ҳамда туркий девон соҳиби эканлигини қайд этади. Шундан сўнг эса мухлисларнинг ҳайратига сабаб бўлган машҳур байтларни келтиради. Келинг, юқоридаги дастлабки байт таҳлилига эътиборни қаратсак.

Ҳар қандай мумтоз адабиётимиз намунаси бўлган шеърни энг аввало дунёвий мазмунини аниқлаш маъқулдир. Бу байтда ёрнинг сочи (гисуйи) ва бели таъриф этиляпти, яъни белининг позиклик даражасига даъво қила олмаган ёрнинг сочи ўзининг мавқенин тўғри англаб белдан пастда (ўтирибди) турибди. Ёр белининг нақадар ингичка эканлигини шоирона таърифлаган Лутфий қайсибир маънода сочи пастга ургандек кўринади, аммо аксинча, сочининг ўта узун ва қалин эканлигини ҳам таърифлаб қўйган. Байтнинг дунёвий мазмуни ва таълими-да гоят гўзал. Шоир ёрнинг сочи ва белини ҳусни таъдил санъати

воситасида таърифлайди, яъни ҳаётда сочиниг ўз даражасини билиб пастда (ўтириши) туриши ҳолати шоирона топилдиқдир. Байт мазмунини янада чуқурроқ англаш учун соч ва белни образ-тимсол сифатида таҳлил этиш унинг тасаввуфий моҳиятини очишга ёрдам беради.

Тасаввуф адабиётида соч – ўткинчи фоний дунё, бел эса Яратгувчининг қудрати, тафаккури, олимлик сифатларини ўзида ифодалаган тимсол ҳисобланади. Байтнинг маъносидан шу нарса англашиладики, бу фоний дунё Оллоҳнинг яратгувчилик қудратининг бир учкуни, унинг олимлиги, бутун мўъжизалари олдида бизнинг ҳайратларимизга сабаб бўлувчи бу фоний дунё ҳеч нарса эмас. Шу сабабли “у белдан куйида ўтирибди”. Дарҳақиқат, ҳам дунёвий, ҳам тасаввуфий таҳлил-галкини мазкур байтнинг машҳур бўлишига сабаб бўлганлигига шубҳа қолдирмайди.

“...Ва Мавлононинг “Зафарнома” таржимасида ўи минг байтдан ортуқроқ маънавийси бор, баёзга ёзмагон учун, шухрат тутмади ва лекин форсийда қасидагўй устодлардин кўпининг мушкул шеърларига жавоб айтибдур ва яхши айтибдур. Тўқсон тўққуз яшади ва охир умрида радифи “офтоб” шеъри айттиким, замон шуароси барча татаббуъ қилдилар, ҳеч қайсиси матлаъни онча айта олмадилар ва ул матлаъ будурким:

...Эй зи зулфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,
Шоми зулфатро ба чои моҳ дар бар офтоб.

(Мазмуни: тунга ўхшаш зулфиндан қуёш (юзинг) сояпарвардир, зулфинг тунда ой ўрнига қуёш чиққандир.)

Ва ўтар вақтида бу ғазал матлаъинким, туганмайдур эрди, васият қилдиким, ҳазрати Махдумий Нуран тугатиб, ўз девонларида битисунлар. Ул ҳазрат ҳам тугатиб, ўз девонларида битидилар ва ул матлаъ будурким:

Гар кори дили ошиқ бо кофири Чин афтад,
Беҳ з-он ки ба бадхўи бемехри чунин афтад.”

“Мажолисун нафос”да Лутфийнинг машҳур тарихчи олим Шарафиддин Али Яздийнинг соҳибқирон Амир Темурга бағишланган “Зафарнома” асарини форс-тожик тилидан туркийга ўгирган таржимон эканлиги ва юқоридаги Навоий томонидан таъкидланган туркийдаги каби форсийда ҳам беназир бўлганлигини кўрсатувчи аниқ далиллар берилган ва шу билан бирга шоирнинг узоқ умр, яъни 99 йил умр кўрганлиги қайд этилади.

“Мавлоно йигитлигида улуми зоҳирийни тақмил қилгондин сўнгра Мавлоно Шиҳобиддин Хиёбоний (алайҳиррахма) қошида суфия тариқийда ҳам сулуқ қилгондур. Азиз ва мутабаррак киши эрди.

Бу фақир борасида кўп фотиҳалар ўқубтур. Умед улким, чуи дарвеш киши эрди, баъзи мустажоб бўлмиш бўлғай.

Мавлононинг қабри шаҳр навоҳисида деҳи Канордаким, ўз маскани эрди, андадурур.”

“Мажолисун нафос”даги кейинги маълумотлар Лутфийнинг дунёвий билимларин ўрганганидан сўнг Мавлоно Шиҳобиддин Хиёбоний (алайҳиррахма)га мурид тушиб, тариқат йўлига кирган сўфий, азиз ва мўътабар инсон эканлиги “фақир”, яъни Алишер

Навой ҳақиқа кўп дуолар қилганлиги, айнан покиза бир қалб эгаси, дарвешваш нисон бўлганлиги учун бу дуолар мустажаб бўлишга умиди борлиги таъкидланади. Охирида яна бир муҳим маълумот, яъни Мавлоно Лутфий ўзи истиқомат қилган Ҳирот чекасидаги Деҳқанорга дафн этилганлиги қайд этилади.

Тарихий китобларнинг гувоҳлик беришича, Мавлоно Лутфий бир қатор ёш шоирларнинг ғамхўр ва меҳрибон устози бўлган.

Хондамирнинг "Мақоримул ахлоқ" асарида усто ва шогирдлик муносабатлари ифодаланган ушбу воқеа Навоий ҳаётини яхши билган адабиёт аҳлига таниш: Мавлоно Лутфий ўзининг сеvimли ёш шогирди Навоийнинг

Оразин ёпқоч, кўзумдин сочитур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч қуёш, –

матлаъли ғазалини шитиб ғоят ҳаяжонланди ва ҳайрат денгизига чўмиб шундай дедилар: "Валлох, агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг туркий ва форсий байғимини шу ғазалга алмаштирдим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффақият ҳисоблардим".

Келтирилган лавҳадан ёш Алишер устози Мавлоно Лутфийнинг лутфига сазовар бўлганлигини кўриш мумкин. Профессор Ҳоди Зариф бу учрашувни шундай шарҳлайди:

"... ижодий фаолияти эрта бошланиб, тез етишган иқтидорли Алишерга бу қадар муболағали баҳо, биринчидан, Лутфийнинг ғоят ринд ва ўтакетган камтарлиги, иккинчидан, ёш шоирнинг қудрати ва маҳоратига астойдил тан бериш ва мазкур ғазалининг чинакам бадиий юксак шеър бўлишидадир".

Хондамир яна "Мавлоно Лутфий сўз лутфида яғона даврон эди. Ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърини ундан (Лутфийдан) яхшироқ айта олмаган", деб ёзади.

Али Сафийнинг (Хусайн Воиз Кошифийнинг ўғли, Абдурахмон Жомийнинг божаси) "Латоиф ат-тавоиф" ("Турли тоифа кишилари ҳақида латифалар") асарининг 9-бобида Лутфий ҳамда темирӣ шаҳзода – Шоҳруҳнинг учинчи ўғли Мирзо Бойсунқур ўртасида бўлиб ўтган мулоқотга доир қуйидаги бир ибратли лавҳа келтирилган. Бу асар ҳам Хондамирники каби форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, биз унинг таржимаси билан танишамиз: "Мирзо Бойсунқурнинг тарбият қилганларидан (тарбиясида бўлганлардан бири) шоир Лутфийдир. Мавлоно (Лутфий) бир куни Мавлоно Музаффар Ҳиравийнинг "Бог" радифли қасидасига чиройли жавоб (назира) ёзиб, Мирзо Бойсунқурга етказди. У (Мирзо Бойсунқур) Лутфийга у (Ҳиравий)нинг "Сарой" радифли қасидасига ҳам жавоб ёзишни буюрди. (Мавлоно Лутфий) жавоб қилди: "Авал кўрай-чи, у (Музаффар Ҳиравий)нинг боғидан қандай мева ерканман, ана ундан кейин у (Ҳиравий)нинг саройига қадам қўяман". Мирзо (Бойсунқур) кулди ва у (Лутфий)ни сийлади (кўп мукофот берди)".

Юқорида келтирилган нарча Лутфийнинг фақат ўзбек тилидагина эмас, форсий тилда ҳам моҳир ва ҳозиржавоб қасиданавис ижодкор эканлигига ишорадир.

Музаффар Ҳиравийнинг "Бог" радифли қасидасига жавоб ёзган Лутфий Бойсунқурнинг таклифига кўра унинг (Ҳиравийнинг) "Сарой" радифли қасидасига жавоб ёзишдан (яъни унинг саройига таширӣ буюришидан) аввал уни ўқиб кўрайлик-чи, у

жавоб ёзишга, маънавий озик, завқ олишга муносиб (арзийдиган) қасидами ёки йўқми деган мулоҳазасини чиройли сўз ўйини билан гўзал, лутфиёна ифода этиб, ўз маҳоратини намойиш этганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу лавҳани ривоят эмас, балки тарихий воқеа деб қабул қилса ҳам бўлади. Сабаб Лутфий ўзининг бир ғазали мақтаёсида Бойсукур Мирзо номини тилга олиб ўтади:

Лутфи ашъорингни Лутфий Бойсуғурхон билур
Ким, арус мулк кўрмайдур анигдек шоҳ-шоҳ.

Юқоридаги маълумотлар Навоий каби Лутфий ҳақида ҳам халқ орасида ривоятлар яратилганидан далолат берувчи намуналардир.

Хондамир ўз асарида таъкидлаганидек, Лутфий ижоди ўн-ўн икки минг байтдан зиёдроқ ҳисобланади. Зулхисонайн шоир бўлган Лутфийнинг фақатгина туркий тилда ёзган шеърлари жамланган "Девон"нинг қўлёзма нусхаларигина бизгача етиб келган. Шоирнинг "Девон"ига, асосан, туркий (тўбек) тилда ётган асарлари жамланган бўлиб, улар ғазал, рубоий, туюқ, қитъа ва фард каби жанрларда ёзилган шеърлардан иборатдир.

Тарикат илмидан бохабар сўфий шоир Лутфий ижодининг ғоявий мазмуни замондоши Атоий, Саккокий каби муқаддас Қалом ва тасаввуф фалсафаси асосига қурилганлиги шубҳасиз. Бу олам, ундаги мўъжизалар Яратувчининг борлигига гувоҳлик бериб турувчи бир кўзгу эканлиги, Аллоҳнинг пок зотлиги ҳақида Атоий лирикаси таҳлилида фикр юритган эдик. Бундай маънолар яширинган байтлар маълумо Лутфий шеърятининг ҳам асосини ташкил этади:

Улки ҳусни этти баҳона элни шайдо қилгали,
Кўзгудек қилди сени, ўзини пайдо қилгали.

Ер узра этак судраб ўтубсиз онинг учун,
Туфроқ ила ҳар ерда раво бўлди таҳорат.

Сийрат жиҳатидан поклик рамзи ҳисобланган фаришталар ҳам покликда Ул Зотга эргашадилар ва уларни инсонлардан фарқли ўлароқ, гуноҳлардан холи, пок қилиб яратган ҳам Аллоҳнинг ўзи:

Суратингни кимки кўрди қилди жоно, жон фидо,
Сийратингга худ қилур олиб фаришта иқтидо.

Инсон Аллоҳнинг ризолиги билан жон бермас экан, у умрининг сўнгги лақиқаларида калимаи шаҳодатни айта олмайди, яъни иймон билан кетмайди. Шоир Аллоҳнинг ризолиги билан жон бермаган инсонларнинг ҳолатини "шаҳид ўлмади дилбар қиличидин" мисраларида беради:

Ҳар кимки шаҳид ўлмади дилбар қиличидин,
Бечора бориб топмади ул шаҳиди шаҳодат.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ биз суйишмизга энг пойик булган Зотдир. Зотан Лутфий таъкидлаганидек:

Мени севди дебон ёзурмағилким
Сеи ким севмаса динға зиёндур.

Курьони Каримнинг учдан бири ҳисобланган "Ихлос" сурасининг мазмунини Лутфий ушбу байтга сингдира олган, яъни ҳуру фариштаю париларнинг ҳусни билан Ул Зотнинг гўзаллигини тенглаштириш мумкин эмас. Ул Зотнинг сурати бемисол, яғонадир:

Ҳуру фариштау пари ҳусни анга шабиҳ эмас,
Ваҳдат учун далил ушул сурати бемисол эрур.

Ошиқ Лутфий жуда кўп байтларида Атоий каби ўзини кул, гадо банда; маъшуқани эса подшо, бег, хон сўзлари билан беради:

Ҳаддингни билмайин мени севдунг дебон ёзгурмоғил
Сен ҳам билурсан, эй бегим, бир эркли султондур кўнгул...

Раҳм қилғил бандаға, эй шоҳ, ул тенгри учун
Ким, этар бизни гадо ул сизни султон айлаган.

Куйидаги байтда эса Ошиқ Лутфийнинг маъшуқаси ким эканлиги аён бўлади, яъни унинг маъшуқаси очун (дунё) хонларидан эмас:

Лутфийким очун хонларини илмади кўзга,
Кул бўлди жамолнингғау, ишқингда забундур.

Мазкур байтдаги юз образи Аллоҳ мўъжизалари рамзи бўлиб, ақл эгалари учун ҳидоят, бу фойи дунё (зулф) куфр аҳли учун эса бир фитнадир. Ушбу байт мазмуни "... бу дунё – сизлар учун фитнадир", "...дунё мўъжизаларида ақл эгалари учун ибрат бор" мазмуни жо бўлган ояти карималари мазмунига мос келади:

Зулфи агарчи куфру залолатға дол эрур,
Ойдек юзига боққилу нури худони кўр.

Нечаким зулфунгда бор куфру залолат зулмати,
Раъшан ул ойдек юзингда бордур ул нури худо.

Юқоридаги барча байтлар таҳлили Лутфийнинг сўфиёна шеърият эгаси эканлигини кўрсатиб турибди.

Лутфий газалиетидаги асосий мавзу – ишқ. Куйидаги машҳур газалида бу мавзу ўзининг юксак бадний ифодасини топган:

Сенсан севарим хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳижрон кечаси чарҳи фалакка¹ етар, эй моҳ,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳаққоки, қилч келса бошимға, эшиқингдин,
Йўқтур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

1. Фалак – осмон.

Усрук¹ кўзинг ашколина ҳар гал назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Яъқуб бикин² кўп йиғидин қолмади сенсиз,
Нури басарим³, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ой юзунга кўз солғали ўзга киши бирла,
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ишқ ўтида Лутфий юзи олгунни ёшурди,
Эй сиймбарим⁴, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Адиб тасвиридаги ошиқ – садоқат тимсоли. У ўз ишқига маҳбубининг ҳам тўла ишонишини истайди:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Айрилиқдаги ошиқ уйқу нималигини билмайди. У туиларни тонларга улайди:

Ҳижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Бу ерда қоронғилик (ҳижрон кечаси), осмон (чархи фалак), осмондаги ой (эй моҳ), саҳар тушунчаларининг бир-бирига яқинлиги кўриниб турибди. Ўзаро яқин тушунчаларни бир байт доирасига чизиш таносуб дейилади. Бу шеърини санъатнинг гўзал намуналари Лутфий ижодида кўллаб учрайди.

Ошиқ аҳдида собит. Ҳатто бошига қилич келса ҳам ёр эшиги олдидан ўтиб кетолмаслиги аини ҳақиқат.

Ҳаққоки қилич келса бошимга, эшикингдин,
Йўқтур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

У ёрнинг кўзларига қараб туриб, турли маънолар ўқишга ҳаракат қилади. Аммо натижа бошқача бўлиб чиқади: у ҳеч нарсадан хабардор бўлолмай, ўзи билан ўзи маҳлиё бўлиб қолаверали:

Усрук кўзинг ашколина ҳар гаҳ назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Атоний, Хоразмий газалларида Юсуф, Яъқуб сингари шахс номларининг талмеҳ сифатида қўлланганини кузатган эдик. Лутфийда ҳам шу ҳолат мавжуд. Фақат Лутфий унинг бошқа жиҳатларига эътибор беради:

Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади сенсиз,
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

1. Усрук – маст

2. Яъқуб бикин – Яъқуб (Юсуфнинг отаси) каби

3. Нури басар – кўз нури.

4. Сиймбар – қумуш танла, оқ бадан.

“Юсуф ва Зулайхо” дostonидан маълумки, Яъқубнинг кўр бўлиб қолишига ўз фарзанди – гўзал Юсуфни соғиниб, кўмсаб йиғлашлари сабаб бўлган. Адиб шу воқеани эслатиб туриб ёр соғинчида ҳаддан ташқари кўп йиғлаши оқибатида нури басарим – кўзларимнинг нури қолмади, демоқда.

Лутфийнинг лирик қаҳрамони – Ошиқ жуда рашкчи. У Ёр жамолига ўзга кишининг назар солишини асло истамайди. Бунга тоқат қилолмайди:

Ой юзунга кўз солғали ўзга киши бирла,
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Охири байтда яна таноуб санъати кузатилади. Шоир ўт, юз, олтин, сиймбар сингари ранг нуқтаи назаридан яқин ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар тизими ёрдамида ниҳоятда гўзал мисраларни яратади:

Ишқ ўтида Лутфий юзи олтуни ёшурди,
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ошиқ кўнглидаги ишқ уни ёр томон ундаб туради. Аммо ёрнинг маъшукани кўриш имкони ҳар доим ҳам мавжуд эмас. Айрилиқ бу ўтни янада авж олдиради. “Лутфий юзи олтуни ёшурди” деган жумлада ҳижрондаги киши рангига ишора бор. Одатда, бу ранг сариқ, яъни олтин рангида бўлади. Айни пайтда ёрга нисбатан сиймбар, яъни кумуш тани деб мурожаат қилиш ҳам ушбу маънони янада кучайтиради.

Танланган қофия ва радифларнинг табиий, содда ва жарангдор эканлиги ҳам газалга ўзгача руҳ бериб турибди. Севарим – жигарим – саҳарим – гузарим – хабарим – басарим – назарим – сиймбарим оҳангдорлик нуқтаи назаридан юқори жарангга эга. Радиф эса газалда бутун бошли таъна тенг бўлиб келмоқда. Лутфийгача ҳеч ким радифга бу даража юк юклай олмаган эди. Умуман, Лутфий газалиётида радифларнинг кўп қўллангани кузатилади. “Вафо керак бўлса”, “Тоғилса”, “Гул қошинида ҳўб эмас”, “Ёз фасли”, “Жон эрур”, “Тортадур”, “Кўрнадур” сингари газаллари бунга далил бўла олади. Шу жиҳатдан “Бу кўнгли” газали ҳам эътиборлидир:

Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,
Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Радиф оҳанг берувчи оддий шаклбозликдан иборат сўзлар бирикмаси эмас. У шоир қоявий-бадний инъитни ифодалашдаги асосий воситалардан биридир. Шоир бу сўз бирикмасини беҳудага радиф сифатида танламаган. Ушбу байтда асосий урғу “кўнгул”га тушмоқда. Инсонни ёрга “шайдо қиладиган”, ҳис-туйғуларини пайдо қиладиган манба – кўнгул. Ҳақиқий ишқ ақлнинг иши эмас, кўнгул иши. Чин ошиқ ақли билан эмас, кўнгли билан севади. Демак, унинг бошқалар олдида мулзам бўлишига, изтироблар чекишига, “хору расво” бўлишига сабаб ҳам кўнгулдир. Зеро, улғу озарбойжон шоири Фузулий:

Ақл ёр ўлсайди тарки ишқи ёр этмасмидим, –

деганида, албатта, ҳақ эди.

Лутфий газалларида халқ оғзаки ижоди анъаналари очиқ кўринади. Сўзлашув услубига ҳос бўлган оҳанглар, халқона таъбир ва қочиримлар фикримизнинг далили

бўла олади. Унинг “Аёқингга тушар ҳар лаҳза гесу”... ғазали беш байтдан иборат. Бу ғазалнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг ҳар бир байтида биттадан халқ мақоли учрайди. Бу ҳол ғазалнинг ниҳоятда ўқишли, дилга яқин, сершира бўлишини таъминлаган. Халқ оғзаки ижодига яқинлик “Сенга не” ғазалига ҳам хосдир:

Дудоғинг маъдани жондур, дедим, айтур: сенга не.
Қоматинг сарви равондур, дедим, айтур: сенга не.

Лутфий ғазалчилик анъанасига кўплаб янгилıklar киритган шоирдир. Бу ғазалда у ilk марта суҳбат – диалог усулини ғазалнинг бошидан охиригача давом эттирган. Анъанага кўра ғазалда ғўзалнинг ташқи қиёфаси, ҳусни, латофати мақталади. Ўрни билан лирик қаҳрамон қалбидан кечаётган нозик туйғулар ўз ифодасини топади. Аммо бевосита диалог орқали машуқа хатти-ҳаракатларига, унинг кўришиши – ҳусни жамоли ва маънавий оламга доир маълумотларининг берилиши мумтоз шеърятимизда Лутфийгача деярли учрамайди.

Буларнинг ҳаммаси Лутфий ғазалларининг юксак бадиятини юзага келтирувчи омилларнинг ниҳоятда раинглигини кўрсатиб турибди.

Ёр лабининг ширинлиги, ғўзаллигини жуда кўп шоирлар тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Аммо қуйидаги байтни фақатгина лутфиёна дея олишимиз мумкин. Ёрнинг лаби шунчалар ширинки, бу ширин лаб таърифи битилган варақлар ҳам бир-биринга ёпишиб қоляпти. Шунини таъкидлаб ўтиш жонзки, лаб тасаввуф алабистиди илоҳий Калом рамзи бўлиб, лабининг ширинлиги, нозиклиги таърифланганда, Қуръон оятлари оҳангининг ширинлигига, маъно нозикликларига ишора қилинади:

Ширинлигинин қоғазини бир-бирга ёпушти,
Ирнинг сифати қайдаки ёздим варақ ичра.

Гул ўз ҳуснини ёрнинг ҳуснидан ўғирлаб олганлиги учун жазоланиб, шохдаги тикон дорига осилди.

Гул қамарининг ўғурлаб олди жамол, анинг учун
Шоҳи рабёъ оин тикан дорига ўтритек осар.

Ёрнинг юзидаги ҳол тасвири жуда кўп шоирларда учрайди, аммо Лутфийнинг байтига ўхшаш байт йўқ ҳисобида. Юз шунчалар текис, нуқсонсиз, тиришсиз, оппоқ эканлигини шоирона ўхшатиш орқали, яъни юзини оппоқ вараққа, ундаги холини эса бир нуқтага қиёс этиш билан берган, яна ҳам шоирона қилиб, хат ёзилмай нуқта қуйинган дея лутф қилляпти. Энг аввало, қайд этиш лозимки, юзининг нуқсонсизлиги таърифи дунонинг юксак ҳикмат, илм, меъёр билан яратилганлигининг бадий ифодасидир. Юзга ярашиб турган ҳол – бу фоний дунёдаги ибодатдир, зеро, қиёмат бошлангач қилинган ибодатлар, тавбалар қабул қилинмайди, қора ҳол юзга ярашгани каби бу ўткинчи умр ҳам ибодатлар билан ғўзалдир:

Ҳайратқа, қолибдурмен ўшул энгдаги менгини,
Хат йўқ, не тилар, нуқта бурун ул варақ ичра.

Юқорида келтирилган байтларда шоир Лутфий ҳусни таълил санъатини қўллаган. Шу ўрнида Лутфий таҳаллусига ҳам изоҳ бериб ўтиш жонз деб ўйлаймиз. “Лутф

қилдингиз” иборасини “жуда чиройли гап бўлди” маъносига ишлатамиз. “Лутф” сўзи гўзал, чиройли, латиф сўз маъноларини англатса, Лутфий эса айнан мана шундай сўз эгасидир. Юқоридаги таҳлиллар Лутфий тахаллуси унинг ижодига жуда мос тушганлигини далиллайди. “Лутфий” шоирнинг тахаллуси бўлиб, унинг асл исми адабиётга оид тарих китобларида қайд этилмаган. Бироқ Лутфий девонда бир муаммо бор:

Кўрай десанг агар истаб отимни,

“Иморат”ни бузиб ўтни чиқарғил.

Байтдаги “иморат” сўзидан “а” (алиф) ва “т” (те) ҳарфларини олиб ташласак, шоирнинг исми қолади: демак, Лутфийнинг асл исми Умар экан.

Лутфий мумтоз адабиётимизда туюқлари билан ҳам машҳурдир. Унинг туюқлари ҳам ниҳоятда баланд маҳорат билан ёзилган. Ёдингизда бўлса, шоир туюқлари билан сиз 8-сифда танишгансиз. Сўз ўйинлари, айниқса, шу туюқларда ёрқин кўринади:

Эй кўнгул, ёрғиз сенга не бор, бор,

Қайдаким ул зулфи анбар баробор.

Чек жафову жавру нози-борини,

Бир кун ўлғайким, дегайдур: бор, бор.

Лутфий қитъалари ҳам шаклан ихчам. Улар ниҳоятда катта мазмунни қисқа ва лўнда тарзда ифодалаши билан характерланади:

Тўнға сизмасмен фараҳдин гул каби,

Келса ул сарви равон бир-бир манга.

Мунча йил кетган бу бахту давлатим,

Шукурдиллаҳким, келур бир-бир манга.

Қитъанинг мавзун – ишқ-муҳаббат. Лирик қаҳрамон – ошиқ ўз маъшуқасига интилади. Унинг бир-бир қадам босиб келишини орзу қилади. Агар шундай ҳодиса юз берса, у бундай бахту иқбол, хурсандчилик (фараҳ) дан ичига сизмай кетади. Бу гўё ўз тўпига сизмасдан очилиб кетган гулга қиёсламоқда. Лирик қаҳрамон бу ўхшатиш билан кифояланмоқчи эмас. Унга бу ҳали: озлик қилади. Шунга кўра у ўхшатишни яна бир поғона юқорига кўтаради: Ёрининг келиши гўё кетган давлатнинг қайтишига нисбат берилади.

Ушбу қитъа икки байт, тўрт мисрадан иборат. Қитъа шаклан газалга ўхшаса-да, унинг дастлабки икки мисраси ўзаро қофиядош бўлмайди. Туюқ ва рубойларга хос бўлган а-а-б-а қофияланиш тартиби ҳам бу жанрда учрамайди. Қитъада фақат жуфт мисраларгина ўзаро кифоядош бўла олади.

Лутфий гарчи юз йилга яқин камтарона умр кечириб ўтган бўлса-да, ўз сўзининг кудратини яхши ҳис этадиган шоир бўлган. У ёзади:

Тутқай жаҳонни Лутфий сўзи ҳусни.

Гар илтифот қилса бу бечора сўзига.

Савол ва топшириқлар:

1. Мавлони Лутфийнинг таржиман ҳолига оид қандай маълумотлар сақланган?
2. Лутфийни “**малик ул-калом**” деб эъзозланганининг сабаби нимада?
3. Лутфий ҳақида қайси шоир ва олимлар фикр билдирганлар?

4. Мавлоно Лутфийнинг ёш Алишер Навоий билан илк учрашувини эсласизми?
5. Лутфийнинг исми яширинган муаммони ечиш усулини ўқитувчи ёрдамда ўрганинг.
6. Лутфий тахаллусининг маъносини қандай изоҳлайсиз?
7. Шоир “**Девон**”и таркибига кирган шеърлар ҳақида қандай маълумотлар бера оласиз?
8. Лутфийнинг таржумонлик фаолияти ҳақида қандай маълумотларни биласиз?
9. Ўзбек мумтоз шеъриятида мавлоно Лутфий анъаналарини давом эттирган шоирлардан кимларни биласиз?

10. Қуйидаги матлаъ билан бошланувчи ғазал радифини аниқланг ва у бажараётган ғойий бадий вазифани айтинг.

**Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қоядур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.**

11. Ғазалнинг қофияланиш тартибини кўрсатинг ва бадий тасвир воситаларини аниқланг.
12. Мазкур ғазал кимлар томонидан қўшиқ қилиб айтилган? Бу ғазал сўзлари билан айтилувчи қўшиқнинг катталар билан бир қаторда, энг замонавий хитлар ишқибози бўлган ёшлар томонидан ҳам бирдек севиб тингланганининг сабаби нимада?

ҒАЗАЛЛАР

“Гул қошингда...”

Гул қошингда ҳўб эмас, гарчи жамоли бор дурур,
Шаҳ қошинда хоркашнинг не мажоли бор дурур.

Ой юзунгунг хижлатиндин гул қизорди, ҳолиё
Ханда бирла ўтқарур, чун инфиоли бор дурур.

Айб эмас қилса кўнгул ул инчка белнинг фикрини,
Бошида ким бўлса савдое, хаёли бор дурур.

Ҳар бири доғ эрур муңлуғ жонимға то абад
Лола янглиғ юзида ҳар неча холи бор дурур.

Сенсизин қилмас кўнгул майл тамошойи баҳор,
Завқи гул йўқ андаким ошуфта холи бор дурур.

Шамъи меҳру гулни нисбат қилса бўлмас сизга ким,
Умри гул бир ҳафта, куннинг ҳам заволи бор дурур.

Эй фироқ ўлтурмағил бечора мискин Лутфийни,
Кимки қилса хуни ноҳақ, кўп вуболи бор дурур.

Савол ва топшириқлар:

1. Ғазални ўқинг. Биринчи байт – матлаъдаги **гул** образига муносабат орқали шоир нима демоқчи? Байтда қандай бадий тасвир воситаси мавжуд?
2. “**Ой юзунгунг хижлатиндин гул қизорди, ҳолиё
Ханда бирла ўтқарур, чун инфиоли бор дурур**”, байтда қандай маънавий санъат қўлланган?
Бу санъатни байт таҳлили орқали тушунтиринг. Бу мисралар мазмуни сизга ижода таниш қайси шоир байтини эслатмоқда?

3. "Сенсизин қилмас кўнгул майл тамошойи баҳор,

Завқи гул йўқ андаким ошуфта холи бор дурур". Байтида инсондаги қандай руҳий ҳолат назарда тутилган, бу ҳолатни ўз сўзларингиз билан шарҳланг.

4. Олтинчи байтда шоир нима учун **меҳр** (қуёш) ва **гулни** ўз ёрига исбат қилса, яъни ўхшатса бўлмас, демоқда? Ваҳоланки, мумтоз шеърятда бундай ташбеҳлар жуда кўп бўлиб, бундай ташбеҳни Лutfий ижодида ҳам учратиш мумкин-ку!

5. Ҳазал мактабсида қандай сўз санъати қўлланган?

"Бу кўнгул"

Мени шайдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,
Хору расво қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Ўқдайин қоматимизни қора қошлиғлар учун
Муттасил ё қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Мени ёзғурма¹ «севар» дебки, менинг ҳаддим эмас,
Ул таманно қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Борма, дерлар, эшики сори дамо-дам, нетайин,
Кўп тақозо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Тори мўйини ҳаваси бирла қоронғу кечада
Жонни савдо қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Душману дўст орасинда мени гофилни мудом,
Бесару по² қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Ўзгадин кўрмаки кўзунг ёшини, эй Лutfий,
Айни дарё қиладурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳазални ўқинг. Кўнгулга таъриф беринг.

2. Ишқни Ақд билан бошқаришнинг имкони бўлмайдиган кўнгул иши экани қайси байтларда ўз ифодасини топган?

3. Ошиқнинг: **Мени ёзғурма «севар» дебки, менинг ҳаддим эмас**, деган гапларига муносабатингизни билдириңг. Ҳар қандай ошиқ ҳам бундай дея оладими?

4. Ҳазалдаги бадий тасвир воситаларини аниқланг ва дафтарингизга ёзинг.

5. Лutfийнинг маъкур Ҳазали арузининг "рамали мусаммани маъсур" вазнида битилган:

Ме-ни шай до / қи-ла-дур-ғон / бу кў-нгул-дур, / бу кў-нгул,
Хо-ру рас-во / қи-ла-дур-ғон / бу кў-нгул-дур, / бу кў-нгул.
V - - / - V - - / - V - - / - V -

фо и ло тун / фо и ло тун / фо и ло тун / фо и дун

Намунага асосланиб қолган байтларни ҳам ҳижолаарга ажратинг ва Ҳазални вази оҳангига риоя қилиб ўқинг.

6. Ҳазални ёд олинг.

1. Ёзғурма – айблама.

2. Бесару по – бошдан оёқ.

“Аёқингга тушар...”

Аёқингга тушар ҳар лаҳза гису,
Масалдурким: «Чароғ туби қоронгу».

Тутурмен кўзки, кўрсам оразингни,
Ки дерлар: «Оққан ариққа оқар сув».

Юзунгни туттум ортуқ ою кундин,
“Кишининг кўзидур, оре, торозу”.

Кўзунг қонимдин ийманмас, ажабтур,
Ки: «Қўрқар, қайдаким қон кўрса ҳинду».

Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат,
Ки айтурлар: «Тилаганин – тилогу».

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳазали ифодали ўқинг. Унинг қайси санъат асосига қурилганини айтинг.
2. Ҳар бир байтдаги мақолларни нима мақсадда қўлланганини байт таҳлили орқали шарҳланг.
3. Бу мақолларнинг ҳозирги тилимизда қўлланаётган шаклини топиб, уйда дафтарингизга икки устуи шаклида ёзинг.
4. Ҳазал вазинини аниқлаб, дафтарингизга ёзинг ва вази оҳангида ўқинг

“Ўксугуси”

Маҳвашим, бир назар этсанг, не ниманг ўксугуси?¹
Банда сори гузар этсанг, не ниманг ўксугуси?

Кимёи назари лутф ила, эй симбадан²
Хоки юзумни зар этсанг³, не ниманг ўксугуси?

Бодан лаъли лабингдин менга бир журъа сунуб,
Бир йўли беҳабар этсанг, не ниманг ўксугуси?

Ишқ чун бўлди қазо бошимга сурсанг не бўлур,
Марҳамат бу қадар этсанг, не ниманг ўксугуси?

Кўзга ҳам чун санга хайр дурур фарзул-айн⁴,
Бу гадоға назар этсанг, не ниманг ўксугуси?

1. Ўксугуси – камаяди

2. Симбадан – кумуш танли

3. «Хоки юзумни зар этсанг» – ёзумни саргайтурсанг, олтинга айлантирсанг

4. Фарзул-айн –

Жон берар қибла учун берсам эмассен рози,
Қўл била сарбасар этсанг, не ниманг ўксугуси?

Лутфийи хастагаким, сенсиз ўлар ҳолдадур,
Сўргали майл агар этсанг, не ниманг ўксугуси?

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳазалии ифодали ўқинг. Қофия ва радифларни аниқлаб, дафтарингизга қайд этинг.
2. Ҳазалда радиф бажараётган вазифани англашга ҳаракат этинг. “не ниманг ўксугуси?” (ниманг камаяди, камайиб қолади?) дея олишлик учун муносабатлар қандай бўлиши керак?
3. Ҳазалда ошиқ Ердан нималарни сўраяпти?
4. **Кимён назари лутф ила, эй симбадан**
Хоки юзумни зар этсанг, не ниманг ўксугуси? Кимё сўзининг қўлланиш сабабини аниқлаш орқали байт мазмунини тушутиришга ҳаракат қилинг.
5. Ҳазалдаги бадий тасвир воситаларини топишга ҳаракат қилинг.
6. Ҳазалии ёд олинг.

“Санга не”

Дудоғинг маъдану жондур, дедим айтур: санга не?

Қоматинг сарви равондур, дедим айтур: санга не?

Қамар отлиғ юзунг олидадур ой бир ҳабаший
Дағи юзинда нишондур, дедим айтур: санга не?

Талъатинг¹ ҳусни жаҳоннию онинг устидаги
Сочинг ошуби жаҳондур, дедим айтур: санга не?

Ёйу ўқ қопқора бўлмас, магар ул қошу кўзунг?
Не ажаб тиру камондур², дедим айтур: санга не?

Хизрдин сўрмишам эрнингму дурур оби ҳаёт
Исо анфоси³ ҳамондур, дедим айтур: санга не?

Хурдабинлар⁴ ул оғизники адамдур⁵ дедилар,
Онда бир зарра гумондур, дедим айтур: санга не?

Зулфу юзу кўзу қошу менгу ғамзанг барча
Фитнаи аҳли замондур, дедим айтур: санга не?

Ой юзунг кун киби зарроти жаҳон мазҳарида⁶
Барча оламда аёндур, дедим айтур: санга не?

1. Талъат - юз

2. Тиру камон - ўқ ва ёй, камалак.

3. Анфос - нафаслар.

4. Хурдабин - но ниқтаблн киши.

5. Адам - йўқлик.

6. Мазҳар - зоҳир бўлидиган жой.

Бўлди кўп фикри дақиқ¹ ичра хаёли Лутфий,
Бу не мўю², не миёнду³, дедим айтур: санга не?

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳазалини диққат билан ўқинг. Қофия ва радифларини аниқлап, дафтарингизга қайд этинг.
2. Ҳазал қайси санъат асосига қурилган? Мазкур санъат ва радифнинг шеърнинг боғвий ва бадий қимматини белгиловчи омиллар эканлигини асослашга ҳаракат қилинг.
3. Ҳазалдаги ойга қисс этиш билан боғлиқ пародокс, яъни фикр қарама-қаршиликлари мавжуд байтларни топишга ҳаракат қилинг ва уларга ўз муносабатингизни билдириг.
4. Талмех санъати мавжуд байтни тошинг ва Лаб таърифини ўз сўзларингиз билан баён этинг.
5. Ўқитувчи ёрдамида Ҳазали тасаввуфий талқинда таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

“Ҳақ ул кунким...”

Ҳақ ул кунким жамолинг бор этибдур,
Жаҳон ҳуснин борин сизга берибдур,

Парию одами мундоқ хўб эрмас,
Фаришта гўйе кўктун энубдур.

Қуёш ойдек юзунгнинг хижлатидин,
Қочиб тўртинчи кўк узра чиқибдур.

Юзунг ногаҳ кўруб ойдек соқиндим,
Магар ҳушу хирад мендин кетибдур.

Хирад кетмай нетар мендек галодин?
Қошимға ул шаҳи хўбон келибдур.

Қилур даъвийи иур ул шамъи мажлис,
Магар парвона шомимдин олубдур.

Неча бу Лутфи қулға жавр этарсен?
Вафо қилким, жафо ҳаддин ошибдур!

Савол ва топшириқлар:

1. “Ҳақ ул кунким...” газалида Ошиқнинг қандай кечинмалари ифода қилинган? У маъшуқани қандай тавсиф этади?
2. “Ҳақ ул кунким...” газали мазмуни ва бадий тасвир васиталарини аниқлашга ҳаракат қилинг.
3. Ҳазал вазинини аниқлаб, вази оҳангида ўқинг.

1. Дақиқ - диққатли, назик, чуқур.

2. Мўй - соч.

3. Миён - бел.

Қитъалар

Сабру ҳушу ақлу дину дил бори
Бордию, қолди дуочи ёлғузун.
Оҳ уриб фарёд этарман сенсизин,
Бу вужудимдан қолибтур ёлғуз ун.

Шева ул сарви равондин хуш турур,
Ноз жони жаҳондин хуш турур,
Мен севармен, ул мени севмас, дариғ,
Бу севишмак икки ёндин хуш турур.

Савол ва тошшириқлар:

1. Қитъаларни ифодали ўқинг ва мазмунини талқин қилишга ҳаракат қилинг.
2. Биринчи қитъала Ошиқнинг қандай норозилиги ифодаланган? Қитъадаги сўз ўйинини аниқлаш ва изоҳлаш.
3. Иккинчи қитъада Ёрнинг қандай сифатлари берилган? Шоир нега **“...севишмак икки ёндин хуш турур”**, деган фикрда? Бу фикрга қўшиласизми?
4. Лутфий лирикасиининг аҳамияти ҳақидаги мулоҳазаларингизни айтинг.

АЛИШЕР НАВОЙЙ

(1441 - 1501)

Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Амир Темурнинг ўғли Шоҳрух мирзо шоҳлиги даврида Ҳиротда туғилди. Замондошлари унинг ҳақида “Низомиддин Мир Алишер” деб ёзадилар. “Низомиддин” ислом дини қонун-қондалари (низоми)ни яхши билган мансаб эгаларига нисбатан айтилса, “Мир” – амир демакдир, яъни Навоий Ҳусайн Бойқаро амирларидан эди. Шоирнинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад ҳам темурийлар саройининг амалдорларидан, онаси амирзода Абусаид Чангнинг кизи эди. Таассуфки, онасининг исми тарих саҳифаларида қолмаган. Алишернинг бобоси Амир Темурнинг ўғли Умаршайх билан эмиқдош (кўкалдош) бўлган. Алишер Навоий темурийлар хонадонига яқинлигидан фахрланган ва бу сулоланинг эгаларига сидқидилдан хизмат қилган. Алишер сарой муҳитида тарбияланди. Унинг тоғалари Кобулий ва Ғарибийлар ҳам шоир бўлганлиги сабаб, онлада ижодий муҳит мавжуд эди. Буларнинг ҳаммаси Алишернинг тез орада халқ орасида танилишига, буюк тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий, кекса шоир Миршоҳий, устози Лutfий каби замонасининг машҳур инсонлари назарига тушишига сабаб бўлди.



У бўлажак султон Ҳусайн Бойқаро билан бирга ўқиди. Уларнинг орасидаги дўстлик умрларининг охиригача давом этди. 1447 йилда Шоҳрух мирзо вафот этиб, мамлакатда тож-тахт кураши бошланди. Шу сабабли, Алишерлар онаси Ироққа кўчиб кетишди. 1452 йил Ҳирот тахтига Абулқосим Бобур ўтиргандан сўнг улар юртга қайтишди ва отаси Сабзавор шаҳрига ҳоким қилиб тайинланди. 1453 йил отаси вафот этади. Алишер ва Ҳусайн Бойқаро Абулқосим Бобур тарбиясида бўлдилар. Алишернинг 7-8 ёшида шеър ёзгани маълум. 15 ёшларида эса у замонасининг машҳур шоирлари назарига тушди. Мавлоно Лutfийнинг ёш шогирдига берган баҳосидан сиз хабардорсиз.

1457 йил Абулқосим Бобур Мирзо вафот этди. Ҳокимият тегасига Абусаид Мирзо келди. Ҳусайн Бойқаро эса тахт учун курашга шўнғиб кетди. Алишер Машҳалда ўқишини давом эттирди. У 1464 йил Ҳиротга келди. Аммо пойтахтда уни нохушликлар кутмоқда эди. Абусаид Мирзо Навоийнинг тоғаларини ўзинга қарши исёнда айблаб қатл эттиради, отасидан қолган мол-мулкни мусодара қилади, ўзини эса Самарқандга сургун қилади. Тарих саҳифаларида бунга Алишернинг Абусаиднинг мухолифотчиси Ҳусайн Бойқаронинг дўсти эканлиги сабаб бўлган, деган тахмин кўпроқ қайд этилади.

Самарқандда Навоий замонасининг машҳур олими Фазлulloҳ Абулайсдан дарс олади. Дастлаб моддий қийинчиликда яшаган Навоий кейинроқ Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибекнинг моддий ва маънавий кўмаги остида ўқишини давом эттиради. Самарқанд ва унинг ажойиб инсонлари Навоий хотирасида ўчмас из қолдирди. Навоий бу йиллар шоир сифатида жуда катта шухрат топа бошлаган эди. Муҳлисари томонидан

шеърларининг, муаллифнинг ҳали эрта деганига қарамай, китоб ҳолатига келтирилиши бунинг ёрқин мисолидир.

1468 йил охирида Абусайд Мирзо Эронни эгаллаш учун олиб борилаётган жанг пайти ўлдирилади. Хусайн Бойқаро 1469 йил Ҳирот тахтини эгаллайди ва Самарқандга хат йўллаб дўсти Алишербекни саройга чақиртиради. Алишер дарҳол Ҳиротга йўл олади, дўстининг галабаси муносабати билан "Ҳилолия" қасидасини битди ва ҳайит кунлари дўстига тақдим этди. Хусайн Бойқаро уни энг юқори мансаблардан бири бўлган муҳрдорлик вазифасига тайинлайди.

Алишер Навоий 1469-1472 йилларда муҳрдор, 1472-1476 йилларда вазир лавозимида хизмат қилди. 1487-1488 йиллар Хусайн Бойқаро фитначиларнинг таъсири остида Навоийни пойтахтдан четлатиб, Астрободга ҳоким қилиб юборади. Навоийни заҳарлашга қилинган ҳаракат фош бўлгач, яна саройга чақириб олинади. Замонанинг икки буюк кишилари орасидаги дўстлик жуда кўп синовлардан муваффақият билан ўтиб, авлодларга ўриқ бўлиб қолди. Буюк шоир "амири кабир" ("улуғ амир"), "амирул муқарраб" ("подшоҳга энг яқин амир") унвонларига мушарраф бўлди. Хусайн Бойқаро шоҳлик қилиб турган даврларда юртнинг тинчлиги, осойишталиги Навоий билан боғлиқ эди. Шоҳ билан унинг 14 ўғли орасида тинмай келишмовчиликлар чиқиб турар, уларни аксарият Навоий бартараф этарди. Уларни яраштиришга Навоий жуда катта сайё-ҳаракат қилади. Навоий замонасининг энг бадавлат кишиларидан эди. У бир неча маротаба ҳаж сафарига отланади, аммо юртдаги потинчилик сабаб бу улуғ сафар ортга сурилаверади. Бир сафар буюк шоир юрт билан хайрлашиб, ҳажга отланиб, Марвга етганда ортидан чопар келади. Абулмуҳсин Мирзо отаси Хусайн Бойқарога қарши бош кўтарган бўлиб, фақат Алишербек келсагина битим тузишини маълум қилган эди. Навоийга ҳаж зитрати nasib этмади, аммо у ўз юртида адолат билан ҳукм юритилишига таъсирини кўрсатди, ҳиссасини қўшди. Бобур айтганидек, бу табаррук инсон шунчалик кўп хайр-эҳсонлар қилдики, ҳеч ким, ҳатто, подшоҳлар ҳам бу қадар савобли ишни қила олмаган: "...Аҳли фазл ва ақли ҳунарға Алишербекча мураббий ва муқаввий¹ маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай. ...Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай."

Хондамир эса бундай деб хабар беради: "Ҳиротнинг энг гўзал жойларидан бирида, Инжил ариғи ёқасида Навоий ташаббуси билан "Ихлосия" мадрасаси қад кўтарди. Унинг ёнидан "Халосия" хонақоси жой олди. Рўпарасида нозик дид ва теран хаёлни ўзига жам этган "Дорушифо" (шифохона), бир томонида "Дорул Хуффос" (қорихона), "Масжиди Жомеъ"... Ўртада суви шербатдек тотли Инжил ариғи. "Дорушифо" қошида кавсармисол бир ҳовуз. Унда хизрсифат ҳакимлар, исонафас табиблар касалларни муолажа қилиш билан машғуллар. Бу ерда талабалар оқими, мударрислар суҳбати тинмайди. "Халосия" хонақосида ҳар кун Қуръон тиловат қилинади, фақир ва бечораларга таом тарқатилади. Ҳар йили 2000 га яқин нустин, босма чакмон, кўйлак-нишон, тўппи ва ковуш улаштилади..."

Алишер Навоий бир нафас ҳам ижод этишдан, шеърлар ёзишдан тўхтамади. Илк девони мухлислар томонидан тузилган бўлса, шоирнинг ўзи тартиб берган биринчи

1. Муқаввий – бақувват, кучли; бу ерда кўллаб-қувватлаган, мадад берган маъносиди.

девори “Бадоеъ ул бидоъ” дўсти шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг амри ва истаги билан китобат қилинди. 1476–1483 йилларда иккинчи девон “Наводир ун ниҳоя” майдонга келди, 1481–1482 йилларда “Вақфия” асарини ёзди. 1483–1485 йилларда ўзининг буюк асари “Хамса”нинг бешала дostonини ҳам ёзиб тугатди. 1480–1490 йиллар Навоий учун бадиий ижодда самарали давр бўлди. 1488 йилда “Тарихи мудуку Ажам”, “Сирожул муслимин”, “Тарихи абиё ва ҳукамо” асарларини ёзди. Аммо бу йиллар Навоий учун катта йўқотишлар даври ҳам бўлди. Навоийнинг яқин дўстлари, устозлари Саййид Ҳасан Ардашер (1489), Абдурахмон Жомий (1492), Паҳлавон Муҳаммад (1493) вафот этди. Навоий уларга бағишлаб “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Хамсатул мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” номли мемуар–хотиралардан иборат насрий асарларини ёзди. 1491 йил шоир муаммо жанрига бағишланган “Рисолаи муаммо” (“Муфрадот”) рисоласини ёзди. Навоий туркий тилда муаммо ёзган илк шоир эди. Шоирнинг 52 муаммоси “Хазойинул маоний” дан ўрин олган, форс тилидагилари эса 500 га яқин, деб эътироф этилади. Қирқ ҳадис мазмунини ўзида жо қилган рубоийлар мажмуаси ҳисобланган “Арбаин”, Ҳазрат Алининг “Насрул лаолий” асарининг шеърини таржимаси – 266 рубоийдан ташкил топган “Назм ул жавоҳир” ҳам шу йилларда яратилди. Навоийнинг энг катта хизмати “Хазойинул маоний” девонлар мажмуасининг тузилиши бўлди.

Навоий форс-тожик тилида ҳам ижод этган зулҳисонаини шоир сифатида Фоний таҳаллусли шеърларини ўзига жамлаган “Девони Фоний” ни ҳам шу йилларда тартиб қилган деб тахмин этилади. Навоий адабиётшунос сифатида “Мажолисун нафоеъ”, “Мезонул авзон” асарларининг муаллифидир. Туркий ва форс-тожик тилларининг муҳокамасига бағишланган “Муҳокаматул луғатайн” асари эса тилшунослик илмининг нодир намунасидир.

90-йилларда саройда фитналар жуда авж олди. Хусусан, 1497 йил Ҳусайн Бойқаронинг хотини Хадичабегим тарафдорлари фитнаси билан подшоҳ мастликда ўз набираси Бадизуззамоннинг ўғли Мўмин Мирзо қатли ҳақидаги ҳукмга имзо чекади ва бу ҳукм шоҳ ўзига келиб, унч бекор қилгунига қадар ижро этилади. Бундан кейинги ота-ўғил орасидаги муносабат...и тасаввур қилинг! Мўмин Мирзо Навоийнинг сеvimли шогирд-ларидан бўлиб, бу фожеа юз берганда Навоий Машҳадда эди. Шоирни бу фожеа қаттиқ изтиробга солди, анчагача кўзи ёшдан тўхтамади, ўзига келиши қийин бўлди. Хондамир Алишербеқнинг оғзидан “Бир вақтлар Шайх Маждиддин Бағдодийнинг ўлдирилиши билан Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқда Чингиз кўшинларининг ҳужумидан қандай қиргин бўлган бўлса, Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши оқибати ҳам шундай бўлажак”, деганини бир неча бор эшитганини асарларида хотирлайди. Дарҳақиқат, юрт тинчимади, Навоийнинг вафотидан кейин эса Шайбонийхон темирыйлар ҳокимиятини тугатди, жуда кўп мирзоларни жувонмарг қилди.

Алишер Навоий умрининг сўнгги йилларида ўз ихтиёри билан Ҳиротдаги Абдулло Ансорий хонақоҳига жорубкаш (хизматкор, супурувчи) қилиб тайинланди, аммо ижоддан тўхтамади. 1495–1496 йилларда “Насойимул муҳаббат” асарини ёзди, 1499 йил “Лисонут тайр” дostonини битди. 1498–1499 йилларда ҳатларини гуллаб, “Муншаот” (“Мактублар”) тузди. 1500 йилнинг охирида ёзиб тугатган “Маҳбубул қулуб” асари шоирнинг энг сўнгги асари бўлиб қолди. Аммо Навоийнинг режалари кўн

бўлиб, у Хусайн Бойқаро тарихини битмоқчи эди. “Лисонут тайр” даги Шайх Санъон ҳақидаги ҳикоятда лирик чекиниш қилар экан, ўз муҳаббати ҳақида ҳам бир дoston ёзажанини баён этади. Аммо булар ҳаж сафари каби орзулигича қолди.

1500 йилнинг декабрь охирларида Хусайн Бойқаро Астрободдан ҳарбий сафардан қайтар эди. Бу гал Муҳаммад Хусайн деган ўгли отасига қарши бош кўтарган, фарзандлари билан курашдан чарчаган шоҳ урушни сулҳга айлантириб, пойтахтга қайтаётган эди. Анъанага кўра, саройнинг барча эътиборли кишилари шоҳни кутиб олиш учун йўлга чиқадилар. Улар орасида Навоий ҳам бор эди.

“Бир фарсаҳга яқин юрганда соҳибқироннинг дабдабали ва кўркем миҳаффаси (тахтиравони) кўринди. – деб ёзади бу воқеани ўз кўзи билан кўрган Хондамир. – Шу вақт бирдан Амир Алишернинг боши айланиб кетди. Олижаноб амир Хожа Шаҳобиддин Абдуллои ўз ёнига чақириб: “Мени сақлашдан гофил бўлманг, аҳволим ўзгариб қолди”, – деди. Шу он Алишер аъло ҳазратнинг қўлини ўпмоқ учун отдан тушди. Тўсатдан етишган касалликнинг оғирлиги туфайли охирги чекка бориб қолгани ва юришга мадор қолмаганидан мазкур Амир ва мавлоно Жалолидин Қосим кўлтўқларига кириб, шу йўсулда илгари юриб, Алишернинг бошини баланд қаражали подшоҳ кучоғига қўя олдилар. У буюклик ва дабдаба доирасининг маркази – Алишер аҳволида ўзгариш кўриб, аъло ҳазрат гоятда қайғули ва ғамгин бўлди. Шу онда бу касал сакта (тананинг ҳаракатдан қолиши)га айланиб, олий насабли амирда ҳаракат қилиш ва сўзлашга мадор қолмади”.

Шу аҳволда ярим тунда уни уйига олиб келадилар. Эртасига машҳур табиблар маслаҳатга тўнланиб қон олмоққа қарор берадилар. Фойдаси бўлмайди. Уч кун хушсиз ётган Алишер Навоий 1501 йилнинг 3 январида вафот этади. Бутун халқ – шоҳдан гадогача, олимдан чўпонгача, шоирдан деҳқонгача улуғ фарзандининг ўлимига қайғу ва изтироб билан мотам тутади:

Ўлимидан ҳар бир уйга тушди мотам,
Мамлакатнинг ҳар бурчидан чиқди фиғон.
Темир юрак, тош юракли кишилар ҳам,
Бу даҳшатли мусибатдан ютдилар қон. –

леб ёзган эди тарихчи Хондамир.

Алишер Навоий ижоди ўзбек адабиётининг қўл етмас чўққиси, шеърятимизнинг порлоқ сўмас куёшидир. Ўзбек халқи бор экан, Алишер Навоий номи ва асарлари ҳам абдан яшайди.

Савол ва топшириқлар:

1. А.Навоийнинг таваллуди ва насл насаби ҳақида нималарни биласиз?
2. Навоийнинг бодалик, йигитлик даври ҳамда илк ижоди ҳақида сўзланг.
3. Хусайн Бойқаро ҳамда Навоий орасидаги буюк дўстликка гувоҳлик берувчи воқеаларга ўз муносабатингизни билдириг.
4. Навоий билан ҳамфикр бўлган машҳур замондошлари, устозларидан кимларни биласиз?
5. Тобуригиз Навоий ҳақидаги қуйидаги фикрларини мисоллар билан изоҳланг “...**Аҳд** фазл ва ақд дунарга Алишербекча муриббий ва муҳаввий маълум эмаским, даргиз пайдо бўлмиш бўлғай. ...Мунча бинойи хаврким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай.”

6. Мўмин Мирзониинг ўлдирилиш Навоийга қандай таъсир қилди?
7. Навоийнинг оруз ва армонлари ҳақида сўзланг.
8. Шоир адабий меросини дафтарингизга қайд этинг.

НАВОИЙ ЛИРИКАСИ

Дўст, шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро таърифлаганидек, “назми васфида тил ожиз”лик қилувчи Ҳазрат Мир Алишер Навоий жуда катта лирик мерос эгасидир. Навоий туркий шеърятни юқори чўққига олиб чиқа олган, туркий ва форсий тилларда бирдай маҳорат билан қалам тебратган забардаст зулҳисонаин шоирдир. Аммо туркий тилда шеър битишда ҳеч ким Навоийчалик камолот қозонмаган. Шоҳ ва шоир, адабиётшунос олим Заҳриддин Муҳаммад Бобур айтганидек: «Алишербек назир иўқ киши эди. Туркий тил билда то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас».

Устози Ҳазрат Абдураҳмон Жомий ҳам Навоий назмига, зулҳисонаинлик салоҳиятига юксак баҳо беради: «Бу қаламга» фалакдин офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни ўша қалам яратди ва форсий тил эгалари, форсча назм дурларини тизувчиларга раҳм қилди: у ҳам форсий тилда ёганда, бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди. Бу мўъжизакор назм тарозиси қаршисидан Низомий киму Ҳисрав ким бўлди».

Ҳа, Навоий буюк шоир, ҳатто бунн ўзи ҳам фахрия услубида ёзади:

...Фалак кўрмади мен киби нодире
Низомий киби назм аро қодире.

...Турк назмида чу мен тортиб алам.
Айладим ул мамлакатни яққалам.

Алишер Навоийнинг «Оразин ёпқоч» сўзлари билан бошланувчи газалига Мавлоно Лутфий берган баҳо ҳам шоирнинг юксак истеъдодидан дарак беради.

Мана шундай юксак истеъдод эгаси Навоий жуда катта ва бой лирик хазина яратиб қолдирди. Бу лирик хазинанинг асосини 45–50 минг мисрага яқин туркий тилда ёзилган шеърларини ўз ичига олган «Ҳазойинуд маоний» ва 12 минг мисрадан зиёд форс-тожик тилидаги Фоний таҳаллусли шеърларини ўз ичига олган «Девони Фоний», форс-тожик тилидаги 6 фалсафий қасидадан иборат «Ситтаи зарурия» («Олти зарурият») ҳамда «Фусули арбаа» («Тўрт фасл») қасидалари ташкил этади. Бундан ташқари, Навоийнинг дostonларида лирик фрагментлар (лирик муқаддима, лирик чекиниш ва лирик хотималар), «Арбайини», «Назмуд жавоҳир», «Мушшаот», «Вақфия», «Ҳамсатул мутаҳаййирини», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Муҳокаматул дугатайн», «Мезонуд авзон» ва бошқа илмий, насрий асарлари таркибидан кўпгина мустақил байтлар, фард, рубоий, қитъа ва бошқа жанрлардаги шеърин дурдоналари бор.

Алишер Навоийнинг улкан шеърин хазинаси барча даврларда адабиётшунос олимларини ўзига жалб этиб келган. Бир қанча тарихий асарларда (Бобур «Бобурнома», Хондамир «Мақоримул аҳдоқ»), тазкираларда (Давлатшоҳ Самарқандий «Таъриқатуш шуаро») муаллифлар Навоий ижоди ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганлар.

Алишер Навоий болалик даврлариданоқ бадний ижод билан шуғуллана бошлади. Тез орада ёш шоир адабиёт ихлосмандлари орасида шуҳрат қозонди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи «Бадоеъ ул бидоъ» (“Баднийлик ибтидоси”) девонининг «Добоча»сида.

Кўнглимда не маъни ўлса эрди пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо,
Ул назмга жонин қилибон халқ фидо,
Солурлар эди гунбази гардунга садо, –

деб ёзган эди.

Адабиёт муҳиблари Алишер Навоийдан девон тузишни илтимос қилганларида, у девон тузиш учун ҳали эрта деб ҳисоблайди. Навоийнинг ниҳоятда камтарлигини билган мухлислари унинг лирик асарларини йиғиб девон туза бошлайдилар. «..аммо халқ орасида, – дейди Навоий «Бадоеъ ул бидоя»нинг «Дебоча»сида, – минг байт, икки минг байт ортиқроқ ўқусуқроқким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлиб эрди». Бу девонни шоирнинг 24 – 25 ёшлик даврида хаттотлар султони лақабини олган Султон Али Машҳадий кўчирган. У қўлёзма девон илмда шартли равишда “Илк девон” номи билан юритилади. Шундай қилиб, Навоий шеърлари биринчи марта замондошлари томонидан девон қилиб тузилди.

1470 – 76 йиллар орасида Алишер Навоий ўзи тузган биринчи расмий девонини «Бадоеъ ул бидоя» («Баднийлик ибтидоси») деб номлаган. Ушбу девон Ҳусайн Бойқаро тошшириғи билан тузилган бўлиб, Навоий ушбу девонга махсус «Дебоча» ҳам ёзиб, унда девоннинг тузилиши сабаби, ўзига хос хусусиятлари, ўзининг ижодий нуқтаи назари, дастурини акс эттирган.

«Бадоеъ ул бидоя» 842 шеърдан ташкил топган бўлиб, 585 ғазал, 3 мустазол, 4 муҳаммас, 2 мусаддаас, 3 таржиъбанд, 49 қитъа, 78 рубоий, 10 чистон, 52 муаммо, 10 туюқ, 46 фарддан иборатдир.

Алишер Навоийнинг иккинчи расмий девони «Наводир ун ниҳоя» («Беҳад нодирликлар») 1476 – 1483 йиллар орасида тузилган бўлиб, 693 шеърдан (628 та ғазал, 3 мустазол, 3 таржиъбанд, 5 қитъа, 46 рубоий, 6 муаммо, 1 туюқ) дан ташкил топган. Бу девонга шоирнинг биринчи расмий девони тузилганидан кейинги ёзилган барча туркий шеърлари киритилди.

«Бадоеъ ул бидоя» ва «Наводир ун ниҳоя» 4 девонни ўзида жам этган Навоийнинг лирик куллиёти «Хазойин ул маоний»нинг вужудга келишида катта ва мустаҳкам замин бўлди.

Ижодий лирикадан бошлаган Навоий бир умр бу адабий турдан йироқлашмади. У достгонлар, адабий-биографик ёки илмий асарлар ёзиш билан банд бўлган чоғларида ҳам янги-янги шеър битар эди. Натижада янги девон тузиш зарурияти пайдо бўлдиким, устози Абдурахмон Жомий маслаҳатига кўра, 1491–1498 йиллар мобайнида олдинги расмий девонларига кирган ва кейинчалик янги яратилган шеърларини ҳамда муайян сабабларга кўра аввалги девонларига киритилмаган туркий шеърларини жамлаб, тўрт мустақил девондан иборат лирик куллиёти – «Хазойинул маоний» («Маънолар хазинаси»)ни тузди. «Девон ичра девонлар»дан иборат бу куллиёт туркий адабиётда девон тузиш санъатининг энг олий намунаси ҳисобланади ва ҳар бир девон махсус номланади.

Навоий худдисонаин шоир сифатида форс-тожик тилида ҳам ижод этганлигини юқорида қайд этдик. Шоир бу тилда ёзган шеърларини жамлаб форс-тожик тилидаги

бадий ижодиёти самараси бўлган «Девони Фоний» лирик тўпламини тузади. Бу девоннинг тузилган даври ҳақида аниқ маълумотлар йўқ, тахминан «Хазойин ул маоний» куллиёти билан бир даврда, умрининг сўнги йилларида тузилган, деб тахмин этилади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Навоий девон тузиш анъанасини ҳадди аъдосига кўтарди. Шоирнинг 8 та девони бўлиб, 7 тасини расмий девон услубида Навоийнинг ўзи тузган.

Алишер Навоий девонлари:

1. «Илк девон» (мухлислар томонидан тузилган)
2. «Бадоеъ ул бидоя» – «Бадийлик ибтидоси»
3. «Наводир ун ниҳоя» – «Беҳад нодирликлар»

“Хазойин ул маоний” – «Маънолар хазинаси», 4 девондан иборат:

4. «Ғаройиб ус сиғар» – «Ёшлик ғаройиботлари»
5. «Наводир уш шабоб» – «Йигитлик нодирликлари»
6. «Бадоеъ ул васат» – «Ўрта ёшлик гўзалликлари»
7. «Фавойид ул кибар» – «Кексаликнинг фойдалари»
8. «Девони Фоний»

Алишер Навоий йилнинг тўрт фаслига қиёс қилиб, ўз умрини тўрт босқичга, ёшлик, йигитлик, ўрта ёшлик ва кексаликка бўлди ҳамда бу босқичларнинг чегарасини белгилади: туфулият (ёшлик, болалик) – 7-8 ёшдан 20 ёшгача, шабоб (йигитлик) – 20 ёшдан 35 ёшгача, кухулат (ўрта ёшлик) – 35 ёшдан 45 ёшгача ва кексалик – 45 ёшдан 60 ёшгача. У «Хазойин ул маоний» дебوحасида ҳар бир девоннинг шу босқичлардан бирининг маҳсули деб атайди ва шунга мувофиқ уларга махсус номлар қўяди. Чунончи, унинг дебочада эътироф этишича, ҳар бир девон шоир ҳаётининг маълум босқичидаги самараси бўлиб, улар қатъий хронологик чегара билан ажратилган ва мазмун жиҳатидан бир-биридан фарқланади.

Ҳазрат Навоийнинг лирик мероси юзасидан тадқиқот олиб борган кўпчилик навоийшунослар шоирнинг девон дебوحасидаги эътирофига суяниб, мазкур асарни хронологик тартибда тузилган девонлар мажмуаси эканлигини таъкидлайдилар. Бироқ илмий тадқиқотлар, хусусан, навоийшунос олим Ҳамид Сулаймоннинг Навоий лирикаси матни асосида олиб борган текшириш ишлари «Хазойин ул маоний» девонлари хронологиясининг исбий эканлигини, шоир ҳаётининг турли даврларида яратган шеърларини девонларга қатъий бир хронология асосида эмас, балки аралаш ҳолда тақсим қилганини кўрсатди. Айрим шеърлар (ёки шеърини парчалар) ўша шеърлар киритилган девоннинг номланишига – хронологиясига мувофиқ келмайди. Масалан, номланишига мувофиқ, «Ғаройиб ус сиғар»даги барча шеърлар шоирнинг ёшлик чоғларида ёзган шеърларини ўз ичига олиши керак эди, бироқ биз «Ғаройиб ус сиғар»да шундай байтларга ҳам дуч келамиз:

Кечти умрум нақди гафлат бирла нодонлиғда ҳайф.

Қолғони сарф ўлди андуҳу пушаймонлиғда ҳайф.

Ёшнинг эллик бўлди юз қўйил фано туфроғига.

Ким шабоб айёми айшу беадаблиғ чоғи бас.

«Наводир уш шабоб»да эса куйидаги парчаларни ўқиймиз:

Ёшим эллик бўлди юз ҳасрат есамким суди йўқ,
Ўзни майдин хуш тутай чун ўтти умрим хушроғ.

Менки эллик йил чекиб ғам, топмадим хушвақтлик,
Топқаменку умрининг эмки ўтмиш хушроға.

Зулм ила бедодидин махлас не мумкин, эй кўнгул.
Чунки қувватли йигитдур ёру мен ожиз қори.

«Наводир уш шабоб»га эса шоир Сайид Ҳасан Ардашер вафотиға бағишлаб ёзган марсиyasини киритади. (Сайид Ҳасан Ардашер 1488/89 йилда вафот этган бўлиб, бу даврда Навоий 47–48 ёшларда эди). Бундай мисолларни кейинги икки девондан ҳам келтириш мумкин.

Буларнинг барчаси «Ҳазойин ул маоний» девонларининг хронологияси исибий ва номланиши шартли эканлигини кўрсатади. «Мушшаот»даги: «Бурунги икки девон ашъори бида сўнгги айтилогларни қўшиб, тартиб ила тўртға айрилди», – сўзлари ҳам шу мулоҳазани қувватлайди.

Навоий девонларининг тўрт таҳрири асосида унинг ўзбек тилидаги шеърларининг асл хронологиясини белгилаш мумкин. Адабиёт ҳаваскорлари томонидан 1465–66 йилларда тузилган девон бир босқични ташкил этса, «Бадойи ул бидоя» даги янги шеърлар иккинчи босқични, «Наводир ун ниҳон»даги шеърлар учинчи босқични ва «Ҳазойин ул маоний»даги аввалги икки девонда бўлмаган шеърлар тўртинчи босқични ташкил этади. Адабиётшунос Ҳамид Сулаймон шу усулда Навоийнинг ўзбек тилидаги шеърларининг асл хронологиясини, «Ҳазойин ул маоний» девонларидаги шеърларининг исибий хронологиясини белгилаб, куйидаги жадвални тузган эди:

“Ҳазойинул-маоний” девонлари	Усмирлик йиллари	Йигитлик йиллари	Ўрта ёшлик йиллари	Кексалик шеърлари	Тўрт девонда
1. «Ғаройиб ус сизар»	156	499	27	158	840
2. «Наводир уш шабоб»	–	166	237	356	759
3. «Бадойи ул васат»	132	75	106	427	740
4. «Фавоид ул кибар»	146	115	87	445	793
Жами:	434	855	457	1386	3132

Юқоридаги фикрлар, маълумотларга таянган ва уларни инкор этмаган ҳолда ўзбек тили ва адабиети бўйича мутахассис Ҳакимжон Ҳусанов ўзининг «Ҳазойин ул маоний» девонларининг номланиши ҳақида айрим мулоҳазалар номли мақоласида Алишер Навоийнинг «Маънолар хазинаси»нинг ҳозик хозини ўз девонларини номлашда инсон умрининг тўрт босқичининг (жисмоний) назарда тутмаган бўлса керак деб, «Ҳазойин

ул маоний» номлаишига доир муқобил фаразни ўртага ташлайди: "Маълумки, Навоий лирикаси сўфиёна (орифона, ошиқона) шеърятдир. Бу шеърятга ғоявий асос вазифасини ўтаган ТАСАВВУФнинг эса йўл-йўсини «комилликка интилмоқ»дир. Шундай қилиб, «Хазойинул-маоний» даги тақсим этилган босқичлар аслида руҳоний ҳаёт босқичлари бўлиб, улар аҳдulloҳнинг дорулфанодаги умри мобайнида ўташи лозим бўлган мақомлардир».

Болага ҳос асосий хусусият унинг ҳар нарсага қизиқиши, тушунмаган нарсалари ҳақида саволлар ёғдириши бўлиб, бу эса унинг ҳайратлари натижаси ўлароқ пайдо бўлади. Болаликдаги ушбу хусусиятдан фойдаланиб, Оллоҳни таниган мўмин банданинг биринчи руҳоний болалик даври ҳақида сўз юритиш мумкин. Мақола муаллифи ёзади: «Биринчи босқич руҳоний болалик даври («Фаройиб ус сиғар») бўлиб, ундаги устивор унсуур ХАЙРАТдир. Агар Зуинуи Мисрий (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг «Маърифатнинг ҳақиқати ҳайратдир» деган ҳикматиға суянадиган бўлсак, бу босқич ЎЗ ва ОЛАМини таниш босқичи эканлигини эътироф этамиз. Бу даврда солиқ «Мени ким яратган – қаердан келдим?», «Мен кимман – ким бўлишим керак?», «Бу ерда(дунёда) нима қилиб юрибман – нима қилишим керак?» каби саноқсиз саволларға жавоб қидиради. Асл ХАЙРАТ ана шу саволларға тошидан жавобларда акс этган. Диққат билан урганиб чиқсангиз, «Фаройиб ус сиғар» тартибига кирган асарларда етакчи нафос ХАЙРАТ эканлигига амин бўласиз.

Иккинчи босқич руҳоний йиғитлик даври «Наводир уш шабоб»да ишқ унсуури етакчилик қилади. «Йиғитлик даврида қалбини ишқ банд этмаган киши кам топилади, айнан шу даврда инсон муҳаббат дардига мубтало бўлади, ҳаётга ишқ кўзи билан боқади. Агар Роббул оламиний ўз фазлу карами билан кимсани ўзига ошиқ этса, бу ўша банданинг саодатидир. Бу босқичда инсоннинг фиғратига бўлган МУҲАББАТ ўзининг ҳақ йўналишини топади. Чунончи, вафо ва садоқат, висолга интилув ва ҳижрон ҳамда шу каби мотивлар айнан иккинчи босқичда асосий ўрин тутайди». Демак, мазкур мақомда устивор унсуур ИШҚдир.

«Учинчи босқич руҳоний ўрта ёшлик даври («Бадоеъ ул васат») бўлиб, бунда етакчи унсуур РИНД МАЪРИФАТИдир. Ҳақдан келган синовларда сўфий ўз маънавий оламини тоблайдди. Бу босқичда ориф ўзи (нафси) билан жамият ва умуман, борлиқ ўртасидаги муносабатни мушоҳада қилади. Бу мақомда у ё нафсининг найрангларига учиб, залолатга юз тутайди ёки ҳавоий хоҳишларини забт этиб Ҳақ ризосига интилиб яшайди. Алҳол, иккинчи йўлни танлаган ҳақпараст зот ўз маслагига қойим бўлса, файз топади.

Тўртинчи босқич руҳоний кексалик даври («Фавойид ул кибар») бўлиб, бунда бирламчи унсуур НАСИҲАТдир» (Кекса инсонларға ҳос бир хусусият уларнинг насихатгўй бўлиб қолишлиги айнан тўртинчи девоннинг номлаишига асос бўлади). «Расулуллоҳ (С.А.В.)нинг «Дин насихатдир» ҳалиси шарифига амалан, Низомиддин мулаққаб устоз шоир умри мобайнида илму ирфон, фазлу камолға соҳиб бўлгач, тажрибадан ўтган йўриқларни маънавий фарзандларига тақдим этади. Бу йўриқлар сулуқда баъзан тушқунликка тушган, камолот йўлида дуч келган мушқиласига чора тополмай қийналаётган солиқ (йўловчи) учун йўналиш (йўл белгиси) вазифасини ўтайди.

Мақола муаллифи «Хазойин ул маоний» куллиётининг номланишига доир ўз фикр-мулоҳазаларида Навоий шеърятининг психологик жиҳатларига кўпроқ урғу бериб, Навоий шеърятини ўрганишда нафақат фалсафий қарашлари ва поэтикасини, балки руҳий-психологик аспекти ҳам инобатга олишимиз зарурлигини таъкидлайди. Сўфиёна лириканинг, хусусан, ҳазрат Навоий назмиётининг асосини эса Ҳақ ошиғининг руҳий ҳолати манзаралари ташкил этади.

Навоий «Хазойин ул маоний» куллиётига лирик турнинг 16 жанрдаги шеърларини киритган, жанрларнинг девонлардаги тартиби ва шеърлар миқдори тубандагича:

1. Ғазал	– 2600	9. Қасида	– 9
2. Мустазод	– 4	10. Соқийнома	– 1
3. Мухаммас	– 10	11. Қитъа	– 210
4. Мусаддас	– 5	12. Рубоий	– 133
5. Мусамман	– 1	13. Муаммо	– 52
6. Таржиъбанд	– 4	14. Чистон	– 10
7. Таркиббанд	– 1	15. Гуёқ	– 13
8. Маснавий	– 1	16. Фард	– 86

Девонлардаги ҳар бир жанрга оид шеърлар қофияси ёки радифидаги тугалланувчи ҳарфга қараб, яна девон тартиб бериш қондаларига, алифбо тартибига қатъий амал қилинган ҳолда жойлаштирилган.

Девонлардаги шеърларнинг катта қисмини **ғазаллар** ташкил қилиб, бир ҳарф туркумига оид ғазалларни жойлаштиришда ҳам ички бир тартиб бор. Девонлар ҳамд ғазаллар билан бошланиб, сўнг наът ғазаллар келади. Агар ҳамд ғазал бўлмаса, гуруҳ бевосита наът ғазалдан бошланади, ҳамд ғазал ҳам, наът ғазал ҳам бўлмаса, девон ҳарфий гуруҳ мавъиза, яъни ваъз – насиҳат руҳидаги ғазаллар билан очилади. Навоий девон тузиш анъаналарига, асосан, риоя қилди. Бироқ у тўртала девонини ҳам шеърятнинг етакчи жанри бўлган ғазаллар билан бошлаб, бу анъаналар доирасидан ташқари чиқди (одатда, девон қасида жанридаги шеърлар билан бошланар эди). Девонлардаги ғазаллар ҳамининг катталиги, яъни уларнинг «кўб ва хўб» лиги Навоийга «Ғазал мулкининг султони» деб нисбат берилиши бежиз эмаслигига гувоҳдир.

Алишер Навоий забардаст зулҳисонаин шоирдир. Унинг бадий ижодиёти форс-тожик тилида бошланган ва шоир умрининг охирига қадар, туркий тилдаги асарлари билан бир қаторда форс-тожик тилида ҳам шеърлар битиб, бу тилдаги адабиёт хазинасига катта ҳисса қўшган ва китобхонларга манзур бўлган эди. Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги бадий ижодиётининг улкан самараси «Девони Фоний» деб номланган шеърлар тўпламидир. Шоир бу тўпламини ҳаётининг сўнгги йилларида (эҳтимол, «Хазойин ул маоний» билан бир вақтда) тузган эди.

Алишер Навоий **қасида** жанрининг ҳам моҳир усталаридан биридир. У қасидачиликда буюк қасиданависларининг анъаналарини катта муваффақият билан давом эттиради, ривожлантиради. Навоий қасидаларида ҳам буюк мутафаккир, мисли сўз санъатқори сифатида гавдаланади. У қасидаларига ижтимоий муҳитнинг муҳим масала ва муаммоларини мавзу қилиб олади, фалсафий фикр-мушоҳадаларини ифодалайди, ҳаёт ва табиат лавҳаларини чизади.

Алишер Навоий лирикасининг **мавзу** доираси жуда кенг. Ундаги энг етакчи мавзу **ишқ-муҳаббатдир**. Шарқ адабиётида ишқнинг икки тури кузатилади:

1. Ишқи Илоҳий (Яратгувчи Ҳақ Таоло – Аллоҳга бўлган муҳаббат);
2. Ишқи мажозий (Инсонга муҳаббат).

Алишер Навоийнинг эътирофича, мажозий ишқдан мақсад ҳақиқий ишқни куйламоқдир:

Гар Навоий бигласа, ишқинг мажозийдур дема
Ким, назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз.

Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,
Нединки, аҳли ҳақиқатга бу тариқат эрур.

Мажоздин чу ҳақиқатга йўл топар ошиқ
Қилур мажозни наф улки беҳақиқат эрур.

Демак, Алишер Навоий асарларида тасвирланган муҳаббат замирида Аллоҳга муҳаббат мужассамдир. Биз ана шу тағ маънони илғай олишга ҳаракат қилишимиз зарур.

“Ҳаётда Навоийнинг севган ёри (қизи) бўлганми?” деган савол мана печа аср ўтса-да, шоир мухлисларини ҳамиша қизиқтириб, уйлантириб келмоқда. Бир ғазалда Навоий ўз мухлисларига жавоб бергандек бўлади:

Айламанг бекаслигимни таън, бир кун бор эди
Менда ҳам бир нозанин, чобуксувор, эй дўстлар.

Алишер Навоийнинг муҳаббати, севган ёри ким эканлиги ҳануз сир бўйича қолмоқда. Аммо бир нарса аниқки, Навоий ҳам бир дунёвий гўзални севган, бунга “Лисонут тайр” достони муқаддимасидаги муножоти ҳам далил бўла олади. Муножотда Навоий бир гўзалнинг ишқида ёниб, уни кўриш учун Аллоҳга қилган илтижолари учун Яратгандан узр сўрайди, яъни “сени ўша гўзални кўриш учун эсладим, бундай бандалик қилганим учун кечир” деб нола қилади:

Ҳажри чун кўнглумга бедод айлабон
Они истарга сени ёд айлабон,
Олло-Олло ўлтурур шармандалиқ,
Ёдима келсо, бу янглиқ бандалиқ.

Ҳа, Навоий ҳам севган, севмаса эди бундай ўтли ғазаллар бита олмаб эди. Зеро, қалб бу дардни тотиб кўрмас экан, бу дард ўзганинг қалбини ўртовчи сўзга айлана олмайди.

Алишер Навоий шеърятини Қуръони Каримдан, тасаввуф таълимотидан айро таҳлил қилиш мумкин эмас.

Келинг яхшиси Ҳазрат шеърятига мурожаат қилайлик:

Қаро кўзум, келу мардумнинг эми фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.
Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг иҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингга бағир қонидин хино боғла,
 Итингга ғамзада жон риптасин расан қилғил.
 Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
 Хамир этиб яна ул тоғда кўхқан қилғил.
 Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,
 Сочингни бошдан-оёқ чин ила ишқан қилғил.
 Хазон сипоғига, эй боғбон, эмас монё
 Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.
 Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафик, мени,
 Гулоб билла юву гул баргидин кафан қилғил.
 Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
 Анинг бошоғлиқ ўқин шамъи анжуман қилғил.

“Қаро кўзум” ғазалини билмаган, бу ғазал сўзлари билан айтилувчи қўшиқни эшитмаган ўзбек кам топилади. Мазкур ғазал Навоий даврида ҳам, ҳозир ҳам машҳурлик шохсупасида. Бунинг сабаби, сирини нимада? Навоийгача Атоий, Лутфий, Ғадий, Саккокий лирикасида қаро кўзлар сифатлаши қўлланган, радиф қатори ҳам ишлатилган. Аммо Ёрга “Қаро кўзум” дея мурожаат этиш фақатгина Навоийга хос. Маана шу истиоранинг ўзинё ғазалининг машҳур бўлишлигига кифоя бўла олади. Навоий матлаъининг ўзида бир неча сўз ўйинларини қўллаб, ошиқнинг энг олий орзуси – вазл умидини бадийлик либосида баён этади:

Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил,
 Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Биринчи мисрада Ошиқ қора кўзли ёрига висол умиди билан мурожаат этиб, мардумлиғ, яъни одамгарчилик қилиб ёнимга кел, деса, иккинчи мисрада янада кучли орзусини – у билан қолишлигини, доим бирга бўлишлигини сўрамоқда. Маълумки, киши рўпарасида турган нарса унинг кўз қорачиғида акс этади, демак ёр келса у мардумда акс этади, бу аксланишнинг доимий бўлиши учун ёр унинг ёнида доимо бўлиши, яъни “кўз қаросида мардум киби ватан” тутиши керак. Байтда ошиқнинг олий орзусини Навоий тарди акс (Қаро кўзум-кўзум қароси), тажнис (мардум-одамийлик, мардум – кўз қорачиғи), таманиё (орзу қилиши) санъатлари воситасида баён этади. Қаро кўзум истиораси нафақат қора кўзли ёр, балким, жуда гўзал ёр маъносини ҳам ўзида жо эта олган.

Ёрнинг гўзаллиғи тасвири бўлган «гуддек юзинг», «ниҳолдек қадинг» каби аъъанавий ташбеҳларни Навоий «юзунг гулига», «қадинг ниҳолига» шаклида қўллаб биринчи байтдаги фикрини, яъни ошиқнинг орзулари баёнини давом эттиради. Сен менин кўзимдангина эмас кўнглимдан, жонимдан ўрин ол. Байтда кўнгул равзаси, жон гулшани истиоралари бежиз қўлланмаган. Гул юзли, ниҳол қадли ёр ҳар қандай қалб-кўнгилининг эгаси бўлавермайди. Икки байт мазмуни бирлашиб, ўзинг ёнимда, мухаббатинг қалбимда бўлсин деган умид баён этилмоқда. Кўзда акс этишлик жисмга тегишли ҳолат бўлса, кўнгили, жон руҳга тегишли бўлгани сабаб ошиқнинг жисми ҳам, руҳи ҳам ёр вазлини тиламоқда:

Юзун гулига кўнгул равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.
Таковарингга бағир қонидин хино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Халқимизнинг “оёғингга хино кўйганмисан (боғлаганмисан)” ибораси мазмунининг юқоридаги байт таҳлили билан бевосита алоқаси бор. Оёғига хино боғлаган кишининг ҳолатини эсланг, юриши қийинлашади. Байтда от ёринг келиши ва кетишининг бадийи талқини. Отига хино боғланган ёр кетолмайди, бу хино, айниқса, бағир қонидан бўлса, яъни маъшуқа ошиқнинг чеккан азобларини кўриб ташлаб кетиши қийин. Мумтоз шеърятда ит, рақиб ошиқнинг маъшуқа дийдорига етишига монъелик қилувчи Нафс ва шайтоннинг бадийи ифодаси бўлган образлардир. Маълумки, Нафс ва шайтон ҳақиқий ёр – Аллоҳнинг васлига эришишдаги катта ғов, тўсиқ. Ошиқнинг, умуман, солиқ банданинг қилган ибодатлари, Ёрга етишиш учун чеккан азоблари, (зеро, ишқ дарди ўйин кулги эмас, балким, Аллоҳнинг суйган бандасини синаш учун берилган балою дардларидир.) дардлари душманин банди эта олади. Шунинг учун итингни жабр кўрган, дард чеккан жон риштаси билан билан боғлаки, токи, дийдорлашувимизга ҳалақит бермасин. Шоир бағир қони, жон риштаси истиоралари ёрдамида ошиқнинг дардли ҳолатини ифодалай олган:

Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй чарх,
Хамир этиб яна ул тоғда кўхкан қилғил.

Юқоридаги байтдаги ҳолат, яъни ғамзада жон риштаси ошиқнинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин. Ошиқ бу ишқ дарди билан қазо топса ҳам, қайта яратилишда яна кўхканликни даъво этмоқда. «Кўхкан» Фарҳоднинг лақаби. Демак, мени қайта яратганда ҳам ўзингга ошиқ қилиб яратгин, дея навбатдаги орзусини баён этмоқда ошиқ. Мазкур ғазални ошиқ орзулари баённомаси деб аташ мумкин. Кейинги байт мазмунига ҳам яна висол истаги жо бўлган. Эътиборингизни «чин» ва «шикан» сўзларига қаратсак, луғатда «чин» сочининг жингаласи, «шикан» ҳам синиқлик, буралниш маъноларини билдиради. Байтда ошиқ, агар юзининг висолига етсин десак, сочинини бошдин-оёқ жингала қилганики, унинг воситасида васлга эришай, демоқда. Келинг, яна луғатга мурожаат этайлик, юқоридаги сўзларнинг сўз бирикмаси таркибида иккинчи маънолари ҳам мавжуд. Чин – терувчи (йиғиштирувчи), шикан – синдирувчи. Байтни сўзларнинг кейинги маънолари асосида таҳлил этсак, агар юзининг висолига кўнгулларининг етишини истасанг, сочинини йиғиштир, синдир (йўқ қил). Маълумки, «соч» тасаввуфий тимсол сифатида ўткинчи, фоний дунё рамзидир. Ошиқ билан маъшуқанинг ҳақиқий дийдорлашуви эса охирадда, яъни бу дунё йиғиштирилгач, юз беради. Бизнингча, мана шу васлга ҳам ишора қилинмоқда:

Юзунг висолига етсуи десанг кўнгулларини,
Сочингни бошдан-оёқ чин ила шикан қилғил.

Кўйидаги байт таркибидаги хазон сипоҳи, боғбон, боғ, тикан образлари ҳақида мушоҳада юритсак. Инсон умрини боққа қиёс этсак, боғбон – ана шу умр соҳибни бўлган инсон, у ўз боғидаги ҳаётни – боғ томинини тиконлар билан ўраб ташласа ҳам,

хазон сипоҳидан ҳимоя эта олмайди, яъни инсон ҳар қандай чора-тадбир қилмасин, бир кун ўлим ҳақ, хазон сипоҳи (Ажал) бу боққа ҳар қандай тўсиққа қарамай ташриф бўюради:

Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монъ
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Зотан, ўлим ҳақ экан, ошиқ ёрнинг юзида терни кўриб жон бергач, уни гулоб билан ювиб, унга гул баргидан кафан қилишларини дўстидан илтимос қиляпти. Маъшуқанинг юзидаги тер нимадан далолат? Баъзи таҳлилларда, бу тер маъшуқанинг ҳам ошиқни чин севганлигининг далили сифатида қаралади. Ҳа, чин севишлик ўз севгилиси олдида хижолатчилик терларига сабаб бўлади. Эсланг, энг шаддоқ қизнинг ҳам, энг шўх йигитнинг ҳам севган ёри олдида тили калмага келмай қолади, тер босади. Бу эса муҳаббатдан нишона. Маъшуқани гулга қиёс этиш юқоридаги байтларда мавжуд. Гулоб, гул барги сўзлари асосида ҳам ёрга ишора бор. Жон берар экан, ошиқ у оламда ҳам қора кўзи, гул юзли ёри билан бирга бўлишликни орзу қиляпти. Инсон жон берар экан, ўз яқинлари (рафиқ) томонидан ювилиб, кафаланиб, абадий олам остонаси бўлган қабрга қўйилади. Мазкур байтдаги «юзида» сўзини юзда шаклда таҳлилга тортсак ҳам байтдан англашилган мазмун ўзгармаса-да, ҳолат бироз бошқачароқ кўриниш олади. Бунда ошиқ ўз юзида терини кўриб жон бермоқда. Шу ўринда, мўминнинг жони тер билан чиқади, ҳадиси эга туширилса, бу ошиқнинг имон билан жон бераётганига ишорадир. Мўминнинг ватани жаннат экан, унда Аллоҳнинг ошнги ўз Ёрини кўриши, у билан бирга бўлиши ҳақдир. Лирик қаҳрамон – Ошиқнинг бу фоний дунёда ҳам, кейинги абадий ҳаётда ҳам маъшуқаси билан бирга бўлишлик орзулари байтлар мазмунига сингдириб юборилган:

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени,
Гулоб била юву гул баргидин кафан қилғил.

Мазкур байт мазмуни билан шоир Навоийнинг қуйидаги рубойиси мазмуни ҳам бир-бирига ҳамоҳангдир:

Ўлсам, ясаманг мунда мазоримни менинг,
Юклаб элтинг жисми фиғоримни¹ менинг.

Ўтру² чиқариб ақли диёримни менинг,
Кўйида³ кўюнг тани низоримни⁴ менинг

Ҳазил мақтаъсидаги сўзлар мазмунига кўра, анжуман – байрам, хурсандчилик маъноларини билдириб, лирик қаҳрамон кўнғил, жон ичидаги анжумани ёритувчи Ёр бўлишларини хоҳляпти. Жоннинг бошоғлиқ ўқи алифдир. Жон сўзини алифсиз тасаввур этиб бўлмаганидек, ошиқ жонини маъшуқасиз тасаввур этолмайди. Байтда жон сўзининг ёпилишига ишора этилиб, китобат санъати кўлламоқда. Ҳар қандай базм, анжуманин қизитувчи, унга файз, нур бағишловчилари бор. Жондаги базмга

1. Фиғор – жараҳатли, ярали.

2. Ўтру – қарин, рўнара.

3. Кўй – кўча.

4. Низор – кучсиз, оғини.

эса унинг эгаси файз, нур бағишлайди. Кўнгил равзасининг, жон гулшанининг эгаси эса маъшуқа. Ошиқнинг қалби мўмин қалб экан, бу қалбни ҳидоят нури билан ёритиб турувчи Зот Аллоҳдир. Аллоҳнинг зикри, ёди билан қалбимиз ёришади. Эсланг, қалб гамгинликка тушганда биргина чуқур нафас олиб “Аллоҳ” дейишлик билан қанчалик енгиллаб, қалбимиз таскин топади, кўнглимиз ёришади. Тасаввур қилинг, Қалб доимо Яратганинг зикри билан нафас олса:

Навой, анжумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиқ ўқин шамъи анжуман қилғил.

Ҳазал висол орзуси билан бошланиб, сўнгги байтгача бу орзу-ният ошиқни тарк этмайди. “Қора кўзум” ғазали ўзининг сермазмун бадийий сеҳри, маънавий-руҳий таъсирчанлиги билан асрлар оша кишилар қалбини сеҳрлаб келмоқда. “Ушшоқ” куйи билан қўшиқ қилиниб айтилиши бу сеҳр кучининг ошишига сабаб бўлган. Мазкур ғазал таҳлили ошиқ орзулари баённомасида маъшуқаи Мутлақ ҳақида сўз кетганлигини кўрсатмоқда.

Ишқи Илоҳий адабиётшунослар томонидан “имкондан ортиқ муҳаббат мадҳи” дея таъриф берилган қуйидаги рубоийда ҳам ўз аксини топган:

Жондин сени кўп севармен, эй умри¹ азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Жондин, сондин ортиқ севишлик шеърятда айтилган фикр, аммо:

Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз, —

дея, севишликнинг энг юқори даражасидан ҳам баланд мақомни мазкур рубоийси билан Навоий забт этди.

Беайб парвардигор, гуноҳ қилиш инсонга хос, уни ўз Карам, Меҳрибонлиги билан авф этиш Яратгувчининг марҳаматидир. “Имкондан ортиқ муҳаббат баёни” эгаси қуйидаги қитъаси орқали, биргина ўзининг шунчалик кўп гуноҳи натижасида дўзах тўлиб кетиши, агар раҳм қилмаса унинг учун бошқа бир дўзах яратиши кераклигини айтиб, Меҳрибон ва Раҳмли Зотдан маъфират сўраяпти. Муҳаббат изҳоридаги даража ҳам навоённа, маъфират тилашлик ҳам навоённа:

Қилибмен онча исёнким², агар дўзах аро кирсам,
Менинг беҳад гуноҳим бирла дўзах сарбасар³ тўлғай.
Худоё, авф осонроқдурур, йўқса ғазаб қилсанг,
Магарким ўзга дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб ўлғай.

Навоий шеърятда муҳаббат изҳорини, фидонийлик даражасини бадийийлик либосида, яъни шеърини санъатлар воситасида баён этади. Қуйидаги рубоий фикримиз далилидир:

1. Мўминлар амири Алининг, унинг юзони саҳонатли қилсин, (нима) деяртаганига қара, ким айтаётганига қарама, деган сўзи таржимаси.
2. Исён – бош тортиш, норозилик билдириш.
3. Сарбасар – бошдан-оёқ.

Жонимдаги "жим" икки долинга фидо¹,
Андиш сўнг "алиф" тоза ниҳолингга² фидо,
"Нун"и доғи анбарин³ ҳилолингга⁴ фидо,
Қолган ики нуқта ики холингга⁵ фидо.

Рубоийда шоир лирик қаҳрамоннинг жоним сенга фидо бўлсин, деган тилагини китобат, ташбеҳ, истиора санъатлари орқали баён этади. Энг аввало, жон сўзининг арабча ёзилишига эътиборимизни қаратмоғимиз керак. Ундаги жим, алиф, нун ҳарфлари ёрнинг нималарига фидо этиляпти. Биринчи мисрада жим ёрнинг икки долига (бу мисрада дол ҳарфининг ёзилишига ҳам эътибор бермоқ керак.) фидо этилмоқда. Дол истиорасида ёрнинг зулфи – сочнинг юзининг икки қисмида, қулоқ ёнидаги қайрилма кичик қисми назарда тутилган. Дарҳақиқат, ёрнинг қайрилма зулфлари (гажаклари) араб алифбосидаги жим ва дол ҳарфларига жуда ўхшайди. Алиф ҳарфи тоза ниҳолига (ёрнинг қадди қомати ниҳолга нисбат берилиши асосида истиора қўлланган), яъни қадди қоматига, нун ҳарфи анбарин ҳилолига, яъни (ҳилол – янги чиққан уч кунлик ой) қошига, қолган икки нуқта икки холига бахшида этилмоқда. Бу билан, ошиқ, жонимнинг бирор нуқтаси ҳам қолмай бутун борлиғи билан сенга фидо бўлсин, дея олий ва гўзал муддаосини баён этади.

Навоийнинг санъаткорлик маҳоратини "қизил, сориг, яшил" радифли ғазали таҳлилида яна бир бора кузатиш мумкин:

Хиёлатин⁶ то айламинш жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми⁷ оҳдин
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Шишадек кўнглумдадур гулзори хуснунг ёдидин,
Тобадоннинг⁸ аксидек алвон қизил, сориг, яшил.

Оразу холинг била хаттинг⁹ хаёлидин эзур
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.

Лаългуи май тутки, олгуи жом бирла сабзада,
Ким, булардин яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил

1. Бу мисрада "жон" сўзидаги арабча "жим" ("ج") ҳарфидаги икки қийшиқ, "о"га ўхшаган қисм ёрнинг икки гажжатига қиёсланипти.

2. "Тоза ниҳол" деганда ёрнинг қомати кўзда тутилган.

3. Анбор – хуш исли нарсалар аралашмаси бўлмиш қора модда.

4. Ҳилол – ярим ой, бу ерда ёрнинг қоши кўзда тутилган.

5. "Жон" сўзининг арабий ёзувида иккита нуқтадан ҳарф ж иштирок этади, икки нуқта ана шу ёрнинг икки холига ўхшатирилган.

6. Хиёлат – тўн, қимматбаҳо кийим.

7. Самум – зармсел, таппот.

8. Тобадон – туйбуқ, дарча; туйбуқдан тушган нур.

9. Хатт – ёзув, чинақ; бу байтда мажозан

Фақр аро бирранглик душвардур беҳад, валеқ,
Хирқада тикмақ эрур осон қизил, сориг яшил.

Эй Навоий, олтину шингарфу¹ зангор истама,
Будди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил².

Аввало, мазкур ғазал матлабсидаги хилъат сўзининг маъносини аниқламоқ зарур. Хилъат луғатда тўн, қимматбаҳо кийим маъносини билдиради. Қадимдан қизил, сариқ, яшил, яъни турли рангдаги йўллари бор матоҳ – беқасамдан тўн кийилган. Шу асосда, байт мазмуни:

Беқасам тўнлар кийиб, мунча мани куйдирасиз,
Ҳар замонда бир қараб, воҳ, беажал ўлдирасиз, –

деган халқ кўшиғини ёдга солади. Аммо байтдаги сўзларга, радифга жиддийроқ ёндашилса, байт замирида чуқур мазмун, ғоят гўзал фикр яширинганининг гувоҳи бўламиз. Хилъат – кўришиб турувчи ташқи кийим. Агар маъшуқа Аллоҳ бўлса, унинг тўни, бу – биз кўриб турган олам, дея тасаввур этсак, унинг қизил, сориқ, яшил ранглари нимани англатади? Азиз ўқувчи, бу ранглارнинг тартибига эътибор бердингизми, сизга нимани эслатапти? Ҳа, топдингиз – светофорни. Навоий даврида светофор бўлмагани аниқ, аммо рангларнинг моҳиятини шоир яхши билган ва ундан санъаткор сифатида моҳирона фойдалана олган. Келинг, светофордаги рангларнинг қандай маъно англатишини эслайлик. Келаётган йўловчи ёки машина қизил рангда тўхтайдди, сариқда кетиш учун тайёргарлик кўради, яшилда йўлини давом эттиради. Инсонни бу дунёга келган йўловчи дея тасаввур этинг ва умримизнинг қайси онлари қизил чироқни, қайсиниси сариқ ва яшил ранглари англатади, деб ўйлайсиз? Мушоҳада юритиб кўрайлик. Умри яна фаслларга қиёс этиш мумкин. Қизил, сориқ, яшил ранглар қайси фаслларга хос? Мана шу уч ранг атрофида қанча таъриф, тасаввурларни ўртага ташлаш мумкин. Инсон бу оламга келади, ҳаёт деб аталмиш неъматдан фойдаланади, онлани, фарзандли бўлади, бу – инсон ҳаётидаги қизил ранглар – ёшлик даври. Бу дунёга келган меҳмоннинг бир кун кетиши бор, у бу сафарга тайёрлана боради, инсон умрининг ҳазон фасли куз кириб келади (сариқ) ва бу фоний дунёни тарқ этади (яшил). Бир фасл ранги эса радиф ранглирида йўқ. Ҳа, қиш фаслига тааллуқли оқ ранг. Хўш, нега шундай? Инсон умрининг қиш фасли ва табиатдаги қиш ҳаёти ҳақида нималарни билламиз. Дарахтлар уйқуда, яланғоч, аммо унда биз кўрмаган ҳаёт кетаётганини билмаймиз. Ахир, баҳорда дарахт кўкқисдан гуллаб юбормайди-ку ёки қишда илқ кўклам элчиси бинафша ер остида баҳорини кутиб нафас олаётганини ёлғон дейсизми? Инсон умрининг қиш ўз баҳори – Қиёматни кутиб ётган қабр ҳаёти эмасми? Аммо бизда буни кўриш имкони йўқ. Биз фақат Аллоҳнинг очик – қизил, сориқ, яшил рангларга жо бўлган – муъжизаларининггина кўра оламиз. Қизил, сориқ, яшиллик моҳияти биргина инсонга эмас, бутун борлик, махлуқотга тааллуқлидир. Буни табиатда, ўсимликлар, ҳайвонот оламида ҳам кузатиш мумкин. Буларнинг бари Яратувчининг қизил, сориқ, яшил рангларга жо қилган

1 Шингарф – қизил бўёқ, қизил ранг.

2 Бу байтда илгари замонларда девошлар арақларини ҳар хил рангларга бўйиб олати кўзда тутилган.

мўъжизаларидир. Бу мўъжизалар Холиқ кудрати, ҳикматининг намоёишидир. Бундай мўъжизалар эгасига ошиқ бўлмаган қалб – бу қудрат, ҳикматни ҳис эта олмаган сўқир қалбдир. Лирик қаҳрамон эса беадад мўъжизалар эгасининг кўз олдида акс этган очиқ қудратини кўриб унга ошиқ бўлиб, ўтли оҳ чекаптики, бу оҳларнинг ранги – қизил, сориг, яшил. Ёнаётган оловнинг рангини хаёлингизга келтиринг-чи, қизилмиди, сариқмиди ёки яшил (зангор)? Ҳа, оловда бу ранглarning ҳаммаси мужассам. Навоий ранглар хусусиятидан моҳирона фойдаланиб, ўз фикрини ана шундай образли баён этади.

Кейинги байт таҳлилида, энг аввал, гулшан, саҳро, дашт сўзларининг бир-бирдан фарқини билишимиз зарур. Ишқ саҳросининг гулшанга айланишига ошиқнинг ўтли оҳи сабаб бўлмоқда. Энди у саҳро эмас даштга айланди. Муҳаббат, ишқ дарди ошиқнинг ўтли оҳига айланиб, қалбда эсмоқда ва у бу қалбни гул битмайдиган саҳродан гулшанга, даштга айлантирди:

Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳдин
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Кейинги байтда бу ишқ ўти билан покланган шишадек тиниқ, покиза қалб уйининг Маъшуқа ёди билан ёришиши, уйнинг шишали туйнук орқали ёритилишига ўхшатиляпти. Байтда тамсил санъати ўз ифодасини топган:

Шишадек кўнглумдадур гулзори ҳуснунг ёдидин,
Тобдонининг аксидек алвон қизил, сориг, яшил.

Кейинги байларда ҳам қизил, сориқ, яшил ранглар моҳияти ўз шарҳини топган:

Оразу холинг била хаттинг хаёлидин эрур
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.

Ораз қизил, хол сориқ, хатт яшил рангларга параллел қўйилмоқда. Муҳаббатни қизил; ибодат, ҳижрон азобларини сориқ; висол онларини яшил рангларда беришлик орқали ёрига ўз орзусини баён этмоқда. Ишқ, дард, васл – булар фақрлик мақомида ҳам бор, аммо тариқатга кирган солиқда буларнинг бўлиши аниқ. Мақтаёда Навоий олтин, шингарф, зангорни ўзга ердан излама, шеърларинг, назмингда қизил, сориқ, яшиллик, яъни ишқ, ҳижрон, васл шарҳи – байтларингда мужассам, дея газални яқунлайди. Навоий ўзининг риндона, ошиқона, фалсафий фикрлари баёнида қизил, сориқ, яшил рангларни асос қилиб, гўзал сўз ўйинлари қилади:

Эй Навоий, олтини шингарф зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.

Алишер Навоийнинг ушбу газали арузнинг туркий шеърятда энг кўп қўлланган «рамали мусаммаи маҳзуф» вазида битилган:

Хиль - а - тин то / ай-ла-миш жо / нон қи-зил, со - / риг, я-шил,
- V - - / - V - - / - V - - / - V -
Шуъ - ла - йи о / ҳим чи - қар ҳар / ён қи - зил, со / риг, я - шил.
- V - - / - V - - / - V - - / - V -
фо и ло тун/фо и ло тун / фо и ло тун / фо и лун

Куйида Алишер Навоий девонларидан танланган шеърларни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Улардан салоҳиятингиз даражасида маъно рангинликларини кашф этасиз, деган умиддамиз.

Савол ва топштириқлар:

1. Навоий лирик мероси ҳақидаги маълумотларингиз билан Бобурнинг куйидаги фикрларини далилланг: «Алишербек назир ийўқ киши эди. Туркий тил билда то шеър айтибтурлар, деч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас».
2. Навоий девонларини сананг.
3. «Ҳазойинул – маоний» кудлиётининг номланишига адабиётшуносларнинг фикр – мулоҳазаларини баён этинг.
4. «Ҳазойинул – маоний» кудлиётининг тузилиши ва жанр табиатини айтинг.
5. Дириқадаги асосий ва етакчи мавзу бўлган Ишқнинг Навоий шеъринида бадний ифодаланишини мақоладаги таҳлиллар асосида шарҳланг.
6. Шoir бадний маҳоратига мисоллар келтиринг.

ҲАЗАЛЛАР

(Ўн саккиз минг олам ошуби...)

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.
Деса бўлғайким, яна ўн саккиз йил ҳусни бор,
Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.
Ўн саккиз йил, дема, юз саксон йил ўлса¹, улдурур
Ҳусни шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.
Ҳайрат этмон² ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси эз'ид³ таоло сунъ⁴ наққошиндадур.
Тан анга сийму⁵, ичинда тош музмар⁶ кўнглидин.
Ақлга юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.
Май кетур, эй муғки⁷, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ⁸,
Булжабларким, бу эски дайр⁹ хуффошиндадур¹⁰.

1. Ўлса – бўлса.

2. Этмон – этмайман.

3. Эзид – Аллоҳ, худо.

4. Сунъ – Яратгувчи

5. Сийм – кумуш.

6. Музмар – яшриган.

7. Муғ – майфуруш, май сотувчи

8. Масиҳ – Исо алайҳиссалом лақаби

9. Дайр – дунё

10. Хуффош – кўршаналак

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк¹,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

Савол ва топшириқлар:

1. Ён саккиз минг олам жумласи ҳақида нималарни биласиз?
2. Ён саккиз ёш ҳақидаги фикрларингизни баён этинг.
3. Ҳазалда ён саккиз ёшли инсон ҳақида сўз кетмаётганини қайси байтлар орқали изоҳлай оласиз?
4. Қуйидаги байтда қўлланган санъатларни айтнинг ва кўз, қош сўзларини образ сифатида таҳлил қилинг: **Ён саккиз йил, дема, юз саксон йил ўлса, улдурур
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.**
5. Нақш нима, Наққош ким? Негат ошиқ нақшлардан ҳайратланмайман, чунки буларни яратган Наққош Ўзи демоқда? Дарҳақиқат, ҳайратланмаяптими ёки аксинча?
6. Ёрнинг оқ бадан, яъни гўзал, аммо бағритошлиги қайси байтда акс этган? Аллоҳнинг қайси сифатлари бу байт мазмунига сингдирилган?
7. Масиҳ – Исонинг ўлиқни тириктириш мўъжизаси билан Холиқнинг яратувчилиқ мўъжизаси – наққошлиги орасида қандай фарқ бор? Масиҳнинг ҳайратланиш сабабини шу асосда тушунириг. Байтда қўлланган санъатни топинг.
8. Мақтаёда қўлланган бадий тасвир воситалари ва ифодаланган асосий фикрни аниқланг ва тадқиқ қилинг.
9. Ҳазал вазинини аниқланг ва вази оҳангига кўра ёддан ўқинг.

(Кеча келгумдур, дебон...)

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулру² келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтим-у, чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимға-ву, ул шўхи бадхў³ келмади.

Оразидек ойдин эрканда гар этти эҳтиёт,
Рўзгоримдек⁴ ҳам ўлғанда қаронғу келмади.

Ул париваш ҳажридинким, йиғладим девонавор,
Кимса бормукин, анга кўрганда кулгу келмади.

Кўзларингдин неча су келгай, деб ўлтурманг мани
Ким, бори қон эрди келган, бу кеча су келмади.

Толиби содиқ⁵ топилмас, йўқсаким қўйди қадам
Йўлғаким, аввал қадам маъшуқи ўтру⁶ келмади.

1. Аши - кўз ёш

2. Гулру - сул тўзли.

3. Бадхў - бадфелъ, ёмон ҳулқли киши.

4. Рўзгорим - турмушим.

5. Содиқ - нафодор.

6. Ўтру - қарши, рўпара, яқин

Эй Навоий, бода¹ бирла хуррам эт кўнглунг уйин,
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади.

Савол ва топшириқлар:

1. „Кеча келгумдир“ деб келмаган ёр ва кўзига „тонг откунча уйғу келмаган“ ошиқ ҳолатини англашга уриниб кўринг. Матлабдаги кеча ва тонг сўзларини ўз маъносиди, сўнг тасаввуфий тимсоллар сифатида таҳлил этинг. Ҳазал таҳлилида „Намоз мусулмоннинг меърождир“ ҳадисини асос қилиб олинг.

2. „Чекдим йулида интизор“ ифодасини қандай тушунасиз? Ёрнинг „шўхи бадхў“ эканлиги сабабини аниқланг. „Келди жон оғзимга“ жумласини ибора эмас, тўғри маънода тушунилса, байтда қайси ҳолат тасвирланган?

3. „Оразидек ойдин“, „Рўзгоримдек қоронғу“ деб таърифланган вақтларда қилинадиган ибодатларни биласизми?

4. Узаро зид тушуначалар асосига қуриладиган санъат мумтоз шеърятда қандай аталар эди? Ҳазалдан бунга мисоллар келтиринг.

5. Шоир ошиқнинг шундай изтиробли ҳолатини тасвирлар экан, унинг аҳволини қурган кўччиликка „кулги“ келмаганлиги сабабини қандай изоҳлайсиз? Қачон кулги келиши мумкин?

6. Ошиқнинг кўздан сув, яъни ёш келмаганининг сабаби нимада?

7. „Толиби содиқ“ ким? Бу ифоданинг яна қандай маънолари бор? Бу маъноларни Ҳазал мазмуни билан боғлаб тушуниш мумкинми?

8. „Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин“ мисраси орқали шоир нима демоқчи? Бодапарастликни – ичкиликни тарғиб қиладими ёки мисранинг бошқа рамзий маънолари ҳам борми?

9. Ҳазал вазнини аниқлаб, оҳангига кўра ўқинг.

(Жонға чун дермен...)

Жонға чун дермен: “Не эрди ўлмаким кайфияти?”

Дерки: “Бонс бўлди жисм ичра мараз²нинг шиддати”.

Жисмдин сўрсамки: “Бу заъфинга³ не эрди сабаб?”

Дер: “Анга бўлди сабаб ўтлуқ бағирнинг ҳирқати⁴”.

Чун бағирдин сўрдум, айтур: “Андин ўт тушти манга
Ким, кўнгулга шуъла солди ишқ барқи⁵ офати”.

Кўнглума қилсам ғазаб, айтурки: “Кўздиндур гунаҳ,
Кўрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг тухмати”.

Кўзга чун дерменки: “Эй, тардомани⁶ юзи қаро,
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балою ваҳшати”.

1. Бода – ичкиликнинг бир тури, май

2. Мараз – касаллик

3. Заъф – кучсизлик, нотавонлик.

4. Хирқат – куйиш, ёиш

5. Барқ – чақмоқ, яшил.

6. Тардомани – бузуқ, ҳаёсиз

Йиғлаб айтур кўзки: “Йўқ эрди манга ҳам ихтиёр
Ки, кўрунди ногаҳон ул шўхи маҳваш тальяти!”.

Эй Навоий, барча ўз узрин деди, ўлгунча куй
Ким, санга ишқ ўти – ўқ эрмиш азалнинг қисмати.

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳазалда жоннинг ўлимига сабаб бўлган жисм аъзоларни кластерга гуширинг ва ҳар бирининг узрини шарҳланг. Ҳазалдаги асосий айбдор деб топилган жисм аъзосини айтинг, сиз бунга қўшилмасизми?

2. Ишқ туфайли ўлар ҳолатга келган ошиқ берган саволлар ва уларга жисмдан, бағирдан, ўтди кўнгилдан олинган жавобларни таҳлил қилинг. Ошиқнинг беморлигига асл сабаб нимада эканлигини аниқлашга иштилинг.

3. Шеърдаги: „Йиғлаб айтур кўзки, йўқ эрди манга ҳам ихтиёр, Ки, кўрунди, ногаҳон ул шўхи маҳваш тальяти“ тарзидаги изоҳда қандай фикр билдирилатганлигини шарҳланг.

4. Барчасига Ишқ дарди сабаб экан, шунинг учун айбдорни излашнинг ҳожати йўқ эканлигини Навоий қайси байтда таъкидлайди?

5. Ҳазал вазини аниқлаб, оҳангига мос равишда ўқинг.

* * *

(Кимки бир кўнгли бузуғнинг...)

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай.

Гарчи ҳалқ озодасимен, ёр агар: “Бандам²”, – деса,
Андин ортуқ англаким, бир банда озод айлағай.

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун
Истарамким, аввалидин яна бунёд айлағай.

Ёр ҳижронидин ўлгумдур бу навъ эрмиш сазо,
Ул кишигаким, бировга ўзни муътод³ айлағай.

Неча сабр авроқи⁴ ёзғай кўнглуму бир оҳ ила,
Сарсари⁵ ишқинг етиб, борини барбод айлағай.

Шайхдин зуҳди риёси касб ўлур, ё раб, қани?
Дайр пириким, фано расмини иршод⁶ айлағай.

Одам авлодида камдур одамийлиғ шеvasи,

1. Тальят – киефа, сиймо

2. Банда – қул.

3. Муътод – одат, урганиш, одатланмоқ.

4. Авроқ – варақ.

5. Сарсари – кучли, қаттиқ шамол.

6. Иршод – йўллаш, тўғри йўл кўрсатиш

Одам эрмас улким, майли одамизод айлагай.

Не балодурким фалак ҳар кимга чекса тиғи ҳажр,
Ёнгилиб, аввал менинг жонимға бедод айлагай.

Беша ичра девлар мақтули бўлсун, эй пари,
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

Савол ва топшириқлар:

1. Ҳазал матлаъини диққат билан ўқиб, мазмунини шарҳланг, ифода тарзига тўхталинг. Инсон қалби нимага қислангани?
2. Шоирийнинг ёрга қулдикни **“халқ озодаси”** лиғздан ортық кўриши сабабини изоҳлашга урининг. **“Халқ озодаси”** деганда қандай инсонларни тушунасиз?
3. Учинчи байтда Ёрга муҳаббат қандай ифодаланган?
4. Сабр ҳақидаги байтнинг бадиятини шарҳланг.
5. Шеърдаги: **“Одам эрмас улким, майли одамизод айлагай”** мисраси мазмун ва бадиятини изоҳланг.
6. Ҳазали ёд олинг. Вазнини аниқлаб, оҳангига кўра ўқинг.

РУБОУЙЛАР

Ким кўрди экин жаҳонда оё¹ хушлуқ,
То бир киши айлагай таманно² хушлуқ
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омодадурур³ ёнида юз нохушлуқ.
Элдин қочиб улки, тутса тоғ ичра қарор,
Совуғда ери бу тоғнинг жавфида ғор,
Иссиғда макони андаким, ётмиш қор,
Олам элининг шахлиғидин бор анга ор.
Гар ошиқ эсанг, зебу тақаллуфни⁴ унут,
Яхшию ямон ишда таҳаллуфни⁵ унут.
Ўткан гар эрур ямон – таассуфни⁶ унут,
Келган гар эрур яхши – тасарруфни⁷ унут.

1. Оё – сўроқ ё таажубин англатиб, “ёки”, “балки”, “эҳтимолки”, “микин” маъноларини билдириб келадиган кўмакчи сўз.

2. Таманно – тилак, истак, ният.

3. Омода – тайёр.

4. Тақаллуф – ҳашамат, безак.

5. Таҳаллуф – қаршилик қилиш.

6. Таассуф – афсусланиш.

7. Тасарруф – ўз қарамонига, ихтиёрига олиш, эгаллик қилиш.

Аҳбоб¹, денгизки, хону мондин² тамаъ уз,
Не хону не мон, кавну макондин³ тамаъ уз,
Не кавну макон, жону жаҳондин тамаъ уз,
Лекин демангиз муники, ондин⁴ тамаъ уз.

Номанг манга руҳдин нишон бўлди яна,
Осойиши⁵ жони нотавон бўлди яна.
Ҳар ҳарфи анинг танимда жон бўлди яна,
Ҳар лафзи⁶ ҳаёти жовидон⁷ бўлди яна.

Савол ва топшириқлар:

- 1-рубойида қандай инсонлар ҳақида сўз кетаяпти, деб ўйлайсиз.
2. "Олам элининг шаҳриғидин бор анга ор", дер экан Навоий қандай кишиларни назарда тутди?
3. 2-рубойидаги Навоийнинг Ошиққа қарата қилган насиҳатларини шарҳланг.
4. 3-рубойида лирик қаҳрамон нималардан кечишга рози ва, аксинча, кечолмайди?
5. 4-рубойида ёрининг номаси етиб келган ошиқнинг ҳолатини шарҳланг. Ёридан мактуб олган дўстингиз борми? Ёки ҳозир хат ёзиш урфдан қолганми? Хат ёзишнинг қандай замонавий шакллари мавжуд?
6. Агар ошиқнинг ёри Аллоҳ бўлса, унинг номаси ҳақида ўз фикрингизни айтинг.

ҚИТЪАЛАР

Улки, ифлосдин аёғинда
Кафш йўли азми чоғи йўқтур онинг.
Шукр қилдик боқиб бирав сори
Ки, юрурға аёғи йўқтур онинг.

* * *

Юқори ултурурни ким тиласа,
Кишилиқдин ани йироқ билгил.
Ўлтурур сафда юқориликдин,
Ўлтурур сафда⁸ яхшироқ билгил.

-
1. Аҳбоб – дўстлар
 2. Хону-мон – уй-жой, уй жиҳозлари.
 3. Кавну макон – борлиқ, дунё, кoinот
 4. Ондин – ёрдан
 5. Осойиш – тинчлик, ором, фароғат, роҳат.
 6. Лафз – сўз.
 7. Жовидон – абадий, мангу
 8. Сафда – кўпчилик ичида.

* * *

Қилибмен онча исёнким¹, агар дўзах аро кирсам,
Менинг беҳад гуноҳим бирла дўзах сарбасар² тўлғай.
Худоё, афв осонроқдурур, йўқса ғазаб қилсанг,
Магарким ўзга дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб ўлғай.

* * *

Яхши хотунлар сафои³ зуҳдидин⁴
Олам ичра ёруғлуқ бўлса фош,
Йўқ ажаб, чунким араб алфозида
Истилоҳ ичра муаннаслур⁵ қуёш.

* * *

Уч кишидин уч иш ёмон кўринур,
Санга арз айлай аҳли дунёдин.
Шоҳдин тундлуғ, фанидин⁶ булх⁷,
Молға майлу ҳирс донодин.

* * *

Ҳикмат аҳли шоҳни дарёға ташбиҳ эттилар,
Ким ҳам андин кўп зиёнлар элга, ҳам кўп суд эрур⁸.
Ғаҳ топар ғаввос бир соатда юз дурри самин,
Ғаҳ наҳанг оғзида юз ҳасрат била нобуд эрур.

* * *

Қарилар хогири нозикдур, эй тифл⁹,
Шикастидин қилиб ваҳм, ўлма густоҳ.

-
1. Исён – бу ерда диний қондаларни бажаришдаги айрим ҳатою камчиликлар маъносига.
 2. Сарбасар – бошдан охир, бошдан оёқ.
 3. Сафо – нур.
 4. Зуҳд – ибодат.
 5. Муаннас – (Женский род маъносини англатади).
 6. Фани – бой.
 7. Булх – бахиллик.
 8. Суд – фойда.
 9. Тифл – бола.

Унуттингмуки атфол¹ ўйнағонда, Синар оз майл кўргондин куруқ шох.

Савол ва топшириқлар:

- 1- қитъадаги асосий хулоса нима? Мўминнинг шукур қилиши олий фазилат эканлиги ҳақида қандай ҳадис ва оятларни биласиз?
2. Давра тўрини кўзлаган кишига Навоийнинг муносабатини айтинг. Бу фикр баён этилган қитъада «сафда» сўзи қандай маъноларда қўлланган?
3. 3- қитъадаги шоирнинг Аллоҳга қилган илтижоси нимаси билан сизни ҳайратга солди?
4. 4-қитъада оқида аёлларни Навоий нимага қиёслайди?
5. Араб тили билан рус тили учун умумий ҳодисадан Навоий қай мақсадда фойдаланган?
6. 5-қитъадаги уч тоифа кишиларига мақбул бўлмаган иллатлар ҳақидаги Навоий фикрини шарҳланг ва ўз муносабатингизни билдириг.
7. 6-қитъада донишмандларни, шоҳларни дарёга қиёслашларини Навоий қандай тизохлайди?
8. Кексаларга ҳурмат сўнгги қитъада қандай ўз бадий ифодасини топган?

ТУЮҚЛАР

Ё раб, ул шаҳду² шакар ё лабдурур³
Ё магар⁴ шаҳду шакар ёлабдурур⁵.
Жонима пайваста⁶ новак⁷ отқали
Ғамза⁸ ўқин қошига ёлабдурур⁹.
Ё қошингдин неча бир ўқ кўз тутай¹.
Отки, ўтрисиға онинг кўз тутай².
Неча кўргач ўзга маҳвашлар қошин,
Янги ой кўрган кишидек кўз тутай³,
Тиғи ишқинг ёрасидур⁴ бутмаган⁵,
Дардини ҳар кимға айтиб бутмаган⁶.
Ҳажр саҳросидур оҳим ўтидин
Анда гул ёхуд гиёҳе бутмаган⁷.
Неча дедим ул санамға: бормоғин⁸,
Қилмади ул тарк охир бормоғин⁹.

-
1. Атфол – бола
 2. Шаҳд – асал.
 3. Ё лабдурур – ёки лабдир
 4. Магар – “-микан” маъносига.
 5. Ёлабдурур – ялабдимикан.
 6. Пайваста – туташ.
 7. Новак – камоннинг ўқи; бу ерда у ёр киприкларини истиоравий тарзда англатиб келган;
 8. Ғамза ўқи – ёрнинг нигоҳи пайтида киприкларнинг қош остидан тикилиши камон ёйига қўйилган ўқларга қиёсланган;
 9. Ёлабдурур – ёйлабди.

Мунчаким худройлиқ¹ кўргузди ул,
Ақл ҳайрат қилди, тишлаб бормоғин².

Савол ва топшириқлар:

1. Туюқлардаги омоним сўзларнинг маъно ўзгачалигини тушунтиринг
2. Туюқ қайси санъат асосига қурилади?
3. Форс-тожик адабиётида туюқ жанри борми?
4. Яна қайси туркий шоирларнинг туюқларини биласиз?
5. Туюқларнинг вазнини аниқлаиғ?

ФАРДЛАР

Мурувват – барча бермақдур, емак йўқ,
Футувват³ – барча қилмақдур, демак йўқ.

Ранжқаш⁴ бўлким, ҳу тортар чуғз⁵ вайрон⁶ ичра ранж,
Аждаҳодин бийми⁷ йўқ, аммо эрур уммиди ганж⁸.

Элни хор айлаган тамаъ билғил,
Дойимо аzza манқанаъ⁹ билғил.

Дунёву уқбо¹⁰ иккиси жамъ¹¹ ўлмаc, эй рафиқ¹².
Кимки икки кема учини тутса, бўлур ғарик.

Улки, санга элдин эрур айбгў¹³,
Элга доғи¹⁴ сендин ўлур айбжў¹⁵.

Киши айбинг деса, дам урмағилки¹⁶, ул эрур кўзгу.
Чу кўзгу тийра¹⁷ бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму¹⁸!

Чу сен ёр-у. жаҳон бир душманимдур,
Менинг учун жаҳон турғунча сен тур.

Луғат:

1. Худройлиқ – ўжарлик, қайсарлик; 2. Бормоғин – бармоғини; 3. Футувват – 1) йиғиллик, мардлик, олижаноблик; 2) қарам, саховат, жўмардлик. 4. Ранжқаш – ранж тортувчи, меҳнатқаш, заҳматқаш; 5. Чуғз – бойқуш, бойўғли; 6. Вайрон – вайронга иморат, бузилган уй; 7. Бийм – кўр-қийш, хавф, қўрқув. 8. Ганж – бойлик, олтин, шарқда ганжани аждаҳо қўриқлайди, деган ақида бор. 9. Аzza манқанаъ – кимки қаноат қилса, азиз бўлади. 10. Уқбо – оқибат; бу ерда у дунё маъносиди; 11. Жамъ – қўшилган. 12. Рафиқ – уртоқ, биродар; 13. Айбгў – айб айтувчи; 14. Доғи – тағин, яна; 15. Айбжў – айб илловчи; 16. Дам урмағилки – пуфлама. 17. Тийра – қора. 18. Зоҳир айларму – кўрсатмоқ.

Ҳам мени ул тоза нахли нозпарвард¹ ўлтурур²;
Ҳам буким, йўқ дардини айтурға ҳамдард ўлтурур.

Белу оғзидин, дедиларким, дегил афсонае,
Бошладим филҳолким: “Бир бор эди, бир йўқ эди...”

Савол ва топшириқлар:

1. Муруват ва футувватнинг маъноларини кенроқ шарҳлашга ҳаракат қилинг. Қай бирини олийроқ мақом деб ҳисоблайсиз?
2. 2-фардда Бойўғли ва аждаҳо образлари воситасида қандай насиҳат қилиняпти?
3. Таъма ва қаноат ҳақидаги фикрларингизни 3-фард мазмунига таянган ҳолда айтинг.
4. Дунё ва уқбо (охират)дан бирини танла, аке ҳолда икки кема учини тутган киши каби ғарқ бўласан, деган фикрга қўшиласизми?
5. “Мусулмон мусулмоннинг кўзгусидир” ҳадис мазмуни билан ҳамоҳанг фардни аниқланг.
6. Қайси фардда Жаҳон (Дунё) Ёрга қарши қўйиляпти? Бунинг сабабини айтинг.
7. Қуйидаги байтда қандай сўз ўйини мавжуд?
**Ҳам мени ул тоза нахли нозпарвард ўлтурур,
Ҳам буким, йўқ дардини айтурға ҳамдард ўлтурур**
8. Ёрининг бели ва оғзининг нозиклиги қайси фардда ўзининг бадний ифодасини топган?
9. Мустақил иш.

Ҳазрат Навоий шеърятини нафосат, баднийят оламидир. Эътиборингизга шoirнинг мана шундай шоҳбайтларини ҳавола этамиз, бу байтларда қўлланган санъатларни аниқлашга ҳаракат қилинг.

1-вариант

Ики зулфунг кўнгул доми, не янглиғ асрай у қушни,
Ани тутмоққа жид маълум ўлур чун “жим” у “дол”ингдин.
Юзи гул, зулфи сунбул, оғзи ғунча, қомати савсан,
Назокатда уятлиғдур беҳишт онинг баҳоридин.
Зор жисмим тушгали ҳажр ўтидин ғам чангига,
Эй Навоий, ўхшашур ҳам уд анга, ҳам тор анга.
Зор жисмимға хадангин¹ захмидин ортар наво,
Создекким, тешсалар они фузун айлар садо.

1. Нозпарвард – нозли, ноз қилишга ўрганган.

2. Ўлтурур - ўлдирди.

3. Хаданг - ёй ўқи

Қуёш дамин ола олмай кириб қаро ерга ,
Йиқилди, ҳуснда гўё юзунг била талошиб.

2-вариант

Бир югурик тифл эрур кирпикларим ичинда ёш
Ким йиқилиб, санчилибтур ҳар тарафдин хор анга.

Гар ўлукни тиргузур, ваҳким, тирикни ўлтурур,
Лаълидин қилғач аён ул шўхи ширинкор лафз.

Шасти ғамзанг бирла баҳри ашк аро тутқач мени,
Кесма бошимким балиққа тиг урмади сайёд.

Хастадур жоним менинг, то борди жононим менинг,
Бўлмасун гар борса жононим менинг, жоним менинг.

Лабингким ўлук тиргузур жонму эркин?
Агар жон эмас, оби ҳайвонму экин?

3-вариант

Хатинг ичинда лабингнинг икки ҳоли не ажаб,
Икидур нуқта ёзилур эса хат ичинда “жон”.

Ишқинг ўтинки ёшурдум, эл аро ёйди рақиб,
Ким иситмани ниҳон тутса, қилтур марг¹ аён.

Ишқ комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилтур,
Гар эрур маъшуқи ёхуд армани, ёхуд араб.

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрғали топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёпишмишлар магар ул икки лаб.

Онсиз ўлмоқ эрур ўлмоқ жонсиз,
Бўлайин жонсиз бўлмай онсиз.

4-вариант

Нуқтаи холинг недин ширин лабинг устидадур,
Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса лаб.

Лаълидин ком олмағунча билмадим ширинлигини,
Барги гул замбур² коми ичра киргач бол эрур.

Навоий севди бир дўлини, кездик рубъи масқунда,
Агар арлот, агар барлос, агар тархон, агар сулдуз

1 Марг – ўлим

2 Замбур - асалари

Замон аҳли гар урушсуну гар ярашсунлар,
Ки не урушим алар бирла бору не ярошим.

Бузулди Нух тўфонидин сўнг даҳр ашкимдин –
Қиёмат ошкоро бўлди ул тўфону бу тўфон.

5-вариант

Оразинг кўзгусиму тер касратидин суладур?
Ёхуд ул ораз суйининг аксиму кўзгудадур?

Лўливашимдин айруки, қабримда лоладур,
Ул ўйнагон киби ёғоч узра пиёладур.

Сарвиға тортиб қабо, чўккон қуёшға соябон,
Чобуким бўйида ширдоғ¹, бошида қалпоғидур.

Бу йироқликдин яқиндур ўлгамен, ваҳ, ёрнинг
Истабон ройин бўлибтурмен яқинлиқдин йироқ.

Маҳжабинлардин сияҳдиллик, не тонгим, ойнинг,
Ботинин кўрсанг қародур, гар кўринур зоҳир оқ.

6-вариант

Кўп Ҳижоз оҳанги тузма, ёр ила бўл барча вақт,
Эй Навоий, гар Ажам бўлсун мақоминг, гар Ироқ.

Совуғ оҳким чекармен, гарм² ўлур оқмоққа ашқ,
Чашмаларда сув бўлур иссиғ, ҳаво бўлғоч совуқ

Кўзум ёруқ тилар эрсанг, ёшурма холингни,
Ки кўр бўлур кўз агар нуқтасин ниҳон қилсанг.

Кўнглим андоқ тўлди қон бирлаки, чиқмас ноласи,
Бода тўлғон жом янелиғким, садоси чиқмас.

Элга меҳринг бор, бузуқ кўнглумга ҳам бир зарра боқ,
Ким қуёшнинг тобидин маҳрум эмас вайрона ҳам.

1. Ширдоғ – устки кийим.

2. Гарм – иссиқ.

ҚИРҒИЗ АДАБИЁТИ ДУРДОНАСИ

Манас

(Қирғиз халқ эпоси)

“Манас” эпоси қирғиз халқининг инсоният маданиятига қўшган улкан ҳиссасидир. 1995 йили эпоснинг 1000 йиллиги жаҳон миқёсида нишонланган бўлса-да, айрим мутахассислар “Манас” эпосининг яратилганига 2500 йилдан ошганини тахмин қиладилар. Нима бўлса-да, “Манас” – қирғиз халқининг қадимги кўҳна меросларидан бири. Авлоддан авлодга, отадан болага ўтиб, замон синовларига бардош бериб, бизнинг кунларимизгача эсон-омон етиб келган мерос – бир миллион мисрадан ошиқ шеърин ижод намунасининг оғзаки шаклда етиб келиши бениҳоя ҳайратомузидир. “Манас” кўлами жиҳатидангина эмас, балки бадий жиҳатдан ҳам мукамал, мумтоз санъат обидаси саналади.

Мазмунан бой бўлган бу санъат асари ҳақида қозоқ халқининг таниқли фольклоршунос олими Чўқон Валихонов шундай ёзган эди: “Манас” – қирғиз халқининг қомуси”. Чиндан ҳам, қирғиз халқининг тарихи, ўтмиш турмуши, урф-одатлари, қадриятлари, географияси, иқтисодиёти, тиббиёти, диний тушунчаси, дунёқарши, таълим-тарбияси, ахлоқи, дўст-душманлари дostonда ўз ифодасини топгандир.

Эпосни асраб-авайлаб сақлаб келганлар – эл ичидан етишиб чиққан талантлардир, халқ оқинларидир. Қирғиз халқи орасидан чиққан Келдибек, Балиқ, Новрўз, Тинибек, Оқтаи, Чоюке, Чўнгбош, Шапак, Соғимбой Ўрозбоқ ўғли, Саёқбой Қоралаев сингари манасчилар эпосни авлодларга етказдилар ва бу анъана ҳануз давом этмоқда.

Ўзбек халқининг машҳур “Алпомиш” достони билан оҳангдош бўлган “Манас” – шеърятнинг саж йўли билан айтылган. “Табаррук сўзлар гавҳаридан иборат буюк дoston”ни ҳозирги китобхонларнинг кенг оmmasига етказмоқ учун қирғиз халқ ёзувчиси Кенгаш Жусупов унинг насрий баёнини яратди. “Икки элининг эрка ўғли” Турсунбой Адашбоев “Манас”нинг насрий баёнини жуда катта бадий маҳорат билан ўзбек тилига ўтирди ва уни 20000 нусхада Тошкентда нашр эттирди. “Ўзбек китобхонларига” сарлавҳаси билан китобга ёзган сўз бошисида Қирғиз Республикаси халқ ёзувчиси, Республика Фаилар Академиясининг фахрий академиги Тугалбой Сидиқбеков куйидагиларни қайд этади:

“Олтой ва Олай ўртасида тариқдек тирқираб кетган, киндик қони томган юртдан Мосуво бўлган, охир-оқибат бир-бирини йўлаб, қаддини тиклаган қирғиз халқининг бу қаҳрамонлик достони инанки ўзбек болаларининг, балки барча китобхонларнинг маънавий мулкига айланишига ишонаман.

...Буюк Алишер Навоийнинг туредлари, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ватандошлари “Манас” эпоси билан аввалдан таниш. Мумтоз шоир Миртемир ва Султон Акбарий, Турсунбой Адашбоевларнинг таржимасида бу қаҳрамонлик эпосининг ўзига хос икки жилддан иборат китоби чоп этилганига кўп йиллар бўлди. Айни вақтда турк қавмига мансуб адабий ёдгорликларнинг ҳажм жиҳатдан улкан намунаси бўлмиш “Манас”нинг ҳаммабоп жанрдаги ихчам баёни, ўзбек ўқувчиларига, хусусан, болаларга

тақдим этилиши – хайрли иш. Бу ўз навбатида икки халқнинг азалий қон-қардошлигини яна бир карра исботлаб турибди”.

Насрий баён таржимасидан айрим бобларни ҳукмингизга ҳавола этамиз.

I боб

Манаснинг болалиги

Карвонларга сарбонлар ҳамкор замонларда, тулпорининг туёғи тошинқираган, жангчи ой нурида белбоғини ечмай от устида куш уйқу қилган даврларда, оч арслондай ёвқур келбатидан душман тирқираган, туғи осмону фалакда ҳилпираган, донғи Доғистонгачайини зинқираган, бошидан оқ қалпоғи тушмаган, ёғийларни тўқмоқлаган-муштлаган, эр йигити қанотим деб қора байир ушлаган қирғиз деган эл бўлган.

Элу юрти омонда, Тангри тоғ томонда Қорахон деган хон тахтга ўтирган олис бир замонда, унинг қилган баҳодирлигини таърифлашга сўз бойлиги етмасди. Манглайи кенг, зуваласи осмон билан тенг бўлса ҳам, ҳақ таоло ҳеч бир нарсани абадий яратмаган экан. Бу ўткинчи дунёнинг ўз қонуниятлари улуғ билан кичикни баробар қилиб қўядиган русумлари бор экан. Шундай қилиб, қаро ериш макон тутган Қорахон ҳам бу оламдан армон билан ўтди. Кейин унинг тахтига Ўғузхон ўтирди. Ўғузхон ҳам одил, чекезиз ишларга қодир, турк қавмига, шу жумладан, қирғизларга ҳам елкадош паноҳ, эл-улусга қиблагҳоҳлик қилиб даври даврон суриб, нариги дунёга сафар қилди. Ундан буён Ўғизхондан Аланчхон, Бойғурхондан Тубайхон, Кўчай хондан эса Нўғайхон таралган эди.

Замонлардан замон ўтиб, зағизғондан ҳам зийрак Нўғайхон аскарларининг ёқасидан тутиб азалдан кек сақлаган Қора Хитой хони Эсенхон ён қўшнисининг еру бойликларини босиб олди. Шу тарзда Нўғайхон ёруғ оламини тарк этди, чин дунёга аттанг билан кетди. Олатоғлиқ қирғизлар суянган ўғлонидан айрилиб, мадор бўлган бели қайрилиб, оқ ўрдаси таланиб, ўчоғини кул босиб, овулини есир кампир, тул босиб, турк қавмидан аҳиллик юз ўтирди.

Нўғайхоннинг Ўрозди, Усан, Бой, Жақип деган тўрт ўғли бор эди. Улардан ҳам омад кетди, қиличларининг дамига зиёну захмат етди. Кўч-кўлони уловларга бойланиб, боши оққан томонларга айланиб, бири Олтойга, яна бири Ўполга, қай бирови Қашқарга, қолганлари Тибетга ҳайдалди.

Қирқ уйли қирғиз билан бирга Жақип қалмоқ ва хитойларнинг дастидан озор чекиб Олтойга келди. Оқболта исмли ақлли расо ўғлон қирқ уйли қирғизнинг бошини қовуштирди. Оқболтанинг тилини олмасак қандай эл бўламиз, етти отамизнинг қарғишига қолиб қаро ер бўламиз деб қасамёд қилишди.

Оқболта авлиёсифат зот бўлиб, қўллагани оч-яланғоч бола эди. Қирқ уйли қирғиз Олтойдан қўним топгач, кийгани тўни, пон ёпгани уни, егани талқони,

химояга қалқони йўқ маҳалда Оқболта ирим учун кўк буқани сўйиб элга юзланди.

– Халқнинг орасини ноҳис ниятли одамлар бузади. Элининг ёмони бўлмайди. Қалмоқлар ҳам, манжулар ҳам оқибатли халқ экан. Эгилгани эритиб, жилмайганга жўяли муомала қиларкан. Қўлингда бўлса, қушдай чарх урасан. Олтойда бойлик ерда экан, пешанадан тўкилган терда экан. Тутантириқ бўлса – ёлқини, кавласа – олтини чиқаркан. Энгашсанг эгам бергай, тўнқайсан тангрим берар, дейдилар. Қирғизим белингни маҳкам боғлаб, бошингни адил кўтар.

Ғариб Оқболтанинг гапидан маънавий руҳланган қирғизлар қалмоқларнинг етакчи саркорларига кумуш ўмулдуруқли Олатоғнинг учқур отларини тортиқ қилиб, уларнинг иззат-икромини ҳаддан ортиқ қилиб, ёзлик яйлов ва қишлоғ жойларин олишиб томир ёзди.

Кундан кун ўтиб, ойлар айланиб, йиллар қуёшнинг меҳварига бойланиб Олтойдаги қирғизлар қалмоқ билан манжуларнинг ўрдасида қайтадан тирилиб, турк отанинг фарзандларидан дўсту ёр топиб, молу қўйни кўпайтириб, кўм-кўк байроғига ярми кемтик ойнинг шаклини ўйдириб даврон сурарди.



Жақилбойнинг ўрдаси. Бир-бирига тигиз қўшма оқ ўтов. Атрофида ой шаклида қирқта бўз уй. Кенг саҳида ўйинқароқ болакайларнинг қий-чуви эшитиларди. Қирда йилқи ва моллар ўтлаётир. Бу, албатта, овулда тинчлик, тўкинчиликнинг белгиси.

Ўттиз йил Олтойда хору зорликка чидаган Жақил кейинчалик қалмоқ, хитойлар томонидан “бой” аталиб, қишда силовсин телпак, ёзда опшоқ қалмоқ кийиб, камарига ханжар илиб, олтин қошли эгарга миниб минг йилқига эгадор бўлди. Беш юзта оқ туя, беш юзта сариқ туя, мингта мол, ҳисоби йўқ қўй-қўзилар етагида даврон сурди.

Бир кам дунё деганларича бор экан. Жақил фарзанд доғида кўздан ёши шашқатор бўлиб, бағри ғам-андухга тўлиб, сутли булоққа сиғинди. Афсуеки, унинг тилаклари мустажоб¹ бўлмади.

Яқинда Жақилбой тоғдан тушаётиб, Қораунгурнинг йўлида соқолига оқ оралаган, ёши етмишни қоралаган дарवेशга йўлиқиб қолди. Йўлда йўлиққан дарवेश билан гаплашгиси келиб қолган Жақил отдан тушиб, қўлбола саночдаги қимиздан, қанжигадаги қурут билан гулозиқдан бериб илтифот кўрсатди

– Мол-жон омонми? – деди Жақилбой.

– Эй Жақилбой, мендан биринчи молни сўроқладинг. Менинг молим йўқ. Аммо молу дунё меники. Ҳатто сенинг чорваларинг ҳам. Мен уларни сизлардай ҳақи-маҳримга ўтказиб олмайман.

¹ Мустажоб бўлмади - амалга ошмади.

– Эй авлиё, маъзур тутгайсиз, билмапман.

– Оллоҳнинг бандаларидан хафа бўлмайман, – деди дарвеш. – Сен нега хафагазаксан, Жақип? Давлатинг зиёда, ўзинг пиёда юрмасанг?!

– Ёшим етди қирқ саккиз, бойлигим тўқис, ўйлаб кўрсам, асил бойлик фарзанд экан, – деди Жақип армон билан.

Дарвеш ўйланиб қолди.

– Тибетга борсам, минг гиёҳдан тайёрланган малҳам олиб келаман. Қадим боболаримиз хотини узоқ муддат туғмаса, аёлнинг ориятини кўзгар экан, – деди дарвеш.

– Ўзингга, сўзингга балли, авлиё, – деб Жақип унинг қўлворига олтин ёмби солиб йўлга равона бўлди.



Бир йил ўтди. Икки йил ўтди. Ўта қийин аҳволда қолган Жақипбой Оқболтанинг маслаҳатига кўра қалмоқ билан тирғовутларга ёмби, мол эвазига яйловини янги жойга кўчиртириб олди.

Жақип тобора кучга тўлиб, юзига қизил югуриб, кўнглига шодлик тўлиб, тирикчилиги анча яхшиланди. Жақипнинг хушнудлигига сабаб бўлгувчи хайрли иш ҳам бор эди. Чийирди хонимнинг уч ойлик гумонаси борлигин юриштиришидан сезиб қолганди. Чийирди туз тотмай, кун сайин хун бўлиб йиғлаб, жигар-бағрини тиглаб, яккаю ёлғиз армони йўлбарсининг юрагига бошқоронғи бўлди.

Чийирдининг ой-куни яқинлашиб, бойвуччанинг тўлғоғи тутди. Энагалар: азайимхонлар эркак зотини йўлатмай кечасию кундуз бегойимга парвона бўлишди.

Жақип ирим қилиб, оқбўз бия, оқсарик қўй, ой шакли шохи бор сигир, кўш ўрқачли туяни атади.

Етмиш уйли қирғизнинг эркаклари Жақипбойнинг ўтовидан хабардор бўлиб туришди. Етти ёшдан етмишгача бўлганлар: “Тангрим, бизга атаганингни аяма”, деб илтижо қилишарди.

Тўққиз тун бўлганда Чийирдининг тўлғоғи пишиб етилди, дейишди. Эмчи кампирдан: “Бой! Бойвуччанг энди кўз ёради”, деган гапни эшитган Жақип қувонганидан йиғлаб, гўдак “инга”сидан юрагим ёрилиб кетмасин, деб отни миниб адир томон йўл олди.

Олтойда бу ажабтовур тун бўлди, оқ ниятларга омухта кўнгишлар бус-бутун бўлди. Бундай ҳодиса ҳеч кимнинг ухлаб тушига кирган эмас. Одамлар ҳавас билан осмонга боқарди. Сувлар тўхтаб, ошифта бир сокишлик кўнгишга эзгулик чироқларини ёқарди.

Кутилмаганда “инға-инға”лаган ёқимли овозга Олтойнинг тоғу тошлари акс-садо берди. Замин оҳиста тин олди. Оламни қуёш нури янада мунаввар қилди. Бўз ўтовларга кут-барака ёғилди. Қўрадаги айғирлар бехос кишнаб, итлар ҳуриб, ҳаёт аста ўз изига тушди.

Янги меҳмон, норасида гўдак икки қўлига қон ҳовучлаб тушди, ўн беш ёшдаги ўсмирдай салмоғи бор, чиранса, ўттиз ёшли йиғитни доводиратиб қўйгудай чангали – бармоғи бор. Унинг қўш долида ёл. Она сутидан ташқари уч саноч мойни ёйди.

Овулдаги эркаклар суюнчи олиш илинжида ўтовма-ўтов чопишди. Оқболта кампири Зулайҳоннинг қийин-қистови билан Кўкчўлоқни миниб Жақипга бу хушxabарни етказиш учун ошиқди. Жақипбой анҳорнинг четида ҳаёл суриб ўтирарди.

Оқболта айтган хушxabардан Жақип доводираб қолди. Шошиб-пишиб Тўшчочқа қамчи босди. Оқболта суюнчига тўққизта мол оладиган бўлди.

Жақип оқ ўтовга кириб бойвуччасини муборақбод этди.

– Қуллуқ бўлсин, бегойим! Боламизнинг бешик боғи мустаҳкам бўлсин! Гўдакни худойимнинг ўзи қўлласин!

– Раҳмат, бегим! Айтганингиз келсин! – деб Чийирди ўғилчасини отасига тутқазди.

Жақип чинқириб йиелаган болакайнинг киндигини ҳидлаб, “кексайганда топган қудуним”, деб ўтовнинг туйнугини кўзлаб осмонга кўтариб, ирим-сирим қилиб, сиччилардек унинг кўзларига тикилди. Оллоҳ қўш қўллаган норасиданинг кўзлари тик, йўлбарс келбатли, сиртлондай ёвқур эди. Боланинг орқасидаги кўк ёлга кўзи тушди. Икки елкасида қўш қоплон талпиниб тургандай кўринди.

Чийирди: “Вужудимдан битган болагинам, тўққиз ой тўққиз кун қурсоғимда авайлаб юриб, минг ўлиб тирилиб топган бўғалоғим. Илойим, оқ сутимни оқлагин”, деб Умай энага ҳасратини тўкди.



Кунларнинг бирида Жақипбой овулининг оби-оқсоқолларини чақириб кенгашди.

– Қариганда ўғил кўрдим. Буюрса, баҳор келиб, мол тўйган пайтда Уч Оролда битта тўй қилсам деган ниятим бор.

Аҳли донишлар Жақипни қўллаб-қувватлашди.

Жақип одатига кўра ўзига яқинроқ кишилари, уруғларнинг бошлиқларини, аҳли дониш оқсоқолларини тўйдан кейин олиб қолиб, атаб қўйган совет саломларини топширди. Кейингўдакни тўшининг ўнг бариғасолиб, бойвуччасини эрчитиб ўртага чиқди.

– Садағанг кетай азизларим! Тангрим ато қилган фарзандимга исм қўйиб беринглар, – Жақип тиз чўкиб фотиҳа сўради.

Боладан таралаётган нурдан каловланган меҳмонлар муносиб исм тополмай ўтириб қолишди.

Шу пайт чоригини судраб оқ ўтовга ёрғоч чопон кийган, қўлига таёқ тутиб, белига чақмоқ тош боғлаб олган дарвеш кириб келди.

– Халойиқ, – деди соме ўтирганларга мурожаат қилиб. – Рухсат берсангизлар, болакайга мен от қўйиб берсам.

– Марҳамат! Тилингизга бол, – деди ўтирганлар.

– Исми айтиш мендан, сўз Тангриники. Гўдакнинг оти Манас бўлсин! Исми жисмига монанд. Ҳар балодан халос бўлсин, – деди кўзидан олов чақнаб турган авлиё кўлидаги ҳассасини сермаб. – Манас, баданингга ўқ ўтмасин, ёйнинг найзасидан сира заҳмат етмасин. Ўчашганга қирғин сол, беллашганинг белини букиб, ўч ол. Олишган одам ўнгмасин, Хўжаи Хизр қўлласин. Ёлғиз бошинг кўкёлим, пешонангдек кенг бўлсин. Паҳлавон бўл, бардошинг қирқ ўғлонга тенг бўлсин.

– Айтганингиз келсин. Худойим берсин! – деди бир овоздан ўтирганлар.

Чийирди бойвучча боласига муносиб исм қўйиб берган авлиёсифат меҳмонга тортиқ ва сарпо совға қилмоқчи бўлиб қайрилиб қараса, дарвеш йўқ. Дастурхон атрофида саф тортганлар ҳанг-манг. Меҳмон сирли равишда ғойиб бўлди. Унинг қаёқдан кетганини ҳеч ким билмай қолди.



Манаснинг Манас бўлгани, авлиё исмига кўнгани; демак бу орада унга тенг келувчи бўлмайди.

Манас болалик чоғида бехосдан бақирса, тоғдаги жонзотлар ҳуркиб, тўқайдаги йўлбарслар қочар эди.

Манас безикда ётган маҳалда йинги нима билмади. Бироқ босган изидан олов чагнаб, ўта шўх, дўзали бўлиб ўсарди. Тоғдан харсангларни юмалатиб, чўғни гарч-ғурч босадиган, якка ўзи қарағай арралаб, ўн беш ёшдаги ўсмирлар Манас билан ўйлашиб сўрашадиган бўлди.

Болакай уч ёшга тўлганда “Жинни!” номини олди. Туянинг илгини қоқиб еб, ҳўкизнинг шохидан тортиб синдирадиган даражага етди. Ҳатто курашгани тенг-тўшлар топилмай қолди.

Тўртга чиққанида дарахтни илдири билан қўпориб, сувга тушса, чўкмади, оловда эса бўкмади. Хуллас, тўс-тўполонни авжига чиқариб, ўтганининг ўроғини, кетганининг кетмонини олди.

1. Жинни – бу ерда: кучин, ўжар, ган уқмас, қайсар маъносиди.

“Жинни” бола беш ёшга тўлганида, ҳўкиздай тошни даст кўтарди. Илоннинг бошидан карт тишлаб, бир санўч қимизни сипқарадиган бўлди.

Эр Манас олти ёшида кучга тўлган яғрини кеиғ бўлди, эр йигит билан тенг бўлди. “Жинни” номини ташлади, яғича иш бошлади.

Етти ёшида бир кўзининг тўштига тўймади, курашган йигитларни ўз ҳўлига кўймади.

Манас саккиз ёшга чиққанда вояга етиб қолса ҳам, кўчадан бери келмади. Тобора эрка-тантқиқлиги ортиб, ўтган-кетган савдогарларнинг буюмларини тортиб, болаларга бўлиб берадиган қилиқ чиқарди. Шу аснода “Жақипбойнинг ёлғизи” овулдагиларнинг оғзидан тушмай қолди.

Бир кун Манас қирқ чоғли болаларни ҳўл-жонига кўймай тўплаб, овулдан холироқ жойга – адир ортидаги сайхонликка олиб бориб ўрда ўйнаётганида, қарши томондаги тепаликдан қалмоқ ва манғулларнинг саксон чоғли ўсмирлари тушиб келиб тегажўқлик қилишди.

Улар:

– Дайди бурутларнинг курвақаларига ўрда ўйнашни ким кўйибди.

Буларнинг додини бериш керак. Эсенхон бобомиздай бу тирранчаларнинг терисини шилиб, тирсағидан осамиз, – дейишди такаббурилик билан.

– Агар йигит бўлсанг, – деди Манаснинг ёнида турганлардан бири.

Қалмоқ билан манғулнинг бўз болалари ола калтакни бошлаб юборди. Қий-чув, тўқмоқ қирғиз ёшларини бир оз гангитиб кўйди. Чақирилмаган меҳмонларнинг кўли баланд келди. Буни кузатиб турган Манас, “кўйинглар энди”, деб ҳар икки томонни инсофга чақирмоқчи бўлди.

– Холислигини қаранг, дайди бурут! – деб қалмоқ болаларининг бошиғи Манаснинг бошига чўқмор билан битта солди.

Манас бошига чўқмор тушганидан кейин гаши келиб, ерда ётган чўқморни кўлига олиб серпиб-серпиб юборди. Худди тоғ босиб қолгандай, чўқмор зарбидан ўн икки бола тиш тортмай нобуд бўлди. Бундан кейин Манаснинг важўхатини кўрган қалмоқ, манғулнинг тентак болалари дуч келган томонга қоча бошлади. Қирқта ўсмир қолган қалмоқларни кува кетди.

Манас уларнинг яна бир тўдасига етиб додини бермоқчи бўлиб турганида отаси Жақипбой рўпарасидан чиқиб қолди:

– Тўхта! Ҳаддиндан ошма! Ё, алҳазар, Манас! – деб бақирди, – бу қалмоқнинг хуини қандай тўлайсан? Бошимизни балога тикма, Тўхта!

Манас қирқ болани эргаштириб овулга қайтди.

Эртасига нобуд бўлганнинг ҳар бирига тўққизтадан молни ҳайдаб Оқболта қалмоқлардан узр-маъзур сўради.

– Қишлоғимиздаги бир “жинни бола” туфайли кўнгилсиз ишлар содир бўлди. Болаларни ўчакиштирамайлик. У тентакни ўзимиз жазолаймиз. Ҳўзурингизга кечирим сўраб келдик.

Қалмоқлар хун ҳақини олгач, Оқболтага қуйидаги гапларни айтишди:
– Бурутлар, бўлар иш бўлди. Сизларнинг узрингизга кўниб қолдик. Ўша жинини жиловлаб қўйинглар...
– Хўп бўлади, – аламини ичига ютиб жавоб қайтарди Оқболта.
Ўшандан буён Жақип ўғлидан хафагазак.

* * *

Жақип хотини билан маслаҳатлашиб Манасни ҳар жиҳатдан тарбиялаш учун Ўшпирга эртaroқ бермоқчи бўлди. “Болани малай қиладими, жўра қиладими, ўзи билсин. Қалмоқларнинг кўзидан олисроқда юрса бўлгани”, деган ўй билан йўлга отланди.

Ўшпир – қўйчивонларнинг бошлиғи, назаркарда, ўз сўзига собит одам. У ёшлигидан жаҳонгашталиқни касб қилиб, элу юртга кечроқ қўшилган. Кўп тилни биладиган, қаноатли, босиқ инсон. Қоққан қозикдай чўққида ўтириб хаёл суришни ёқтиради. Бургутдай сергак, кечаси мижда қоқмаса ҳам, кундузи бемалол ўз бурчини уддалайди. Тенса, тошни ёрган, етти кунда Хитойга пиёда етиб борган, умрини, асосан, тоғда ўтказган покдомон киши.

– Ўшпирвой, бормисан? – Жақип товуш қилди. – Сенга битта қул олиб келдим.

– Борман, Жақипбой! – деб Ўшпир ўтовдан чиқиб келди. – Хуш келибсиз, ўғилчангиз билан биз томонларга йўлингиз тушиб қолибди?

Ўшпир Манасга ирим учун сариқ улоқни садақа қилди.

Ўшпирим, сен кўнни кўрган, кўнни билган одамсан. Шу боланинг жинини қоқиб қўй. Гапларимга тушунган бўлсанг керак. Сени худога, боламини сенга топширдим. Эти сенга суяги менга...

Қўйчивонларнинг бошлиғи Жақипнинг илтимосига рози бўлди.

– Маъқул, Жақипбой, Овулдаги Чегабой билан бирга юра қолсин.

– Унинг кўзига қарама! Ур, сўк! Ётган ери олачиқ, олди торроқ кигиз бўлсин. Эрқалатма, энг муҳими, уни одам қилиб бер, – деб Жақип уйга қайтди. Манас Ўшпирнинг қўлида қолди.

* * *

Олтой тоғларнинг киндиги аталади. Ери сахий, латофатли. Боши Олтнкўл, охири Барқўл. Ҳайвонот олами турфа хил. Манас ботир овга чиқди. Ёнида қирқ йиғити, яна шунча жўраси билан темир тирноқ бургутларни қўндириб, элулуега муомалани дўндириб тоғни кезиб юрибди.

Гапдан гап чиқиб, суҳбатлари зап чиқиб бири шундай деди:

– Дўстлар! Қўлга найза олиб, қилич ушлаб бир талай жангу жадалда қатнашдик. Ёшлик еримиз қолмади. Энди ўзлик-ўзимиздан тўра, сардор, хон

сайлаб олишимиз керак. Менимча шундай қилсак, бошқарув яхши бўлади. Етакчининг йўл-йўриғи, амри бизларга вожиб. Янада жипслашмасак бўлмайди, – деди Чегебой. – Хўш, нима дейсизлар?

– Чегебойнинг сўзи жўяли. – Йигитлар бир овоздан қўллаб-қувватлашди. – Хон сайлаймиз. Уни қови-қондаси билан кўтарамиз.

– Кимни сайлаймиз? Шарти қандай бўлади? – деди Ҳайдархон ўғли эр Кўкча.

Саломат ўғли Ойнагул хон сайловини бошқаради:

– Шарт шундай, кимда-ким хон бўлишни ният қилган бўлса, миниб юрган отини сўйиб садақа қиламиз. Розимсизлар?

Ҳозиргина мақтаниб ўтирган йигитларнинг бирортасидан садо чиқмади.

– Ҳаммангиз будли-шудли кишиларнинг ўғлисиз. Наҳотки хон бўлишга бир йилки кўп бўлса? Демак, у ҳолда ота ўғли бўлишдан воз кечинглар! – Ойнагул ўртага чиқиб: – Қани, энг юракли ўғлон ким? – деди.

Ойнагул йигитларни бирма-бир сўроқлаб чиқиб, охирида ёш жиҳатдан энг кенжа Манасдан сўради:

– Жақипбойнинг боласи Манас тўра, сен нима дейсан?

– Отини сўйиб хон бўлиш, элимизнинг урфига кирмайди. Башарти гўшти егинглар келган бўлса, Оққулани сўяман. Қани, отни келтиринглар.

Чегебой қаршилик кўрсатди.

– Оққула ориқ, семиришдан қолган от. Уни қаришқир ҳам еёлмайди. Жақипбойнинг бир семиз биштигини¹ мен миниб юрибман, Манас қаршилик қилмаса...

– Ўша биштини сўйинглар, – деди Манас.

Йигитлар отни сўйишди. Гўшти қозонга солинди. Манаснинг остига оқ мато тўшаб, бардор-бардор қилиб, кейин ўнта эгарни устма-уст тахлаб “олтин тахтин” деб ўтқазишди. Ёнига кўк белбоғ туғ қилиб осилди.

– Хонимиз Манас! – деб жар солди навкарлар.

– Хонимизни худо қўлласин!

– Омон бўл, Манас!

– Улуғ юртнинг бўриси бўл, Манас, – жўралари Чаркастонни янградиб қичқаришди.

– Унга гаянч бўлайлик! Манасга муносиб навкар бўлайлик. Сўзингга кирмаганлар Олтойдан кўчсин, қалмоққа кетсин! – дейишиб Манаснинг қиличини ўпиб қасамёд қилишди.

– Марҳаматли хонимиз, қандай буйруғингиз бор? – Манас турнақатор тизилиб турган навкарларга қараб қаҳ-қаҳ уриб кулди ва хонларнинг русмини қилди.

1. Бишти – тўрт ёшли от.

– Ҳол-жонимга қўймай хон қилиб кўтардинглар. Энди айтган гапим бек бўлсин, барчаиғизга эп бўлсин. Эртага Олтойдан нари ошамиз. Аввало йўлнинг паст-баландини ўрганиб чиқайлик. Қалмоқлар томонгача бориб қайтамиз. Улуғларни овора қилмай шу юмушни уддасидан чиқишимиз керак.

– Манаснинг буйруғига кўра, эрталаб саксон йигит Олтойдан ошиб йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди. Ям-яшил воҳаларни қидириб, мовий сувларни кечиб ўтди.

Манас навкарини қалмоқ билан хитой тарафни кузатиб кел, деб жўнатди. Қир ва адирга назоратчи қўйди.

Сершовқин Уркул дарёсининг бўйида, уч томонга кетган йўлнинг бошида минг жонзотга бошпана бўлган чинорнинг остида олти кун дам олишди. Еттинчи кун топшириқ билан кетган йигитлар қайтиб келди, аломат гапларни айтиб келди. Қирқ беш туяга юк ортган хитой, уйғур ва қалмоқлардан иборат Эсенхоннинг карвони билан орқада тўққиз юз лашкарга бош бўлиб Нукер отлиқ ботири келмоқда.

Нукер улкан чинор остидаги болалардан хабар топиб, ўзича қуйидаги найрангни амалга оширмоқчи бўлди. Куролли аскар бўлса, ўлдириб келинглари, агар ёш болалар бўлса, тутқун қилинглари, деб юзта сараланган одамларини юборди. Соҳилга сиғмай оқаётган Уркул дарёдан ўтишга юраклари дов бермай уёқдан-буёққа зир чопаётган хитойликларни кўрган болалар қотиб-қотиб кулишар эди.

– Ҳўй, тирранчалар, дарёдан ўтиб олсак, тирсақларингдан осамиз, – деб бақиринди лашкарлар.

Иложи қуриган хитойларнинг чопари, “дарёда сув кўпайиб, ўтиб бўлмапти”, деди. Тўда бошлиғи “ўлганинг сувда ҳалок бўласан, тирик қолганинг дарёнинг нариги бетига ўтасан” деб буйруқ берди.

Сувдан ўтмоқчи бўлган юз кишидан йигирмаси оқиб кетди. Омон қолганлари Манаснинг рўпарасидан чиқди. Дағ-дағ қалтираб, шумтираб турган лашкарларнинг аҳволини кўрган болалар кулгидан сира ўзларини тийиша олмасди.

Жаҳли чиққан гуруҳ бошлиғи: – Нега қараб турибсизлар, қилични ҳавасга тақиб юрибсизларми?! – деб пўписа қилди.

– Кўрмайсизларми? Қўлда қуш, ёнимизда тайғон, белда қилич овга чиққан-миз, – деди болакайлар.

– Хоқончининг халқимиз. Аскар бошлиғимиз Нукер. Сизларни ҳайдаб келиш учун бизни юборди.

– Ҳой, Нукернинг ботирлари, ким билан уришгани, ким билан дўстлашгани келмоқдасиз?

– Бизнинг дўстдан кўра душманларимиз кўпроқ. Буларни Нукер айтиб беради.

– Иззатини билмайдиган одамлар экансиз, – деди Манас қамчинни ўйнатиб.
– Кўзи чақчайган ана шу бурутнинг гаплари заҳарроқ экан, – деди гуруҳ етакчиси Манасга қараб юлқиниб, – уни биринчи ҳайдаб боринглар.

– Ҳой, мени ҳайдаб кетадиган сенмидинг?! – Манас чақчайган гуруҳ бошлигининг бошини танасидан жудо қилди.

Саксон хитой бирданига Манасга ёпишди. Уларни бир зумда болалар тинчитди.

Ҳеч нарса бўлмагандай, ҳеч ким ҳеч нарса кўрмагандай, Манас саксон йигити билан улкан чинор остида бемалол дам олишди.

Юз йигитидан бирор хабар келмагач, Нукер лашкарлари билан дарёга яқинлашди. Манаслар хитойликларнинг ҳаракатини дарёнинг нариги соҳилидан аниқ кўриб туришди.

– Тўқайнинг ҳар қайси ерида ўт ёқинглар. Бизни кўпчилик экан деб ўйласин.
– Навкарлар чор тарафга олов ёқишди.

Эртасига Нукер дарё қирғоғидаги тол, теракларни кесиб сол ясаптириб одамларини сувга ҳайдади. Тўртта сол билан олдин-кейин дарёга тушганлар бир-бирига урилиб, бирталай кишилар сувга оқиб кетди.

Манасни Нукернинг аскарлари ўраб олди.

– Сизлар қайси элнинг боласи бўласизлар?

– Асли турк қавмининг боласимиз. Бош отамиз Тубойхон, бобом Нўғайхон, ўз отам Жақип. Менинг исмим Манас, – хотиржам жавоб қайтарди паҳлавон.

– Бурутлар! Биз излаган бурутлар!

– деб кичқирди Кимқар деган полвон қили-чини қинидан суғуриб.

– Булар анов-манов ёв эмас, эсимизнинг борида этагимизни йиғштириб уйга қайтайлик, – деб қолди Кўкча.

– Эсинг борми, Кўкча жигарим?

– Оллоҳ буюрганидан ортиқ жон ўлмас. Тахт устида хон ўлмас. Кўп лашкардан чўчима. Отланинглар, – Манас олдинга чиқмоқчи бўлувди, Ойнагул йўлини тўсди.

– Манас! Сен хонсан! Хон жангда иштирок этиши шарт эмас.

Шу орада Манасдан дакки эшитган Кўкча хитойлик полвон Кимқарни тинчитишга улгурди.



Кўкчани кутилмаганда Бўлжонг исми хитой бир ёқлик қилиб қўйишига оз қолди. Хайриятки, Манас пайқаб қолиб, ёй билан ўлдирди.

Майдонда юз бераётган курашни кузатиб турган Нукер отини қамчилади. Манас уни атай кутиб тургандай, Оққулани ўйнатиб тик борди.

– Хон Манас, сенга айтдим-ку, ўз қадрингни оёқ ости қилмай жангни кузат. Уни бизга қўйиб бер, – деди Кўкча.

Нукер пайтдан фойдаланиб, чинқирган ҳолда зарб билан Кўкчани отдан юлиб олиб, тошга қапиштираётганда, Манас эпчиллик билан Нукерни долидан олиб тепага кўтарди.

Кўкча Нукернинг панжасида, Нукер Манаснинг қўлида осилиб турарди. Нукер тулпорининг ёлига қўйиб қараса, Кўкчанинг панжалари Нукернинг бикинига ботиб қолибди.

Нукернинг бошини Манас узиб олди. Бу ҳолни кўриб қўрқувдан довираб қолган хитойларга қараб, йингитлар “Манас” дея бор овозлари билан бақиршиб, душманларнинг бошига шўриш-ғавғо солишди.

Тоғлар ҳам “Манас!” деб қичқирарди.

Тўқайлар ҳам “Манас!” деб акс-садо беришар эди.

* * *

Машҳур Ойдинкўлнинг қирғоғи. Кўл баҳайбат кўзгуга ўхшайди. Юксак тоғлар гўё булутга қўниб олгандай сув сатҳида сузиб боришмоқда.

Ўтовдан чиққан одам улуғ тоғнинг қуёш тегиб турган қийма қизил чўққисини, ярим қизғиш бўлиб ҳилпираб кўринган қояларни кўради. Осмонда қалқиб учаётган бургутларга кўзи тушади. Кўм-кўк осмон саҳнида жундай титилган, кўпикдай кўпирган булут қалқийди.

Тирикликнинг шу улуғ кунда, қуёш тоғдан бош кўтарганида, Олтойдаги Жақипбойнинг овулида сурнайлар чалиниб, дўллар қоқилиб, ўзгача шон-шавкатдан дарақ бериб турар эди. Аслида, фақат дўллар тинмай қоқилса, бу шумхабар белгиси бўларди. Сурнай навоси фароғатли тонгнинг навоси – тинчлик аломати. Дўл билан сурнай Ҳамоҳанг бўлгани – яхшилик далолати.

Бугун Жақипнинг овулида ўзгача тантана. Дўнгликка қашқар гилами солинган, унда Жақип билан Бердике ўтирибди. Четроқда Манас ботир ва қишлоқ оқсоқоли Оқболта. Хизматкор йингитлар Оқболтани олдига турли юмушлар билан келиб-кечиб турибди.

Чошгоҳ чоғида узоқ-яқиндан атай чақирилган меҳмонлар, турк қавмининг оқсоқоллари, манжур, мангулларнинг уруғ бошлиқлари, бекзодалар Жақипнинг оқ ўтовига тўпланишди.

– Халойиқ! Сизларни барчамиз учун муҳим бўлган бир маслаҳатли ишни ақл ва фаросат билан ҳал қилиб олиш учун чақирдик. Маълумингизким, тангри

қўлаб, бошимиз бирикиб, эл номини олдик. Олишмоққа кучимиз етади. Атрофимиз ёв билан ўралган. Фафлатда қолмайлик. Бобомиз Нўғайхондай шўрпешона бўлмайлик. Насл-насабимиз ўрда, хон, туғ кўрган. Юртнинг қути, баракаси хони бўлади. Сизлар рози бўлсангизлар, юртимизни бошқара биладиган муносиб бир хон сайласак деган таклиф бор, – деди Оқболта.

– Балли! Гапингиз барчамизга тегишли экан.

– Тўғри айтдингиз.

– Кўп яша, Оқболта, – деди халойиқ.

– Энди қолган сўзни оқсоқолимиз Бердике айтсин, – деди Оқболта халойиққа қараб.

– Диний эътиқодидан қатъий назар Олтойда истиқомат қилаётган барча элатларнинг уруғ бошлиқлари, жамики турк қавмининг оқсоқоллари, яъни олти шаҳар, кўплаб қишлоқ ва овуллардан вакиллар бор. Шундай экан, хон бўламан, деб қайси эрларнинг эри, ботирларнинг ботири, беллашганда бели букилмай, сирлашганда сир чечган, ақл билан йўл топган, қиличи билан қасдлашганининг бошини кесган азамат ўртага чиқади.

Жақипбойнинг ўрдасига тўпланганларнинг ичидан “мен хон бўламан” деган валломат чиқмади.

Жамоат сукутда, оқсоқоллар ерга қарайди, ёш-яланглар ўз хаёллари билан банд.

– Бугунги ниҳолчамиз, эртанги чиноримиз. Балки, бўталоқларнинг орасидан бирорта лойиқ-қобили бордир? – деб Бердике тўйда тўйлаган, ўйинқароқ болалар томонга қаради.

Йигитларнинг ичидан гапга чечанроғи Саломатнинг ўғли Ойнагул сўз олди.

– Қадрли халойиқ яқинда саксон бола овга борганимизда оқ бўз биштини сўйиб, Манасни ўзимизга хон қилиб олганмиз. Бизнинг хонимиз сизларга маъқул тушадими, йўқми, шуни билолмай турибмиз.

– Халойиқ, бу бўталоқнинг гапини эшитдингларми? – Бердике оломонга қаради. – Ёшларнинг кўзлари ўткир, ниятлари оппоқ тонгдай покиза бўлади. Тангрим, шу болаларнинг тилагини бер, элу халқни, жумладан қирғизни ҳам мақсадига етказ.

Оқболта туя жунидан тўқилган чакмонининг енгини ҳимариб, хотини туққандай суюниб, чеҳраси ёришди.

– Азизлар! Халойиқ, ўтирган ёшу қарилар, ўй-фикрларингни айтинглар! Армонларинг қолмасин.

Яна ҳамма оғзига талқон солгандай сукутда. Манас ўрнидан туриб майдоннинг ўртасига келди:

– Байтал сўйиб хон кўтарган тенгдошларимнинг иши. Ялли юртга хон кўтариш тамоман бошқа маросим. Ҳар бир миллатнинг донишмандлари, турк қаъминининг вакиллари, хонликка мендан бошқани сайлаб олинглар.

Манас одамларнинг сурони остида чор томонга олазarak кўз югуртириб Бердике оқсоқолнинг олдига келди.

Бердике олти қулоч оқ кигизни ерга солдирди.

– Бизнинг айтганимизга рози бўлсанглар, – деб, Оқболта билан Бердике оқ кигизнинг устига Жақипни ўтқазишди.

– Хон бўлишга муносиб одам энди топилди, – дейишиб бир тўп кишилар кигизни кўтариб, бардор-бардор қила бошлади.

– Ҳой халойиқ, тўхтатинглар! Қўйинглар! – деб Жақип оқ кигиз кўтарганларни зўрға шаштидан туширди. – Ҳурмат қилганинглар учун қуллуқ. Қаригаи чоғимда мени тинч қўйиб, Манасни хон кўтаринглар!

Жақип ҳаяжонини яширолмаи юм-юм йиғлаб турар эди.

– Бизни Олтойда эл қилган Жақип, бизни Олтойда шер қилган Манас! – дейишиб одамлар Манасни оқ кигиз томонга етаклашди, – ота-бола хон бўлсин.

Бир маҳал оломон Жақип билан Манасни оқ кигизга кўтариб кетишди.

– Ҳой халойиқ, гапимга қулоқ солинглар! – етти қадам бостанда Жақип кишиларни тўхтатди. – Осмонда битта ой, битта қуёш бўлади. Бу Тангрининг қудрати. Эли битта хон бошқаради. Битта туғ бўлади. Бу боболарнинг урфи. Хонинглар эса Манас! Ёддан чиқарманглар.

Жақип оқ кигиздан тушиб, хонликни Манасга топширганида кўпчилик хушнуд бўлди.

– Манас!

– Манас!

– Биз сени худодан тилаб олганмиз!

– Яша, Манас! – дея ёшу қарилар оқ кигизни кўтариб майдонни тўққиз марта айлантириб чиқди. Қариялар дуо қилиб, йигитлар соме бўлиб, завқ билан маросимнинг дастлабки босқичи тугади.

Қамбарбўзининг уюридан қизил бияни Манаснинг оёғи остига садақа қилиб сўйилганида эл бир муддат ҳаяжонланиб турди.

Манас қирғоғига олтин ҳошияли жияк тикилган, тепаси баланд жигали бўрқни бошига кийиб, Тўручарга минганида одамлар қайтадан муборакбод қилди.

– Мақсадимизга етдик. Бир умр хон бўл, Манас!

– Хон Манасга Оллоҳ мадаккор бўлсин!

Жақип Нўғайхондан қолган мерос – кўк туғни ўттиз йил теридан-терига ўраб, эҳтиёт қиларди. Энди уш олиб чиқиб, жамоатга кўрсатди.

Эр Жақип Манас хон бўлди, деб тўқсон бияни сўйдириб, тўққиз кун тўй берди.

Манас Бой амакиси билан маслаҳатлашиб тadbиркор ва жасур йигитлардан саралаб, Қашқардан Бақайни олдириб келди. Қоплон Бақайнинг полвонлигига тараф йўқ. Важохати йўлбарсдай, буқа бўйин, кенг яғринли, кўк тулпор минган, яшил арабий тўн кийган, юз бералдиган воқеаларни олдиндан айтиб берадиган, бўлмаганини бўлдирган, тўймаганини тўйдирган, лафзи ширин, сўзга чечан йигит экан.

Манас қалмоқ, хитой тилини, уларнинг ҳатто дилини биладиган, бир оғиз гапи минг тиллога арзигулик Бақайни ўзига маслаҳатчи қилиб олди.

– Ардоқли Манас, сени ўн йилдан бери кўриш ниятида эдим. Бугун орзумга етдим. Энди армоним йўқ. Манас иним, сенга атаган совғам – жонажон ошнам Ҳожибойни топдим.

Арғиннинг хони Ҳожибой отасига зарда қилиб, ўрдани ташлаб, ўзидай шер ўғлонни излаб Манаснинг баҳодирлигини эшитиб, кўз кўрмаган ерни қидириб, манглайдан терин сидириб, ахири Бақайни топибди. Ўз навбатида Бақай Ҳожибойни эрчитиб келиб, Манасга яқин дўст қилиб қўйди. Ҳожибой кенг додли, айри соқол, қизил юзли, оқу қорадан хабардор, шамширини қайраган, хон олдида сайраган нор йигит экан.

Бақай Манасга шундай деди:

– Хонликнинг тўрт йўриғига амал қил. Боболарнинг умидини ўрган. Хонликни кескир қиличнинг дами билан, найзанинг учи билан сەқла. Ерларингни кўкрагинг билан кенгайтир. Элни ақл ва донишмандлик билан бошқар.

– Манас! Сенинг тўққиз отанг хон бўлган. Тўққизтасининг ёнида қирқта жўраси юрган. Буни унутма. Тўқайда танишган қирқта бўз боладан энг муносибларини танлаб ол.

Хон Манас оқсоқоллар билан кенгашиб, турли миллат вакилларида қирқ йигитни ўзига жўралikka танлаб олди. Масалан, манғул Жайсан, манжур Мажик, қанғайдан Келдике, дангитдан Қайилхон, дағаликдан Мунар сингари бир сўзли, оқибатли, камтар ўғлонларга оғир қушларда синовдан ўтган дангалчи Қирғил полвон саркор қилиб тайинланди.

Манасга доим қирқ йигит қуриқчилик қилиб турадиган бўлди. Душманини ваҳимага солувчи осмондан тушган олти шамширни Манас энг содиқ жўраларига ҳадя қилди ва олмосдек кескир зулфиқорни ўзи олди. Покиза ниятлар учун Қамбарбўзининг уюридан бия олдириб, қирқ йигитнинг ҳурмати учун сўйдириб меҳмондорчилик қилди.

Хон Манас бобоси Нўғайхондан қолган очйўлбарс деган қилични олдириб чиқди. Майсага қўйса ўт кетган, силтаганда мўрт кетган, тоққа урса тош кесган, белга урса бош кесган, тун ичида киндан суғурса, оловланиб қизарган, душманга

қараб сиккиса, қирқ етти газ узарган ўша шамширни Бақай ушлаб турди. Қирқ йигит якка тизза бўлиб уни ўпиб қасам ичди:

– Хонимиз Манас! Хон билан жонимиз бирга. Агар хонга хиёнат қилсак, ниятимиз бузилса, жонимизни шу қилич олсин.

Манаснинг қирқ жўраси ботир номини олиб, оқ ўтовли бўлиб, ҳар бири мингбоши даражасига етиб, навкарли бўлди. Қирқ жўра минган тулпорларнинг пешонасига ирим қилиб туморча тақилди.

Эр Манас икки тизгин, бир чилвирга эгадор бўлиб, узилганни улади. Саодатин кенг қилиб, қалмоқ-манғулга тенг қилиб, қирғизларни оқ қалпоқни кийиб, бошини мағрур кўтариб юрадиган мақомга етказди.

* * *

Манас тўққиз йил хон бўлди. У тахтда ўтиргандан кейин Олтойдан макон топган элатлар билан қуда-андачилик авж олиб, тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлди. Савдо-сотик ишлари изга тушди. Олтойдан Қашқарга, Қашқардан Тибетга, Тибетдан Самарқандга қадар карвон йўллари очилди.

Манаснинг шон-шуҳратини Алоке, хитой хони Эсенхон, манжу хони Несқора кўролмай ўчини ололмай кек сақлаб, қулай фурсат кутиб, турк қавмининг фарзандларини бир-бирига қайраб, кўп ҳийла-найранглар излади. Дарвеш, қалаандар кийимида жосуслар жўнатди. Олтой орқали ўтадиган карвонларнинг ҳам кўпчилигини Алоке билан Эсенхон атай уюштирар эди.

Ҳийлакор Эсенхон, айниқса, уйғурларни, қалмоқларни бурутларга қарши ўчаштиришга уринди. Манаснинг қудратини кўриб-билган қўшнилари арзон гапларга учмади. Икки ўртада Алоке ўрага тушган айниқдай изтироб чекарди.

Манас ўз навбатида чегарага алоҳида эътибор берди. Хавф-хатарга ҳамиша тайёр турди.

(Қирғизчадан Т. Адашбоев таржимаси)

Савол ва топшириқлар:

1. Жақиннинг қирқ уйли қирғизлар билан Олтойга келиб жойлашиши тарихини сўзлаб беринг.
2. Жақип неча ёшда фарзанд кўрди? Чибирдиннинг ҳомиладорлиги ҳақида нималарни биласиз?
3. Чақалоққа исм қўйиш маросими ҳақида сўзланг. Исмин ким қўйди?
4. Манаснинг гайриоддий болалиги ҳақида гапириб беринг. Уни кимнинг тарбиясига бердилар?
5. Манаснинг ботирлигини қайси воқеалар орқали билиб олдингиз?
6. Манасни кимлар илк бор ўзларига хон қилиб сайладилар?
7. Манаснинг яқин дўстлари, маслаҳатчилари кимлар эди?
8. Манаснинг хон қилиб кўтарилиши маросимини тасвирлаб беринг.
9. Манаснинг адолат билан юртни бошқарганлигини, қирғиз давлатини мустаҳкамлаш соҳасидаги ишларини сўзланг.
10. “Манас — эл севган қаҳримон” мавзусида эссе ёзинг.

ЖАҲОН АДАБИЁТИДАН

ФИРДАВСИЙ

(X-XI асрлар)

Абулқосим Фирдавсий жаҳон адабиётининг йирик сўз санъаткорларидан бири бўлиб, унинг **“Шоҳнома”** асари минг йилдан буён Шарқ халқларини ўзига ром этиб келмоқда. Оврўпа китобхонлари қалбини мафтун этганига ҳам икки аср бўлди. Алишер Навоий **“устоди фан”** дея баҳо берган Фирдавсий тахминан 940-941 йиллар орасида Хуросонда Тус шаҳри яқинидаги Бож қишлоғида дунёга келди. Шоирнинг ижоди қачондан бошлангани маълум эмас. **“Шоҳнома”** асарини эса ўз маълумотига қараганда, 35 ёшларида ёза бошлаган. Фирдавсийгача форс-тожик шоири Рудакийнинг замондоши Дақиқий шеърини **“Шоҳнома”** ёзишга киришган эди. Бироқ у минг байтдан иборат **Зардушт**, **Гуштасп** ва **Аржасп** дostonларини ёзишгагина улгура олди. Қадимий афсона ва ривоятларни, тарих китобларини мукаммал билган Фирдавсий Дақиқий бошлаган ишни давом эттириш ва тугаллашга қарор қилди. Нихоят 20 йиллик узлуксиз меҳнат, 10 йилдан зиёдроқ вақт давомида қайта таҳрир этиш натижаси ўлароқ машҳур **“Шоҳнома”** асари дунёга келади. Муаллиф 60.000 байтдан иборат жаҳон адабиётининг йирик эпоси бўлмиш **“Шоҳнома”** асарини Султон Маҳмуд Газнавийга тақдим этади. Аммо асар Султон Маҳмудга маъқул бўлмади. Ҳазабланган шоир Султон Маҳмудга қарши ҳажвия ёзади. Шоҳ эса бунга жавобан Фирдавсийни филнинг оёғи остига ташлашга буюради. Фирдавсий Ҳазнадан Ҳиротга қочиб кетади ва умрининг кейинги йиллари дарбадарликда кечади. Умрининг охирида у туғилиб ўсган Божга қайтади ва шу ерда оламдан ўтади. Руҳонийлар уни кофирликда айблаб, муасулмонлар қабристонига дафи этишга руҳсат бермайдилар. Шоир ўз боғига дафи этилади.

Фирдавсийнинг **“Шоҳнома”** асари қаҳрамонлик, мифологик ва тарихий қисмлардан иборат бўлиб, у ўнлаб дostonлардан ташкил топган. **“Шоҳнома”** даги образларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: мифологик образлар: Каюмарс, Хушанг, Таҳмурас, Жамшид ва бошқалар; афсонавий қаҳрамонлар: Сом, Наримон, Зол, Рустам, Гев, Бижон ва бошқалар; тарихий персонажлар: Анушервон, Баҳром Гўр, Хисрав Парвиз ва подшоҳлар.

“Шоҳнома” бадий юксак эпосдир. У сюжет ва композиция, образ ва характер, пейзаж ва портрет жиҳатидан мукаммал асар бўлиб, бадий сўз санъатининг бойлиги ва хилма-дил усулларини намойиш этади. **“Шоҳнома”** мутақориб баҳрининг **«Ҳазажи мусаммани маҳзуф»** вазнида (фаувлун фаувлун фаувлун фаул) ёзилган. **“Шоҳнома”** дан кейин қаҳрамонлик дostonларини шу баҳр ва вазнда ёзиш бир анъана бўлиб қолди.

Фирдавсийнинг **“Шоҳнома”** си минг йилдан бери кўп халқларга, асрлар ва авлодларга манзур бўлиб келмоқда. У ер юзининг турли жойларида қайта-қайта кўчирилди, кўп халқларнинг тилларига таржима қилинди. **“Шоҳнома”** ни форсийдан ўзбек тилига шарқшунос олим Шонслом Шомўхамедов таржима қилган. Унинг айрим дostonлари, образлари қайта ишланиб, бошқа халқларнинг адабиётидан, жумладан, ҳамсанавислар дostonларидан ўрин олди. Бунинг сирини нимада? Фирдавсий асарининг машҳурлик даражасини олдидан сезгандек, улкан дostonининг охирида шундай ёзади:

Кўп олий қасрлар бўлурлар ҳароб,
Уруб қору ёмғир, шамол, офтоб.
Вале шеърдан бу бинойи жаҳон,
Уни дарз этолмас шамолу бўрон,
Сухан тухмин экдим чекиб меҳнатим,
Мен ўлмам, асрлар яшайдур отим!

Азиз ўқувчи! Қуйида сиз “Шоҳнома” дostonидаги Таҳмураснинг ўғли Жамшид ва зolim шоҳ Заҳҳок билан боғлиқ воқеалар баён этилган парчалар билан танишасиз.

Савол ва топшириқлар:

1. Фирдавсий ҳаётига доир қандай маълумотларни биласиз?
2. “Шоҳнома” қандай асар?
3. Сизнингча асар нима учун Султон Маҳмудга маъқул келмади?
4. Шоирнинг Султон Маҳмудга қарши ҳажвия ёзишига қандай қарайсиз?
5. Фирдавсий нима учун ўз боғига дафи этилди, бунинг асарига боғлиқлиги борми?
6. “Шоҳнома” нинг машҳурлиги сабаби нимада деб ўйлайсиз?

Жамшид

Асилзода Жамшид унинг фарзанди,
Бели боғлиқ, дилда отасин панди.
Саодатли ота тахтига минди,
Каёний тож кийди, бахтига минди.
Шоҳлик шуқуҳи-ла боғлади камар.
Унга тобе бўлди жаҳон сар-басар.
Ҳукмидан осуда жаҳоннинг бари,
Ҳукмида ваҳший, қуш, одам, дев, пари
Жаҳонда ошарди обрў кундан кун,
Тахти ёриб кетди гўё чиқиб кун.
Дер: “Менга подшолик фарри эзаддан,
Кучим шоҳдан каммас, ақлим мубаддан”¹.
Ёмонлик-ла кесай ёмонлар қўлин,
Рухимга ёр этай яхшилик йўлин”.
Меҳнати мевасин фаровон олди,
Ўзидан бошқани кўролмай қолди.
Ишлари гуриллаб, берганда мева,
Яна улугликни айлади шева.
Битта тахт қурдирди бари сийму зар,
Шуқуҳи Каёний, безаги гавҳар.
“Дев кўтариб учсин”, деб бўлди фармон,
Тахт кўтарилганда наст бўлди осмон.

1. Мубад = зардуштийлик дини олимми.

Тахт кўкда чарх урар мисоли қуёш,
Фармондор ўтирар, унда ирғаб бош.
Барча жам, одамлар қарар тахтига,
Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ-бахтига.
Жамшидга сочишар олтину гавҳар,
Шу кунни янги йил – байрам дейишар.
Йил боши Хурмузув эди фарвардин,
Дилда на ғам қолди, на адоват-кин.
Улуғлар шодлик-ла базм қурдилар,
Юзларин чолғуга, майга бурдилар.
Бу бахтиёр кунни ўшандан бўён,
Шоҳлардан ёдгор деб билурлар ҳамон.
Яна ўтди уч юз йиллар бахтиёр,
На ўлим, на дард кўрмас бу диёр.
На дард, на ёмонлик кўрмас бир инсон,
Девларни ҳам банди қилганди султон.
Фармонияга барча бўйсунарди шод,
Муסיқа, кулқудан ҳамма ёқ обод.
Шундай ўтар йиллар фаровон, масрур,
Шоҳ фарридан ҳар ёқ равшан, эмар нур.
Жаҳон ундан ором топар ва шодком,
Яздондан¹ келади кетма –кет найғом.
Неча йиллар шундай ўтади ҳаёт,
Эзгуликдан ўзга иш бу шоҳга ёт.
Жаҳон унга тобеъ бўлди сар-басар.
Жаҳондор шукуҳ-ла тахтада ўлтирар.
Улуғдик тахтига кўз ташлаб гоҳ-гоҳ,
Ўздан бошқани кўрмай қолди шоҳ,
Ўзлигин улуғлаб яздоншунос шоҳ,
Ҳақдан юз ўгирди, ношукур, эй воҳ,
Казо-казоларни чорлаб лашкардан,
Улар ҳузурда бошлади сухан.
Кекса, улуғларга сўзларкан султон,
Дер: “Менсиз нимага арзир бу жаҳон.
Мендан ошкор бўлди жаҳонда ҳунар,
Тахт менингдек шоҳни кўрмаган дигар.
Жаҳонни ҳунарга кўмиб ташладим,

1. Яздон – худо

Хоҳлаган йўлимга уни бошладим.
Емоқ, ичмоқ, уйқу, оромингиз – мен,
Кийим-кечак, орзу ва комингиз – мен.
Улуғлик шукуҳи ва шони – ўзим,
Жаҳоннинг ягона султони – ўзим.
Дору дармонимдан созланди дунё,
Инсондан чекинди ўлим, дард, бало.
Ўлимни маҳв этмиш мендан ўзга ким,
Қани ким бўлолгай дунёга ҳоким?
Бошда ҳуш, таъдаги жонингиздурман,
Ким менга бўйсунмас ўша Аҳриман.
Ҳамон мендан кўриб бу ишлар барин,
Энди мени атанг жаҳонофарин ”.
Бошин қуйи солди мубад ва аъён,
Бирор сўз дейишга ожиз тил – забон,
Бу сўздан шоҳ фарри хип-хира бўлди,
Жаҳон бошдан-оёқ миш-мишга тўлди.
Барча кетди шоҳдан ўгириб юзин,
Улуғлар ҳам четга олишди ўзин.
Учу йигирма йил ўтмайин сипоҳ
Бари тарқаб кетди, бўш қолди боргоҳ.
Манманлик, такаббур келтирди ташвиш,
Шундан сўнг орқага кетаверди иш.
Демишки ширин тил кекса донишманд,
“Шоҳ бўлгач назаринг баланд тут, баланд.
Яратгувчига ким бўлмиш ношукур,
Тинимсиз балодан дили тирналур”.
Жамшидни тарк этди ҳаловат ҳузур,
Шоҳлик партавидан сўна бошлар нур.
Кўз ёшин тўкару, фойдасиз фақат,
Не тавбалар қилар топмас инобат.
Яздон фарри ундай кундан-кун жудо,
Кундан-кун сезилар яқиндир бало.

Заҳҳок ва унинг отаси ҳақида қисса

Бир ҳукмдор яшар эрди ул замон,
Найзадор чўли унгадир макон.
Таги тоза, ўзи кўп яхши киши,
Шоҳликда яздондан чўчимоқ иши.

Мардон эрди унинг мусаффо номи,
Эҳсон, яхшиликка жўшар илҳоми.
Бир ўғли бор эди номи ҳам Заҳҳок,
Дадил ва енгилтак эрди кўп нопок.
Бир куни – пок ният бир инсонсифат,
Даргоҳига келди иблис – касофат.
Ўспирин дилини тойдирди йўлдин,
Сўз билан бошини айлантирди жин.
Иблис сўзи унга жуда хуш ёқди,
Кир ниятин билмай, меҳр ила боқди.
Иблисга эс-ҳушин топшириб Заҳҳок,
Ўз азиз бошига сочди қора хок.
Кўнгил берганини тушунгач иблис,
Шодланиб, авжига минди ғаламис.
Ўз ишин қиларди иблис жовраши,
Илмдан холийди Заҳҳокнинг боши.
Деди: “Сенга айтар бир неча сўзни,
Уни ҳеч ким билмас, айтурман ўзим”
Йигит дер: “Тезроқ айт, айлагил кўтоҳ,
Мени барча сирдан айлагил огоҳ”
Унга деди: “Аввал ёд айла қасам,
Сўнгра маъқул бўлур ростин сўйласам”.
Дили пок ўспирин қасам этар ёд,
Иблис айтганларин ижро этиб бот.
Деди: “Сўзларинга солурман қулоқ,
Лек оғиз очмасман ҳеч кимга ҳеч чоқ”.
Иблис дер: “Эй номдор, оқил паҳлавон,
Не учун тахт узра бошқа бир инсон?
Сенингдек ўғилга ота не ҳожат,
Қулоқ сол пандимга айтай бир ҳикмат.
Ҳа демай бу чолдан ҳолидир замон,
Сен эса қудратга тўлган навқирон.
Бу даргоҳ жilовин олғил қўлингга,
Тахту тож мунтазир сенинг йўлингга.
Менинг сўзим тинглаб, айласанг вафо,
Бўлурсан жаҳонга ягона подшо”.
Яхши-ёмонликда фарзандга асло,
Совуқ шабодани кўрмасди раво,
Ўстирди неъматда чекиб қанча ранж.

Ўғлидан шодланиб, бериб бойлик, ганж.
Ёмонлиққа кетди фарзанди унинг,
Отаси қонига будғонди ўзи,
Эсга тушди доно кексанинг сўзи:
“Фарзанд бўлса ҳамки шер каби гушна¹,
Отасин қонига бўлмагай ташна,
Агар бошқачароқ бўлиб чиқса иш
Сирин онасидан керакдир билиш”.
Таги паст, адолат билмаган Заҳҳок,
Тахтга минди ота қалбин этиб чок.
Бошига қўндирди арабий тожин,
Қўзлаб юрт инқироз ёки ривожин.
Иблис кўриб нопок ишни ўнгини,
Яна ўйлаб кетди хийла сўнгини.
Иблис Заҳҳокка дер: “Мен томон чопиб,
Етдинг бу жаҳонда мақсудинг топиб.
Агар яна мен-ла қилсанг аҳд-паймон,
Сўзимдан бош тортмай, айласанг фармон.
Бўлурсан саросар жаҳонга подшо,
Қуш, қумурсқа, ҳайвон, инсонга подшо”
Шуни деб жўнади бошқа ёқ қараб.,
Бошқача иш тутиб кетди во ажаб.

Иблиснинг ошпазлик қилгани

Йигитга айланди Иблис бир поктан,
Зийрагу ҳушёр дил, сўзга ҳам чечан.
Бирдан пайдо бўлиб Заҳҳок ёнида,
Мақтовдан ўзга сўз йўқ забонида.
Деди: “Яраб қолсам, шоҳим, хизматга
Дастурхонинг тўлар шаҳду лаззатга”.
Заҳҳок бундай сўзни эшитган замон,
Ошхона солинсин, деб қилди фармон.
Ошхона калитин Иблисга берди,
Фақат ул пиширган таомни ерди.
Шоҳ овқатдан олиб тотиган сари,
Эс -ҳушин оларди ошпаз ҳунари.
Унга деди: “Орзунг не? Қани, гапир,
Не истагинг бўлса айлагум ҳозир”.

¹ Гушна - оч

Ошпаз унга аста дер: “Эй подшо,
Абадий яшайвер шод, фармонраво.
Шоҳдан фақат битта истагим бордир,
Истак бажо бўлса, омадим ёрдир.
Фармон этсанг, шул он ўрнимдан қўпиб,
Кўзга суртсам икки кифгларинг ўпиб”.
Заҳҳок эшитибок бундай гуфторни,
Тагига етмасдан бундай бозорни.
Деди: “Мен берайин комингни сенинг,
Кўкларга кўтарсин номингни сенинг”.
Фармон этди Иблис жуфтидек келиб,
Икки кифтин ўпди, шодликдан кулиб.
Ўпди-ю, шу онда бўлди у ғойиб,
Бундай ишни кўрган борми ғаройиб.
Икки елкасида икки чўнг илон,
Шоҳ чора тополмас ҳайрону нолон.
Қилич-ла иккисин кесиб ташлайди,
Илонлар қайтадан ўса бошлайди.
Дарахт шохи каби тебраниб турар,
Елкаларда икки қоп-қора аждар.
Фарзона табиблар тўпланиб келди,
Чора топилмади, охир сўлишди.
Иблис яна келди шоҳ ҳузурига,
Бу гал табиб бўлиб чиқди тўрига.
Деди: “Бўлганича бўлмиш энди иш,
Ҳозирламоқ лозим уларга емиш.
Тинчитгил вақтида берибон таом.
Бошқа ҳеч чора йўқ, топмассан ором.
Инсон миясидан хўрак бер фақат,
Ўзларин ўлдирса зора бу овқат”.
Дев нима мақсадни кўзламиш, қара,
Қандай мақсадига изламиш чора.
Ё инсондан қолди қолсин деб жаҳон.
Чора кўрмоқдами барчадин ниҳон?”
Жамшиднинг рўзғори қаро бўлгани
Эронда нима гал? Ҳар ёқда хуруш,
Ҳар томонни босиб кетди жангу жўш.
Жамшид ёруғ кунни бўлганди қаро,
Уни ташлаб кетмиш фозил, умаро.

Ҳар томондан чиқар янги-янги шоҳ,
Ҳар қабила боши кўтарар сипоҳ.
Ҳар бири жанг қилди, ё лашкар тузди,
Ҳаммаси Жамшиддан меҳрини узди.
Эрондан аскарлар чиқиб келди мўл,
Араб шоҳи томон барча олди йўл.
Заҳҳок томон тушди уларнинг роҳи.
Шоҳ қидириб елган Эрон сипоҳи,
Заҳҳок томон тушди уларнинг роҳи.
Бари унга бориб “офарин” деди,
“Сенга бўлсин Эрон – бу замин” деди.
Аждар сифатли шоҳ тез келди елиб,
Шоҳлик тожин кийди Эронга келиб.
Эрондан, арабдан йиғди чўнг лашкар,
Паҳлавон юборди унга ҳар кишвар.
Жамшид тахти томон у йўлга тушди,
Дунёни Жамшидга узукдек қисди.
Жамшиддан юзини ўгирди бахти,
Чора йўқ, қўлидан чиқмоқда тахти.
Чекинди, Заҳҳокка қолди тож-кўлоҳ.
Улуғлик, шон-шавкат, хазина, сипоҳ.
Бекинди, ҳаёти бўлди сим-сиёҳ,
Заҳҳокка буюрди тахту тож кўлоҳ.
Юз йилча йўқолди, кўрмади инсон,
Барчанинг кўзидан бўлганди ниҳон.
Юзинчи йил Хитой дарёси ёқда,
Топилганмиш Жамшид, қариган чоқда.
Заҳҳок уни қўлга туширмиш ногоҳ,
Бир дам фурсат бермай унга нопок шоҳ.
Арра солиб қилмиш қоқ икки бўлак,
Жаҳон ундан холи, қасд олмиш фалак.

Заҳҳок

Миниб тахтга Заҳҳок, бўлиб шаҳриёр,
Давр сурди минг йил жуда бахтиёр.
Бўйинсунди унга тамоми жаҳон,
Шу аҳволда ўтди узун бир замон.

Тутиб ҳар томонни қаро деғу жин,
Битиб яхши одат, олиб авж кин.
Ҳунар хору, жоду бўлиб аржуванд,
Адолат йўқолди, ёмонлик баланд.
Илон шоҳ ишидир ёмонлик, хуруш,
Уруш, қатлу, қирғин ҳам ғорат қилиш.
Илонларга ҳар кун лўқма икки ёш,
Ҳар кеч икки тутқун ёш кўзида ёш.
Кесиб бошларин ҳам чақиб миясин,
Пиширурлар таом илонлар учун.
Заҳҳокнинг яна бир ёғуз хоҳиши:
Элда бўлса агар машҳур ҳар киши,
Тутиб келтирурлар, сарвинозми у,
Паҳлавон баҳодир, жилвасозми у.
Кесар бошин агар бўлса паҳлавон,
Элат ичра машҳур девбанди жаҳон.
Агар ёш гўзалдир, канизак қилур,
На Кай расми, на Кеш мақолин билур.

Заҳҳокнинг зулмига лоқайд қараб туролмаган инсонлар ҳам йўқ эмасди:

Бор эди бу элда иккита ҳушёр,
Оқил, мурувватли ва покизакор.
Биттасининг номи Армоил покдин,
Яна бири эса Гармоил пешбин.

Улар Заҳҳокнинг саройига келиб ошпазлик қилиб, ҳар куни бир ёш йигитни ўлимдан халос этиб, эл кўзига кўринмай беркинишларини тайинлайдилар.

Ҳар ой тирик қолди ўттиз чоқ киши,
Уларни беркитмоқ ошпазлар иши.
Етиб икки юзга йиғилгач улар,
Ҳеч кимга билдирмай тоғ томон сурар.
Бу кун курд элига жад-аждод улар
Шаҳарни қилишмас ҳечам ёд улар.

Заҳҳок эса туш кўради. Бу тушнинг таъбирига кўра, у Жамшиднинг ўғли Фаридуннинг қўлида ўлим топшиши аён бўлади. Заҳҳок бу балонинг олдини олишга ҳаракат қилади. Ўзини адолатли подшо қилиб кўрсатишга ҳаракат қилиб, мақтов ёрлиғи ёздирди:

Халққа қараб ёзинг бу кун бир нидо:
Эзгулик тўхминни сочар подишо.

Сўзласа – сўзлари ростликдир фақат,
Ҳукмдор мулкида ҳоким адолат!
Илоншоҳ бўлса-да қанчалар жирканч,
Катталар қўрқувдан бўлдилар таянч.
Мақтов ёрлиғига имзо чекдилар,
Қари- ёш дилга ғаш тухмин экдилар.

Аmmo ўн саккиз ўғлидан фақат биригина тирик бўлиб, қолганлари Заҳҳок илонлари емишига айланган темирчи Кова бошчилигида халқ кўзғолони бошланади. У зolim шоҳнинг алдовларига учмайди. Халқ темирчи Кова ва Фаридун бошчилигида Заҳҳокнинг зулмига барҳам берадилар,

Аждаршоҳнинг кўрган туши амалга ошади.
Яратгувчи измин тутиб шоҳ Фарид,
Ёвузликни сурди жаҳондан муфид.
Аввало: банд этиб ташланди Заҳҳок,
Азобда кўз юмди у зolim ипоқ.
Иккиламчи: ота ўчини олди,
Аддан жаҳонни пок йўлга солди.
Учламчи: кўп ишдан дунё ювилди,
Ёвузлик, жаҳолат нари қувилди.

Савол ва топшириқлар:

1. Жамшиднинг аждоллари ҳақида сўзланг? Жамшид салтанатининг равнақи нимада эди?
2. Салтанатнинг таназзулига сабаб бўлган омилларни санаг. Матндан бу ўринларни топинг.
3. Жамшид фожиясига ўз муносабатини тизини билдириг. Жавобингизда қуйидаги мисралар маъмунини ҳам назарда тутиг:

Ўзлигин улуғлаб яздоншунос шоҳ,
Ҳақдан юз ўгирди, ношуқур, эй воҳ,
4. Заҳҳок ким? Унинг Жамшид билан қандай алоқаси бор?
5. Иблисининг найрағиллари, унинг мақсади дostonда қандай ёритилган?
6. Заҳҳокнинг елкасидаги икки илон сабаб азоб тортишига нима айбдор?
7. Қуйидаги парчада исмлари қайд этилган Армоил ва Гармоил кимлар ва улар қандай хайри иш қилишди?

Бор эди бу элда икки хушёр,
Оқил, муруватли ва покназор.
Биттасининг номи Армоил покани,
Яна бири эса Гармоил пешбони,
9. Заҳҳокнинг тақдир баёнида қандай ҳикмат бор?
10. Заҳҳок бадосига кимлар барҳам берадилар?
11. «Иккиламчи: ота ўчини олди,
Аддан жаҳонни пок йўлга солди», – мисраларини шарҳланг.
12. «Шоҳнома» даги яна қайси дostonларни ўқитгансиз ёки улар асосида ишланган қайси кинофильмларни тўргансиз?

МУНДАРИЖА

Бадий сўз қудрати.....	3
ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ – БЕБАҲО БОЙЛИК.....	11
АЛПОМИШ.....	11
Қалимга туркий адабиёт.....	36
ҚАДИМГИ ЁДГОРЛИКЛАР – МАЪНАВИЯТ ДУРДОНАЛАРИ.....	41
Тўнюқуқ битиги.....	46
МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АРАБЛАР ТОМОНИДАН ФАТҲ ЭТИЛИШИ ВА АРАБ МАДАНИЯТИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ	50
МАҲМУД КОШҒАРИЙ	54
ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК” АСАРИДАН.....	65
ТАСАВВУФ ВА АДАБИЁТ.....	72
ИМОМ АЛ - БУХОРИЙ.....	78
ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ.....	90
АҲМАД ЮГНАКИЙ.....	110
ДИДАКТИК АДАБИЁТ ҲАҚИДА.....	119
АҲМАД ЯССАВИЙ.....	121
НОСИРУДДИН РАБҒУЗИЙ.....	135
ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИ.....	147
САЙФИ САРОЙИ.....	161
ХОРАЗМИЙ.....	204
ЛУТФИЙ.....	216
АЛИШЕР НАВОЙИ.....	231
ҚИРҒИЗ АДАБИЁТИ ДУРДОНАСИ.....	261
МАНАС.....	261
ЖАҲОН АДАБИЁТИДАН.....	277
ФИРДАВСИЙ.....	277

Оқуу басылмасы

Б. Тўхлиев, С. Махсумханов, М Эргешова

Ўзбек адабияты

9-класс үчүн оқуу китеби

(өзбек тилинде)

Ўқув нашри

Б. Тўхлиев, С. Махсумханов, М Эргешова

Ўзбек адабиёти

9-синф учун дарслик

Бош муқаррир:	<i>А.Ўринбоев</i>
Техник муқаррир:	<i>М.Ахмедов</i>
Сахифаловчи:	<i>Д. Аббасова</i>
Корректор:	<i>С.Махсумханов</i>

Теришга берилди: 15.10.2011. Босишга рухсат берилди: 22.03.2012.
Формат 70x90 1/16. Шартли босма табоғи 18 б.т. Адади 14000

"Қоғоз ресурстар" босмахонасида чоп этилди.
Маңзил Ўш шаҳри, А.Мамиров кўчаси 86 г уй.

